

84 (Сн)
7

СҮЗ



К И М Ё С И

ЯН ПАРАНДОВСКИЙ

Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан тугилади. Парвардигор оламни сўз билан яратди ва «Бўл» дейиши билан у ҳам бўлди...

84 (4 по 11)

1721

ОУЗ

К И М Ё С И

ЯН ПАРАНДОВСКИЙ



Nizomiy nomli

Т Д Р У

kutubxonasi

У-8955/7



ЯНГИ АСР АВГОДИ

УЎК: 821.161-1-31

КБК: 84(4Пол)

П - 19

Парандовский, Ян

Сўз кимёси: бадиа-эссе / Ян Парандовский. Таржimonлар: О.Шарафиддинов, М.Акбаров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 464 б.

ISBN 978-9943-20-642-7

Ян Парандовский (1895 – 1978) поляк адабиётининг таникли намояндаларидан бири. «Ўт туташган осмон», «Мифология», «Олимпия доираси» каби асарлари, шунингдек, Оскар Уайльд тўғрисида «Хаёт кироли» ва Петрарка тўғрисида «Петрарка» романлари, ҳикоя ва эсселари билан машхур. Бироқ у бадий асарлари билан эмас, балки кўпроқ илмий-оммабоп асарлари ҳамда биографик романлари туфайли шуҳрат қозонган. Адибнинг энг машхур асари «Сўз кимёси» бўлиб, унда адабиётнинг бетакрор олами қизиқарли тарзда очиб берилган.

Ўнлаб тилларга таржима қилинган асар китобхонга адабиётни чуқурроқ тушунишда жуда катта ёрдам беради.

«Сўз кимёси» – ўн уч бобдан иборат бўлиб, унинг «Мукаддима»си билан дастлабки икки бобини Озод Шарафиддинов, қолган ўн бобини Мирзаали Акбаров ўзбек тилига ўгирган.

УЎК: 821.161-1-31

КБК: 84(4Пол)

Рус тилидан
Озод ШАРАФИДДИНОВ ва Мирзаали АКБАРОВ
таржималари

ISBN 978-9943-20-642-7

© Ян Парандовский, «Сўз кимёси». «Янги аср авлоди», 2022 йил.

МУҚАДДИМА

Менинг китобларимдан биронтаси ҳам бу қадар катта тарихга эга бўлмаган ва бошидан шунчалар саргузаштларни кечирмаган. Ҳаммаси чорак аср олдин жўнгина бир маърузадан бошланди. Мени Вильно шаҳрида адабий пайшанбаликларидан бирига таклиф қилишди ва мен нима тўғрисида гапирсам экан, деган масалада бироз қийналиб қолдим, чунки ўша кезларда бир асарни таҳрир қилиш билан банд бўлганим учун кўлимда дурустроқ бирон нарса йўқ эди. Бирдан ялт этиб бошимга бир фикр келиб қолди – адабий кечада ёзувчининг меҳнати тўғрисида гапириб берсам қалай бўларкин?

Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Ўшандаги мовий осмонли куз кунини яхши эслайман. Бу фикр бутун вужудимни қамраб олди – мен зўр илҳом билан алоҳида-алоҳида саҳифаларга бўлажак маърузанинг режасини ва айрим тафсилотларини қоралай бошладим. Эртасигаёқ Вильнога адабий кечада қатнашишга рози эканимни маълум қилдим ва маъруза мавзуини ҳам билдирдим.

Вильнога мен ноябрдагина бора олдим – қиш яқинлаб қолган, Остробрамск дарвозаси яқинидаги собиқ монастирнинг деразалари остида шамол увилларди. Бу ўша – Мицкевич турмада ўз камерасида ўтирганида эшитган шамолнинг ўзи эди. Мен ҳам шу ҳужрада хотиротлар ва арвоҳлар қуршовида тунадим. Ҳатто менда битта шамдан бошқа тузукрок

чирок ҳам йўқ эди – «Импровизация»дан шеър ўқий бошлашим билан бу «нобоп шам» ўчиб қолди.

Маърузадан кейин бўлиб ўтган баҳс мени маъруза мавзуини жуда ўринли танлаганимга ишонтирди. Тингловчилар ёзувчи меҳнати ҳақидаги маълумотларга жуда муштоқ эдилар. Улар мендан маъруза вақтида беришим мумкин бўлганга қараганда кўпроқ маълумот беришимни талаб қилишди, улар устма-уст саволлар ёғдириб, баъзи мавзуларни кенгроқ баён қилишимни, янги мавзуларни тилга олишимни талаб қилишди. Худди шу аҳвол ҳар гал бирон янги даврада маъруза ўқиганимда турли шаклларда такрорланаверди. Маърузамни ёзиб келган қоғозларнинг орқа томонида ҳар хил қайдлар пайдо бўлди, тингловчилар билан гаплашган гапларим ёзиб қўйилди.

Менда бу мавзуни кенгроқ ишлаш фикри туғилди, негаки бу масалаларга қизиқаётганлар жуда кўп эди. Аммо бошқа ишлар бу мавзуни орқага суриб қўйди. Охир пировардида мен ҳамма нарсани унутиб юборгандай кўринишим ҳам мумкин эди. Нега десангиз, мен аввалига ўзимнинг «Олимпия доираси» асарим билан, ундан кейин эса «Кўкни олов чулғаганда» асари билан жуда банд бўлдим.

Орадан кўп ўтмай пайқаб қолдим – ўқиган нарсаларим ҳақидаги мулоҳазаларимни ва ёзувчи меҳнати тўғрисидаги ўйларимни беихтиёр қоғозга тушира бошлабман. Ажойиб кунлардан бирида буларнинг барини – айрим-айрим варақлар, эски конвертлар, лахтак-лахтак қоғозларни йиғиб, битта масхус папкага жойлай бошладим. Бир неча йил мобайнида папка жуда семириб кетди. Бу – айни уруш арафасида рўй берди. 1939 йилнинг сентябрида мен уйдан чиққанимда, табиийки, бу папкалар уйда қолган эди. Мен ҳеч қанақа папкалар ва қоғозлар тўғрисида бир лаҳза ҳам ўйлаганим йўқ десам, бу гап, албатта, ҳеч

кимни ажаблантирмаса керак. Фақат қайғули 1941 йилдагина менинг кўлимга битта умумий дафтар тушиб қолди ва мен бу дафтарга йиғилган материални шошмай жойлаштириб чиқиб, аниқ китоб ёзиш мақсадида уларни қайта ишлай бошладим. Бу китобнинг хажми қандай бўлиши тўғрисида менда ҳали тасаввур йўқ эди, жуда кўп ёзсам юз – юз йиғирма бет ёзаман-да, деб ўйлаган эдим. Биринчи қоралама дафтарга иккинчиси қўшилди, кейин эса оккупация йилларидаги дарбадарликларим чоғида мен улардан ажралмай қўйдим. Бу дафтарлар сақланиб қолди, агар улар Варшавада қолганида эди, менинг ҳамма китобларим ва кўлёмаларимнинг қисмати уларнинг ҳам бошига тушар эди.

Урушдан кейин «Сўз кимёси» мен билан бирга Швеция, Норвегия, Францияларни кезиб чиқди, соатлаб умри Стокгольмдаги Қирол кутубхонасида, Париждаги Миллий кутубхонада ўтди – кўлёмма кўз ўнгимда катталашиб китобга айлана борди. Польшага қайтиб келганимдан кейин у ўзига хос текширувдан ўтди – мен шу ёзувлардан фойдаланиб, дорилфунунда бир курс маъруза ўқидим. Бу маърузалар бўлғуси китоб учун жуда муҳим бир босқич бўлди. Қайдлар ва ёзувларда истаган масала жуда ихчам, маърузаларда эса масала кенгайиб кетар, ҳар хил тафсилотлар билан бойирди. Улар янги-янги саволлар туғдирарди, натижада бундан кейин нималарга эътибор бериш кераклиги менга аён бўлиб қолар ва айрим муаммоларга мен баҳслар ва семинарларда қайта-қайта мурожаат қилардим.

Мана, қораламалар билан ишламай қўйганимга анча бўлиб қолди, машинкада оққа кўчириб ҳам бўлинди, турли боблар босилган, қоғозларнинг нави ва бичими ҳар хил эди, нафақат қоғоз, балки ҳарфларнинг шак-

чирик ҳам йўқ эди — «Импровизация»дан шеър ўқий бошлашим билан бу «нобоп шам» ўчиб қолди.

Маърузадан кейин бўлиб ўтган бахс мени маъруза мавзуини жуда ўринли танлаганимга ишонтирди. Тингловчилар ёзувчи меҳнати ҳақидаги маълумотларга жуда муштоқ эдилар. Улар мендан маъруза вақтида беришим мумкин бўлганга қараганда кўпроқ маълумот беришимни талаб қилишди, улар устма-уст саволлар ёғдириб, баъзи мавзуларни кенгроқ баён қилишимни, янги мавзуларни тилга олишимни талаб қилишди. Худди шу аҳвол ҳар гал бирон янги даврада маъруза ўқиганимда турли шаклларда такрорланаверди. Маърузамни ёзиб келган қоғозларнинг орқа томонида ҳар хил қайдлар пайдо бўлди, тингловчилар билан гаплашган гапларим ёзиб қўйилди.

Менда бу мавзуни кенгроқ ишлаш фикри туғилди, негаки бу масалаларга қизиқаётганлар жуда кўп эди. Аммо бошқа ишлар бу мавзуни орқага суриб қўйди. Охир пировардида мен ҳамма нарсани унутиб юборгандай кўринишим ҳам мумкин эди. Нега десангиз, мен аввалига ўзимнинг «Олимпия доираси» асарим билан, ундан кейин эса «Кўкни олов чулғаганда» асари билан жуда банд бўлдим.

Орадан кўп ўтмай пайқаб қолдим — ўқиган нарсаларим ҳақидаги мулоҳазаларимни ва ёзувчи меҳнати тўғрисидаги ўйларимни беихтиёр қоғозга тушира бошлабман. Ажойиб кунлардан бирида буларнинг барини — айрим-айрим варақлар, эски конвертлар, лахтак-лахтак қоғозларни йиғиб, битта масхус папкага жойлай бошладим. Бир неча йил мобайнида папка жуда семириб кетди. Бу — айна уруш арафасида рўй берди. 1939 йилнинг сентябрида мен уйдан чиққанимда, табиийки, бу папкалар уйда қолган эди. Мен ҳеч қанақа папкалар ва қоғозлар тўғрисида бир лаҳза ҳам ўйлаганим йўқ десам, бу гап, албатта, ҳеч

кимни ажаблантирмаса керак. Фақат қайғули 1941 йилдагина менинг қўлимга битта умумий дафтар тушиб қолди ва мен бу дафтарга йиғилган материални шошмай жойлаштириб чиқиб, аниқ китоб ёзиш мақсадида уларни қайта ишлай бошладим. Бу китобнинг ҳажми қандай бўлиши тўғрисида менда хали тасаввур йўқ эди, жуда кўп ёзсам юз – юз йигирма бет ёзаман-да, деб ўйлаган эдим. Биринчи қоралама дафтарга иккинчиси қўшилди, кейин эса оккупация йилларидаги дарбадарликларим чоғида мен улардан ажралмай қўйдим. Бу дафтарлар сақланиб қолди, агар улар Варшавада колганида эди, менинг ҳамма китобларим ва қўлёзмаларимнинг қисмати уларнинг ҳам бошига тушар эди.

Урушдан кейин «Сўз кимёси» мен билан бирга Швеция, Норвегия, Францияларни кезиб чиқди, соатлаб умри Стокгольмдаги Кирил кутубхонасида, Париждаги Миллий кутубхонада ўтди – қўлёзма кўз ўнгимда катталашиб китобга айлана борди. Польшага қайтиб келганимдан кейин у ўзига хос текширувдан ўтди – мен шу ёзувлардан фойдаланиб, дорилфунунда бир курс маъруза ўқидим. Бу маърузалар бўлғуси китоб учун жуда муҳим бир босқич бўлди. Қайдлар ва ёзувларда истаган масала жуда ихчам, баъзан бор-йўғи бир неча сўзда баён қилинарди, маърузаларда эса масала кенгайиб кетар, ҳар хил тафсилотлар билан бойирди. Улар янги-янги саволлар туғдирарди, натижада бундан кейин нималарга эътибор бериш кераклиги менга аён бўлиб қолар ва айрим муаммоларга мен баҳслар ва семинарларда қайта-қайта мурожаат қилардим.

Мана, қораламалар билан ишламай қўйганимга анча бўлиб қолди, машинкада оққа кўчириб ҳам бўлинди, турли боблар босилган, қоғозларнинг нави ва бичими ҳар хил эди, нафақат қоғоз, балки ҳарфларнинг шак-

ли ҳам хилма-хил эди. Буларнинг бари мамлакатлар, шаҳарлар, кўчалар тўғрисида хотиралар уйғотар, гоҳ кўз ўнгимда қарағай хидларига тўлган Вигбюхольм гавдаланар, гоҳ Сен-Мишель ва Люксембург боғининг кузги дарахtlари намоён бўлар, баъзан эса қор босган сокин Люблин пайдо бўларди.

Тўсатдан бу саҳифаларни шабада юлқиб ўйнай бошлади. Турли журналларнинг илтимосига кўра айрим парчаларни тайёрламоқда ва навбатма-навбат эълон қилмоқда эдим. Уларни чоп эттирар эканман, ҳар қайсисига мос келадиган сарлавҳалар кўярдим. Бир йилдан кейин мен ўзимнинг китобимни таниёлмай қолдим. Унинг қисmlаридан биронтаси ҳам дастлабки қиёфасини сақлаб қолмапти, композицияси ўзгариб кетипти, кўпинча бир парча иккинчисига суқилиб кириб қолипти, баъзан эса биронта очофат қисм унга боғлиқ бўлмаган ва ундан анча нари турадиган қисмнинг ичидаги бор-будини «еб» кўярди, баъзан эса баъзи бир мутлақо янги парчаларни ҳам қўшишга тўғри келди. Уларни қисм деб айтсакмикин ёки булар аввалда кўзда тутилган бобмикин, майли-да!

Мен нима қилишимни билмай гаранг бўлиб қолдим. Менинг ёзувчилик фаолиятимда тез-тез рўй бериб турадиган ҳолат рўй берди – ўтириб, ҳаммасини бошидан янгидан ёзиб чиқиш иштиёқига тушиб қолдим. Лекин мен бунақа кўнгил майлларига берилиб кетолмас эдим, чунки китоб икки ойдан кейин босмаҳонада бўлмоғи керак эди. Ёз фасли эди, кўп қисми газета қийқимларидан ташкил топган бир уюм варақлар мен билан бирга таътилга чиқди. Устка деб аталган чоғроқ маҳзун шаҳарча хотирамга ўрнашиб қолди. Мен бу шаҳарчада бир-бирини алмаштириб лип-лип ўтиб турган кунлар мобайнида «Сўз кимёси»нинг тарқоқ саҳифаларини бир-бирига тикиш билан банд бўлдим. Шу шаҳарчада китобнинг узундан-узок

саргардонлиги хотима топди ва бир неча ойдан сўнг китоб босилиб чиқди. Китобни янги саргузаштлар кутмоқда эди. У жуда тез тарқаб кетди, қисқа муддат ичида у нодир китобга айланиб қолди. Одатда асрлар давомида яшаб келган асарларга нисбатан қўлланилган «нодир», «ноёб» деган муборак унвонларни тувилганига атиги бир неча ой ўтган китобга нисбатан қўллаш жоиз бўлса, менинг китобим ҳам «ноёб» асарлар сирасига кириб қолди. Китоб теварагида қанчадан-қанча гап-сўзлар бўлди, латифалар тўқилди, булар муаллифнинг иззат-нафсига роса хуш ёқди. Баъзан эса борган сари нархи кўтарилиб бораётган бу нодир китобни излаб топиш билан ўзим ҳам шуғулланишимга тўғри келди – уни баъзи бир ошналаримга тортиқ этишим керак эди – шундоқ қилмасам, улар менинг хасис эмаслигимга ва китобимни уйда босиб ётмаганимга асло ишонмас эдилар.

Ҳаётлигида библиографик нодир асарнинг муаллифига айланиб қоладиган муаллифларнинг аҳволи анча ноқулай ва ғалатирок. Мени танишадиган китоб дўконларни четлаб юришга тўғри келди, бўлмаса, «Сўз кимёси»нинг янги нашри қачон чиқиши ҳақидаги саволларга кўмилиб кетган бўлардим. Худди шунга ўхшаш муаллифлик кечасидан кейин устимга ёпирилиб мени холи-жонимга қўймайдиган китобхонларни хаёлимга келтиришим биланоқ дарҳол изтироб чека бошлайман. Мен вақтим йўқ эканини, бошқа ишлар билан банд эканимни, бошлаб қўйган ишларимни тугатишим биланоқ «Сўз кимёси» тўғрисида ўйлаб кўришимни айтиб, улардан қутулишга ҳаракат қиламан. Менинг гапларимни кўпинча шунчаки бир баҳона, деб қабул қилар эдилар.

Бироқ бу гаплар рост эди. «Одиссея», «Қуёш соати», «Петрарка» деган китоблар галма-галдан «Кимё» билан шуғулланишимга халақит бериб тур-

ди. Холбуки, бу китоб бутунлай кўнглимдан чикмай колган эди. Бироқ бу хол менга ёрдам беришдан кўра жиддий бир тўсикка айланди. Ўқтин-ўқтин мен китобнинг саҳифалари орасига мулоҳазалар ёзилган варақларни тикиб кўяр ёхуд китоб хошияларига муҳим қўшимчаларни ёзиб кўярдим. Варақлар ҳам, хошиядаги битиклар ҳам шу даражада кўп йиғилиб қолдики, китобни бу аҳволда босмаҳонага жўнатиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ҳаммасини тартибга келтириш ва машинкада қайта бостиришга бериш керак эди. Бу ишни фақат бу йил ёзда – «Петрарка»ни тамомлаганимдан кейингина амалга ошириш имкони бўлди.

«Сўз кимёси» яна семириб кетди, унинг бирор боби йўқки, унга бир неча саҳифа қўшилмаган бўлсин, мутлақо янги қисмлар пайдо бўлди. Шунга қарамай, мен китоб энг сўнгги чегарасига етди, бундан буён у тугал бир асар сифатида тинчгина умргузаронлик қилмоғи мумкин, деб ўйламайман. Яқин орадаги қайта нашр вақтида, ҳатто ундан ҳам аввал – корректура ўқиш вақтида кўзимга аён кўриниб турибдики, китобнинг бир неча жойида жумлаларнинг равон оқими янги қўшимчаларнинг ёриб кириши билан бузилади. Бу қўшимчалар аллақачон менинг ён дафтарларимда пайт пойлаб ётибди.

Сирасини айтганда, бунга ўхшаган китобларда ҳеч қачон сўнгги нуқтани қўйиб бўлмайди. Уларга ҳамиша янги кузатишлар ва мулоҳазалар қўшиб боришади, уларнинг кенг хошияларига ҳамиша бирон янги фактни ёхуд янги фикрни ёзиб қўйишга истак бўлади. Бунинг боиси шундаки, бу мавзу муаллифнинг тажрибаси ва унинг ўз асарига садоқати билан барабар бир вақтнинг ўзида кенгайиб боради. Шундай ёзувчилар борки, улар ўз асарлари тўғрисида гапиришни ёқтирмайдилар, уларнинг қаламкаш

дўстлари билан улфатчилик қилишга тоқатлари йўқ, улар ҳатто китоб ҳам ўқимайди, аммо кўпчилик ёзувчилар бошқа ёзувчилар тўғрисида мулоҳаза юри-тишдан тортинмайдилар ва шахсий эътирофлардан ҳам ўзларини олиб қочмайдилар. Баъзилар ўз асар-ларига ёзилган мукаддималарда ёки хотираларида фикр билдирадилар, бошқалари эса танқидий мақо-лаларда, эсселарда, фельетонларда ўз қарашларини баён этадилар. Бундай асарларда улар конкрет ми-солларда ёзувчилик санъати муаммоларини қўйиш ва ҳал қилиш имконига эга бўладилар; ҳатто энг босиқ ва оғир ёзувчилардан ҳам шундай мактуб ёздириб олиш ёхуд уни суҳбатга тортиш мумкинки, улар-да адиб билиб-билмай нималарнидир эътироф этади ёхуд нималарнидир ўргатади.

«Сўз кимёси»да муайян миқдорда эътирофлар ва ақл ўргатишлар бор албатта, бироқ айрим китобхон-ларга улар боридан кўра кўпроқ туйиляпти. Бундай китобхонларнинг назарида мазкур китоб, биринчи-дан, шахсан ўзимнинг ёзувчилик меҳнатим тўғри-сидаги қисса бўлиб туйилиб, фақат мен бу хикоя-ни бошқа ёзувчиларнинг тажрибаларидан олинган мисоллар билан пардалаб берган эмишман, иккин-чидан эса, бу асар ҳали касб сирларини эгаллаб улгурмаган ёзувчилар учун панд-насихатдан иборат эмиш. Тўғрисини айтганда, бир вақтлар менда шу-нақа ният бўлган эди. Лекин мен бу ниятни бошқача тарзда амалга оширмакчи бўлгандим, яъни «ёзувчи-лик санъати мактаби» деган ном остида мактаб ёхуд институт очмокчи бўлгандим. Аммо менинг лойи-хамни эшитиб роса лол қолишди, ғашлари келди, ошқора ёқтиришмади. Мени ўртага олишиб, «адабий даҳолар учун тайёрлов мактаби»ни очмокчимисан, деб дашном беришди, лекин дашном берганларнинг биронтаси эсламадики, ёзувчилик санъатига кириш

нафақат бўлғуси даҳоларга керак. Ахир, ўзи ҳеч қачон ёзувчилик қилмаса-да, касби-корининг тақозосига кўра сўз билан рўпарама-рўпара келадиган кўпгина одамларга ҳам адабиёт алифбесини билмок зарур-ку! Ахир, мен адабиёт учун таклиф қилган нарсани кўпдан бери бошқа санъатлар соҳасида мавжуд-ку? Масалан, муסיқачилар учун консерваториялар, рассомлар ва ҳайкалтарошлар учун тасвирий санъат мактаблари мавжуд.

Менинг ўша лойиҳам аллақачон унут бўлиб кетди, бу китобнинг унга алоқаси йўқ. Бу на устига янгида тортилган кундалик, на ёзувчилик санъати бўйича дарсликдир. Унинг мақсади – китоб билан мулоқотга киришадиган одамларни китобнинг туғилиш жараёни билан, адиб ҳаёти ва ижодининг турли қирралари билан таништиришдир. Ёзувчининг китобини қўлга олган кўпгина китобхонлар масаланинг бу жиҳатлари туғрисида ўйланиб ҳам ўтирмасликлари мумкин. Мен тадқиқотчи олим эмасман, шунинг учун ҳам бу китобга қалбимнинг қўрини имкони борича кўпроқ тўқишга ҳаракат қилдим. Ахир, бутун ҳаётингни бағишлаган, ҳамма орзу-умидларингни тухфа этган нарсанга қалбининг қўрини тўқасан-да!

Дехқончилик, кемачилик, савдо-сотик, тиббиёт, жамики кашфиётлар, ҳунарлар ва санъатларнинг сарчашмаларида ўз мифологияси бўлгани каби адабиёт сарчашмасида ҳам ўз мифологияси бор, чунки инсон фикри жамики кашфиётларни ғайритабиий кучларнинг иштирокисиз ўзиники деб эълон қилишга журъат этган эмас. Шунинг учун адабиёт ҳам бир замонлар ўз бешигини «худолар» ва қаҳрамонлар дунёсидан излаган. Бу ижодий иқтидорнинг ғаройиблигига ва сўз санъатининг сирли тарихига ҳам мос келади. Мабудлар ўзлари танлаб олган одамларининг овзига тупуриб қўйишган, пайғамбарлар «оловли тош»ни тилга олишади, Гесиод эса Геликон тоғларининг адирларида отасининг қўйини боқиб юрган кезларида илоҳалар унга қандай қилиб қўшиқлар ўргатишганини ҳикоя қилади. Бир неча эпиграммада эса асаларилар ухлаб ётган Афлотуннинг лабларига асал суриб кетганини айтишади. Кейинчалик бу тимсолларнинг ўрнига «Тангрининг инояти», «истеъдод, иқтидорнинг туғма экани» тўғрисидаги тушунчалар келади.

Худо ёрлақаган одамлардан пайғамбар ва авлиёлар чиқади. Эски Ахд китобларини сўз санъатининг энг юксак парвозлари қаторига қўймоқ керак. Лекин ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайдикки, Исаё билан Иеремия ўз маҳоратларини ёзувчилик усулларини пухта ўйлаш йўли билан ўзлаштирган эдими ёки улар ўзлари учун ифода шаклларини танлаганларида

нафақат бўлғуси даҳоларга керак. Ахир, ўзи ҳеч қачон ёзувчилик қилмаса-да, касби-корининг тақозосига кўра сўз билан рўпарама-рўпара келадиган кўпгина одамларга ҳам адабиёт алифбесини билмоқ зарур-ку! Ахир, мен адабиёт учун таклиф қилган нарсани кўпдан бери бошқа санъатлар соҳасида мавжуд-ку? Масалан, муסיқачилар учун консерваториялар, рассомлар ва ҳайкалтарошлар учун тасвирий санъат мактаблари мавжуд.

Менинг ўша лойиҳам аллақачон унут бўлиб кетди, бу китобнинг унга алоқаси йўқ. Бу на устига парда тортилган кундалик, на ёзувчилик санъати бўйича дарсликдир. Унинг мақсади – китоб билан мулоқотга киришадиган одамларни китобнинг туғилиш жараёни билан, адиб ҳаёти ва ижодининг турли қирралари билан таништиришдир. Ёзувчининг китобини қўлга олган кўпгина китобхонлар масаланинг бу жиҳатлари тўғрисида ўйланиб ҳам ўтирмасликлари мумкин. Мен тадқиқотчи олим эмасман, шунинг учун ҳам бу китобга қалбимнинг қўрини имкони борича кўпроқ тўқишга ҳаракат қилдим. Ахир, бутун ҳаётингни бағишлаган, ҳамма орзу-умидларингни тухфа этган нарсангга қалбингнинг қўрини тўқасан-да!



Дехқончилик, кемачилик, савдо-сотик, тиббиёт, жамики кашфиётлар, хунарлар ва санъатларнинг сарчашмаларида ўз мифологияси бўлгани каби адабиёт сарчашмасида ҳам ўз мифологияси бор, чунки инсон фикри жамики кашфиётларни ғайритабиий кучларнинг иштирокисиз ўзиники деб эълон қилишга журъат этган эмас. Шунинг учун адабиёт ҳам бир замонлар ўз бешигини «худолар» ва қаҳрамонлар дунёсидан излаган. Бу ижодий иқтидорнинг ғаройиблигига ва сўз санъатининг сирли тарихига ҳам мос келади. Мабудлар ўзлари танлаб олган одамларининг оғзига тупуриб қўйишган, пайғамбарлар «оловли тош»ни тилга олишади, Гесиод эса Геликон тоғларининг адирларида отасининг қўйини боқиб юрган кезларида илоҳалар унга қандай қилиб қўшиқлар ўргатишганини ҳикоя қилади. Бир неча эпиграммада эса асаларилар ухлаб ётган Афлотуннинг лабларига асал суриб кетганини айтишади. Кейинчалик бу тимсолларнинг ўрнига «Тангрининг инояти», «истеъдод, иқтидорнинг тўғма экани» тўғрисидаги тушунчалар келади.

Худо ёрлакаган одамлардан пайғамбар ва авлиёлар чиқади. Эски Аҳд китобларини сўз санъатининг энг юксак парвозлари қаторига қўймоқ керак. Лекин ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайдикки, Исаия билан Иеремия ўз маҳоратларини ёзувчилик усулларини пухта ўйлаш йўли билан ўзлаштирган эдими ёки улар ўзлари учун ифода шаклларини танлаганларида

бу шакл уларга адабиётда қандай ўрин олиб келиши мумкинлигини олдиндан синчиклаб ҳисоб-китоб қилиб чиққан эдими? Худди шунингдек, хаворий Павелнинг мактублари ҳам ўз услубига кўра жуда зўр илҳом билан ёзилган. Уларда юнон адабий аънагалари дадил равишда бузилган. Уларда фикрнинг, ҳар қандай қилиб бўлса-да айтилмаса бўлмайдиган, ҳатто грамматик қонун-қоидаларнинг бузилиши эвазига бўлса-да, муқаррар тарзда айтилиши зарур бўлган сўз билан аёвсиз ва шиддатли кураши акс этган: фикр ифодаланиши керак, лекин сўз фикрга бўйсунини истамайди. Айни шунинг учун бу ўриндаги мажбурлаш жуда қудратли бўлади, шу даражада қудратли бўладики, уни илоҳий ходиса сифатидагина, илоҳий қудратнинг намоён бўлиши дебгина қараб бўлмайди. Ҳолбуки, ана шу мажбурлаш ижоднинг ҳақиқий манбандир, ижоднинг ўзи эса улўф қалбнинг шуъласи, холос. Замондошлари унинг қалбидаги оловнинг жонли ёлқинларига рўпара келганида бундай одам нечоғлик қудратли таъсир кучига эга бўлмоғи керак.

Авлиёларнинг асарлари ҳам кишини худди шу даражада ларзага солади. Уларда сўз ифодалаб бўлмайдиган нарсалар ҳам ифодаланади. Бундай асарларда сўз билан қалбнинг шунақа ҳолатларига садоқат билан хизмат қиладик, аслини олганда сўз бунинг учун яратилган эмас. Бу ҳолатлар сўзнинг хизматидан фойдаланмай ҳам кунларини кўраверишлари мумкин. Авлиёларда баъзан сўз инсон табиатининг номукаммаллигига гувоҳ сифатида кўринади. Бу номукаммаллик инсон табиатининг тингловчиларсиз ва ҳамкорларсиз иш юритишга ноқобиллигида намоён бўлади. Жазава, завқ, хаёлот манзаралари билан суғорилган сеҳр қувватлари сўзда мужассам топади, лекин эндиликда бу қалб кўри совиб қолган бўлади.

Бундай ҳолларда сўнган ёлқин учун фақат бир имконият қолади – у шундай бир маънавий муҳит билан мулоқотга киришмоғи зарур бўладики, бу муҳит ўша сўнган ёлқинни янгидан ёндира олсин. Бошқача айтганда, у ўзига яқин, ўзи билан қардош мистик қалб билан мулоқот қилмоғи зарур бўлади. Аммо бепоён Коинотда икки юлдузнинг учрашуви нақадар имконсиз бўлса, бундай учрашувнинг рўй бериши ҳам шунчалик қийиндир. Кундалик ҳаётда эса сўнган кулни титкиловчи шарҳчилар қолади, холос.

Инсоният динларида, миллатларда, жамиятларда, ғояларда, аъмолларда ҳамиша ўзларининг авлиёлари бўлади. Улар ўз динлари, миллатлари ёхуд ғоя ва аъмоллари учун жонларини фидо қилишга тайёр, уларга мадад беришга, уларни улуглашга ҳаракат қилишади. Буларни амалга оширишнинг табиий воситаси ҳаракат, фаолиятдир, сўз эса кўпинча бу воситалар ўрнини босувчи омил сифатида кўринади, баъзан эса ҳаракатдан воз кечилганда, бунинг оқибати сифатида сўз асосий воситага айланади. Агар шароит тақозо қилмаса-ю, авлиё ота черков ёки бирон диний мазҳабнинг раҳбари ўрнини эгалламаса, халқ устидан ёхуд бирон-бир инсонлар жамоаси устидан, масалан, сиёсий партия устидан ҳокимликни қўлга кирита олмаса, бундай ҳолларда сўз ягона қуролга айланиб қолади. Эҳтимол, биз бу улугвор атамани бир оз суниистеъмол қилаётгандир-миз, лекин «авлиёлик» сўзи ёзувчилик фаолиятининг ана шу турини бошқа ҳар қандай сўздан кўра яхшироқ ифодалайди. Бунда камситилган фаолият одамларининг сўнгги каторларида қариб қолган давлат арбоблари ёхуд истеъфодаги генераллар туради. Улар хотиралар, рисоалар, памфлетлар ёзишади ва баъзан бу ёзганлари муаллифларнинг фаолиятига караганда узокрок умр кўради.

Ёзувчи бўлиб туғилмоқ керак, деб ҳисоблайдиган одамлар бу ерда шубҳа учун анча-мунча асослар топиши мумкин. Пайғамбар, авлиё, сиёсий арбоб, дохийлар ёзувчиликни ўзларининг асосий мақсадлари деб билмайдилар, ўз истеъдодлари чинакамига намоён бўладиган асосий соҳа деб ҳисобламайдилар, ёзувчилик улар фаолиятининг шаклларида бири, холос, у ҳамма вақт ҳам фойдали бўлавермайди, баъзан обрўга путур етказмоғи ҳам мумкин, баъзан эса бундай фаолият билан шуғулланмай қўяқолган ҳам маъкул. Ёзувчилик дастлабки пайтларда уларнинг эътироф этилишининг ўрнини босган! Уни гоёга, жамоат манфаатларига, илм-фанга хизмат қилишга мажбур қилишган ва шундай бўлганки, қалам ўзи курашган аъмолнинг галабасини мустаҳкамлаш ўрнига, фақат ўзининг шон-шухратини ёйиш билан машғул бўлган.

Мана, масалан, Жан Жак Руссони олайлик. У «Иқрорнома»сида Париж билан Венсен оралиғида бот-бот сайр қилиб тургани ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг орасидаги масофа икки милни ташкил қилар экан. Сайри давомида у тўхтаб, бирпас дам олиб олар экан. Бундай пайтларда у хамиша ёнида олиб юрадиган бирор китобчани ўқир экан. «Бир куни «Меркюр де Франс» журналининг ўзим билан олиб олдим ва сайр қилиб юриб, уни варақлаб чиқдим. Журналда Дижондаги Академия танлов эълон қилиб, китобхонлар эътиборига жавоб бериш учун бир савол таклиф этган экан. Савол бундай эди: «Илм-фан ва санъатларнинг тараққиёти одамлар ахлоқини ёмонлаштирдими ёхуд яхшилашга ёрдам бердими?» Мен бу саволни ўқиб чиқдим-у, тўсатдан кўз ўнгимда бошқа бир дунё намоён бўлди ва ўзим ҳам бошқа одам бўлиб қолдим. Венсенга етиб боргунча ҳаяжоним роса авжига чиқди ва бамисо-

ли жинни бўлиб қолаёзим. Дидро бу ҳолатимни сезди, мен унга сабабини айтдим. У мени фикрларимни қоғозга тушириб, бу танловда иштирак этишга кистай бошлади». «Иқрорнома»нинг бошқа бир жойида Руссо яна бир нечта қизиқ тафсилотларни илова қилади. «Мабодо бирон замонда кўкқисдан пайдо бўлган илҳом деган нарса мавжуд бўлса, ҳозир мен танлов ҳақидаги гапларни ўқиб чиқиб, худди шу аҳволга тушган эдим». Руссо юраги ўйнаб кетганини, кўзлари тиниб, боши айланганини айтади, йўл бўйидаги дарахтлардан бирининг тагида йиқилиб қолганини, у ерда аллақандай тийиксиз жазавасини босолмай ярим соатдан мўлроқ ётганини, кейин оёққа турганида эса устидаги нимчаси кўзёшларидан жикка хўл бўлиб кетганини эътироф этади. Дидро билан Мармонтелнинг баёнида воқеа бир мунча бошқачароқ тусга эга эди. Дидро Жан Жак Руссонини хур фикрлиликнинг кишини гангитиб қўядиган чингал йўлларига бошлашда ташаббус мenden чиққан, мен туртки берганман, деб даъво қилади. Дидронинг ҳикояларида анча-мунча миқдорда гашлик, бахиллик сезилиб туради. Лекин дабдурустдан фикри ёришиб кетгани ва кўкқисдан ўз йўлини кашф этгани ҳақидаги гап қолади. Буни чинакам иқтидор ходисаси деса бўлади.

Гарчи уни Санъатлар овози эмас, Фикр овози чорлаган бўлса-да, Руссо ўшандан бошлаб ёзувчига айланди, бир мавзудан иккинчи мавзу сари борди, муҳаббати тарихини баён қилди, табиат гўзалликларини бамисоли рассомдай тасвирлади, оҳангдор насрда қалбидаги дардлардан, сиру асрорлардан ҳаммани огоҳ қилди. Бу ўринда не демоқ керак? Танлов мавзуси билан боғлиқ воқеа шунчаки бир тасодиф бўлганми? Бу икки ҳодиса тасодифан бир-бирига уйғун келиб қолганми? Мутлақо бундай эмас. Йиллар

Ёзувчи бўлиб туғилмоқ керак, деб ҳисоблайдиган одамлар бу ерда шубҳа учун анча-мунча асослар топиши мумкин. Пайғамбар, авлиё, сиёсий арбоб, дохийлар ёзувчиликни ўзларининг асосий мақсадлари деб билмайдилар, ўз истеъдодлари чинакамига намоён бўладиган асосий соҳа деб ҳисобламайдилар, ёзувчилик улар фаолиятининг шаклларида бири, холос, у ҳамма вақт ҳам фойдали бўлавермайди, баъзан обрўга путур етказмоғи ҳам мумкин, баъзан эса бундай фаолият билан шуғулланмай қўяқолган ҳам маъқул. Ёзувчилик дастлабки пайтларда уларнинг эътироф этилишининг ўрнини босган! Уни ғояга, жамоат манфаатларига, илм-фанга хизмат қилишга мажбур қилишган ва шундай бўлганки, қалам ўзи курашган аъмолнинг галабасини мустаҳкамлаш ўрнига, фақат ўзининг шон-шухратини ёйиш билан машғул бўлган.

Мана, масалан, Жан Жак Руссони олайлик. У «Иккоронома»сида Париж билан Венсен оралиғида бот-бот сайр қилиб тургани ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг орасидаги масофа икки милни ташкил қилар экан. Сайри давомида у тўхтаб, бирпас дам олиб олар экан. Бундай пайтларда у хашиша ёнида олиб юрадиган бирор китобчани ўқир экан. «Бир куни «Меркюр де Франс» журналининг ўзим билан олиб олдим ва сайр қилиб юриб, уни варақлаб чиқдим. Журналда Дижондаги Академия танлов эълон қилиб, китобхонлар эътиборига жавоб бериш учун бир савол таклиф этган экан. Савол бундай эди: «Илм-фан ва санъатларнинг тараққиёти одамлар ахлоқини ёмонлаштирдими ёхуд яхшилашга ёрдам бердими?» Мен бу саволни ўқиб чиқдим-у, тўсатдан кўз ўнгимда бошқа бир дунё намоён бўлди ва ўзим ҳам бошқа одам бўлиб қолдим. Венсенга етиб боргунча ҳаяжоним роса авжига чиқди ва бамисо-

ли жинни бўлиб қолаёзим. Дидро бу ҳолатимни сезди, мен унга сабабини айтдим. У мени фикрларимни қоғозга тушириб, бу танловда иштирок этишга кистай бошлади». «Иқрорнома»нинг бошқа бир жойида Руссо яна бир нечта қизиқ тафсилотларни илова қилади. «Мабодо бирон замонда кўкқисдан пайдо бўлган илҳом деган нарса мавжуд бўлса, ҳозир мен танлов ҳақидаги гапларни ўқиб чиқиб, худди шу аҳволга тушган эдим». Руссо юраги ўйнаб кетганини, кўзлари тиниб, боши айланганини айтади, йўл бўйидаги дарахтлардан бирининг тагида йиқилиб қолганини, у ерда аллақандай тийиқсиз жазавасини босолмай ярим соатдан мўлроқ ётганини, кейин оёққа турганида эса устидаги нимчаси кўзёшларидан жикқа хўл бўлиб кетганини эътироф этади. Дидро билан Мармонтелнинг баёнида воқеа бир мунча бошқачароқ тусга эга эди. Дидро Жан Жак Руссони хур фикрлиликнинг кишини гангитиб қўядиган чигал йўлларига бошлашда ташаббус мендан чиққан, мен туртки берганман, деб даъво қилади. Дидронинг ҳикояларида анча-мунча миқдорда ғашлик, бахиллик сезилиб туради. Лекин дабдурустдан фикри ёришиб кетгани ва кўкқисдан ўз йўлини кашф этгани ҳақидаги гап қолади. Буни чинакам иктидор ҳодисаси деса бўлади.

Гарчи уни Санъатлар овози эмас, Фикр овози чорлаган бўлса-да, Руссо ўшандан бошлаб ёзувчига айланди, бир мавзудан иккинчи мавзу сари борди, муҳаббати тарихини баён қилди, табиат гўзалликларини бамисоли рассомдай тасвирлади, оҳангдор насрда қалбидаги дардлардан, сиру асрорлардан хаммани огоҳ қилди. Бу ўринда не демок керак? Танлов мавзуси билан боғлиқ воқеа шунчаки бир тасодиф бўлганми? Бу икки ҳодиса тасодифан бир-бирига уйғун келиб қолганми? Мутлақо бундай эмас. Йиллар

мобайнидаги орзулари ва дастлабки изланишлари, машқлари билан Руссо заминга ишлов бериб юмшатиб қўйган эди. Шу заминга уруф ташланган эди. Рост ўша дақиқага қадар бастакор сифатида шуҳрат қозонишни орзу қиларди – аллақачон унинг папкасидан «Нарцисс» деган Мариво услубида насрда ёзилган кичик комедия, «Янги дунёнинг кашф этилиши» деган трагедия ва бир даста шеърый миниатюралар жой олган эди. Сиёсатчилар ва дохийларда ҳам ёзувчи бўлишнинг ана шундай ниш урган белгилари ошкор қилинмай ва амалга оширилмай қолиб кетарган. «Анабасис» – Ксенофонтнинг ҳарбий кампаниялар вақтида тутган кундалиги, аммо унинг педагогик романи (Руссо «Эмил»нинг прототипи) ҳам, Сукрот ҳақидаги хотиралари ҳам, тарихий қайдлари ҳам мавжуд. Наполеон ўзининг ҳарбий юришларини тасвирлаш ва прокламациялар ёзиш билан ўз қаламига мангулик шуҳратини келтирмасдан аввал, ёшлигида соф адабий асарлар ҳам машқ қилган. Юлий Цезарь «Галлия уруши ҳақидаги қайдлар»ини ёзгунга қадар услубият муаммоларига қизиққан.

Одамда ёзувчилик майллари ва қобилиятининг тўсатдан уйғониши унинг ўзи учун кутилмаган ҳодиса бўлади, бироқ бу унинг ичида анчадан бери пишиб, етилиб келаётган бўлади. Минглаб одамларни айнан бир хил ижтимоий, сиёсий ва диний эхтирослар илҳомлантириши мумкин, бироқ уларнинг ичида биргина инсон – Станислав Ожеховский турли-туман сеймлар ва сеймчалардаги даҳанаки жанглардан қаноат ҳосил қилмай, ўзининг ғазабини, кўнгил ёлқинларини, ташвишларини, нафрати ва орзу-умидларини қўйма олтиндек бебаҳо насрда ифодалаб беради. У ўзининг ақл-заковати, қобилиятлари билан бошқалардан ўзиб кетганми? Бунга шак-шубҳа йўқ. Аммо бу қобилиятлар ичида биттаси борки, гарчи у узок

вакт ўзини ошкор қилмай келган бўлса-да, бошқаларига қараганда кучлироқ ривожланган. Бу – сўзда канча яширин қудрат бор эканини хис қила олиш ва бу қудратни бўйсундира олиш қобилиятидир.

Бирор ғоядан илҳом оладиган ёзувчи билан ёзувчилик инстинктининг ундови билан ижод қиладиган ёзувчи ўртасида тафовут бор. Ғоядан илҳом оладиган ёзувчи бир неча хил фаолият қуроллари орасидан қаламни танлаб олади ва борди-ю, қаламни танлаш унинг учун бирдан-бир ягона имконият бўлган бўлса, олдига қўйган вазифасини адо этиши биланоқ қаламни бир чеккага йиғиштириб қўяди. Иккинчи тоифа ёзувчи учун эса ҳаётдан кўз юмгандан кейингина ижод тамом бўлади. Петрарка айтганидек: «Scribendi vivendique mihi unus finis erit» («Мен яшашдан тўхтаганимдан кейин ёзишдан тўхтаман»). Бу баъзан жамият билан тўқнашувларга олиб келади. Изтиробли адашишлар ва кўнгил қолишларнинг сабабчиси бўлади, баъзан эса ўтмишда маҳорат юксакликларига кўтарилган шоир арзон-гаров муваффақиятга эришиш дардида сахна асарлари ёза бошласа, фожиаларга ёхуд қайғули масхарабозликларга олиб келмоғи мумкин. Донолик билан ўз-ўзидан воз кечишнинг намунасини Вальтер Скоттда кўриш мумкин. «Кўпдан бери мен, – дейди у, – шеър ёзмай қўйганман. Бир вақтлар мен бу санъатда анча-мунча ғалабаларга эришганман, эндиликда бу ишда бошқаларнинг мендан устун чиқишларини кўпда кўргим келавермайди. Ақл-идроким менга маслаҳат бериб, Байрон даҳоси олдида сен елканларингни йиғиб қўяқол, деди». Шундан кейин у ўзи учун ижоднинг янги саҳифасини кашф этди – бу тарихий роман соҳаси эди. Бу соҳада унга тенг келадиган рақиблар топилмади.

Ёзувчи учун «фалон ёзувчи тамом бўлипти» ёки «фалон ёзувчининг ижодидан путур кетишти» деган

У-8955/7

гаплардан кўра қаттиқ ботадиган ва малол келадиган гап йўқ. Шу гапни эшитган дақиқасидан бошлаб у титроқ қўли билан ўзининг аввалги шуҳратини барбод эта бошлайди. Кучли шахслар ўз вақтида хиёнаткор қаламларини синдириб ташлайдилар. Мицкевич хаммаси бўлиб бор-йўғи бир неча йилгина шоир бўлган ва хамма нарсасини – балладаларидан тортиб «Пан Тадеуш»гача шу йилларда яратган. Шундан кейин у сиёсатчи, публицист, дорилфунун профессори ва авлиё бўлган, умрининг охирида эса аскар бўлди. Лекин у қандай қиёфага кирмасин, барибир, хамиша шоирлигича қолаверади, негаки, шоирона ижод фақат шеър ёзишдангина иборат бўлмайди – чинакам шоирнинг бутун ҳаётини ҳам шоирона ижод таркибига киритса бўлади. Аммо кўпинча бошқача бўлади: вақтида ўз ишидан воз кечолмаган адиб гўё кўп йиллар мобайнида эришилган маҳорат ундаги ижод даъватининг кучи ёхуд тасвирдаги ёрқинлик ўрнини боса олади, деган хато фикр билан ўзини овутиб юради. «Мен анчадан бери шеър ёзмай қўйганман, – деб тан олади кекса Сюлли Прюдом, – агар бирор одам мендан янги шеърларимдан сўраб қолса, шартта ғаладонни очаман-у, тусмоллаб, қўлимга биринчи илинган қоғозни оламан. У тугалланмаган парча бўлиб чиқади. Шу зумдаёқ бир замонлардаги қофиялар руҳимда ажиб бир ҳолатни юзага келтиришади. Бу ҳолат шу қофиялар важдан бир замонлар руҳимда туғилган кайфиятнинг айнан ўзгинаси. Ёшлик садолари жаранглагандай бўлади, аввалги ҳислар қалбга илиқлик бағишлайди, қуриб қолган булоқ қайтадан кўз очади».

Бир замонлар кунлардан бирида бундай булоқ биринчи марта қайнаб тошганди – ҳар бир шоирнинг ҳаётида бу энг гўзал кун ҳисобланади. Таажжубланадиган жойи шундаки, ана шу кунни хотирадан

излаб топиш, календарь буйича уни аниқ белгилаш жуда қийин. Шоирнинг шоирлиги қандай шароитларда воқе бўлганини қайта тиклаш камдан-кам одамга насиб бўлади. Ҳолбуки, ижодкорнинг туғилиши инсонни лол қолдирувчи улуғ ҳодисадир. Бу жуда қудратли, биринчи муҳаббатга ўхшаб инсонни бутунлай ўзгартириб юборадиган кечинмалар ва баъзан у, айникса, шоирларда айни шу биринчи муҳаббат билан боғлиқ ҳам бўлади. Поэзия худди баҳордай қалбни яшнатади. Олам тўсатдан кўз ўнгингда бутунлай янгиланган тарзда, мовий рангларда намоён бўлади. Баъзи шоирлар эрта гулга кирадилар, баъзан улар ўттиз ёшларига қадар берадиган нарсаларининг ҳаммасини бериб бўладилар. Масалан, Шеллини эслайлик – у ўттиз ёшида вафот этган эди, Байрон икки-уч йил ортиқроқ умр кўрган, Рембо эса ўсмирлик ёшидан чиқиб улгурмаёқ ижод қилишдан тўхтаган эди. Словацкий бениҳоя кўп иш қилган. Сил касалига чалинган бу одам бу ишларнинг ҳаммасини қирқ йиллик умрида қилиб улгурган. Лукреций ҳам қирқ ёшдан ошган эмас. У шуниси билан ажойибки, у фалсафий поэма яратган ва бу поэмани ўзининг эхтиросли, жўшқин ёшлик руҳи билан тўлдирган эди. Яницкий, Семп-Шажиньскийлар ҳам оламдан ёш ўтиб кетишган. Жанг майдонида ҳалок бўлганида Кёрнер йигирма икки ёшда эди. Лермонтов йигирма етти ёшида ҳалок бўлган. Пушкин эса ўттиз саккиз ёшида оламдан кўз юмган. Уларнинг иккови ҳам дуэлда ўлдирилган. Поэзиянинг ёрқин алангасида ёниб адо бўлган шоирона қалбларнинг рўйхати юзлаб одамларни ўз ичига олади.

Поэзия шундай бир ҳаёт босқичида намоён бўладики, бунда туйғулар ҳали навқирон ва беғубор бўлади, одам ҳамма нарсадан кучлироқ тарзда оламга мафтун бўлади, ҳамма нарса одамнинг кўзига янги

ва ғаройиб бўлиб кўринади. Ёшлик субъективликка, лирикага мойил бўлади. Ёшлик оламда бошқа шахслар мавжуд эканини тан олмайди, оламни ўзиники деб ҳисоблайди, уни ўзининг мулки деб билади ва ҳеч ким билан баҳам кўришни истамайди. Наср бўлса, бутунлай бошқа масала – у балоғатни талаб қилади. Хўрсинишлар, қойил қолишлар, завқ-шавқ, истиоралар кифоя қилмайди. Ҳаётнинг ич-ичига кириб бориши керак, кўп нарсани билмоқ зарур, ҳаммадан аввал, проза санъатини эгалламоқ керак.

Гердернинг бир нечта жуда жўн концепцияларини ҳисобга олмаганда, биронта ҳам жиддийроқ назарий фараз йўқки, унда илк даврларда инсониятнинг ўзаро шеърият тилида гаплашгани тўғрисида гап бўлсин, лекин шунга қарамай, ҳар бир адабиётнинг тарихи насрдан эмас, шеърдан бошланади. Негаки, биринчи марта кундалик оддий тилдан юқори кўтарила олган нарса шеър бўлган ва кўпинча бадиий насрнинг биринчи атак-чечак жумлалари шаклланиб улгурмасдан анча аввал шеърият баркамол ривожланиш даражасига эришган бўлади. Унинг нозик механизми жуда секин шаклланган ва прозанинг пишиб етилиш жараёни айнан бошидан охиригача, албатта, ўз-ўзидан аёнки, анча сиқик ҳолда ҳамма ёзувчиларда такрорланади. Деярли ҳамма ижодкор гўё тадрижий ривожланиш қонуниятларини тасдиқламоқчи бўлгандай шеърдан бошлашади, баъзан эса ўзларини ҳақиқий иқтидорлари нимада эканини анча вақтгача англаб етмай, ўзларини тўлалигича насрга бағишлашларидан олдин анча-мунча шеърий китоблар ҳам эълон қиладилар, кейинчалик эса бундай китоблардан ўзлари хижолат чекиб юрадилар. Бирок бу ўринда ҳам бошқа ҳамма жойларда бўлгани каби одамни лол қолдирувчи истиснолар бор. Анатолий Франс шеърият самоларида ўтказган ёшлигидан воз

кечган. Баъзилар насрга ҳам, шеъриятга ҳам баравар хизмат қилишади. Масалан, Поль Валери, қай бир даражада ўқтин-ўқтин шеърлар ҳам ёзиб турадиган Жюль Ромен, бизнинг Польшада эса Ивашкевичлар шундай эди.

Шеърият тўғрисида ҳаёт баҳорининг тухфаси сифатида гапирар эканмиз, ёши бир жойга етиб қолган пайтда яратиладиган шеъриятни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Балоғат ёши – фалсафий лирика, драма, эпослар давридир. Данте ўзининг сонетларини ёзиб юрган кезларида «Илохий комедия»сини ёза олмас эди. «Пан Тадеуш» балладалар даврида яратила олмас эди. Бундай асарлар бутун умрни талаб қилади, уларни барпо этмоқ учун ҳаётни билмоқ, мулоҳазалар юрита билмоқ, балоғатга етган ва қуюлган ақл-заковат маданияти зарур бўлади. Худди шу тарзда аста-секин наср усталари ўзларининг чинакам йўлларини топиб оладилар. Гайдн ҳақида бировларнинг ёзганларидан кўчириб олинган илк асарини эълон қилганда Стендаль ўттиз ёшдан ошган эди. Жозеф Конрад ўттиз ёшга қадам қўйгандан кейингина ёза бошлаган. Бернард Шоу қирқ ёшга боргандагина ўзининг биринчи комедиясига қалам уришга журъат қилган, «Очлик» деган романи билан ўз ризқини топиб олгунига қадар Кнут Гамсун такдирнинг кўпгина хангомаларини бошидан кечирган эди. Фақат йигирма беш ёшида ўзининг «Будденброклар» романини ёзган Томас Маннгина бундан истиснодир.

Жеромскийнинг «Кундаликлар»и илк ёшлигидан бошлаб жуда оғир шароитларда, очлик ва яланғочлик азобларини тортиб, муҳтожликлар кўриб неча марталаб дунёдан ҳафсаласи пир бўлган дақиқаларда туғилган ҳамда шаклланган адибнинг йўли ҳақидаги ғоятда ҳаяжонли асардир. Ҳойнаҳой, бу қадар самимият билан ёзилган, бир-бирини қувиб ўтаётган кун-

лар ва соатларни бу қадар тўла акс эттирган бошқа яна шундай ҳужжатни адабиётдан топиш қийин. Ёш йигит фақат ўзининг ёзувчилик меҳнатини ўйлаб, адиблик шуҳрати иштиёқида ҳар қандай тўсиқларга, ҳар қандай одамларнинг гашлигига қарамай ўз иктидорини рўёбга чиқариш учун зўр шиддат билан қаҳрамонона кураш олиб боради. У машаққат билан ўзига керакли билимларни излаб топиб ўзлаштиради ва шу йўл билан ўз дунёсини яратади, у тушликдан воз кечиб, унинг пулига театрга ёхуд суратлар кўргазмасига боради, кейин эса ўзининг музхонага ўхшаш кулбасида совуқдан уюшган бармоқларига пуфлай-пуфлай таассуротларини тасвирлаб беради. Жеромский ёшлигиданоқ шунақа одам эди – унинг учун санъат нондан кўра муҳимроқ эди. Унинг «Кундаликлар»ида буларнинг бари шу қадар маҳорат билан кўрсатилганки, бунақа асарларни яна топиш анча амри маҳол.

Ёзувчини унинг касб-корига олиб келадиган куч, сира енгиб бўлмайдиган қудратли даъват нимадир? Бундай даъватнинг илдизларини қидирар эканмиз, биз инсон табиатининг хусусиятларидан бирига эътиборимизни қаратмоғимиз лозим. Бу хусусият ҳамма одамларга хосдир. Бунга эътибор бериш жуда ҳам муҳим. Негаки, сўз санъатини эгаллаган ижодкорларни аллақандай алоҳида ҳодиса сифатида ёхуд ноёб бир махлук, психологик жумбоқ тарзида умумий омадан ажратиб қўйиш керак эмас. Ҳамма одамларга хос бўлган бу хусусият шундан иборатки, одамлар ҳаётда мавжуд бўлган ҳар қандай ҳодисани сўзда ифодалашга эҳтиёж сезадилар ва бу билан боғлиқ равишда ўз-ўзларини намоён қилишга ҳам эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёж деярли физиологик эҳтиёждир ва унинг заифланиши ёхуд бутунлай йўқ бўлиб кетиши инсон табиатининг моҳиятига зид келади. Мабо-

до шундай заифлашиш рўй берса, камдан-кам одамларда рўй беради. Камгап ёхуд индамас одамлар кишини ташвишга солишади ёхуд кулги туғдиришади. Кулги – ўз-ўзини ҳимоя қилиши шаклида безовталикнинг ўзига хос кўринишидир. Ҳамма одамлар ўз табиатларига кўра эзма бўлишади. Улар тинимсиз гапиришади – ўзларининг ишлари тўғрисида, ёруғ дунёда нималар бўлаётгани тўғрисида ва ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзлари ҳақида гапиришади. Ўзи тўғрисида бошқаларга гапириб бермоқ – бу ўз қобидан ташқарига чиқиш демакдир, бу – қисқа фурсатга бўлса-да оёғига чирмашган турмуш занжирларини узмоқ, изтиробли ёлғизлик балосидан халос бўлмоқ ва ниҳоят, бошқалар билан ўзимизнинг ҳайратомуз-лигимизни баҳам кўрмоқдир. Бу ўринда ёлғизлик тилга олинди. Ҳа, биз туғилгандан то вафотимизга қадар ўзимизнинг туйғуларимиз, фикрларимиз, тушларимиз, изтиробларимиз, қувончларимиз, хавотирларимиз, орзу-умидларимиз бағрида ёлғиз бўламиз. Бу ерда ҳайратомузлик тилга олинди. Ҳа, ҳамма одамлар ҳайратомуздир. Ҳамма кишини лол қолдирадиган ажойиб саргузаштларни бошидан кечиради, ҳар бир одамнинг қалбида олам минг хил рангдаги ажиб шуълали камалак нурларида инкишоф этади. Ҳар бир одам лоақал муайян дақиқаларда бу тўғрида ўзига ўзи ҳисоб беради, бироқ кўпчилик одамларга бу тўғрида ҳатто ўз ичида тан бермоқ учун жасорат етишмайди. Жуда кўп одам ҳадиксирайдиган махлук бўлади. Уларнинг оғзига урилган сукут муҳрини бузмоқ, олиб ташламоқ учун баъзан ё изтиробли, ё қувончли зўр кечинмалар зарур бўлади. Ана шундагина энг индамас одамларнинг ҳам жағи очилиб, оғизларидан ошкора сўзлар чиқа бошлайди. Дил изҳорининг одатдаги шакллари – эътироф, икромнома, ҳасби ҳол, дилкаш суҳбат кабилардир. Камрок

холларда кундаликлар ёки мемуарларни кўришимиз мумкин. Улар кўпинча одамлардан пинҳона тарзда ёзилади, лекин улар инсон ҳужжати сифатида заифроқдир, негаки, сўзларни қоғозга туширганда уларнинг замиридаги фикр бир оз хира тортади, бунақа нарсаларни ёзиб бормаган одамнинг ёзгани самимийликдан маҳрум бўлади, адабий қолиплар эса баъзан уларнинг қимматига узил-кесил путур етказилади. Бироқ ана шу шахсий ёзувларнинг ўзиёқ адабий асардир, тўғрироғи, адабий асарнинг бошланишидир. Балки улар ҳеч кимга ошкор этилмаган бир умид билан ёзилгандир – муаллиф бу ёзганларини ўқийдиган ўқувчилар ҳам чиқиб қолса ажаб эмас, деган умидда қалам тебратгандир. Ёзадиган одамга бундай илинж ҳеч қачон бегона бўлмайди.

Урушдан аввал эълон қилинган ишчилар, дехқонлар ва муҳожирларнинг хотираларида чинакамига шов-шувга сабаб бўладиган бой материаллар бор эди. Улар оддий одамлар оммасининг ичида ғам-аламлар, ўз ахволидан қониқмаслик, турли-туман иштиёқлар нақадар кўп эканини намойиш қилди, баъзан эса бу одамлар қалбида ёзувчилик иқтидорни яшириниб ётганини ошкор этди. Ўз вақтида фикрлар, туйғулардаги бундай бойликни, катта ҳаётий тажрибалар самараларини топиб аниқлашга унчалик рағбат бўлмаган, мабодо бўлса ҳам узок вақтлар мобайнида жуда заиф бир ҳолатда бўлган. Аммо алғов-далғовли мудҳиш воқеалар рўй бериши биланоқ ижодга даъват уйғонди. Урушдан кейинги йилларда худди шундай бўлди; шафқатсиз ва мудҳиш уруш кўпгина мамлакатларда одамларни қўлга қалам олиб, бошидан кечганларини ёзишга мажбур қилди. Дўзахни бошидан охиригача кесиб ўтган одам яна қайтадан ўзининг одатдаги сукут халқасига биқиниб ололмасди. Ҳатто болалар ҳам қўлларига қалам олдилар. Масалан, ўн тўрт ёшли Анна Франк шундай қилди – унинг

Голландияда яшаганида бошидан кечирган дахшатли йиллари хақидаги кундаликлари кўп тилларга таржима қилиниб, бутун дунёни кезиб чиқди. Бу кундаликлар қизалокнинг ёзувчилик истеъдодн борлигидан далолат беради. Бизда Польшада Давид Рубинович деган ёш бола кўримсиз дафтарларга истило даврининг дахшатли кунларини ёзиб чиққан экан. Бу ёзувлар кишини янада қаттиқроқ ларзага солувчи шаходатномалар бўлди. Улар тил-забондан маҳрум қилинган, уриб-тепкилаб, унут бўлишга маҳкум этилган миллионлаб одамларнинг садоси бўлди.

Ёзувчи умум учун муштарак бўлган интилишларни ифодалайди, ўз қалбини ва ўз дунёсини ифодалайди ва бунда у инсон табиатининг туғма даъватига бўйсунди, шу билан бирга, у ўзи ёза билмайдиган, бошидан кечганларни айтиб беролмайдиган одамларнинг бамисоли ифодачиси бўлиб қолади. Бошидан кўп нарсани кечирган одам ҳозирги машҳур Америка ёзувчиси Эрскин Колдуэллга ўхшаб шундай дейди: «Мен шунинг учун ёзаманки, кўрган одамларим ва ашёларим хақида хикоя қилиб беришни истайман. Мен ҳатто ўйлайманки, булар тўғрисида хикоя қилиб беришга мажбурман». Миллионлаб китобхонлар уни бу қарашларининг тўғрилигига ишонтирганлар. Лекин шундай бўлиши ҳам мумкинки, келажакдаги китобхонлар авлоди бу қарашларга қўшилмасликлари ҳам мумкин. Аммо бутун адабиёт тарихи бўйлаб ўтиб келган одамларнинг юксак эҳтиромлари ўзига хос лаҳзалардан гувоҳлик беради – бу лаҳзаларда одамлар ёзувчининг сўзида ўзини кўрган, ёзувчининг сўзида ўз фикрларининг ифодасини кўришган. Улар бу фикрларни ўзлари ифодалаб бера олмасликлари мумкин эди. Кўпроқ ёки озроқ даражада бу гап ҳар битта адабий асарга, ҳатто газеталарнинг якшанба сонларида босиладиган жўнгина шеърга ҳам тааллуқлидир.

Баъзан шундай таассурот туғиладики, гўё бутун дунё одамларни ҳам, буюмларни ҳам мангулаштирувчи сўз айтишни илтимос қилиб, унинг ишига далда бериб туради. Замон тиним билмай доимо олдинга югуришда давом этади – адабиёт вақтнинг ана шу югуришини бир зум тўхтатиб турмоғи керак бўлади. Адабиёт ўтмишдами, ҳозирми содир бўлган ҳар қандай воқеани шундай тасвирлайдики, натижада у мангуга ҳозир содир бўлаётгандек бўлиб муҳрланиб қолади. Тадеуш ҳамон боғнинг чайқалиб турган эшигига тикилади, Гётенинг шеърида оқшом чоғидаги сукунат дақиқаси ҳамон давом этади, Флобернинг асари яшар экан, Руан кўчалари бўйлаб Бовари хонимнинг каретаси ҳам шалдираб югуришдан тўхтамайди. Худди шунга ўхшаган тарзда кўпдан-кўп оддий буюмлар ўзларининг ишларини бажараверадилар. Дунёнинг биронта музейи шунақа буюмларга эгалик қилиши билан мақтана олмайди. Бу музейларда «Одиссея»даги қулфлару илмоқлар ҳам йўқ – шоир уларни зўр илҳом билан бениҳоя аниқ қилиб тасвирлаб берган. Ўйлаш мумкинки, бу буюмларнинг мангу яшашини таъмин қилишга шоир ўзини гўё мажбур деб ҳис қилган.

Ҳамма одамларга хос бўлган юрак дардларини изҳор этишга мойиллик ёзувчида алоҳида қувват касб этади. Шундай туйиладики, бу адиб ҳаётига зарур бир иловадир ва у ёзувчи ҳаётига қувват ато этади. Ҳодисаларнинг қандайдир лаҳзасини мангуга муҳрлаб қўйишга интилиш беқиёс муваффақиятларга олиб келиши мумкин: янги кадриятлар барпо этилади. Албатта, бу янги кадриятлар янги фалсафий концепциялар, қимматли илмий кашфиётлар, етакчи ғоя бўлмоғи шарт эмас, балки бирон шеърнинг исталган мисраси, воқеликнинг истаган парчасини акс эттирувчи насрнинг истаган жумласи ҳам ўшандай

кадрият ўрнига ўтиши мумкин. Албатта, хаёлот ёр-
дамида яратилган асарларда бу нарса бойроқ ва
ёркинроқ кўриниши мумкин. Бундай асарларда олам
бутунлай ўзгарган ҳолда намоён бўлади, бу дунё бу-
тунлай бошқача қонунларга бўйсунди. Бу қонунлар
оламни шундай бир уйғунлик сари етаклайдики, бу
уйғунлик ҳақида инсоният ҳамиша орзу қилади. Бу
янги кадриятлар инсон ҳаётининг асл моҳиятини,
унинг ҳақиқий шаклларини ифодаловчи образларда
намоён бўлади. Афсуски, бу асл моҳият ва ҳақиқий
шаклларни биз кўпинча турмуш уринишлари бағрида
ё пайқамай қоламиз, ёки етарли даражада тушун-
маймиз. Айни ана шу асосда кўпчилик ёзувчилар
ўз касблари учун қонуний ифтихор қилишга етарли
баҳонаи сабабни кўрган эдилар. «Ягона чин инсон
шоирдир», деган эди Шиллер. Бу эса XV аср гу-
манистларига «ёзувчилик меҳнатининг муқаддасли-
ги» тўғрисида гапиришга баҳона бўлган эди. Ёзувчи
инсон қалбини хаёлотнинг худудсиз дунёсига яқин-
лаштириш, дахлдор қилиш билан уни кенгайтира-
ди ва олам тимсолидан оддийлик, жўнлик чангини
қоқиб ташлайди, шу йўл билан у қолган одамларни
инсонийликнинг юксакроқ поғоналарига кўтаради.
Ёзувчи нафақат умуминсоний эҳтиёжга – дардлари-
ни айтиб, юрагини бўшатиш эҳтиёжига дахлдор, бал-
ки у ана шу эҳтиёжни анча-мунча кенгайтиради ҳам,
негаки, у алоҳида бир устунликка эга – у ўзининг
ижоди билан ўзини теран изтироблардан, кишини
қийнайдиган ўй-фикрлардан халос этади.

«Мен, – деб эътироф этади Гёте, – мени қувон-
тирган, қайғуга солган, қийнайдиган нарсаларнинг
ҳаммасини образларга айлантиришга, поэзия бағрига
жойлашга кўникиб қолганман. Менинг ҳамма асарла-
рим битта катта иқрорноманинг бўлакларидир».

Шак-шубҳа йўқки, Гёте бу йўлда ўзини ёлғиз ҳис
қилган эмас. Мангу яшайдиган бир умумий қоида

бор — муаллифнинг шахсий иқрорлари ва эътирофларидан мутлақо холи бўлган санъат асарини топиш ғоятда мушкул. Гётенинг ижоди ана шу қонданинг жуда яхши мисоли бўла олади. Шуниси ҳам борки, ёзувчи ўзи тўғрисида гапирмоқ учун, албатта, иқрорнома ёки кундаликлар шаклига мурожаат қилмоғи мутлақо шарт эмас. У буни ўзи ўйлаб топган тўқима образнинг тили билан айтади. Биринчи қарашда бу образ адибнинг ўзига сира ўхшамайди, бундан нафақат адабий китобхон, баъзан эса ҳатто муаллиф биографиясининг ҳамма сирларидан хабардор бўлган тадқиқотчи ҳам алданиб қолади. Гонзаг Труц бир бадеясида Расин трагидиялари муаллифнинг ички ҳаётидаги жуда катта фожианинг айрим-айрим сахналаридан ўзга нарса эмаслигини исбот қилиб берган эди. Аммо буни исбот қилгунча унга жуда катта зийраклик ва назаркардалик зарур бўлган эди. Ҳар қандай иқрорнома сингари адабий асар ҳам инсон қалбидаги зилдек дардни енгиллатади, уни изтиробларидан, оғир туйғулардан ёхуд нохуш ўйлардан халос этади. Муҳаббат бобидаги омадсизлик Гётени жуда оғир рухий ахволга солиб қўйганди. У ҳатто ўз жонига қасд қилишни ўйлай бошлаганди. «Мен бу оғир кайфиятни енгиб ўта олдим ва яшашга қарор қилдим. Аммо тинч, хотиржам яшамоғим учун шундай бир асар ёзмоғим зарур эдики, ҳаётимнинг ўша ғоятда муҳим давридаги ҳамма туйғуларим, орзуларим ва фикрларимни шу асарда ифодалаб бермоғим шарт эди». Вертер ана шу тарзда майдонга келган. Қотиб қолган қайғу-андуҳларни, таассуфларни, хавотирликлар, ғашлик ва ғазабни сўзга ишониб топшириш руҳан покланмоқ демақдир. Баъзан эса бу нобуд бўлишдан ёки жинни бўлиб қолишдан сақлаб қоладиган ягона чорадир.

Сўз орзунинг эгиз оғасидир, у сизга шундай бир сирли эшикни очиб берадики, бу эшик орқали сиз

истаган вақтингизда эркинликка чиқа олишингиз мумкин. Сўз ёрдамида кишини диккинафас қилиб юборадиган замондан, зериктирувчи манзарадан, чидаб бўлмайдиган турмуш шароитидан, ниҳоят, ўз-ўзингдан осонгина қочиб қутулиш мумкин. Айниқса, ўз-ўзингдан, чунки у ўта сурбет, елимдай ёпишқоқ махлук, роса жонингга тегиб кетган, лекин на илож — ўлгунигча ҳам ундан ҳеч қаякка қочиб кетолмайсан. Рюккертнинг шеърий мисраларини эслайлик. Шуман уларни мусиқага солганидан кейин бу мисралар янада чуқурроқ таъсирчанлик касб этди: «Қанот беринг, парвоз қилайин, адирлар-у водийлар оша, ортда қолсин ҳамма-ҳаммаси, ҳатто ҳаёт, ҳатто ажал ҳам!»

Адабиётнинг анчагина қисмини «қочиш руҳи» билан изоҳлаш мумкин. Ана шу руҳ олис-олис афсонавий ўлкаларга нафақат саргузашт романларнинг муаллифларини, балки шоирларни ҳам чорлайди. Худди романтизм даврларида рўй берганидек, уларни тўсатдан Шарқ жозибаси чулғаб олади. Ана шу руҳ тарихий асарларга йўл кўрсатади, у бизни эпосга олиб киради, эпосда эса ҳар қандай ҳаёлпараст дайди ҳам узоқ муддатга ўзига бошпана топа олади — Мицкевич «Пан Тадеуш»нинг эпипоэтида ўзини эзиб, бўғиб турган муҳитдан қочгани тўғрисида очикдан-очик гапиради. Пиранделло янада очикроқ ёзади: «Мен турмуш кишанларидан халос бўлмоқ учун ёзаман. Агар менинг кўнглимда бирон пьеса ёхуд романнинг нияти гимирлаб турмаса, назаримда гўё Парвардигори олам мендан бутунлай юз ўгириб олгандай бўлаверади». Бунга ўхшаган ва ҳатто улардан ҳам ошкорроқ эътирофларни жуда кўп ёзувчиларда учратиш мумкин, мабодо, бирон ёзувчи бунақа гапларни айтмаган бўлса, бу ҳали ўша туйғулар унга ёт эканидан далолат бермайди. Ўзлигидан халос бўлиш лаззатидан маҳрум бўлса, ўз хаёлотини

яратган хаёт бағрига сингиб кетиб, шу хаётда яшаш, уларни ифодаловчи сўзлардан баҳра олиш туйғуларидан бегона бўлса, шу ҳам ёзувчи бўлдимиз?

Бошқа нималарнидир кўмсаш, вақтда, фазода, табиат қўйнида, урф-одатларда, имон-эътиқодда, хис-туйғуларда алланечук ўзгачаликларни тилаш – баъзан бутун бошли даврларда енгиб ўтиб бўлмайдиган эҳтиёжларга айланган эди, ҳатто «қочиш руҳи» бутун-бутун авлодларни муҳожирликка маҳкум этган. Бундай қочиш, албатта, қандайдир ёрқин, ялтироқ, ҳашаматли ва нозиктаъб нарсаси томон йўналтирилган бўлиши шарт эмас – у ўзига мутлақо бошқа йўналишдаги нарсаларни ҳам танлаб оломи мумкин. Ҳаддан ташқари серназокат турмуш тарзида, ўта нозик маданий салонлар шароитида одамлар оддий ва жўн нарсаларга эҳтиёж сеза бошлайдилар. Петроний ва унинг «Сатирикони»ни эслайлик. «Сатирикон» – ўта сурбет юлғичларга, муттаҳамларга, ҳаёсиз қўшмачиларга тўла эди. Бу қадимий мисол энг қадимий бўлмаганда ҳам, лоақал антик адабиётдан олинган ҳаммамизга жуда яхши таниш бўлган мисолдир. XVIII аср одамлари эса «bon sauvage» – «эзгу ёввойи»ни излаб ҳаёлан саёҳатлар қилганлар. Уларнинг назарларида бу «эзгу ёввойи» одам ўзининг соддалиги ва тўпорилиги билан уларга сертакаллуф қилиқлар ва ясама манзиратлардан дам олишга имкон бермоғи даркор эди. Баъзан шаҳардан тўйиб кетилган чоғларда кишлоқни кўмсаб қолинган, осуда ва сокин кишлоқ ҳаёти ўзига чорлаб қолган пайтлар ҳам бўлган. Худди шунга ўхшаш воқеалар санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам тез-тез учраб туради. Бир гал мен америкаликларнинг тасвирий санъат кўргазмасига борганман. Кўргазма жуда галати эди. Кўргазмадаги суратларда бийдай далада турган шамол тегирмонлари, кўхналикдан қийналиб қолган

хароба кулбалар, ўрмондаги жилғалар устига қурилган кўприкчалар, қармоқларига тикилиб хаёл суриб ўтирган балиқчилар тасвирланган эди. Бу суратларга қараб туриб, уларнинг осмонўпар бинолар ўлкасидан, улкан фабрикалар, баҳайбат кўприклар мамлакатидан келтирилганига ишониш жуда мушкул эди. Менга маълум бўлишича, Minderwertigkeitsgefühl, яъни инсонда ўзининг баркамол эмаслигидан озурда бўлиш туйғуси мавжуд эканини тан оладиганлардан ҳеч ким Вовенарг асарларига суянчиқ қидириб мурожат қилган эмас ва шундай қилиб тўғри иш қилган, чунки бу олим томонидан берилган таъриф Фрейднинг тушунчасидан анча нозикдир. Ижодда фақат кемтикларни тўлдириш заруриятини кўрганлар ҳам ўзларини бу француз мутафаккирига қарам деб ҳис қилган эмаслар. Ҳолбуки, Вовенаргнинг фикрини ҳозирги замон тилига худди шу тарзда ағдармоқ керак эди. Шундай қилиб, ижод муаллифининг келиб чиқиши унчалик рангдор бўлмаган кайфиятини ёхуд тақдир зарбалари, моддий етишмовчиликлар сингари кемтикларни тўлдирмоғи керак эди. Тўқима дунё барпо этилади, чунки воқеий дунё инсонни жуда ноҳор, аячли ва ҳамма нарсадан хафсаласи пир бўлган махлуққа айлантирган. Чиндан ҳам адабиёт ўзининг бадбашара қиёфасини қахрамонлик қўшиқларининг япроқлари остига яширадиган Тиртейвларга бой. Адабиёт ўзларининг совуқ кулбаларида дилдираган қашшоқларга ҳам тўла – улар сўзлардан қасрлар ва саройлар қуришади, унда ўзининг ҳалол камбағал оиладан чиққанидан хижолат чекадиган олифталар ҳам, тўда-тўда графлару маркизлар ҳам етарли. Ёзувчилар ўз китобларини, айниқса, графлару маркизлар билан тўлдиришга ўч бўлишади. Ницше ўз шахсиятидаги кемтикларни аъло инсон деган сохта ғояда ифодалаган эди.

Адабиётнинг жуда кўп донгдор вакиллари саркарда, сиёсатчи ёки лоақал асилзодалар давраларининг гули бўлиш имкониятига эга бўлмаганларида адабиёт улардан махрум бўлиб қоларди. Ўзининг мемуарлари билан донг чиқарган герцог Сен-Симон сўз воситасида адолат ва ҳокимият излаган одамнинг жуда ажойиб намунаси бўла олади. У аччиғи келиб ва дарғазаб бўлиб саройдаги зиёфатлардан қайтиб келарди. У ҳудди қирол каби қалин қоғозларга дардини тўқарди. Бу хотираларида у вазирлар ва элчиларни коралар, уларнинг хатти-харакатларидаги пасткаш ниятларини кўрсатар, саройдаги ғийбатларни фош қилиб ташларди. Бу дунёнинг зўрларидан путур кетиб, ўзлари нобуд бўлишларини башорат қиларди, ўзи хоҳлаганлардан аламини олиб, ўзи хоҳлаганини яхшилаб сийларди. Қаламни бир чеккага қўйиши билан эса яна содиқ фуқарога айланиб қолар, яна бардошли бўлиб, хокисор жилмайиши билан Людовик XIVнинг такаббурлигини, бастардларининг сурбетлигини, уларнинг клеветларининг қабихлигини кўтаришда давом этарди. Ламартин ўз мемуарларида ўзининг давлат арбоби бўлиш учун туғилганини, бунинг ўрнига шоир бўлиб юрганини алам билан ёзади.

Унга ўхшаганлар сон мингта. Улар ҳаракат қилиш имкониятидан махрум бўлганлари учун хаёлпарастликка берилганлар, фалсафий назариялар яратганлар, утопиялар тўқиганлар, улар ҳам муҳаббат бобида бирон-бир муваффақият қозониш учун етарли асослари бўлмаган ҳолда шеърда ёхуд насрда ўзлари яратган тўқима қаҳрамонлари ёрдамида чиройли аёлларнинг кўнгилларини овлаганлар ва уларнинг васлларига эришганлар. «Ҳаётда нимаданки сиқилиб юрган бўлсам, — деб ёзади Шатобриан ноёб бир ошкоралик билан, — ижодда мен шуларнинг ҳамма-

сига ўзимни эга қилиб кўрсатдим». Холбуки, уни тақдирнинг эркатойи деб ўйлаш мумкин эди. Стендаль эса ана шу тарзда табиатдан «ўч олиш»нинг ажиб намунасини кўрсатган. Матильда уни алдади, у эса Люсьен Левен Шатель хонимга уйланади, Пьетраграу хоним унга хиёнат қилади, бунинг эвазига герцогиня Сансеверина Фабриционинг қўйнида эс-хушидан жудо бўлади. Стендаль романларида улугдан-улуғ муҳаббат узумининг хосил байрами содир бўлади – адиб шу йўл билан шахсан ишк-муҳаббат бобида бошидан ўтган муваффақиятсизликларининг нордон узуми учун аламини олади.

Саломатлиги ночорроқ бўлишига қарамай, ҳарб ишларида ва шикор бобида абжиргина бўлган Генрик Сенкевич жисмонан бақувват ва қиличбозлик маҳоратига эга бўлган одамлардан завқланган. У ўзига етишмаган сифатларнинг ва тўрт девор ичида ўтириб орзиқиб орзу қилганларининг ҳаммасини бажони дил қаҳрамонларига берган. Шунинг учун ҳам Збишко синган бутокни сиқиб ширасини чиқаради; Скшету-ский Чаплинскийларнинг эшигини кийма-кийма қилиб ташлайди; Тачевлик Повала паришонхотирлиги сабаб болтани икки буклаб қайириб ташлайди. Хатто нозик ва нимжон Петроний ҳам бир қўлида Виницийнинг иккала қўлини худди пўлат омбир билан қисгандек қаттиқ қиса олади. Сенкевичнинг ўрнига, чўкки соқол жанобнинг ўрнига Кмициц жон-жахди билан жанг қилади; рассом Яцек Мальчевскийнинг суратига қараб ҳукм қилганда, бўйи Сенкевичнинг бўйи билан баробар бўлган пан Володиевский унинг вакили сифатида намоён бўлади.

Тўқима ҳаёт бағрига кўчиб ўтиш, ўзининг нимжонгина танасини ва ғарибгина оилавий муносабатларини қордек покиза ва гўзал муносабатларга айлантириш, ёқимли ва ёркин умргузаронлик даражасига

кўтариш, ўзининг ижобий сифатларини идеал даражага етказиш, ўзининг қусурларини муваффақиятсизликка маҳқум бўлган персонажлар устига юклаш ёки аксинча қусурларни фазилат деб даъво қилиш, ҳатто баъзи ёмон сифатларни ҳам оқлашга интилиш – бунга ўхшаш найрангларнинг ҳаммаси бадиий адабиётда минг хил вариантларда учраб туради. Уларнинг барчаси бизни мангуликка белгилаб қўйилган ҳудудлар ичига қамаб қўйишга интилувчи, жуда қийинчилик билан ўзгариши мумкин бўлган шароитларда сақлашга тиришувчи тақдирдан бизни тортиб олишга ёхуд жилла бўлмаганда, унинг устимиздан бўлган ҳукмронлигининг бир қисмини бекор қилишга йўналтирилган. Бу – жуда катта қувватга эга бўлган рағбатдир. У ўзининг қувватига кўра бошқа кўпгина эхтирослардан сира қолишмайди ва кўпинча ҳатто улардан қудратлироқ ҳам бўлиб чиқади.

Бэкон Веруламли мустақиллик туйғуси тўғрисида ёзган эди. Агар биз унинг ёзганларини эсласак, бу рағбатнинг иккови ҳам, яъни қочиш ва товон олиш янада чуқурроқ талқинга эга бўлар ва янада ишончлироқ далилланган бўларди. Мустақилликка интилиш – инсон табиатининг энг олижаноб белгиларидан биридир, у инқилоблар оловини ёқувчи жонли ёлқин, тараққиёт ва озодлик йўлини ёритувчи машъалдир. Мустақилликка интилиш одамни нарса-ҳодисаларнинг бир маромдаги оқимини бузишга мажбур қилади, кучли шахсларнинг тақдирини қатъий белгилаб беради, саргузашт ишқибозларини ва кашшофларни туғдиради, одамларни ҳамма қитъаларнинг шу пайтгача кимсасиз ва тадқиқ қилинмай ётган бўшлиқларида томир ёйишга мажбур қилади. Санъат ижодкорларга шунақа ҳокимият бахш этадики, етарли даражада бақувват хаёлот иқтидорига эга бўлганларида Ер юзидаги ҳар қандай ҳукмдор ҳам ижодкорларга ҳавас қилган

бўларди. Қалам ижодкорнинг қўлида сирли таёқчага айланади. Бу сирли таёқча воқеликнинг сон-саноксиз аралаш-қуралаш ходисалари бағридан шу пайтгача ҳеч кимга маълум бўлмаган оламни чиқариб олади, шу билан бирга, ижодкор шу яратилган янги дунёнинг сардорига айланади ва бу дунё ўз сардорига гап-сўзсиз бўйсунди.

Гомер ўзини «шаҳаншоҳлар»дан қудратлироқ ҳис қилиб, Скамандрда ахейликлар ва трояликларни жанг майдонига олиб чиққан эди. Данте ўзининг нариги дунёсини яратар экан, марҳумларнинг тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқини эгаллаб олади – у кимларгадир жаннатдан жой ажратади, кимларнидир дўзахга жойлайди. Лекин нафақат Гомер ёки нафақат Данте, балки энг камсуқум романнавислар ва драматурглар ҳам ўз олдиларига реалист сифатида кундалик ҳаётда кўрганларининг бўлақларини ҳаққоний тасвирлашдек оддий вазифа қўйсалар-да, шундай ҳолларда онглими ёки ғайришуурий тарздами, кучлироқ ёки заифроқ бир даражада одамлар ва табиат устидан ҳеч нарса билан чекланмаган ҳокимиятга эгаликларидан лаззатланадилар. Шунинг учун баъзи китобхонларнинг анойилигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бундай китобхонлар ёзувчиларга мактуб йўллаб, газетада ёки журналда босилаётган роман персонажларининг фаолиятида уларнинг яқин ўртада нобуд бўлишлари мумкинлигига ишоралар пайдо бўлганида муаллифдан қахрамон ҳаётини сақлаб қолишини ялиниб-ёлбориб илтимос қиладилар. Айни ана шундай китобхонлар ёзувчининг ҳокимиятини тасдиқлаб берадилар. Бу ҳокимият эса ўша биз ижодни рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири, деб таърифлаган ҳокимиятдир.

Ўз асарларида ёзувчи бекаму кўст, мукамал эркинлик қарор топган мамлакатга эгалик қилади.

Баъзи даврларда бундай мамлакат якка-ю ягона бўлиб чиқади. Шекспирга тенг келадиган бирор подшо бормикин? Стратфорддан чиққан камсукумгина одам барпо этган кироликдан кўра қудратлироқ кироликни қайдан топса бўлади? Ахир Бальзак ҳам ўз давлатини барпо қилган эмасми? Кимнинг ихтиёрида Бальзакникидек кўп ходими бор – унинг ихтиёрида вазирлар, ҳар хил даража ва ҳар хил тоифадаги амалдорлар, генераллар, бутун Оврупаннинг молиявий ишларини ётқизиб-турғизадиган банкирлар, улгуржи савдо келадиган йирик коммерсантлардан тортиб баққолларгача, черков ходимлари, роҳиблар, йирик дин арбоблари, зодагонлар тоифасига мансуб олифталар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, шоирлар, матбуотда иш юритувчи қобилиятли ва эпчил журналистлар, шажараси қадимий дворянлар, янги чиққан зодагонлар, мешчанлар, дехқонлар, ҳалол одамлар ва қаллоблар, бетавфиқ аёллар ва сатанглар бор. Бальзак ана шу давлатни бошқарган, кимларнидир юксак мансабларга тайинлаган, кимларнидир истеъфога жўнатган, кимларнидир бадавлат қилган, жамиятлар таъсис этган, сармоялар тўплаган, жамиятда тургилиш ва ўлиш даражасини ҳисобга олган, никоҳлар ва қўйди-чиқдилар билан шуғулланган, хатто уйлар қуриб, янги йўллар ўтказиб, боғлар барпо этиб, дарёлар устидан кўприклар ўтказиб, замин қиёфасини ўзгартирган ва Луи-Филипп бошқарган худуддан кўра ана шу ўзи барпо этган давлатда яхшироқ ва мазмунлироқ ҳаёт кечирган.

Тарихий мавзуларда ёзадиган ёзувчилар бағоят ажойиб бир қобилиятга эга – улар ўзлари ўйлаб чиқарган қахрамонларини ишончли тарихий шахс сифатида жамият ҳаётига олиб киради ва китобхонлар машҳур тарихий ҳодисалар муаллифнинг ҳаёлот оламидан келиб қолган ана шу келгиндилар билан боғ-

лик бўлганига астойдил ишонадилар. Аммо ҳақиқатан ҳам яшаб ўтган тарихий шахслар санъаткорнинг қалами билан таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади ва баъзан ўқувчиларнинг тасаввурида шундайлигича сақланиб қолади. Шекспир чинакам Макбетни ана шу тарзда қиёфасини ўзгартиришга мажбур қилган – ҳақиқий Макбет ғоятда фозил ва саховатли қирол бўлган, у Римни зиёрат қилиб ва камбағалларга тез-тез садақа улашиб турган.

Қалам моҳият эътибори билан адибнинг жуда зўр, мўъжизакор қуролидир. Кимнинг пешонасига ёзувчи бўлиш ёзилган бўлса, у болалик йиллариданоқ ўз кўнглида бир туйғуни олиб юради, майли, ҳали бу туйғуни у англаб етмагандир, ҳали бу туйғу мудрок ҳолдадир, лекин у барибир бор. Бу туйғу ўзини сўз мулкининг султони деб ҳис қилишдир. Мана ўн беш ёшли Флобернинг болалик завқига тўлиб-тошган овози: «Ўзимизни санъатга бахшида этайлик, негаки, у халқлардан, қироллардан, тожлардан ҳам улуғроқ, у бизнинг завқёб қалбларимиз тўрида илоҳий тожи билан ҳукмронлик қилади!»

Мен адабий ижоддаги рағбатлантирувчи омиллар ҳақида гапирганимда, ҳамма замонларда ҳамма ёзувчилар ифтихор билан тилга олган ёрқин шиорлардан биронтасини ҳам келтирмадим. Бу, албатта, жуда ғалати ва ҳатто ножоиз туйилиши ҳам мумкин. Аммо мен диний, миллий ва ижтимоий аъмолларни ўзим юқорида «авлиёлар» деб атаган тоифадан топдим ва ҳақиқий сўз санъаткорини ижодга рағбатлантирадиган омилларнинг таҳлилидан уларни чиқариб ташладим. Ахир, ҳақиқий ёзувчилар ҳам турли хил аъмолларга хизмат қилмоқлари мумкин, улар ҳам қалблар устидан ҳукмрон бўлишни даъво қила оладилар, лекин буларнинг ҳаммаси анча кейин, уларнинг ижодлари бошлангандан кейин анча ўтгач рўй беради.

Мицкевичнинг биринчи асарлари орасида ватанпарварлик руҳида ёзилганлари йўқ – уларнинг орасида на «Ёшларга қасида», на «Филаретлар кўшиғи» бор, бироқ уларнинг ўрнига биз «Шаҳарда киш»ни кўрамиз. Бу шеър бир қатор адабий жумбоқлардан ташкил топган. Унда муаллифнинг ягона мақсади – сўз ёрдамида бир қатор образлар чизиш бўлган, бирдан-бир лаззатланадиган нарсаси эса ўзининг навқирон махоратини намойиш қилиш бўлган. Аслида санъаткор бўлиб туғилган Мицкевич илҳом билан сонетларига жило беришга киришади. Бу ерда ҳали вақти-соати келиб ундан улур миллий шоир чиқишига заррача ҳам ишора йўқ. Худди шу воқеалар ёшлик йилларида Сенкевичнинг ҳам бошидан кечган. У аввалига новеллалар, этюдлар, чучмал хотиралар ёзган, кейин эса у «ғоянинг улур қўнғироғига занг уриш пайти келди» деган эътиқодга келгандан сўнг буларнинг баридан воз кечган.

Ҳозир ҳеч ким ўзини «санъат санъат учун» деган қарашнинг тарафдори деб тан олишни истамайди. Ўша назария тарафдорларини истисно қилганда ёзувчилар ҳамаша бирон вазифани бажаришга тайёр бўлишган, баъзан мана шунақа вазифа мавжуд деб ишонтирса, ёзувчилар индамай ишониб кетаверган ёки жамоатчилик фикрининг босими остида бу вазифани индамай бўйинларига олишган. Негаки, адабиётга эътиқодлар, қарашлар, ахлоқ, илм-фанга боғланмаган ҳолда мустақил тарзда ҳаёт кечириш камдан-кам насиб этган. Бунақа босимлар таъсирига тушган ёзувчиларнинг ўзлари ҳам бунга ишона бошлаганлар. «Мен бутун ақл-заковатимни, жамики юмор туйғусини ишга солиб, бу романда инсоний заифликларнинг устидан кулмоқчи бўлдим ҳамда шу йўл билан одамларга уларнинг қусурларидан қутулишларига ёрдам бермоқчи бўлдим» – деб ёзади

Филдинг «Том Жонс»га мукаддимада. Бунга ўхшаш гаплар адабиёт ривожининг ҳамма босқичларида тез-тез такрорланиб туради, чунки адабиётга фақат «санъат санъат учун» деган шиорнинг ўзи билан яшаш жуда қийин. Ижодий кучларнинг табиий ривожи, муттасил бойиб борадиган ҳаётий тажриба, интеллектуал манфаатларнинг кенгайиши, хис-туйғуларнинг балоғатга етиши биз «ёзувчининг шаклланиши» деб атайдиган нарсанинг чуқурлашувига ёрдам беради ва эртами-кечми бу ёзувчини ёшлигида биринчи марта қўлига қалам олганда ўйлаб кўришни ҳаёлига ҳам келтирмаган муаммоларга эътиборини қаратишга мажбур қилади.

Турли-туман эмоционал майллар, масалан, дардга айланган Ватан ишқи каби кўтаринки туйғулар ёки ғазаб, нафрат, интиқом каби салбий туйғулар ҳам ижодкорга таъсир кўрсатади. Бу туйғулар салбий бўлгани билан қуввати жиҳатидан ижобий туйғулардан қолишмайди. Уларнинг ҳаммаси адабиётда ўз вакилларига эга ва бу вакиллар нафақат ўртамиёна ёзувчилар ўртасида, балки ёрқин истеъдодлилари орасида ҳам кўп учрайди, деб эътироф этади Жан Жак Руссо. Муболағасиз айтиш мумкинки, Тацит ўзининг «Анналари»ни мустабидлик туфайли чеккан жамики хўрликлари учун ўч олиш мақсадида ёзган. Лекин шунга қарамасдан, у китобининг кириш қисмида «*Sine ira et studio*» деган машҳур сўзларини ёзиб қолдирган эди. Бу ибора кўпларни чалғитишга муваффақ бўлди, чунки уни ўқиганлар Тацит асарини чиндан-да «ғазабсиз ва эътироссиз» деб ишонишди.

Янада кучлироқ таъсир қиладиган ва ўз домига тортадиган омиллардан яна бири – рақиблик туйғуси ва шон-шуҳрат иштиёқидир. Бошқалар билан тенглашмоқ, улардан орқада қолмаслик, аксинча, улар-

дан ўтиб кетиш истаги, сўз ва фикр дунёсида улардан кўра юқорирок ўринга кўтарилиш орзуси ҳам ижодкорга катта қувват беради. Худди шунингдек, бир вақтлар кимлар томонидан ёпиштирилган ёрликдан кутулиш хоҳиши ҳам адибни ёзишга ундовчи омил бўлмоғи мумкин. Масалан, Конрадни эслайлик. Уни «денгиз куйчиси» деб аташса бирданига унинг газаби жўшиб кетарди. У ўз илҳомига бўғов солган ана шу халқани парчалаб ташлашга тинимсиз интилар эди. Реймонт эса Сенкевичнинг «Трилогия»си таъсирида ўзи ҳам зўр бериб ижод кила бошлади ва эҳтимолки, ўзининг «Мужиклар»и мавзусини шу йўлда топган бўлса ҳам ажаб эмас. Йирик ёзувчиларда одатда мана шу рақобат руҳи катта-катта муваффақиятларга олиб келади ва шу пайтга қадар уларнинг ўзларига ҳам маълум бўлмаган имкониятларни очиб беради. Аммо истеъдодлари унча катта бўлмаган ёзувчиларда эса бундай рақобат кўпинча оғир мағлубиятларга, кучли изтиробларга ва ҳатто кучлари етмайдиган мавзуларни эгаллаш учун тенгсиз курашда ҳалокатга ҳам олиб келмоғи мумкин.

Шунингдек, биринчи қарашда майдароқ кўринадиган оддий каноат ҳосил қилиш, мамнун бўлиш каби туйғуларга ҳам беписанд қараш керак эмас. Улар нафақат илк бор қоғоз устига эгилиб сўздан маст бўлган адиб ижодининг дастлабки босқичларини белгилаб беради, балки бу туйғулар ҳам ижоднинг кейинги босқичларида ҳам ёзувчининг қўлига қалам тутқазади ва бу ҳодиса биз ўйлаганга қараганда кўпроқ рўй беради. Айниқса, шоирларда неча мартаб шундай рўй берганки, сўз худди қўшиқ каби ёлғиз қувончнинг ўзидан туғилган, ҳаётий кучларнинг тўлиб-тошганидан ҳосил бўлган.

Нихоят, ташқи рағбатлантирувчи омилларни ҳам тилга олмасдан ўтиб бўлмайди. Бу омиллар, эҳти-

мол, адибни йўқдан бор қилмас, ҳеч кимни ёзувчига айлантириб қўймас ҳам, лекин улар кул ичидаги чўғдан аланга ҳосил қилишга ёрдам беради. Шундай даврлар ҳам бўлганки, бунга мода катта ёрдам берган — мода муайян синфга мансуб бўлган ёки жамиятда муайян мавқени эгаллаб турган одамларни адабий ижод билан шуғулланишга мажбур қилган. Бу ўринда жамият тан олган бошқа касби корлардаги каби муайян камолот чўққиларига эришиш мумкин эди, шу билан бирга истеъдодининг кучи билан мода қолипларини ёриб чиқмоқ ҳам мумкин эди. XIX асрдан бошлаб адабий ҳаётга коммерция бошқача рағбатларни олиб кирди. Баъзи бир бадавлат жамиятларда баъзи бир ёзувчилар жуда катта бойлик орттирганлар, бу эса тадбиркор ва абжир одамларнинг эътиборидан соқит қолган эмас. Тўғриси айтганда, шу пайтгача айни шу йўл билан адабиётга кириб келган бирорта ҳам улуғ санъаткор учраган эмас, лекин адабиётда эпчил сўз чайқовчилари, сўз фабрикантлари, олғирлар ва чаптастлар тикилиб ётипти ва кўпинча кенг омма уларга ишонч билдиради. Холбуки, улар бундай ишончга мутлақо лойик эмаслар. Ҳатто адабий касблар биржаси ҳам бор. Масалан, «The Writer» («Ёзувчи») деган Америка журналида эълон чиқипти — унда ҳамма нарсани қамраб олувчи мавзуларда ёзилган романлар ва драмаларга, идиллиялар ва сонетларга, қофияланган ва оқ шеърларга таклиф ва талаб борлиги айтилган. Бу асарларда баҳор булутларидан бошлаб, фабрика чикиндиларигача, садизмдан тортиб авлиёликкача ҳамма нарса акс этган бўлиши мумкин. Бу журналда кишининг фашига тегадиган энг ёмон жойи унинг номидир.

«Ёзувчи» сўзини ҳозирги пайтда жуда қаттиқ суиистеъмол қиладилар. Яқин-яқинларгача ёзувчи ва адабиётчи сўзларини қўллашда анчагина эҳтиёт бў-

лишар ва камсуқумлик билан бу икки сўз ўртасидаги тафовутни сақлашга ҳаракат қилишарди. «Ёзувчи» деганда алланечук «рицар» унвонига сазовор бўлган олижаноб инсон тушунилар, «адабиётчи» деганда эса унинг қуролбардори назарда тутиларди. Адабиётчи фурсати келганда «ёзувчи» деган фахрий номни қўлга киритиб қолишдан умидвор бўлмоғи мумкин эди. Бу номни қўлга киритгандан кейин эса унга ҳам орттирма даража билан кучайиб борувчи таниқли, машхур, йирик, доврुकли, улуг деган сифатлар қўлланарди. Агар бирор одам ва айниқса ҳали қуйилиб улгурмаган бирор ёш-яланг ўзини «ёзувчи» деб ата-са, бу мактанчоқликка йўйиларди. Чунки у ўзини «ёзувчи» деб атаб, шу билан гўё ўзининг адабиётга муқим кириб олганини, унда муайян ўрин тутишини эълон қилаётгандек туйиларди. Шунинг учун «адабиётчи» деган таъриф билан кифояланган одамни анча камтар, камсуқум ва олижаноб деб ҳисоблашар, чунки бу сўз фақат касб-корнигина кўрсатар эди, холос. Ўзининг бирон бир касб-корга мансублигини айтишда ҳеч қанақа мутакаббирлик йўқ эди. Хозир эса қўлига қалам ушлаганларнинг аксарияти бунақа камсуқумликдан анча узоқ туришади.

Ёзишга иктидори бор бўлиб ёзиб турган ва ҳатто ёзганларини чоп этиб турадиганларнинг ҳаммаси ҳам ёзувчи бўлавермайди. Ёз-ёз касалига чалинганларни айтмаёқ қўя қолайлик, ҳатто кўпгина фойдали китобларнинг муаллифлари – улар дostonлар, драмалар, романлар ёзганми, бунисидан қатъи назар, ҳеч қачон адабиётга кирмайдилар. Фақат ёзув пайдо бўлган энг дастлабки пайтлардагина тартиблар анча эркин бўлган – адабиёт ҳаммани қабул қилаверган, ҳатто жиндай серҳафсала қофиябоз ҳам агар унинг овози забонсиз аср бўшлиғида янграган бўлса, у чинакам шоир билан бир қаторда мангулик китобига кириб

қолиш имкониятига эга бўлган. Тарих мобайнида тартиблар қаттиқлаша борган. Буни Вальтер ўзининг «Луғат»ида жуда яхши кўрсатиб берган. У шундай дейди: «Романлардан бошқа ҳеч нарса ўқимаган, ҳар қандай санъатдан холи бир-икки пьесани бир амаллаб қоралаб чиққан ёки ҳеч қанақа билимга эга бўлмаган ҳолда ямаб-чатиб бир-иккита панд-насихатни ёзган одам ҳеч қачон адабиётга кирмайди». Вальтер бу ўринда «gens de lettres» иборасини, яъни «адабиёт одамлари» деган иборани қўллайди. Буни у «адабиётчи» деган маънода қўллайди. Бизнинг давримизга келиб, бу ибора касб-корни англатувчи маъно касб этди. Агар Вальтер айтган гапларни Адабиётчилар жамиятининг низомномасига киритса, бу нуфузли ташкилот хаш-паш дегунча ўзига кирадиган аъзоларнинг кўпчилигидан маҳрум бўлар эди.

«Муаллиф» деган сўз кунда қўлланадиган энг жўн ва оддий сўзлар қаторидан ўрин олди ва бугун биронта одамнинг хаёлига бу сўзда ёзувчи учун энг фахрли унвон ифодалангани келмайди ҳам. Лотинча auctor сўзи augere феълидан келиб чиқади ва бирор нарсанинг миқдорини кўпайтирмоқ, оширмоқ деган маънони билдиради. Ҳарб майдонларида ғалаба қозониб, қўлга киритган ҳудудлари билан мамлакат чегараларини кенгайтирган музаффар саркардалар шу номга сазовор бўлишган.

Шундай қилиб, «муаллиф» деган унвонга ўз асарлари билан халқнинг маънавий бойликларини кўпайтирган, халқ учун гўзаллик бобида янги ҳудудлар очишга эришган ёзувчиларгина тақдирланишга муносиб бўлишган. Аммо кўпдан бери ана шу сийқаси чиққан унвон билан ҳатто дастурнома тузувчиларни ҳам тақдирлайдиган бўлиб қолишган.

Римликлар тўрт тоифа artificumни – сўз санъаткорини фарқлашган. Булар нотиклар (ораторлар),

шоирлар, файласуфлар ва тарихчилардир. Бундай тасниф асрлар мобайнида сақланиб қолган, фақат сўнги авлодларгина адабиёт соҳасининг маъноси-ни торайтириб, англизлар айтган fictionдан, яъни тўқимадан иборат қилиб қўйишган. Адабиёт тарихига бағишланган асарларда поэзия, драма, романдан ташқари ҳикоявий характерга эга бўлмаган проза тўғрисида фақат ахён-ахёндагина эслатиб ўтадилар, адабиёт дарсликларида эса хатто шуни ҳам қилишмайди. Такризчилар пьеса шаклидаги ҳар қандай бемаъни сахна асарига ёхуд роман шаклидаги бўлган-бўлмаган асарлар тўғрисида эътиборларини аямай узундан-узоқ қулоч-қулоч мақолалар ёзадилар, ҳолбуки, ақл-заковати, билимдонлиги, услуби билан адабиёт салтанатида жуда катта ҳурмат-эътибор қозонган эсселарнинг муаллифлари, тарихчилар, файласуфлар борки, бизнинг бояги такризчиларимиз локал уларнинг номларини ҳам билишмайди.

Мазкур китобимизда ораторлик санъати Демосфен ва Цицерон, Боссюэ ва Скарга кабиларнинг номлари билан фахрланишини айтиб ўтайлик; унутмайликки, унда, яъни нотиклик санъатида илк бор гузал сўзга таъзим авж пардаларга кўтарилган, биринчи бўлиб шу сўз билан ҳар томонлама шуғулланган ҳам нотиклик санъатидир, у услубнинг умумий қоидаларини, унинг алоҳида йўсинларини ҳам ишлаб чиққан, бадиий наср ҳам ўзининг жамики хусни таровати билан нотиклик санъати олдида қарздордир. Насрдаги хилма-хил жумлаларда, иборалар қурилишида, таққосларда, истиораларда ифодаланадиган бениҳоя бой фразеология захиралари ҳам ораторлик санъати туфайли камолга етган. Бу бойлик қадимги замонлардан бошлаб ҳозирга қадар авлодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келмоқда. Драматурглар ва романнависларнинг қа-

ламларига узлуксиз равишда озука бериб келаётган мавзулар, вазиятлар, сюжетлар соҳасидаги сон-саноксиз ниятлар ҳам, ниҳоят, «санъатлар ичида энг муқаддаси» ҳисобланган поэзиянинг ўзи ҳам суҳандонликнинг, сўзга чечанликнинг туғишган синглисидир. Шеърӣй сатрларда бўғинларнинг сони бир хил бўлишига кўникмасдан аввал, улар ранг-баранг ва жарангдор қофиялар билан жилолана бошламасдан анча аввал буларнинг бари нафис нотиклик санъатининг уйғунлигида мавжуд эди. Тўғри, ҳозирги замон нотикларининг нутқларини тинглаганингда буларнинг ҳаммасини тасаввур қилиш жуда қийин.

Фалсафа билан тарих бадиий адабиёт доирасидан чикиб кетди. Улар бошқа фанлардан ва биринчи навбатда аниқ фанлардан ибрат олиб, фикрни ихчам ва лўнда қилиб ифодалашнинг ўзи кифоя, деб ҳисоблашади. Улар фикрни бошқалар англай оладиган, қийналмай тагига ета оладиган қилиб ёки ўрта асрларда айтганларидек, *scribere distincte et perspicue* – равшан ва мухтасар ёзмок зарур деб билишган. Лекин шуниси ҳам борки, ҳозирги пайтларда ҳам кўпчилик ёзадиганлар учун бу етишиб бўлмайдиган бир орзу бўлиб қолиб кетмокда. Лекин шундай замонлар бўлганки, файласуфлар Гомернинг гекзаметридан фойдаланишган ва Лукреций худди бронзадан қуйилгандай қуйма сатрларда Эпикур таълимотини баён қилиб берганида, шунингдек, Ксенофан ва Эмпедокл калами остида гекзаметр неча марталаб муваффақиятга эришган эди. Афлотун диалогнинг мохир устаси бўлди ва насрда энг улуғ усталардан бири бўлиб етишди. Бэкон Веруламли, Декарт, Лейбниц, Шопенгауэр, Бергсонлар ўз жумлаларининг тузилишига фалсафий системаларининг қурилишидан кўра кам аҳамият берган эмаслар ва бунинг учун ҳеч ким улардан таъна қилмаган.

Олим Л.П.Кушу Паскаль кўлёмаларини кўлдан ўтказиб ўрганиб чиққан, у файласуфнинг қалами қандай қилиб сўзлар билан курашганини, бачкана ва заиф сўзлардан қандай қилиб халос бўлганини, қандай қилиб теша тегмаган, жарангдор ибораларни топганини, Паскаль ҳар бир фикрни қандай қилиб чархлаганини, уни ортикча юкдан, латта-путталардан, хас-хашакдан фориф қилиб, қандай қилиб уни аниқ, қисқа, ихчам, лўнда қилишга, деярли яланғоч ҳолга келтиришга муваффақ бўлганини ёзган.

Адабиёт Геродот, Фукидид, Саллюстий, Тацитларнинг номини ифтихор билан тилга олади. Цицерон тарихни *genus maxime oratorium* – нотиклик санъатининг олий тури деб айтган эди. Антик даврда, ўрта асрларда, гуманизм даврида тарихни шундай тушунишган. Бизнинг Галл Анонимимиз «Солнома»ларидаги деярли ҳар бир жумлани айтиб кўрган, ҳатто кўшиқ қилиб айтиб кўрган, Кадлубек ўз услубининг ҳаддан ташқари жимжимадор ва серҳашам бўлгани туфайли бир оз ясамароқ туйилса-да, шунга қарамай, ўз даврининг жуда ажойиб ёзувчиси бўлган эди. Длугош эса кейинги даврларда ҳам ана шунақа ажойиб ёзувчи бўлиб қолди. XIX аср тарихчилари Маколей, Ренан, Шайноха, Кубалялар услубнинг моҳир усталари бўлганлар, улар ҳам чинакам сўз санъаткорлари эди. Уларнинг юксак санъати тарихий роман жанрининг бадиий савиясига катта таъсир кўрсатган. Агар услуби жозибадор бўлмаганда, Ипполит Тэннинг асарлари аллақачон назариялари билан бирга унут бўлиб кетган бўларди. Бугун унинг назариялари кўпда бизни ҳаяжонга солавермайди, аммо Тэн ўз саёҳатларини тасвирлаган жойларда ва санъат ҳақидаги очеркларида яратган жуда ажойиб манзаралар олдида биз лоқайд қололмаймиз. Афсуски, бизнинг давримизда услубининг баркамол бў-

лиши устида кайғурадиган тарихчи бу иши билан фанда ўзининг обрўйини тўкиб қўйиши ҳеч гап эмас. Бироқ бу вақтинча ҳодисадир, шундай бир кун келадики, унда моҳир қаламлар тарихий тадқиқотларга яна мафтункор жозиба бахш этгусидир.

Бир замонлар фалсафа таркибига ҳамма табиий фанлар, ҳамма математик фанлар ва гуманитар илмлардан баъзи бирлари кирган. Ҳатто Ньютон ўзини файласуф деб ҳисоблаган, биринчи термометрни ҳам «фалсафий асбоб» деб аталган. XIX аср илмларни шу даражада хиллаб ажратиб ташладики, ҳар бир фан ўз усули билан иш юрита бошлади ва ўз атама-ларидан фойдалана бошлади. Уларнинг ҳеч қайсиси адабиётга яқин бўлишни, у билан ошначилик қилишни истамади, фақат ўқтин-ўқтингина унга баъзи бир материалларни етказиб бериб туради. Масалан, Метерлинк шундай бўлган («Асаларилар ҳаёти», «Буюк байрам» ва ҳоказолар шулар жумласидандир), лекин бу унга «чегарадош соҳадан» олинган ўша асарларга менсимай қарашга ҳалал бермайди. Лекин шундай бўлса-да, баъзан олим ҳам бадий сўзнинг ёрдамидан фойдаланишга жажд қилади: Фламарион, Бёльше, Седлецкийлар шулар жумласидандир. Бу ерда ҳам баъзан дурдона асарлар туғилиб қолиши мумкинлигини ҳеч қачон эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Услуб ҳақидаги энг дастлабки ишлардан бирининг муаллифи табиатшунос Бюффон бўлди. Унинг Академияда сўзлаган машҳур нутки – «Услуб ҳақида нутқ» – бадий прозанинг нутки сифатида қаралиши мумкин, унинг «Услуб – бу инсондир» деган ҳикмати эса сон-саноксиз танқидий асарларнинг етакчи шиори бўлиб қолган. Бюффон ўз ижодий фаолияти билан «олим қандай ҳолларда бир вақтнинг ўзида ёзувчи ҳам бўла олади?» деган саволга жавоб берди. Флуранс «Бюффоннинг қўлёзмалари» деган тадқиқо-

тида унинг махорат сирларини очиб берди. Бюффон ўзининг «Табиат босқичлари» деган асарининг ҳар бир бобини қайта-қайта ёзиб чиққан ёхуд айтиб туриб янгидан ёздирган, шу йўл билан у бир вақтнинг ўзида оламнинг илмий тасвирини ҳамда санъат асарини яратмоқчи бўлган. У ҳақли равишда француз насрининг классиклари орасидан ўрин эгаллаган.

Ёзувчилик санъатининг чегараларини на адабий жанрлар бўйича, на янада камроқ даражада мавзулар бўйича белгилаб бўлади. Агар баъзан худди шу йўл билан ёзувчилик санъати чегараларини белгилашга уринишса, бундайлар ўз даврининг хурофотлари таъсирига берилиб иш тутган бўладилар. Роман XVIII асрда ва ҳатто XIX асрнинг бошларида ҳам ҳали санъат асари деб ҳисобланган эмас. Биз учун эса у прозанинг баъзи бир жанрларининг, жумладан, эссе ёки диалог каби жанрларнинг тўлақонлигини бир мунча тўсиб қўйган. Шундай даврлар ҳам бўлганки, шеърият гарчи сифати жиҳатидан насрдан ўтиб кетган бўлмаса ҳамки, шухрати жиҳатидан ундан устун бўлган; ҳатто ҳозир бизнинг кунларимизда ҳам қофияланган ёки қофияланмаган кингир-қийшиқ мисралар ёзилган саҳифалар бизнинг назаримизда матнга тўлиб тошган, сатрлари бир чирик бўлиб тизилган саҳифалардан кўтаринкироқ, шоиронароқ туйилади.

Мен фақат битта адабиёт тарихини биламанки, у биз одатда адабиёт деб атайдиган соҳа билан чекланмайди. Бу Кембрижда барпо этилган «Оврўпа адабиёти тарихи» деб аталган асардир. Ун тўрт жилддан ташкил топган бу асар Кембрижда 1907 – 1916 йилларда босиб чиқарилган. Ундан нафақат адабиёт, балки фалсафа, сиёсат, иқтисодиёт, парламентга хос суҳандонлик, диний рисоалар, газета-журналлар, ҳатто хусусий мактублар, кўча кўшиқлари, саё-

хатлар, спорт ўйинлари ҳақидаги ҳисоботлар, хатто рўзғорда тутиладиган хўжалик дафтарлари, пазандалик тавсияномалари, хушфезллик қонун-қоидалари мажмуалари ҳам ўрин олган. Материални бунақа мўл-кўл жойлаштиришда бир оз меъёрдан чиқиб кетилгандай кўринса-да, бунга чидаса бўлади, негаки унда ҳар қайси даврдаги адабий манзара жуда кенг ва ғоятда ёрқин берилган. Аммо биз бу китобда Кембриж ибратига амал қиладиган бўлсак, «ёзувчи» деган тушунча бутунлай кўмилиб кетиши мумкин эди. Ёзув санъатига мурожаат қилган, бирор баҳона сабаб билан қалам тебратган ҳар қандай одамни «ёзувчи» деган ном билан аташ жоиз эмас. Ёзувчининг сўз санъаткори сифатидаги характерли белгиларини унинг хаёлотидан, илхомидан, оламни жуда теран бир инсонийлик билан идрок этишидан изламоқ керак. Ёзувчининг ёзувчилиги у танлайдиган бадий воситаларда намоён бўлади – бу воситалар ёзувчи кўрсатмоқчи бўлган таассуротларни имкони бор қадар кенг ва теран қўзғатмоғи ёхуд чиқармоғи мумкин бўлсин. Бошқача айтганда, у эстетик самарага эга бўлсин, бу самара эмоционал, интеллектуал йўналишга эга бўлсин. Ва яна эҳтимолки, ёзувчининг ёзувчилигини ҳамма нарсадан аввал унинг услубидан изламоқ керакдир.

(А. Фитрат ҳам «Адабиёт қоидалари» асарида услуб шоирликнинг муҳим белгиси деган эди – муҳаррир.

Ушоднинг биронта ҳам турида адабиётдагидек инсон типлари ва касб-корларининг хилма-хиллигини кўрмаймиз. Уларнинг орасида авлиёлар, папалар, императорлар, қироллар, давлат арбоблари, фотихлар, кашшофлар, саргузаштталаб одамлар, аскарлар, олимлар, артистлар бор – улар жамиятдаги деярли ҳамма табақаларнинг вакилидир. Истаган касби кор вакили, истаган хунар эгаси адабиётда фаол иштирок этиши мумкин. Қалам ҳали ҳеч кимга зарар келтиргани йўқ. Қироллар, рицарлар ёки дворянларнинг қўллари қалам тутишга яраган-у, лекин муайян даврларда санъатнинг бошқа турлари билан шуғулланишга ор қилишган. Адабий меҳнатнинг ана шундай кенг тарқалиши, истаган одамнинг у билан шуғулланиш имконига эга бўла олиши сўз санъатининг яратувчилари ўртасида психологик типларнинг фавқулодда даражада хилма-хил бўлишини таъминлаган. Зодагонлар ва хонанишинлар, таркидунё қилганлар ёки пиёнисталар, мусичадек ювош одамлар ва йўлбарсдек йиртқичлар қаҳрамонона шахслар билан, телбалар ёки жинойтчилар билан аралаш-қуралаш бўлиб кетишади. Турли хил тоифадаги инсон характерининг биронтаси йўқки, адабиётдаги истаган донгдор одамни ёки илгаридан ўзига маълум бўлган қаҳрамонни ўзининг вакили деб тан ололмайдиган бўлсин. Инсоният адабиётни бамисоли ўзининг мухтор вакилларининг жамоасига айлантириб олган, шунинг учун унда фавқулодда шахслар билан бир қаторда ўзини босиб олган, хотиржам, кўпчилик

одамлардан ҳеч нарсаси билан ажралиб турмайдиган эсли-хушли шахслар ҳам етиб ортади.

Аммо ёзувчи камдан-кам ҳолларда фақат битта характери билан кўзга ташланиб туради. Хаёлот иёрдамида, нарса-ҳодисалар моҳиятига кира олиш қобилияти ва уларни тубдан ўзгартириб юбора олиш иқтидори туфайли у ўзида бир неча шахсларни барпо этади ёки барпо этмаган тақдирда ҳам бошқа баъзи бир одамларнинг чизгиларини ўзида мужассам қилади, лекин буларнинг ҳеч қайсисининг ҳаёти билан яшаб кўрмаган бўлади. Оноре де Бальзакни эслилик («de» деган қўшимчанинг ўзиёқ унинг хаёлотининг меваси). Бу одамнинг дунёси оломонга ўхшаган турфа хил одамлар билан тўлиб-тошган. Уларнинг ҳар бирининг умри шону шуҳрат билан ёхуд катта бойликлар орттириш билан, муҳтожлик чангалларида ёхуд турмада тугаши мумкин эди. Уларнинг орасида молиявий ва нодир буюмлар савдогари, художўй ва муттахам, полиция бошлиғи ва жинойтчи бор эди. Ҳабашистонда Артюр Рембо деган савдогар билан учрашиб қолса, унинг қаршисида турган одам шоир ва «Фурсат келди, мен бормоқдаман» деган тўпламнинг муаллифи турганини мутлақо хаёлига ҳам келтирмайди. Шекспирнинг ҳаёти анча серғалва бўлган эди ва саргузаштлардан холи эмас эди, лекин шундоқ бўлган бўлса-да, унга қироллар билан қўлтиклашиб юришга тўғри келмаган, бироқ Шекспир уларнинг қалбини шу қадар чуқур билардики (қиролларнинг ўзи эса уни тан олишган эмас), унинг ўзида, албатта, алланечук қиролларга хос сифатлар мавжуд бўлган бўлиши керак. Шекспир фожиаларининг ҳақиқий муаллифларини излаб Елизавета даврининг қасрларида изғиб юрадиган фаросатсизлар буни ҳеч қачон тушуна олмайдилар.

Муайян даврларда адабиётни битта ижтимоий табақа одамлари, масалан, дворянлар ёхуд битта ижти-

мой мазхабга мансуб одамлар, масалан, рухонийлар яратганлар. Бундай холларда уларнинг турмуш тарзи, топган тарбияси, майллари бир-бирига ўхшаб бўлиб чиқарди ва муаллифлар характерлари бир-биридан ҳар қанча фарқ қилишига қарамай, уларнинг асарларида ўша ўхшашлик ҳам, албатта, акс этарди. Бошқа баъзи бир даврларда эса адабиётга кирган ёхуд аниқроқ қилиб айтганда, ёпирилиб бостириб кирган одамлар орасида бевосита сиёсатчи арбоблар ёки ҳарбий тоифага мансуб одамлар кўп бўлган. Улар «эрмак учун қалам тебратиш» билан шуғулланар эканлар, буни анча-мунча жиддийроқ ишлардан бўшаганларида қилганлар, ўша ишлар орасидаги танаффусларда адабиётни яратиш билан банд бўлганлар. Римда қул ёхуд эгаси озодликка чиқарган қул ўз вақтини ўйинларни томоша қилишга бағишлаши мумкин бўлган, Рим фуқаросининг зиммасидаги вазифалари бошқачароқ бўлган. Шунинг учун тишидан тирноғигача адабиётчи бўлган Цицерон умумжамоа кўламида тарқалган хато фикрнинг таъсирида бўлган ва адабиёт билан шуғулланишни аҳамиятига кўра энг орқа ўринда турадиган аклий меҳнат деб ёхуд майдакаш санъат деб атаган. Фақат бирон-бир жисмоний қусури бўлган одамгина ёки кўпчилик шунчаки бир девоналик деб ҳисоблаб, унчалик қораламай елка қисиб кўя қоладиган нуқсонга эга бўлган инсонгина ўзини тўлалигича адабиётга бағишлаши мумкин эди. Баъзи бир даврларда эса ҳарбийлар, сиёсатчилар, сарой аъёнлари адабий машғулотларга фақат асосий ишларидан мажбуран танаффус қилганларида, қора рўйхатларга тушиб, бекорчи бўлиб қолганларида, ишдан мосуво қилинган кезларда шуғулланганлар.

Агар синчиклаб эътибор қаратилса, осонгина аниқ билиш мумкинки, адабиёт тарихида бўронли биографиялар, саргузашталаб, ҳар хил ходисаларга бой,

курашга тўла, касби-корларини тез-тез ўзгартириб турувчи, тақдир сийловлари алмашилиб турадиган биографиялар бекиёс даражада кўп, акснча, бир маромда кечадиган, фақат ўз ижодининг кераклиги ёки лузумсизлиги масаласидаги гумонлар ва изтироблар билангина безовталанувчи биографиялар кам учрайди. Бунинг сабаби адабиётчиларнинг моддий жихатдан ёмон таъминланганидир.

Негаки, адабиёт ёзувчига қўлига қалам олгандан бошлаб ҳеч қачон бемалол яшамок учун, фаровон турмуш кечирмоқ учун етарли имкон берган эмас, хатто шундай ҳам бўлганки, адабиёт уни барпо этган одамга умуман даромад келтирган эмас.

«Билмайман нега шундай бўларкин – лекин кўпинча истеъдоднинг туғишган синглиси муҳтожлик бўлиб чиқади». Бу сўзлар Петронийга мансубдир, лекин фактнинг ўзи кўп йиллик тарихга эга. Қашшоқ адабиётчиларнинг узундан-узун рўйхати шоир Архилохнинг номи билан очилади. Бу шоир юнон лирикаси тарихининг илк босқичларидаёқ садақа сўраб қўлини чўзган эди. Унинг кетидан тўда-тўда оч ва юпун, қийналган, изтироб чеккан адабиётчилар келади. Буларнинг орасида Глатинга ўхшаш унутилиб кетган шоирлар бор. Улар орасида Марциала, Камоэнс, Вийон, Торкват Тассо, Верлен, Вилье де Лиль-Адан, Норвид каби жуда катта истеъдод эгалари бор. Уларнинг баъзилари бутун умрлари давомида ижод қилганлар, баъзилари эса ёруғ юлдуздай бир зумгина порлаб, ҳаётдан кўз юмганлар ва унут бўлиб кетганлар. Агар ёзувчининг аслида давлати бўлмаса, у адабий меҳнат билан бойиб кетишни ҳаёлига ҳам келтирмаса бўлади.

Ҳозирча адабиёт тарихининг молиявий-иқтисодий таҳлилини ҳеч ким яратганича йўқ. Агар вақт-соати келиб бу иш амалга ошиб қолса, бу тарихда ёзувчи-

ларнинг моддий турмушига тааллуқли тафсилотлар, ижодий меҳнатлари учун оладиган қалам ҳақлари ҳақидаги маълумотлар ва ниҳоят, қандай қилиб жамият турли даврларда унинг адабиётини яратиб бергани учун ёзувчилар олдидаги мажбуриятларини бажаргани тўғрисидаги ахборот ўрин олган бўлади. Бу иқтисодий обзорнинг биринчи бобларидаёқ биз «Одиссея»дан олинган сўзларни эшитган бўлардик: «Ёруғ жаҳон бўйлаб ким ҳам изғиб юриб, бегона одамларни топиб, уларни ўз ватанига етаклаб келмоғи мумкин? – дейди Евмей Антинойга. – Мабодо битта-яримта етаклаб келса ҳам жонажон замин учун фойдаси тегадиганларни етаклаб келмоғи мумкин. Булар – назаркарда башоратчилар, турли дардларга шифо берадиганлар, дурадгорлар ёхуд Худолар кўнглига солган илҳомланиб яратган қўшиқлари билан юрагимизга малҳам берадиган куйчилар... Бундайлар ёруғ жаҳоннинг ҳамма бурчагида ҳам ғоятда ардоқли...»

Шундай бўлиб чиқяптики, гўё шоир ҳамма жойда ҳам ғоятда ноёб ва қадрланадиган мутахассис сифатида қаралган, ҳамма саройларда ҳам уни бажони дил қучоқ очиб қарши олишган ва меҳнати эвазига яхши-яхши инъомлар беришган. Уларни аэдлар деб аташган. Биз аэдларни «Одиссея»да подшоларнинг саройларида учратамиз. Улар подшолар томонидан шу қадар юксак эъзозланадими, ўз-ўзидан бир шубҳа туғилади – Ҳомер асарда аччиқ ҳақиқатни кўрсатиш ўрнига аллақандай аъмолни ёки ўзи тўқиган бир рўёни кўрсатмаганмикин? Айни ана шу аэдларнинг ўзи яқин-яқинларда – бор-йўғи икки асрлар нарисида бутун Юнонистонни кезиб юришган. Улар ўзларининг турмушлари тўқ ва фаровон бўлишига кўпда ишонишмайди, негаки, улардан бири – «Деметрга мадхия»нинг муаллифи илоҳга мурожаат қилиб, қў-

шиғи учун инъом тарзида етарли миқдорда нон бермоғини илтимос қилади.

Бундай иктисодий обзорнинг кейинги саҳифаларидан шоирлар – фожианавис ва комедиянавис ижодкорлар Дионисий танловларида қанча мукофотлар олгани ва айрим ижодкорлар, масалан, Геродот Афина ҳукмдорларидан қандай миқдорда фахрли нафақа олиб тургани ҳақидаги маълумотлар ўрин оларди. Билмадим, спорт мусобақаларининг ғолибларини мадх этишга бағишланган асарлари учун Пиндар олган даромадларни аниқлаб бўладими-йўқми? Бу даромадлар анча катта бўлган деб тахмин қилиш мумкин, негаки, мадҳияларни подшолар ёки юксак рутбали зодагонлар ёхуд ўз фуқароларини шарафлаш билан шон-шуҳрат орттиришни ўйлаган бадавлат шаҳарлар буюртма бериб ёздиришган. Кейинги боблардан биз милоддан аввалги III асрда Рим сенати «скриблар»га (ёзувчилар) ва «гистрионлар»га (актёрлар) Авентин адиридаги Минерва эҳромида биргаликда мажлисларга йиғилиш ва ибодатлар қилиш ҳуқуқини инъом этганини билиб оламиз. Буни адабиётчилар қасаба уюшмасининг илк марта пайдо бўлиши, деб ҳисобласа бўлаверади. Афтидан ўша пайтларда адабиётчилар унчалик катта обрўга эга бўлган эмас эканлар. Чунки уларни одамлар ўртасида мутлақо иззат-икромга эга бўлмаган гистрионлар цехи билан бирлаштирган эканлар. Бу ялангоёқлар ризқ-рўзини машаққат билан топиб еган. Улар халқ сайиллари ва томошалари учун матнлар ёзиб беришган, бадавлат фуқаролар учун эпиталама ёки эпитафия каби қабр тошига ёзиладиган парчалар битиб беришган, давлат арбобларининг қўлида котиблик қилишган ва тирикликнинг бошқа йўллариини излаб топишган. Бу йўллар уларнинг ҳамкасбларига ва уларнинг авлодларига ўша кунлардан бери яхши маълум ва ҳозирда ҳам амалдан қолган эмас.

Адабиёт мададга мухтож деган ҳақиқатни жамият жуда қийинчилик билан ўзлаштиради. Баъзи бир адабий асарлар кўпчилик томонидан зўр завқ-шавқ билан кутиб олинади, баъзи бир муаллифлар одамларнинг самимий муҳаббатига сазовор бўлишади. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси умумий ахволни ўзгартира олмайди. Замондошлари Софокл шарафига меҳроблар қуришган, чунки унинг асарларининг келиб чиқишини илоҳий сабаблар билан боғлиқ деб ҳисоблашган, лекин улар бу буюк ижодкорнинг тўқ-фаровон ҳаёт кечиришини ўйлашган эмас. Империя замонларида адабиётга қўмаклашиш ва ҳомийлик қилиш бобида муайян уринишлар рўй берган бўлса-да, улар подшоларнинг онда-сонда намоён бўладиган саховату сийловларида ифодаланган ёки ёзувчига адабий меҳнати учун муқим маош белгилаб қўйилган бўлса-да, буни ижод билан бир қаторда ёзувчининг бирон фойдали фаолияти учун, нотиклик санъатидан дарс бергани учун тўланган. Буларнинг барчаси мавжуд хизматлар учун тўланадиган маош бўлган, лекин ёш истеъдод эгаларининг тирикчилигини енгиллатиш йўлида ҳеч нарса қилинган эмас – бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

«Одиссея»дан олинган «қалбларга малҳам бўлгучи қўшиқ» ҳақидаги чиройли сўзларни бошқа кўпгина даврларда ҳам такрорлаш мумкин. Масалан, трубадурлар даврида шоирга бахш этган лаззати учун ҳақ тўлашган. Лекин бундан ҳам кўпроқ ҳолларда шухрат учун ҳақ тўлашган.

Подшолар, саркардалар тарихчилар ва шоирларни ўзлари билан бирга олиб юришган – тарихчилар уларнинг зафарларини тавсифлаган бўлсалар, шоирлар уларни мадҳ этишган. Шаҳарлар ҳам ўзларининг шон-шухратлари ҳақида ғамхўрлик қилишган. Ёзувчиларининг меҳнати туфайли одамлар хотира-

сида сакланиб колган ўтмиш тажрибасидан келиб чиқиб кейинги авлодлар ўзлари учун ҳам ана шундай адабий ёдгорликлар барпо этиш ҳаракатларига тушишган. Улар бундай ёдгорликлар учун истаган миқдорда ҳақ тўлашга рози бўлишган – яратилган асарлар уларнинг иззат-нафсини қондирса, улар учун шунинг ўзи кифоя қилган.

Тарғибот пайдо бўлиб, ишга тушганда хали унинг номи йўқ эди. Август ўз сиёсатини юргизувчилар қаторига хаёлпараст Вергилийни (бу неъматни бизга Худо инъом этган, дейилади Август тўғрисидаги биринчи эклогада) ва мураса билмайдиган Горацийни қўшиб олишга муваффақ бўлган. Август яна бошқа кўпгина шоирларнинг хизматларидан ҳам фойдаланган. Уларнинг номлари асрлар қаъридан худди шивирлаб айтилгандай зўрға эшитилади. Биз уни саховатпеша инсон сифатида биламиз, бизга ҳатто шуниси ҳам маълумки, унинг бюджетининг баъзи бир моддалари адабиётга бағишланган, лекин ўзи бу тўғрида мақтанишни ёқтирмас эди. «Monumentum Apcrganum» унинг сиёсий биографиясини ўз ичига олган асардир. Шу асарда нечта гладиаторни майдонга чиқариб, жангга солганини, римликларнинг қўнғилхушлиги учун нечта ёввойи ҳайвонни ўлдиришга рухсат берганини ёзади, ўзи қурдирган биронта ҳам кўприкни, биронта ҳам канални санашни унутмайди, аммо ўзининг адабиётга қўрсатган моддий ёрдамлари тўғрисида чурқ этиб оғиз очмайди, гўё бу тўғрида гапиришга арзимайдигандай кўринади.

Гарчи кўпгина тарихчилар Август шаънига мақтовлар ёғдиришда жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилиб, бир-бирларидан ўзиб кетишга уринсалар-да, Август хиссиз, виждонсиз ва хаёлот қувватидан маҳрум бўлган сиёсатчи эди. У сиёсий фаолиятининг бошла-нишидаёқ жуда оғир бир жиноятнинг иштирокчиси

бўлганди – у Цицеронни ўлдиришда катнашган эди. Холбуки, Цицерон унинг ўсиб-улғайишида катта хизмат қилганди. Кейинчалик у Корнелий Галлни махв этди. У Августнинг мактабдош ўртоғи эди, жуда юксак поэтик иқтидорга эга бўлса-да, буларнинг ҳеч қайсиси Корнелийни золимнинг қазабидан сақлаб қолмади. Августнинг бошқарув замонида Овидийнинг бадарға қилиниши янада каттароқ шармандалик бўлган эди. Август умрининг охирига қадар Овидийга зигирдек меҳрибонлик кўрсатмади, кишининг гашини келтирадиган ўжарлик билан бадарға шароитини юмшатишни, қанақа бебаҳо инсоннинг ҳаётини ҳалокатга маҳкум этганини ҳаёлига ҳам келтирмади. Бундай воқеалардан яна бошқалари, эҳтимол, унчалик машҳур эмасдир, лекин ҳар ҳолда, у ҳукмронлик қилган даврда бунақа ишлар анча-мунча бўлган. Масалан, юнон оролларига бадарға қилинган ажойиб нотик Кассий Север муҳтожликда ўлиб кетган эди. Августнинг буйруғи билан ёндирилган Лабиен китобларининг дуди ҳатто муаррихларнинг мадҳиялари орасидан ҳам яққол сезилиб турарди.

Иттифоқо Августнинг ёнида Меценат деган одам бор эди – у маданияти жиҳатидан беқиёс даражада юқори турарди. У ёзувчилар билан муносабатда ва уларнинг ижодларига таъсир кўрсатиш бобида туғиладиган кўпдан-кўп нозик масалаларда тез-тез императорнинг жонига ора кириб турарди. Меценатнинг шахсиятида шундай белгилар мавжуд эдики, кейинчалик ҳар қайси давр уларни турли вариантларда ўзича такрорлаган. Асил зодагонлардан келиб чикқан, бадавлат, муаллифлик иззат-нафсига қаноат топмаган ношудроқ адабиётчи бўлган бу одам туғма одоби ва санъатга самимий муҳаббати туфайли қурук олифтага ҳам айланмади, ёз-ёз касалига ҳам дучор бўлмади. У бошқаларнинг яхши шеърятини ўзини-

кидан кўра юқорироқ баҳолаш учун етарли даражада юксак дидга эга эди. Шухратпарастликдан бебаҳра қолмаган Меценат шоирлардан мақтовли бағишловлар кутар эди, мангулиги таъмин бўлган шеърий бандларда номи тез-тез тилга олиниб туришини истар ва эҳтимолки, ҳатто талаб ҳам қиларди. Унинг сарф-харажатлари яна ўзига ортиғи билан қайтди. Меценат совға қилган торгина бир кулба учун шеърийат уни ўз қанотларида йигирма аср берига олиб келиб қўйди ва Меценатнинг номи шиорга айланди, рамзга айланди, фахрий ном бўлиб қолди.

*Марҳаматли худолар қайтарсайди Августни,
Меценат ҳам бағримга қайтармиди, она Рим...*

дея хўрсиниш билан орзу қилганди ўз чордоғида ўтириб олиб бечора Марциал.

Марциал хушомадни ошкора бозорга солди. Энди у мақтовлар учун катта ҳақ олмай қўйди ва арзимаган ҳақ учун истаган нарса тўғрисида истаган нарсани ёзиб берар эди. Ҳамён ва олтин қаршисида тахт кетидан шундай жойга ҳам югурар эдики, бу жой сари Гораций бир қадам ҳам қўймаган бўларди. Марциал – кўп сонли адабий гадолар жинсининг рамзий вакили бўлди. Бу одамлар йирик истеъдод эгалари эдилар, ақл-заковатда кам жойлари йўқ эди, улар ўзларининг баҳосини яхши билишарди, лекин шунга қарамай, улар доимо умрларини тиланчилик билан ўтказишга маҳкум эдилар. Улар катта шухрат эгалари эди, аммо бу шухрат уларни тириклигида одамларнинг нафратидан асраб қололмади, ўлганларидан кейин эса унинг кетидан хўрликлар, муросаи мадоралар, ёлғон-яшиқлар, мунофиқликлар ҳақидаги хотиралар эргашиб юрди.

Агар ёзувчининг ўзи бадавлат бўлмаса, ҳамма замонларда у жуда аянчли ҳаёт кечиришга мажбур

бўлган ва бундай пайтда адабиёт меценатларнинг ёрдами билангина жон сақлаган. Бизнинг Яницкий Жнин ботқоқларида номаълумлик бағрида ғойиб бўлиб кетиши мумкин эди, бироқ уни аввал Кшицкий кўллаб-қувватлади, кейин эса Кмит кўмаклашди. Тўғри, Кмит унчалик ёқимли одам ҳам, айтарли серҳиммат ҳам эмасди.

Гуманизм асри – меценатликнинг олтин асри бўлди. Бу даврда ёзувчилар ҳомий излаб, уларнинг эҳсонларига сиғинмоқларидан кўра бу дунёнинг улуғлари ёзувчиларнинг диққат-эътиборларини қозонишга кўпроқ ҳаракат қилишган. Ўзининг мустақиллиги камситилишини истамаган Петрарка меценатлардан ўзини ҳимоя қилган. Тухфалару инъомлар эса унга ҳар томондан ёғилиб турган: у Ломбедда, Пармда, Падуяда, Карпантрада каноник бўлган, папалар ва кироллар уни совға-саломларга кўмиб ташлашган. Поджо Браччолини биринчи марта бахт ва омад излаб Флоренция кўчаларига қадам қўйганда чўнтагида бор-йўғи беш лиар пули бўлган, холос. Машаққатларга ва муҳтожликларга тўла ҳаётининг сўнгида у олдида ажойиб боғи бўлган хусусий вилласида умргузаронлик қилишга муваффақ бўлган, агар у шунчалик озига қаноат қилган бўлса, бунинг сабаби шу бўлганки, у табиатига кўра кўчманчи дўли бўлган ва ўз эҳтиёжларида ҳаддан ташқари камсуқум ва хокисор одам бўлган.

Унинг рақиби Филельфо бутунлай бошқа гап. У кўп ҳам хижолат чекиб ўтирмай бадавлат одамлардан тўғридан-тўғри ўлпон ундираверган. Ўлпоннинг миқдори уларнинг давлатига боғлиқ бўлган. Лодовико Мородан у 250 дукат олган, Пьетро Медичидан – 100, Борсо д'Эсте ва епископ Мантуанлидан 50 дукатдан олган. «Сфорциана» достони ёрдамида Сфорциани холи-жонига қўймай, дoston устида-

ги ишни гоҳида давом эттирган, гоҳида тўхтатиб қўйган – унинг илҳоми Сфорцадан оладиган пулга боғлиқ бўлган. Сфорца бу Филельфо деганлари бир эмас, бир кун дostonни шартга бир чеккага улоқтиради-ю, унинг устидаги ишни бутунлай йиғиштириб қўяди, деб шу қадар хавотирда бўлганки, ўзининг хазинабонига шундай дея ёзган: «Сиз зинҳор-базинҳор уни кўздан қочирмаслигингиз керак. Худо кўрсатмасин, биз уни алдаётганимизни билиб қолса, ажойиб достони устидаги ишни йиғиштириб қўяди. Унда бизнинг уруғимиз ҳам шарафланмай қолади. Бу – жуда ёмон бўлади».

Бу давр – адабий меҳнат алоҳида ҳурмат-этиборга эга бўлган ва юксак кадрланган камдан-кам даврлардан бири бўлган эди. 1416 йилда Леонардо Бруни Флоренцияга ўз «Тарих»ининг биринчи жилдини топширди. Бунинг учун у ва унинг авлодлари солиқ тўлашдан озод қилиндилар, декретда кўрсатилганидек, бу мукофот «республиканинг шон-шухратини абадийлаштиргани учун миннатдорлик сифатида» берилган эди. Қироллар ҳам у пайтларда шоҳона эҳсонлар қилишга мойил бўлганлар. Альфонс Арагонли ўзи ҳукмронлик қиладиган Неапольда ўз хазинасидан Антонио Беккаделлига яхшигина маош тайинлайди, унга иккита қаср ва битта вилла совға қилади. Джаноццо Манетти ундан ҳар йили 900 дукат маош олиб турган, туз сотишдан ҳам кам даромад қилмаган. Бундан ташқари, булардан кам қимматга эга бўлмаган ёрлиқ билан тақдирланган. «Мессир Джаноццо, – деб ёзади қирол, – мазкур ёрлиқ билан сиз сарой ассамблеяларида қатнашиш мажбуриятидан озод қилинасиз. Бутун вақтингизни адабиёт ишларига бағишланг, чунки сизнинг бир келиб-кетишингизнинг ўзи учун биз ҳар қанча фахрлансак арзийди».

Француз қироллари ўзлари хомийлик қиладиган муаллифларга бунақа услубда муомала қилишган эмас; уларнинг саройида ёзувчилар сарой аъёнлари сифатида маош олишган. Клеман Маро ёки Мольер шундай бўлган. Фақат Расингина «муаррих» деган фахрий унвонга эга бўлган, лекин бунинг эвазига у ҳарбий сафарларда иштирок этмоғи зарур бўлган. Поляк қироллари олижанобрқ бўлган, улар Миколай Рейни сахийлик билан мукофотлаганлар, ҳолбуки, бу ёзувчи ўзининг кальвинизми билан тез-тез уларнинг гашига тегиб турган. Ёки улар Шимоновични «қирол ҳазратларининг шоири» деган мансабга тайинлаганлар. Бу мансабдаги одам катта-катта нафақаларни олиб турган. Инглиз қироллигида «лауреат-шоир» деган ном билан юритиладиган мансаб ҳозиргача сақланиб қолган.

XIX асрда учта рассом — Энгр, Жером ва Веттер ғоят ғаройиб бир манзарани тасвирлаб сурат ишлашган — унда Мольер Людовик XIVнинг иш столи ортида ўтирган ҳолда кўрсатилган. Буни кўриб, сарой аҳли ғоятда ҳайрон бўлган ва қаттиқ ғазабланган. Бу суратни чизар эканлар, рассомлар Мария Антуанетта оқсочининг кундалигида тилга олинган бир воқеанинг чинлигига ишонишган. Ҳақиқатда эса ҳеч қачон бунақа воқеа бўлган эмас, негаки, у даврда ҳатто даҳо санъаткор бўлсанг ҳам, қирол саройининг ҳовлиларини супуриб юришинг ҳам ҳеч гап эмас эди.

Юқорида номлари зикр этилган рассомлар тарихга XIX аср тузатишини киритишди. Бу аср бошида эса Наполеон «Агар Корнель ҳаёт бўлганида мен уни маркиз қилиб қўярдим», — деган эди. Аммо ўзининг ҳукмронлиги даврида у шоирларга эмас, генералларга унвонлар берди ва ҳатто унинг шоирларга тайинлаган маоши Людовик XIV тўлаган пулга

караганда анча кам эди. Тўғри, Наполеон замонида Корнелга тенг келадиган шоирнинг ўзи бўлмаган. Ўшанда императорнинг оғзидан ғазабга тўла сўзлар отилиб чиққан эди: «Францияда шоирлар йўқ дейишади, бу масала тўғрисида ички ишлар вазири нима деркин?» Адабиёт тарихида бир нечта ном борки, адабиёт уларга юксак унвонлар олиб келган. Петрарка – саройдаги энг юксак лавозимлардан бирини эгаллаган эди, Теннисон лорд бўлган, Метерлинк эса граф унвонини олган.

Меценатлик тарихи шундай мисолларга ҳам бойки, ёзувчи иззат-нафсига ҳай бериб, хўрликларга чидашга мажбур бўлган. Меценат жуда яхши тушунганки, ҳар қанча зоти пок бўлмасин, ҳар қанча ҳокимиятга эга бўлмасин, давлатинг ҳар қанча катта бўлмасин, буларнинг бари санъаткор яратган олий кадриятлар олдида ҳеч қанча қийматга эга бўлолмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда меценат ўзининг бойлиги билан ёзувчидан устун келишга ҳаракат қилган ва маънавий жиҳатдан ўзидан ўзиб кетган одамдан устун келаётганидан жуда катта лаззат олган. У бунга ғайришуурий равишда қилмоғи ҳам мумкин. Масалан, бефаросат Саблиер хоним шундай одамлардан эди. Лафонтен ризки рўзини шу аёлникидан териб ер эди. Бу аёл мактубларидан бирида шундай ёзади: «Мен уйдаги хизматчиларнинг ҳаммасига жавоб бериб юбордим, фақат итни, кучукни ва Лафонтенни олиб қолдим». Аммо ҳатто Малербнинг ўзики, ўзи шоир бўлатуриб, «шоирлар жамият учун кегль ўйнайдиган ўйинчиларга караганда кўп ҳам фойдали эмас» деб турган бўлса, Саблиер хонимнинг фаросатсиз гапларидан хафа бўлиб бўлармиди?

Хозирги миллионерлар Бёрдга Жанубий қутбдаги тоғларни сизларнинг номларинг билан атайман, деб берган ваъдаси учун пул тўлаганлари каби қа-

дим замонларда ёзувчиларга хар хил бағишловлар, кириш нутқлари, туғилган кунлар, никоҳ тўйларига бағишланган қўшиқлар, марҳумларга марсия каби исталган тарздаги мактов ва мадхия учун пул тўлашган. Кимки чакконрок бўлса, виждони бўлмаса, Аретинога ўхшаб бир вақтнинг ўзида мадхияларини ҳам, ғийбатларини ҳам пуллайверган. Қироллар унга ўзларини мактагани учун ҳам, шеърларида сўкиб, ҳажв қилмаслиги учун ҳам ҳақ тўлашган. Вальтер ҳам худди шу йўл билан ўз давридаги подшолардан пул ва турли-туман тухфа-инъомлар ундириб турган. Наполеон Гётени подшо Александрга бағишланган бирор асар ёзишга киришишга ундаган. «Жаноб, – деб жавоб берган Гёте, – менда бунақа одат йўқ. Орқасидан қилган ишимга пушаймон еб юрмаслик учун китобларимни ҳеч кимга бағишламайман». Бунга Наполеон эътироз билдирган экан: «Людовик XIV замонидаги улуғ ёзувчилар бошқача ўйлашган». «Тўғри, – деб унинг гапига кўнмапти Гёте. – Лекин сиз, ҳазрати олийлари, улар неча марталаб бу ишлари учун пушаймон бўлганларини инкор этмайсиз-ку!» Гёте нима деяётганини билиб гапирган эди, чунки шахсан ўзининг тажрибаси бўйича зодагонларнинг орифлиги қай даражада эканини яхши биларди. Кўп йиллар мобайнида Гёте Веймар герцогининг инжиқликларига чидашга мажбур бўлган. Гётенинг тинч ва тўқ турмуш кечириши шу герцогга боғлиқ бўлган. Француз драмасига кўнгил қўйган герцог Гёте билан Шиллерни Вальтер асарларини таржима қилишга мажбур этган, уларнинг ижодларига аралашган, «Орлеан қизи»ни сахнага қўйишга розилик бермаган, чунки бу асар унинг маъшуқасига маъқул тушмаган. Хулласи калом, бу икки адибга олифтагарчилик билан менсимай муносабатда бўлган, герцог эмас, балки ифволар тўрига илиниб колган театр директоридай иш юритган.

Адибларнинг энг оғир дарди шу бўлганки, уларнинг муаллифлик ҳуқуқи бўлган эмасди. Лекин бу — ҳамма замонларда ҳам мавжуд бўлган хасталик эди.

*Олис готтлар юртида, Миррихнинг шуъласида
Менинг китобим ўқир бадқовоқ центурион.
Британ ўлкасида куйланармиш қўшигим,
Фақат менга нима наф, қуп-қуруқ ёнда ҳамён.*

Марциалнинг бу мисралари ёзувчиларни эксплуатация қилиш бобида эпиграф бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ноширлар бамисоли қароқчидек иш юритишган, улар ёзувчиларни алдашган, ҳар қадамда уларга фириб беришган, қалам ҳақларини тўламай роса овора қилишган ва бунинг учун улар жазоланмаган, ҳеч ким мушугини «пишт» демаган. Рим қонунларига биноан, китобда фақат унинг материали-ю, кўчириб ёзувчи мирзонинг меҳнати қимматга эга бўлган, хатто китобдаги қалбакилик ҳам жазога тортилган эмас. Машхур ёзувчининг номидан истаган қалбаки асарни чиқаравериш мумкин бўлган. Кейинги асрларда ёзувчи «шоҳона имтиёзлар»да, турли-туман чалкаш ҳуқуқий шарт-шароитларда паноҳ топишни орзу қилган, ноширлар билан ўзи келишишга интилган ва хатто ўзи ўз асарларини сотиш билан шуғулланишга мажбур бўлган. Бунақа чакана савдо жонига тегиб кетгунча бу ишни давом эттиришга тўғри келган. Ян Кохановский «Қўшиқлар»ининг биринчи бетида бу аҳволни шундай сатрларда ифодалаган эди:

*Илҳомим самарасин улашдим мен ҳаммага,
Бирон кимса тўламас меҳнатимга бирон ҳақ.
Энди ҳақни, биродар, ноширлардан ундирунг,
Достонларни сотар у — пул олар мўмай ва нақд.*

Хатто драматург ҳам асари эвазига ҳақ тўлашларига умид боғлаёлмас эди. Шекспир замонасида ўзaro рақобат қилувчи театрлар хотираси яхши одамларни ёллашар, улар театрларга бир-икки бориб, янги асарларни кўрардилар-да, унинг матнини эслаб қолишга ҳаракат қилишарди, кейин унинг матнини ёддан тиклашарди. Табиийки, бундай матнда муаллифнинг ихтиёридан ташқари ҳар қандай сохта гаплар кириб қолиши турган гап. Асар шу аҳволда рақобатчи театр репертуарига кириб қоларди. Бу ишларда муаллифнинг хоҳиши билан сира ҳисоблашишмас ва унинг манфаатларига зид равишда иш тутиларди. Ҳатто Наполеон даврида ҳам театр директори агар кайфияти яхши бўлса, муаллифга ёнидан чиқариб бор-йўғи бир луидор пул берарди. Муаллифнинг пьесаси жуда катта муваффақият қозонган тақдирда ҳам, бу уни муҳтожлик чоҳидан олиб чиқа олмасди. Англияда ўз қалами билан тирикчилиги учун маблағ ишлаб топган биринчи шоир Александр Поуп бўлди. У Ҳомерни таржима қилди ва бунинг учун 9000 фунт ҳақ олди. Ўша пайтдаги курсга биноан бу пул анча салмоқли маблағни ташкил қиларди. «Ҳомернинг шарофати билан, – деб ёзади Поуп шеърларидан бирида, – на бирон шахзодадан қарз олмай, на бирон аъёнга бурчдор бўлмай яшаш имконига эга бўлдим».

Бир неча йиллар ўтгач, Поуп ягона истисно бўлмай қолди. XIX асрда пайдо бўлган ажабланарли янгиликлар орасида адабий меҳнатга ҳақ тўлаш бобидаги ўзгариш ажабланарли бўлиши жиҳатидан олдинги ўринлардан бирида туради. Китобларнинг адади ошди, муаллифлик ҳуқуқи химоя қилина бошлади, қалам ҳақи оч қолмай яшаш имконини таъминлайдиган бўлди, баъзан эса қалам ҳақи туфайли муаллиф бадавлат бўлди, фаровонликка эришди.

Дастлабки пайтларда буларнинг бари шу даражада ғаройиб кўриндики, Байрон Вальтер Скоттга мактуб йўллаб, шеърийатни бозорга солгани учун унга нафрат изҳор этишни лозим топди. Эски ҳақоратлар яна қайта эшитила бошлади. Бу ҳақоратлар даставвал Афлотун оғзида софистларни қоралаб айтилган эди. Аммо ана шу Байроннинг ўзи орадан бир неча йил ўтиб, ноширлар билан ҳеч кимдан қолишмайдиган даражада савдолаша бошлади. Шу пайтга қадар шоирлар ҳали бунақа даромадни билмаган эдилар. Мур «Лола Рух» учун 3000 фунт олди. Вальтер Скоттнинг «Сўнги менестрелнинг қўшиғи» достони ўттиз минг нусхада тарқалди ва муаллифга катта бойлик келтирди. Вальтер Скоттнинг даромадлари чинакамига шоҳона бўлган эди. Бальзакнинг қўлларидан жуда катта миқдордаги пуллар оқиб ўтди. Афсуски, оқиб ўтди, улар муаллифга юкмади. Виктор Гюгодан миллион франклик мерос қолган.

XX асрда аҳвол янада яхшиланди. Муаллифлик ҳуқуқи ёзувчига мулкини ҳимоя қилишни таъминлади, уни ҳар қандай камситилиши имкониятларини назардан қолдирмади, халқаро битимлар билан боғлиқ равишда муаллифнинг хорижда эълон қилинадиган асарларидан, таржималаридан оладиган даромадларининг кўпайишига ёрдам берди. Бундан ҳаммадан кўпроқ ютган ёзувчилар жаҳонда кенг тарқалган — инглиз, немис, француз тилларида ёзадиган ёзувчилар бўлди, аммо таржималар воситасида ёки театр сахналари ёрдамида хатто жуда кичик мамлакатларнинг муаллифлари ҳам жаҳон бозорини забт этишди. Бунга, масалан, Скандинавия мамлакатларининг ёзувчилари яхши мисол бўла олади. Адиблар жуда зўр муваффақиятларга эришдилар. Бунга, айниқса, роман ва драма яққол мисол бўлади. Бир гал Арнольд Беннетнинг пьесаларидан бири бир неча йил

сахнадан тушмади. Муаллифнинг ўзи жуда камсукум одам эди, унинг оладиган қалам ҳақи шу қадар кўпайиб кетдики, у бу пулларни нима қилишини билмай қолди.

Кино ёзувчилар учун янги даромад манбаини очиб берди. Кинодан олинadиган даромадлар миллиондан ҳам ошиб кетадиган бўлиб қолди. Бу олтин ёмғири ҳар қандай ёмғир каби жой танламай ёғаверади: унинг ёрдамида нафақат улугъ ёзувчилар ёхуд истеъдодли санъаткорлар, балки ўртамиёна ёзувчилар ҳам катта бойликка эга бўладилар. Ҳатто ўртамиёна ёзувчилар бу бойликларга янада осонроқ эришадилар. Масалан, Англияда сентиментал аёллар романи ёки Америкада жиноятчилар ҳақидаги роман бир ой ичида уларнинг муаллифларини бадавлат одамларга айлантирмоғи мумкин, лекин на уларни донгдор қилади, на уларга шухрат келтиради, йилнинг охирига борганда эса, бундай асарлар муаллифларининг фамилиясини ҳеч ким эслай олмаслиги ҳам мумкин. Адабиётда ҳар қачонгидан кўпроқ даражада чайковчилар ва корчалонлар иш юритмоқда.

Бунга имкон туғдираётган омиллардан яна бири шундаки, китобнинг тижорат қиммати унинг ўзидан – китобдан фойдаланиб чиқариладиган кўшимча маҳсулотга кўчирилади. Масалан, Америкада муаллифнинг ўзи ҳам ва янада кўпроқ даражада ношир қўлёзмага шунчаки бир роман, тарихий роман ёхуд биографик роман сифатида қарамайди, балки келажакда кинофильм, телефильм ёхуд бирор радиопьеса учун сценарий бўлиши мумкин бўлган асар, деб қаралади. Журналларга ва дайжест деб аталган тўпламларга мос келадиган асарларда эса қалам ҳақи жуда юқори бўлади. Адабиёт тарихида биринчи марта ёзувчи моддий мустақилликка эришди, меценатлардан тиланчилик қилиб бирор нарса ундириш,

уларнинг заруриятидан халос бўлди. Бадавлат одамнинг остонасига бош уриб бориш ўрнига ёзувчининг ўзи бадавлат одам бўлиб қолди. Бир қараганда, энди ёзувчи фақат илҳом парисининг буйруғига қулоқ осган ҳолда эркин ижод қилиши мумкиндай кўринган эди. Аммо бунга инсон табиатидаги ноқисликлар халақит берди. Секин-аста кўпчилик ёзувчилар учун бадавлат ҳомий ролини қиёфасиз, исмсиз китобхонлар оммаси эгаллади, китоб харид қилувчи сон-санови йўқ оломон эгаллади. Бу янги ҳукмдорга яна ўша-ўша эҳтиром, ўша-ўша эскича тарзда унга хушомадлар қилинади, ҳамон аввалгидай зўр бериб, унинг хайрихоҳлигини қозонишга ва ҳамон аввалгидай унинг ковоқ-тумшугига қараб, мамнунлиги ёхуд норизолигини аниқлашга интилишади. Авваллари ёзувчининг шуҳрати олий насабли гуруҳларнинг ун тан олишига боғлиқ эди, энди унинг ўрнини ўқувчилар оммаси ўртасида қозонадиган муваффақият белгилайди. Бу муваффақият учун мўмайгина пул тўланади. Шундай муваффақият кетидан қувган ёзувчилар кенг китобхонлар оммасининг дидини олдиндан билиб, унга мосланишга ҳаракат қилишади. Бундай машғулотлар оқибатида анча-мунча ёзувчи ўзининг яхши номидан жудо бўлди ва талантидан ажралди. Шу муносабат билан XX асрда, айниқса, унинг биринчи ярмида адабиёт ҳаётидаги янги шароитлар ва янгича тамойиллар ривожини синчиклаб кузатиб борганлар адабиётда меркантилизм кучайиб бораётганидан қаттиқ қайғуриб, бунга қарши овозларини тез-тез кўтариб турдилар.

Муаллиф билан бирга ноширнинг ҳам гуллаб-яшнайдиган замони келди. Аввалги даврларда ношир унчалик кўзга ташланавермас эди. У мирзабоши сифатида ҳам кўринарди, матбаачилик ҳам қиларди, чакана китоб ҳам сотарди, кейин улгуржи савдога

ўтди. Бировнинг меҳнатидан ҳеч ким назорат қилмайдиган даромадлар чиқариб олишга ўрганган бу одам аввалига китоб нашр этиш ишларида жорий қилинган тартиб ва қоидалардан жуда бесаранжом бўлиб қолди, унга чап беришга, қаллоблик қилишга ҳаракат қилди. Лекин орадан кўп ўтмасдан англадики, қонун билан иттифоқ бўлса, кўпроқ даромад кўриш мумкин экан. Чунки қонун рақобатчиларга қарши курашда унинг қўлига қурол тутқазган эди: қонун бир китобдан кўчириб босувчиларни, енгил-елпи ўзгартиришлар билан уни қайта босувчиларни ва шунга ўхшашларни таъқиб остига олганди.

Китоб нашр қилувчи фирмаларнинг аҳамияти ва қудрати бекиёс даражада ўсиб кетди. Муаллифлар уларни қаттиқ ҳурмат қила бошладилар. Муаллифларнинг кўпчилиги ёшлик йилларида, биринчи китоблари чиқаётган кезларда эҳтиётсизлик қилиб, ношир билан умрбодлик шартномалар тузиб, нашриётга ўзларини боғлаб берган эдилар. Ёзувчининг ноширга қарамлигининг бу тури баъзи мамлакатларда бизнинг кунларга қадар ҳам сақланиб қолган. Польшада йигирма йиллар муқаддам муаллифлик ҳуқуқи ҳақида қабул қилинган янги қонун буларнинг барига чек қўйди.

Тез-тез шундай бўлиб турганки, ҳаддан ташқари зўр муваффақият қозонган асарлардан фақат ноширнинг ўзи катта даромад олган, чунки у арзимаган пулга асарни таг-туғи билан сотиб олиб, уни тўлалигича ўз мулкига айлантириб олган. Бир замонлар меценатлар даврида бўлгани каби ёзувчилар эндиликда ноширлардан «маош олиб турган», чунки улар битим тузишиб, муайян маблағ учун умрининг охиригача ноширни бадиий асар билан таъминлаб туриш вазифасини зиммасига олади. Бу, албатта, ёзувчи учун осон иш бўлган эмас. Бироқ шундай ҳам

бўлиб турганки, ношир унча сермахсул бўлмаган, ҳали танилмаган муаллиф билан мулоқотга киришган, унинг истеъдодига ва бўлғуси муваффақиятига ишониб, йиллар мобайнида уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган. Китоб нашр этиш тарихи ёзувчилар билан ноширлар ўртасидаги бунақа мулоқотларга тўлиб кетган. Бундай муносабатларда бир-бирига ишонмаслик, бир-бирини ёқтирмаслик, бир-биридан гумонсираш ва ҳатто бир-биридан нафратланиш ҳам бўлган, шу билан бирга, бир-бирига ишонч, бир-бирига хайрихоҳлик, ўзаро дўстлик ҳоллари ҳам кўп бўлган. Умуман, китоб нашр қилиш тарихига ёзувчиларнинг жамики кулфатлари-ю қувончлари рақам қилинган.

Бальзак пул жинниси эди. Бу жиҳатдан у ўзининг ҳамма ватандошларига ўхшаб кетарди, негаки, ҳар бир французда, бир чимдим бўлса-да, Гарпагондан бор. Бальзак мансуб бўлган авлод, ҳар нима қилиб бўлса-да, бойиб кетишга ҳаракат қилишарди. Бальзак ўзининг асарларида миллион-миллион пулларни айлантиради, ўз персонажларидан ҳар бирининг ҳамёнини титкилаб кўради, шахсий ҳаётида эса ақл бовар қилмайдиган молиявий ишларга қўл урган. Ўз лойиҳаларидан бирини амалга оширишга киришганида у жуда катта молу мулкни қўлга киритишни орзу қилган эди, бироқ бунинг ўрнига у қарзга ботади-ю, умрининг охиригача боши қарздан чиқмай ўтади. У унга бойлик келтирувчи бирдан-бир манба – ўз ижоди эканига ишонч ҳосил қилади, лекин бу ишонч унда жуда кеч пайдо бўлади. Минг афсуски, унинг ёзиб топганининг ҳаммаси қарзларини узишга кетган. Яқинлашаётган тўлов муддати қарсиллаган қамчидай ҳамиша унинг боши узра таҳдид солиб турган. Бу тан учун ҳам, руҳ учун ҳам ғоятда ҳалокатли, оғир иш эди. Бальзак анча бақувват одам бўлган,

у узок умр кўриши мумкин эди. Аммо эллик ёшга етмасданок у бутунлай ўзини ўзи еб битиради. Муаллифлик ҳуқуқини бениҳоя ёниб, оташинлик билан химоя қилган одамлардан бири Бальзак бўлганига ҳайрон қолиш мумкинми? «XIX аср француз ёзувчиларига» деган ва 1834 йилнинг ноябрь ойида «Revue de Paris»да босилиб чиққан очик мактубда Бальзак нафақат ёзувчини муҳофаза қилишга қаратилган қонунчиликнинг ҳамма қусурларини фoш қилади, балки Адабиётчилар жамиятини тузиш зарур экани ҳақидаги фикрни ўртага ташлайди. Кейинчалик бундай жамият тузилди ва у ҳозирга қадар яшаб келмоқда. Бу жамиятнинг биринчи раиси Бальзакнинг ўзи бўлган эди. Бироқ келажакнинг ташвишини чекар экан, бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилар экан, у ортиқ ўзига ўзи кўмак беролмай қолган эди.

Ёзувчилар ичида пулнинг қурбони бўлган иккинчи ёзувчи Вальтер Скотт эди. У эрта шухратга эришди; шухрати зўр бўлди ва бу унга жуда катта миқдорда даромад келтирди. Ўзининг моддий ахволини мустаҳкамлаш мақсадида у ўзининг асарларини нашр этувчи нашриёт фирмасига шерик бўлади. Аммо 1826 йилда фирма касодга учрайди ва ёзувчининг бўйнига 117 минг фунт стерлинг қарз тушади. Гурури баланд ва кинғир ишлардан ҳазар қиладиган Вальтер Скотт қироллик банкининг ёрдамини рад этади, номлари номаълум қолган мухлислар тўплаган бир неча ўн минг фунт стерлинг пулни олишдан ҳам бош тортади. Шу пайтдан бошлаб, у ҳар куни йиқилиб қолгунча ишлай бошлайди, роман кетидан романларни ёзиб ташлайверади. Аммо уларнинг сифати тобора ёмонлаша боради. Шу аҳволда у беш йилдан кейин бутунлай қувватдан қолиб оламдан кўз юмади.

Пулдан маъноли маслаҳатчи чикмайди. Пул ижодий ишга суқилиб кириб олади-да, ижодга ўзининг

емирувчи қувватини олиб келади, ёзувчини тўхташ нималигини билмайдиган конвейерга айлантиришга ҳаракат қилади, бу конвейер эса имкони борича кўпроқ маҳсулот бермоғи керак. Пул топиш иштиёқи ёзувчини машаққатли, лекин гўзал ишлардан совитади, уни енгил-елпи ва осон ишларга кўнгил қўйишга ундайди. Ёзувчи учун энг хатарлиси эрта келадиган осон шуҳратдир. Ўз асарларида китобхонларга нима ва қандай маъқул бўлганини англаб етган, шуҳрат лаззатларини татиган, ўсиб бораётган даромадидан роҳатланган ёзувчи ўзини буларнинг барини йўқотиб қўйиш хавфига дучор қилишдан қўрқади ва охир-пировардида бутунлай бошқача одамга айланиб қолади. Ҳолбуки, у бошқачароқ одам бўлишни ният қилганди, бошқачароқ одам бўлиши мумкин ҳам эди, бунинг учун санъатининг овозига қулоқ солмоғининг ўзи кифоя эди. Бошқа кўп ҳолларда бўлгани каби бу ерда ҳам ёзувчи табиатининг кучи, иродасининг қуввати муваффақият синовидан эмас, муваффақиятсизлик синовидан ўтади.

Баъзи бир ёзувчилар, масалан, Пеги моддий фаровонликни ошқора тарзда қоралайдилар. У ишчи оиласида дунёга келган, муҳтожлик ва қийинчиликлар ичида улғайган, шунинг учун мушкулотларда самарали мардликнинг, тинимсиз интилишларнинг, қахрамонликнинг манбаини кўради. Муҳтожлик мудрашга, ялқовлик қилишга йўл бермайди. У санъаткорни хамиша сергак бўлиб туришга мажбур қилади, у ёзувчининг қувватини уйғотади, характерини тоблайди, уни мағрур бўлишга мажбур қилади.

Ҳамма ёзувчи ҳам шундай деб ўйламайди, лекин ҳар бир ёзувчи бошқа ижодкорлар (файласуфлар, олимлар, рассомлар) каби муҳтожликни тан олишга тайёр. Бироқ бошқа бирон касб-корнинг вакили бунга рози бўлмайди, чунки уларнинг ҳеч қайсисида жамики

машаккатлар ва мағлубиятларга қарамай, одамни ўз касби-корига содиқ қолишга мажбур қиладиган рағбатлар йўқ. Вилье де Лиль Аданнинг ёки Норвиднинг қахрамонлиги фидойиликка тўла, унда бу дунёнинг авлиёларига хос алланарса бор. Бироқ қашшоқликни мақтаб ҳар нима дейилмасин, якка-ёлғиз даҳоларнинг муҳтожликларга қарши курашларда қозонган зафарлари тўғрисида ҳар қанча кўпиртириб ҳикоя қилинмасин, ҳар ҳолда, очликда истеъдодни юксалтирадиган энг яхши воситани кўриб бўлмайди. Одатда муҳтожлик ҳалокатга олиб боради – унинг бешафқат исканжаларида минглаб ажойиб мутафаккирлар, санъаткорлар нобуд бўлишган, нобуд бўлганда ҳам хўрликлар торта-торта, аламдан ёна-ёна нобуд бўлган.

Бундай ҳалокатларнинг сабаблари ҳар хил бўлган: баъзилар хасталикдан ёки бирон-бир ногаҳоний бало-қазодан, бирон ёмон одатдан ўзини тиёлмасликдан, ожизликдан нобуд бўлишган. Бу сабаблар ичида кўпроқ пул топишга берилиб кетиб, ишдан бутунлай совиб кетиш, ундан нафратланиш ҳам анча салмоқли ўрин тутади. Баъзан жамият билан сира мурасага боришни истамаган санъаткорнинг ғурури ғолиб келади, у ўжарлик билан гапириб келганидан бошқача тарзда гапиришни истамайди ёхуд санъатидан бошқа ҳеч қандай йўл билан тирикчилик қилишга кўнмайди. «Иккинчи» касб-кор ҳақидаги масала ҳам юракни сиқиб юборадиган масалалар сирасига киради. Дурустроқ зарурият бўлмаса, ҳеч ким севимли ишини кўйиб, бошқа бир иш билан шуғулланишни истамайди, қимматли вақтини ўзида ҳеч қанақа иштиёқ туғдирмайдиган ёки унинг нафратини кўзғайдиган ишга сарфлашни истамайди. Албатта, бунга кўникса бўлади, вақтини расамади билан тақсимлаб, ўзига ҳар қандай вазифалар билан шуғулланиш мажбуриятдан холи бўлган бир мунча бўш

вақт қолдириши мумкин. Пул топиш йўлида ишлаш билан ижод ўртасида муайян мувозанатга эришиш бобида зўр ютуқларга эришса бўлади, рухий хотир-жамликка эришмоғи мумкин, лекин ҳамиша бекор кетган вақт учун таассуф ва алам туйғуси қолади, хаёлотини сўндириб қаламини бир чеккага йиғиштириб қўйган кезлардаги бефойда ўтган умр ҳақидаги, унинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслиги тўғрисидаги аччиқ ўйлар қолади.

Тақдир ёзувчига раво кўрадиган касб-корларни яхши ва ёмон деб ажратмоқнинг маъноси йўқ. Ёзувчига, масалан, идораларда хизмат қилмоққа, ўқитувчи бўлишга ёки газетада ишлашга маслаҳат бермай, тиббиёт соҳасида, дипломатияда ишламоқни ёхуд денгиз флотида хизмат қилмоқни тавсия этиб бўлмайди. Фақат бир нарса равшан: кимда-ким ўзининг хоҳишига қарши бориб, қилмоқчи бўлган ишидан келадиган зарарни ва етадиган талафотни аниқ-таниқ билиб туриб, рўёбга чикмай қолган ижодий ниятлар ва ушалмай қолган орзулар ҳисобига кундалик ризқини териб юрар экан, кимда-ким ўзининг севимли ишига якшанба кунларидаги истироҳат чоғларинигина бағишлай олса, кун бўйи меҳнат қилиб келиб, кечкурун узук-юлуқ тарзда ижод билан шуғулланса, кимда-ким ўзининг фикр дунёси билан ҳеч қандай муҳташамликка эга бўлмаган ишлар билан шуғулланса, бу машғулотлар эса унинг миясини бўлар-бўлмас кераксиз нарсаларга тўлдиришдан бошқага ярамаса, бундай одам йил охирида сарҳисоб қилиб, қарши-сида беҳуда кетган минглаб соатлар кабристони қад кўтарганини кўради ва даҳшатга тушади. У айрим шахс сифатида умрини беҳуда ўтказиб юборганини сезади, агар у истеъдодининг гапига кириб, ўзини тўлалигича ижодга бағишлаганда, жамият ҳам ундан кўп нарса олиши мумкин бўларди.

Холбуки, ёзувчининг эҳтиёжларини қондириш жуда ҳам осон. Оскар Уайльд ишлаб топган катта-катта маблағлар, Мопассаннинг яхтаси, Метерлинк, д'Аннунцио, Ибаньесларнинг саройлари-ю қасрлари сизни ҳовлиқтирмай турсин – буларнинг бари умумий қоидадан истиснодир: у ҳолларда бойлик уларнинг бошига қутилмаганда ёпирилиб келган, уларга ўзларининг ҳар қандай эркалигини амалга оширишга имкон берган, бироқ, айна чокда, бу билан барибир уларнинг ижодидан путур кетган ёки улар бутунлай ижоддан тўхтаганлар. Аллаким ёзувчи эҳтиёжининг ўртача даражасини аниқлаш билан шуғулланган экан: ёзувчига муайян қулайликларга эга бўлган тузуккина турар жой бўлса бас, шунинг ўзи унга кифоя қилади, бу турар жой катта шаҳардаги квартира, вилла ёки қишлоқ жойдаги камсуқумгина ҳовли-жой бўлиши мумкин. Фақат бир нарсадан Худо сакласин, ортиқча ғамхўрликларни талаб қиладиган катта ер-сувли, катта-кичик иморатлардан таркиб топган мулкнинг кераги йўқ. Ёзувчига нақд пул ҳам керак, албатта, лекин бу пул унинг тузуккина овқатланишга, кийинишга, кутубхонасини ёхуд доим йиғиб юрадиган бирон коллекциясини тўлдириб туришга етса ва, ниҳоят, унга бемалол саёҳат қилиш имкониятини берса бас. Ана шу камсуқум аъмол турли тоифаларга мансуб хилма-хил ёзувчиларни қаноатлантиради ва уларнинг ҳар қайсиси буни ўзининг шахсий аъмоли деб эътироф этишга тайёрдирлар. Бундан авлод-ажодларидан катта мерос қолган ёки тақдир унга бойлик ато этиб ташвишга қўйган ёзувчилар ҳам истисно эмас.

Умум қабул қилган маънода профессионал деб ҳисобланадиган ёзувчи – ўзининг қалами билан тирикчилик қилувчи ёзувчидир. Бундай таърифни бадий ижодни агар ўзининг ягона мақсади деб бил-

маганида ҳам, асосий мақсад деб ҳисобловчи ҳамма ёзувчиларга татбиқ қилса бўлади. Масалан, Флобер асарларидан даромад олган эмас, баъзан эса ҳатто уларни нашр этиш учун ёнидан пул ҳам тўлаган. Масалан, «Бовари хоним» китобнинг ноширига жуда катта даромад келтирган, лекин муаллиф эса суд харажатларини тўлашга мажбур бўлган. Флобернинг ўз сармояси бор эди, аммо бу сармоя адо бўлгач, Флобер қариган чоғида у ер-бу ердан иш қидиришга мажбур бўлди. Унга шон-шуҳрат келтирган китобларининг биронтаси ҳам унга даромад келтирган эмас. У ўзининг турмуш ишларида ношудлиги туфайли ва нашриётларнинг зўравонлиги вазидан шу ахволга тушди. Шуларнинг барига карамай, у ёзувчилар ичида энг кўп даражада «профессионал ёзувчи» деган номни олишга лойиқдир. Флобер нафақат ҳеч қачон адабий ижоддан бошқа иш билан шуғулланган эмас, балки бошқа ҳамма машғулотларни уларга вақт сарфлаб ўтиришга арзимайдиган, шуғулланишга номуносиб деб ҳисоблаган. Унга ўхшаган ёзувчилар ҳамма даврларда ҳам жуда кўп бўлган, фақат сиёсий ҳаёт ғоятда жўшқин кечган антик даврдаги айрим боскичларгина бундан мустасно. Бу жиҳатдан ёзувчилар файласуфларга, олимларга, рассомларга, ихтирочиларга яқин туришган. Булар эса шунақа одамлар бўлганки, бирор ғояга берилиб кетсалар, шу ғоя йўлида ҳаётнинг ҳамма неъматларини тикиб юбораверар эдилар.

Ҳатто юнон олимлари ҳам бу масалаларда тўхтаб ўтишган. Улар ҳаёт кечиришнинг икки хил йўлини фарқлашган; булар *bios theoretikos* ва *bios praktikos*, яъни назарий яшаш ва амалий яшашдир. Римлик ахлоқшунослар уни ҳаётни кузатиб яшаш ва фаол ҳаёт кечириш деб таржима қилишган. Микеланжело папа Юлий Пнинг қабри тепасида бу икки мавху-

миятни Роҳла ва Дин образларида жуда чиройли тасвирлаб қолдирган. Қабр устидаги ёдгорликда муросага келган бу икки мавҳумият кўп асрлар мобайнида ўзаро муросасиз баҳс юритиб келишган. Буларнинг бири монастирлар, такъялар барпо қилиб келган бўлса, иккинчиси бир-бирини алмаштириб турувчи муносабатларнинг шунақа шиддатли оқимини яратганки, унда ўз диққат-эътиборини бир нуқтага жамлаб хаёл суриш учун ҳам, хотиржам ижод қилиш учун ҳам ҳеч қанақа имкон бўлмаган. Фаолиятсиз кузатувчи ҳаётнинг кўпгина рамзлари ичида фил суягидан ишланган минора ҳам бор. Бу миноранинг тагида ўқтин-ўқтин фаол одамлар тўпланиб, муштларини дўлайтириб, минорага яшириниб олган хаёлпарастларни таъна тошларига кўмиб ташлайдилар. Аммо доимий равишда хаёлпарастларнинг ёнини оладиган ҳимоячилар топилиб турган. Уларни баъзан аъмолларини садоқат билан ҳимоя қилганлари учун оқлашган бўлса, баъзан тафаккур ва санъатнинг мусаффолигини сақлаганлари учун оқлашган.

«Фаол ҳаёт худудларидан ташқарида...»

Ҳаёт дегани – бу оилавий ва ижтимоий мажбуриятлар, бу бошқа одамларнинг манфаати йўлида сарфланган меҳнат, бу вақтга, тинчликка, молу мулкка тухфа қилинган, миқдорини ҳисоблаш қийин бўлган қурбонлар. Флоберга ўхшаган ёзувчилар ҳамма вақт ҳар қандай фуқаролик мажбуриятларидан холи бўлишга интилганлар, ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлар, ижтимоий ҳаётдан ўзларини четга олганлар, ҳеч қанақа лавозимларни қабул қилишган эмас ва балоғат ёшига етиб қолганда эса оила бағрида яшамоқ керакми ёки сўққабош бўлиб ўтган маъқулми, деган муаммога рўпара келишган.

Статистика бу ўринда бизга нималардан ҳикоя қилишини билмайман, аммо бу муаммо очиқлигича

қолишда давом этмоқда, ёзувчилар эса икки гуруҳга ажралиб бўлди. Бўйдоқлар сафини диний лавозимдаги одамлар анча тўлдириб қўйди. Бу, айниқса, тарихнинг муайян босқичларида – фақат рухонийлар тоифасидан чиққан одамларгина ёзувчилик қилган пайтларда кўп рўй берди. Уйланмай бўйдоқ ўтишнинг тарафдорларига уларнинг мухолифлари эътироз билдиришганда, кўпинча баъзи бир машхур ёзувчиларнинг ҳаётидан олинган далилларни рўқач қилишади. Бундай ёзувчиларнинг оиласи уларнинг ўсишига, истеъдодининг гуллаб-яшнашига сира ҳақиқат берган эмас. Аммо бўйдоқ ўтиш тарафдорлари таслим бўлишмайди: улар уйланган Овидийга уйланмай бўйдоқ ўтган Вергилий ва Горацийни қарши қилишади. Улар бажони дил Теренция сингари шахслар устида тўхташади. Маълумки, Теренция Цицеронни бутунлай хонавайрон қилишга муваффақ бўлган эмас, чунки у хаддан ташқари бадавлат бўлган, лекин уни шу даражада виждонсизларча талаганки, охир-пировардида, иш қўйди-чиқди билан тамом бўлган. Бўйдоқ ўтиш тарафдорлари Мицкевичнинг оилавий ҳаётини тасвирлашда қора бўёқни сира аяшмайди, лекин оилавий турмуши ночор аҳволга тушиб қолганда Мицкевич шоирлик қилишни йиғиштириб қўйган эди. Олим уйланган ёзувчиларнинг яна бир хусусиятига эътиборни қаратишади. Уларнинг фикрича, ёзувчи рус графи Толстой сингари азалдан жуда бадавлат бўлиши керак, шундагина у Толстой каби жуда аёлманд бўлмоғи, серфарзанд бўлмоғи ва шунга қарамай, жуда кўп асар ёзмоғи мумкин. Улар яна баъзан осмонга қараб фол боқишади – уларнинг фикрича, ҳар бир оила отаси бўлган ёзувчи бўйдоқ сифатида эркин ҳаёт кечирганида ижодда камолотнинг юксак босқичларига кўтарилишлари мумкин бўларди.

Бўйдоқлик муҳибларига қарши яна кўпдан-кўп мисолларни далил сифатида келтириш мумкин – бўйдоқ ўтган кўпгина ёзувчилар фосиқлик йўлига кирганлар. Қанчадан қанчалари турмушнинг носозлигидан, дайдилиқдан нобуд бўлиб кетишган, бошқа томондан эса, кўпгина шундай одамларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкинки, улар оилавий турмуш бағрида тўла-тўқис рухий уйғунликка эришганлар. Оилавий ҳаёт – жуда катта ахлоқий қимматга эга ва ёзувчининг характерини шакллантиради. Бирок бир нарса сира ҳам шубҳа туғдирмайди – жамиятдаги ўрни, зиммасидаги вазифалар тўғрисида ўз ўзига ҳисоб берадиган, сўз санъатини ўзининг ягона касби корига айлантириб олган ёзувчи ўз эркинлигини чеклаши мумкин бўлган ҳолатларни туғдирувчи ишга қўл уришдан олдин етти ўлчаб бир кесади.

Бугун ҳеч ким бу мавзуда гуманистларга ҳос эхтирос ва жўшқинлик билан баҳс юритмай қўйган. Боқаччо Дантенинг биографиясида шоирдан қаттиқ таъна қилиб, унинг уйлангани учун дашном беради, доно ва ҳамиша навқирон фалсафани инжиқ, секин-аста қариб борадиган аёлга алмаштирганидан ўпкалайди. Боқаччонинг ўзи бу хатони қилган эмас, у бу масалада Петраркадан ўрнак олган, Петрарка эса ўз навбатида қадимги дунё файласуфларидан, янада аниқроғи – роҳиблардан ибрат олган. Петрарка хилватда холи ҳаёт кечириб ўзида йўқ даражада завқланар ва бу масалада ҳам бошқа кўп масалаларда бўлгани каби Флоберга ўхшаб кетарди. Флобер эса роҳибларга ҳасадсиз қараёлмайман, деб неча марталаб эътироф этган эди. У ўзининг Круаседаги уйида ҳос хужрага ўхшаш бир қулба қуриб олганди, у ерга бегоналарни йўлатмас, ҳатто дўстларини ҳам камдан-кам ҳолларда киритар, маъшуқасига ҳам у ерга киришни тақиқлаб қўйганди, бир гал

маъшуқаси бу тақиққа карамай, хужрага киришга журъат қилганида, уни у ердан тўғридан-тўғри қувиб чиқарганди.

Петрарка «Авлодларга мактуб»ида «қирк ёшидан кейин гарчи ҳали бақувват ва соғлом бўлса-да, эхтироси жўш уриб турган бўлса-да, аёлларга яқинлашмай қўйганини» айтиб мақтанади. Флобер ёзувчиларга жинсий ишлардан тийилиб юришни тавсия қилган эди, буни эшитиб, Жорж Санд жуда аччиғи келган эди. Дюманинг ўғли Пале-Рояль арки остида Бальзак билан гаплашганини эслайди. «Инсоний комедия»нинг ижодкори шундай деган экан: «Мен бир мухаббат тунининг ўзида қанча қувват йўқотишимизни аниқ ҳисоблаб чиқдим. Гапимни эътибор билан эшитиб ол, йигит – ярим жилдлик куч йўқотар экан. Холбуки, дунёда биронта аёл зоти йўқки, у бир йилда икки жилдга кетадиган қувватга арзиса...» Ўша кезларда Бальзак ўттиз саккиз ёшда эди.

Бу муаммо бугунга қадар ҳам ўзининг ўткирлигини йўқотгани йўқ. Бир ёзувчи – унинг номини айтмаёқ қўяй – ҳали белидан қуввати кетмаган адабиётчилар «инфибуляция» усулини қўлламоқлари керак, деб ҳисоблайди. Бу усулни қадимги дунё атлетлари қўллар эканлар. У «Муштлашадиган полвон» номли машҳур бронза ҳайкалда яхши кўрсатилган. Бу ҳайкал Римдаги Делле Терме музейида туради. Бу усулнинг нимадан иборат эканини батафсил тавсифлаб беришга тилим ожизлик қилади.

Аёл ҳамиша ёзувчининг интеллектуал ҳаётидаги носозлик ва хаоснинг рамзи бўлган. Файласуфлар, олимлар, ёзувчилар ва рассомлар томонидан унинг шаънига айтилган таҳқирли гаплардан бутун бошли бир китоб яратса бўлади. Аввалги замонларда бунақа мажмуалар яратилган ҳам. Аммо бу бир ховуч ҳақоратлару истехзолар (улар ўзига хос салбий

шаклда айтилган мактовлардир), мангу янграб келган оҳангдор мадҳиялар олдида нима деган салмоққа эга? Бу мадҳияларга ҳар бир адабий авлод ва деярли ҳар бир ёзувчи доимий равишда янгидан-янги бандлар қўшиб боради.

Монографияларда, биографияларда, тадқиқотларда, адабиёт дарсликларида ҳамма нарсадан ҳам кўра кўпроқ ва батафсилроқ муҳаббат тўғрисида, унинг ҳамма изтироблари, дардлари, кўнгилини вайрон қилишлари тўғрисида, муҳаббат адабиётнинг асосий материали экани ҳақида гапирилади. Дарҳақиқат, йигирма асрдан ортиқроқ вақт мобайнида Оврўпа адабиётида тўпланиб қолган бадиий асарлардан бахтли ёки бахтсиз муҳаббат мавзуи билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммасини чиқариб ташласа, адабиёт хаддан ташқари ғариб бир вайронага айланарди-қоларди. Юзлаб дурдона асарлар билан бир қаторда бадиий жиҳатдан мундоқроқ бўлган, лекин ўз давридаги китобхонларга лаззат бахш эта оладиган даражада қувватга ва латофатга эга бўлган минглаб асарлар ғойиб бўлиб кетарди. Аммо бахтимизга бундай қилишнинг сира иложи йўқ, ҳатто келгусидаги ёзувчилар ортиқ бирон марта севмасалар-да ёки уларда ўз муҳаббатларини тараннум этиш эҳтиёжи пайдо бўлмаса-да, ўтмиш адабиётига энди ҳеч ким ҳалақит беролмайди. Бу адабиётда эса аёл ўзининг жамики жозибадор латофати билан ҳукмронлик қилади. Ундаги аёл – шоду хуррамлик, қувонч, бахт келтирувчи, айни чоқда одамни нобуд қиладиган ва унга илҳом бағишлайдиган маъбуда!

Шундай саодатманд маъшуқалар борки, улар ҳаётлигида ўзларини бошига кўтарган эркаклар билан мангулик шуҳратини баҳам кўришган. Улар билан бирга бошқача тоифадаги аёллар ҳам бор. Уларнинг йўлларини ҳеч ким қаламга ҳам олмайди, улар уну-

тилиб кетади, жуда ёрлақаса, улар бир вақтлари ўзи боғлиқ бўлган ёзувчининг ҳаёт йўлига берилган эскартмаларда тилга олинади, холос. Ҳаммадан ортиқ даражада қораланадиган аёллар бор – улар биографларнинг назарида аёл эмаслар, негаки, эрлари билан ҳамфикр бўла олмаганлар, уларни тушуниш қобилиятига эга бўлмаганлар. Ж.Ж.Руссонинг турмуш ўртоғи шўрлик Терезанинг шаънига бугунга қадар ҳам қанчадан-қанча адолатсиз гаплар эшитилиб туради. Ёки унинг ҳатто никоҳ битимига имзо чекишни ҳам билмайдиган хотини Жамбатиста Виконинг боши ҳам таъналардан чиқмайди. Худди шунга ўхшаб Христина Вильпиусни ҳам руҳан жуда қашшоқ аёл деб ҳисоблашади. Лекин бу аёл Веймар гийбатчилари айтган даражада фаросатсиз бўлган эмас. У тўғрида фикр юритишдан аввал Гётенинг уни севган пайтларидаги мактубларини, эпиграммаларини, марсияларини ва бошқа асарларини ўқиб чиқмоқ керак, масалан, «Ўсимликлар метаморфозаси» деган асарини синчиклаб ўрганиб чиқмоқ лозим. Шунда бу аёл билан бирга Гётенинг ҳаётига қанчадан-қанча ҳарорат ва масрурлик кириб келгани аён бўлади. Меҳр-шафқат, садоқат, ғамхўрлик, вафодорлик шу қадар катта қимматга эгаки, юрагида бўрон жўш ураётган ва сокин бир масканни излаётган одам кўпинча ўзига ҳамроз сифатида ювош бир аёлни танлайди, бу аёл интеллектуал жиҳатдан ундан пастроқ бўлса ҳам ҳечқиси йўқ, бундай аёл итоаткор бўлади ва эрини бошига кўтаради. Бунақа худбинона мўлжаллар онгсиз равишда ҳам пайдо бўлиши мумкин, аммо кўпинча у обдан пишиқ-пухта ўйланган бўлади. Улуғ одамларнинг ҳаёт йўллари ҳақидаги китобларни ўқиганлар бундан таажжубланмасликлари керак. Саховатпешалик уларнинг табиатидаги энг кўп тарқалган сифат эмас.

Ёзувчиларнинг хотинлари ҳам кўпинча ёмонотлик бўлиб қолишади. Ўзи аслида хаётда яшаб ўтмаган, лекин шунга қарамай, тилларда дoston бўлиб кетган Ксантиппа кўп асрларга татигулик тарзда ёзувчилар хотинларининг обрўйини пасайтириб юборди. Хотинларнинг ўзлари ўзларини химоя қилолмас эдилар. Фақат бизнинг давримизга келибгина уларнинг овозлари янграй бошлади. Аммо, афсусу надоматлар бўлсинки, уларнинг баъзи бирлари оғизларини очмай қўя қолганларида қандай яхши бўларди. Масалан, улуғ ёзувчи билан биргаликда ўтган хаёти тўғрисида каттагина жилдлик хотиралар ёзган Жесси Конрад шундай хотинлар сирасига киради. Ўртамиёна бир аёлнинг бу эзма гапларини бошидан охиригача ўқиб чиқмоқ учун одам ўзини ўзи анчагина мажбурлаши керак. Одатда бева хотинлар ўзларининг тор доираларида қиладиган ишни Жесси Конрад кўп мингли китобхонлар оммаси олдида қилишга аҳд қилипти — у эрининг устидан мағзава ағдарипти. У марҳум эрининг деярли масхараомуз образини чизади: унинг тасвирида Жозеф ғоятда асабий, паришонхотир, ўта худбин, ҳар қанақа дardлардан ҳамиша оҳ-воҳ қилиб юрадиган бўлиб чиққан, у улуғ инсоннинг юзига соя ташлаш билан банд, биринчи ўринга Жозеф эҳтиётсизлиги туфайли синдириб қўйган пиёлалар, папирос учқунини тушириб қуйдириб қўйган ёстиқлар чиқиб қолган, унинг рухий хаёти, унинг иши тўғрисида эса ҳеч нарса ёзмайди, мабодо ёзса алланечук аҳамиятсиз, майда-чуйда нарсалар тўғрисида ёзади. Ўйлаш мумкинки, ёзувчи хотинини ўзининг ички дунёсига яқин йўлатмаган. Холбуки, Конрад ўз қўлёзмаларини кўчириб ёзишни унга топшириб турган ва неча маргалаб ўзининг ижодий режаларини у билан ўртоқлашган ҳам. У жуда яхши уй бекаси ва моҳир пазанда эди, ҳатто пазандалик санъати тўғрисида

китоб ҳам ёзганди (Конрад бошқа кўпгина ёзувчилар каби ширин ва тотли таомларнинг кадрига етадиган одам эди), аммо жуда касалманд аёл эди, агар шу томони бўлмаса жуда ҳам рисоладагидек аёл бўларди. У жуда кўп жаррохлик операцияларини бошидан кечирган, кўп вақти касалхоналарда ўтган, уйда соғайиш чоғларида ҳам ёнида бир энагаси билан кўпинча кўрпа-тўшак килиб ётган. Конрад у билан ўттиз йил атрофида турмуш кечирган ва ундан тузукроқ турмуш ўртоғи топиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган. «У мен учун бамисоли ўғилдай эди, – деб ёзади Жесси, – ва айти чокда менинг эрим эди, парваришга мухтож эди, унга худди ёш боладай қаров керак эди, шу билан бирга, унинг ажойиб асарлари қандай барпо бўлаётганини кўриб унинг учун ғоятда ифтихор қилар эдим, унинг бениҳоя катта кўламдаги ишларидан хамиша завқланардим». Албатта, бу гаплар тўғри эди ва ҳеч нарсага қарамай, айти шундай парчалар бизнинг қаршимизда уни қай бир даражада оқлайди.

Альфонс Доде рафиқасининг «Хотиралар»и бир оз бошқачароқ охангда ёзилган. «Кундаликлар» бо-сиқлик билан ёзилган, анча-мунча камтарона рухга эга, бошидан-оёқ назокат билан суғорилган. «Кундаликлар» муаллифи кам истеъдодга эга эди, тўғри, бу истеъдод кичикроқ эди. Нега десангиз, истеъдоди бир-бириникига тенг бўлган аёлу эркакнинг турмуш қурганини камдан-кам ҳолларда кўриш мумкин. Бу масалада эру хотин Браунинглар мустасно тариқасида хизмат қилиши мумкин эди, лекин унинг ҳам хотини чиндан ҳам истеъдоди жихатидан эрига тенг келолмасди. Истеъдодларининг тенгма тенглиги асосига қурилган эр-хотинлик иттифоқини тасаввур қилиш ҳам қийин. Иккита барабар даражадаги қудратли шахслар айнан бир хил санъат билан шуғулланиб

туриб, ҳеч қачон бир-бирлари билан чиқиша олмай-дилар. Агар улар рухан бир-бирларига яқин бўлсалар иш нари борганда ҳаммуаллифлик билан тугаши мукин эди, бунинг оқибатида янгича бир турдаги ака-ука Гонкурлар пайдо бўларди. Агар улар хар хил бўлишса, бир-бирларини унча ёқтирмаган ҳолда, баъзан эса бир-бирларига нисбатан нафрат туйғуси билан ажрашиб кетишарди. Флобер Жорж Сандни жуда ёқтирарди, лекин улар никоҳдан ўтиб оила қуришса, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўйлашнинг ўзи қўрқинчли. Агар Альфред Мюссе унга уйланса, эҳтимол қисқа муддат мобайнида бўлса ҳамки, уларнинг турмуши ҳаловатли кечмоғи мумкин эди, чунки унинг йўллари ҳеч қачон Жорж Санд йўллари билан кесишган эмас, Жорж Санд унинг шеърларидан звқланган, Мюссе эса Жорж Санднинг оҳангдор насридан хузур топган, лекин уларнинг иккови ҳам биз бир-биримизнинг кемтигимизни тўлдириб, уйғун бир яхлитликни пайдо қиламиз деб ўйлаб, жуда адашишган эди. Кейинчалик улар бир-бирларини масхара қилиб, устларидан қаттиқ кулишади. Флобер эса бир неча йил мобайнида «ёз-ёз» дардига чалинган Луиза Коле билан бирга ўзини бахтиёр ҳис қилган. Ўқтин-ўқтин Флобер унга қандай ёзиш кераклиги борасида маслаҳатлар бериб турган ва бу бамисоли бургутнинг товукни учишга ўргатишидай гап бўлган.

Шундай ҳам бўладики, ёзувчи ҳаётда бирор аёлга рўпара келади ва бу аёл уни бутунлай ўзгартириб юборгандай бўлади, ундаги мудраб ётган қобилиятни уйғотади. Анатолий Франс билан де Кайаве хоним ўртасидаги кўп йиллик дўстона муносабатлар ҳаммага маълум. Де Кайавегача Франс хуркаккина, ношудгина бир йигит бўлган, майда-чуйда адабий ишлар билан шуҳрат қозонган. Де Кайаве хоним уни

чинакамига ишлашга мажбур қилади, Дрейфус иши билан шуғулланишга ҳам қўндиради ва шу йўл билан уни машҳур қилади. Айтган жойидан кесадиган, ўз хизматларининг қадрини жуда яхши биладиган бу аёлнинг зуғумига охир-оқбатда чидашнинг иложи бўлмай қолди ва бу Анатолий Франсини ундан ажралишга мажбур қилди. Бу одатдаги ходисадир, ўзини бошдан-оёқ эрига фидо қилган, фақат ўзи севган инсоннинг улуғлиги-ю шуҳрати соясида яшаган, кейин эри томонидан ташлаб кетилган бундай аёлларни ачинмай эсламоқ амри маҳолдир.

Жоржетта Леблан ўзининг «Хотиралар»ида бундай муҳаббатнинг патетик манзараларини, қолаверса, ҳаддан зиёд патетик манзараларини тасвирлайди. Кўп йиллар мобайнида у Метерлинкнинг уйида бекалиқ қилган ва унинг ҳамма ижодий ниятларидан хабардор бўлган. Жоржетта унинг ижодининг ҳар бир лаҳзасига ҳомийлик қилишга интилади ва унинг тинчини бузиши мумкин бўлган ҳар бир «тарақ» этган товушга қарши шиддат билан кураш олиб боради. Метерлинкнинг «Донишмандлик ва тақдир» деган китобининг биринчи саҳифасида Жоржеттага бағишланган қуйидаги матн мавжуд: «Жоржетта Леблан хонимга! Мазкур китобни Сизга бағишлайман. Бу китоб кўп жихатдан сизнинг ижодингизнинг маҳсулидир. Икки қаламнинг ҳамкорлигидан кўра кўтаринкироқ ва чинроқ ҳамкорликлар мавжуддир. Масалан, фикр ва ибрат ҳамкорлиги ана шундай ҳамкорликлар сирасига киради. Мен донолик аъмолига мувофиқ тарзда ҳаракат қилмоғим учун, нималар қилишим кераклигини кашф қилмоғим учун зўр бериб урнимоғимнинг хожати бўлмади, ўз қалбимда ҳамиша ҳарир туман пардасига чулганган ҳолда яшайдиган орзунинг тасдиғини изламоғим учун зарурат бўлмади. Менга сизни тинглашнинг ўзи ки-

фоя бўлди. Нигоҳим билан сизни синчиклаб кузатиб турмоқнинг ўзи етарли бўлди. Сизга қарар эканман, Сизнинг ҳаракатларингизда, қилиқларингизда доноликнинг тажассумини кўрмоқдаман».

Метерлинкни бунақа ғалати бағишловни ёзишга кўндиргунча Леблан хонимга анча меҳнат қилишга тўғри келган бўлса керак ва улар ажралишганларидан кейин китобнинг навбатдаги нашрларида бу бағишлов олиб қўйилганини кўриб, Леблан хоним роса куйган бўлиши мумкин. Албатта, бундай қилиғи унинг мақтовга сазовор ишлари қаторига кирмайди, лекин биз кўпгина ёзувчиларда бунақа қилиқларга рўпара келамиз. Бунақа бачканаликнинг ўта совуқ мисолини Станислав Пшибишевский ўзининг кундаликлари саҳифасида ёзиб қолдирган.

Лекин бир-бирига аталган қалбларнинг булардан кўра мустаҳкамроқ иттифоқлари ҳам учраб туради. Улар учун манфаатлар муштараклиги, ички маданий савиянинг ёхуд маълумотнинг бараварлиги деган нарсаларга эҳтиёж йўқ, буларни ҳаммасининг ўрнини қалбнинг донолиги босиб кетади. Биз аёлларни кўрганимиздан кўра аёллар бизни яхшироқ кўришади. Бизнинг заифликларимизни яхши тушунишади ва ёлғиз ўзларигагина маълум бўлган сеҳру жоду билан бу заифликларни бизнинг кучимизга айлантиришади, бундай қилиб бўлмаса, лоақал улардан етадиган азиятни камайтиришга ҳаракат қилишади. У эрининг меҳнатига пинҳона бир таажжуб билан қарайди, сиз ижодий парвозингиз пасайган пайтларда унинг овоз чиқармай таъна билан боқишларини сезасиз, муваффақиятсизлик чоғларидаги хафагарчиликларингизни қалб ҳарорати билан юмшатганини кўрасиз. Буларнинг бари хотинини ҳам ёзувчининг иш ҳудудларига олиб киради ва у ҳам шу иш билан яшай бошлайди, ҳар бир саҳифани зўр бериб кузата бошлайди.

Унинг бу кузатишлари кўзимизга кўринмайди, биз уни сезмаймиз ҳам, лекин шу билан бирга у шу қадар синчиклаб кузатиб турадики, агар у бир кун шу кузатишини йўқ қилса, ёзувчининг қўлидан қалами тушиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Бундай аёллар тўғрисида тарих кам гапиради. Адабиёт тадқиқотчиси бағишловларга ҳам, боғлам-боғлам мактубларга ҳам унча аҳамият бермайди, мактублардаги назокатни ошиқ-маъшуклар ўртасидаги ёзишмаларда кўп қўлланадиган баландпарвоз гаплар ўрнида қабул қилади, саҳифалар орасига қўйилган сўлган гулга ҳам эътибор бермайди. Ҳатто ёзувчиларнинг ўзлари берган гувоҳликларни ҳам киноя билан, ишонқирамай қабул қилишади. Масалан, Кичик Плинийнинг сўзларини эслайлик. Уларда Кичик Плиний ўз хотини Кальпуриянинг садоқати тўғрисида мактов гапларни айтган: «Мен бирор жойда сўзлашим лозим бўлганда у қанчалар ҳаяжонланади! Мен маҳкамадан қайтиб келганимда қанчалар хурсанд бўлади! Мен нимаики ёзган бўлсам, у ҳаммасини қайта-қайта ўқиб чиққан, кўпларини ёд билади. Агар унга менинг маърузаларимда иштирок этиш насиб этиб қолса, у устун ортида турганича оғзимдан чиққан ҳар бир сўзни ютоқиб тинглайди. Мен шеър тўқиётган кезларимда кифара чалиб, уларга оҳанг танлайди, ҳолбуки, у ҳеч қачон мусиқа ўрганган эмас ва унинг бирдан-бир устози муҳаббат бўлган». Ҳамма замонлардаги минглаб ёзувчиларнинг хотинлари бу портретда ўзларини осонгина таниб оладилар.

Аммо шундай ёзувчилар ҳам кўп бўлганки, улар инсон қалбларининг энг яширин сирларини ҳам очиб билишдаги зийраклиги ёхуд назаркардалиги билан мактанади-ю, ўзларининг хотинлари олдида нечоғлик бурчдор эканлари хақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмаслар. Негаки, улар ҳеч қачон жиндай азият че-

киб бўлса-да, ўзларига шу қадар яқин ва шу билан бирга ўзларидан шу даражада фарқ қилувчи мавжудотнинг фикрлари, туйғулари, хохишлари ва хатти-ҳаракатлари уларга нима келтирганини ҳисоблаб кўришга ҳам ярамаганлар. Улар ўзлари ишлайдиган хоналарга қайтар эканлар, бу хонага янгиланган ҳолда, бошқа бир дунёнинг ҳавосидан тўйиб нафас олган ҳолда қадам қўярдилар. Қадим-қадим замонлардан бери авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган бу дунё эса бутунлай бошқача принципларга асосланади. Бу принциплар бу дунёга ёт эркаклар билан курашда эришилган принциплардир.

Альфонс Доденинг хотини оилавий ҳаётдан бўйин товлайдиган ёзувчига менда ишонч йўқ деган эди. Кейинчалик эса унинг ўғли Леон ўзига хос кескинлик билан бу фикрларни «Тентак XIX аср»нинг бир неча саҳифасида батафсил баён қилган эди. Мурувватли Доде хоним ўз мулоҳазаларини далиллаш учун Виктор Гюгонинг исмини келтириб, бир оз ножоизроқ иш қилади. Ҳолбуки, унинг оилавий ҳаёти жуда ҳам ёмон кечган эди; у хотини билан маъшуқаси ўртасида сарсону саргардон эди, ора-чора оқсоч аёлларни ҳам бенасиб қолдирмасди. Доде хоним, албатта, унинг тўғрисида лирик шеърлари бўйича фикр юритган. Бу шеърларида шоир ишлаб ўтирган хонасининг деворлари ортидан эшитилиб турадиган болаларнинг ғужур-ғужуридан завқланишини ёзади. Бироқ Доде хоним адбиётни деб ўзини онгли равишда аскетизмга маҳкум этадиган ёзувчиларни назарда тутган бўлганида, шубҳасиз, ҳақ бўларди. Флобернинг онаси бу аскетизмни ўғлига қаратилган машҳур сўзларида қаттиқ қоралаган: «Иборалар иситмаси қалбинг ширасини сўриб олиб, қуритиб ташлабди». Лекин ҳеч ким бу масалада ака-ука Гонкурлардан ўтиб кета олган эмас. Улар бамисоли

адабиётхўрлик (*литературит* – тарж.) дардига ча-
лингандай кўринишади. Эдмон де Гонкур бу ата-
мани тиббиётга таклиф қилар экан, шундай дейди:
«Ўзини адабиётга бағишлайдиган одамга туйғулар
керак эмас, унга аёлларнинг ҳам, болаларнинг ҳам
ҳожати йўқ, унда юрак бўлмаслиги керак, унда мия
бўлса бас». Бошқа бир жойда ака-укалар биргаликда
шундай деб ёзишади: «Биз Худо билан бажони дил
бир битим тузишга тайёрмиз; майли, у бизга ижод
қиладиган миямизни қолдирсин, ҳар нарсани кўради-
ган кўзларимиз билан қалам ушлайдиган қўлларимиз
ўзимизда қолса, бас, қолган нарсаларнинг ҳаммаси-
ни – ҳамма туйғуларимизни ва жисмимизни ўзига
ола қолсин. Биз эса бу дунёда фақат одамларнинг
характерини ўрганишу санъатга муҳаббатдан баҳра
олсак бўлгани эди». Бунақа гапларни ҳеч ким бу
даражада самимий айтмаган эди, лекин кўплар шу-
нақа фикрлар эди. Фақат ёлғиз ёзувчидагина санъ-
аткорлик инсонни еб битирган эмас. Аёлнинг ўрни-
да санъаткорлик бир жилд шеърни ёхуд бир жилд
наصري кўрган, бўсадан, албатта, новелла излаган,
муҳаббатдан дурдона асар кутган. Бу ўринда шундай
бир ҳолатга етиб бориш мумкинки, қизил балиқдан
бир туғрам кесиб олишдан аввал балиқнинг иштаха
очадиган жозибаси туфайли туғиладиган бир талай
ўхшатишлар ва истиораларни кўнгилдан ўтказасан ва
адабий бошқотирмалар тузишга имкон берадиган ша-
робнинг муаттар бўйларини ҳис қилмай ҳам қоласан.

Фақат ёзувчи бўлмоқ кишини диккинафас қилиб
юборади. Ҳамиша ва ҳамма жойда йиллар мобайнида,
ойлар мобайнида, куну туннинг ҳар бир дақиқасида
ёзувчи бўлаверсанг ёрилиб ўласан. Мен ёзувчилар-
нинг анча-мунча баркамол тоифасига ёзувчи сифати-
да ўзини муайян дақиқалардагина намоён этадиган
ёзувчиларни киритган бўлардим. Бошқа вақтларда

эса кўкраклариди гуриллаб ётган вулконни фақат гурунгларда, суҳбатларда, маърузаларда, мулоқотларда оғиздан чиқиб кетган сўзларнинг шуъласида намоён этса дуруст бўларди. Бундай тоифага мансуб ёзувчилар ҳеч қачон таркидунё қилмайдилар.

Сўнги иборани ёзиб бўлганимдан кейин мен Оврўпа адабиётининг йигирма беш асрлик тарихида ўтган кўпгина улўф ёзувчиларни ҳаёлимдан ўтказдим. Менинг рўйхатим юзлаб номлардан ташкил топади, лекин мен уларнинг ҳаммасини бу ерда келтириб ўтирмайман. Бу рўйхатга кирадиган сиймолар кўлами ва аҳамияти жихатидан Эсхил, Цицерон, Данте, Сервантес, Расин, Гёте, Мицкевич, Толстой каби одамлардир. Улардан кейин майдароқ сиймолар келади. Улар адабиёт дарсликлариди берилган баҳоларга кўра майдароқ, аслиди эса на маҳорат жихатидан, на келгуси авлодларга таъсирлари жихатидан кўпгина даҳолардан сира қолишмайдилар. Буларнинг бари ҳаётдан ўзларига аталган насибаларини тўла-тўқис олган одамлар ва ҳаётди мажбуриятлар ҳам олган, вазифаларни ҳам бажарган, муваффақиятларни ҳам, машаққатларни ҳам кўрган. Улар эрлик, оталик вазифаларини ҳам ўтаганлар, ошиқ ҳам, солдат ҳам, фуқаро ҳам бўлган, эгаллаб турган лавозимларининг мушкулотларига чидаганлар, бирон вазифага тайинлансалар кўпинча бу вазифа ўзларига унчалик ёқмаси ҳам ундан бош тортмаганлар, Ватанга унинг вакили сифатида хорижий мамлакатларди хизмат қилишга тайёр турганлар, бунинг учун вақтларини аямаганлар, баъзан ижодий ишларини йиллаб йиғиштириб қўйганлар ва шароит тақозо этган бошқа юмушларни бажарганлар.

Улар кўрсатган хизматлари учун жамият миннатдорлигини хар хил изҳор этган: олий мукофотлардан бошлаб зиндону хибсларгача бўлган бу «миннатдор-

лик»лар қаторида. Ёзувчи ҳаётлигидаёқ бу миннатдорлик анча хира тортиб қоларди, кейинги авлодлар эса унинг фуқаро сифатидаги хизматларига ортик кизиқиб ҳам ўтиришмас эди – фақат ижодий меросгина қимматини сақлаб қолар, бошқа ҳамма нарса эса латифалар учун материалга айланиб қоларди. Дарҳақиқат, шоир Пиндар Фивада шаҳар кенгашининг мажлисларига қанда қилмай қатнашиб турган деган маълумотни айтишса, бундан унинг қасидалари бир даражада бўлса-да яхшироқ бўлиб қолармиди? Цицероннинг жамики сиёсий фаолияти бизнинг назаримизда унга зарар келтирган холос ва ҳатто унинг баъзи асарларини кулгули аҳволга ҳам солиб қўйган. Унинг биографларини ҳисобга олмаганда, Гётенинг кичкинагина феодал давлатида ҳукумат бошлиғи сифатида амалга оширган фаолияти бугун қимми ҳам кизиқтиради? Буни қўйиб тулинг-а, у кўп йиллар мобайнида Веймар театрига раҳбарлик қилган ва бу театр ундан жуда катта меҳнат талаб қилган эди – бугун ҳатто бу ҳам бизни деярли кизиқтирмайди.

Ёзувчиларнинг ўзлари эса кўпинча аламли таасуф билан ўз ҳаётларининг ана шу самарасиз онларига ўгирилиб қарайдилар ва ўзларининг қимматли вақтларини икки пулга қиммат ўткинчи нарсаларга сарфлаб, қанчадан-қанча асарлари яратилмай қолганларини эслайдилар. Бу тўғри, лекин маълум даражада тўғри. Чунки улар ўзларини аямай бахшида этган ҳаёт ҳам қарздор бўлиб қолаверган эмас. Ҳаёт уларнинг характерини шакллантирган, иродаларини, қалбларини, ақл-заковатларини тоблаган, ўпкаларини тоза хаволарга тўлдирган, айнишларига, мункиллаб қолишларига йўл қўймаган, тажриба билан бойитган, одамлар ҳақида, олам тўғрисида билим берган.

Аввало инсон бўлмоқ керак, кейин санъаткор бўлсан – бу фикрни баъзилар баланд овозда баралла ай-

тишган, бошқалар эса ўз ҳаётларидан мисоллар келтириб, уни ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқат эканини тасдиқлаш билан чекланишган. Маълумки, Диккенс, Гамсун, Реймонт, Конрад, Горький ҳаётда хилма-хил машаққатларни кўрганлар, унинг турфа ранг синовларига дош беришга мажбур бўлганлар. Хўш, мана шу машаққатлар ва синовлар уларнинг ижоди учун жуда қимматли материал берган эмас, деб ким айта олади? Уитмендан бошлаб то бугунги кунга қадар бутун Америка адабиёти ҳаддан ташқари ғайриодатий йўллардан ўтиб келган одамлар томонидан яратилгандир. Улар шахсий ҳаётларида шунақа ишларни ва шароитларни кўрганларки, бунақасини бошқа мамлакатлардаги кўпгина ёзувчилар ҳатто тушларида ҳам кўрган эмас. Улар ўз ҳаракатлари билан ўз асарлари учун хомашё барпо этишган. Бировларга тақдир нималарнидир инъом этган бўлса, бошқа бировлари унга ўзларининг саъйи ҳаракатлари билан эришмоққа тиришганлар. Ўзларида ижод учун материалга эга бўлмаганлари, бутун олам бўйлаб уни излаб изғиб юришган. Орқа-олдинга қарамай таасуротлар кетидан қувиш, кечинмалар, мавзулар қидириш, уларни бир лаҳзалик ишқий алоқалардан излаш, майхоналардаги, паскам жойлардаги саргузаштлардан топишга интилиш – буларнинг барчаси ҳатто комедияларда тасвирланиб, масхара қилинган. Тезюар поездлар, пароходлар ва самолётлар майдонга келгандан бери эса юзлаб адабиётчилар бу воситалардан фойдаланиб, дунё бўйлаб саргузаштлар излаб, нотаниш муҳитларни, ғайриодатий инсоний типларни қидириб, ҳаётнинг жамики турфа хиллигини ўзига сингдиришга ва онгида келажакда катта даромадлар берадиган сармоияни жойлаб олишга интилиб, кезиб юришади. Охир-оқибатда бунақа кезишлар жуда арзимаган натижа беради. Улар уйларига жаҳоннинг

ҳамма мамлакатларининг этикеткалари ёпиштирилган жомадонларида сийқаси чиқиб кетган воқеалар тавсифини кўтариб келишади ва қайтиб келганларидан сўнг амин бўладиларки, бирон-бир янгилик берадиган жонлироқ, тароватлироқ асарни келиб-келиб дунё кезмаган, ҳатто Дехлидан Калькуттага қай йўл билан боришни тасаввур ҳам қилмайдиган одам ёзипти. Шу ўринда мен бехосдан Рембрандтнинг овозини эшитгандай бўламан. «Уйингизда ўтиринг! – дея таъкидлайди у саёҳатга жўнашга отланаётган ёш рассомларга мурожаат қилиб. – Уйингизда ўтиринглар! Шу ерда пинхона ётган мўъжизаларни ўрганиб чиқиш учун бутун бир умр ҳам етмайди».

Ёзувчилар ҳамиша бир сифатлари билан ҳаммани таажжубга солиб келганлар: улар кундалик турмушда ҳеч нарсани тушунмайдилар, улар инсон тўғрисида ҳаммани ларзага солувчи кашфиётлар қилишга қобил психолог бўлсалар-да, ҳаётда ўзлари рўпара келган одамларнинг фарқига бормайдилар ва ҳамиша фирибгар ва айёр одамларнинг макрига учиб, ҳийла-найранглар тузоғига илиниб юрадилар. Бунинг сабаби шундаки, улар инсон ҳақидаги билимларини ўз яқинларининг хатти-ҳаракатлари, юзларидаги ифодаларни кузатишдан олмайдилар, балки ўз қалбларида акс этган инсон ғояси билан мулоқотдан ҳосил қиладилар. Билиш жараёни бошдан оёқ ўз ичимизда содир бўлади. Ташқаридан кирган ҳар бир таассуротнинг қиммати қабул қилаётган одамнинг онги унга жойлаган қиммат билан белгиланади. Заифроқ заковат воқеликни бамисоли сувдек, яъни юзаки, ўткинчи тарзда акс эттиради. Ижодий заковат эса воқеликни бутунлай ўзгартириб, қайтадан яратиб, чуқурлаштириб акс эттиради. У арзимас нарсалардан улўф нарсалар ясайди. Виспяньский оддийгина қишлоқ тўйидан бутун бошли бир халқ дос-

тонини барпо этган эди. Уша тўйда ундан ташқари бир қатор адабиётчи ёшларни ҳисобга олмаганда яна иккита шоир қатнашган эди. Аммо улардан ҳеч қайсиси ана шу индамас шоир тўйда нималарни кўриб, нималарни эшитиб ўтирганини ҳатто хаёлларига ҳам келтира олмаганлар.

Опа-сингил Бронтелар ҳам жуда яхши мисол бўла олади. Улар сахрога ўхшаш кимсасиз Йоркширда кичкинагиа Хоуорт деган қишлоқда яшашган ва романларида тасвирланган воқеа ҳамда ходисаларни шахсан кўриб, билиш имконига эга бўлган эмаслар. Айниқса, «Бўронли доvon» романининг муаллифи Эмили Бронте шундай бўлган. У ҳеч қачон ўз қишлоғини сал-пал узокроқ муддатга тарк этмаган, қарикиз бўлиб уйда ўтирган. Унинг қишлоғидаги XIX аср ўрталаридаги ҳаёт кишини ҳар жиҳатдан чегаралаб турадиган қатъий қоидаларга эга эди. Бу ҳаёт Эмилига ўз романининг қаҳрамони Хитклиффга ўхшаш эркаклар билан ҳаётда бирон марта бўлса-да кўришишга сира-сира имкон берган эмас. Хитклифф бошдан-оёқ унинг ижод ҳаёлотининг сирли пучмоқларидан топиб олган образидир. Бу гапларни айтар эканмиз, биз бир жумбокни бошқа жумбок билан изоҳлаётган бўламиз. Ижодий ҳаёлотнинг ички механизми ҳеч қандай таҳлилга бўй бермайди. Уни қисм-қисмларга ажратиб, ҳар бир қисмни таърифлаб-тавсифлаб, сўнгра уларнинг қандай амал қилишини кўрсатиб бўлмайди. Айрим-айрим ҳолларни кузата бориб, биз амин бўлишимиз мумкин бўлган ягона нарса шуки, бу қисмлар бир-биридан фавқулодда фарқ қилади. Ёзувчилар бу қисмлардан фойдаланишда муайян муштаракликка эга. Бу муштараклик воқеликнинг сон-саноксиз парчаларини қутилмаганда яхлит бир нарсага бирлаштириб, мутлако янги бир нарсага айлантириш усулидадир. Бу

парчалар ёзувчини қуршаб олган ташқи муҳитдан ҳам, ўз психикасидан келиб чиқувчи ички муҳитдан ҳам олинган бўлиши мумкин. Кейингиси бағоят муҳимдир. Хаёлотдан маҳрум одамлар яхшироқ кузатадилар ва кўрганларини аниқроқ эслаб қоладилар. Ижодий хаёлот қувватига эга бўлган одамлар эса қабул қилаётган нарсасининг ҳар биридан бирор парчасинигина танлаб оладилар. Бу парча кўпинча энг аҳамиятсиз парча бўлади. Баъзан ҳодисани яхлитлигича хотираларида қайтадан тиклайдилар, лекин энди у характерли деталлардан маҳрум ҳолда намоён бўлади. Негаки, бунда қабул қилиш билан бирга яна алланечук шунақа бир нарса амал қилдики, бу нарса ҳамиша қабул қилинаётган нарсанинг кифасини бузади. Бу «алланечук нарса» ассоциация қонунига кўра туғилган туйғу, фикр ёхуд хаёлот бўлиши мумкин. Хотира тўғрисида оғиз очиб ўтирмаса ҳам бўлади. Жўшқин хаёлот эгалари ҳеч қачон ҳеч нарсани хотирлаб қолмайдилар. Уларнинг хотираси – аслида йўқ нарса. Қуни кеча ўзларининг назарларида бенуқсон бир хушёрлик билан синчиклаб кузатган нарса эртага бу хаёлпарастларнинг онгида таниб бўлмас даражада ўзгарган ҳолда намоён бўлади.

Эҳтирослар, иштиёқлар, айниқса, ушалмай қолган орзулар, тушлар, тимсоллар, қилиқлар, хавотирлар, уят туйғуси, хуллас, ҳар бир одам ўз ёлғизлигини нима билан тўлдирса, шуларнинг ҳаммаси санъаткор учун унинг ижодий лабораторияси бўлиб хизмат қилади. Бу лабораториядан ёзувчи ўзи авваллари сира тўқнаш келмаган ҳодисаларни тусмоллаб топади, бошидан охиригача ҳис қилиб чиқади, уларнинг моҳиятига кириб боради. Бу ҳодисалар бир қарашда унга бутунлай бегона кўринади. Бир қарашда деяпмиз, аслида эса, улар унинг ўзида, ичида мавжуддир, баъзан у ўзига ўзи бу тўғрида ҳисоб беради ва

Ўзининг энг ардоқли ўйларида уларни ривожлантиради, баъзан эса улар унинг ичида иплардан ўралган коптокдек бўлиб биқиниб олади ва кимнингдир бирор қилиғи, кутилмаган юз ифодаси ёки ногаҳоний айтилган сўзидан бу чигал кўққисдан ечилиб кетади. Ёзувчи ҳамиша ўзининг орзу-ўйларида ва мулоҳазаларида энг ғаройиб имкониятлар ҳамда вазиятларни қабул қилишга тайёр турмоғи керак. Агур унга кўққисдан ойни совға қилсалар-у, у саросимага тушиб қолса, бундай одам унча маъқул ижодкор – санъаткор бўла олмайди. Бошқалар аллақачон уни забт этиб олган, унга ўрнашиб олган ва мазза қилиб айшини суриб юрипти. Гёте чинакам ижодкорда дунёни билиши туғма бўлади ва ҳар гал унинг олдига қўйилган вазифаларни уддаламоқ учун унга шахсий тажрибанинг хожати йўқ, дейишга ҳақи бор эди. «Мен «Гёц фон Берлихинген»ни йигирма икки ёшимда ёзган эдим, – дейди Гёте ўша мактубининг давомида. – Орадан ўн йил ўтгандан сўнг драмамда ҳақиқат жуда кенг тасвирланганини кўриб ҳайрон қолдим. Ҳолбуки, бу асарни ёзиш жараёнида мен унда тасвирланган воқеалардан биронтасини бошимдан кечирган эмасдим». Бальзакни синчковлик билан кузатишда даҳо қобилиятга эга бўлган эди, деб айтиш тубдан хато бўлур эди. Бальзак кузатувчи бўлган эмас, балки у дохиёна хаёлот қувватига эга эди. Нимаики унинг диққат-эътибори доирасига тушиб қолса, у нарса унинг хаёлотини уйғотиши мумкин эди, лекин ҳеч нарса ўзгармаган ҳолда муҳрланиб қолмас эди. Ўзининг чақнаб турган кўзлари билан бир нигоҳ ташлашнинг ўзидаёқ ҳаётдан илғаб олган унсурлардан фойдаланиб, у яп-янги, аввал ҳеч қачон мавжуд бўлмаган одамларни яратар ва бу одамларнинг ҳаётини у бамисли қудратли алкимёгар бекаму кўст чинлик ҳавоси билан тўлдираар эди. Унинг хоҳиши билан уйлар, кўчалар, шаҳарлар барпо бўлар ва

китобхонга буларнинг бари воқеликдан олингандай бўлиб туйиларди. Ёзувчининг бойлиги унинг таасуротларининг турфа хиллигига боғлиқ эмас, балки унинг нуқтаи назарининг кенглигига боғлиқ – ёзувчининг ўз ичида олиб юрган дунёси қанчалик катта бўлса, унинг ижодини озиқлантириб турган материал ҳам шунча бой бўлади. Қанчадан-қанча ёзувчилар криминология бўйича ёзилган асарларни муккаси-дан тушиб ўқийдилар, қанчадан-қанчалари турмаларга қатнашади, ўғрилар тўпланадиган майхоналарда ўтириб кун ўтказишади, кейин шунақа сийқа об-разлар яратишадики, улар ҳатто Вотреннинг сояси ҳам бўлолмасди. Холбуки, Бальзак Вотренни Видок билан учрашиб яратган эмас, балки ўзининг қудратли хаёлот дунёсидан олган: бу ижодкор миянинг сон-саноксиз хужайраларидан бири ёзувчига инъом этган муғомбир, муттахам, жасур ва шафқатсиз саргузашт талаб одамнинг муҳаббат бобидаги тажрибаси ўзининг бойлиги билан Ожешконинг хаёлот дунё-сини хижолатга солиб қўйиши мумкин эди. Аммо Запольскаянинг асарлари оралигида муҳаббат ҳақида ёзилган «Хам»га тенг келадиган асарни излаган одам беҳуда уринган бўлади.

Расиннинг драмалари кишида бир фикр туғдиради – уларнинг муаллифи қайноқ эҳтиросларга тўлиб-тошган ҳаёт кечирган бўлса керак, шунинг учун ҳам у жўшқин эҳтиросларни бу қадар ҳаққоний тасвирлаб берган, деб ўйлаш мумкин. Холбуки Расин, хона-нишинликда умр ўтказган санъаткор, Пор-Роялнинг қаттиқ қоидалари руҳида тарбияланган, ўз уйидаги самимий муҳитдан ҳеч қачон нафас олиб қўрмаган драматург, ўз даврининг эҳтиросларидан ҳам узоқ эди. Унинг муҳаббат бобидаги бор-йўқ тажрибаси эса бир актриса аёл билан ораларида бўлиб ўтган муҳаббат мижаросидангина иборат эди. Бу ҳодиса драматург ҳаётида айтарлик из ҳам қолдирган эмас.

Китобхонни ҳамиша муаллиф кизиқтиради, у муаллифнинг қиёфаси қанақа эканини, қай тарзда турмуш кечиришини, характери қанақа эканини билгиси келади. Ҳозирги даврда фотографиялар шарофати билан, журналларда босилиб турадиган суҳбатлар орқали, телефильмлар орқали булардан хабардор бўлиш анча осон бўлиб қолган. Ҳозир ҳатто ёзувчининг овози ҳам маълум – у радиода чиқишлар қилиб туради, телекўрсатувларда иштирок этади, унинг овозини пластинкаларга ёзиб олишади. Ёзувчи ўзининг ижодий режалари тўғрисида гапириб беради, нималарни яхши кўришини, қай тарзда турмуш кечиришини, баъзан эса ҳатто интим ҳаётининг баъзи бир томонларини ҳам гапириб беради. Ўтган асрларда эса ёзувчининг ҳаёти турган-битгани парда билан қопланган сирдан иборат эди. Албатта, ҳатто у пайтларда ҳам бу сирли парда, сал-пал бўлса-да, баъзан кўтарилиб турарди. Ёнғочга ўйиб ишланган сувратлар, миниатюралар, медальонлар унинг қиёфаси қандай эканидан хабар берар, хусусий мактублари эса унинг тўғрисидаги ҳақиқатни ҳам, ёлғонни ҳам тарқатарди. Гораций қасидаларидан бирида кўчадан кетиб бораётганимда одамлар қўли билан кўрсатишади, деб мақтанади. Вальтер хали на кино, на фотография, на мухбирлар бор замонда шундай шуҳратга эриша олганки, уни бизнинг давримизда ярим аср мобайнида расми сувратли журналларнинг саҳифаларидан тушмаган Бернард Шоунинг шуҳрати билан қиёсласа бўлади.

Аммо ҳамма ёзувчилар ҳам бунақа топқир бўлаверган эмаслар ва китобхонлар кўп китобларни ўқиб, уларнинг муаллифлари тўғрисида ҳеч нарса билмаганлар. Муаллиф қиёфасини асар қаҳрамонининг туркига қиёслаб ёхуд асарда олға сурилган ғояларга, ифодаланган туйғуларга мослаб унинг тўғрисида турли тахминларга боришган. Бунга ўхшаш ҳодисаларга

бугун ҳам дуч келишимиз мумкин. Бизнинг оталаримиз индамас ва хаёлчан Сенкевични кўрганларида тарвузлари қўлтиқларидан тушган, чуни уни ғоятда абжир, ғоятда уддабурро рицар киёфасида, худди пан Заглобага ўхшаган очик ва қувноқ одам деб тасаввур қилишган. Худди шунга ўхшаш қорин кўйган бир жаноб Ян Каспрович бўлиб чиққанини кўриб биз ҳам роса ҳайрон бўлгандик. Леопольд Стаффнинг чўққи соқоли, жиккаккина қадди-комаги, юрак ҳовучлагандай хавотир билан қиладиган ҳаракатлари уни яхши билганларнинг назарида ғоятда табиий ва ўзига ярашган бўлса-да, унинг «Қудрат ҳақида тушлар» деган асарини ўқиганларнинг ҳафсаласини пир қилмаслиги мумкин эмас эди. Ҳақиқий Ламартинни ўз кўзлари билан кўришганда, унинг шеъриятининг нозиктаъб мухлислари юраклари бутунлай эзилиб кетган бўлса керак. Ламартин ўз шеърларида хаёлпараст, ўйчан, уятчан, ҳар бир нарсадан таъсирланиб, кўзидан ёш чиқиб кетадиган бир инсон сифатида кўринар ва мухлислари ҳам беихтиёр уни хипча, нозик, мўрт ва эҳтимолки, касалванд бир одам деб тасаввур қилишарди. Ҳақиқатда эса у Бургундиядан чиққан баҳайбат девдай одам бўлган экан. У эл қатори еб-ичган, чангитиб сўкишларга ҳам чапдаст, шикор ишқибози, итхона ва отхоналар соҳиби ва ҳақиқий жаҳли тез шляхтич бўлган, доим қўшнилари билан ит-мушукдек уришиб турган.

Баъзан эса шоирлар ўз мухлислари истагандек киёфа касб этишга муваффақ бўлишган. Шеллинг фаришталарники янглиғ ҳусни ёки Байроннинг мутақаббур чехраси улар шеъриятининг жозибасини оширган. Лекин Байронни от минганда кўрган афзал эди, негаки у оқсоқ эди. Айтганча, романтиклар ташки киёфалари мухлисларда колдирадиган таассурот ташвишини ўзлари чекардилар. Шатобриан

ёшлик бўронлари сочини нечоғлик тўзитган бўлса, унга тароқ теккизмай, шундайлигича юраверган. Шу тарзда унинг тўзғиган сочи бутун бир авлод ўртасида расм бўлган. Масалан, Адам Мицкевичнинг Аюдоғ қоясида тушган шоирона суврати бор. Шамолда хилпираган плаш, теварак-атрофдаги гўзал манзара бу сувратни илоҳийлаштирган ва кенг тарқалишига сабабчи бўлган. Суврат мухлисларининг кўз ўнгида шоирни янада жозибадорроқ қилиб кўрсатган. Мухлислари ҳам сеvimли шоирларини айнан шундай қиёфада кўришни исташган. Шунинг учун ҳам шоирлар билан адиблар сувратда ҳамиша ёшроқ ва мафтункорроқ бўлиб кўринишга ҳаракат қилишади.

Sevimли муаллифнинг характеридаги иллатларни фош қилиш ундан мухлисларнинг ихлосини анча кенг даражада қайтармоғи мумкин. Красиньскийлар уруғи Зигмунтнинг ҳамма мактубларини ҳеч кимга кўрсатмай махфий тарзда сақлашган. Зигмунт бу мактубларни «Тонг» ва «Келажак дуоси»ни ёзган қалам билан битган экан. Мактублар унинг мулкини бошқарувчи одамга йўналтирилган бўлиб, уларда мулкдорнинг жамики қаттиққўллиги ва шафқатсизлиги намоён бўлган. Бир неча йил муқаддам биз бир суд жараёнининг гувоҳи бўлдик. Бу суд жараёни Жорж Санд неварасининг талаби билан ўтказилган эди. У бувисининг биографини судга бериб, унинг Жорж Санднинг хушторлари ҳақидаги гапини рад этган. У Жорж Санднинг биронта ҳам хушторини эътироф этишни истамаган, лекин шунга қарамай суд жараёнини ютқазган.

Гёте ҳукумат бошлиғи сифатида эрга тегмаган жувоннинг ишини кўриб чиқишга мажбур бўлган. Бу жувон ўз боласининг жонига қасд қилган қотила сифатида айбланган. «Фауст»да Маргаританинг арзи ва тавба-газаруси ҳақидаги бандлардан ташкил топган

машхур гулдастани ёзган кўл бу жувонга чиқарилган қоралов ҳукмига имзо чеккан. Мириелни яратган, ўнлаб шеърларда Қорбобога хос ҳиммат ва саховат билан одамларнинг муҳтожлигидан ҳам чеккан Виктор Гюго ҳаётда жуда хасис одам бўлган. У умрида бирон марта бирон тиланчига сариқ чақа садақа қилган эмас. Бу хасис одам ҳайрон қоладиган даражада синчковлик ва саришталик билан харажатлар дафтари юритган. «Саховатпешалик» деган сарлавҳа остида у ўқтин-ўқтин йўлдан урган оқсоч аёлларга тўлаган пулларини яширин тарзда ёзиб қўйган. Аммо сўз кимёси ёзувчининг энг ёмон сифатларидан ҳам софлиги ва олижаноблиги жиҳатидан ҳайрон қоладиган нарсалар тўқишга моҳир бўлган. Шарль Лало бир неча жилдда кўпгина ёзувчиларнинг жумбоқларини тўплаган. Улар ўзларининг ахлоқий заифликларини, кемтикларини, қусурларини ўз қаҳрамонлари сиймосида тuzатишга уста бўлганлар, ўзлари маҳрум бўлган жамики ижобий сифатларни саҳийлик билан қаҳрамонларида мужассам қилишган.

Муаллифнинг шахсияти билан шуғулланишга арзийдими-йўқми? Бу савол кўп марта ўртага ташланди ва унга турлича жавоблар берилган. Биз учун бу ўринда Франция ва Польшада ёзувчига турлича муносабатларни кўрсатиб берадиган ҳаётий мисоллар эътиборга лойиқроқдир. Францияда ҳеч қанақа эътирозлар ва норозиликларига қарамай, қадим-қадим замонлардан бери ютоқилик билан ўз ёзувчиларининг шахсий ҳаётини титкилаб келганлар. У ерда ҳатто энг интим сирларни ҳам яшириб кетишнинг иложи йўқ. Француз адабиётида ҳар битта машхур номдан кейин бир қулоч ҳаёт йўли тасвирланган библиография, кундаликлар, мемуарлар, архив ҳужжатлар, мактублар рўйхати келади. Бунинг энг мукамал мисоли сифатида А.Мартинонинг «Стендаль

йилномаси» деб аталган китоби хизмат қилиши мумкин. Бу китоб Стендалнинг бутун ҳаётини қамраб олган, уни кунма-кун, баъзан эса ҳатто соатма-соат акс эттирган чинакам йилномадир. Унда келтирилган маълумотларнинг ҳаммаси ҳафсала билан тузилган библиография ёрдамида тасдиқланган.

Францияда ёзувчи ҳақидаги материалларнинг кўп қисми ёзувчининг кўзи тирик вақтида эълон қилинади. Шуниси ҳам борки, бунда маълум даражада бўлса ҳамки, камтарликка риоя қилинади. Аммо ёзувчи оламдан кўз юмиши биланоқ дархол бу камтарлик сувга уриб кетади. Шунда гўёки тўғон қулаб тушгандай бўлади-ю, сиз китоблар, очерклар, мақолалар тошқинида қоласиз. Уларда сизнинг кўз ўнгингизда ёзувчини кип-яланғоч қилиб ечинтиришади – сиз уни уй шароитида меҳнат қилаётган, ёзаётган ҳолатда кўришингиз мумкин, эр-хотиннинг хобхонасида, дўстлари даврасида, саёҳат вақтида учратамиз, унинг ишқий саргузаштларидан воқиф бўламиз, унинг гурунгларида айтган гапларидан, замондошлари ҳақидаги фикрларидан хабардор бўламиз, унинг айрим қилиқлари, одатлари, хасталиклари, тентакликлари аён бўлади. Унинг характери масаласига келадиган бўлсак, унда мавжуд бўлган ҳар қандай иллат ва қусур тўғрисида ҳамма эшитадиган қилиб жар солинади. Бунда кўпинча ғийбат билан ҳақиқат ўртасида кураш кетади ва бу курашда ҳақиқат ҳамма вақт ҳам ғолиб чиқавермайди. Шундай ҳам бўлиши мумкинки, бундай баҳс ўнлаб йиллар мобайнида давом этиши, баҳсга янги-янги иштирокчилар, янги гувоҳлару янги тадқиқотчилар жалб бўлиши мумкин. Франциянинг ибрати бошқа миллатларга ҳам таъсир қилди, босиқ инглизлар ҳам шу йўлдан бора бошлади, Америкада эса киноюлдузлар билан боксёрлар ёзувчиларни орқада қолдириб кетишди: агар борди-ю у ерда

ёзувчининг шахсий ҳаётига тегишли сиру асрорни кимлардир ҳурмат қилса, бунинг боиси шундаки, Америкада бунга камдан-кам одам қизикади.

Бизнинг Польшада бундай эмас. Бизнинг ёзувчиларимиз тантанаворроқ ва ҳайкаллардаги каби бир оз махзунроқ кўринишади. Зволендаги қабристонда қабр тошига сувратни ишлаб, Кохановскийнинг қўлига қўлқоп кийдириб қўйишни унутмаган номаълум рассом шоир биографларидан кўра билағонроқ чиқиб қолди. Агар Тшетеской ёзган бир неча саҳифа бўлмаганда, Миколай Рейнинг тўлақонли сиймоси биз учун анча рангсиз ва туссиз бўлиб қолаверар эди. Ҳозир ҳам бизнинг улуғ ёзувчиларимизни шахсан билган замондошлари улар тўғрисида гапириб беришга кўп ҳам ошиқаетганлари йўқ. Болеслав Прус билан мулоқотда бўлган одамларнинг ҳаммаси оламдан ўтиб кетди ва бу мафтункор шахс энди биз учун ҳамишаликка икки сана орасига сиқилганча қолади. Бу саналарнинг бири унинг туғилиш санаси – энди ҳаммавақт унинг ёнида савол аломати бўлади, чунки худди қадимий дунё адиблари ёхуд ўрта аср ёзувчилари каби унинг ҳам туғилган санаси аниқланмай қолди. Сенкевични, Жеромскийни яқиндан билган одамларнинг баъзи бирлари ҳали ҳаёт, лекин биз уларнинг хикояларини беҳуда қутаётганга ўхшаймиз. Жеромскийнинг ёшлиқ йилларидаги «Кундаликлар»ини ва профессор Юлиан Кшижановскийнинг «Генрик Сенкевич. Ҳаёти ва ижоди солномаси» деган китобини жуда теран миннатдорлик туйғуси билан кутиб олдик. «Quo vadis» романи муаллифининг шахси ва ҳаётини кўпдан бери хира туман чулғаб келарди. Профессор Кшижановский ўз китоби билан ана шу туманни тарқатиб юборишга муваффақ бўлди. Ёзувчиларимизнинг ҳаёт йўлини тасвирлашга унчалик раъйи йўқ адабиётчиларимиз ирим қиладиганга

ўхшайди – гўё уларнинг ҳаёт йўли қаламга олинса, бу ёзувчиларнинг руҳи поклари таҳқирланадигандек. Шак-шубҳа йўқки, бу олижаноб туйғу, бироқ у ёлгон билан мусобақа қилишганда янада олижаноброқ бўлар эди. Мицкевичнинг ўғли Владиславнинг отасига бўлган ўта эҳтиромли муносабати туфайли шоир биографиясига оид ҳужжатлар нечоғлик талафот кўргани маълум. Бундай эҳтиромни чин юракдан, самимият билан макташ анча қийин – бундай эҳтиромда шоирни тезроқ мангулик сари жўнатиб, ундан имкони борича тезроқ қутулиш иштиёқи яққол сезилиб туради. Ахир, бу дунёда унинг рамзий қиёфасини кўриб юрган яхшироқ-да – бу қиёфани эслаб қолиш ҳам осон, ҳам қулай.

Агар ёзувчиларнинг ўзларидан сўралса, бу масалада уларнинг фикри бўлиниб кетарди. Қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, уларнинг кўпчилиги ёзувчининг шахсий ҳаётини такаллуфсиз титкилашга қарши бўлур эдилар. Уларнинг анча-мунчаси бу борада аввалдан керакли чораларни ҳам кўриб қўйишади ва эълон қилишга тегишли бўлмаган қоғозларини ёқиб юборишади. Аммо у вафот этгандан кейин ночор аҳволга тушиб қолмайдими? Мурда ўзини-ўзи химоя қила оладими? Вафотидан кейин кераксиз кизиқишларнинг қурбони бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр неча марталаб ёзувчиларнинг ҳаётига оғу солган, васиятномаларда уларни нималарнидир қаттиқ тақиқлашга ундаган, кескин норозиликлар туғдирган. Улар ҳасад билан қадимги дунё ёзувчиларини эслашган – вақт уларга бебаҳо хизмат кўрсатган – асарлардан бошқа ҳамма нарсани маҳв этиб юборган. Бу жиҳатдан Ҳомер ҳаммадан ҳам яхшироқ аҳволда бўлган – у ўз асарларига шу даражада сингиб кетганки, ҳатто кейинчалик унинг ўзи ҳаётда ўтганми-ўтмаганми деган муаммоли жумбоқни келтириб чиқарди.

Охир-пировардида, кимдир шундай бир адабиёт тарихини яратиш заҳматини зиммасига олмоғи керакки, унда асрлар ва авлодлар билан ҳамқадам, ўз даврининг мухити бағрида, муаллифларнинг ҳаёт йўлини тасвирлаб ўтирмай фақат ижоднинг самараларигина ёритилган бўлади. Масалан, «Нибелунглар» ёхуд «Игор жангномаси» тўғрисида биз фақат адабий асар сифатидагина гапирамиз-ку, уларнинг муаллифларини тилга ҳам олмаймиз, чунки улар бизга маълум эмас, биз уларни тилга олмай ўтишга мажбурмиз. Аммо буни адабий ходисалар талқинидаги бир усул сифатида ҳам қараш мумкин. Албатта, буни истеъдод билан қилмоқ керак, бунинг учун эса жуда катта иқтидорга эга бўлган тадқиқотчи талаб қилинади. Бироқ бизнинг ижод психологияси билан боғлиқ бўлган китобимиз учун биографик материал энг муҳим нарсадир ва бизга бундай материални берган ҳар бир одамдан миннатдор бўлмоғимиз, бу материалга эътибор бермай, унинг йўқолиб кетишига йўл қўйган ҳар қандай одамни қораламоғимиз керак.



Шопенхауэрга тегишли қоғозлар орасида тик чизиклар билан иккига бўлинган варақ сақланиб қолган бўлиб, уларнинг бирига: «Франкфурт», бошқасига эса: «Манхайм» деб ёзиб қўйилган экан. Мазкур рукнларнинг ҳар бирида Шопенхауэр иккала шаҳарнинг ўзига хос хислатлари ва камчиликларини эринмай бирма-бир санаб чиққан. Тасодиф измига ишониб, қутилмаган кўнгилсизликларга дуч келишни истамаган файласуфга хос эҳтиёткорлик билан қулайликлар, кўнгил очиш ва ишлаш учун нималар зарурлигини олдиндан пухта ўйлаб, чама-лаб, мулоҳаза қилиб кўрган ва шундан кейингина Франкфурт-Майнга кўчиб бориб жойлашган ва у ерда умрининг охирига қадар истиқомат қилган. Уй-жойни шунчалик узоқни кўра билишлик билан танлай олишда у барча ақлий меҳнат кишиларига, агар уларнинг ҳар бири эркин танлов имкониятига эга бўлиш даражасида таъмин этилган бўлса, ибрат бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Ёзувчилар, айниқса, шоирлар одатда кўчманчиларга хос ҳаёт кечирадилар. Афсона, ривоятларда Хомер кўз олдимизда қўлида узун асо билан элма-эл, юртма-юрт кезиб юрадиган сайёр рапсод (*қадимги грекларда рапсодия (эпик асарлардан парча) лар айтиб юрувчи бахши – тарж.*) қиёфасида, Архилох – олтин изловчи ва жангчи, Алкей эса қувғин қилинган, озодлик учун толмас курашчи сифатида намоён бўлади, улар поэзиянинг энг қадимги давридаги кезиб, кўчиб юрувчиларнинг рўйхатини бошлаб

берган ва уларнинг сони асрдан асрга тобора ошиб борган. Дантенинг сафар ва саёхатлари, Мольер ва Шекспирнинг кўчманчилиги, Шеллининг сон-саноксиз борди-келдилари, Байроннинг қизгин ва жўшқин саёхатлари, Мицкевичнинг бир жойдан иккинчи жойга мудом кўчиб юришлари, Рембонинг Африкадаги саргузаштлари, — буларнинг барчаси ўзига хос ходисалар ҳисобланади. Давлат молия бошқармасида узоқ йиллар хизмат қилган биргина Альбер Саменга то мункиллаб қолгунга қадар бир манзилдан бошқа бир манзилга кўчиб юрган, охир-оқибат худди Верленга ўхшаб, тинч, сокин бошпана топа олмаган юзлаб шоирлар тўғри келади. Шоирнинг илҳоми бой-бадавлат патрон (ҳомий, ҳимоячи)нинг инжиқлик, қайсарликларига боғлиқ бўлган замонларда шоир албатта, эртага бошпанаси бўладими-йўқми, буни аниқ билолмас эди. Хаттоки моддий қарамликни ҳисобга олмаган тақдирдаям, шоирлар умрининг қандайдир бир қисми кечган дунёнинг турли бурчакларида ёдгорлик лавҳаларини осиб ташлаш учун ҳам барибир инжиқлик, терслик, ногаҳоний шиддат, хаяжонлар, саргузашт ва янгиликларга ташналик етарли эди.

Ёзувчининг олдида ҳамиша: кишлокми ёки шаҳар, деган савол кўндаланг турган ва у доимо очиқлигича қолиб келган. Ушбу масаланинг пайдо бўлиши Лондон, Нью Йорк, Париж каби замонавий гигант шаҳарларнинг тараққиёти билан боғлиқ эмас, балки кўча қатновининг доимий ўсиб бориши, моторлар шовқини, бензин хиди ва фабрикаларнинг мўрилари-дан чикаётган дуд, курумлар сабабли янаям долзарб тус олган бўлса эҳтимол. Нозик, сезгир асаблар учун шаҳар ҳамиша ноқулай жой бўлиб келган. Сершовқин ва дим Афинанинг, аҳолиси кўп, нотинч ва безовта Искандариянинг, салкам бир миллион киши яшайдиган Римнинг бизга мафтункор бўлиб

туйиладиган, аслида эса аҳолиси зич тор жойларга хос барча камчиликлар мавжуд бўлган, чунончи, ўз даврида бадбўй, қўланса, ифлос, ириб-чириб сасиган ўрта аср шаҳарларидан ҳеч қандай афзаллик томонлари йўқ. Улар бу дунёнинг фонийлигидан четлашган қалбларга жаннатнинг деворлар билан ўраб олинмаганини ва у ерда кўчалар ўрнига гуллаб ётган боғлар аро сўқмоқлар ўтганини эслатиб турган. Ижодий тафаккур ҳамиша Табиатга қараб интилган. Платон ўз Академиясини Академ дарахтзорида тузган. Эпикур Афинанинг бошқа бир чекка, хилват гўшасида ўз боғларига эга бўлган. Шахсий ижод тури бўйича кутубхоналар ва архивлар яқинида яшашга мажбур бўлган ёзувчилар шаҳар марказидан узокроқда туришга интилишган, хаёлот дунёси бой бўлган адиблар эса осойишта ва чекка жойларда кўним топишган.

Дунёнинг ўзлари танлаган қайси бир бурчаги бўлмасин, уни ўз номлари билан тарих саҳифаларига абадий муҳрлаган ижодкорлар қанчадан-қанча! Бугунги кунда шакл-шамойили ҳам ноаниқ бўлган Колона ҳақидаги эсдаликлар қатида Софокл кўланкаси яшаб келади, Тиволидаги Римга қарашли Тибур харобалари орасидан Ҳораций изларини қидириб топиш мумкин, Воклюз эманлари остида Петрарканинг Лаура ҳақидаги тушлари қолиб кетган, Сельвапьяна эса мункиллаган шоирнинг янги ижод манбаига макон бўлганидан фахрланади. Поляк адабиёти бўсағаларида Ян Кохановскийнинг қора ўрмон (*япроқли дарахтлар ўрмони*) аргувонлари хуш бўйлар таратиб турибди. Бошқаларга қараганда поляк адабиёти қишлоққа анча яқин бўлган. У бир неча асрлар давомида – Петр Скарга сингари хизмат юзасидан шаҳарга боғланиб қолган руҳонийлар ва сарой аъёнларини ҳисобга олмаганда, – шаҳарларнинг тошқўча-

ларига деярли қадам босмаган. Шаҳарликлар либоси кунтуш (*қадимги полякча ва украинча тўн*) ва *жупан* (*поляк ва украинларнинг уст кийими, чопон – тарж.*)лар орасида гоҳ-гоҳ кўзга чалиниб қоларди. Бу манзара XIX асрга келибгина ўзгара бошлайди, бироқ шунда ҳам поляк ёзувчиларининг ота-боболардан мерос – табиатга бўлган теран меҳр-муҳаббатига заррача путур етмайди. Шинам Закопаненинг, Каспровичининг «Харенда» уйчаси, Жеромскийнинг Наленчоводаги халупа – кулбаси ёки Константиндаги вилланинг улуғланиш боиси ҳам шундан. Қишлоқни Раҳмон яратган, шаҳарни эса Шайтон, деган экан Жеромский. Халқ тухфаси сифатида шаҳар ташқарисидаги ер майдони (томорқа) ёки Варшавадаги фиштин иморатни танлаш имконига эга бўлган Сенкевич Обленгорекни афзал кўрган. Толстой Ясная Полянани тарихга абадий муҳрлаган.

Ёзувчи одам ёшлигида асосан шаҳар жойда туришни маъқул кўради, чунки шаҳар унинг маънавий юксалиши учун қулайликлар туғдиради, ижодини тўхтовсиз рағбатлантириб боради, шухратпарастлигини қондиради. Шухратпарастлик эса кўплаб ёзувчиларга бутун умри мобайнида хамроҳлик қилади. Иззат-икром, хурмат-эҳтиромлар, имтиёзу мукофотларнинг қишлоқ жойларга-да етиб бориши қийин. Аммо шунинг эвазига одатда ёзувчи шон-шухратга ёки норасмий бўлса-да, ҳақиқий эътирофга эришгач, шаҳар билан хайрлашади. Мабодо шаҳарда қолган тақдирда ҳам, уни энди чорбоғлар қурила бошлаган шаҳар атрофларидан ёки одам кам қатнайдиган, пасқам, хилват жойлардан, боғ, хиёбонли мавзелардан излаш керак ва ёзувчини кўлида лейка билан гулзорлар атрофида айланиб юрган пайтида учратаман деб гаров ўйнаган одамнинг бахсда ютиб чиқиши турган гап. Кейинчалик машҳур бўлиб кетган

талантлар илк сахнага чиқадиган ёки ўз даври билан чиқишолмай қолган даҳолар шухрати сўнадиган болохона, бир томондан олганда, иккинчи томондан олганда эса – кўм-кўк дов-дарахтларга кўмилган шахсий уйча – ёзувчининг хаёти кўпинча мана шу икки кутб орасида кечади.

Албатта, шаҳарларга мутаассиб ишкибозлар ҳам учраб туради. Ундайларнинг бири сифатида шубҳасиз, Сукротни айтиб ўтиш мумкин, у, агар зарурат бўлмаса, ҳеч қачон Афинани тарк этмаган. Унинг Кефис соҳилида Федро билан қилган суҳбати шунчалик одатдан ташқари воқеа бўлганки, Платон унга ўз асаридаги диалогнинг энг гўзал саҳифаларини бағишлашни ўзининг бурчи деб билган. Агар афсонага ишонадиган бўлсак, Кант ҳам юқоридаги тоифага мансуб бўлиши мумкин, чунки у Кёнигсбергда ярим аср яшаб, бу шаҳар денгиз бўйида жойлашганини бирон марта ҳам ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилмаган экан. Искандариялик баъзи бир шоирларни шаҳардан ташқарида тасаввур қилиш қийин, Вийон ёки Верленга руҳан яқин бўлганлар ҳам шулар жумласидандир. Леон-Поль Фарг оёқлари остида Париж тошқўчаларини ҳис қилмасдан яшай олмагани боис «*pieton de Paris*» – «парижлик пиёда» деган лақабни орттириб олган экан. Яшил ранг менга ярашмайди, дея ҳазиллашаркан у. Таверна (майхона), бистро, қаҳвахоналар шаҳар богемаси (*адиблар, артистлар, рассомлар ва ҳ. к. зиёлилар – тарж.*)га мансуб кўплаб авлодлар учун бошпана вазифасини ўтаган. Эски торқўчалар ва тарихий биноларга кўнгил қўйган ёзувчилар ўрмон ва далаларнинг кенг ҳавосидан нафас олишга қийналишади. Улар дов-дарахтлар ва гулларнинг гўзаллигини ҳис қилишмайди, гўзалликни фақат колонна (устун)лар ва карнизларда кўришади, холос. Барча даврларга хос бўлган

сарой аъёнлари ва асилзода, зодагонлар, денди (энг сўнгги молада кийинган олифга, пўрим), сноб (қуруқ олифгасатанг), декадент (декадентлик (адабиёт ва санъатда XIX аср охирида ва XX аср бошларида пайдо бўлган, ясама ва бемаъни гўзалликни, «санъат – санъат учун» деган сохта назарияни тарғиб қилган жараён) окимига тарафдор – тарж.)лар ҳам шаҳарга худди шу тарзда боғланиб қолишган. Аммо уларнинг орасида муртадлар ҳам учраб туради: қирқ, эллик ёшдан сўнг улар, қандай либос кийиб, ҳар қанча ясан-тусан қилишмасин, бўшлиқ ҳамиша бўшлиқ бўлиб қолиши ҳақидаги азалий ҳақиқатнинг аччиқ мевасини татиб кўрадилар. Ҳа, айтгандай, ҳаттоки энг бебош, бузук, ахлоксиз, шалоқ, қутурган зўравон, ўзбошимча муштумзўрлар ҳам охир-оқибат бир варақ қоғоз устида босилиб қолишаркан.

«Менга ҳикоя қилишларича, – дея таъкидлайди Конрад ўз хотираларида, – баъзи бир ёзувчилар вагонда ва ҳаттоки ич кийим, қўйлак-ништон илинадиган арғамчи, чилвир устида оёқларини чалиштириб ўтирган ҳолда ҳам ёзавераркан. Ўзимга келсак, шуни очик айтишим керакки, менинг ялло қилиб юришим қачонки ҳеч бўлмаганда стулга ўхшаш бир нима муҳайё бўлгандагина ёзишга имкон беради».

Ушбу ҳазиломуз иқрорни ҳам кема каютасида бошланган ёзувчи ижодий йўлининг ибтидосига, ҳам таркидунёчиликдан узоқ бўлган энг сўнгги йилларнинг талабларига бирдек тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин. Тўғри, дуч келган жойда: ошхона столи атрофида, диван устида, гамак (осма тўр беланчак – тарж.)да ҳам бемалол ишлай оладиган ёзувчилар учраб туради. Уларнинг баъзилари атрофдаги ҳар қандай муҳитдан «ажрала олиш» қобилиятига эга бўлиб, шовкин-сурон, югур-югур, кий-чув ичида – казармалар, идоралар, вокзал, тахририятларда

хам ёзишнинг уддасидан чиқа олишади. Готье «Капитан Фракасс»нинг бир неча бобларини босмахонада, тарақа-гуруқ ишлаётган машиналарни тўсиб турган юпкагина девор ортида ўтириб қоғозга туширган экан. Қахвахона кўплаб шоирларнинг кофияларига ҳеч қандай ҳалақит бермаган. Бернанос қахвахонадаги кўповозли говур-ғувурни ўзининг фикрлар тўлкини билан боса олган. Бир одамдан эшитгандим, Закопанедаги қандолатчи ҳузурига кирган киши Сенкевичнинг у ердаги мўъжазгина столча атрофида ўтирган кўйи Кмицид саргузаштларини қоғозга ёзиб-чизиб ўтирганига гувоҳ бўлиши мумкин бўлган экан.

Бироқ буларнинг барчаси камдан-кам учрайдиган ёки фавкулотда ходисалардир. Ёзувчи ўз табиатига кўра асли кабинетда ўтириб ишлайдиган одам. Унинг, майли, чордоқда бўлсин, қаптархонадай бўлса ҳам, тўрт девордан иборат, деразали ўз уйи бўлиши лозим, унга яна стол ва стул ҳам керак. Лекин шунда ҳам ёзувчи ҳақиқий зоҳид бўлмаса агар, буларга қаноат қилиши қийин. Фикримча, Диоген ҳам ўз бочкасини папирусга сўз ёзиш учун эмас, балки фалсафий фикр-мулоҳазалар учун тавсия қилган экан.

Ёзувчининг иш жойи ҳақидаги масала, агар бу муаммо билан аёл киши – машҳур инглиз адибаси Виржиния Вулф астойдил шуғулланмаганида эди, уни таърифлашдан ташқарига чиқмаган бўларди. Унинг маърузалардан тузилган «A room of one's own» – «Шахсий хона» деб номланган мўъжазгина китобчаси бир қарашда унчалик муҳим бўлмаган ушбу масаланинг ўта жиддий муҳокамасига бағишланган. Асрлар мобайнида адабиёт оламига кириб келган баъзи аёллар тўғрисида тўхталар экан, муаллиф бу йўлда уларга тўсқинлик қилган урф-одатлар ва бидъатларни кўрсатиб ўтади. Аёл киши ёзувчилик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида ўз шахсий

хонасига эга бўлиш учун мустақилликнинг шундай бир даражасига камдан-кам ҳолларда – ва, одатдагидек, яхши номини йўқотиш эвазига – эриша олар эди. Бошқача қилиб айтганда, ана шу меҳнат атрофдагилар томонидан тан олиниб, эътироф этилиши ёки ҳеч бўлмаганда унга қўниб, мураса қилишлари учун: «Шекспир заковатига эга бўлган аёл XVI асрда таъқиб остига олиниб, қувғин қилинган, ўзини-ўзи ўлдирган ёки одамлар кўзидан йироқда, чекка, хилват қишлоқдами, қаердадир жодугар хотиндай ўз ҳаётига чек қўйган бўлар эди».

XIX асрдагина аёл адабий ҳаётга чинакамига кириб келди ва ҳозирги кунда табиий ва зарур бўлган қулайликларни талаб қилишга журъат этди. Илгарилари эса, ёзиш-чизишга ботинган тақдирда ҳам, худди Жейн Остенга ўхшаб, ота-онасининг уйдаги меҳмонхонада ўтирган қўйи уйга бирорта бегона одам кириб келгудек бўлса, уялиб, ийманиб қўлёмани дарров бекитиб, яширишга мажбур эди. Ҳа, унинг зорланганича ҳам бор: «Эркаклар ёзиш имтиёзига бундан бир неча минг йиллар муқаддам эришган ва фақат ибтидоий жамоа тузумидагина шоирнинг ўз фикру ҳаёлларини бир ерга жамлаб олиш имкониятига эга бўлмоқ учун унга хилват, кўздан йироқ бошпана зарур эканини исботлаб беришига тўғри келган бўлур эди».

Тор ва қоронғи каталак кулбачаларда, бадном чордоқларда қўплаб асарлар ёзилган ва уларнинг орасида йирик, салмоқчилари ҳам учраб туради. Ундай жойларда қанчадан-қанча ажойиб ақл соҳибларининг ижоди гуллаб-яшнаган ёки инқирозга юз тутган. Айрим ёзувчилар эса ўз ташвишлари билан андармон бўлган одамлар ичида, шовкин-суронга тўла, тикилинч, тирбанд умумий хоналарда ёзиш учун қулай фурсат пойлаб, ижод қилишга мажбур бўлишган. Ана

шундай ноқулай шарт-шароитлар асарларга ҳам албатта ўз таъсирини кўрсатган, баъзан хатто композиция, услубга қараб туриб, муаллиф ўз асарини қаерда ёзган – кенг, ёруғ хонадами ёки тор, дим, ҳавоси бўғиқ жойдами, буни бемалол хис қилиш мумкин.

Гарчи бу ўринда катта хилма-хилликка дуч келинса-да, барибир ёзувчиларни икки асосий тоифага ажратиш мумкин бўлади. Биринчи тоифадаги ёзувчилар учун ёзиш – завқ-шавқ, ҳавас, одат, ҳаётий зарурият бўлиб, бу иш билан улар тизимли тарзда, кун ва туннинг маълум бир соатларида машул бўладилар. Бундай ёзувчилар – Апеллес принципнинг мухлислари, – *nulla dies sine linea* – бирон сатр ёзилмайдиган кун йўқ – қондасига амал қиладилар (ушбу ҳикматли сўз Золянинг иш кабинетига камин тепасига ўйиб ёзиб қўйилган экан). Антони Троллоп ҳар кун учун ўзига ўзи маълум миқдорда сўз ёзишни белгилаб олган ва бу ишни ўттиз йил фаолият кўрсатган почта ходимига хос бўлган соф виждон билан бажарар экан. Метерлинк кунига айнан бир вақтнинг ўзида ёзув столига ўтирар ва ҳаттоки бирон жумла ёзолмаган тақдирда ҳам, тушгача ўрнидан турмаскан. Бундай тоифадаги ёзувчилар қулай иш жойи ҳақида қайғуришларига тўғри келади.

Иккинчи тоифадаги ёзувчиларнинг ижодий ўй-хаёллари пастга ўқдек отилиб, уларни қизғин ва жўшқин истак ижод қилишга мажбур этади. Бундай ёзувчилар ишлаш учун жой танлаб ўтиришмайди, балки дуч келган жойда, ҳаттоки боғдаги ўриндикнинг суянчиғи устида ҳам ёзиб кетаверадилар. Афсуски, бундай ажойиб, саҳий қалбли инсонлар ниҳоятда кам учрайди!

Ёзувчининг иш кабинети унинг диди ва қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда қулай бўлиши лозим. Бу ўринда моддий масала унча муҳим роль ўй-

намайди. Мухтожликка чидаш мумкин, қолаверса, эҳтиёткорлик, тежамкорлик, иштиёқ ва қайсарлик туфайли иш кабинетни саройга айлантириб юборса бўлади. Агар Толстойга ўхшаб бой бўлсангиз, ўз ишхонангизни бошқача қилиб, оддийгина жиҳозлашингиз ҳам мумкин. Ҳа, айтгандай, ёзувчилар майда-чуйда безакларни унчалик ҳам ёктиришавермайди. Уйини нақ музейга айлантирворган Гёте ишлаган пайтда диққати бўлинмаслиги учун ўзига кулбага ўхшаш оддийгина хона ажратволган экан. Башарти ёзувчида иштиёқ, ишқибозлик бўлса, бошқа масала. Хонамнинг деворларини ўзим гул солиб безатганман, дейди Норвид Нью-Йоркдаги ўз турар жойи ҳақида хикоя қиларкан. – Гризайль услубидаги барельеф (текис юзага бўрттириб ишланган ясси ҳайкалсимон нақш – тарж.)ларда қадимги ва янги дунё тарихига оид турли хил сахналар тасвирланган. Бунга яна антик даврда яшаб ўтган буюк кишиларнинг медалъонларини ҳам қўшиб, уларни худди дўстларим ва танишларимга ўхшатиб қўйганман, масалан, Август Цешковский Сукрот, яна бир ошнам – Платон, учинчиси – Искандар Зулқарнайн, аёл танишим эса Сафо қиёфасида акс эттирилган».

Агар зарурат ва ундан келиб чиқадиган чекловлар бўлмаса, ёзувчи ўз ишхонасидаги жиҳозлар, хонанинг ёритилиши, деворларнинг ранги ва хоказолар орқали ўз таъб-дидини намоён қилади, шунингдек, деразалардан кўриниб турадиган манзараларни ҳам эътибордан соқит қилмайди. Монтеннинг «Essais» – «Тажрибалар»и қоғозга тушган минора унинг ўзи билан ўзи суҳбат қуриши учун нақадар мос бўлганини билсангиз эди! Гернейсидаги уммон узра нур тартган ўша ойнавон чироқ – «Radeau de la Meduse» – «Медуза соли»дан кўра яхшироқ иш кабинетини Виктор Гюго тасаввур қилолганмиди? Пюпитр ор-

тидаги алвон мато узра хиёл энгашган кўйи уммоннинг чексиз кенгликларини кузатган «Денгиз захматкашлари»нинг муаллифи уммон бўйлаб сузиб бораётган кўплаб кемалар учун баайни сигналчи сифатида хизмат қилган бўлса ҳам ажабмас. У ерда у «Асрлар афсонаси», «Кулаётган одам», «Ўрмон ва кўча кўшиқлари» каби асарлари билан бирга денгизчилар ҳақидаги эпопеяни ҳам ёзган, унинг ҳар бир жумласи тузга тўйинган денгиз шамолининг нафаси билан йўғрилган эди.

Оромкурсиларнинг маълум бир шакли Вальтер номи билан юритиларди. Улар шунчалик кенг, қулай ва шинам эдики, тез орада кампирларнинг севимли жиҳозига айланди, чунки ўтириб тўқиш, тасбех ўгириш ва мизғиб олишга ҳам ўнғай эди. Вальтер хатто ўринда ётиб ҳам столда ўтириб ёзадиган бошқа ўнлаб ёзувчиларга қараганда кўпроқ ғайрат билан ишлай олар, шунинг учун бунақанги оромкурсилардан жон деб фойдаланарди.

Бироқ ёзувчилар бу борада Вальтердан камроқ ўрнат олишар, улар одамни эринчоклик тутадиган бундай ўта қулай ва шинам оромкурсилардан воз кечишни афзал кўришарди. Фавқулодда меҳнат қобилиятига эга бўлган Каспрович менга бир вақтлар ўзининг бесўнақай Закопане курсиларини фахр билан кўрсатиб, уларни кўкларга кўтариб мақтаган эди. Аслида ҳам муваффақиятли ижод учун энг кам миқдордаги қулайлик кифоя қилади, чоғи. Вилье де Лиль-Аданнинг жиҳозлари кимошди савдосида сотилиб кетгач, бечора пол устида ёзишга мажбур бўлган экан. Бу шоирнинг ўзига хос қаҳрамонлигидан далолат берса-да, аммо унга тақлид қилишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Баъзида кабинетдаги вазият бутунлай тасодифий бўлиши, одатда унинг тузилиши ҳақида ёзувчининг

таржимаи ҳолидан айрим парчалар орқалигина билиб олиш мумкин. Ҳар бири бунга ўз меҳнати, ўзи яшаб, ижод қилган ёки қилаётган оламдан ниманидир қўшади. Буклама елпиғич ва нафис тўқилган тўр қандайдир аёл шарпасининг излари бўлса, пальма тропик пейзаж ўрнини босади, деҳқонча уст-бошдаги хайкалча эса хона соҳибининг фикри-зикри олис қишлоққа қаратилганидан дарак беради. Айниқса, тарихий мавзу устида ишлаётган ёзувчининг столи устида ҳар хил буюм, нарсалар уюлиб ётади. Ёзувчи уларнинг ўз кўз олдида бўлишини, уларга қўл теккизиб кўришни истайди, чунки улар ўзи тасвирлаётган даврнинг излари бўлиб, шакл-шамойиллари, чизик ва нақшлари уни ўша давр билан яқиндан алоқага, мулоқотга чорлайди, улардан нафис, билинар-билимас ва айни чоқда енгиб бўлмайдиган жозиба уфуриб туради. Франс ўзининг «Жанна д'Арк» номли асарини ёзган пайтда ўрта аср буюмларига кўмилиб олган, ишни тугатгандан сўнг, кўнглига шунақанги урган эканки, ўзини бу эски-туски лаш-лушлардан халос қилишни дўстларидан ўтиниб сўраган экан. Бироқ ўзига мафтун қилувчи аёл назокати намоён бўлиб турган торс (*хайкалнинг бошсиз, оёқ-қўлсиз танаси – тарж.*) – қадимий мармар бўлагидан ҳеч қачон ажралишни истамасди, – чунки қадимги дунё олдида қандай бўлса, аёл зотига ҳам худди шундай таъзим қилгувчи инсон учун бу мармар парчаси гўзал фетиш даражасига кўтарилган эди.

Гонкур япон санъатининг шайдоси эди, у нафақат кабинетига кириб борган, балки бутун уйда ҳам ҳукмронлик қиларди.

Ёзувчининг иш кабинетига буюм, ашёларга қараб, унинг айни пайтда нималар билан банд эканини бемалол пайқаб олиш мумкин. Метерлинк «Асаларилар ҳаёти»ни ёзаётганида асалариларни жалб этиш

учун ёзув столи устига асал солинган ликопча қўй-
волган экан. Ёзувчининг ижодхонаси, таъбир жоиз
бўлса, унинг интеллектуал қизиқишлари намоёиш
этиладиган кўрғазмага ўхшаб кетади. Гюисмандан
бирон саҳифа ҳам ўқимай туриб, кабинетига кирган
одам унинг услуби ва дунёкарашидан вокиф бўли-
ши мумкин эди. Сирти алвон мато билан сирилган,
ҳолландиялик усталар яратган гравюралар, суратлар,
хашамдор муқовали қадимги нодир китоблар, фил су-
ягидан ясалган ашёлар, бронза буюмлар, ўрта асрлар-
га оид кашта гуллар билан безатилган пиллани бир
тасаввур қилинг – муаллифнинг кўпйиллик ўй-хаёл-
лари маҳсули, «Тескари» деб номланган романидаги
асилзода Дез Эссент образи ана шундай пайдо бўлган
экан. Юнг ўзининг ғамгин «Тунлар»ини одамнинг
бош чаноғига суқилган шам ёруғида ёзган дейишади.

Стол ёки бюро (*баланд ёзув столи – тарж.*)
баъзан хийла махфийроқ сирларни ҳам ошкор ки-
либ қўяркан: бир карашдаёқ у ерда хосилдорлик
ҳукм сураятими ёки қурғоқчилик, буни билиб олиш
мумкин. Ўртаси очиб қўйилган китоб ёки саҳифа-
лар орасидаги пичокча, сиёҳи қуриб, қорайиб кетган
сиёҳдон, қоғозга санчилган перо, синган қалам –
буларнинг барчаси ёзувчи фаолиятининг самарасиз-
лигидан яққол далолатдир. Гоҳо мана шу саҳро бўй-
лаб кўтарилиб турадиган ва ўзидан кейин ёйилиб,
сочилиб ётган хилма-хил мавзулардаги китобчалар,
журналлар, янги газеталар, эски ён дафтарчалар,
блокнотларни қолдирадиган бўрон излари ҳам бизни
алдамайди. Бу боши-кети йўқ тартибсизлик – унумли
ишдан нишона эмас, балки беҳуда, самарсиз изла-
нишлар, ташвиш, хавотир, қоникмаслик, норозилик
аломатларидир. Ҳатто энг зўр расмиятчи, майдакаш
ҳам бунақа пайтларда тартиб-қоидага риоя қилолмай
қолиши турган гап.

Негаки, ёзувчиларнинг икки хил тури мавжуд: биринчиси тартиб сақлашга қодир, иккинчиси – қодир эмас. Ғалати тарафи шундаки – униси ҳам, буниси ҳам – тартибни бирдай яхши кўради. Энг паришонхотир ёзувчи ҳам унга интилади, уни орзу қилади. Бироқ ўз шахсий ёзув столини тартибга сололмаган одам канчалик уринмасин, бунга ҳеч қачон эриша олмайди. Гўёки бадбуруш, ёмон ниятли гном – ажина чалгандай, йиғиштирилганига атиги бир соат бўлар-бўлмас, стол усти қачон ва қандай қилиб яна даста-даста китоблар билан тўлиб қолаётганига ўзининг ҳам ақли етмайди. Бундайин ёзувчи эртами-кечми, ўзининг енгилганини тан олади ва ноилож мана шундай тартибсизликка кўникиб, ҳаётда унга худди ўзига таниш ўрмон чакалакзори каби мослашиб яшай бошлайди. Энди ундаги барча сўқмоқ ва сўқмоқчалар унинг ёлғиз ўзигагина маълум, бу чалкаш ва чигал манзарага дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

«Санъат, бу – тартибсизликдир», – бир шоирнинг уй хизматкори шундай деган экан. Аммо китоблар уюб ташланмаган стол кўпроқ шоирларда, оддий романнавислар, драматургларда учрайди, чунки улар файласуфлар ва тарихий роман муаллифларидан фарқли тарзда кўпроқ ўз шахсий тасаввурларига таяниб иш кўрадилар. Улар учун бир варақ оқ қоғоз кифоя, буларнинг қўлида эса бутун бир архив муҳайё бўлиши керак.

Албатта, бу – умумий қоида эмас. Баъзан лирик шеърларининг охириги бандига ҳозиргина нуқта қўйган шоирнинг ёзув столи у ерда гўё тарихий довул бўлиб ўтгандай таассурот қолдирса, айти пайтда ёзувчига урушлар ва сиёсий иғво, найранглар майдони сифатида хизмат қилган стол худди сокин, беозор фалсафий фикр ва мулоҳазалар сахнаси каби кўнгилдагидек ба-тартиб бўлади. Мен Жюль Роменнинг Тур яқинидаги

варварлар приёмник овозини пасайтиришни хаёлларига ҳам келтирмайди, оқибатда ёзувчилар асаби таранглашиб, дўзах азобини бошдан кечиришади: кимматли ижод дамлари бой берилади.

Адабиёт тарихида, шунингдек, ёзувчи қаламининг тасвирий санъат қуроллари билан ҳамкорлиги ҳам тилга олинади. Сўз муаллифга бўйсунмай қоладиган самарасиз пайтларда кўпинча мўйқалам, кўмир ёрдамга келиб, уни ҳасрат доғидан фориф этишда кўмакчи вазифасини ўтайди. Ҳамма ёғига ёзиб, чи-зиб ташланган юзлаб қўлёзмалар бадиий образлар ифодаси бўлмиш фикрнинг адашиб, тентирашлари ва саргардонликларидан ҳикоя қилади, улардаги турли хил расмлар, топографик режалар, силуэтлар қурилиш ҳавозалари янглиф фантазиянинг парвозидан далолат беради, гоҳо қандайдир гул ёки барг зум ўтмай, тугалланмаган жумлага истиора бўлиб қўшилиб, матнга сингиб кетади. Шоир халқи ҳаётининг маълум бир даврида қалам ёки мўйқаламдан қай бирини афзал кўришни билолмай, иккиланган пайтлар ҳам кўп бўлган. Масалан, Гёте ёки Ибсенни оладиган бўлсак, Ибсенни ўз хотини акварелчи рассомлик санъатидан воз кечишга кўндирган экан. Кейинчалик Ибсеннинг ўғли бу ҳақда шундай деган эди: *Онамнинг икки буюк хизмати бор, у норвегларни иккинчи даража рассомдан халос қилиб, уларга гениал драматургни берди.*

Шунга қарамадан, Жеромский, Норвид сингари кўнлаб ёзувчилар шон-шухрат учун эмас, балки рассомлик санъатини шеърятга тенг билиб, қўлларига мўйқалам олишган, Норвид бундан ташқари ҳайкалтарош ҳам бўлган. Ленартовичнинг ҳайкалтарошлик соҳасидаги асарларидан бири Калиш костёли (*поляк католиклари ибодатхонаси – тарж.*) да сақланмоқда.

Ёзувчининг иш кабинетида аслида китоблар бўлиши лозимга ўхшайди. Бирок бу мажбурий эмас. Не тонгки, китобдан ўзини эҳтиёт қиладиган ёзувчилар ҳам учраб туради. Булар – ё китобнинг душмани ёки уларни жуда яхши кўради. Марокли, кизиқарли деб аталадиган романлар ёки театр учун пьесалар ёзадиган қанчадан-қанча ўртамиёна ёзувчилар бор. Уларнинг асарлари ҳар қандай интеллектуал маданиятдан маҳрум бўлиб, «яхши чиққан» ҳисобланади. Бундай асарлардаги воқеалар аслида қандайдир қаҳвахона ёки қиморхоналарда бўлиб ўтади, лекин улар «бизнинг китобимиз ҳаётнинг ўзидан олинган» дея мақтанишгани-мақтанишган. Мазкур ёзувчилар китоб мутолаасини зерикарли иш деб ҳисоблашади, китоблар гўё уларнинг тасаввурини парвоз завқидан, фикр янгилигидан мосуво қилармиш.

Бирок яна шуниси ҳам борки, китобларни ҳаддан ортиқ севадиган ёзувчи ҳам ўз иш кабинетида китоб бўлишидан кўрқади. Унда беихтиёр васвасага берилиб, қаламни бир четга олиб қўйиш ва китоб муқовасига яшириниб олган гиёҳванд моддаларга қўл чўзиш қийин бўлмай қолади. Ўткир ақл соҳиблари, буюк инсонлар билан тез-тез мулоқот қилгинг келади, лекин уларни яқин атрофда учратиш осонмас. Анато́л Франс азбаройи зерикканидан бунинг иложини топган, иш кабинетининг шипидан то полига қадар айланиб оққан ин-октаво (нимчорак), ин-кварто (чорак) ва ин-фолио (ярим) оқинга шўнғиб кетган. Анча йиллардан буён Варшавада Реймонтнинг аёли эри ёзувчиликдан чалғиб кетмаслиги учун қўлидан китобни тортиб олиб кўяркан, деган гап юради. Албатта, у эрига нисбатан яхши иш қилмаган. Ахир, ёзувчининг ўз тафаккури заифлашиб, бошқа бировларнинг кучидан қувват олишга эҳтиёж сезган пайтда китоб нақадар қудратли рағбат ва мададга

айланишини у бечора қаёқданам билсин. Ёзувчиларнинг кутилмаган, ногаҳоний учрашувлардан гўзаллик кашф эта олишлари, бегона, ёт асарнинг ўқилган ҳар бир саҳифаси ўзлари эҳтимол, ҳеч қачон билиб ололмайдиган нарсаларни англашга кўмак бериши ҳеч кимга сир эмас.

Энг буюк сўз усталари бошқалардан келадиган бундай янгиликларни қадрлабгина қолмай, уларни нафақат ўзларига тенг, балки анча пастроқ ёзувчилардан ҳам ахтариб юришади. Изланаётган уйғунликка ҳамоҳанглик танлар экан, улар ўзларига руҳан яқин бўлган муаллифнинг китобига мурожаат қилиб, унга шунчалик шўнғиб кетишадики, буни мутолаа дейишгаям тил бормади, чунки улар ҳатто ўқилган биронта саҳифанинг мазмунини ҳам айтиб беришолмайди, ҳолбуки бундан атиги бир соат олдин худди ўша саҳифадаги сўзлар уларни жунбишга келтирган эди. Бошқа иайтларда эса руҳан мутлақо ёт асарларга ҳам мурожаат қилишадики, улардаги услуб, композиция, муаллиф дунёқараши буткул кўнгилини қолдиради, аммо бу фойдадан холи бўлмаскан, чунки бу хилдаги диссонанс (уйғунсизлик, ихтилоф) жўшқин, фаол зарбага сабаб бўлиб, мутолаа энди яккама-якка олишувга айланар, наинки ютуқ ва нуқсонлар «ялт» этиб кўзга ташланар, балки ёзувчи ана шу жангдан сўнг, энди янги куч-райрат билан ёзув столига ўтирар экан. Сомерсет Моэм ёзишдан олдин «Кандид»ни қайта ўқиб чиқаркан: Мутолаа чоғида гўё бошимни шон-шуҳрат, ўткир зехн ва нафосат души остига қўйгандай бўлардим, деган экан.

Кимки агар ўзи китоб ёзса, охир-оқибат унинг шинавандасига айланиши аниқ, ва бу мутлақо табиий. Ўзидан шахсий кутубхона мерос қолдирмайдиган ёзувчини топиб бўлмаса керак. Одатда бундай кутубхонанинг тақдири доимо аянчли бўлади. Агар

у васиятнома бўйича бирорта каттароқ китоб фонди ихтиёрига ўтмаса, уни бепарво, бепарқ ва очқўз меросхўрлар битталаб, ташиб битиришади. Қимматбаҳо ва эсдалик китоблар чордоқларда чанг босиб ётади, кимошди савдо залларида сотилиб, лоқайд кишилар қўлида йўқ бўлиб кетади. Сўнг адабиётшунослар уларни қийинчилик билан қўлга киритиб, остига чизиб қўйилган жумлаларни, хошияларига битилган қайдларни ўрганиб, тадқиқ қилиб, ёзувчи ижодининг номаълум, янги қирраларини кашф этадилар. 1374 йилда, Петрарка вафотидан сўнг, ундан мерос қолган Европадаги энг катта кутубхонанинг тақдири не кечгани маълум. Ўзаро урушлар ва ҳарбий юришлар чоғида кутубхона Италия ва Франциянинг турли-туман шаҳарлари бўйлаб саргардон кезаркан, уришқоқ қироллар қўлида улоқ бўлиб, қўлдан қўлга ўтиб юрган. Пьер де Нольяк улуғ инсонпарвар шоирнинг белги, ёзув ва қайдларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, кутубхонанинг пухта каталогини тузган. Худди шундай хайрли ишни ҳормас-толмас, омадли тадқиқотчи Биркенмайер ҳам амалга оширган. У Коперник кутубхонасига тегишли китоблардан ўқув материаллари сифатида фойдаланиш учун зарур бўлган тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиб, саналаригача аниқ тайин қилган. Сент-Бёв ҳақидаги монография муаллифи Боннеронинг хизмати таҳсинга сазовор: у Париж кутубхоналарининг архивларини титкилаб, Сент-Бёв буюртма берган барча китоблар рўйхатини аниқлашга ҳамда унинг иш тақвимини деярли кунма-кун аниқ тиклашга муваффақ бўлган.

Бироқ ёзувчининг ҳақиқий ишхонаси унинг ишлаб чиқариш қуролини қаерда бўлса, ўша ердадир, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

«Ишхона» сўзини фақат бугунги кунда бемалол ишлатса бўлади. Ўтган авлод вакиллари бу сўзни

эшитса, аччиги чикқан бўларди. Чунки ушбу сўз ақлий меҳнат эмас, қўл меҳнати вакиллари, хунар-мандлар ҳаёти билан ўзаро боғлиқ эди. Иккала соҳа эса олдиндан ўйлаб, тўкиб-бичилган янглиш, хато фикр, ақидалар, адоват, хусумат ва нафрат туфайли бир-биридан ажралиб қолган эди. Тарихнинг ҳар бир даврида тил жамиятдаги хис-туйғулар ва хурофий урф-одатларнинг ҳаққоний солномачиси саналади. Эндиликда «ишхона» тушунчаси олижаноб мақсадларни англатади. Фақат бир масала бор: индивидуал, муайян бир мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли бора-бора камгина нарсалар тайёрланаётган бир даврда қандай воқеалар содир бўлаётганикин. Умумий механизациялаш шароитида ёзувчилик ўз шахсий ишхонасига эга бўлишга эҳтиёж сезадиган камсонли олижаноб касб-хунарлар сирасига киради.

Бундай ишхонада фойдаланиладиган иш қуроллари наинки хизмат қиладиган мақсадига кўра, балки ўзининг узок поэтик тарихи туфайли ҳам диққат-этиборга сазовордир. Мазкур тарих истиоралар билан ранг-баранг қилиб безатилган. Уларнинг ичида энг чиройлиси, бу – «стиль» (услуг, усул) – шиор-сўз, чакириқ-сўз бўлиб, сўз санъаткорлари цехининг рамзи саналади. Унинг келиб чиқиши оддий ва камсуқум. Грекчада дастлаб «таёқ», «қозик», «устун» маъноларини англатган. Ҳозирга қадар бу сўз Опатовскда болтага нисбатан ҳам (соп, даста маъносида) ишлатилади, Польшанинг бошқа айрим жойларида уни «стильск» деб ҳам аташади. Рим қўшини «стилар», яъни учи ўткирланган қозиклар билан ўз лагери остоналарини химоя қилган. Кейинчалик ушбу сўз кесиш (йўниш) асбоби – кескич маъносида қўлланила бошлайди. Римликлар бундай асбобдан мумдан қилинган жадвалларга ёзиш учун фойдаланишган. Кескичлар ёғочдан, суюқдан ва металлдан тайёрланган.

Фашистлар томонидан йўқ қилиб юборилган тўп-ламимда Капридан топилган, суякдан ясалган шунақанги кескич бор эди. Катталиги жимжилокдай келади, ўзи ингичка ва силлик, бир учи тишкавланганга ўхшаб ўткир, иккинчи томони – пиния (*Ўрта ер денгизи мамлакатларида ўсадиган игнабаргли дарахт – тарж.*) сўтаси сингари тўмтоқ эди. У кимга қарашли бўлганмикин? Кўпинча бу ҳақда ўйлаб, хаёлга ботардим. Қари Тиберий атрофида гирдикапалак бўлиб, уни ўзларининг қуруқ билимдонлиги билан овутиб, хурсанд қилиб юрган расмиятчи, майдакаш олимлардан бирига ёки эҳтимол, бирорта сарой хонимига тегишли бўлмаганмикин? Кейинги тахминим ҳақиқатга яқинроқ бўлиб туйиларди: назаримда, мен бу хонимни худди кўраётгандай эдим, ана, олдига мум тахтачаларни ёйиб олган кўйи хаёлга чўмиб, менинг кескичимни лабларига яқин олиб бормоқда, у худди Геркуланумдаги фреска (сурат)да тасвирланган Сафога ҳам ўхшаб кетарди. Чинданам ҳақиқий Сафо айнан шундай кескичдан фойдаланган бўлиши мумкин, чунки у ўша даврда шоирларнинг сеvimли иш қуроли бўлган. Saepe stilum veritas – кескичинини тезроқ айлантир, Хорацийнинг ушбу қочиримли ибораси ҳар ҳолда бежиз айтилмаган кўринади.

Кескич ва ўткир учи сиёҳга ботириб ёзилган қовға (қамиш) бир замонлар адабиётнинг гуллаб-яшнашига баҳоликудрат хизмат қилган. Сўнгра фоз патларининг даври бошланиб, Капитолий паррандаси қайта шон-шуҳратга бурканган ва ўз омадини турна, оққуш, ўрдак, қорақарға, қирғийлар билан баҳам кўрган – шу тариқа патларининг енгиллиги, ўткирлиги ва рангига қараб, уларни бир-бири билан таққослаш ва танлаш имконияти юзага келган. Кимки агар ўз қўлида камалакни тутиб тургиси келса, товус пати билан ёзган. Кескични бизга фақат эски

истиораларгина эслатиб туради ва улар ҳали-бери йўқолиб кетмайди. Станислав Гераклиуш Любомирли шу ўринда баъзи бир парадоксга диққатни қаратади. Эндиликда, дейди у, ёзилган нарсалар ҳақида услуб эмас, қалам дейилса, тўғрироқ бўларди. Масалан, бу китоб яхши қалам билан битилган, дейиш мумкин, чунки ҳозир одамлар «услуб»дан воз кечиб, унинг ўрнига «қалам» сўзини қўлламоқдалар.

Любомирлининг тилаги амалга ошмади ва дунё ўша эски истиора билан қолди, фақат унинг ёнига янгиси келиб қўшилди. Қалами «ўткир» дейилганда қўл, пичоқча ва учкирланаётган чўп тасаввур килинадиган бўлди – менинг бувим ҳам бир пайтлар шундай қиларди, кейин янги ёзилган қоғоз устига ёзув столидаги чиройли қумдондан қум олиб сепиб чиқарди.

Норвид бундай деб ёзган экан:

Қалам! Мен учун сен бамисоли фариштанинг қанотисан...

Мазкур дабдабали мурожаат оддийгина ғоз патига тааллуқли эди. Ундан Норвид ҳам, Виктор Гюго («у шамолдай енгил ва яшиндек кучли») ҳам то умрларининг охирига қадар айрилишмаган. Бизнинг давримизга эса ғоз патини Анатол Франс олиб кирган: унинг Бешелларидаги ёзув столи уни 1924 йилнинг кузида қандай қолдирган бўлса, ҳануз шундайлигича сақланмоқда, стол устидаги ўткир ғоз патлари солинган қадах ҳам жойида турибди. Франс ҳеч қачон бошқача иш куролларидан фойдаланмаган. Қачонлардир тараққиёт рамзи бўлган пўлат перо ҳам эндиликда бизлар учун ортиқ яхши иш куроли бўлмай қолди. Энди ҳар бир киши ўзича олтин перога эга бўлишга ҳаракат қилади, илгарилари у, худди маршалнинг ҳассасига ўхшаб, адабиёт оламининг юксак мукофоти сифатида бериларди, холос.

Ёзувчилар ўз иш қуролларининг ўлчами, вазни ва шакл-шамойилига ҳеч қачон бефарқ бўлишмаган. Улардан мустаҳкамлик, майинлик, қулайлик талаб қилинади. Ёмон перо ижодий ғайратни совитиб, бутун иш кунига путур етказишга қодир. Марсель Швоб эса атайлаб яроқсиз пероларни йиғиб юрар, уларнинг «қайсарлиги» унга ижодий рағбат берарди. Петер Альтенберг бўлса, «Кун» фирмасининг 201 рақамли ҳаворанг пўлат пероларини шунақаям мақтаб, мадҳ этардики, эшитган одам фирма унга реклама (тижорат) учун пул тўласа керак, деб ўйларди.

Китоб босиш санъати ихтиро қилинганга қадар, муаллиф деярли ҳар доим тиришқоқ хаттот (хушхат одам) бўлган. Ҳозирги кунда Арнольд Беннет қўл-ёзмалари ёки Андре Сюареснинг ранг-баранг майда ҳарфлар билан ёзилган қўлёзмалари ёхуд Платон таржимони Владислав Витвицкийнинг фавқулудда чиройли қўлёзмалари нодир хазиналар ҳисобланади. Гоҳо ҳайратланарли нарсалар ҳам учраб туради: Сэмюэл Пипсга тегишли шифр ёки Леонардо да Винчи мактуби, бу мактубдаги ҳарфлар ағдариб ёзилганлиги сабабли уни фақат кўзгуда ўқиш мумкин. Ёзиш жараёнининг ўзи кўпчиликка лаззат бағишлаши сир эмас. Ҳарфларнинг ёзилиш шаклидаёқ ўзига хос гўзаллик яширинган. Бунини кўпгина ёзувчилар эътироф этишган, уларнинг кўпчилиги ўз асарларини бир неча марта қайтадан кўчириб чиқиб, қўлёзманинг тоза, бекамикўст бўлишига интилади, кўпроқ эски урфдаги ёзув қуролларини афзал кўради. Перони сиёҳга ботиришнинг ўзиёқ, дейди Декав, мукамаллик касб этади: у жуда тез ёзишга изн бермай, кўпгина бемаъни хатолардан сақлайди. Бернард Шоу эса бу ҳақда бошқача фикрда бўлиб, тафаккурда улгуриш учун кўпинча стенографияга мурожаат қилган.

Ёзув қуролларининг асрлар мобайнида ўзгариб бориши ижодий жараён психологиясига доир ўзгаришларни ҳам тақозо этган. Ким кескич билан ёзган, ким хитойлар сингари ингичкагина чўткачадан фойдаланган, миҳхат билан ёзган қадимги Бобил ёзувчиларини-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Албатта, уларнинг психологияси ўртасида катта фарқ мавжуд бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Музейларда улуғ одамлар томонидан узоқ йиллар давомида ишлатилган перо ва сиёҳдон каби ашёлар сақланади, уларнинг ҳаяжонга солувчи излари гоҳо ўз эгаларининг майл, ҳавас, иштиёқлари, хурофий урф-одатлари, бидъат, камчилик, нуқсонларини ҳам ёритиб беради. Гарчи кўп ёзувчилар фақат қаламдан фойдаланган бўлишса-да, негадир у кўринмайди. Худди шундай ёзув машинкаларини ҳам учратмайсиз, бунинг боиси балки уларнинг ёзувчилар ишхонасига қиёсан яқиндагина кириб келганида ва эҳтимол, ҳали бу ёзув анжомида биронта ҳам буюк асар яратилмаганида бўлса керак. Гарчанд ёзув машинкаси одатда қўлёзма нусхаларини тайёрлашга хизмат қилса-да, оригинал яратишда қалам ўрнига ундан фойдаланаётган ёзувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Пристли ёзув машинкасидан фойдаланаётганига қарийб ўттиз йилдан ошди ва унинг қатор афзалликлари борлигига амин бўлди. Ёзув машинкаси, дейди у, кишини маълум бир масофада тутиб туради ва ёзган нарсасига танқидий кўз билан қараш имконини беради. Майли, шундай бўлсин ҳам дейлик, лекин машина энг аввало, шубҳа-гумонлардан ҳоли бўлган, сермахсул графومانларга аъло даражада хизмат қилишини унутмаслик лозим. Ана шундайлардан бири, адиба Тайлор Колдуэлл китобларни наридан-бери, юмалоқ-ясси қилиб ёзиб ташлашда катта муваффақиятларга эришган. У чин кўнгилдан иқроп бўлиб,

шундай дейди: «Мен машинкада профессионал тезликда ёза оламан. Узоқ ўйлаб ўтирмай, жуда тез ёзаман. Агар бўш вақтим етарли бўлса, хийла семиз романни ёзиб ташлаш учун менга атиги икки ой кифоя қилади».

Буни янада яққолроқ тасаввур қилишингиз учун кўшимча сифатида шуни айтмоқчиманки, бу хоним на Францияни, на Европани кўрмай, билмай туриб, Ришелье замонидан роман ёзган. Уларни кўриб нияям қилдим, дейди у тасдиқ маъносида, Буффалода ажойиб кутубхоналар тикилиб ётган бўлса...

Ёзувчини иш устида тасаввур қиларкан, ҳеч ким қайчини бирров эсга олмаса керак, ҳойнаҳой. Аммо Краковдаги Мукаддас троица черковига ўрнатилган Қаллимах макбарасининг муаллифи буни эсдан чиқармаган экан. Қайчини ҳозирга қадар ҳам деярли барча ёзувчиларнинг иш столида учратиш мумкин. Улар одатда кўпинча қўлёзма мутолаасининг яқунловчи босқичида, баъзан мусаххихлик ўқиладиган пайтда пайдо бўлиб қолади. Шунда саҳифалар кесилиб, матн бўлаклари бир жойдан бошқасига қўчирилади, баъзан шундай ҳам бўладики, бир бобнинг охири унинг бош қисмига келиб тушади. Шу тарика қайчи ва елим ёрдамида енгил ўқилиши ва табиийлиги билан ўқувчини ўзига ром қиладиган кизиқарли сюжет вужудга келади.

Қоғоз – жуда жиддий масала. У адабиёт оламига кеч, ўрта асрларнинг охиридагина кириб келди ва инкилоб ясади. Аввалига қоғоз ўзининг ўтмишдоши – пергамент билан жангга киришиб, уни арзончилик билан таслим қилди. Ҳайвонлар терисидан тайёрланадиган пергаментнинг баҳоси қиммат, бунинг устига камчил эди, шу боис кўпинча палимпсест (*пергаментдаги ювиб ёки қириб тозаланган матн устидан ёзиладиган қўлёзма – тарж.*)дан фойдаланишга

тўғри келарди. Урушда тортиб олинган жойлардаги кўпинча беқиёс даражада қимматли бўлган ёт фикр-ни йўқ қилишдек ваҳшиёна одат қадимги дунё ҳалокатидан сўнг бошланган маданий кашшоқлашишнинг бир кўриниши эди.

Пергамент ёзувчи учун ҳозир унутилиб кетган кўпгина ташвишларни келтириб чиқарар эди. Уни текислаш, ғадир-будир жойларини йўқотиб, силлиқлаш ва бўр билан ишқалаб тозалаб чиқиш лозим бўларди. Аммо-лекин мана шу барча ишларни бажариб бўлгач, одам ҳузур қиларди! Пергаментни ўша даврдаги ҳатто ниҳоятда ғадир-будир қоғоз билан ҳам таққослаб бўлмасди. Пергаментга караганда арзон бўлган бу қоғоз барибир ҳам ҳозирги нархига караганда қиммат эди. Кохановский унинг ҳар бир варағига эски олтин пулда 25 грошдан ҳақ тўлаган экан. Бора-бора ёзувчиларнинг иш шароитлари ҳам ўзгарди. Пергамент замонида унинг олдида китоб очик ҳолда турар ва у ҳарфларни силлик, сирғанчик юзага ҳуснихат билан ёзар, жойни тежаш учун кўплаб шартли қисқартмалар қиларди. Ўрта асрларда эса қалин, ғадир-будир қоғоз урф бўлиб, унга қадалган ғоз пати ёзганда ғичирлаб кетарди.

Ёзувчиларнинг дид ва талабларини қондиришда қоғоз саноати қадимда папирус тайёрланган устахоналардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Эндиликда ёзувчи қоғоз танлашда инжиқлик қилиши ҳам мумкин. Катта-кичиклик, қалинлик (пишиқлик), силлиқлик ёки ғадир-будирлик, ялтироқлик – ёзувчининг индивидуал қизиқишлари қоғознинг асосан, ана шу сифатлари атрофида айланади. Агар ёзувчи қоғоз ҳажми ёки қалинлигини зарурат юзасидан эмас, балки ўз хоҳиши билан ўзгартирса, демак, унинг ўзи ҳам қандайдир даражада ўзгарган бўлади. Тажрибали одам қўлёзмага бир қарашдаёқ му-

аллифнниг ўзига хос рухий хусусиятлари, ижодий
усули, баъзида эса услубини ҳам билиб олишга
муваффақ бўлади. Тор, камбаргина саҳифалар узок
йиллар ишлаган газетачига хос бўлса, ҳикоячи (ро-
вий) нафис истиоралар ижод қиладиган шоирдан
фарқли ўларок, мўлжални кенг олади. Қайси бир
ёзувчи ўз «Кундаликлар»ида катак-катак қоғоз ёмон
таъсир қилиши, фикрларини чалкаштириб, рухий
мувозанатини издан чиқаришини таажжуб билан
қайд этган. Бу борада баъзан йўлдан оздирадиган
васвасалар ҳам учраб туради: кўшимча харажатлар
дафтарининг орқа томонига элегия ёки кирым-чиқим
дафтарига роман ёзгинг келиб қолади.

Қоғознинг ранг, туси ҳам эътибордан четда қол-
майди. Айрим ёзувчилар уни шунчалик ўзгартириб
туришадик, кўлёманинг ранг, тусига қараб, ижо-
дининг даврларини – худди йилнинг турли фасл-
ларидаги табиат манзаралари сингари пайқаб олиш
мумкин. Оқ қоғозда ўзига тортадиган қандайдир
фавқулудда бир нима бор. Бу гўёки очик, кенг йўл,
ундан номаълумлик сари илк қадам қўяётган киши-
да бир оз кўрқув пайдо бўлади: бамисоли қордек
оппоқ, покиза қоғоз бетини қора қилгинг келмайди.

Руссо ўз «Икрорнома»сида «Янги Элоиза»нинг
биринчи икки қисми тўғрисида шундай ҳикоя қила-
ди: «Уларни ёзиб бўлгач, киш мобайнида сўз ила
ифодалаб бўлмайдиган қувонч билан оққа кўчирдим,
бунда ниҳоятда чиройли заррин қоғоздан ва ёзил-
ганни қуритиш учун ложувард ҳамда кумушранг ку-
кундан фойдаланиб, дафтарни хаворанг тасмачалар
билан қўшиб тикдим».

Кекса Гёте «Мариенбад элегияси»даги шеърлар-
ни ўрта аср кўлёмаларига хос бўлган дабдабали
хуснихат билан кўчириб чиқиш учун уч кун вақт
сарфлаган. Мовий матодан жуда чиройли қилиб

муковаланган ушбу қўлёмани бугунги кунда Ваймардаги Гёте ва Шиллер архивида завқ билан томоша қилиш мумкин. Аммо Гёте ҳам худди Руссога ўхшаб, дастлаб ўз қўлёмасини ипак чилвир билан тикиб, сўнг кизил сахтиён теридан муковалаган. Ёзувчиларнинг ўз қўлёмалар тўпламини зийнатлаш учун худди олдиндан мўлжаллангандек, гоҳо зарҳалланган ҳошияли, чиройли муковаланган қўлёмалари ҳамон учраб туради.

Ҳар бир ёзувчини эҳтиёткор, узоқни кўра биладиган, тадбирли деб бўлмайди. Анато́л Франс ҳеч қачон қоғоз ғамлаб қўймас, қўлига нимаики тушса, ёзиб кетаверар эди. Гоҳида у қоғоз излаб, бутун уйни кавлаштириб кўрар, баъзан ошпаз аёлдан хиралик билан сўраб олар, эски хатлар, хатжилдлар, таклифномалар, ташрифномалар, ҳатто тўлов қоғозлари, патта, чипталарга ҳам ёзиб ташлайверарди. Бир куни аллақайси фирма унга тўлов ҳақида эслатиб, мурожаат қилади, Франс эса унга ҳеч қандай қарзи йўқлигини тушунтирмоқчи бўлиб, беҳуда уринадиди, холбуки у ўша фирмадан жиҳоз сотиб олган эди. Ўз дўстининг одатларини яхши билган мадам де Кайаве ёзувчининг Миллий кутубхонадаги қўлёмаларини кўздан кечириб, у ердан ҳисоб қоғозини топиб олади, маълум бўлишича, унинг орқа томонига романнинг бир парчаси ёзилган экан. Ёзувчининг у қадар кўркем бўлмаган қўлёмалари ҳозирги кунда маҳобатли черков китоблари каби баҳмал, духоба, теридан ва фил суягидан қилинган дабдабали, чиройли муковаларда сақланмоқда. Малларме қоғозни шоир учун бирдан-бир, ягона хом ашё деб ҳисобламас, шеърларини буклама елпигичлар, чиройли, бежирим конфет қутичаларига, чойнақлар, кўзгучалар, банкаларга, рўмолчаларга – мухлислари айтишганидек – «ҳаётнинг ўзига» ёзиб кетаверар эди.

Баъзан ёзув столининг чиройли ва қулай бўлиши ҳақида ўйлаб ўтиришга ҳожат қолмас экан. Масалан, Вилъе де Лиль-Аданнинг жиҳозлари мусодара қилинганда шундай вазият юзага келган ёки Тадеуш Риттнер бошқа жойга кўчган пайтда драманинг бир қисмини китоблар ўралган қоғозга қоралаган эди. Тутқунликда, қамоқда ёки қувғинда ҳатто бир умр эркалик қилиб юрган одам ҳам тақдир нимаики раво кўрса, шунга қаноат қилади. Оскар Уайльд «De profundis»ни турманинг қўпол ва дағал қоғози саҳифаларига ишониб топширган экан. Серошевский Сибирда илк китобини ўзи тайёрлаган сиёҳ ва перода газета парчаларига ёзган. Бенвенуто Челлини ўз ҳаётидаги ягона дostonни қамоқдалигида турма эшигидан кўчириб олинган пайраха ва фиштни майдалаб, тайёрланган сиёҳ билан ёзган экан.

Гарчи унчалик кўп бўлмаса-да, – хоҳ доимий ёки айрим пайтларда бўлсин, – бегона, ёт кишилар ёрдамига таянган ёзувчилар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Айтиб ёздириш усули аслида қадим замонлардан бери маълум: Цицерон бу ҳақда ўзининг мактубларида кўп марта эслатиб ўтган, Цезарь ҳам бировга айтиб ёздиришни маъқул кўрган. Баъзи бир кишилар касаллик ёки мажруҳлик сабабли, масалан, Мильтон кўзи ожизлиги, Конрад эса бод хасталиги туфайли шундай йўл тутишга мажбур бўлишган. Ўз кўзим билан кўрганман, Уэллс хонада у ёқдан бу ёққа юрган кўйи романдан бобни айтиб ёздирарди, у ўша вақтда шу роман устида ишлаётганди, котибанинг эпчил бармоқлари тугмачаларни мохирона босар, машинка овози жўрлигида турли таъриф-тавсифлар, диалоглар, психологик шарҳлар бирин-кетин қоғозда ўз ифодасини топарди. Каминага бундай усул хийла мушкул ва унчалик ҳам ишониб бўлмайдигандек туйилади,

зеро, Ян Снядецкий Коллонтай хақида шундай деган ва у мутлақо ҳақ эди: «Коллонтай услуби баъзи бир жойларда бирмунча чўзиқ, бунинг боиси шуки, у айтиб ёздиришга ўрганган. Бундай усулда фикр анча эркинлашиб, ёйилиб кетади, тасаввур эса ўйинга қўшилиб, шу аснода худди ўша фикр жиловланиб қолади».

Энг ёмони – ҳамма нарса жимжитликка ва диққатни бир жойга жамлашга, раҳмдил сеҳргар – ёлғизликка боғлиқ бўлиб турган пайтда, бошқа бир шахсинг малол келадиган даражада ҳозир бўлишидир. Ёлғизлик – мукамаллик доясидир. У «Илоҳий комедия»нинг терцина (*ҳар банди уч мисрадан қилиб ёзилган шеър – тарж.*)лари узра бедор бўлиб, бир кечада «Импровизация»ни дунёга келтирган. Ҳораций ўз шеърий бандларининг ажойиб сайқал топгани, Гёте эса – «Фауст»нинг иккинчи қисмидаги хаёлий шарпалар учун ундан – ёлғизликдан қарздордир. Ёлғизлик туфайли Флобер янги фаранг насрининг бир текисдаги маромини жон қулоғи билан тинглаган, Диккенснинг хонаси персонажларнинг умрбоқий оломони билан тўлиб-тошган. Хушбахт Августиннинг «Иқрорнома»си ёлғизлик чоғларидаги кўнгил изҳоридан бошқа нимаям бўлиши мумкин? Танҳоликда фикр қанот ёзади, унга етуклик бахш этади, унда сўз ўзининг гуллаган даврини бошдан кечиради. Агар ҳар қандай ёзувчининг шахсий ҳаётига назар солиб қаралса, ундан – қазноқдаги ранги ўчиб кетган эски-туски орасидаги бир ховуч дур солинган мўъжазгина қутича каби – албатта ёлғизлик тухфасини ҳам топиш мумкин. Ёлғизлик бўлмаса, даҳо куйиб кул бўлар, истеъдод эса заволга юз тутарди. Мицкевичнинг шу боис миннатдорчилик ила йўғрилган шеърий сатрлари қуйидагича жаранглайди:

*Ёлғизлик! Тирикликнинг қайноқ ҳароратидан
Югураман муздай, теран сувларинг томон.
Қандай лаззат, қандайин қувонч бу –
Тоза ва тиниқ оқимингга чўмамани!*

Ҳаётнинг сершовқин муҳиtida, югур-югур, чоп-чоплари ичида яратилиши мумкин бўлган ҳар та-рафлама мукамал асарни топиш амри маҳол. Хотин подшоҳ Венеранинг хизматига ўзини бағишлаган, жангу жадаллар суронига кўнгил кўйган мард ва олижаноб, буюк асилзода қаҳрамон Дон Жуан агар ҳақиқий ижодкор бўлганида, дарҳол ҳамма нарсдан воз кечиб, тўрт девор ичига қамалиб олган бўлар эди. Тацитнинг нотиклар тўғрисидаги диалогиди Апер бу ҳақда киноя оҳангида шундай дейди: Чиндан ҳам қимматли бир нима яратишни ният қилган шоир-лар дўстлар ҳузуридаги зиёфат, базмлардан, пойтахт ҳаётининг кўнгилхушликларидан, шунингдек, бошқа ҳар қандай ўйин-кулги ва ҳатто мажбуриятлардан ҳам воз кечиб, ўзлари айтгандай – ўрмон ва дарахт-зорлар, яъни ёлғизлик томон йўл олмоқлари лозим.

Ҳар ким ёлғизликни ўз майл, хавас ва имконият-ларига мос тарзда қидиради. Бальзак – тунги пайт, Вальтер Скотт – эрта тонгда, ҳали барча оила аъ-золари ухлаб ётган пайтда туриб, то нонуштага қа-дар ишларди. Кимки агар ўзига унчалик ишонмаса, одатдан ташқари воситаларни ишга солади. Масалан, Виктор Гюго сочлари ва соқолининг ярмисини олиб, қайчини деразадан пастга улоқтиради-да, икки ҳафта давомида уйига қамалволиб, ижод қилади. Ижодий ишнинг сиқуви остида бошқа барча яхши кўрган нар-салар, ишқибозликлар заифлашиб қолади. Тиришқоқ чавандоз отни, овчи – милтиқни унутади, трубадур (ўрта асрлардаги Франциянинг жануби (Прованс)да ашула айтиб юрувчи сайёр ҳофиз-шоир – тарж.)

эса махбубига эътибор бермай кўяди. Бутун олам кичкина, торгина хонага бекиниб олади, ёзувчи тун ярмида ишдан чарчаб, деразани очгандагина ўпкаси эркин, тоза хаводан бахраманд бўлади.

Тинчлик ва жимжитлик – ёзувчи учун унумли ишлашнинг энг муҳим икки шарт мана шу. Баъзилар бунинг учун Карлейлдек шафқатсизлик билан курашишга ҳам тайёр, у ўзининг ювош, беозор хотинини ҳафталаб гапирмай кийнаган экан. Квинтилиан эса ёзувчиларга ажойиб кишлок ҳаётдан воз кечишни тавсия қилган, унингча, ҳеч нарса дарахт шохларидаги шамол шовқини ҳамда қушлар хонишичалик одамнинг диққатини бўлолмас эмиш. У тунда, зичлаб ёпилган хонада, яккаю ягона мойчирик ёруғида, яна энг яхшиси, худди Демосфенга ўхшаб – ертўлада ишлашни маслаҳат берган. Шопенхауэр кўча шовқинлари хақидаги очеркни канчалик жаҳл билан ёзганини пайқаш қийин эмас. Касалманд Пруст ишлай олиши учун махсус шарт-шароитлар талаб қилинар, бой-бадавлат бўлганидан бунинг имкони бор эди. Иш кабинетининг деворлари пўкак тикинлар билан маҳкам бекитиб чиқилганига қарамасдан, у шовқин важдан кундузи ҳам ишлай олмасди. Баъзан Османн хиёбонидаги турар жойини тарк этиб, кўчага отланадиган бўлса, ёзиш учун жимжитлик ва қулайликни ҳар бир икир-чикиригача олдиндан пухта ўйлаб чиқар, қўшнилари шовқинидан қутулиш мақсадида меҳмонхонадаги бир нечта хоналарни ижарага оларди. Унга чин дилдан хавас қилмайдиган ёзувчи камдан-кам топилади.

Ўз асари узра энгашиб олган ёзувчи худди ойпараст одамга ўхшайди: агар пастдан қандайдир хайқирикни эшитиб қолса борми, кулаб тушиши турган гап. Ҳатто энг азиз кишиси томонидан энг нозик овозда айтилган бегона, ёт сўз ҳам унга яшин ур-

гандай таъсир қилади. Бирданига хаммаси барбод бўлиб, тўкилиб-сочилиб кетади ва шоирнинг хаёлот олаmidан култепадана бошқа ҳеч нима қолмайди. Ва буларнинг барчасини қайта тиклаш учун кўп вақт талаб қилинади, баъзан эса, узокдан бўй кўрсатиб турган, тегишли сўзлар ифодасида акс этишга тайёр поэтик образ ҳам бир умрга ғойиб бўлади. Ёзувчи дунёсига аралашининг ана шундай ачинарли оқибатлари (генералнинг кизи билан бўлган саргузашт) ҳақида Конрад ўз «Хотиралар»ида хикоя қилган.

Ижодий соатнинг астрономик соат билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, у ягона ва бетакрордир. Унинг чорак кисмини олиб ташлаб ёки бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. У – бахтли тасодиф, тақдир марҳамати, ниҳоятда қулай шарт-шароитлар тухфаси. Унга халақит берилса ёки путур етказилса, ҳеч қачон бошқа қайтиб келмайди. Эҳтимол, унинг ишини бошқа бир соат бажариши мумкиндир, лекин ушбу соат бизга нималар олиб келишидан қатъи назар, бой берилган соатда нималардан маҳрум бўлганимизни ҳеч қачон била олмаймиз. Ёзувчи ҳаётини тез-тез бузиб турадиган ногаҳоний шовкин-суронлар, ташрифлардан бири – «Дзядалар»даги айнан «Импровизация» туғилаётган пайтда рўй берганини тасаввур қилиб кўрсак. Мицкевич ана шундай зўр диққат, ижодий рухни эртасига ҳам топа оларди, деб ким ҳам айта олади? Ёзувчи ҳаётининг замирида йўқотилган лаҳзалар, сўнган образлар, бошланғич ҳолатидаёқ маҳв этилган фикр, ғояларнинг улкан қабристони пинҳон мужассамдир. Бунда асосан, муҳит, қолаверса, қисман ёзувчининг ўзи ҳам айбдор. Эътиборсизлиги, фаромушхотирлиги ёки сабрсизлиги сабабли ижодий завқ лаҳзасини бой бераркан, бунда унинг ўзи айбдор. Аммо соғлиқнинг яхши эмаслиги, обдан чарчаган асаблар, рухий тушқунлик ҳолатла-

ри келтириб чиқарадиган у ёки бу кўнгилсизликлар ёзувчига ташки – хира, шилқим, қўпол ва шафқатсиз дунё етказадиган зиён-заҳматлар билан ҳеч қандай тенглаша олмайди.

Ҳар бир, ҳатто энг ўртамиёна ёзувчи ҳам дарвешона феъл-атвор, хусусиятларга эга. Метерлинк умрининг энг самарали йилларини кўхна, овлоқ аббатлик (*католик монастырь ва унга қарашли мулк – тарж.*) – Сен-Вандрилда ўтказган, Юлиуш Словацкийга эса Бечесбан монастырида ўтган кунлари юксак рухий кўтаринкилик ва «Анхелли» достонини олиб келган эди. Агар роман ёки достонда роҳиб образи учраса, агар шеър монастырь деворларининг акс садоси каби янграса, муаллифнинг исм-шарифи бизни адаштирмасин: у ким бўлишидан қатъи назар, унинг ҳаёти ва дунёқараши қандай бўлмасин, буни ёзган дақиқаларда унинг ўзи ҳам роҳибга, унинг қалбига йўл топиб, унда кундалик турмушнинг ташвишлари ичра эришиш шу қадар қийин бўлган ботиний ҳаётга соғинч ҳиссини уйғота олган одамларнинг биродарига айланганига шак-шубҳа йўқ.

Индилликда бу сўз урфдан қолди. Мабодо бехосдан учраб қолгудай бўлса ҳам, ё истехзо оҳангидан ёки сийқаси чиққан ибора ёхуд қандайдир эски, тутуриқсиз истиоранинг механик тарздаги такроридан иборат бўлади, холос. Айниқса, соддадил одамлар ёзувчилик билан машғул бўладиган одамга кўзи тушиб қолса, бу сўздан фойдаланишни яхши кўрадилар ва ғалати зот – ёзувчи уйғотадиган безовталиқни билдирмаслик учун уни аччиқ киноя, пичинг ўрнида ишлатадилар. Илҳомга нисбатан муайян ожизликни ҳайкалтарошларда ҳам пайқаш мумкин: улар ёдгорликни шоир узра пориллаб учаётган ёки энгашиб унга ниманидир сирли шивирлаётган қанотли даҳолар билан безатиш васвасасидан ҳар доим ҳам қутула олмайдилар.

Илҳом бахтли даврларни ҳам бошидан кечирган ва улар асрлар оша давом этган. У сўз санъатининг илоҳий келиб чиқишига бўлган ишончни ифодаб, ўзига хос мифологиялар билан кенгайиб, бойиб борган. Грекларнинг луғатида рухий ҳолатнинг таърифлаб бўлмайдиган ифодаси сифатида васваса, савдойилик, ортиқ ишқибозлик, ақлсизлик, жиннилик каби сўзлар билан ёнма-ён келган, қолаверса, уни жазава ҳамда дастлабки маъносида «Худо билан тўлиб-тошган» одамнинг ҳолатини англатган «завқ-шавқ» билан чалкаштириб юборишган. У Дионис динининг улуғворлик ва дабдабалилик белгиси бўлган тўқ-қизил кийим узра порлаб турган ва унга бир вақтлар Фридрих Нитше ҳам махлиё бўл-

ган. Динларга боғлиқ ҳолда ҳомийларни алмаштириб келган илҳом нафақат соҳибкаромат шоирлар ва уларнинг илҳомбахш дохиёна миссияси ҳақидаги халқ тасаввурларида сақланиб қолган, балки унга ўз ижодларининг тадқиқотчилари сингари шоирларнинг ўзлари ҳам ишонишган.

Адабиёт тарихида стихияли, спонтан ёки бир сўз билан айтганда, илҳомбахш поэзия билан ҳушёр, сардикқат ва майда ишга асосланган, сунъий ва сохта деб аталадиган шеърятни фарқлаш учун қанчадан-қанча уринишлар бўлган, таъбир жоиз бўлса, кейингисидан тер хиди келади, деган гаплар ҳам бўлган экан.

Биринчисидан далалар ва ўрмонларнинг, бағрини чақмоқ тилиб ўтган момақалдиरोқли тунларнинг иси анқиса, иккинчисидан – намиқиб зах босган хонанинг нафасни бўғадиган хиди келаркан, холос. Илҳом аввало, романтизм даврида кенг қанот ёзган. Илгари у ҳақда ҳеч қачон бунчалик кўп гапиришмаган – назмда ҳам, насрда ҳам. Ўша даврда биронта адабий тадқиқот бўлмаганки, унинг ҳар бир саҳифасида ушбу сўз алоҳида тилга олинмаган бўлсин. У барча ҳат, ёзувларда ва эҳтимол, ҳаттоки энг оддий, қуруқ, аҳамиятсиз гап-сўзлар орасида ҳам бот-бот такрорлаб турилган. Агар романтик шоирни илҳомбахш қобилиятдан маҳрум дейишса, у ўзини ҳақоратланган деб ҳисоблаган. Словацкий ўз ижодининг мистицизм ҳукм сурган йилларида фаришталар айтиб туради, мен ёзаман, холос, деб очикдан-очик айтган экан. Худди шундай фикрни Сведенборг ҳам ўз мистик космографияси хусусида билдирган, Уильям Блейкнинг айтишича, у бор-йўғи «Парвардигори оламнинг котиби» экан, унга шеърларни айтиб туришар, у эса ёзиб оларкан, холос.

Бундай ҳаддан зиёд мақтовлар, ҳамду санолар кейинги даврларда илҳомни ҳалокат ёқасига олиб келди.

Флобер унга қарши курашди, реализм ва натурализм замонида илҳом устидан мазах қилиб кулишди, парнасликлар уни тилга олишмади, охир-оқибат унинг обрўси бутунлай тушиб кетди. Аммо қандайдир сўз ўз асрини яшаб, хизматини ўтаб бўлгандан кейин унинг мазмун-моҳиятидан ниманидир, масалан, арзимаган алмаштириш эвазига энг муҳим нарсани сақлаб қолиш мумкин экан. Таъбир жоиз бўлса, илҳом даврида яшаган ва ўзи ҳам унга дахлдор бўлган Фридрих Шиллер унга шундай чиройли таъриф берган: «кўнгилнинг кутилмаган ҳодисалари». Бошқа кўпгина поэтик иборалар каби, у аниқликда илмий атамалардан қолишмайди ва қисқа, ногаҳоний, чакмоқ каби чакнаб, асосий ғоя, қарор, феъл-атворга хос хусусиятлар ёки асар қахрамонлари ҳаётидаги воқеалар ривожини ифодалайдиган лаҳзаларни англатади. Кўнгилнинг бундайин кутилмаган ҳодисалари одатда қандайдир фавқулодда эмас, балки кўпроқ арзимас рағбатлар сабабли юзага келади. Гўё ёзувчи томон албатта улуғвор ёки мафтункор табиат турлари орасида пасайиб борадиган илҳом тўғрисидаги содда тасаввурларни қайсарликка қиёслаш мумкин, зеро, шундай қайсарлик туфайли мана, бир ярим асрдан бери рассомлар Наполеонни оқ от минган ҳолда тасвирлаб келадилар, холбуки, бу масаланинг уста билимдони Фредерик Массон император оқ отлардан ўзини олиб қочишини аллақачон исботлаб берган эди.

Ушбу оддий, арзимас рағбат ёзувчининг ўзига хос рухий хусусиятлари ва у намоён бўладиган шарт-шароитлардан куч йиғади. У кўпроқ эмоционал характерда бўлади. Қайғу, ғамдан тез қувонч, шодликка ўтиш ёки аксинча, сезги органларига таъсир этиш (ёруғлик, ранг, овоз, товуш, хид ва ҳоказо) бизни ўзига хос ҳаяжонга солади ва қаттиқ таъсирланиш,

экзальтация (кучли хаяжон), чукур кайғу, алам ёки каттиқ оғриқ, ички осойишталик ёки шод-хуррамлик пайтида фикримизнинг яшини, сир тутилган иш самараси онг сиртига чиқади. Қачонлардир – биз бунга сал-пал эътибор берганмиз – тафаккуримизга қандайдир кучсиз муртак ўрнашиб олиб, аста-секинлик билан етилиш даври бошланган, у дилимизда, миямизда сездирмай узоқ яшаб келган, бунда ҳатто ойлаб, йиллаб, ўзини ошкор қилмайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Ёзувчи минглаб муаммолар билан шуғулланади, сон-саноксиз, беҳисоб таассуротлар олади, бу орада эса рухий ҳаётининг англаб бўлмайдиган чалкашликлари ичра чукур яшириниб олган мана шу куртак сирли шира-шарбатлар билан озиқланиб, ўсиб боради.

Унинг қўнгил тубига одатдаги кундалик ҳамда юксак, олижаноб таассуротлар, аҳамиятсиз ва ажойиб, фавқулодда маълумотлар, узук-юлук суҳбатлар, ўқилган (китобдан) парчалар, юз-чехралар, кўзлар, қўллар, тушлар, орзулар, ўй-хаёллар, зўр завқ-шавк, хурсандчиликлар – ходисаларнинг битмас-туганмас мўл-кўллиги чукур сингиб кетади ва уларнинг ҳар бири ана шу хомилани озиқлантириб, унинг ўсишига ёрдам бера олади. Ва ниҳоят, ажойиб кунларнинг бирида, биз уни кутмаган ва ўзимизни ундан жуда олисда тургандек ҳис қилган пайтимизда у бирданига узоқ кутилган ва яшовчан образ қиёфасида намоян бўлади. Бизга номаълум кучлар таъсири остида танглик бошланиб, узоқ давом этган ғайриихтиёрий, шиддатига кўра кўпинча табиатнинг стихияли (инсон иродасига бўйсунмайдиган) кучлари ҳаракатига ўхшаб кетадиган, аини чоқда мужмал туйилган иш тўсатдан тўхтаб қолади. «Дунёнинг яратилиши»да оламнинг пайдо бўлишини ифодалаши керак бўлган куйни яратишга муваффақ бўлган Хайдн унинг гў-

заллигидан беихтиёр хайратга тушиб, «Бу мендан эмас, Худодан!» дея хитоб қилган экан.

Бу ерда ёзувчи билан файласуф, рассом билан олим ўртасида деярли ҳеч қандай фарқ йўқ. Шу ўринда Ньютоннинг олмаси тўғрисидаги сийқаси чиққан ҳикоя ўрнига яхшиси буюк математик Анри Пуанкаре ҳаётидан хийла ибратлироқ мисол келтириб ўтиш маъқулроқ деб ўйлайман. У кўплаб ойлар давомида маълум бир формулани беҳуда излаб, доим у ҳақда ўйланиб юради. Ахийри тополмагач, бошқа бир нарса билан машғул бўлиб, уни бутунлай унутиб юборади. Орадан анча муддат ўтгач, бир куни эрталаб гўё кўзга кўринмас пружина ирғитиб юборгандай, шошиб ўрнидан туради-да, шартта бо-риб, худди доскадан кўчириб олгандек, ўйлаб ҳам ўтирмасдан ўша формулани ёзади-қўяди. Шунга ўхшаб, ёзувчиларнинг ҳам миясига драма, роман, новеллалар ечими тўсатдан келиб қолади, асар қаҳрамонларининг характер ва тақдир-қисматлари лаҳзада ярқ этиб ойдинлашади, узоқ ва беҳуда изланган сатрлар ўз-ўзидан қуйилиб кела бошлайди. Мисол учун, Жан Мореас бир куни кўчадаги чироқ остида турган қўйи қўлидаги папирос қутигасининг устига қалтироқ бармоқлари билан алланималарни шоша-пиша ёзиб қўйган экан. Гёте «Абадий яхудий»га битган муқаддимасида ёзишича, бу сирли, жумбоққа тўла шахсни тараннум этиш ғояси бирданига миясига келиб қолиб, ярим кечаси худди жиннига ўхшаб, ўрнидан сакраб туриб кетганакан. Бундан кўриниб турибдики, шоир баллада оҳангини, кайфиятини шеър бўлиб қўйилмагунга қадар, йиллар мобайнида ўзи билан олиб юрган. Мазкур кечинма ҳақидаги ҳикоясини Гёте қуйидаги муқояса билан яқунлайди: Бизлар фақат гулханга тараша ташлаб, унинг қуруқ бўлишига тиришамиз, вақти-соати келганда эса, биз-

ни буткул хайрон қолдириб, гулхан ўзи лов этиб ёнади-кетади.

Бундай «кўнгилнинг кутилмаган ходисалари» куч ва давомийлиги жиҳатидан ҳам бир хил бўлмайди: улар бирор фикр ёки қандайдир образнинг жузъий бир бўлагини лахзалик ёритадиган қисқа чакнашлардан тортиб, жуда кўп нарсаларни ўзига қамраб оладиган буюк кашфиётларга қадар етиб боради. Охириги ҳолатда ғайришуурийликнинг каттагина қисми юзага чиқади, натижада тектоник офатлар сингари улкан ва бекиёс кучлар ларзага келади, уммон қаъридан ороллар пайдо бўлиб, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонлар учун янги маконга айланади. Рапаллога бораётганида Нитше ўз онгида пайдо бўлган Зардушт образидан ҳайратга тушиб, бу ҳақда шундай деб ёзган: Вахий бошланди, бу демак, одам ўз кўз олдида батафсил ва мислсиз ишонч билан ниманидир кўради, у кўнглининг туб-тубигача етиб бориб, қалбини ағдар-тўнтар қилиб юборади. Фикр худди чакмоқдек чакнайди, инсон завқ-шавққа тўлиб, ўзини бутунлай йўқотиб қўяди. Ҳаммаси унинг хохишига қарамай содир бўлади, шунда уни буткул эркинлик туйғуси чулғаб олади.

Қалбни кутилмаганда бундай шиддатли ғалаён қамраб олиши одамни ҳатто жисмоний ҳолдан тойдиришгача ҳам олиб бориши мумкин, масалан, Мицкевич буюк «Импровизация»дан сўнг ҳушидан кетган. Декарт 1619 йил 10 ноябрь куни худди шундай ҳолатни бошидан кечирган. У бу кунни ўзининг таваллуд санасидан кам аҳамиятга эга деб ҳисобламаган. Чунки худди шу куни унинг ажойиб ғояси ўз кўз ўнгида ҳайратланарли даражада намоён бўлган. Ушбу лахзадан олдин бутун диққати бир ерга жам бўлиб, чуқур ботиний сукунат ҳукм сурган, сўнг эса кучли хаяжон бошланган. Унинг биографи Байе

шундай ёзади: «У шу қадар ҳолдан тойгандики, мия яллиғланишига сал қолган, ақли эса жойида, вужудидан ғайрат-шижоат ёғилар, гўё тушдагидек, кўзига шарпалар кўринарди».

Декарт ниҳоят, тиз чўқади, Исонинг онаси (*нассронийларда: Биби Марям, тарж.*) ҳаққи-ҳурмати муқаддас жойларни зиёрат қилишни ният қилиб, ўзининг тафаккур мевасини унинг паноҳига топширади. Кимсан Поль Валеридай илҳом душмани мутлақо кутилмаганда Генуяда унутилмас тунни бошидан кечиради ва бу воқеа унинг келгуси маънавий ҳаётини олдиндан ҳал қилиб қўяди.

Мицкевичнинг таржимаи ҳолида импровизациялар билан боғлиқ ажойиб далиллар бор: унинг юз тузилиши ўзгариб, ранги оқариб кетар, тингловчиларнинг бутун диққат-эътиборини сеҳрли бир тарзда жалб этган ҳолда, зўр бериб шеърлар ўқирди. Бунда унга флейтанинг нафис овози ёрдам берарди: флейта гўё унинг поэзияси оҳангини созлар эди. Шунга ўхшаш ҳодисаларни бошқа шоирларнинг ҳаётида ҳам учратиш мумкин, одамни зериктирадиган медиклар эса аксарият ҳолларда ҳеч қандай асоссиз равишда бунга тутқаноқ аломати деб қарашган.

Импровизация ўзига хос қобилият саналиб, шоирларни мудом ўзига жалб этиб келган ва дунёвий эрмак ҳамда хазил даражасига тушиб қолмагунга қадар, жиддий қабул қилиб келинган, буни кекса Деотима мисолида ҳам кўриш мумкин.

Диққатга молик ҳолат: юксак импровизация билан эрмак импровизация ўртасида яқин ўхшашлик мавжуд – уларни бир-бирига зарурият омили боғлаб туради. Зарурат юзасидан илҳомланиш нотикларга қадим замонлардан бошлаб маълум бўлган. Уларнинг хулқи, феъл-атвори ҳақидаги таъриф-тавсифларга қараб, импровизациячи шоирларга хос бўлган айнан

ўша белгиларни кузатиш мумкин. Чунки икковиям – нотик ва шоир ҳам – улкан оломон қаршисида кўплаб нигоҳлар билан юзма-юз бўлиб, ўзлари ёқасида турган жарлик билан курашади. Илк бора айтилган сўзлар уларни худди Икарнинг қанотларига ўхшаб, хатарли юксакликка олиб чиқади: уни қўлдан бой бермаслик эса фақат руҳий куч-қувват ёки тажриба, малака ва маҳоратга боғлиқ.

Вақт билан ҳисоблашиш зарур бўлмаган, асар муаллифнинг ўзига қандай маъқул бўлса, шундай пишиб етилиши мумкин бўлган даврларда илҳомнинг бундай тури ёзувчиларга маълум бўлмаган. Шоир-драматургларгина бундан мустасно бўлиб, улар репертуарларнинг ўзгариши ва бошқа турли хил қўшимча шарт-шароитлар тақозоси остида зарурат қистови билан ҳисоблашишга мажбур бўлишган. Бизнинг давримизга келиб, яъни тахминан бир ярим асрдирки, ёзувчилик касбида зарурат баъзан раҳмдил, меҳрибон сеҳргар, хайрихоҳ даҳо ёки иблис ролида майдонга чиқади. Шартномада кўзда тутилган муддат, теришга берилган қўлёманинг бир қисми, романнинг давомли равишда чоп этилиши – бундай шарт-шароитлар ёзувчининг мудроқ ғайратини уйғотиб, жўш урдирадиган қудратли рағбатга айланади ва у худди гипноз қилингандек, зўр шиддат ва шижоат билан ишга киришиб кетади. Ёзувчилар гоҳо ўз касбларининг бундай зерикарли жиҳатлари хусусида нолиб, ҳасрат қилиб қўядилар, бироқ ажойиб ечим ва баъзан хатто соф услуб билан битилган муваффақиятли саҳифалар учун айнан улардан қарздордирлар, бунга Сент-Бёвни мисол қилиб келтириш мумкин: газета учун ҳар ҳафтада фельетонлар ёзиш мажбурияти уни жумлаларни эскирган жимжимадор услуб билан «безатиш» имкониятидан маҳрум қилган.

Гарчи романтика даврида ўсиб-улғайган бўлса-да, Сент-Бёв қадимий юксак илҳомни ўзига раво кўрмасди, чунки XIX асрнинг ўрталарига келиб, илҳомнинг обрўси бутунлай тушиб кетган эди. Бу ҳақда Стендаль эътирофи: «Мен 1806 йилгача, яъни ўзимда истеъдод борлигини ҳис қилмагунимча ёзишни бошламаганман. Агар 1795 йилдаёқ камина бирор доно одам билан ўз адабий режаларимни ўртоқлашганимда ва у менга: Зўр истеъдод соҳибимисан-йўқми, бундан қатъи назар, кунига икки соатдан ёзавер, деб маслаҳат берганда эди, ҳаётимнинг ўн йилини қандайдир илҳомни аҳмоқона кутиб йўқотмаган бўлардим». Аммо Стендаль беҳуда бой берилган вақтнинг ўрнини тўлдиришга муваффақ бўлди. Муайян бир тизим асосида ишлаши туфайли «Парма ибодатхонаси»ни салкам икки ойда ёзиб тугатди. Флобер эса бундай қисқа вақт ичида эҳтимол, битта бобни ёзишга ҳам муяссар бўлолмасди, аммо у Стендаль шу қадар кеч эришган ҳақиқатга етиш учун кимларнингдир маслаҳатига муҳтож эмас эди. Ҳеч ким Флоберчалик романтизмга тўлиб-тошган даврда, бунинг устига ўзи романтик бўлатуриб, илҳомга бу қадар қаршилиқ кўрсатмаган. У илҳомни муттаҳам, қаллоб, фирибгарларнинг хийла-найранги ва ижодий фикр учун оғу деб ҳисобларди. «Бутун илҳом, — деган эди Флобер, — ҳар куни айнан бир вақтда ишлашга ўтиришдан иборатдир».

Шу ўринда бу ҳақдаги бошқача бир далолатга ҳам кулоқ солсак: Илҳом, шак-шубҳасиз, кундалик иш учун зарурдир. Бири бошқасини истисно қилмайдиган икки қарама-қаршилиқни олиб кўрайлик. Тафаккур ишида қандайдир бир ажойиб механика борки, бундан уялиб ўтирмасдан, шифокорлар тана механикасини англаб етганлари каби, уни эгаллаш керак бўлади. Бу гапни ким айтяпти? Богема (*муҳтожлик-*

да бўлса-да, лекин беғам, беташвиш кун кечирувчи зиёли аҳли – тарж.) вакили, poete maudit – лаънати шоир, кўнгил шитир-шитирларини тўпловчи, кайфиятлар ошиғи, шу билан бирга, шеърга астойдил жило берувчи, поэтик сўзнинг Челлиниси¹ – Бодлер. Ва ҳеч қандай гап чала қолмасин дегандай, қолаверса, канотлари қирқилган дахони парвоз умидидан маҳрум айламок учун Бодлер яна шундай қўшимча қилади: «Илҳом доимий ва тўйимли овқатга боғлиқ. Жиддий гап, чунки французлар бунақа нарсалар билан ҳазиллашмайди. Уларнинг шоирлари таклид учун канотли, аммо ошқозонсиз умри қисқа эфемерида (*бир ёки бир неча кун яшайдиган ҳашаротларнинг эски номи – тарж.*)лар орасидан ўзларига ҳеч қачон намуна излашмаган».

Бугун биз қадимги илҳомни меҳнат, қатъият ва ирода сингари илоҳлар билан алмаштирган нисбатан янги анъанани давом эттираемиз. Кучли иродасиз буюк ижодкор бўлмайди. Наҳотки чиндан ҳам ушбу ҳақиқат янги бўлса? Навбатдаги бобга эпиграф сифатида олинган Данте сўзлари бунга тамомила зиддир.

¹ Бенвенуто Челлини (1500 – 1571) – Уйғониш даврининг ҳайкалтароши ва зарғари.

*Seggendo in prima
in fame non si vien, ni sotto coltre.¹*

Данте

С оч тараётган ва сокол олаётган пайтимда ҳам ё бир нима ўқийман ё ёзаман, агар овоз чиқариб ўқиб беришса тинглайман ёки котибга айтиб ёздираман, бу менга доимий одат бўлиб қолган. Овқатланиш ёки отда сайр қилиш чоғида ҳам шу ахвол. Агар мен сенга айтсам, хайрон қоласан, ҳатто от устида ўтириб нишлаган пайтларим ҳам бўлган, ўшанда уйга қайтиб боришим биланоқ қўшиқ тайёр бўларди. Қишлоқда ёлғиз яшаган вақтимда базм, зиёфатларда ҳам қўлимдан қалам тушмасди, меҳмон-пехмон келиб қолса, ҳурмат юзасидан бир четга олиб қўярдим. Уйимдаги барча столлар устида ёзув-чизув учун керакли нарсалар мухайё бўлиб, бирор зарур маълумот ёзилган лавҳа, тахтачалар териб қўйилган эди. Кўпинча ҳатто тунда ҳам уйғониб, қоронғида тимирскиланиб бош томонимдан қаламни излаб топардим – миямга келган фикр ғойиб бўлмасидан олдин – уни дархол ёзиб қўярдим, эртасига эса ёзганларимни ўзим аранг тушунар эдим. Мана шу менинг турмуш тарзим ва кундалик машғулоти эди...

Петрарканинг ушбу эътирофини ўқирканмиз, Воклюздаги скит (*роҳиблар яшайдиган кичкина овлоқ*

¹ Партўшак устида ҳузур қилиб ётаверсанг, ҳеч қачон донғинг чиқмайди (итал.).

қишлоқ – тарж. Да туну кун иш билан банд бўлган «янги замоннинг биринчи адиби» беихтиёр кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Энди Круасседаги яна бошқа бир скитда – уни олдингидан беш аср ажратиб туради – «Бовари хоним» асари устида ишлаётган Флобер овозига қулоқ тутсак. У ўзини қийнаётган қўлёмани нари суриб, мактуб ёзишга киришади: «Мен ҳозир ниҳоятда дарғазабман, билмадим нима учун. Балки бунга ёзаётган романим сабабчидир. Хуллас, ишим юришмаяпти, баайни тош ағдарган одамдай тинкам қуриган. Баъзан йиғлаворай дейман. Одамнинг қўлидан келмайдиган, жуда оғир иш, бунга мислсиз ирода керак, мен эса атиги шунчаки одамман, холос».

Орадан икки ой вақт ўтгач: «Фам-фусса, қоникмаслик ва ҳорфинликдан бошим гир айланиб кетяпти. Қўлёмма устида роппа-роса тўрт соат ўтириб, лоақал бир жумла ҳам ёзолмадим. Бугун бирон дона тузукроқ сатр туғилмади, аммо юзлаб бўлмағур нарсаларни қоралаб ташладим. Жуда оғир иш! Қандай азоб-а! Э санъат, санъат! Бу қандайин даҳшатли хомхаёл бўлди, қалбимизни кемиради, хўш, нима учун? Ўзингни бундайин изтиробларга дучор қилиш – фирт ақлсизлик...»

Энди мана бу манзара балки вазиятни тўла баён этса ажабмас: Учинчи куни тонгги соат бешда ётиб, учлар атрофида ўрнимдан турдим. Душанбадан бошлаб, қолган барча ишларни йиғиштириб қўйиб, бутун ҳафта давомида Боварим билан овора бўлдим, бироқ иш ҳадеганда олға силжийвермай, ниҳоятда қийналдим. Ҳарқалай балгача етиб бордим, уни келаси душанбада бошлайман – умид қиламанки, энди иш юришиб кетади. Охирги учрашувимиздан буён ўтган вақт ичида йигирма беш саҳифани оққа кўчириб чикдим, бунга – олти ҳафта кетди! Қў-

лэзма устида узок ишладим, ўчирдим, ўзгартирдим, тузатдим, қалай чикди, яхшими-ёмонми, билмадим, лекин ҳарқалай бўш келмадим. Менга ўз умидсизликларинг ҳақида гапириб ўтирибсан: сен яхшиси менинг аҳволимга бир қара! Гоҳида аклим етмайди, холдан тойиб, ҳафсалам пир бўлиб, жинни бўлиб қолмаганимга, тушуняпсанми. Ҳаётим қувонч, шодликлардан мосуво бўлиб, буткул азобга айланди, мени фақат асов қайсарлигим ушлаб турибди, холос, гоҳо уям тинкаси қуриб йиғламсирайди, аммо таслим бўлгани йўқ. Эгнимда жанда, таркидунё қилган одамга ўхшаб, ўз ишимни телбаларча ва ўлғудай яхши кўраман. Кўпинча керакли биронта ҳам сўзни тополмай, ўзимни шу қадар ожиз ҳис қиламанки... Бирталай саҳифани қоралаганимдан сўнг, ақалли бирор жумланинг муваффақиятли чикмаганини кўриб, ўзимни кенг диван устига ташлайман-да, ғамгин ва беҳол чўзилиб ётавераман. Қандайдир хомхаёллар кетидан қуваётган ўжар жиннилигим учун ўзимни ўзим айблаб, ўз-ўзимдан ҳам нафратланиб кетаман. Лекин орадан нари-бери чорак соат ўтар-ўтмас, қалбим қувончга тўлиб ура бошлайди. Ўтган чоршанба куни ёзув столимдан туриб, дастрўмолчамни қидириб топишимга тўғри келди: кўзларимдан шашқатор ёш оқиб, юзимни ювиб тушди. Ёзганим сайин шунақанги кўнглим бўшаб, ўзимам шунақанги роҳатландимки, фикр ҳам, уни ифодалаган жумла ҳам мени ўзига ийдириб, тобора меҳримни кўзғатар, фикримни ифодалаш учун сўзларнинг шунчалик мос ва мутаносиб шаклини топа олганимдан беҳад бахтиёр эдим. Эҳтимол, бунда асабларим бузилишининг ҳам қандайдир таъсири бўлгандир, ҳар холда менга шундай туйилди. Зотан, шод-хуррамлик ҳолатининг шу қадар юксак даражаси ҳам бўладики, унинг учун соф эмоционал унсурларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ

ва бундай хурсандчилик ўзининг маънавий-рухий гўзаллиги билан хаттоки хар қандай ҳиммат-саховатдан ҳам устун туради. Баъзан, кўпроқ ҳаво очик кунлари рухий ҳолатим шу даражага етадики, завқ-шавқ шуқуҳи бошимдан то бармоқларимнинг учларига қадар қамраб олиб, қалб парвози ҳаётим узра шу қадар юксакликка интиладики, унга шон-шуҳрат заррача керак бўлмай қолади ва хатто бахт-омад ҳам ортикча туйила бошлайди...

Воклюз ва Круасседан эшитилаётган бу овозлар моддий фаровонлик туфайли ўз вақтларига ўзлари тўла хўжайин бўлган ёзувчиларга тегишли, ишлашга уларни четдан ҳеч қандай мажбурият зўрламаган. Улар бу мажбуриятни ихтиёрий равишда зиммаларига олишган, мукамалликка эришиш иштиёқи уларнинг фикри-хаёлини мудом банд этиб, бутун вужудини қамраб олиб, доимий изтиробга солган: бири ўз даврининг маданий чўққисига эришишга интилган бўлса, бошқасининг мақсади – янгича насрни яратишдан иборат бўлган. Иккалови ҳам ўз олдига қўйган мақсади йўлида хизмат қилиб, одамлар ҳаётда ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат деб атайдиган барча нарсалардан воз кечишган.

Нафақат улар, балки бошқалар ҳам худди шундай ишлаган. Лайбниц деярли уч суткагача столдан турмасдан ишлай олган, Реймонт «Мужиклар» (Борина тўйи)нинг биринчи жилдини тугаллаётганда уч кечаю уч кундуз тинимсиз ишлаб, охири қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолган. Гёте ўзининг бизларга шунчалик порлоқ ва бахтиёр туйиладиган ҳаётига бирров назар ташларкан, Эккерманга бир неча ҳафталик ҳордик ва ўйин-кулгини ҳисобга олмаганда, қолган бутун умри фақат иш, меҳнатдангина иборат бўлганини эътироф этган экан. Ижодга муккасидан берилган Бальзакнинг савдойиларча ўтказган тунлари ҳақида

ким ҳам эшитмаган дейсиз? Крашевскийнинг куни қандай кечгани ёки эллик йил мобайнида беш юзта асар ёзган, кўпгина тарихий материалларни тўплаб, нашр эттирган, улкан миқёсда хат ёзишувлар олиб борган ва ниҳоят, журналларга муҳаррирлик ҳам қилган бу одамнинг куни қай тарзда кечган бўлиши лозим? Ёки ижодий мероси икки мингта пьесадан иборат бўлган Лопе де Вега ҳаётидан яна нималарни кутиш мумкин эди?

Бироқ бошқа бир ёзувчининг кам китоб ёзгани бизни заррача чалғитмаслиги керак: негаки бу асарларнинг хомаки режасини тузиш, саҳифаларни ўчириб-ёзиб, бутун бошли китобларни қайта ишлашга сарф бўлган меҳнатнинг тўлиқ балансини чиқариш учун уларнинг сонини бир неча бараварга кўпайтириш зарур бўлади. Мана, оддий мисол: муаллифлар ўз асарларини гоҳида бир неча марта қайтадан кўчириб чиқадилар. Сенкевич агар тузатиш зарур бўлиб қолса, бутун бир саҳифани бошдан-оёқ қайта кўчириб чиқаркан. Ёзувчилар хомаки (дастлабки) қўлёзмаларнинг тартибсиз, чалкаш алфав-далфавидан халос бўлиш учун ҳам шундай йўл тутишади. Ўз асарини буткул ёддан биладиганлар ҳам учраб туради. Жюльен Бенданинг менга айтишича, у ўзининг хар бир китобчасини олти мартадан кўчириб чиққан экан. Бу вақтни ортиқ даражада беҳуда совуришдай туйилади, аммо бу жиҳатдан тежамкорликка ундаш уларга ёмон ёрдам кўрсатиш бўлур эди, қолаверса, бунга уларни кўндириб ҳам бўлмайди, деб ўйлайман. Ижод капитали хасислик билан кўпайиб қолмайди. Ёзувчи халқи ўз вақтини, тинчлигини ва шахсий бахт-саодатини ҳам ўзи эркин тарзда тасарруф этади. Сизни ишонтириб айтаманки, – деган эди Ромен Роллан, – «Кристоф»нинг хар бир жилди бошимдаги сочининг оқини кўпайтган ёки тўғрироғи, уни бо-

шимдан силкиб-юлиб ташлаган; қахрамоним босиб ўтган ҳар бир танглик мени янаям чуқурроқ ларзага солган, чунки организмим унчалик кучли эмас эди.

Рамон Фернандеснинг ҳикоя қилишича, бир куни кечаси «гот» (*қадимги герман қабилаларидан бири – тарж.*)ларнинг ҳужуми пайтида унинг ҳузурига Пруст югуриб келиб, италянча *senza rigore* – қаттиққўл эмас – қандай талаффуз қилинишини сўрабди. У бу сўзларни ҳозиргина бир жумлада қўллаган, лекин уларнинг товуш оҳанги бутун жумлага ҳамоҳанг тушадими-йўқми, шуни билмоқчи бўлган. Икки дона сўзни деб, нафақат ишини тўхтатган, балки – нозик ва нимжон эмасми – хавф-хатарни ҳам унутиб, ярим Парижни пиёда босиб келган экан. Словацкийнинг «Бенёвский» номли достонини эътибор бериб ўқимаган одам ундаги ёниб тамом бўлаётган инсон (ҳаёт) шами тасвирланган ғамгин сатрларни дилдан ҳис этиши дарғумон:

Ишонинг... Ёлгон ва алдов

Шеърларимда пухта ва аниқ

Этилган таъқиқ.

Чунки бу муҳимроқ касал шоирга,

Бешафқат силга қарши курашдан кўра...

Ёзувчиларнинг ўз ижод соатлари ҳақидаги ҳикоялари одатда қайғули, мунгли бўлади: гўё жанг майдонидан гумбур-гумбур овозлар, ярадорлар ва ўлаётганларнинг ох-воҳ, дод-фарёдлари эшитилади, сўнг эса чор-атрофга бирдан чуқур сукунат чўқади: нима бу, мағлубиятмикин? Йўқ, труба (карнай) чалиб, ғалабани овоза қилишни унутишди, холос. Ёзилаётган асарнинг бирон-бир боби, абзац (хатбоши) ёки ҳеч бўлмаса биргина жумласи муваффақиятли тугалланиб, қониқиш билан ниҳоят, оромбахш на-

фас олиш мумкин бўлган чоқда, ижод соатлари ўзи билан бирга тўсатдан пайдо бўладиган зўр қувонч лаҳзаларини олиб келади. Узоқ ва оғир меҳнат зўр куч-ғайрат билан бутун диққатни бир ерга жамлаб, барча тасаввурлар, сўз устидан ҳукмронлик қилиш ва сўзларни бир-бири билан ўзаро боғлай олиш қобилияти бир бўлиб, қаердадир фикрни ўз измига бўйсундириб олган ғира-шира, ғуборли жимжит тун қаъридан қутулиб чиқишга имкон берди, – ёзувчи қалби спираль каби ўралиб, буралган, касалманд ва ночор, Беллерофонт каби ғолибона кибрдан мағлуб бўлиб, руҳан чўкай-чўкай деб турарди. Аммо бирдан бунинг ўрнига зимистон ғашлик тумандай тарқаб, янги мусаффо уфқда худди мўъжиза янглиғ ёруғ ва ёрқин ифодаланган образ, эпизод (кўриниш) ёки фрагмент пайдо бўлади ва иш ниҳоясига етиб, ўринли ва ҳақли равишда қабул қилинади. Бу тоғ чўққиларини забт этувчиларга хос қувонч, бинобарин, таранг мушаклар завқи ҳам чўққиларни забт этиш шавқидан қолишмайди.

Эйфория (ўз-ўзидан хурсанд бўлаверишлик – тарж.), агарки ижод жараёнига ўзгармас, бир хилда ҳамроҳлик қиладиган бўлса, менда ишонч уйғота олмайди. Шу жойда Вайсенхофнинг «Адабий хотиралари»дан ёзув-чизув уйғотадиган завқ ҳақида бир парча келтириб ўтмоқчиман, аммо яширмайман, ушбу эътироф услуби менда қандайдир шубҳа уйғотди (*масалан: Нить, устремляющаяся к цели («нить» сўзи ип, калава; тола; ришта; шунингдек, шода, маржон ва ғ. к. маъноларни ҳам англатади – тарж.*). Вайсенхоф шундай ёзади: Ҳаётимда ғаштини сурганим энг гўзал завқни адабий ижод («Сувсар ва пан қизи»)га тааллуқли деб биламан, зеро, сеvimли мавзуинг ўзига мос сўз шаклини топиб, бирталай сўз ва иборалар, услубий воситалар бар-

часи бирдан, баб-баравар олдингга келади ва улар орасидан энг бопини ва самаралисини танлаб олиб, ўз олдингга қўйган мақсад сари қаратилган сўзлар шодасини маржондай тизиб чиқишинг қолади, холос. Шунда гарчи бир лахзага бўлса ҳам, қалбингни камолотга дахлдорлик туйғуси чулғаб олади, бу эса – экстаз (жазава)га ўхшаш шундай бир олижаноб ва ажойиб руҳий ҳолатки, гиппа томоғингдан бўғиб, кўзларингдан ёш чиқазиб юборади.

Башарти ёзувчилардан афсус, таъна, танбеҳ ва шикоятнамо гапларни кутганимиздан кўра камрок эшитаётган бўлсак, бунга сабаб шуки, уларнинг кўпчилиги бу хусусда фикр билдиришдан ўзларини тийишади, фақат баъзан эҳтиётсизлик қилиб айтилган сўзларгина уларнинг ранжу алам сирларини ногоҳ ошкор қилиб қўяди, холос. Ёзувчилар ғурур ё тортинчоқлик ёки бошқа хил сабабларга кўра бу ҳақда гапиришни ёқтиришмайди. Шоирлар илҳомга қараб колган замонларда ўз ижод сирларини пинҳон тутишни афзал кўришган. Лекин бу индамасларнинг мизож (мижоз)и, яшаш шароитлари, ижод характери, қўлёмалари, қораламалари ҳамда вафотидан кейинги қоғоз-ҳужжатларига қараб, вазминлик, хотиржамлик, оғирлик, босиқлик ва сиполик ниқоби остида кечган кучли бўрон, довуллар тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Албатта, ҳар кунги курашлар ва қаттиқ ишлашдан келиб чиқадиган чарчаш, карахтлик, гангиш, бош айланиши, мия суюлиши ва ҳ. к. – буларнинг барчаси асло бажарилиши шарт бўлган қоида эмас. Ҳатто энг сермахсул ёзувчи ҳам каторга (сургун)га юборилган ёки жуда оғир меҳнат қилишга маҳкум этилган қаламкаш эмас. Герберт Спенсер ҳеч қачон қунига икки соатдан ортик ишламаган. Арнольд Беннет ҳам ўзига шундай мўътадил иш меъёрини

белгилаб олиб, ундан ҳеч қачон ошиб кетмаган: иш столидан тураётганда, ҳатто бошлаб қўйилган жумлани ҳам охирига етказиб қўймаган. Жорж Санд ҳар куни кеч соат ўн биргача ёзган, башарти соат ўн яримда романни ёзиб тугатган бўлса, дархол яна тоза варақ олиб, янги бир асарни бошлаб қўйган. Ўз романларини худди пайпоқ ямагандай, ёзиб ташлайверган. Бунга Мюссе қандай қараганини тасаввур қилиш қийин эмас, чунки ишдан қўнгли совигач, Мюссе коғоз-каламни кўрди дегунча, даҳшатга тушиб қочадиган бўлиб қолган...

Меҳнат интизоми ёзувчи учун ҳамиша оқ фотиҳа сингари муқаддас бўлган. Ахир иш столига ҳар куни маълум бир вақтда ўтиришга одатланган одам қанча кучни ўзида сақлаб қолади! Бу эрталаб ёки бошқа пайтда бўладими, масалан, Поль Валери тонгги соат тўртда, Ламартин эса бешда турган, ёки тушдан сўнг, кечқурун, майли, ҳатто тунда бўлсин, фарқи йўқ, кўпчилик ёзувчилар тунги вақтни ёқтиришади, чунки ўша пайтдагина асаблари тинчланиб, ўзларини яхши хис қилишади. Ёзувчилар фақат бизнинг замонда тунда ишлашга ўрганган десак, янглишган бўламиз. *Vigiliae noctae* – тунги бедорлик жуда кўплаб ёзувчиларнинг ҳаётида худди нақаротдай такрорланиб келган. Аристотелни бойўғлига ўхшаб тунда ишлаган олимларнинг ҳомийси эди дейиш мумкин бўлса, унда Платон янги очилган атиргул каби, кундузи ижод қилганлар учун ҳимоячи бўлишга арзиган бўларди.

Бюффон, Гёте, Вальтер Скотт, Виктор Гюго, Бодлер, Флобер ишга амалдорларга хос аниқ, пухталиқ билан ўз вақтида ўтиришга одатланишган, агар уларга ўхшаган барча ёзувчиларни бирма-бир санаб чиқадиган бўлсак, рўйхатимиздан кўпроқ машҳур адибларнинг номлари ўрин олган бўлар эди. Аммо уларнинг ҳеч бири ишни дастлаб шу тарзда бошла-

маган. Меҳнат интизоми аввало секин-аста шакллана бориб, ниҳоят, ёзувчининг етуклик палласида узил-кесил ва мустаҳкам қарор топади, ўшанда у шох (дурдона) асарларнинг бахтли тасодифлар марҳамати билан эмас, балки сабр-чидам ва сабот-матонат туфайли яратилишига ўзи амин бўлади. Ҳар бир буюк адабий асар енгиб ўтилган талайгина қийинчиликларнинг узун занжирига бориб туташади.

Бироқ олдиндан белгилаб қўйилган ижод соатида мияга биронта ҳам дуруст фикр келмаса, ишга на истақ, на куч-қувват бўлмаса, ҳўш, унда нима қилиш керак? Бу саволга Метерлинк: Ўтириш керак, – деб жавоб беради. Дарҳақиқат, у эрталабки уч соат вақтини ҳар доим ёзув столи атрофида ўтирган қўйи ҳеч нима қилмасдан, фақат трубка чекиб ўтказар экан. Мен эса, – дейди Теофиль Готье, – столга ўтириб, бир варақ оқ қоғоз оламан ва унга биринчи жумлани ёзаман. Жумлаларимдан кўнглим тўқ: уларнинг ҳар бири ерга тўрттала панжаси билан тушадиган мушукка ўхшайди, бирининг кетидан бошқаси эргашиб келаверади.

Ёзувчилар орасида ўзига хос шиддатли, жўшқин ва эйфорияли мижоз соҳиблари ҳам учраб туради, уларнинг сўзлари шўх, ўйноқи бўлиш бирга, қайнар булокдек отилиб чиқади. Аммо ўз қўлёмаларини ақл-мулоҳаза ва совуққонлик билан қайта ўқиб чиқарар экан, афсуски, уларга ҳам бу ижодий байрам татимайди, мабодо шундан кейин ҳам қувончлари пасаймаса, унда ўз ишларига нотанқидий муносабатда бўлганликлари учун пок номларига доғ тушиб қолиши ҳам мумкин.

Ўйламанг тагин, ёзувчилар ҳам соатга қараб эшик ёпадиган, иш вақтим тугади деб, қабулига келадиганларга қулоқ солмайдиган айрим амалдорларга ўхшаб, кун тартиби ёки иш жадвалига риоя қилган

ҳолда сутканинг маълум бир вақтида ишлашар экан деб. Йўқ, ҳатто энг енгилтак адиб ҳам ўз мижозлари: сўзлар, образлар, асар қаҳрамонларини сутканинг хоҳлаган пайтида бажонидил қабул қилишга тайёр. Ижодий иш муваффақиятли кетаётган чоғда ундан чалғиб, узоқлашиш ёки тарк этиш ҳақида эса умуман гап бўлиши ҳам мумкинмас, – чунки бу бориб турган иродасизликнинг ўзгинаси бўлур эди. Ёзувчи дам столдан туради, дам яна ўтиради, аммо ишни тўхтатмайди, бошқа барча юмушларини йиғиштириб, уйга қамалиб олади-да, ёлғиз қолишни хоҳлайди, тун ярмида уйғониб, дам чироқни ёқса, дам ўчиради, хуллас, эрталабгача ухламай чиқади – танглик ўтиб кетгач, ўзининг аввалги бекамикўст иш тартибини қайта тиклаб олиш учун у ҳамма нарсага тайёр туради.

Вазият эса гоҳ ундай, гоҳ бундай бўлиши мумкин – асосий гап бунда эмас. Иш услублари дунёда қанча ёзувчи бўлса, шунча, зеро, бутунлай бир хил тарзда ишлайдиган икки ёзувчини топиш амри маҳол, чунки энг муҳими – иш, ижодий куч-ғайрат. Одатда тайёр китобни қўлига олган ўқувчи бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайди. Энг ёмони, ҳатто ўзини адабий ижод соҳасига бағишлашга қарор қилган кўпгина ёшлар ҳам бу ҳақда ўйлашмайди: уларнинг тасаввурида у (ижод) фақатгина атиргуллар билан қопланган ва мовий лаҳзалардангина иборат, холос. Аслида эса кўнгил қолиши, ҳафсала пир бўлиши, умидсизликлар ўзини узоқ куттирмайди – кучсизларни таслим бўлишга, кучлиларни эса атиргулни тиканлари билан қабул қилишга мажбур этади. Ёш Мопассан бир куни Флоберни ишлаётган пайтида ногоҳ кўриб қолиб, уни бирпас кузатишга муваффақ бўлган ва бу «томоша» ўзи учун ибратли сабоқ вазифасини ўтаган экан. Қизарган юзли ёзувчи ўзининг бутун диққа-

тини, маъюс, ғамгин нигоҳини қўлэзмага қаратган, афтидан, сўз ва ибораларни саралаш билан банд эди, унинг бу ҳолати худди ўз ўлжасига ташланишга тайёр турган пистирмадаги овчини эслатар, гўё ҳар бир ҳарфнинг шакл-шамойили ва ташқи кўриниши – киёфасига ҳам алоҳида сарасоф соларди. Сўнг у аста-секинлик билан ёзишга киришади. Флобер дам-бадам ёзишдан тўхтар, ўчирар, ёзар, яна тагин ўчирар ва қайтадан ёзар, – ёзувлар гоҳ юқоридан, гоҳ ён томондан, гоҳ кўндалангига қараб кетарди. Ўзи эса худди дарахт кесаётган ишчига ўхшаб тинмай пишилар эди. Икки лунжи шишган, чаккаларидаги қон томирлари бўртиб кетган, бўйни чўзилган, танасидаги барча мушаклар таранглашган – қари шер фикр ва сўзлар билан шиддатли жанг олиб борарди.

Юқорида баён қилинган манзара ижод психологиясига эмас, балки унинг физиологиясига тааллуқлидир. Мазкур мавзуда кенг ва қўламли, ниҳоятда қизиқарли трактат (илмий асар, рисола) ёзиш ҳам мумкин эди, бироқ у китобимиз ҳажмига тўғри келармиди-йўқми, билмадим. Шунга қарамай, ижодий жараёнга гоҳо ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган ходисалар ҳақида буткул индамай ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлайман.

Жисмоний дармонсизликлар худди зўр соғлиқ сингари иш қобилятини нафақат пасайтириб ёки қучайтирибгина қолмасдан, ёзувчининг мижози, майл, иштиёқи, мойиллигини, у фойдаланадиган тушунчалар доираси, муҳити ва аломатларини ҳам олдиндан белгилаб беради. Жисмоний ҳолат баъзида ҳам асар концепциясини, ҳам алоҳида боб, саҳифанинг – организмимиздаги оддий функцияларга хийла сезиларли даражада боғлиқ бўлган жумлалар, образлар, истиоралар ҳақида-ку гапирмай қўяқолайлик, чунки буни эътироф этиш ёзувчиларга жуда малол келади,

– мазмун ва моҳиятини олдиндан ҳал қилиб қўяди. Лекин хатларда, интим фикр ва мулоҳазаларда мазкур боғлиқлик ҳақида баҳолиқудрат тўхталиб ўтилади, шу аснода ижодий фаолиятнинг совуқ ва иссиқ, очлик, хурсандчилик ва х. к. омиллар таъсири остида тўхтаб қолиши ёки янада жонланиши тўғрисидаги ғайриоддий ҳикояларга, шунингдек, касалликнинг ҳалокатли таъсири хусусидаги шикоятлар билан бир қаторда – бир қадар кутилмаган тарзда – гоҳида хасталиклар ҳақидаги мактов-мадҳияларга ҳам дуч келиш мумкин.

«Одамлар мени касал дейишади, лекин масала шуки, шаффофлик ва теранлик ила ўзига мафтун қиладиган юксак даражадаги ақллилик, мулоҳазалилик ва бамаънилик айнан хасталик ҳолатлари замирида мужассам эмасмикин, қолган рухий функциялар ҳисобига мустаҳкамланиб ва нафислашиб борадиган фикр-мулоҳазаларни касаллик деб аташ ҳам худди шу сабабдан гуллаб-яшнамаётганмикин?»

Бу сўзларни «Элеонора» номли новелла қаҳрамонларидан бири айтган. Унинг муаллифи Эдгар Аллан По XIX асрнинг биринчи ярмида гуллаб-яшнаган Америкага қарама-қарши ўлароқ ўзидаги орхидея каби нозикликни кадрлаган экан. Худди унга ўхшаб, Чехов ҳам ўзининг «Қора роҳиб» деб номланган ҳикоясида жисмонан кучсиз кишининг маънавий жиҳатдан устун эканлигини тасвирлаган, албатта, асарда у ўзини назарда тутган, чунки сил касалига чалинган эди. Қолаверса, олмон романтиги Новалис ҳам ўз даврида касалликни мадҳ этган.

Илм-фан ёзувчилар чалинган хасталиклар турлари, жумладан, тутканок (Флобер ва Достоевский), сил касаллиги (Словацкий), агорафобия¹ (Прус),

¹ Агорафобия – катта майдонлардан қўрқиш (барча изохлар таржимонга тегишли).

захм (Виспьянский) билан бир эмас, кўп марта астойдил шуғулланиб, касалликларнинг улар ижодини тушунишда тутган ролини ўрганишга ҳаракат қилган. Тадқиқотчилар ҳатто биз соғлом деб билганлардан ҳам қандайдир патологик қусурларни кидириб топишга уринганлар. Кречмернинг китоби ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлган, унда муаллиф «гениал одамлар»га ҳам этикетка (ёрлик)ларни ёпиштириб ташлаб, уларнинг ақлий жиҳатдан соғ эканлигини шубҳа остига олган эди. Агар ҳақиқатан ҳам, замонавий тиббиёт башорат қилаётганидек, яқин келажакда ҳар бир касалликни атиги бир неча кун ичида даволаб тuzатвориш мумкин бўладиган бўлса, унда инсон даҳосининг ё ер юзидан батамом йўқ бўлиб кетишига ёки соғлиги зўр бўлган оғир, вазмин, босиқ кишиларга «кўчиб юриши»га тўғри келади.

Ёзувчига кундалик ҳаётда ўз рухий мувозанатини бирдай сақлаш осон бўлмайди. Уйдирма, хомхаёллар ва шарпалар орасида бўлиш унинг учун гўё туман билан қопланган воқеликка айланади. Бальзак кунлардан бир кун ўз синглисига қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилади: «Феликс де Ванденес кимга уйланади, биласанми? Мадемуазель де Гранвилга. Бу унинг учун бағоят манфаат келтирадиган никоҳ бўлади, чунки Гранвиль оиласи мадемуазель де Бельфей сабабчи бўлган катта сарф-харажатларга қарамасдан, жуда бадавлат хонадон ҳисобланади».

Бу суҳбатни эшитган ҳар қандай одам гап дўстлар, танишлар ёки кўни-кўшнилар ҳақида бораётган бўлса керак, деб ўйлаши шубҳасиз, ваҳолонки, уларнинг барчаси ўшанда Бальзак ёзаётган романнинг қаҳрамонлари эди. Мана, ҳақиқий ёзувчи! Унинг учун хаёлий олам борлиқ деб аталмиш дунё билан баб-баравар эди, мана, неча минг йилдирки, файласуфлар буни тушунишга, англашга беҳуда уриниб

келадилар. Агар Бальзакни назарда тугулса, янада асосли дейиш тўғрироқ бўлур эди. Бир куни у дўстларидан бирининг уйдагилардан кимнингдир бетоб эканлиги ҳақидаги суҳбатига бетоқат бўлиб кулоқ соларкан, охири сабри чидамай: Хўп яхши! Энди воқеликка қайтиб, Евгения Гранде тўғрисида гаплаш-сак! деган экан. Чунки ўз романининг қахрамони Евгения Гранде унинг учун ҳаётдаги одамлардан ҳам кўра ҳақиқийроқ эди.

Шу хилдаги кўплаб латифанамо гаплар ёзувчилар биографияларига маълум бир жозоба бахш этади, аммо улар ҳаётда атрофдагиларга ёқимсиз туйилган ва баъзан орага совуқчилик тушишига сабабчи бўлган характерга хос хусусиятлар туфайли пайдо бўлганини унутмаслик керак. Эҳтимол, қизиқ табиат ва ғалати қилиқлардан холи бўлган ёзувчиларни умуман топиб бўлмас, аслини олганда, ҳар бир одамда ҳам бир чимдим ғалатилик бўлиши табиий, аммо ёзувчилар бу борада алоҳида ажралиб турадилар. Уларнинг ғалатиликлари ҳам ўзига хос бўлиб, агар ён-атрофидагилар буни лозим даражада тушуниб, иззат-ҳармат қилмасалар, жуда хафа бўлиб қоладилар. Бальзак аксарият тунда ишлаб, ўз яқинларининг турмуш тарзини шу қадар издан чиқариб юборганки, натижада котибларидан бири ақлдан озиб, жинни бўлиб қолган экан. Кант эса уйланганларни кўришга тоқати йўқ эди: унинг узоқ йиллик содиқ хизматкори Лампе уйлангач, иш жойидан маҳрум бўлган.

Ёзувчи ўз инжиқликлари ва ғалати қилиқларини одатда хоҳлаган нарсаси орқали ифода қилиши мумкин: уй-жой, кийим-кечак танлаш, овқатланиш, имо-ишора, гапириш усуллари ва ҳоказо. Кенг қайтарма ёқали блуза Словацкийга Байрондан мерос қолган бўлиб, ҳозиргача иккинчи эгасининг номи билан юритиб келинади, унинг қилган иши – бизга

Шекспир портретлари орқали яхши таниш бўлган жабо (ёқа четига тўр ёки матодан қилинган бурмали ҳошия – тарж.)ни кўшимча тарзда тиктирган бўлиши керак. Аполлинер металл тугмачали кулранг-кўкимтир нимча кийиб юрган, унингча, бундай либос Ҳолландия Ганзасига мансуб бўлган, лекин нега айнан шундай либос кийиб юриш сабабини очик айтмаган. Пьер Лоти ёзув столига ҳар доим шарқона либосда ўтирарди. Робер де Монтескью ким билан учрашишига қараб кийинар эди: агар (японларга хос барча нарсаларга ишқибоз бўлган) Гонкур ҳузурига бораётган бўлса, эгнига япон шойисидан тикилган нимча ташлаб оларди. Уайльд мода тарғиботчиси бўлгунга қадар, калта иштон кийиб юрар, бошида эса нилуфаргул ёки кунгабоқар тасвири туширилган петлицали духоба қалпоқ бўларди. Унинг фикрича, викторианлар замонига хос бўлган сийқа, ҳамиша бир хил, кундалик зерикарли ҳаётда яшаган шоир шундай кийиниши лозим эди. Шоирлар қачонлардир ҳақиқатан ҳам ўз кийиниш услублари билан бошқалардан ажралиб туришган. Қадим замонларда уларни бошларидаги боғичдан, ўрта асрларда эса белларига боғланган сиёҳдон билан бир даста патқаламдан таниб олиш мумкин эди, фақат бу қиёфанинг ноқулайлиги шу эдики, у ҳам сайёр бакалаврларни, ҳам кўчада саводи йўқларга апил-тапил хат ёки аризалар ёзиб берадиган мирза, котибларни англатарди.

Қачонлардир шоирни узун сочларсиз тасаввур қилиш қийин эди, айниқса, хурпайган саватсочлар истеъдоди йўқларга қўл келиб, улар бу «анъана»ни астойдил қўллаб-қувватлардилар. Узун сочли шоирларни деярли барча тунги қаҳвахоналарда учратиш мумкин эди. Богема – бутунлай XIX асрнинг ихтироси эмас. Кўп шоирлар, – деб ёзади Ҳораций, – тирноқ ва соқолларини олдирмайди, ҳаммомга

бормайди, овлоқ, хилват жойларда юради. Бунга энди бир шиша ароқ билан барваста ландавур келиб қўшилса, Варшава богемасининг вакили Эморский портрети тайёр бўлади-қўяди. Кенг соябонли ғаройиб шляпа билан пелерина (елкага ташлаб юриладиган енгил кийим – тарж.) «Навқирон Польша»¹ адабиётчилари ва эпигон (тақлидгўй)ларининг зийнати саналарди – шляпа ҳам, пелерина ҳам биринчи жаҳон уруши воқеалари гирдобиди йўқ бўлиб кетди. Бугунги кунда богема афсонага, ўтмиш қолдигига айланган, аммо унинг тасвирлари шу қадар чиройли, таъсирчан, адабий ҳаётга шунчалик қадрлики, яқин келажакда қандайдир янги бош кийимда яна ўз ифодасини топса ажабмас.

Бундай ғайриодатий ғалатиликлар оригиналликка беҳуда уринишлар бўлиши шарт эмас. Тасаввур кучи билан яшайдиган одамга ўз ҳаёлий оламини банд этган образлар замирида мужассам бўлишга мойиллик хосдир. Шунинг учун ҳаммага маъқул бўлган меъёрларга амал қилиш ўрнига, қандай ёзса шундай, яъни ўз фантазиясига мувофиқ иш тутади. Кўпинча бу одамнинг ғашини келтириб, ижтимоий меъёрлар ва ахлоқ-одоб қоидаларини, мода, тил ва барча яхши ва ёмон расм-русмларни менсимасликка олиб боради. Нафақат богема вакиллари, балки уларнинг рақиблари – Байрон ёки Уайльд сингари санъат асилзодалари ҳам шундай йўл туттишган. Улар ўз ҳаётларига муайян услуб, руҳ бахш этган, уни бошқаларникига ўхшамайдиган, ўзига хос, ранг-баранг, ёрқин ва чиройли уйдирма ҳаёлотга айлантириб, зерикарли, сийқа, ҳамиша бир хил, ўзгармас воқеликка қарама-қарши қўйганлар.

¹ XIX асрдан XX асрга ўтиш даврида Польшада юзага келган адабий оқим.

Бундай норозиликка ҳаттоки инқилобий рух бериш мумкин бўлган. «Eratер les bourgeois» – «Буржуани ҳайрон қолдирамиз» шиори худди шундай рух билан суғорилган бўлиб, XIX аср ўрталарида, буржуазиянинг тантанаси даврида севимли девизга айланган. Готье сюртук¹ ва котелок (*бош кийим тури – тарж.*)ни ёқтирмас, эғнида қора бахмал куртка, оёғида олтинранг сап-сарик теридан тикилган туфли, узун сочли бошига ҳеч нима киймас, аммо соябонни ҳам сира қўлдан қўймас, об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар, уни доим очилган ҳолда кўтариб юради. Бир гал у ўзига бошқача бичимдаги тўқ кизил атласдан нимча буюртирган эди. Уни театрга тушган пайтда атиги бир марта кийган, лекин провинциялик дунёқарашли тор манфаатпараастлар шундан бери уни ўша нимчасиз тасаввур қилолмас, ёш адабиётчилар эса нимчани мешчанларча қоқоқликка қарши норозилик сифатида қизғин олқишлар эдилар. Сиз балки буларнинг барчасини ижодий тафаккур ишига ҳеч қандай алоқаси йўқ шунчаки юзакилик деб ўйлаётгандирсиз? Унда қаттиқ янглишасиз! Биз алвон рангни астойдил яхши кўрардик, – дейди Готье, – тўқ кизил асл ранг, қон, ҳаёт, ёруғлик, харорат, меҳр-муҳаббат рамзидир... Мана шу ранг таъсири остида у ўзини Ренессанс (Уйғониш) даврининг чорловчиси ва жасур кишиси сифатида ҳис қиларди. Гонқурлар эса ёрқин, товланувчан рангларни ёқтирарди.

Ёзувчи ҳамиша фетишга² топингувчидир. У айрим буюмлар, ранглар, товушлар ўзига хос кучга эга, деб ишонади. Йиллар ўтиши билан унинг иш

¹ Сюртук – эркакларнинг узун белбурма камзули.

² Фетиш – ибтидоий халқлар худо деб топинган, гўё ғайритабиий кучга эга бўлган жонсиз нарса, буюм; баъзи бир кишилар кўр-кўрона ишонадиган, муқаддас деб биладиган нарса, тушунча.

кабинети, бутун уйи ва унинг ўзи ҳам рухларни чорлаб, бўронларни чакиришга, чанг-ғуборларни тарқатиб юборишга қодир бўлган фетишлар тўпламига айланиб боради. Музейлар ва рўйхатлар таркибига бундай фетишларнинг бир озгина қисми кириб қолади, холос. Кўпчилиги эса ҳеч кимнинг диққатини тортмасдан изсиз йўқ бўлиб кетади. Кераксиз чиқинди сифатида ахлат ўраларга буткул кутилмаган нарсалар ташлаб юборилади: чиғаноқлар, тошчалар, эскириб қорайиб кетган каштанлар, қўл сал тегиши билан бўлиниб кетадиган шохчалар, ярмарка суратлари, темирйўл чипталари ва х. к. Ҳеч қандай эътиборга лойиқ туйилмайдиган бу майда-чуйдалар фабула (*бадий асарда тасвирланган воқеалар занжири – тарж.*)ни ривожлантиришда қандайдир ғайриоддий саҳифа, аллақандай руҳий янгилик ёки кутилмаган бурилиш сифатида ёзувчи учун нечоғли муҳим роль ўйнаганини билсайди, унинг ижодини ўрганаётган тадқиқотчи-олим ҳайратдан ёқа ушлаган ҳамда кенг пландаги бадий мотивлар учун ўзини улардан қарздор ҳис этган бўларди. Крашевский Норвид фетишларига эътибор қаратиб, уларни ўрганган. Рассом ўз альбомидан, – дейди Крашевский, – қандайдир бир суратни олиб, уни каравоти рўпарасидаги осиглиқ рамкага солди, бу сурат унга ниманидир эслатиб туради, энди унинг хотираси билан яшамокчи. Сурат рамкада ҳафталаб, эгаси ҳушига келиб, алмаштирмагунга қадар, узоқ осиглиқ туради. Бошқа ромларда эса кимнингдир ҳаёт излари бўлган қуриган япроқларни кўриш мумкин.

Ёзувчи учун гулкоғозларнинг ранги, девордаги сурат ва хонанинг ёритилиши ҳам қанчалик аҳамиятли эканини билсангиз эди! Ҳофман қора гулкоғозлар ёпиштирилган хонада ўтириб ишлар, чироқ устига дам оқ, дам яшил, дам ҳаворанг абажур (қалпоқ)

ёпарди. Ёзувчи ишлаш учун баъзан ўзига шундай бир жой танлайдики, у ердаги ҳамма нарса гўё унга халакит бериши лозимдай туйилади, у эса атайлаб ёки ғайриихтиёрий равишда бу ноқулайликларни ўзининг ҳар бир янги турар жойида акс эттиради – қушлар ҳам ўз инларини ҳар доим ана шундай ўзгармас тарзда бир хил қилиб қурадилар. Бунинг сабабини қидириш бефойда: у ёзувчи ижодий ҳаётининг олис, унутилган паллаларида бидъатлар, ёлғон тасаввурлар қуршовида – гўё ҳеч қандай афзалликларга эга бўлмаган одатдаги шароитлардан мосуво қилинса агар, ёзувчи худди ўз иш қобилиятини йўқотиб кўядигандек, – яшириниб ётади.

Шунингдек, сутка вақти ва йил фаслларига ҳам қўп нарса боғлиқ. Словацкий учун куз фасли ҳар доим серхосил, унумли бўлган. Шиллерга баҳор нафаси бир олам илҳом олиб келар, бутун киш бўйи бекор ўтирган бўлса, энди барча ният, мақсадларини амалга оширишга улгурар эди. Кичик Плиний денгизни кўриб, ундан куч оларди. Уммоннинг чексиз кенгликлари Дюамель учун ҳеч қандай аҳамиятсиз бўлиши, аммо Виктор Гюгонинг ижодий фантазиясини қанчалик жунбишга келтира олиши мумкин эди! Қўнғирокларнинг олис жаранги ва шамол шовқини, ёмғирнинг бир хил оҳангдаги шатир-шутури ва хувиллаб ётган қор босган далалар, ёш қайин дарахти баргларининг шитирлаши, қийғос очилган нилуфаргул, қўп йиллардан бери очилмаган қутича хиди, қаҳвага солиб ивитилган бисквит (*енгил пишириқ тури – тарж.*) таъми – ёзувчи учун ушбу кундалик ходисаларнинг ҳар бири улкан мафтункор воқеа бўлган, улардан қанчаси сезилмай, эътиборсиз қолдирилган ва яна қанчаси хали олдинда муҳайё бўлиб турибди.

Мопассан мазкур масала хусусида фикр юритиб, шундай деб ёзган эди: Инсон табиатининг фавқулод-

да ва эҳтимол, хатарли хусусияти эпидерма (*одам терисининг устки қатлами – тарж.*) ва барча органларнинг юқори ҳамда оғрикли таъсирчанлиги бўлса керак, улар воситасида майда-чуйда, арзимас хиссиётлар бизни ларзага солиш имконига эга бўлади, хаво ҳарорати, тупроқ хиди, об-хаво эса бизга озор бериши, хурсанд ё хафа қилиши мумкин. Театр залига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмайсан, чунки оломон билан бўладиган алоқа-муомала сирли тарзда бутун организмга таъсир кўрсатади, бал бўлаётган зал ҳам худди шундай, хушчакчакликдан ҳосил бўлган буғ муаллақ айланиб, кўнгилни беҳузур қилади, кайфиятинг тушиб, йиғлашингни ҳам, кулишингни ҳам билмайсан – хонадаги жихозлар, гулқоғозларнинг ранги, ёруғликка боғлиқ ҳолда эса баъзан табиий зехн, идрокнинг ўзига хос комбинацияси туфайли шунақанги зўр лаззат, хузур-ҳаловат хис қиласанки, асаб тизими мустаҳкам одамларга бунақанги хиссиётни бошдан кечириш ҳеч қачон насиб қилмайди... Бу нима ўзи: бахтми ёки бахтсизлик? Билмадим, лекин билганим шуки, агар асаб тизими оғрикни сезиш ёки ўзни йўқотгудек хаяжонга тушиш даражасида сезгир, таъсирчан бўлмас экан, у бизга ўртамиёна эмоционал туйғу ва рангсиз, хира таассуротдан бошқа ҳеч нима беролмайди.

Мопассан буларни ёзганда аввало ўзини, қолаверса, ўта таъсирчанликдан изтироб чекадиган ўзига яқин кишиларни назарда тутган. Ҳар бир ижодкор, санъаткор тушунтириб бўлмайдиган мойиллик ва антипатия (ёқтирмаслик) хусусиятларига эга, ҳатто рухий жиҳатдан соғлом ва босиқ, вазмин туйилган монументал шахслар ҳам бундан мустасно эмас. Салобатли, улуғвор Гёте саримсоқпиез ҳидини, кўзойнак такқан одамларни ва итларни ёқтирмаган. Ўзи

директорлик қилган театр сахнасида герцог буйруғига қўра ит пайдо бўлиши билан истеъфо берган.

Антипатия ва идиосинкразия (*организмнинг баъзи нарсалар таъсирини кўтара олмаслиги, ёқтирмаслиги – тарж.*)дан ҳам қўра кучлироқ намоён бўладиган хайрихоҳлик, мойиллик ва майл, ҳавас, қизиқиш, иштиёқ мавжудки, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳамон сирлигича қолиб келмоқда, баъзан улкан ва шу қадар жумбоқли аҳамият касб этадиган нарса (буюм)ларга қаттиқ боғланиб қолишлик, яқинлик, садоқат, меҳрибонлик туйғусини тушунтириб бўлмаслик боиси ҳам шундан.

Ёзувчи айни мана шу табиат манзараси тасвири ўзига ижобий таъсир қилаётганига ишонч ҳосил қилгач, унга томон интилади, табиат манзараси энди унинг учун заруратга айланади, усиз зерикиб, ғамга ботиб, изтироб чекади ва ёлғиз хотиралар билангина таскин топади. Баъзан бу дард-ҳасратни енгиш, етишмасликка қўниқиш ва тинчгина ишлаш имкониятини қўлга киритиш учун кўп вақт талаб қилинади. Инжиқликлар тазйиқидан қутулиш қобилияти сермахсул, жўшқин, ижодий куч-ғайрат ва яратиш иштиёқи билан тўлиб-тошган ёзувчиларгагина хосдир, бундай чидамликнинг етишмаслиги, гоҳо буткул кулларча итоаткорлик эса тафаккур, хис-туйғу ва фантазия бойлиги ўзига яраша бўлган кучсиз ва ожиз одамлар учун характерли бўлиб, уларда кучли ижодий завқ, хаяжон, тўлқинланиш деган туйғулар бўлмайди – улар баайни гулга кириши учун махсус парваришга муҳтож иссиқхона ўсимликларидир. Аммо уларни менсимаслик ҳам ярамайди, чунки улар орасида ғалати, енгилтак, пуч одамлардан ташқари, адабиётни ажойиб асарлар билан бойитганлари ҳам бор.

Илгариги замонларда ёзувчиларнинг ҳар хил ғалатиликлари, қилиқ ва қинғирликлари кам учраган.

Ўрта аср ёзувчилари, уларнинг деярли барчаси рухонийлар табақасига ёки роҳибликка мансуб бўлиб, мана шу гуруҳларга хос бўлган интизомга бўйсунган. Қадимда, Уйғониш даврида ва ундан кейин ҳам китоблар фаол ҳаёт кечирган саркардалар, сиёсий арбоблар, асилзодалар ва фаолликда уларга жуда яқин бўлган сарой аъёнлари ҳамда зодагонлар томонидан ёзилган – уларга қўлёзмалар устида кечаю кундуз мук тушиб ўтириш, керакли сўз, ибора ва истиораларни сайр ва суҳбатлар чоғида, овқатланиш пайтида ва ҳатто уйку орасида ҳам муттасил «пойлаш» мутлақ хос бўлмаган. Профессионал ёзувчилар – XVIII аср охиридан бошлаб, уларнинг сони тез ўса бошлади – сўз санъаткорлари ўз ишига шунчалик берилган шахсларга айландики, охир-оқибат улар ўз ҳаёти учун вақт тополмай қолишди.

«Мана, икки йилдирки, – деб алам билан ёзган эди Конрад дўсти Голсуорсига йўллаган мактубида, роман ёзаётган пайтидаги ўзининг хонанишин одамовилигидан нолиб, – биронта ҳам кинофильм кўрганим йўқ, бирор марта мусиқа ҳам тинглаганим йўқ, ҳаттоки одамга ўхшаб, шунчаки суҳбатлашиб, озгина дам олиш имкониятидан ҳам маҳрумман – чин сўзим!»

Организм доимий зўриқишлардан ҳолсизланган пайтларда, ишга қизиқтирадиган рағбатлантирувчи омилларни кидириб топишга тўғри келади. Адиблар томонидан қўлланилиши мумкин бўлган бундай жонлантирувчи воситаларнинг барчаси бирма-бир санаб ўтилган тадқиқот, афсуски, ҳали ёзилганича йўқ. Бундай тадқиқотда келтириладиган статистик материаллар нималарни кўрсатиши ҳозирча номаълум: эҳтимол, унда кўпчилик шоирларнинг ичмаслиги ўз тасдиғини топган ёки шоир халқи шиша билан дўст тутинган, деган кенг тарқалган фикр ифодаланган

бўлармиди, буниси бизга қоронғи. Аммо Кохановский ҳазил тариқасида эмас, балки жиддий равишда шундай деб ёзган эди: «Шоирни хушёр ҳолда кўрган кимса бормикин? Бунақаси ҳеч қандай яхши нарса ёзолмаган бўларди». Кохановскийдан икки минг йил олдин, эрамиздан аввалги V асрда яшаб, ижод қилган афиналик комедиограф Кратин «Шиша» номли пьеса ёзиб, унда ўзини Комедия исмли қонуний хотини ва «пиёнисталик» деган маънони англатадиган Мете исмли жазмани билан бирга тасвирлаган экан.

Май мисрлик арфа чалувчи созандалар созида кўпириб, унинг марварид янглиғ инжу кулгиси Бобил миҳхатида акс садо берган, «шоҳ асар» ширин узум шарбатига тўйинган. Узоқ Шарқда Ли Тайбо – хитойлик полвон Хуанхэ дарёсида маст ҳолда Ойнинг сувдаги аксини тутаман деб, қайиқдан тушиб кетган. Грек поэзиясида асрлар оша давом этиб келаётган Дионисий оқими Анакреоннинг қувноқ, шўх ўланига гувоҳ, ривоятларга қараганда, у саксон ёшида томоғига узум тикилиб ўлган экан. Эврипиднинг қип-қизил «Маишатбоз хотинлар»и Аристофаннинг исланган бурдуғи хидига кўшилишиб, тонгги шудринг каби нафис лирика билан аралашиб кетади. Кейинчалик Бахус Римга боради ва Лукреций биринж (бронза) қадахни кўпириб турган ўткир ичимлик билан тўлдиради. Ҳораций биллурдай соф шеърлар узра бир қадах май кўтаради, уни Уйғониш даврининг одамларига узатиб, Ронсарни стол (дастурхон)га таклиф этади, Кохановский билан эса «гулдор кўза» атрофида учрашади. Шаробнинг шоирлар ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги трактатда ўтган барча замонларнинг «poetes maudits»лари тўғрисида анчагина ноаниқ саҳифалар мавжуд – искандариялик шоирлардан бири «Ҳам ёмғир, ҳам тун, ҳам май» деб куйлаган бўлса, улуг шоир Ҳофиз ўз ғазалла-

рида майни «гунохлар қайнатмаси» сифатида мадх этган, бошқалари эса «жодугар харобалари» оша Вийон майхоналари ва богема болохоналари бўйлаб, ўз ёввойи шон-шухратлари сари йўл олишган.

Май, албатта, фикрга тиниклик ва парвоз, қалбларга ўзига хос қувонч бахш этиб, ёкимли уйғунликни юзага келтиради. Майнинг адабиётга кўрсатган муруватлари улкан, етказган зарари эса арзимасдир, чунки ҳатто энг ашаддий пиёнисталар ҳам ундаги ҳаётбахш куч-қудратнинг самарали таъсирини ҳис этишган. Бу борада фақат биргина одамнинг омади чопмаган – буйраги касал Эразм Роттердамли уни май билан даволайман деб, беҳуда уринган.

Ижод дамларида ичилган бир қадах асл май дилдаги ғуборларни тарқатибгина қолмасдан, тасаввур кучини алангалатиб, фикрга рух, ғайрат бағишлайди – истиоралар булоқдай қайнаб, жўш уради, сира кутилмаган, ногаҳоний ассоциация (*айрим фикр, ҳис-туйғу, тасаввур ва ш. к. бир-бири билан ўзаро боғланиши* – тарж.)ларнинг қисм, бўлаклари кенгайиб, тобора авжига чиқади; бунга мисол қилиб, Честертон (ижоди)ни келтириш мумкин, шунингдек, Ромен Роллан ҳам, бургунд шаробидан сўнг, дин тарғиботчиси сифатида ваъзхонлик қилган йилларида сўнган ёшлик ғайрати қайтадан жўш уриб, кўпирган асари – «Кола Брюньон»ни узишга муваффақ бўлган.

Анатоль Франс «Temps» – «Вакт» газетаси учун хар ҳафта фельетон ёзишга ўтираркан, ёзув столи устига вино қуйилган графин қўйишни унутмас, гарчи ҳеч қандай мойиллиги бўлмаса-да, унга якинроқ ўтирволиб, ишга киришарди. Бир куни сира кутилмаган қизиқ воқеа рўй беради, адашиб, вино ўрнига коньякли графинни стол устига қўяди. Перони сиёҳга ботиришдан аввал, олтиндай сап-сарик суюқликдан бир қадах «уриб» олади, сўнг бирдан... ўйланиб қо-

лади: кучли ичимлик таъсир қилса, энди фельетон нима бўлади? Аммо узоқ ўйлаб ўтирмай, ёза бошлайди. Қараса, вазият бошқача, хавотирга ўрин йўқ, перо саҳифалар бўйлаб шиддат билан елдай бориб келарди. Бир соатдан сўнг, фельетон тап-тайёр бўлди, босмахонадан чопар – хат ташувчи бола келиб, опкетди. Эртаси куни таҳририятдагилар уни бош муҳаррир Эбрар йўқлаётганини айтишди. Тамом бўлдим, ўйлади Франс, энди ишдан ҳайдалсам керак. Йўқ, бошлик ҳузуридан моянаси ошиб, хурсанд ҳолда чиқиб келди. Бу – ундан кутишмаган ва жўшқин ғайрат билан ёзилган фельетон учун мукофот эди.

Эҳтимол, бу коньяк адабиёт учун ажойиб хизмат кўрсата олган ягона тасодифдир. Умуман олганда эса у арақ билан бир қаторда кўплаб мусибатларга сабаб бўлган. Қанчадан-қанча истеъдодлар қадах ичра чўкиб кетмаган дейсиз! Шибишевский мактабида ичкиликбозлик (ўз-ўзидан равшанки, шайтон амри билан) сноб¹ ва графоманлар² учун литрлаб ичилган арақ ҳисобига адабиётда ўзига қулай шароит яратиб олишда жуда яхши восита ҳамда шон-шухрат сари элтадиган йўл саналган. Шибишевскийни умрининг сўнгги йилларида ким кўрган бўлса, у худди Достоевский романлари саҳифаларидан тушиб келгандай, титраб-қақшаб турадиган арақхўр, йиғлоки, айбини ўпичлар билан бўйнига олишга уста, бўлса-бўлмаса минғирлайверадиган аянчли, ночор, нотавон шахсга айланган эди. Ҳаётининг ўша ғам-аламли даврида ёзилган «Мотам салтанати» номли бемаъни, тутуриқсиз ва ярамас китобчасини ким ўқиган бўлса агар,

¹ Сноб – ўзини билимдон деб ҳисобловчи, куруқ олифта, худбин одам.

² Графоман – графомания (ёзишга ишқибозлик, ёзувчиликка беҳуда уриниш, қўлдан келса-келмаса ёзавериш касали) га йўлиққан киши.

нотўғри йўлдан сирпаниб кетган талантнинг яққол инкирозига гувоҳ бўлиб, унинг беҳуда совурилган етуклик йилларига астойдил ачинган бўлса керак.

Бу хилдаги ичкиликбозлар исталган мамлакатнинг XIX аср адабиётида учрайди. Улар ўз даврининг офати эдилар. Улар ўзларининг бемаъни ғоялари, сохта хис-туйғулар, тушкун кайфият, бўш ва ночор услублари билан фақатгина тилнинг камбағаллашувига хизмат қилишган, холос. Ёлғиз Верлен бундан мустасно эди. Верлен абсентдан¹ захарланган бўлишига қарамасдан, олий рух учқунини то охирига қадар сақлаган, фақат уни асрай олмагани кечириб бўлмас ҳол эди.

Оддий пиёнисталардан ташқари, ё адоий-тамом бўлган ёки ҳолдан тойган талантлар ҳам алкоғолдан нажот қидириб, ундан рағбатлантирувчи омил сифатида фойдаланмоқчи бўлишган. Ўз-ўзидан яққол кўриниб турибдики, бундан ҳеч қандай наф бўлмайди, барчаси ўз-ўзини алдаш, шунчаки сиртдан кўриниш ва ижодий ғайрат иллюзияси, холос. Алкоғолизм кўпроқ депрессия (рухий тушкунлик), умидсизлик, чорасиз, мушкул ҳолатларда ўзига тортади, масалан, қирқинчи йилларнинг бошланиши, Варшава богемаси даври ёки самарасиз, беҳуда ва ночор ўтган йиллар шулар жумласига киради. Бироқ шоирлар ўз тамғаларига қадаҳ тасвирини тушириб, уни сирли Грааль қадаҳига айлантиришга уринадилар. Пшибишевский «Замондошларим»да ичкиликбозликнинг мистик ҳаяжонга яқин эканини исботлашга ҳаракат қилган. Варшава богемаси эса пиёнисталикка қоҳинлар либосини кийгизган – бу башоратгўйлик қобилятини бахш этадиган аллақандай сирли ибодатга бағишлов бўлмоғи лозим эди.

¹ Абсент – какра, эрмон сингари гиёҳлардан тайёрланган спиртли ичимлик.

Хуллас, «poetes maudits»лар шундай бўлишган. Бу ном айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида кенг тарқалган бўлиб, маълум бир ижтимоий гуруҳга мансубликни англатадиган қандайдир «унвон»га айланган. Шоирни ҳеч нарса қонундан ташқари ҳаёт, шубҳали юриш-туриш, полиция билан бўладиган низо-жанжалларчалик машҳур қилолмаган. Кимки апаш (*безори, ўғри, бандит ва ҳ. к. – тарж.*) бўлиш «бахти»га муяссар бўлмаган бўлса, унда арик-зовурларда ағанаб ётишдан бошқа нарсага ярамаган. Шифохона ёки сихатгоҳ (санаторий)да бир ой ётиб чиқиш олий даражадаги мукофотни олиш билан барабар бўлган.

Ёзувчилар орасида, афсуски, гиёҳвандлар ҳам учраб туради. Морфий, кокаин, афюн, пейотль аввалига уларнинг қизиқувчанлигини оширган бўлса, кейинчалик кўтаринки руҳ, экзальтация (бенихоя хурсанд бўлиш, қаттиқ ҳаяжон – тарж.), поэтик ҳиссиётларни ҳосил қилиш ҳамда ёрқин ранглар ва дабдаба учун зарур бўлган. Гарчи Бодлер ва Квинси номлари гиёҳвандлар рўйхатига киритилган ва эндиликда Олдос Хаксли пейотль алкалоиди – мескалин муҳлиси сифатида унда янгидан-янги ҳиссиётлар, янги ғоялар ва янги уфқлар сари олиб борадиган йўлни кўраётган бўлса-да, бундай оғули нариги дунёга биринчи навбатда мияси айниган, асаб тизими ишдан чиққан, тасаввур кучи тамом бўлган заиф шахслар ёки ўзларини инсониятнинг сўнгги авлодига мансуб деб билган ва бунга қатъий ишонч билан яшайдиган декадентлик¹ руҳидаги кимсалар интиладилар. Гиёҳвандлар сафида Софокл, Шекспир, Гёте сингари ёзувчиларни тасаввур этишга ақл бовар қилмайди – бундай кишилар сох-

¹ Декадентлик – XIX аср охири, XX аср бошларида адабиёт ва санъат соҳасида пайдо бўлган тушкун нореалистик оқим.

та ва «ўғирланган» хиссиёт ва ҳолатларни деб, ўзларини ўзларни заҳарламайдилар, ўзларидаги аклий жўшқинлик ва тиниқликни ҳеч қачон қурбон қилмайдилар, негаки барча яхшиликларни ундан оладилар, улар учун бутун борлиқ шундай бир кадрият, шундай бир жозобаки, ҳатто уйқуда ўтган дамлар ҳам уларга оғир йўқотишдай тўйилади.

Ғалатилик ва ишкибозликлардан холи ёзувчини топиш амри маҳол. Иш пайтида бутун диққат-эътиборни жамлаш, фикр, хотира тиниқлиги зарур ва уларни мустаҳкамлаб бориш фойдалидир. Шиллер ишлаётган пайтида оёқларини совуқ сувга солиб ўтирган, Бальзак баъзан тош (ғиштин) пол устида оёқяланг туриб ишлаган. Байрон иш пайтида лауданум (*афюн қўшилган дори – тарж.*) ичар, Прус ўткир атир, Якобсон – сунбул, яна кимдир эса чириган олма ҳидларкан. Ибсен қадахга нисбатан бепарво бўлмаса-да, иш пайтида кераксиз қоғозлар ва газеталарни йиртадиган одати бор эди. Руссо қуёшда бошяланг турволиб, тафаккурини жадалроқ ишлашга мажбурлар, Боссюэ худди шу мақсадда совуқ хонада ўтирган қўйи бошини мўйнага ўраб оларди. Уларга бундай усулларни қўллашни ҳар бирининг ўз шахсий инстинкти «айтиб» турган ва бу нарса, физиологларнинг фикрича, ижодий иш пайтида зарур бўлган мияга қон оқимининг кучайишини таъминлашга хизмат қилган. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, унда Мильтон ҳаммадан ҳам кўра тўғрироқ йўл тутган бўлади – у пастаккина софа (кенг юмшоқ диван) да ётволиб, бошини полга теккудай осилтирган қўйи айтиб ёздирар эди.

Қахвани Копт роҳиблари кашф қилишган. Айрим пайтларда улар бирйўла қирқ соат давомида муттасил ибодат қилиб, дуо ўқишлари, бунинг учун эса бедор бўлишлари лозим бўлган, бироқ буни уддалаш

хар доим ҳам осон кечмаган. Иттифоко, роҳиблардан бирининг диққатини кутилмаганда эчкилар ўзига тортади, улар қандайдир номаълум бутазордаги ғажиб-кемирғач, фавқулудда ўйноқлаб, тинмай югуриб юришарди. Дарҳол меваларни териб келиб, яхшилаб қовуришади, сўнг ундан тайёрланган қайнатмани ича бошлайдилар. Бу – қаҳва эди. Араблар ушбу афсона устидан кулишади: уларнинг фикрича, қаҳванинг ватани Яман ҳисобланади. Дастлаб қаҳва мусулмон дини томонидан таъқибга учраб, қувғинни бошидан кечиришига тўғри келди. Аммо кўп ўтмай, унга кўника бошлашди, кейинчалик эса ўзига мутаассиб мухлислар ҳам орттирди. Европага қаҳва анча кеч етиб борди. Кульчицкий деган одам, у Польша қироли Ян Собесский аскарлари бўлган, Вена яқинидаги турклар лагеридан бир неча қоп қаҳва топиб олиб, Венада Европадаги биринчи қаҳвахонага асос солади. Мазкур воқеа билан боғлиқ муҳим сана у ерда то ҳозиргача нишонлаб келинади. Бироқ Польшада қаҳва шляхта (*майда поляк дворянларининг умумий номи – тарж.*)нинг таъбига тўғри келмади. Поляк адабиётида қаҳвани биринчи бўлиб тилга олган Анжей Морштин бу ҳақда нафрат билан шундай сатрлар битган:

*Эсимда, Мальтада қачонлардир ичган эдик
Мустафо ва Мурот пошшолар ичимлигин;
Мазаси ёлғиз турк халқига бўлибдир маъқул,
Насронийга идишин булғаш кетими зарил.
Ўвуз, золимларни айлабдир қаҳва ўзига шайдо,
Бундайин оғу, заҳардан бизларга на фойда?..*

«Турк амброзиясининг¹ pragmatographia de legitimo usu, яъни турк қаҳвасини тўғри истеъмол қилиш

¹ Амброзия – юнон афсоналарида: илохларнинг мангу ёшартирувчи озукаси.

баёни» номли китоб босилиб чиққунга қадар, орадан юз йил вақт ўтди. Бу орада Чарториский «Қаҳва» номли комедиясини ёзади, «кафехаус» (қаҳвахона) лар ишга тушади, Йоханн Себастьян Бах қаҳвага бағишлаб, кантата ёзади. XVIII асрда яшаб, ижод қилган Вальтер, Дидро, Руссо, Мармонтель, Лесаж, Гриммлар – уларнинг барчаси «Режанс» қаҳвахонасининг доимий, кунда-шунда мижозлари бўлишган, улардан кейин ҳам адабиётчиларнинг яна кўплаб авлодларини қабул қилган бу қаҳвахона бугунги кунда ҳам мавжуд – қаҳва ҳақида ўқишга арзигулик асарлар ёзишган. Ёзувчилар стол устида бўлиб чиқиб турган илк қайноқ қаҳвани кўриб, хурсандликларидан унинг ажойиб сифатларини таърифлашга сўз тополмай қолишган. Дарҳақиқат, қаҳва кишига хузур-халоват бағишлаб, кайфиятини яхшилаган, руҳини кўтариб, дард-ғамдан халос қилган. Кейинчалик Мишле буюк ва хайрли ўзгариш ҳақида бундай деб ёзган эди:

«Қаҳва трактир (ресторан)ларни тинчитди, ўша шармандали трактирларда Людовик XIV ҳукмронлиги даврида ёшлар вино бочкалари ва бузуқ кизлар орасида бебошлик қилиб, қутуриб, ҳаддидан ошарди... Қаҳва пайдо бўлгандан буён кечалари мастона ашулалар камроқ эшитиладиган бўлиб, кўча-кўйдаги ариқ-чуқурларга йиқилиб тушадиган эркаклар сони ҳам камайиб қолди. Сан-Домингодан келтирилган, Бюффон, Дидро, Руссолар истеъмол қилган, усиз ҳам қайноқ қалбларга янаям кўпроқ кўр бағишлаган қорамтир қаҳва ичимлигида 89-йилнинг алангаси йилтираб кўринарди».

Худди шу қаҳвани Француз инқилобининг тарафдорлари бутун Европада севиб истеъмол қилишарди. Ваймардаги Шиллер уйида бир вақтлар шоирнинг хотини «Арабистоннинг ажойиб тухфаси»ни қуйиб

узатган чашка хурмат, иззат-икром рамзи сифатида хануз сақлаб келинади. Бальзакнинг ижодий услубида бу ичимликнинг рухлантирувчи таъсири сезилиб туради. Бальзак хақида шундай гап юради: эмишки, эллик минг чашка қаҳва ичиб яшаган ва шунча қаҳва ичиб ўлган. Афтидан, бу рақамлар бир оз камайтириб кўрсатилган, чоғи.

Европада икки аср давомида урф бўлгандан сўнг, қаҳва дастлабки шон-шухратини оз-моз йўқотган бўлса-да, бироқ ўзининг аъло сифатларини сақлаб қололди. Ҳаттоки вино ҳам у билан рақобатлашолмайди. Қаҳва тафаккуримиз билан воқелик ўртасига туриб олмайди, тасаввуримиз механизмига путур етказмайди, ҳис-туйғуларимизни алдамайди. У бизга тўла мустақиллик беради, фикрларимизни жамлашда чидамлилик бахш этади, унинг таъсири остида фикр энгиллашади, ҳеч нимага чалғимайди, қаҳва чарчок ва у ўзи билан олиб келадиган: апатия (руҳсизлик), хар хил шубҳа-гумонлар, кутилаётган тўсик ва қийинчиликлар олдида қайғуга тушиш ва ш. к. ёқимсиз ҳис-туйғулардан халос этади. Баъзи бир одамларга чой ҳам худди шундай ёрдам кўрсатади.

Чойни Европага 1610 йилда Ҳолландиянинг Ост-Инд компаниясига қарашли кема олиб келади ва у бир авлод умри мобайнида деярли бутун Европа қитъасини забт этади. Жозеф Аддисон ва Ричард Стил Англиянинг адабий давраларида чой шухратини оширишга бош-қош бўлдилар. Чарлз Лэм чойга ҳақиқий хитойликка сифингандай, сажда килди. Хитойнинг ўзида эса чой поэзияга саккизинчи асрда кириб келди ва ўшандан бери шоирлар илхомининг энг ажойиб манбаларидан бири бўлиб қолди. Хитой ва Японияда чой ичимлик мақомидан юкори туради, бинобарин, у ўз теварагида урф-одат ва анъаналарни юзага келтирган рамз ҳисобланади, чойнинг,

шунингдек, этика ва эстетикага таъсири ҳам қайд этилган. Шоир Лу Ю уч жилддан иборат «Чойнинг муқаддас китоби» муаллифидир, унда чойни дамлаш ва уни истеъмол қилишга доир бутун ер юзидаги расм-русум ва тартиб-қоидалар мукамал тарзда баён қилинган. Қаҳва билан чой дунё ўртасида ўзаро бўлиб олинган: Хитой, Япония, Хиндистон ва Россия – чойнинг таянч мамлакатларидир, Фарбда унга фақат Англия содиқ қолди, қаҳва эса Якин Шарқда, бутун Фарбий Европада, иккала Америкада, Осиёнинг мусулмон давлатларида ва Африкада ҳукмронлик қилмоқда.

Мана бир ярим асрдирки, тамаки ёзувчининг иш пайтидаги доимий, ажралмас ҳамроҳига айланган, бу ҳақда англиялик пуритан бир танқидчи даҳоларнинг аста-секин ғойиб бўлиб бораётганининг сабаби ҳам шу эмасмикин, деган фикр билдирган экан. Унинг айблови баҳона тамакига бундан икки юз йил муқаддам, Европада эндигина тарқала бошлаган XVI аср охирларида ёғилган тавқи лаънат қайтадан жонланди. Уни (тамакини) дин тарғиботчилари – воиз, ваъзхонлар папа анафемаси¹ ихтиёрига топшириб, кимки ана шу «аччик, бадбўй иблис дориси»ни чекадиган бўлса, у дўзахда ҳам тамаки тутунида дудланиб, коврилади, дея дағдаға қилдилар. Қироллар ва парламентлар фармонларига мувофиқ, тамаки қаттиқ тақиқ остига олиниб, қатъий жазо чоралари жорий этилди: бир тортим тамаки чекиш ёки бир чимдим тамаки хидлаш одамлар учун қанчалик қимматга тушиши мумкин эди. Айниқса, адабиёт денгиз ортидан келтирилган гиёҳдан ҳеч қандай яхшилик чиқмаслиги ҳақида бонг урарди:

¹ Анафема – лаънатлаш, муртад деб эълон қилиш, черковдан четлатиш.

*Сен юқумли маразнинг худди ўзисан,
Одамларнинг ақлин хиралаштириб,
Ашаддий чекишнинг оқибати-чи –
Шайтон васвасаси каби беради фириб...*

1636 йилда Краковда нашр этилган «Тамакининг кўлбола арақ билан тортишуви» номли дostonда са-могон (кўлбола арақ) ҳам танқид қилинган. А.Зи-моревич тамаки тутунидан ажойиб муқояса тўқийди:

*Тамакининг паға-паға қора тутуни
Furpa бўғар томоқдан қонхўр қотил баайни...*

Тамаки XIX асрнинг ўзидаёқ нафратга дучор бўл-ган: Гёте унинг яқинига йўламас, Бальзак тамакига қарши таҳдидли нутқлар ирод этарди. Бунга кўп жиҳатдан тамакининг ўзи ҳам айбдордек – баъзан вазият чинданам чидаб бўлмас даражага бориб етар-ди. Айниқса, қанақа навлиги номаълум ва нўноқлик билан пала-партиш тайёрланган «махаллий» тамаки-лар қаттиқ қораланиб, ҳақли норозиликларга сабаб бўлар, ёзувчилар эса ижтимоий погонанинг энг қуйи босқичидан ўрин олган: истеъфодаги аскар, чопар, хабарчи, отбоқар каби ўз қаҳрамонларини ана шу ярамас нарсани чекишга «мажбур» қилар, бу ўз нав-батада уларнинг контрабандачилар билан ўзаро тил бириктиришлари учун қулай шароит яратиб берар эди. Чекишга ўрганиб қолган Мицкевич чилимсиз иши битмай, ошна-оғайниларига турк тамакисидан топиб беришларини сўраб, ялиниб-ёлворарди.

Бу пайтда Круасседа Гюстав Флобер пошшо каби паға-паға тутатиб, трубка чекаётган бўлса, Жорж Санд бутун Ноан округини сигараси билан хайрон қолдирган, шу тариқа тамаки эркинликка эришган аёллар хурлигининг яна бир рамзига айланган эди.

Худди унга ўхшаб, ўзимизнинг Жмиховская ҳам сигра чекарди. Ёзувчилардан кимлар тамаки хидлаган дейсизми? Гапнинг очиги, аниқ билмайман. Эҳтимол, Станислав замонида яшаган шоирлардир, чунки қирол Станислав тамакидонни ўнгу сўлига қарамай, ҳар кимга тортиқ қилиб юбораверган, бу ўша «Пан Тадеуш»даги Подкоморийнинг отасидан мерос қолган тамакидонни эслатади, балки Наполеоннинг кекса тажрибали жангчиси Александр Фредродир, – унга ўхшаганлар бурнаки тамакини эъзозлаб, ардоқлашган.

Бизнинг замонимизга келиб, тамаки ҳақидаги жанжал-тортишувлар аллақачон унутилиб кетган, эндиликда деярли ҳар бир ёзувчининг иш кабинети тамаки тутуни тўлдириб турибди. Тишлар орасига қистирилган трубка ёки кўрсаткич ва ўрта бармоқлар орасига пала-партиш назокат-ла қисилган сигарета фотосуратлар, карикатура расмлар ва кинофильмлар воситасида оммалашадиган ёзувчилар иконографиясининг¹ сеvimли атрибутларидан саналади. Французларда ярим сигаретани оғиз бурчига қистириб, кўзлари тутун пардасида хиёл қисилган, юзи эса ё ғамгин ёки истехзоли бужмайиб турган ёзувчилар тасвири кўп учрайди. Одатда ашаддий кашандалар шундай суратга тушишни яхши кўришади. Баъзилари ҳақида ҳатто афсоналар ҳам тўқилган, масалан, Поль Валери кабинети эшигининг тиркишидан қуюқ паға-паға тутун чиқариб, хизматкорларни кўрқитса, Леон-Поль Фарг ҳеч қачон оғзидан сигаретани қўймас экан.

Тамаки салтанатида икки буюк сулола: турк ва виржиния тамакиси биринчилик учун ўзаро курашиб

¹ Иконография – бирор шахс ёки сюжетга доир тасвирларни ўрганиш, тавсифлаш ва шундай тасвирлар йиғиндиси, мажмуи.

келади. Биринчиси – Европа китъасини ва Ўртаер денгизи сохилларини, иккинчиси эса англосаксларни забт этган. Фақатгина французлар яққол ҳақиқатни тан олгилари келмай, ўзларининг *tabac poig*, яъни қора тамаки – «капорал»ларини макташгани-макташган. Куртелин инглизларнинг юморига кизиқиб қолиб, саёхатларни ёқтирмаса-да, Лондонда бир ой бўлишни ният қилиб, йўлга тушибди. Эрталаб барвақт жўнаб кетган одам кечқурун яна ўзининг севимли қахвахонасида домино ўйнаб ўтирганмиш. Бунчалик тез қайтганига ҳайрон бўлган дўстларига:

«Жуда ёмон шахар экан, – дебди у, – биласизларми, у ерда «капораль» топиб бўлмакан!»

Шундай қилиб, Куртелинга ўз комедияларини инглиз юмори билан бойитиб, янгилаш насиб қилмабди.

Тамаки ёзувчи ҳаётидаги энг кучли иблислардан бирига айланди. Кимки унга бир бор берилдими, энди тамаки тутунисиз бир жумла ҳам ёзолмаслиги тайин. Ҳар қандай иблис сингари тамаки ҳам сирли тарзда ҳаракат қилиб, тафаккуримизга ўз таъсирини ўтказишнинг ҳадисини олган, қолаверса, айнан тамаки тутуни орасидан узоқ кутилган кўнгилдаги сўзлар чиқиб келишини ҳеч ким инкор этолмайди.

Аммо шунга қарамасдан, энг кучли «ғиёҳванд» модда, бу – марокли мавзу, жўшқин фикр ва ўртанган тасаввур – энг олий даражадаги завқ-шавқ ҳолати бўлиб қолаверади, бунда гўё ғор остидан кўзни қамаштирадиган ёруғликка чиққандай бўласан, киши. У биз учун буткул кутилмаган ва айни чоқда шундай таниш воқеа, ҳодиса ва тасодифлардан тўкилган, бизлар учун гўё аллақачонлар махсус тайёрланган ва кўз олдимизда ўзининг бор бўй-басти, дабдабаю хашамати-ла намоён бўлмоқ учун бунга сабр билан кута-кута эришган, холос.



Сўз – улкан тилсимот. Барча динлар нутқ қобилиятини инсонга ҳаёт билан бирга бериладиган товушлар, шакл-шамойил ва қонун-қоидаларнинг бутун бир потенциал (яширин имконият, салоҳият)ли бойлигидан иборат Тангри инъоми деб ҳисоблашган. Халқлар ўзларини илк инсоний нутқ меросхўри деб ҳисоблаш ҳуқуқига эга бўлиш учун бир-бирлари билан талашиб-тортишиб, курашиб келган ва ҳар бири ўз далил-исботларини келтириб, баъзида ўта оддий йўл тутишган – бу ҳақда Херодот одамлардан узоқда ўсиб улғайган болалар ҳақидаги қиссасида хикоя қилган. Яҳудий тили кўп асрлар мобайнида Моисей (Мусо алайҳиссалом) китобларининг обрўсини суистеъмол қилган ҳолда қолган барча халқларга гўё дунёнинг яратилиш пайтида илк сўзлар шу тилда талаффуз қилинган ва биринчи одам: Одам алайҳиссалом томонидан ҳар бир махлуқ, жониворга берилган исм унинг тўғри исмидир, деб бор ҳақиқатни эълон қилган деган ишонч, эътиқодни даъво этиб келган.

Биз ҳар қанақанги ходисани фақат унинг тараққиёти замирида кўриб чиқамиз. Юзлаб оддий ва чуқур маъноли гипотеза (илмий фараз, тахмин)лар (вақт ўтиши билан уларнинг ҳам оддий эканлиги маълум бўлди) тилнинг келиб чиқиш сир-синоатини аниқлаб, ойдинлаштиришга ҳаракат қилган ва буни инстинкт ҳосиласи, яъни нутқ табиатдаги товушларга тақлидан ундов сўзлар ёки ономатопея (*тилшуносликда товуш*



тақлиди йўли билан сўз ясашиш жараёни – тарж.) туфайли пайдо бўлган бўлиши мумкин, деб ҳисобланган. Башарият тонгининг тошлари, эолит (тош асрининг энг қадимги даври) – инсон кўл меҳнатининг илк излари аранг ёритиб турган тарихнинг сукунатли қаъридан бу ҳақда қандайдир кўрсатмалар ёки йўл-йўриқлар қидириш бефойда. Тадқиқотчилар қазиб олинган одамнинг бош суяги ва илк товушларни ҳосил қилган жағларни зўр диққат-эътибор билан ўрганаркан, нутқ маркази қаерда жойлашган бўлиши мумкин, деган саволга жавоб топишга уринишган.

Хўш, илк товушлар қандай пайдо бўлган? Афсуски, бунга жавоб йўқ. Эҳтимол, атроф муҳитга товуш чиқариб, жавоб қайтарадиган гўдакнинг илк овозлари каби ёки бизга ҳозир ҳам маълум бўлган оддий реакция (сезиш, таъсирланиш, ўзгариш)лар натижасида ҳосил бўладиган айрим, алоҳида унлилар орқали, яъни одам ҳайвонларнинг товушларига, табиий шовқинларга тақлидан нутқни тинмасдан такомиллаштиришга хизмат қиладиган ҳикилдоқ, тил ва лабларнинг энг қадимги ҳаракатларини такрорлаш туфайли ҳосил бўлгандир. Менга ёзувчиларнинг бесабрлиги таъсир қилади, чунки ўзим ҳам бунга қўшилишаман, уларни ўз тасаввурлари илк тош асрининг бокира, маъсум дунёсига элтади; фандаги кашфиётларни кутиб ўтиролмай, илк инсон нутқининг ҳозирги кунгача номаълум бўлган товушларини эҳтиёткорлик ва ҳурмат-эҳтиром билан ўзлари яратишга уриниб кўрадилар. Аммо шунинг баробарида бутун сўзлар ва ҳатто жумлаларни «эзотерик анъана» тарзида тушунтириб, майнавозчилик қиладиган ва бу билан сўз бешиги узра ҳукм сурган сукунатни бузадиган нотавон уйдирмачиларни ёмон кўраман.

Айрим тадқиқотчилар мана шу сир-синоатлардан ҳеч бўлмаганда озгина бир бўлагини олиб, эҳти-

ёткорлик билан кўплаб изоҳ, эслатмаларни илова қилган ҳолда бизга тош асри даврининг бир қанча бўғинларини тақдим этмоқчи бўлишади. Бундай бўғинлар сирасига, масалан: «камень» (тош) тушунчасини англатадиган «хам» ёки «кам» ўзаги киради. Агар шундай бўлса, мазкур сўз ўзаги нутқимиздаги қимматбаҳо тошларнинг энг асили ҳисобланади; Свентокшискдаги тош печка (мўрча)ларнинг қоронғи йўлаклари бўйлаб борарканмиз, унинг қадамларимизга ҳамоҳанг овозини тинглагандай бўламиз. Бироқ бу бўғин ҳам, агар нутқ психологларининг гапларига ишонадиган бўлсак, сўзлар предмет (нарса, буюм) ларни англата бошлаган анча кеч даврга тааллуқли бўлган. Зотан, дастлаб сўз очлик, кўркув, хузур-халоват туйғуларини англатган, холос. Ўйлайманки, Коинот таркиб топган бир неча ўнлаб кимёвий унсурларнинг кашф қилиниши сўз оламини яратиш учун шу қадар оз миқдордаги товушлар кифоя қилган, деб тахмин қилишга асос бўла олади. Афсус, бундай овозлар материяси унсурларини, мураккаб моддаларга нисбатан қилингани каби – ҳар бир сўз, ҳар бир шаклни таснифлаш имконига эга эмасмиз, қолаверса, ҳаттоки Менделеев жадвали ҳам бундай унсурларни тартиблашга қодир эмас.

Ҳозирги замон илм-фани қайд этганидек, тилларнинг сони ниҳоятда улкан, бу рақам Бобил минорасининг қулаши ҳақида кимлардир қачонлардир ўй суриб, тушларига кирганидан ҳам кўра кўпроқни ташкил этади. Тиллар даҳшатли, ваҳимали, машъум ва мудҳиш товушларга тўла, уларда сўзлар ўрнига баъзан минғир-минғир, хур-хур, чўлп-чўлп овозлар эшитилади, радиода ногоҳ анамит тили янграб қолса борми, гўё қути ичидаги қўғирчоқ ва ўйинчоқлар тилга кириб, гапирворгандай туйилади. Бўғиз, тил, танглай, тишлар ва лаблар ҳамда инсон томоғи қо-

дир бўлган ҳар қандай нафас товушларидан иборат оркестр ҳосил қилиши мумкин бўлган барча товушлар — буларнинг ҳаммаси аллақачоноқ қолдиқсиз батамом фойдаланиб бўлинган, деб тахмин қилиш мумкин эди, аммо бу қаттиқ янглишишдан бошқа нарса эмас: умуман олганда, инсон нутқининг фонетик тузилиши, мавжуд туйилган барча тафовутларга қарамасдан, бир хилдир. Фақат Ҳеродотгина форда яшаган эфиоплар тили худди «кўршапалакларнинг вижир-вижири»га ўхшаш, деб айта олган бўлур эди. Қизиқ, кўршапалакларнинг қандай сайрашини ким эшитганикин? Биронта ҳам инсон тили икки унсур: ундош ва унлиларсиз мавжуд бўлолмайди. Ҳеч қайси бир қабила фақат ва фақат ундошлардангина иборат бўлган тил яратишга муваффақ бўлмаган, баъзилари эса ҳатто кўплиги боис, улардан воз кечган. Полякларга икки дюжина ундош, бошқа кимларгадир бунинг ярми етарли бўлган, қолаверса, ундошлар сони атиги еттитагинадан иборат тиллар ҳам бор, лекин бундан улар на қашшоқлашиб ва на оҳангдорлиги камайиб ҳам қолгани йўқ.

Декарт охириги фикрни ишончсизлик билан қабул қилган бўлур эди. Чунки у ақл-идрок бутун одамзот ўртасида ҳамма нарсадан ҳам кўра тенг, баб-баравар тақсимланган деб ишонар ва бундай тилларни ё сохта ёки ўз ишига масъулиятсиз кишиларнинг шунчаки эрмаги деб ҳисоблаган бўларди. Агар Декарт фикрига қўшилишадиган бўлсак, яъни ақл-идрок гўё барча мамлакатлар, халқлар ва ирқларнинг фуқароси бўлган тақдирда ҳам, Платон ва Аристотель бизларни таъмин этишга ғамхўрлик қилган ўша мантик ҳамма жойда ҳам худди шундай кучга эга ва бир хил мажбурият юклайди, деб ўйлаш хато бўлур эди. Агар тилимизнинг флексия¹ ва синтаксис қоидала-

¹ Флексия — грамматикада: сўзнинг турланиш ёки тусланиш пайтида ўзгарадиган тугалланмаси.

рини яхши билмасангиз, унда бошқача фикрлаш ва бошқача гапириш ҳам мумкин. Биз эса ўз грамматикамиз билан жаҳон тиллари ўртасида озчиликни ташкил этамиз. Чунки родлар, келишиқлар, сон, феъл замонлари ва турларига эга бўлмаган тиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларда от ва феъллар фарқланмайди, бошқа бир тарафдан эса, родларнинг жонли ёки жонсиз эканини айирадиган тиллар ҳам бор. Масалан, Африкада яшовчи масайлар тилида ҳам катта ва кудратлини, ҳам кичик ва кучсизни билдирадиган род мавжуд. Бу биздаги инжиқ ва беқарор средний род (о ва е билан тугаган отлар)га қараганда бирмунча мантиқлироқдир, эҳтимол.

Хиндулар, агар тилшунослик билан шуғулланганларида эди, хинд-европа тилларидаги аниқликнинг етишмаслиги хусусида эътироз билдириш ҳуқуқини қўлга киритган бўлардилар. Бизлар учун: «биз» шакли кифоя, уларда эса бундай комбинациялар учун: «мен ва сен», «мен ва сиз», «мен ва сиз икковингиз», «мен ва у», «мен ва улар», «биз икковимиз ва сен» ва ш. к. махсус шахс олмошлари мавжуд. «Одам қуённи ўлдирди» деган оддийгина жумлани понка қабиласига мансуб хинду гўзал хикоя даражасига етказди: «Ёлғиз, тирик, тик турган одам ўтирган тирик бир дона қуённи камондан ўқ узиб, қасдан ўлдирди». Бундай шаклни уларнинг грамматикаси талаб қилади, «тик турган» ва «ўтирган» каби аниқловчилар бизнинг эга ва воситасиз тўлдирувчи, бош келишиқ ва тушум келишигидан ўзга нарсасиз эмас.

Қаерлардадир хали, тўлиқ ёки қисман бўлса-да, иккилик сон – dualis сақланиб қолган, уни бизнинг грек тили ўқитувчиларимиздан сал либералроқлари «тушириб» қолдиришни ўзларига эп кўришган. Мазкур соннинг қандай амалий заруратга жавоб берга-

нини ўйлаб топиш қийин. Қайсидир тилшунос эса унга қатъий эътироз билдириб, бизлар учун «бутун» ва «қисм, бўлак» тушунчаларини фарқлайдиган сон хийла фойдалироқ эканини уқтирган, аммо энди ҳеч нима қилиб бўлмайди. Тилни осонлаштириш, содалаштириш мумкин, мисол учун, инглиз тили асрлар ўтиши билан ўзининг грамматик шаклларида каттагина қисмини йўқотган, аммо тилни унга янги тусланиш ёки янги келишиқ кўшиш йўли билан бойитиб бўлмайди. Бу нарса бурунги замонларга хос «имтиёз» бўлиб, ўшанда ҳамма нарсаларни: худолар, динлар, урф-одатлар, шунингдек, тил ҳақидаги қонунларни ҳам яратиш мумкин эди.

Сўзлар, грамматик шакллар ва синтаксис замирида муайян бир халқ қалбига хос образ акс этади; аллақачонлар йўқ бўлиб кетган денгизлар тўлқинларининг қумлар бағрида тош қотган излари сингари унда интилишлар, мойилликлар, ихтилоф, совуқчиликлар, ишонч, эътиқод, маслак, бидъат, хурофотлар, дунё ва инсон ҳақидаги ибтидоий билимлар мустаҳкам равишда мужассамланган. Айнан ўша афсоналар ижодиётига мансуб даврда осмон, юлдузлар, ер, дарёларга, жонсиз нарса (буюм)ларга мужской (шакли музаккар) ва женский (шакли муаннас) родлар берилган эди, родларга хос тафовутларни ишлаб чиққанлар таянган қонун-қоидаларни эса, худди сўзнинг келиб чиқиш тарзига ўхшаб, ҳозир ҳам пухта аниқлаб, шарҳлаб бўлмайди. Мисрликларда осмон аёл, ер эса эркак жинсига мансуб бўлгани грекларни ниҳоятда ҳайрон қолдирган. Айни чоқда тиллар оғир ва узоқ давом этган кўчиб юришлар, босқинлар, ҳужумлар ва истилолар натижасида ўзларига ёт, бегона унсурларни қабул қилган, ўзгача шарт-шароитлар остида мавжуд урф-одатлар ўзгариб, иқлим эврилишлари, тупроқнинг таркибий сифати,

турмуш шакл-шамойиллари уларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Нутқнинг ўзига хос хусусиятлари – урғу, нафас товуши ҳар хил этник гуруҳларнинг ўзаро аралашиб кетишига боғлиқ бўлган.

Бутун бир халқлар, маданиятлар йўқ бўлиб кетган, улар ўзларидан кейин атиги бир ҳовуч сўз қолдиришган, холос – сунбул ва ялпиз ўзларига шундай ном берган Эгей даврига мансуб илк боғбонларига бир умр содиқ қолишган.

Аввалбошданок сўз инсон фаолиятининг қуроли ва шу билан бирга, пиетет (*юқори даражадаги иззат-икром, эҳтиром – тарж.*) ҳамда эҳтиёткорликни талаб қиладиган қандайдир сирли хилқат ҳам бўлган. Ҳамиша муқаддас ва тавқи лаънат сўзлари мавжуд бўлган ва уларни талаффуз қилиш ман этилган. Тақиқлар маълум бир ижтимоий гуруҳлар, касб-кор турлари учун жорий қилинган. Қарибларда сўзнинг муқаддаслиги ва унга риоя этиш шу даражага бориб етганки, фақат эркакларгина қарибча сўзлашлари мумкин бўлган, хотинлар эса бошқа – аравак тилидан фойдаланишган.

Сўзнинг сеҳрли, мўъжизали ва фусункор кучи унинг тасаввурлар ва образларни юзага келтириш қобилиятида акс этади. У бешта сезги орқали идрок қилинадиган нарса, воқеа, ҳодисаларнинг кўзга кўринмас вакилидир. Афсун, сеҳр-жоду, куф-суф ёки дуо воситасида одамлар, олисдаги ёки умуман мавжуд бўлмаган нарсалар, буюм, ашёлар пайдо бўлади. Яқиндаги, ҳозир-нозир бўлганлари эса, номи тилга олиниши билан чинакамига реаллашади. Одам алайҳиссалом ҳар бир нарсани ўзига хос ном билан атагандагина Тангри томонидан ўзига ишониб топширилган дунёнинг ҳукмдорига айланган. Ўсимлик, ҳашарот ёки қуш, парранда бўладими, қандай аталишини билмагунимизча, у ўсимликлар, ҳашаротлар

ва қушлар оламининг ноаниқ, номаълум бир зарраси бўлиб қолаверади. Фақат замонавий мешчанларнинг қашшоқ ва енгилтак жарғонидаги номаълум «бу» нарсаларни билмасликдан қутқаради; фақат ана шундай одамларгина номсиз нарсалар орасида яшаб, «дарахт», «бута» ёки «бошоқли ўсимликлар»га бамайлихотир қарай олади. Халқ, одамлар борлиқдан узилиб қолган буюм, нарсаларни ёқтирмайди, шунинг учун беихтиёр дов-дарахтлар эмас, балки эман, қорақайин ва қайинлар орасида яшайди, бошоқли ўсимликлар эса ё жавдар ёки буғдой бўлиши лозим. Плуг бир нечта қисмлардан иборат ва ҳар бирининг номи худди раҳмдил жин отига ўхшаш янграйди.

Инсон нутқининг сарчашмалари ҳақида бизга ҳеч нарса маълум эмас; аффект (қаттиқ ҳаяжон, жазава) ҳолатидаги нидо, хитоблардан, ҳайвонлар ва қушларнинг овозларига тақлидлардан, борлиқнинг қандайдир бир бўлагини изоҳлайдиган бўғинлардан тил қачон юзага келган ва шомонлар, фолчилар, қабилаларнинг сардорлари ва донишмандлар оғзида ўз ожизлигини қай тарзда енга бошлаган, маълум эмас, илк куйланган қўшиқ унга қачон рух, ғайрат бағишлаган, бу ҳам маълум эмас. Палеолит (энг қадимги тош даври)нинг қояларга ўйиб солинган расмларини ҳайрат-ла кузатарканмиз, машъалалар аранг ёритолган қоронғиликлар ичра моҳир мусаввирлар томонидан деворларга чизилган мамонт ва буйволларнинг тасвирлари олдида беихтиёр ўйга чўмамиз, бу ғорларнинг жойлашиш тартиби ва тузилишига қараб, уларнинг ёпиқ ибодатхоналар билан ўхшашлигини пайқаймиз, шу аснода эса сўзни эсга олмасдан, бу ерда бўлиб ўтган жамики воқеа, ходисаларнинг қандайдир йўсинда сўз билан боғлиқ бўлганини ўйламасдан иложимиз йўқлигига амин бўламиз. Шубҳасиз: ушбу ғорлар сеҳр-жоду, онт-ка-

самлар, чакириклар, дуо ва ибодатлар ҳамда куй-қўшиқларни кўп бора тинглаб, уларга гувоҳ бўлган.

Бирок худди ўша даврга мансуб бошқа хил расмлар ҳам борки, уларда ҳаракатдаги, ҳар хил вазият, холат, қиёфалар ва имо-ишоралар измидаги одамлар тасвирини кўриш, баъзан эса қизиқ, кулгили воқеаларни ҳам кузатиш мумкин. Ва уларнинг ҳам қандайдир соқов, гунг, тилсиз ёки бемаъни фўлдирашгагина қодир бўлган мавжудотлар томонидан яратилмаганлиги аниқ эди. Образлар ярата оладиган сўз сеҳрининг ибтидоси шу ернинг ўзида, қаердадир яшириниб ётарди. Шахсий кечинмаларни қайтадан тиклаш, гавдалантириш санъати, тингловчилар қалбида ваҳима ҳиссини уйғотиш, уларни йиғлатиш ёки кулдира олиш қобилияти урушлар ва ов пайтидаги турфа хил саргузаштлар, тушлар ва шарпалар ҳақидаги ҳикояларда намоён бўлган; сўзга имо-ишоралар, бутун гавда ҳаракатлари ҳамроҳлик қилган, пантомима сўзлар ва жумлаларнинг камчилигини тўлдирган, шахсий шижоат ва тингловчиларнинг қойил қолишидан ўртанган қалб кўри янги товуш шакллари-нинг яратилишига ёки эскиларининг хайратланарли, мисли кўрилмаган ва дабдабали сўз бирикмаларига кўшилиб кетишига олиб келган.

Юнон мифологиясида фантазияга дахлдор мўъжизалар кўп, улардан бири – адабиёт, санъат ва илм-фан илоҳаси – Музанинг онаси Мнемозина – Хотирадир. Хотира – буюк бунёдкорлик куч-қудрати, у оний ва бетакрор ходисалар оқими ичра яшашга маҳкум инсонга туғилган пайтидаёқ ато этилади. Деворларга ёввойи, йиртқич хайвонларнинг шакллари-ни ўйиб солмоқ учун чакмоқтош тутган кўл, ушбу шакллари-ни ҳаётдан нусха олиб, ранг билан тўлдирган охра (*сарик ёки қизил тусдаги маъданли бўёқ – тарж.*)дан қизарган бармоқлар ниҳоятда

ажойиб ишни амалга оширган: улар инсоннинг тилсиз дўстлари – кирилиб йўқ бўлиб кетишга маҳкум этилган жониворларга абадий ҳаёт бахш этган. Ибтидоий одам – неолит (*тош асрининг энг сўнги даври – тарж.*) расоми ўзининг узоқ авлоди – сўз санъаткори ҳозир нима иш қилаётган бўлса, худди шундай ишни қилган – ғойиб бўлишга маҳкум мавжудотларга ҳаёт бағишлаган шакл (расм) ёки бўёқ (ранг) бўладими, иккови ҳам турмуш хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилади.

Сўз воситасида Инсон замон ва маконни эгаллаб, ўзига бўйсундирди. Сўз нарса, буюм, ашёларни ҳодисалар чалкашлигидан халос этиб, уларга шакл ва ранг берди, яқин ёки узоқлаштирди, ўлчади, чамалади. Унинг замирида воқеа, ҳодисалар, дақиқалар, соатлар, йиллар, ҳозирги, ўтган ва келаси замон мужассамдир. Аммо сўзнинг ўзи – ўткинчи, оний товуш, талаффуз қилинган захоти ғойиб бўлган, уни ортга қайтариш учун эса, такрорлаш лозим бўлган; борди-ю инсон оғзи, лаблари чарчаса, уни фанодан ҳеч нарса чақириб ололмаган. Гапираётган одамдан ташқарида мавжуд бўлмаган, у енгиб ўтиши мумкин бўлган ягона, бирдан-бир макон инсон овози эшитиладиган сарҳадлар ичра жойлашган. Унинг ушбу сарҳадлардан ташқарида янграши эса беҳуда ҳаракат, бефойда уриниш билан баравар бўлган.

Талаффуз қилинган сўздан ёзилган сўзга ўтиш даври инсоният тарихидаги янги эра бўлди. Шаклсиз ва кўзга кўринмас товуш – сўзни «ушлаб туриш»-га ўрганмасларидан олдин одамлар нарсалар, воқеа, ҳодисаларни тасвирлар воситасида ушлаб туришни ўрганганлар. Фонийликни абадийлаштиришга бағишланган мистериялар¹ қояларга ўйиб ишланган расм-

¹ Мистерия – ўрта асрларда Фарбий Европада диний мавзуларда ёзилган драма; қадимги юнон ва римликларда: яширин диний урф-одатлар.

ларда ҳам акс этган. Аммо ғорлар ичида яна бир мистерия: деворлардаги тасвирларга маъно, жўшқинлик ва ақл бовар қилмайдиган, ғайритабиий куч-қудрат бахш этгувчи тафаккур ва диний ё сеҳрли бўлсин, муайян ғояни ифода этиш ва абадийлаштириш мистерияси ҳам содир бўлганки, биз ўзимизни унинг сирларига бағишламоқчи эмасмиз.

Бундан ташқари, яна бошқа турдаги расмларнинг ҳам мавжуд бўлганини пайқаш қийин эмас, улар ва рақ, ёғоч, суяк сингари бўш, чидамсиз материалларга ишлангани боис сақланиб қолмаган. Ушбу расмларнинг мақсад-вазифаси фикрни масофадан туриб, узатишдан иборат бўлган. Скифлар, – деб ҳикоя қилади Херодот, – шоҳ Дорога қушлар, сичқонлар, бақалар ва беш дона ўк, найза тасвири солинган «мактуб» йўллашган, бу: агар форсларнинг қушлар каби учиш, сичқонлар сингари ерга яшириниш ва ботқоқликлардан бақаларга ўхшаб, сакраб ўтиш қўллари билан келмаса, уларни скифлар ўқлар билан қириб ташлайдилар, деган маънони билдирган. Айрим ибтидоий қабилалар ҳозирга қадар ҳам зарур маълумотларни масофадан туриб узатиш учун шу хилдаги шарада – топишмоққа ўхшаш ёзувлардан фойдаланиб келади. Шунингдек, бошқа воситалар: тугунчали шнур (ип, чилвир) ва маълум бир миқдорда кертма белги қўйилган калтак, таёқлар ҳам худди шундай мақсадларни кўзлаб қўлланилади.

Дунёнинг турли қитъаларида ва турли хил даврларда амалга ошириб келинган бундай усул, ихтиро ва ҳийла-найрангларнинг барчаси тафаккурни абадийлаштирадиган ва у ифода этилган рамз, белгиларни тушунарли қиладиган бир нималарни яратишга қаратилган қатъий интилишдан бошқа нарса эмас эди. Шумер, Миср, Эгей, Хитой каби энг қадимий маданият ўчоқлари ўз ёзувларини яратишдан ол-

дин расмдан то товушга қадар давом этган синов ва тажрибалардан иборат узок йўлни босиб ўтган. Мазкур маданиятлар бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракатланганми ё ўзаро тажрибалар алмашганми ёки бизга ҳозирча бутунлай номаълум бўлган янаям қадимийроқ бошқа халқлардан ўқиб-ўрганганми? Бундай саволлар ёлғиз тадқиқотчиларни тўлқинлантирибгина қолмай, бизни ҳам ўзига жалб қилиб, қизиқувчанлигимизни ошириши табиий. Эҳтимол, ушбу саволларга бугун бўлмаса, эртага жавоб топилиб қолса ажабмас: ахир, ҳали Ер сайёрамиз бизларни ўзининг барча сир-синоатларидан воқиф қилганича йўқ-ку.

Хотира – илоҳий Мнемозина барча иероглифлар – ранглар билан ёзиб-чизилган, ўйма нақшлар солинган, одамлар, ҳайвонлар, буюмлар тасвирланган, худолар мадҳ этилиб, хикоялар сўйланган белгилар тизимининг бешиги бошида турган. Тасвир идеограмма (*бутун бир сўз ёки тушунчани ифодаловчи ёзув белгиси – тарж.*)га айланган, яъни наинки нарсанинг ўзини, балки у билан боғлиқ тушунчаларни ҳам ифодалаб берган: масалан, «юлдуз» юлдузни билдирган, лекин шу билан бирга осмон, худо ва ҳаттоки «баланд» сифатини ёки «баландда» равишини ҳам англатган. «Оёқ» – бирйўла «бормоқ», «юрмоқ», «турмоқ», «югурмоқ», «келтирмоқ» феълларини ҳам ифодалай олган. Мақтов ва мадҳиялар битилган ёзувлар, ибодатлар, афсун, сеҳр-жодулар учун шунинг ўзи етарли бўлган ва улар ҳам ўрта аср одами анъаналар орқали ва ўз фантазияси ёрдамида эгаллаган билимлари туфайли черковдаги нақшинкор безакларни қандай «ўқиган» бўлса, тахминан шундай ўқилган.

Ҳат-ёзув агар эҳромлар, ибодатхоналар ва ғор, унгур, моғораларнинг пана-пасқам жойларидан ёруғликка чиқмаганида, агар у билан ҳаётнинг ўзи шуғул-

ланмаганида, ўзининг ҳозирги мақомига эришмаган бўлур эди. Унинг (ҳаётнинг) серғайрат қўлларига тушгач, иероглифлар ўзининг сунъий мураккаблигини тезда йўқотиб, соддалаша бошлади: хар хил қисмлари тушиб кетиб, куруқ гавданинг ўзи – чизикчаларми ё доирачаларми, шунга ўхшаш бир нималари қолди, холос. Моллар рўйхатини тузадиган ёки ишга алоқадор ёзув-чизувлар олиб борадиган савдогарлар, мирза, котибларнинг қўллари муқаддас, тантанали ва қотиб қолган, ҳаракатсиз, қарахт рамз, белгиларга жўшқинлик бахш этган. Тасвир, шакл, расмлар ўрнини энди чизиклар, белгилар эгаллаган, улар тушунчаларни ифода этишни бас қилиб, ҳарфлар ёки бўғинларга айланган ва товушларни англата бошлаган.

Қандай кескин ўзгариш! Фазо, бўшлиқда ўрни бўлмаган, шаклсиз, кўринмайдиган, фақат бир лаҳза янграган чоғдагина мавжуд бўладиган товуш мангу абадийлаштирилган ва лойдан ясалган лавҳа ёки папирус варағига хат-саводи бор кимнингдир нигоҳи тушиб, ҳаётга қайтарган пайтдагина хар гал қайтадан овоз бера оларди, холос. Бу – инсониятнинг маданий тарихидаги энг буюк воқеа эди. Ақлий жихатдан бошқаларга қараганда эртароқ камол топган халқларда у анча илгари рўй берган, бошқа юзлаб халқларнинг эса минглаб йиллар кутишларига тўғри келган, масалан, Канадада яшаган ҳиндулар тили қадимдан ажойиб тарзда тараққий этиб келган бўлса-да, унинг ёзма шаклига илк бор 1841 йилдагина эришилган, ўшанда улар учун миссионер Жеймс Эванс бўғинли ёзувнинг ўта оқилона тизimini ўйлаб топган эди ва у ҳозирга қадар амалда қўлланилиб келинади.

Сўз вақтни узил-кесил ўзига бўйсундирди. У тантанали юриш қилиб, халқлар, қироллар, тарихни, ҳатто

«худо»ларни ҳам номаълум, сирли келажак сари ўз ортидан эргаштира олди, жасадидан ҳаттоки бир ҳовуч кул ҳам қолмаган марҳумларни ҳаётга қайтарди, ўлимидан сўнг икки-уч йил ўтгач, ҳатто икки-уч миля нарида ҳам ҳеч ким эсга олмайдиган одамларнинг номларини хотирамизга жо қилди, у (сўз) керак бўлса, бир парча лойни, гўё унда қачонлардир бугдойзор оралаб чопиб ўтган, йўлида учраган лолакизғалдокни чирт узиб, уни қўшиқ каби қуйлаган гўзал қиз қалби мужассамдай, тилга киргизиб, ашула айтгизиб юборгудек мўъжизага ҳам қодир эди.

Мана, икки юз йилдирки, одамлар инсон нутқининг узук-юлуқ қолдиқларини топиш илинжида ер қовлаб, тупроқ титадилар, юзлаб олимлар аллақачонлар йўқ бўлиб кетган дунё ҳақида ҳикоя қилгувчи сўзларни ўқиш ва англаш ишига бутун ҳаётини бағишлаб, ақл бовар қилмайдиган, фавқулодда нарсаларни қўлга киритиб келадилар: ёзма обидаларни ўқиб, маъносини айтиб берибгина қолмай, улар битилган бутун тил тизимини қайта тиклайдилар, улар ҳатто жонли тил бўлган пайтида ҳам эга бўлолмаган грамматика ва луғатлар тузадилар, шу тариқа аллақачонлар йўқ бўлиб, кўмилиб кетган сўзлар қайта туғилиб, йилномалар, дуо, ибодатлар, поэмалар, қонунлар мажмуига кўчиб, одатдаги кундалиқ нутқ қатидан жой олади.

Бобилнинг лойдан қилинган лавҳалари, Миср папирус ва деворлари шу йўсинда тилга кирган, майя ва ацтекларнинг асрий садолари қайта жонланган, ўз ёдгорликлари туфайли хеттлар¹ ҳам тарих саҳифаларидан жой олиб, мутлақо қутилмаган ҳолда ҳинд-европа тиллари оиласида пайдо бўлган. Яқин-

¹ Хеттлар – милоддан аввалги иккинчи мингйилликда Кичик Осиё ва Шарқий Сурияда яшаган қабила ва халқлар гуруҳининг номи.

дагина Пилосдан топилган тарихий лавҳалар ғоят хайратланарли эди, чунки улар бизга бир замонлар ҳатто Ҳомер учун афсонага айланган ахеяликларнинг нутқий товушларини қайтариб берди ва бу товушлар орасида ҳатто тушимизга ҳам кирмайдиган Ахилл, Гектор каби исмлар борлиги маълум бўлди. Ҳали яна баъзи бирлари – Эгея ёзуви, этрусқлар (*Италияда яшаган қадимги халқ – тарж.*) тили ўз вақти-соатини кутиб ётибди. Хуллас, тилсимли сўзларнинг буюк сир-синаотлари ҳали охирига қадар очилмаган.

Дунёда хат-ёзувларнинг турлари кўп. Баъзилари чапдан ўнгга қараб ёзилса, бошқалари ўнгдан чапга қараб ёзилади. Бизга қадимги Юнонистон обидалари орқали маълум бўлган ёзув усули ҳалигача сақланиб қолганми-йўқми, билмадим: «бустрофедон» ёзуви ер ҳайдаётган ҳўкизлар қандай ҳаракатланса, шундай тартибда бўлган – сатр охири кейинги сатрнинг бошланишига хизмат қилган. Арабча хат баайни сочилган, майдаланган тамакини эслатса, ҳиндча ёзув худди юпқа, ингичка, нафис шох-новдаларга ўхшаб кетади, хитойчани эса гўё инжиқ, нозиктабиат рассом фантазияси махсули бўлган гул, нақш сифатида қабул қилиш мумкин. Поляк ёзуви финикияликларнинг белги, ишоралари туфайли пайдо бўлган грек ёзма манбалари асосида юзага келган, аммо унга аниқ ва оддий шакл римликлар томонидан берилган.

Бир-бирига мутлақо ўхшаш бўлмаган кўпгина тилларга мансуб сўзлар мана шу икки дюжина белгилар ичидан ўз жарангини излаган. Барча товушларни ифодалаш учун зарур бўлган аниқлик жиҳатидан латин алифбоси уларнинг биронтасига ҳам тўғри келмайди. Мазкур белгилар шартлилик ва конвенцияларнинг улкан сони билан боғлиқдирки, алфибени

Ўрганиш билан бир қаторда улар ёрдамида ифодаланган товушлар тегишли тарзда жаранглаши учун ўқиб-ўрганилмоғи зарур. Бу нарса ушбу тил жонли бўлиб турган пайтгача мумкин бўлади, холос: харфлари тилдан қолди дегунча, унинг жаранги тахмин, гумонларимиз ва шахсий фонетикамизнинг ўйинчоғига айланади. Ҳомернинг айнан бир хил шеъри инглиз, француз, немис, поляк ва ҳатто замонавий грек томонидан ҳам шунчалик ҳар хил янграйдик, гўё уни мутлақо ҳар турли тиллардан олинган бўлса керак, деб ўйлаш мумкин. Шундай бўлса ҳам, «eklanksan d'ar'oistoi – ўқлар жаранглаб кетди...» Тез одимловчи Аполлоннинг ўқдоғидаги ўқларнинг жаранглашини ўнлаб асрлардан буён эшитиб, мабуднинг ўзини ва қовоғи солиқ қиёфасини ҳам кўриб турамыз. Мана, ёзувнинг товушлар, образлар ва ҳаракатларни мангуга муҳрлай олиш мўъжизаси.

Қадимги ёзувлар бизни тиллар тарихига, тўғри, фақат уларнинг сўнги, яқунловчи бобларига олиб киради ва улкан жилднинг саҳифаларини тўлдирмасдан очиқ қолдириб, улардан қиёсий тилшуносликка оид тасаввур ва заковат ахтаради.

Ўтмишнинг ғира-шира туман, чанг-тўзонлари ичра тарихга назар ташлайдиган бўлсак, сўзнинг сон-саноксиз асрлар мобайнида худди ўша бир хил ёки ҳар ҳолда бир-бирига жуда ўхшаш бўлган қайта-қайта тажрибалар ҳамда кашфиётлар оша ўтиб келганини кўрамыз. Улар қабилаларнинг ҳар бир бўлиниш пайтида, тилларнинг ҳар бир янги оиласи вужудга келган вақтда бот-бот такрорланаверган. Биз орийлар хонадонига мансубмыз. Орийларнинг боботили пайдо бўлган жойда (ким билади, балки у ҳозирги Польшанинг осмони остида бўлгандир?), девор, панжаралар билан ўраб олинган сарой ёки ҳовлилар узра худди ўша қаҳратон қиш (зима) ҳукм сурган,

бу санскрит тилида hima, лотинчада hiems, хата (кулба)лар оша кўкка ўрлаган худди ўша тутун (дым) санскритчада dhumas, лотинчасига эса fumus деб аталган, одамлар ушбу боботилнинг сўзлари ёрдамида бир-бирлари билан ўзаро муомала қилишган, эндиликда эса биз бу тилни қайта тиклаб, асл ҳолига келтиришни жуда-жуда хоҳлаймиз, ўтмиш қаъридан товушларни кураш ва меҳнат билан қўлга киритганимизда ҳар гал қалбимиз (сердце) қувончга тўлади (юрак грекларда kardia, римликларда cor (cordis), немисларда Herz). Булар – буюк хосилнинг дони, мағизи эди. Улардан Ведалар (*ҳинд адабиётининг энг қадимги ёдгорликлари – тарж.*) ва «Маҳобҳорат» китоблари ҳамда Юнонистон ва Римнинг бутун донишмандлиги ва поэзияси келиб чиққан. Бошқалардан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган ушбу бобосўзлар кундалик ҳаётда янграб, турмушга хизмат қилган, сон-саноксиз тарихий ўзгаришлар оша ўтиб келган бу сўзлар ҳам «Илохий комедия», «Ҳамлет», ҳам «Фауст», ҳам «Пан Тадеуш» учун материал вазифасини ўтаган. Ҳар бир жумлада, худди қон таначалари янглиғ, уларнинг зарралари айланиб, сезилиб туради.

Ким агар Александр Брюкнернинг «Поляк тилининг этимологик луғати» билан танишиб чиққан бўлса, унинг ҳар бир саҳифасида умумславян меросига мансуб бўлган сўзларга дуч келгани шубҳасиз. Йигирма асрлик тарихга эга славян қабилаларининг муштараклик даврига мансуб баъзан ҳатто жаранги ҳам ўзгармаган мазкур сўзлар тилимизнинг қобирғаси ҳисобланади ва кундалик нутқимиздаги сўзларнинг чорак қисмини ташкил этади. Улар ёрдамида ландшафт (манзара), об-ҳаво, хўжалик, инсон танаси, дов-дарахтлар, ўт-майсалар, гуллар, ўрмондаги йиртқич (ёввойи) ҳайвонлар ва қушлар,

паррандалар, овқат, иш қуроллари, қариндош-уруғчиликнинг барча даражалари, жамоа ва қабилада инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар (тинчлик ва уруш пайтида), характер хусусиятлари, ижтимоий гуруҳлар, қонунлар ва бошқарув шаклларини баён этиш мумкин ва улар ниҳоят, воқеий дунёдан узилган бир неча дюжина тушунчалар воситасида тафаккурга руҳ бағишлаб, худо, иблис, шайтон, гуноҳ, айб, жазо, жаннат, дўзах, мўъжиза каби худди ўша азалий сўзлар доимий ҳукмронлик қиладиган диний эътиқод (имон)нинг абадий муҳитига ҳам дахлдор бўла оладилар. Қизиқ, энг қадимги славянларнинг муштараклик давридан сўз ижодиётига оид унсурулар: ўзаклар, олд қўшимчалар, суффикслар ўзгармасдан, бир хил ҳолатда то бизгача етиб келган ва биз бугун уларнинг ёрдамида янгидан-янги сўзларни яратишга муваффақ бўлмоқдамиз.

Бу – адабиётнинг улуғвор ва айни чоқда оддий қурилиш материали ҳамдир. Меъморлар ва ҳайкалтарошлар фойдаланадиган на тош, на ёғоч ва на металл, на рассомлар ихтиёридаги ранг-бўёқлар, на муסיқа асбобларидан таралаётган оҳанглар – муסיқачиларнинг ижодий материали, – уларнинг ҳеч қайси бирини сўзнинг ажиб, сирли маҳобатига қиёслаб бўлмайди. Аммо шу билан бирга, сўз иш қуроли саналади ва энг оддий, одатдаги, кундалик юмушларда қўлланилади. Худди ўша сўзлар дуо-ибодатга ҳам, шалоқ ашулага ҳам бирдай асос бўлиши, кўчаларда сандироклаб юриши, далаларда меҳнат қилиши ёки ошхонада куймаланиши ҳам мумкин. Адабиёт ҳамиша уларнинг орасидаги энг кўп қўлланиладиган, сийқа ва бузук сўзлардан халос бўлишга ва шу тарзда ўзининг умумтил ичидаги буюк ва олижаноб тилини яратишга интилиб келган.

Кўплаб мамлакатларда ва кўп даврларда сўз санъаткорлари томонидан ўз урф-одат ва имтиёзларига

эга бўлган ўзига хос табақалар тузилган. Улар сўзлашув тилидан ажралиб турадиган тилдан фойдаланишган ва бу тилни ўқиб-ўрганиш зарур бўлган. Дуо, тоат-ибодат ва поэзиянинг нозик ва нафис тили – санскрит айнан мана шундай мухитда юзага келган. Тоат-ибодат ва шеърят бир хил мақомдаги ходисалар саналган, чунки шоирлар қайсидир маънода рухониятга яқин бўлиб, уларнинг ижоди дин билан боғлиқ бўлган. Баъзан сеҳр-жоду билан боғлиқ вазиятлар ҳам бўлган ва бундай пайтларда шоир афсунгарга айланган. Шеърлар афсунгарларга хос сеҳр-жодули куч-қудратга эга бўлган: «Carmina vel caelo possunt deducere lunam» – «Шеърлар ҳатто Ойни ҳам кўкдан ерга тушишга мажбур қила олади». Қадимги грек лирикасининг айрим турлари ҳамиша ўзларининг диний келиб чиқишини эслатиб турган.

Ҳомер тили ёки эпос тили, бу – ўзгача, ўзига хос бўлган, ниҳоятда хайратланарли қотишма (ёки қоришма)ки, уни грек қабилаларидан биронтаси ҳам ўз сўзлашув тили сифатида эътироф этмаган бўлур эди. Ҳомер тилидаги яратувчи унсур шеър вазни – дактиль бўлиб, у тилда яқка ўзи ҳукмронлик қилади. Турланиш ва тусланиш, наҳв (синтаксис) ва луғат, ҳатто орфография (имло)га ҳам «хўжайинлик» қилади. Бу тилда отлар ва сифатлар беқарор дактилли шеърларнинг талабларига мувофиқ равишда сон ва родни ҳам ўзгартириб юбораверади. Худди ўша предмет бирпасда кўпликдан бирликка айланиб, учала роддан ҳам «сакраб» ўтади-да, бу «ўйин» барча грамматик замонлар ва майлларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳеч нима Ҳомер улғайган қадимги поэтик анъананинг мавжудлигини кўпгина авлодлар умри давомида шаклланган айни мана шу «дактилли шеър ёзиш»чалик яққол тасдиқлаб беролмайди. Энг

охирги филологларнинг тадқиқотларидан кўриниб турибдики, ундан анча олдин зийрак Пико делла Мирандола Хомер шеърларининг литургик хусусиятларини пайкаб, кўрсатиб берган. У хатто бу ҳақда «Theologia poetica» номли асар ёзишни ният қилиб, унда шоирларнинг теолог (илоҳиётшунос) эканлигини исботлаб бермоқчи бўлган, бинобарин, улар рамзлар тилидан худди шундай фойдаланишган.

Бундай «Теология»ни поэзиянинг барча босқич, даврларини қамраб олган ҳолда, ҳозир ҳам ёзиш мумкин эди. Шунда шеърятнинг энг қадимги анъаналарга нақадар каттик амал қилиб келаётгани ойдинлашган бўларди. Қанча «ибодатхоналар» ва «палладий»ларда¹ шундай ўзига хос тилда сўзлашилади, поэзия шундай ўзига хос тарзда баҳоланади ва ундан шундай ўзгача тушунчалар учун фойдаланилади, афтидан, бу ерда фақат қадимги шеърӣ табақалар ва сўз санъатининг сир-синоатларига чуқур кириб боришнинг қадимий усули етишмай турибди, холос.

Муқаддаслаштирилган тил учун ҳаётдан сурилган қадимги сўзлар ва шакллар асосий материал бўлиб хизмат қилади. Бу ҳар қандай культ (сифиниш)нинг консерватив (мутаассиб) характери, шунингдек, барча эскиликка бўлган ишонч-эътиқоддаги инстинктив хайрихоҳлик билан ҳам изоҳланади. Бобилнинг шумер тили, католиклар черковидаги лотин тили, православларнинг черков-славян тили ва юнонистонлик ортодоксларнинг «моғор босган» грек тили қадимий сўзларга хос ўзгача жозибага қандайин бўлса, диний анъанага ҳам шундайин, бир хилда амал қилиб ке-

¹ Палладий (лот. Palladium) – қадимги греклар ва римликлар эътиқодига кўра, Афина шаҳрининг хавфсизлигини муҳофаза қилган куролли илоҳ хайкали; кимёвий унсур номи; кумуш тусли нодир металл.

лади. Рим ҳалокатига қадар дуо, ибодатлар ҳукмрон империялар тилида ўқилган, ўрта асрда яшаган менестреллар¹ ўз авлод-аждождларидан мерос қолган абадий кўшиқларни куйлаб ўтган ва биз ҳозир ушбу кўшиқларни улардан ҳам кўра яхшироқ англаймиз. Муқаддас Библия – Таврот таржима қилинган ўз тилини замонавийлаштириш биронта инглизнинг ҳаёлига ҳам келмайди: агар псалом² ҳозирги замонавий тилга ўгирилса борми, у муқаддас матнга пародия сифатида янграган бўлур эди.

Поэтик тил билан ҳам худди шу нарса содир бўлган: айрим даврларда у тушунарсиз, қолаверса, литургия³ каби тантанали тарзда янграган ва бу анъанадан ҳеч қачон бутунлай ажраб кетмаган. А.Мицкевичнинг «Поляк халқ китоблари ва полякларда муқаддас жойлар зиёрати» номли, Ю.Словацкийнинг «Анхелли» китобларида хоҳ иборалар, хоҳ жумлалар тузилишида бўлсин, Тавротга хос услуб кўзга ташланиб, унинг мазмунига мос оҳанг сезилиб туради. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ҳозирги пайтда ёзувчилар «тарихий колорит» яратиш учун кўпроқ архаиклаштириш услубини қўлламоқдалар, яъни архаик (эскирган, истеъмолдан чиққан) услуб ва шаклларга тақлид қилиб, улардан фойдаланмоқдалар, аммо эски, қадимий сўзлар ва истеъмолдан чиққан шаклларнинг эмоционал кучқудрати ўз латофатини ҳеч қачон йўқотмайди. «Навқирон Польша» ёзувчилари томонидан мода сифатида жорий қилинган архаизмлар – эскирган, кент

¹ Менестрель – ўрта асрларда: Франция ва Англияда сайёр бахши оқин.

² Псалом – Псалтирь – Забур (насронийларнинг муқаддас китоби)даги диний кўшиқ ёки дуолар китоби.

³ Литургия – насронийларда: черковдаги эрталаб ёки кечқурун бўладиган энг катта ибодат.

истеъмолдан чиққан сўз ва иборалар луғати бугунги кунда фақат кулгимизни қистатади, негаки у мана шу барча бутхона, ибодатхоналар, қаср, саройлар, пахлавон, баҳодирлар, мажусийлар бутхонасию ҳар хил макон, ўчоқлар сингари сохта, сунъий архаизмлардан ташкил топган, айни чоқда шуниям таъкидлаш жоизки, бизнинг бугунги тилимиз ҳам келаси авлодларга фақат қувонч бағишлайди, деб айтолмаймиз, чунки ҳар қандай тил хаётида галатиликлар ва бемаънилик, тутуриксизликлардан мутлақо холи даврининг ўзи бўлмаган. Ҳозирга келиб, бу нарса янаям кўпайди, деган хавотирдаман.

Адабий тил худди Ҳомер тили каби на ўлик, на архаик ва на сунъий бўлмаслиги лозим, аммо шунга қарамай, у сўзлашув тилидан кескин фарқ қилади. Нафақат орфография, пунктуация, балки синтаксис, муайян майллар, келишиқлар, замонлар, сўз тартиби – ёзма сўзнинг бутун бир табаррук тизими талаффуз қилинадиган сўзлардан ажралиб туради, чунки кейингисининг ноаниқликлар ва хатоларни тузатишга вақти йўқ. Суҳбат орасидаги жумла билан ҳаттоки энг реалистик романнинг диалог парчаси ўртасида қанчалик катта фарқ бор! Бундан ташқари, адабий тил ягона, сўзлашув тили эса ҳар хил, бошқа-бошқа. Маълумки, ҳар бир чекка кишлоқнинг ўзига хос гапириш услуби бор, қолаверса, худди ўша тилнинг лаҳжа, ўзига хос талаффуз хусусиятлари, шевалари бир-биридан шунчалик фарқ қиладики, гоҳида бир-бирини ўзаро тушунишда қийинчиликлар юзага келади ёки бунинг бутунлай иложи бўлмай ҳам қолади: бунга италян ва немис тилларидаги шеваларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Адабиёт барча учун тушунарли бўлган ва ҳамма ерда одат тусига кирган тилни ишлаб чиқишга интилади. Греклар бир неча адабий тилдан фойдаланган

холда, бунга узок қаршилик қилиб келган: Сафо ва Алкей эолийча, Ҳеродот – ионийча ёзган, лирик асарлар муаллифлари эса кўпинча дорика шева-дан фойдаланишган, ниҳоят, Фукидид, Платон, Ксенофонт каби буюк фожианавис ва комедиографлар аттика нутқининг устунлигини таъмин этишган ва ундан койне деб аталадиган «ягона» адабий тил келиб чиққан. Бироқ бугунги замонавий Грецияда ҳам адабий тил билан боғлиқ шунга ўхшаш қийинчиликлар мавжуд: кимлардир қадимги юнон тилига жуда ўхшаш ва замонавий сўзлашув тилидан анча йироқ бўлган «соф» анъанавий тилни ёқласа, бошқалар замонавий тил учун курашиб, унинг ҳукмронлигига эришадилар – энг янги адабиётда димотиканинг қўли баланд келиб, ғалаба қозонди. Ҳатто Норвегия каби жуда катта адабиётга эга баъзи бир мамлакатларда бир қанча шевалар биринчилиқни эгаллаш учун ҳамон бир-бири билан олишиб ётибди.

Агар янглишмасам, Ҳиндистонда иш бу даражага етиб боргани йўқ: у ерда адабий ҳаёт ҳиндий, маратхи, орья, телугу, урду сингари бир-бирига ўхшаш бўлмаган тиллар ўртасида ўзаро тинч йўл билан тенг тақсимланган, ҳаттоки қадимий санскрит тили ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

Маълум бир вақтга келиб, ҳар бир халқ бу бо-рада қарор қабул қилиш зарурати билан юзма-юз келади: масала шуки, ўз лаҳжаларидан қайси бири-ни умумадабий тил сифатида эътироф этмок лозим. Бу ўринда муаммони кўпроқ муайян бир вилоятнинг сиёсий нуфузи ҳал этиши мумкин: мисол учун, Рим тил масаласини лотин адабиёти зиммасига юклаган, бу адабиёт эса, Римда туғилмаган ва тарбияланма-ган кишилар томонидан яратилган. Мазкур муам-мо, шунингдек, буюк ижодий шахс томонидан ҳам ҳал қилиниши мумкин: масалан, Данте Италия ада-

бий тилининг яратувчисига айланди. Унинг болалик йилларида Флоренция нутқининг биринчи ўринни эгаллаши тўғрисида олдиндан ҳеч қандай аломат сезилмаган, ёзувда у бошқа италян шеваларидан энг кейин пайдо бўлган. Аммо Данте, сўнг Петрарка ва Боккаччо уни ўзлари учун танлашгандан сўнг, масала хал бўлди-қолди ва ўша даврда ҳеч қандай энг йирик ёки энг машхур бўлмаган шаҳар Италия адабий тилининг бешигига айланди.

Поляк тили шунчалик қадимий ва бунчалик ёрқин, дабдабали ибтидога эга эмас. Бунинг устига, унинг поляк шеваларидан келиб чиқиш тарихи ҳозиргача ҳам етарли даражада очиб берилмаган. Унда великополяк шевасига оид унсурлар кўпчиликни ташкил этади, улар орасида энг муҳими – энг қадимги поляк ёзма ёдгорликлари пайдо бўлган ҳудудларда кенг тарқалганига қарамадан, унда мазурка¹ талаффузининг етишмаслигидир. Эхтимол, бу ерда великополяк сарой доираларининг таъсири роль ўйнагандир. Фақат бу таъсирнинг шунчалик кучли бўлгани кишини хайрон қолдиради, чунки Краковдай илк пойтахт-шаҳар ҳам унинг измига берилган. Поляк адабий тили фонетикасига чех тили ҳам таъсир кўрсатган бўлиши мумкин, поляк ёзуви мавжуд бўлган илк асрдаёқ унинг таъсири сезилиб турган ва адабий тилнинг ҳозирги фонетикасига оид қоидаларнинг вужудга келишига ёрдам берган ва ниҳоят, мазурка кейинроқ пайдо бўлиб, адабий тилга таъсир қилмаган, дейиш мумкин. Агар охирги тахмин тўғри чиқса, поляк адабий тилига малополяк шеваси асос бўлган, деган фикрни исботлаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

¹ Адабий тил учун қабул қилинган cz (ч), dz (дж), sz (ш), z (ж) товушларининг ц, дз, с, з тарзида талаффуз этилиши билан боғлиқ фонетик қоида.

Товушлар оханги hozир қандай бўлса, ҳар доим ҳам шундай бўлмаган. Унинг имло билан боғлиқ «усул»ларини пайқаб, англаб олмақ учун қулоғимизни динг қиламиз, зеро, унинг топқирлигига бирда қойил қолсак, бирда хайрон бўламиз. Торайган ҳамда бурун унлилари аллақачонлар ва ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ ёзувчиларни чалғитиб келади. Аммо hozирча адабий муҳит талаффузининг янги шакли уларни замонавий маъно-моҳият сари узил-кесил яқинлаштиролганича йўқ. Лекин бу орадаги тафовутлар унчалик катта эмас.

Афсуски, биз поляклар учун тарихимизнинг илк олтита асридан ўқишга арзигулик ҳеч нима қолган эмас. Бугун биз чин дилдан олқишлай оладиган нарсалар эса, поляклар ёзишни ўрганмасларидан анча бурун йўқ бўлиб кетган, – мен бу ўринда мажусийлик, бутпарастлик замонларидан мерос қолган халқ қўшиқларини назарда тутяпман, уларнинг акс садоларини энди куз фаслининг илк илик-иссиқ кунларида далаларимиз бўйлаб ҳавода муаллақ учиб юрадиган мезонлар янглиғ камсонли иборалар орқалигина баъзан миннатдорлик билан илғаб қоламиз. Ҳақиқий, чинакам адабиётни бизлар юзйилликларни босиб ўтган тарих соатларига дам-бадам назар ташлаб, сабрсизлик билан кутишимизга тўғри келди. Шу маънода биз ҳам худди римликларникига ўхшаш ҳолатга тушганмиз: римликлар шоҳлар даврини бошдан кечирмаган, этрусқларни енгиб, республика барпо қилган, бутун Италияни бўйсундириб, қудратли давлат тузгач, фақат шундан сўнггина, лотинлаштирилган юнондан ўзларининг илк китоби – «Одиссея» таржимасини олишган. Бизнинг адабиёт ҳам таржималар орқали ўсиб-улғайган. Агар халқ ўз мавзуи – мадҳия, қахрамонлик қўшиқлари, тарихий йилномаларнинг уддасидан чиқолмаса, бундан ёмони йўқ. Бирок таржи-

малар устида олиб борилган ишлар ўзининг яхши томонларига ҳам эга бўлган: «Псаломлар», «Иов» ва «Пайғамбарлар китоби» сингари буюк асарлардаги фикр, гоё ва ифодаларни талаб даражасида баён қилмоқ учун она тилининг барча имкониятларини юзага чиқариш зарурати эди у. Бизгача асрлар қаъридан фақат биргина таржимоннинг – яшовицлик капеллан¹ Анжейнинг номи етиб келган, холос. У XV аср ўрталарида қиролича Зофья учун Библия – Тавротни таржима қилиб берган («Қиролича Зофья Библияси»). Унинг қалами ниҳоятда ўткир бўлган. Отахон Анжей жумлаларни содда, аниқ, равон ва силлик ёзар, матн маъносини ифодалаётиб, лотин тили синтаксисига ўралашиб қолмас, «Вульгата»нинг қийин, оғир жойларидан ҳам ишонч билан чиқиб кета олган эди, бу вазифани кейинчалик Якуб Вуек ҳар доим ҳам бирдай уддалай олмаган. Яшовицлик Анжейнинг ҳаёти ҳақида афсуски, бизга ҳеч нарса маълум эмас, унинг номи адабиётимиз асосчилари, ташаббускорлари рўйхатидан муносиб ўрин олмоғи лозим.

Бу адабиёт бўш назм ва ночор наср ичидан қандай куч-ғайратлар эвазига қайта туғилган! Сўз дастлаб бамисоли қўлга ўргатилган хонаки, қуш, паррандага ўхшар, унинг учишга қанотлари йўқ эди. Тафаккур жонажон диёр – она юртнинг бир парча ерида беўхшов депсиниб турарди. Рей тафаккурга кенглик берди, аммо уни баланд кўтармади. У бақувват, соғлом, қувноқ одам эди, ундан жавдар ҳиди келиб турарди, ўзига хос, ҳеч кимга ўхшамасди у – биринчи поляк ёзувчиси, уни биргина гапидан таниб олиш мумкин эди, ҳар доим оддий ёзар, эргаш гапларга бесабрлик билан қўл силтар, уларни оғир, катта мушти билан

¹ Капеллан – католикларда: қавм руҳонийсининг ёрдамчиси; протестантларда: хонадон черковининг руҳонийси; баъзи Ғарб мамлакатларида: ҳарбий руҳоний.

майдалаб, бурдалаб ташларди, ким ким, у ўзига хос эди, аммо – эвоҳ! – унинг ўзига хослиги шундай эдики, гап йўқ эди. Ундан ёзувчиларга хос қувноклик уфуриб турар, доимо жасур, мард, тиниб-тинчимас, битмас-туганмас, бир гапни керак бўлса юз марта такрорлашга ҳам тайёр, икки минг дона сўзни тўхтовсиз тинмай айлантирар, бу унга ўз ҳаёти учун ҳам, адабиёт учун ҳам буткул кифоя қилар эди. У поляк адабиётида мустаҳкам ва абадий ўрнашиб олганди. Унинг – гарчи бир қарашда унча сезилмаса-да – уруғ-авлодлари кўп эди. Барча ҳикоя қилувчи ва суҳбат ўтказувчилар, барча қаламкаш сарматлар¹, ҳаммага яхши маълум нарсаларни бошқаларга ўргатишга шай, иштаҳа қўзғайдиган таом каби ёғли жойларга ўз фойдасини кўзлаб, қулай жойлашиб олган инсофли ва инсофсиз ўзича мустақил етишганлар, беғам ва лакма, хушфеъл ва мулойим – қисқаси, ҳеч қачон ижод азобини тортиб кўрмаган, фақат сўз сиртидагина юриб, унинг остидаги хатарли гирдобларга кўзи тушмаганлар легионининг бутун бир шажараси Рейдан бошланарди.

Шунда бирдан шеър тўқишдан олдин ҳар бир бўғинни чамалаб, чуқур ўйлаб кўриб, унинг жарангига, оҳангига диққат билан қулоқ соладиган, бундан яхшироқ сўзни тополмаслигига ишонч ҳосил қилмагунча, биронта сўзни қабул илмайдиган, тарқаб «қочиб» кетадиган фикрни ушлаб қола оладиган, сўзлар оламига чуқурроқ шўнғиш учун юрак хаяжонини жиловлаб, тасаввурини пасайтира оладиган одам пайдо бўлди. Бу – тилимизнинг ҳамон ёввойи манзарасига Польшада биринчи бўлиб қаратилган нигоҳ эди. Ян Кохановский мана шу саҳрода ўз шеърятининг ренессанс боғини барпо этган биринчи сўз санъаткоримиз

¹ Сарматлар – милoddан аввалги III-асрдан милodий IV-асргача Марказий Осиё шимолидан то Дунайгача бўлган кенг дашт ҳудудларида яшаган кўчманчи чорвадор қабилалар.

эди, афсуски, у ўз санъатининг давомчиларини жуда узоқ кутишига тўғри келди. Яхши ниятли қофиябоз (нўнок) шоирларнинг авлодлари Рейдан ўрнак олиб, унинг йўлидан боришни афзал кўрдилар ва уларнинг беғам фаолият кўлами ҳамда қувноқ дағаллиги бир неча асрлар мобайнида поляк адабиёти киёфасини белгилаб келди. Опалиньский, Потоцкий, Коховский, Пасек Рей билан жон деб бир стол атрофида ўтирган ва Кохановский, Гурницкий, Скаргадан хурмат-эҳтиром билан узоқлашган бўлардилар.

Гурницкийнинг «Сарой аъёнлари» номли асарида тил муаммосига бағишланган бир неча саҳифалар борки, уларни хайрат билан ўқийсан, киши. Агар айрим унчалик муҳим бўлмаган деталь (тафсилот)ларни истисно қиладиган бўлсак, чунки замонавий тилшунослик бу ҳақда бошқача фикр билдиради, унинг тил тўғрисидаги ўй, фикр ва мулоҳазалари умуман олганда, тўғрилиги, аниқлиги ва нозиклиги билан хайрон қолдиради. Полякча ёзилган бундай саҳифаларни яна ўқиш учун эса икки юз йиллик сафсаталардан сакраб ўтиш керак, дунё маданияти билан алоқани узиб, калтафаҳмлиқ ботқоғига ботган, ўша даврдаги шундай бир «ажойиб бегона ўт» – Бенедикт Хмелевскийнинг «Янги Афина»си уларга хотима ясаган.

Мана, бизнинг мусибатимиз нимадан иборат бўлган: муҳим аҳамиятга эга зарур нарсаларнинг пайдо бўлиши орасида танаффуслар узоқ давом этган. Назмдан ҳам кўра кўпроқ наср жабр кўрган. Ожеховскийнинг мисли кўрилмаган, беназир равон, силлиқ услубини, Гурницкийнинг асл нафосатини, Скарганинг кенг нафасини мерос қилиб олиб, давом эттирадиган ижодкор бўлмаган. XVIII аср охирига келиб, проза олдида бирданига кўплаб янги вазифаар пайдо бўлган: ўша давргача лотин тилида иш юритган идоралар ва илм-фан муассасалари учун зудлик билан

янги тил яратишга тўғри келган. Физика, математика, иқтисод, кимё фанлари бўйича яратилган биринчи асарларнинг муаллифларига қойил қолмасдан иложимиз йўқ – улар поляк илмий атамашунослигини тайёрлаб, сўзлашув нутки услубининг аниқ қарор топган тушунчалар асосидаги қисқа ва лўнда даражасига эришганлар. Шунингдек, устав (низом)лар, декретлар, фармойишлар ва шу каби бошқа ҳар хил ҳужжатларни ёзиб-чизиш учун бош қотирган идораларнинг бизга номаълум амалдор «ёзувчи»ларига ҳам тан бериш керак.

Лекин энг оғир юк XIX аср зиммасига тушган: унинг олдида аввал ўтган авлодлар «ухлаб қолиб» бой берган барча ишларни охирига етказиш вазифаси турарди. Ва шунда бошқа халқларнинг адабиётларида кузатилмаган «нимадир» содир бўлди: XIX аср бизни олдинги юзйилликлардаги ўз адабиётимиздан ажратиб қўйди, бу ходиса баайни имтиҳон топшириб бўлгач, ҳеч ким етуклик аттестатига қарамаслиги каби ҳолатга ўхшаб кетарди. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди, чунки фақат XIX асргина бизга муқаррар биринчи даҳоларни етказиб берди, драма, роман, эсселар яратиб, лирикани олдинги асрлар билмаган юксакликка кўтарди, ҳатто унинг сонет сингари архаик турларини такомиллаштирди; XIX аср хис-туйғулар доирасини кенгайтирди, узок вақт ўта моддийлашиб қолган тафаккурга руҳ, ғайрат бағишлади ва ниҳоят, луғатни янада бойитиб, синтаксисга қайишқоқлик ва равонлик бахш этиб, сўзни янгиледи. Бугунги кунда поляк тилида ёзаётганлар романтизм давригача яшаб, ижод қилган муаллифлардан деярли ҳеч нима олмайдилар. Уларга камдан-кам ҳоллардагина, масалан, тарихий романлар ёзаётганда давр колоритини тасвирлаш учун архаизмлар – эскирган сўз ва иборалар зарур бўлиб қолган тақдирдагина, мурожаат қиладилар.

Бир замонлар, худди ҳозиргидай, «рухонийликка йўл олди» каби «шоирликка кетди» дейилган даврлар ҳам бўлган, бу ўхшашлик ўша узок ўтмиш замонларда шоирлик хизмати дин билан бевосита боғлиқ бўлгани боис янаям ортиб борган. Эодлар мактабида шундай бўлган, у ерда истеъдодли ўспиринлар шеърият тилини ва шеър ўқишни ўрганиш ва анъанавий тарзда мукаддаслаштирилган иборалар, муқоясалар, эпитет (сифатлаш, васф)лар билан танишиш учун ўқишган. Ўрта асрлардаги Ирландияда ҳам худди шундай бўлган, у ерда куйчи шоир, бахшиликка номзодлар олти-етти йил давомида шеърият санъатини ўрганишган ёки қадимги фаранг жонглёрлари мактабларини олиб кўрадиган бўлсак, уларда вагант (сайёр кўшиқчи, шоир, бахши – тарж.)ликнинг эркин ҳаётига қизиққан ёшлар тажрибали назм усталарининг хипчинлари остида бўғинларни санаш, уларни цезураларга¹ бўлиш, ассонансларни² танлаш, саралаш, грамматиканинг ҳали ҳеч ким ёзолмаган қоидаларини тусмоллаб бўлса-да, қидириб топиш ҳамда асрлар мобайнида яратилган эпопея қаҳрамонларини билиш ва англашни ўрганганлар. Бироқ мазкур камёб ҳодисалардан ташқари, том маънодаги ёзувчилик санъати мактаблари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ва

¹ Цезура – шеъриятда такрорланиб келувчи паузанинг алоҳида тури; муסיқий ижродаги пауза, тўхтам.

² Ассонанс – товушлар уйғунлиги; фақат урғули унлиларнинг қофияланиши.

шунга ўхшаш ўқув муассасасини яратиш ғоясининг ўзиёқ қанчалик ёқимсиз туйилишига шахсан ўз тажрибамда ишонч ҳосил қилганман. Гап шундаки, бундан бир неча йиллар муқаддам худди шундай мактаб лойиҳасини таклиф этган ва уни ё нафис санъатлар Академиясининг секцияси ёки университет қошидаги махсус кафедра сифатида тасаввур қилган эдим. Ўшанда бўлғуси ёзувчилар эркин тараққиётининг азалий озодлигига тажовуз қилинишига қарши ҳар томондан норозилик овозлари янграган.

Ёзувчиларнинг эркин тараққиёти – бу албатта, ўта мустаҳкам қарор топган анъанадир. Ёзувчилар ҳамиша мустақил равишда ўқиб-ўрганишган. Уларда ҳаттоки ўрта асрлар ва Ренессанс (Уйғониш даври) рассомлари эга бўлган нарсалар ҳам бўлмаган: у даврда шогирд устоз назорати остида ишлаган, мўйқалам тозалаган, мольберт (рассомлар дастгоҳи) ва полотно тайёрлаган, масъулиятлироқ вазифаларни бажаришга тайёр бўлмагани боис, унга майда нақшлар, гуллар чизишни топширишган, у қулф (калит) тешигидан – бекитиб ташланмаган бўлса агар – устознинг сеҳр-афсун-ла бўёқларни аралаштириб, ўз (касб) сирларини пардалаб яширган ҳолда ахийри гулчанг сепилган капалак янглиф ўз дунёси томон учиб, у ерда чангни қоқиб-силкиб ташлашини мўралаб кузатишга интилган – шу тариқа устозининг услуб ва ижодий йўсинини ўрганиб, унга бир умр содиқ қолишга ҳаракат қилган. Ёзувчилар эса нафақат ўзларини ўзлари тарбиялашган, балки ўз атрофидагиларга қарши кўпинча ўчакишиб шундай қилишларига ҳам тўғри келган, улар азбаройи ўз касблари танлови важдан шундай йўл тутишга мажбур бўлишган. Агар башарти Лафонтеннинг отаси ўз ўғлининг шоир бўлишини хоҳлаган бўлса, ҳар қандайин ҳурмат-эҳтиромга муносиб бундай ота албатта

истиснодир. Овидий ўзи ёзган поэтик таржимаи хо-
лининг ўша қисмида бутунлай бошқа нарса хақида
– барча ота-оналарнинг яқдил фикри хақида – ёзган
ва хипчин-говронларнинг ғувуллашию шоир бўлишга
тайёрланаётган боланинг зорланишларини абадий хо-
тира қилиб қолдирган.

Аммо бўлғуси ёзувчининг ўз танлаган йўлидан
боришига ҳеч ким халақит бермаган тақдирдаям,
бошқа бир тарафдан, уни ҳеч ким ёзувчилик ҳуна-
рининг сир-асрорларидан вокиф эта олмайди ҳам.
Уларни унинг ўзи очмоғи, бунга ўз ақл-идроғи, туғ-
ма ҳис-туйғуси билан эришмоғи, таваккал қилиб бўл-
са-да, бунинг йўлларини қидириб топмоғи, номаълум
(одатда кўплаб олдинги авлодлар томонидан обдан
топталиб, из қилиб ташланган) сўқмоқларни очмоғи,
чакалақзорларда узоқ адашиб, тентираб юриб, ниҳоят,
ижод ва шон-шуҳрат сари элтадиган асосий, катта
йўлга чиқиб олмоғи лозим. Қўлтиғида қўлёмаларга
лик тўла папка билан ийманиб-тортинибгина кириб
келадиган, ундан ўзининг бутун умидини боғлаган
энг яхши, энг муҳимини олиш учун қўллари қалти-
раб титқилайдиган ёш йигитни кекса ёзувчилардан
ким ҳам кўрмаган дейсиз? Бундай ташрифлар одатда
турлича: ё икки тарафлама кўнгил қолиш ёки –
фавқуллодда кам учрайдиган, аммо бу қандай яхши!
– шодиёна ҳайрат, ўзаро хайрихоҳлик ва дўстлик
билан тугайди.

Кўпгина йиллар мобайнида ана шундай дўстона
тарзда кечган ўзаро муносабатлар тарихини Эккер-
ман ҳаёти мисолида яққол кузатиш мумкин. 1823
йил июнь ойи кунларининг бирида Эккерман Гёте
хузурига келиб, унга ўз қўлёмасини тақдим этади.
Гарчи қари туллак унда зўр ёзувчилик иқтидори
йўқлигини дарҳол англаб етган бўлса-да, аммо шун-
га қарамасдан йигитчага зарур маслаҳатлар ва хатто

турли хил поэтик экзерсислар¹ бериб, ижодий ишга рағбатлантиради, шу тарика то умрининг охирига қадар ўзига яқин олиб, «Гёте билан гурунглар»дек бебаҳо асар муаллифи сифатида унга ҳам боқийлик бахш этади. Эккерман ижод қилишдан бир дақиқа ҳам тўхтамайди ва ўзини янаям кўпроқ ишонч билан олға ҳаракат қилаётгандай ҳис қилади, аслида ҳам салобатли, вазмин шахснинг кучли иродаси уни бурч, вазифа, мақсад сари олишмай интилишга ундар эди. Эккерман билан бўлган воқеа – ниҳоятда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Ўша июнь кунларидан бирида Гёте ҳузурига илк бор кириб келган пайтда у қўлтиғига қўлёзма қистирволган ёшгина мусофир – ҳали камолга етмаган кўчманчи истеъдодларнинг рамзий тимсоли эди, холос. Гётедан ҳам кўра самимийроқ ва беғаразроқ Леопольд Стафф бир эмас, бир нечта поэтик қушчаларнинг учишни ўрганишларига ёрдам қилиб, уларни дўстона каломи ва табассуми билан қўллаб-қувватлади ва ўзи ҳам кўплаб миннатдор ёшларнинг, шу жумладан, Тувимнинг ҳам ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди.

Ҳар бир адиб, айниқса, эътибор қозонган, мўътабар, кекса ёзувчи кўпчилик учун «зиёратгоҳ» бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай, у ҳар куни почта орқали кўплаб хатлар олади, ёшлар унга ўз қўлёзмаларини жўнатиб, маслаҳат ва йўл-йўриқлар сўраб, мурожаат қилади. Шунда ёзувчи баъзан мушкул ахволга тушиб қолади: нима қилиш керак? Ё вақт етишмайди ёки бўлмасам – масала у қадар аригулик бўлмайди. Айни чоқда улкан ёзувчиларнинг бошловчи адибларга кўрсатган ғамхўрликлари таҳсинга сазовордир. Масалан, Чехов уларга ўз мактублари орқали пухта ва батафсил маслаҳатлар берган

¹ Экзерсис (фр. Exercice) – мусиқа ёки рақсда машқлар тизими, бу ерда: тавсиялар.

бўлса, Райнер Мария Рилкенинг «Ёш шоирга» деб номланган хатлар туркуми етук, баркамол тафаккурнинг тажрибасиз ёшларга нечоғли ёрдам беришига ажойиб мисол бўла олади. Бундай мактубларни, таъбир жоиз бўлса, «узоққа отадиган қурол» деб аташ мумкин, чунки улар ёзувчилик санъати техникасига оид энг қимматли кўрсатма ва йўл-йўриқлардан иборат бўлади. Лекин шу ўринда ёзувчилик маҳоратининг қандайдир тизими ёки ҳақиқий мактаби ҳақида гапиришга ҳеч қандай асос йўқ.

Ёш ёзувчиларни ўқитишнинг бирдан-бир, ягона чинакам мактаби – қадимги поэтика ёки стилистика, риторика (нотиклик санъати назарияси) мактаблари бўлган, уларда турли-туман мавзулар ишлаб чиқилган, баъзан шов-шувли романлар ва ғамгин драмалар муҳокама қилиниб, назарий масалаларга бағишланган маърузалар ўқилган, булар XIX асрда ҳам бўлган ва фрагмент шаклида композиция, шеър тўқиш ва ниҳоят, энг оддий шакл – она тили бўйича вазифалар сифатида ҳозиргача ҳам сақланиб қолган. Агар қадимги риторика мактаблари ҳақиқатан ҳам ёзувчилик санъатига доир кўплаб муҳим масалалар билан шуғулланган бўлса, эндиликда улар ёзувчи учун катта аҳамиятга эга эмас. Ёзувчига бундай стилистиканинг кераги йўқ, чунки улар кўпинча одамни зериктирадиган «виждонли», синчков майдакаш ва ўтакетган расмиятчилардан иборат бўлади, улар махсус бўлимларга тегишли ёрлиқлар остида адабиётда учрайдиган бадиий таъсирчанликнинг барча воситаларини, барча услубий усулларни жойлаштириш билангина кифояланиб, уларга худди қуриган капалаклар тўпламига қарагандай қарайдилар. Францияда бу борада Альбала дегани шуҳрат қозонган, у ёзувчилик маҳорати бўйича ҳар хил қўлланмалар муаллифи, Мольерга руҳан яқин шахс бўлиб, мсье

Журден жамиятида кўриниб турар, кимсан Проспер Мериме прозасига услубий тузатишлар киритишга уринган тенгсиз Альбала эди!

Энди поэтикага келсак, унинг йўриғи бошқа. Буюк ва ҳар қандай ҳурмат-эҳтиромга сазовор ёзувчиларнинг номлари у билан боғлиқ, у – адабиётга мансубдир. Аристотель «Поэтика»си, Хорацийнинг «Пизонларга мактуб»и, Лонгинга мансуб саналадиган юксаклик ҳақидаги трактат, Марко Жироламо Виданинг шеърий трактати, Буалонинг «Поэтик санъат»и, Дмоховскийнинг «Шеър тўқиш санъати» – Европа поэзияси мактабга қатнаган йўлдаги чақиримларни кўрсатиб турадиган устунларнинг бир нечтаси мана шулардир. Аммо барча шумтакаларга ўхшаб, у ҳам дам-бадам эзгу йўлдан тойиб, озодликнинг мафтункор туйғусига маст бўлган ва янги илҳом, янги устозлар ва янгича гўзаллик сари интилган. Мактабдаги устозлар буни таъна қилиб, ёзғиришган ва гарчанд улар классикларнинг романтиклар билан ўзаро курашида бир-бирлари билан яхши таниш бўлсалар ҳам, иш бир неча бор аччиқ англашилмовчиликларгача бориб етган.

Зотан, мактаб янги илмий кашфиётларни олдиндан кўра олмагани каби, янги поэзияни ҳам бошқалардан олдинроқ пайқашга бутунлай ноқобилдир. «Поэтик санъат»нинг ҳар бир курси илгариги даврларга мансуб шеърий дурдона асарлардан олинган қонун-қоидаларга асосланган бўлиб, ўтган ёки ҳозирги замон аҳволи ҳақида сўйлайди ва ундан энг янги адабий жанрлар ёки ўша пайтгача номаълум бўлган шеърий шакллар ҳақида ҳеч қандай маълумот топиб бўлмайди. Поэтикалар махдуд дунёга айланишади. Уларнинг тавсия ва танбеҳлари қарор топган обрў-эътибор, текширилган анъаналарга таяниб, шак-шубҳадан холи, аниқ ва равшан эстетик фикр-мулоҳазалар билан хаспўшланади. Бундай

фикр-мулохазалар учун хис-туйғулар психологияси ёки урф-одатлар таъсири остида шаклланган тушунчалар устида олиб борилган кузатишлар манба сифатида хизмат қилиши мумкин. Ва ниҳоят, ўша даврга хос бўлган нотўғри, хато фикрлар ҳамда хурофот, бидъат ва сохта тасаввурлар ҳам муайян роль ўйнаши шубҳасиз.

Аристотелдан ташқари, у ўз даврида тадқиқотчи сифатида адабий ходисаларни ҳам таърифлаб, баён қилиб берган, бошқа поэтика муаллифларининг ўзлари ҳам шоир бўлишган ва метеорологик ходисалар қандай баён қилинса, ўзлари яратган қонун-қоидаларни яна қидириб топиб, шундай баён қилишган ва шу тарика ўз дунёқарашларини ифода этишган. Бундай ҳолат ҳозир ҳам учраб туради. Мисол учун, Поль Клодель ўзининг ўта ғайриоддий «Поэтик санъат»ини ёзган. Ҳорацийнинг «Ars poetica»си – тафаккур ва баркамол санъаткор маданиятининг обидасидир. У ўз классикларини нафақат завқланиш, балки уларнинг усуллари ва воситаларини, фазилат ва камчиликларини кузатиш учун ҳам мутолаа қилган ва ҳар бир фикр-мулоҳаза ортида унинг шахсий тажрибаси яширинган. Агар Ҳорацийга догматик мезон билан ёндашилмаса, ундан ўрганса арзийдиган нарсалар бор ва энг аввало, унинг ҳар бир шеърий сатрида барқ уриб турган: ижодий ишга ҳурмат-эътибор ва мукамалликка интилишдан улги олмоқ керак. Ахир, Ҳораций биринчи бўлиб, ушбу сўзнинг аҳамиятини таъкидлаган, ёзувчидан сўзга нисбатан диққат-эътиборли бўлишни, виждонан ёндашишни талаб қилган ва сўз олдида шундай бир меҳр-муҳаббат билан бош эгиб, таъзим қилган, чунки унинг оҳанги, жаранги, маъно ва моҳиятига, мазкур сўзнинг инсоний тил, нутқ умуммулкидаги жамики ўзига хос хусусиятларига шайдо бўлган.

У Аристотель билан бир қаторда кўплаб авлодлар учун йўлчи юлдуз, мураббийга айланган, ундан бошқа риторика муаллифлари, ўрта тоифага мансуб шоирлар паноҳ топган, улардаги қонун-қоидаларга сажда қилишлар вақти келиб илҳом ва ижодий фикрлар билан алмашган.

Хитой адабиёт маъбудини кўрсаткич бармоғини юқори кўтариб, гўё бир нимадан огоҳ қилаётган ёки қойиётган мўйловдор донишманд қиёфасида тасвирлашади. Бундай илоҳ Фарбдаги поэтик ортодоксия (изчиллик, собитқадамлик)нинг бир неча даврлари учун ҳам буткул фойдали эди. Поэтика бўйича наинки умумий қоидаларни, балки бошқа кўплаб тафсилотларни ҳам ўрганишарди: тайёр иборалар, образлар, муқоясалардан фойдаланиларди. Ҳамма томондан тартиб-қоидалар билан ўраб олинган поэзия рақс ёки шохмот ўйинига ўхшаб кетарди. Унинг қоидаларини қабул қилиб, оғишмай амал қилишаркан, улар шоирнинг ўзига хослигини чеклаб, унинг ўзигагина хос бўлган фазилатларнинг, артистларча маҳоратнинг ўсишига монелик қилиши ҳисобга олинмас эди. Аксинча, барчага маҳорат, ижодкорлик ва ҳатто софлик ҳам фақат мана шундай шарт-шароитлар остидагина тантана қила оладигандай ва мана шу силлиққина сахнада фақат сийқалик ҳамда руҳсиз таклидчилик юки остида эзилган қобилиятсиз одамларгина мағлубиятга учраши мумкиндек туйиларди. Инжил рад этган Аҳдга амал қилишиб, янги майни эски мешларга қуйишарди. Эскирган, истеъмолдан чиққан шаклларни қайта жонлантириш учун эса, одамнинг айтадиган гапи бўлиши керак – агар бизнинг давримизга келиб, ҳалокатли камқонлик касалидан қирилиб кетган баландпарвоз исёнкорлик руҳидаги поэтик мактабларга йўлдош бўлган фикрий қашшоқликни ҳисобга оладиган бўлсак, бу – бажариш хийла қийин бўлган талабдир.

Романтизм эски конунларни бекор қилди. Поэтикалар ўтмиш қаърида қолиб кетди. Уларнинг ўрнини энди поэтик *ancien regime* – эски тузум ишлаб чиққан деярли барча нарсаларни яксон қилган дастурлар ва манифестлар эгаллади. Эскидан омон қолганлари фақат шеър тўқишга оид эди: шеър тuzилиши, вазни, бўғинлар сони, кофиялар қандайдир даражада анъанага риоя қилишда давом этди, сонет эса ҳамон ўн тўрт сатрдан иборат эди. Бироқ пировардида: ўтмиш поэтикалари томонидан шеърий асарга қўйилган талабларнинг биронтасини тан олмай ҳам, шоир бўлиш мумкин эканлиги маълум бўлди. Формализмнинг¹ қисқа муддатли ҳукмронлик даврида дам бўйига, дам энига қараб босилган шеърлар учраб турар, уларни ўқиганда беихтиёр бу ерда ишнинг яхшигина ярми ҳарф терувчининг ҳорғин елкасига тушибди-да, деган таассурот тувиларди. Эндликда биз шеър деб аталадиган шундайин асарларга дуч келяпмизки, агар уларни *in continuo* – узлуксиз яхлит сатр билан босиб чиқарилса борми, журналларнинг саҳифаларида ўзлари билан ёнма-ён чоп этилаётган патетик (эхтиросли, жўшқин) мақолалар ёки прозаик чақириқлардан ҳеч қандай фарқ қилмаган бўларди. Яқинда Францияда пайдо бўлган летрист – ҳарф билан ифодалувчи, яъни ҳарфий поэтик гуруҳ ўқувчиларни бир оз тонг қолдириб, энсасини қотирди: уларнинг «шеър»лари шундай кўринишга эга эдики, кимдир набор (ҳарф териш) кассасидаги бетартиб сочилиб ётган ҳарфларни тусмолаки териб олгану, шундайлигича босворган-қўйган.

Бизнинг давримизга хос бўлган қайғули имтиёзлар шундан иборатки, ҳар бир замонавий тутуриқ-

¹ Формализм – мантик, санъат ва адабиёт каби фанларда шаклни мазмундан, назарияни амалиётдан ажратишга интилувчи йўналишларнинг умумий номи.

сизликнинг тарихий ўтмишдошлари борлиги аён бўлмоқда. Мисол учун, антик давр охирларида шоирлар «кўзгу-поэма»лар тўкиш билан овунишган, уларнинг битта ярми, худди кўзгу аксига ўхшаб, бошқасига жавоб берган ёки шеърга қандайдир нарса ёки буюмининг, масалан, тухумнинг ёки болтанинг шаклини беришган ёхуд худди Пентадийга ўхшаб, ўзларининг *versus echoici* – «акс садо шеър»лари билан ўқувчиларни зериктиришган, бу ишни улар бутунлай жиддий бажаришган. Кохановский ҳам бир куни азбаройи қизиқчилик учун ўзининг «Қискичақалар» деб номланган фрашка (эпиграмма)сида худди шундай йўл тутган экан.

Маълум бўлишича, поэзияга романтизм томонидан олиб кирилган ва қачонлардир куч-қудрат манбаи бўлган озодлик кейинги вақтларда анархия – ўзбошимчалик томон ўзгариб, бузилди, бу эса ожизлик аломати эди. Катта ланг очиқ эшикдан эсган шамол чанг-чунг билан бирга ахлатни ҳам олиб киради. Ёзувчи бўлишга аҳд қилган йигит, башарти у фавқуллодда кучли шахс бўлмаса агар (бундайлар, албатта, камдан-кам учрайди), ўзини худди костёл¹ минорасидаги флюгер каби хис қилиши аниқ. Шу боис у ҳар қанақанги, айниқса, энг янги таъсиротларга бажонидил берилиб, илҳомни аллақандай майнавозчиликка беҳуда сарф қилади.

Жиддийлик бўлмаса, адабиёт ҳам бўлмайди. Кимки сўз орқали ўз қалбини ёки ўзи хизмат қилаётган умумжамоа, у хоҳ синф, хоҳ халқ ёки бутун инсоният бўлсин, дилидагини ифодалар экан, сўзга нисбатан масхарабозга хос қувноқ беғамлик билан муносабатда бўлолмайди. Жиддийлик гўё фақат қандайдир ғоялар ёки шиорларни эълон қиладиганлар учун мажбурийдир, санъат учун эмас, деган фикр

1 Костёл – поляк католикларининг черкови.

фақат бемаъни одамнинг калласидагина туғилиши мумкин. Айни ташқи дунёдан ва ҳозирги дақиқадан узилган, ўзини буткул гўзалликни мушоҳада қилишга бағишлаган санъат фидойилари, савдойи мутаассибларда ҳатто энг майда-чуйда ишларни бажаришда ҳам улкан жиддийлик кузатилади. Сўзни энг мос, муносиб жойга жойлаштиришдан олдин уни ҳеч ким уларчалик виждонан қараб, кўздан кечириб чиқмайди. Уларни сўзларнинг бутун шукухи чикдими-йўқми, улардаги оҳанг, жаранг, маъно ва моҳиятнинг бутун сирлилигини тўла очолдикми-йўқми, деган хавотир қийнайди, улар ўз фикрлари, ўз дунёқараши ва инсонни англашини одамларга етказадиган кишилардан ҳеч бир қолишмайди, уларни ҳар доим шундай улуғ мақсадлар учун сўзларни танлаётиб, ўз вазифамизни уддалай олдикми-йўқми, деган ўй ташвишга солади.

Хамонки адабиёт мавжуд экан, унинг ижодкорлари доимо шаклланган анъаналар билан ҳисоблашиб, ўз олдиларига мақсад қўйишдан олдин салафларнинг меҳнатига баҳо берадилар ва улардан нималарни олиш мумкин эканлигини ойдинлаштирадилар. Бугунги кунда «бокира адабиёт» ва «туғма истеъдод соҳиблари» деса, ҳеч ким ишонмайди, зеро, ҳеч ким ўзи ҳақида худди Амос пайғамбарга ўхшаб, менга гапиришни юлдузлар ўргатган, дея олмайди. Фақат бизлар деярли ҳеч нарса билмайдиган жуда узоқ замонлардагина ҳеч кимдан ҳеч қандай мерос олмаган ижодкорлар бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Шунинг сингари гўё ёзувчилик санъатини ҳеч қандай куч-ғайрат сарфламасдан эгаллаш мумкин, деган қараш ҳам анойиликдан бошқа нарса эмас. Бундай фикр кенг илдиз отганининг сабаби шуки, кенг китобхонлар оммаси томонидан ҳақиқий ёзувчилар билан бир қаторда, афсуски, қобилятсиз, нўноқ му-

аллифлар ҳам адабиёт намояндалари сифатида қабул қилинмоқда.

Ёзувчи тарбиясидаги асосий вазифа – сўз ҳақидаги илмни чуқур эгаллаш ҳамда ижод қилаётган тилни билиш ва англашдан иборатдир. Бу албатта, икки минг йилдан бери мавжуд бўлган адабий ҳаётда янгилик эмас. Ҳаттоки бизнинг барча манбаларимиз, мисол учун дейлик, Ҳомер даври тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермаган тақдирда ҳам, унга мансуб поэмаларнинг тил материали тил устида олиб борилган тинимсиз изланишлар ва сердиққат, майда тадқиқот ишлари ҳақида гувоҳлик бериб турибди. Данте ўзининг «De vulgari eloquentia» – «Халқ нутқ санъати ҳақида» номли трактатида ўзи келгусида ўз халқининг адабий тилига айлантириши лозим бўлган тил тўғрисидаги билимларни қаердан олган, ўша манбаларни келтиради. Данте бир нечта италян шеваларининг афзалликлари ва камчиликларини пухта ўйлаб кўриб, чамалаб ва уларга баҳо бераркан, луғатлар муаллифларининг, семантиклар ва грамматикларнинг ишини бир ўзи бажаради ва буларнинг барчаси унга ўз ижоди учун баайни муқаддима вазифасини ўтаган.

Анъанавий тарбия олган, француз тилини мукамал билган ва от миниш санъатини эгаллаган, бундан бошқа ҳеч қандай имтиёзларга эга бўлмаган зодагон Витторио Альфиери шоирда истеъдод уйғониши билан бир вақтнинг ўзида тилга муҳаббат ҳам туғилишига ажойиб мисол бўла олади. Шоир бўлишини ҳис қилмагунга қадар, ҳамма нарса унга маъқул келган, қаноатлантирган. Ўз иқтидорини англаб етгач, у она тилини завқ-шавқ ва иштиёқ билан ўрганишга киришади. XIII – XIV асрлар поэзиясини, XV – XVI асрлар прозасини диққат билан ўқиб, ўзлаштиради, грамматика ва шевашунослик билан

шуғулланади, лотин ва ҳатто грек тилини ҳам ўрганади. Буларнинг барчаси унга ўз поэтик оламини яратиш учун зарур эди.

Яна бошқа мисоллар келтиришга ҳожат йўқ деб ўйлайман, чунки бу ерда адабиётдаги деярли барча буюклар номларини бирма-бир санаб чиқиш мумкин. Польшада тилни авайлаб-асраш, уни ғамхўрлик билан ардоқлашда Жеромский барчага намуна эди. Бу ҳақда нафақат унинг прозаик асарлари ва уларнинг тадрижий ривожланиш жараёни, балки «Снобизм ва тараққиёт» деб номланган китоби – адабиётимизда шу йўналишда яратилган бирдан-бир, ягона асар ҳам гувоҳлик бериб турибди. Поляк ёзувчиларидан хали ҳеч ким тил муаммоларини поляк адабиётининг долзарб муаммолари мажмуи ҳамда ўз ёзувчилик тажрибалари билан бевосита боғлаб, бунчалик батафсил тадқиқ этмаган эди. Мазкур китобдан, бошқа барча маълумотлардан ташқари, адабиётдаги ҳар хил масхарабозлар шаънига уларнинг калтафаҳмлиги, билимсизлиги ва ғалатиликлари хусусида билдирилган қаттиқ танбех ва танқидий фикрлар ҳам ўрин олган.

Баъзан айрим адибларнинг тил ўрганиш ҳақидаги бепарволик билан айтган фикр-мулоҳазалари қулоққа чалиниб қолади, бунда улар гўёки тилни пухта ўрганмай туриб ҳам, сўз санъатига оид «ажойиб» асарлар ёзган, худди ўзларига ўхшаган илм-сиз кишиларни далил-дастак қилиб келтирадилар. Бироқ бундай воқеалар аслида ҳеч қачон бўлмаган, эҳтимол, нодон одамларнинг тушига кирган бўлиши мумкин. Тўғри, Шекспир Европа адабиётига оид бутун бир сўз оламини сув қилиб ичиб юбориш учун луғатларни варақлаб ўтирмаган, лекин Шекспирнинг Шекспир эканлиги ва у ҳеч нима билан қиёслаб бўлмайдиган бу бойликни тўплаш учун қўлидан келган

барча ишни қилганлиги ҳақидаги муҳим далилни ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. У таъбир жоиз бўлса, асалари меҳнатига қиёс этгулик даражада тер тўкиб, ҳормай-толмай ишлаган. Шаҳар ва қишлоқ, кема ва таверна (кичик майхона), ўрмон ва дала, ҳовли ва кўча унга ўзларининг бор тилини берган, унинг мислсиз поэтик инстинкти эса керагини танлаб олган. Бундай мактаб барча учун барабар бўлган, унда ҳамма замонларнинг ёзувчилари таҳсил олишган. Бугунги кунга келиб, ундан кам фойдаланилмоқда, чунки мана қарийб юз йилдирки, ёзувчиларнинг турмуш тарзи, баъзи бирлариникини ҳисобга олмаганда, ўз иш кабинетлари билан қаҳвахона ўртасидаги дамдузликдан иборат бўлиб келмоқда. Лекин илгарилари ҳар томонга зир югуриб излаган нарсаларини ҳеч қачон, ҳеч қайси бир замонда бугунгидек шу қадар осон воситалар ёрдамида қўлга киритиш имкониятига эга бўлишмаган. Эндиликда эса луғатлар, классикларнинг бекамикўст нашрлари ҳар доим уларнинг ихтиёрида.

Аммо улардан кам одам фойдаланади. Ўзлари ёзаётган тилнинг тузилишини аниқлаш устида ҳам кам ишлашади, унинг тарихини билишмайди ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида ўйлашмайди ҳам. Баъзида ҳатто шундай бир ғалати таассурот туғиладики, гўё муаллиф тақдир насиб этган тилга қийинчилик билан кўникади, унинг тилга нисбатан бепарқлиги, лоқайдлиги яққол сезилиб туради: башарти шароит ўзгариб қолгудай бўлса, у дуч келган бошқа тилдан фойдаланиб кетаверади.

Хўш, ҳақиқий ёзувчиларнинг, чинакам сўз санъаткорларининг бу борадаги ишлари қалай? Буни Конрад мисолида билиб олишимиз мумкин. Асли чиқиб келиши поляк бўлган Конрад инглиз тилини хийла кеч – 18-20 ёшларида ўзлаштирган, француз тилида

эса хар доим бемалол сўзлаша олган. У Голсуорсига йўллаган мактубида (Уэллсга ёзган хатида ҳам худди шу фикрни билдирган) одам ўз она тилида ёзмаган чокда дуч келадиган қийинчиликлар хусусида нолиб, шундай деб ёзган эди: «Менинг бошқа танловим йўқ эди, мабодо инглизча ёзмаганимда агар, умуман ёзмаган бўлардим». Буни фақат ушбу тилга бўлган мухаббат билан изохлаш мумкин, фақат мухаббатгина муъжизалар яратишга кодир: олис юртдан келган бир мусофир Шекспир ватанида ажойиб, зўр услубчилардан бирига айланади. Шу хилдаги, гарчи у қадар ёркин бўлмаса-да, талайгина мисолларни, айниқса, кўпгина чет элликларни суйган ва сийлаган мамлакат – Франция ҳаётида учратиш мумкин: XIII асрдаёқ Брунетто Латини фаранг тилини «беқиёс лаззатбахш» эканлиги боис ёқтириб қолган. Ўшандан бошлаб, деярли хар бир асрда француз ёзувчиларининг сафлари ажнабийлар хисобига кенгайиб борган, бутун Европа французча ёза бошлаган XVIII аср ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Хар хил тоифадаги бадарға қилинган, қувилган, хўрланган ва таҳқирланган одамлар ушбу тилни қабул қилиб, кўпинча уни мукамал даражада эгаллашган. Францияда ҳатто француз тилида ёзадиган хорижликлар учун махсус мукофот таъсис этилган бўлиб, ҳайъат аъзолари хар йили француз тилини билгани ва уни нозик ҳис эта олгани учун чет эллик ёзувчига қойил қолиб, тасаннолар айтадилар. Бу ёзувчиларнинг ҳомийси бўлишга Жюльен Грин муносиб эди, отаси инглиз, онаси эса америкалик бўлган бу ёзувчи болалигидан яхши билса ҳам, она тилида ёзмайди.

Тил ҳақидаги билим, унинг бойлиги, ўзига хошлиги ва қонуниятларидан ҳам кўра эндиликда поэтик сўкмоқлар ва фигураларни билиш кўпроқ таназулга юз тутди. Ҳозир уларни ғайришуурий ҳолда,

кўр-кўрона қўллашмоқда, зеро, ўз шеъри ёки насрий асаридан бирор парчани унинг матнида қўлланилган риторик фигураларни аниқ номлаб ва кўрсатиб, таҳлил қилишга қодир муаллиф йўқ, деб бемалол айтиш мумкин. Агар буни унинг иштирокида қилинса борми, бўлғуси нонга қўшиладиган барча таркибий қисмларни илмий атамалар билан бирма-бир санаб чиқишга қийналган хамир қораётган хотиннинг ҳолига тушиб, довдираб қолиши ҳам ҳеч гапмас. Нонку, печдан четлари кизариб, бўрсилдоқ бўлиб пишиб чиқди, аммо яхши ва мазали нон ёпиш учун кимёни билиш зарур бўлмаса, унда ёзувчилар ҳам риторикани билиш ҳеч кимга поэтик қанот бағишламайди, дейишлари мумкин-да.

Албатта, бу ўринда риторик атамашуносликни эслаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, бинобарин, грамматикада энг оддий жумлаларнинг дабдабали ва чалкаш тасвирига дуч келганимизда, уларнинг схоластикага¹ ўхшаб кетадиган номлар ва таърифлар билан бўяб-бежаб ташланганини кўриб, тепа сочимиз тикка бўлгани каби, уям кўнгилни беҳузур қилиши турган гап. Аммо қачонлардир ёзувчилар бундан чўчимаган ва уларнинг барчаси риторика мактабини ўташган. Риторика мавжуд бўлган давр, яъни эрамиздан аввалги V асрдан бошлаб, қадимги замон, ўрта асрлар ва янги давр адиблари деярли то бугунги кун бўсағасига қадар, сўз санъатини нафақат қонун-қоидалар ва мисоллар ёрдамида, балки стилистик «усул»ларнинг ҳар қандай турига хос эстетик, эмоционал ва интеллектуал таъсир кучининг таҳлили асосида ҳам ўрганишган. Масалан, Петрарка «дунёи

¹ Схоластика – черковнинг диний акидаларини назарий жиҳатдан асослашга қаратилган қуруқ сафсатадан иборат ўрта асрлар фалсафаси; илм, тажрибаларга асосланмаган пуч, сохта билим.

бевафо»ни ифодалаш учун ёзувчи ихтиёридаги тўрт юзга яқин истиорани санаб ўтган. Беихтиёр Гвидо Ренининг куйидаги сўзлари эсга тушади: «Менга Мария Магдалинанинг кўзларидаги ўкинч ва итоаткорликни ифодалашнинг юзта усули маълум». Гвидо Рени ким, Петрарка ким бўлган, буни биламиз. Модомики, рассомда касбий беҳаёлик ва ўз маҳоратига бўлган ишонч сўзлаган бўлса, шоир ўзининг кўп ишлатилган, сийқаси чиққан ва шу боис бефойда истиора, мажозлар қайдига бағишланган иш кунларидан бирига разм солишимизга изн берган.

Ҳар бир ёзувчи ўзининг ранги ўчиб кетган сўз нақшлари сақланадиган намиққан, димиққан қазноғини вақти-вақти билан шамоллатиб, ҳавосини янгилаб турмоғи лозим. Улар ҳар бир жумла атрофида ўжарлик билан гир айланиб, «қўлга илиниб олиш» учун эътибор сусайиши ёки хорғинлик дақиқаларини кутадилар. Кунда ишлатиладиган сўзлашув тили, бу – истиораларнинг улкан гербарийсидир, қачонлардир уларнинг ҳам ўз баҳори бўлган, энди эса уларни энг оддий иборалардан ҳам фарқлолмайсан ёки шарти кетиб, парти қолганини кўриб қўрқиб кетасан, киши.

Истиора тилнинг шу қадар ажралмас қисмига айланганки, агар уни бирдан олиб қўйилса борми, одамлар бир-бирларини тушунолмайд қолишарди. Стол оёқчаси, кўзанинг оғзи (бўғзи), калла қанд, банд, даста, тутқич, соп (ниманики бўлмасин), дарёнинг қуйилиш жойи, шишанинг оғзи, тоғ этаги – шунга ўхшаш истиора, мажозларнинг образлигини эндиликда деярли ҳеч ким ҳис қилмайди, инсон танаси антропоморфизацияни¹ оқламаган

¹ Антропоморфизация – одамга хос рухий хусусиятларни нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб билиш; баъзи бир динларда Худони одам қиёфасида тасаввур қилиш.

предметларга ўзининг қисмларини улашиб берган. Бу жараён узлуксиздир: бир-биридан жуда узоқда бўлган икки предмет сал-пал ўхшаш бўлдим, уларнинг сўзда бирбутун бўлиб қўшилиши учун шунинг ўзи кифоя. Ҳиндуларда худди ўша сўзнинг ўзи бир неча: шох, бутқ, новда, елка, қуёш нури, сочлар ва ёл маъноларини англатади. Ананас инглизчада *pine-apple*, яъни «қарағай олмаси» деб аталади – биргина сўзда бутун бир эртақ мужассам. «Юрмоқ», «бормоқ» феъли бир қарашда фақат одам билан чамбарчас боғлиқдек туйилади, аммо ҳаракатланишга қодир бўлган барча нарсаларни камраб олган. Бу жараёнларга изоҳларни анимизмдан¹, ибтидоий диндан қидиришган, улар эса янги сўзларни яратишдаги тежамкорлик билан изоҳланади. Истиора сўз ижодкорлигига ёрдам кўрсатади – сўз ижодкорлиги истиорасиз янгидан-янги сўзларни узлуксиз ясашга дучор бўлган ва инсон хотирасини ҳаддан ташқари юк билан оғирлаштирган бўлар эди.

Аммо инсонда тил яратувчиси сифатида яна нимагадир интиладики, уни поэтик инстинкт деб аташ мумкин. Одамзод Аристотелнинг *зооп политикон* – ижтимоий ҳайвон деган таърифига сазовор бўлгунга қадар, аллақачон *зооп роетикон* – поэтик ҳайвон деб аталиш ҳуқуқигача ўсиб борган эди. Бойўғли (тунда ишлайдиган одам) билан инсон руҳининг муайян ҳолатини биринчи бўлиб илғаган ва бу ўхшашликни «уйқусираган», «ланж», «қарахт» сифатларида дадил парабола билан абадий муҳрлаган ким? Кимнинг масҳараомуз кулгиси «бужмаймоқ», «тиришмоқ», «хурпаймоқ», «диккаймоқ», «донг қотиб қолмоқ» феълларида умрбод қотиб қолган? Ким у, «ғазоби қайнамоқ», «нафис қилиб йигирмоқ», «мия-

¹ Анимизм – ибтидоий халқларда: ҳар бир нарсанинг жони, руҳи бор, деган эътиқод.

сига (кулоғига) куймоқ» ибораларидаги ғайриоддий ассоциацияларни кўчма маънода боғлаб, бириктириб қўйган? Ким турли соҳаларга оид икки ҳиссий-зеҳний идрокни бирбутун қилиб бирлаштириб, Рибо 1 'audition coloree – эшитиб ранг сезиш қобилиятига эга деб билган шоирлардан олдинроқ «истехзоли овоз» ҳақида сўзлай бошлаган? Осмонда учиб бораётган турнани тўхтатиб, унга қудук тепасида энгашишни буюрган ким? Биз буларни ҳеч қачон билмаймиз. Поляк тилида юз берган англашилмовчилик туфайли sedziwy (оқ, оппоқ, соч-соқоли оқарган) сифати пайдо бўлгунга қадар, бу сўз szedziwy (киров билан қопланган) шаклида тўғри янграр эди, кексаларнинг оппоқ соч-соқолли бошларини эса қишдаги киров босган дарахтларга ўхшатишарди. Полякча zgryzota (хафагарчилик, ғам-ташвиш) сўзида gryzc (ғажимок, кемирмоқ; қийнамоқ) феъли, troska (ғамхўрлик, безовталиқ) сўзида эса trzaskac (очкўзлик билан кўп емоқ, ичмоқ; урмоқ, муштламоқ, қоқмоқ) феъли мужассамдир. Худо, бой, камбағал полякча zboze (жавдар, дон, ғалла, нон) сўзи билан осмон, ер ва инсон тақдир-қисматини ўзаро боғлаб турадиган истиоралар занжирини ташкил этади. Шоирлар пайдо бўлиб, ўз юракларининг қон билан боғлиқ сирлари ҳақида сўйлаб беришгунларига қадар, номаълум даҳо икки тушунчани бир неча тилларда битта сўзга: азоб, машаққат, дард ва эҳтирос, иштиёқ, ишқибозлик (Passion, Leidenschaft (нем.) бирлаштирган ва, Сикстина Йеҳовасига ўхшаб, биргина имо-ишора билан қоронғилиқ қаъридан инсоний ҳис-туйғуларнинг буюқ бир оламини чорлаб, чақирган.

Истиораларда халқ руҳи ўзининг янаям чуқурроқ ифодасини топади, улар ирқлар ва қабилаларнинг ҳис қилиш ҳамда тафаккуридаги тафовутни ҳамма нарсадан ҳам кўра тўғрироқ ва ҳаққонийроқ тас-

вирлайди. «Материя» фалсафий атамаси лотинчада дарахт, ёғоч, ёғоч-тахта маъноларини англатади ва таржимада грекча *hyle*, худди шундай французча *bois* ҳам ўрмон, ёғоч, ёғоч-тахтани билдиради. Бирок худди ўша фалсафий тушунча – материяни хинд фалсафаси бутунлай бошқача мажозда: «дала»ни англатадиган сўз орқали ифодалайди. Мазкур икки сўзни бир-бири билан таққослаш орқали икки турли дунёқараш ва маданиятлар тарихини англаш мумкин.

Денгизчи дунёга кема мачтаси тепасидан қарайди, овчи эса унга ёввойи (йиртқич) хайвонлар сўқмоғи бўйлаб, ўрмон чакалакзорлари оша ўтиб боради, деҳқон учун дунё ўзининг дала ва боғлари яшнаб ётган уфқ сарҳадининг аниқ чизивига тутшиб кетади. Инсон фаолиятининг мана шу барча энг қадимий манзаралари тилда истиоралар шаклида қайд қилинган, улар орқали аллақачонлар унутилиб, йўқ бўлиб кетган ландшафтлар, ижтимоий муносабатлар, меҳнат қуроллари, урф-одатлар, бидъатлар қайта намоён бўлади. Шарада (*топишмоқнинг бир тури – тарж.*) ва ребусларни ечганда қандай завқлансак, тилшунослик бизга мана шу истиоралардан худди шундай баҳраманд бўлишимизда ёрдам беради, аммо кундалик истеъмолдаги тил қачонлардир ранг-баранг, ёркин ва гўзал бўлган ушбу истиораларни аллақачон эзиб, янчиб, майдалаб, рангсиз, нурсиз, саёз ва сийқа ибораларга айлантириб юборган. Бирок уларнинг кўпчилиги, масалан, «экинзор», «дала», «соҳа», «тармоқ» ва х. к. хали ҳам ўзларининг мажозийлигини буткул йўқотганича йўқ, улар газета тилида ва жўн сўзамол тилда ҳамон тез-тез учраб туради. Худди шундай фикрни «шоҳ», «бутоқ», «новда», «тўлқин», «оқим», «фарватер»¹ хусусида ҳам ай-

¹ Фарватер – сувнинг кемалар юра оладиган чуқур жойи, яъни кема йўли.

тиш мумкин. Ҳар бир давр тил захираларига бир ховуч янги маъноли истиораларни кўшиб боради. Бу жиҳатдан, айниқса, бюрократия сермахсулдир: унинг «шарофати» билан ҳатто «нуқта» – фазонинг ҳеч қандай ўлчовга бўйин эгмайдиган зиғирдеккина зарраси – забт этишга шайланиб, ҳаётнинг улкан худудларини ўзига бўйсундиришга эришди. Эндиликда «фронт», «парча», «пост»сиз иш битмайди, «платформа», «нуқтаи назар», «омил», «мотор», «унсур», «блок», «соҳа», «худуд» эса башарти палла-партиш қаламга дуч келиб қолса борми, ҳар бир жумлани қуртдай кемириб, уни маънодан (агар бўлса) маҳрум қилади.

Бир вақтлар дадил, янги, тиниқ ва ёрқин бўлган нарсаларнинг вақт ўтиши билан сийқаси чиқиб, чидаб бўлмас даражага етишини кўриш ачинарли ҳолдир. «Гулларнинг нақшдор гилами», «зумрадранг майсазор», «осмоннинг кўм-кўк ранги», «марвариддек инжу кулги», «дув-дув оққан кўз ёшлари» ўзларининг олижаноб шажараларини бемалол далил қилиб келтириб, йўқотилган ёшликларини эслаб, хўрсиниб олишлари мумкин эди, аммо ҳозир агар маъсулиятсиз қаламга дуч келиб қолгудай бўлса, бутун бир саҳифага эски қазноқнинг димиққан, намиққан ҳидини ёйиб юборган бўлишарди. «Табиат қучоғи» бола-чақасини якшанба кунлари шаҳар ташқарисига сайрга олиб чиқадиган оила бошликларини тинч қўймайди, кечиккан баталистлар¹ асарларида ҳамон «ҳақиқий ўқлар ёмғири ёғилади», «вақт оқими» эса ҳаттоки парламент нотифини ҳам кулгили ҳолатга солиб қўйишга қодир: немис нотифи қуйидаги жумла билан абадий юмор китобига «ярк» этиб кириб қолган экан: «Бир қанча кўз ёшларга тасалли берган вақт оқими, бу ярани ҳам тузатади». Польша сей-

¹ Баталист – жанг манзараларини тасвирловчи рассом.

ми¹ стенографи бўлиб ишлаган Кароль Ижиковский шунга ўхшаш ажойиб-ғаройиб гапларни қунт билан тўплаб юраркан, агар улар сақланиб қолганда эди, биз бугун нотиклик сўзамоллигининг тутуриксизлигига доир ажойиб тўпламга эга бўлган бўлардик.

Оддий, ўртамиёна одамлар бир хилда ўйлайдилар ва ҳатто бир хилда ҳис қиладилар. Бу ўртамиёна нотиклар ва ёзувчиларга ҳам тааллуқлидир. «Аёлни гулга қиёс этган биринчи одам, – деб ёзганди Хайне, – улуғ шоир, буни иккинчи бўлиб қилган эса оддий каллаварам эди». Флобер сийқаси чиккан гапларнинг қизиқ ва бир оз ваҳимали луғати – «Сийқа фикрлар лексикони»ни тузган. Аслида ҳар бир тил учун худди шундай луғат тузилиши фойдадан холи эмас, чунки у адабиётчиларга имло луғатларидан ҳам кўра зарурроқ, негаки имло тўғрисида мусахҳихлар ғамхўрлик қилишади.

Ҳатто яхши ёзувчилар учун ҳам баъзан истиорани уддалаш қийин кечади. Мана масалан, Флобернинг «Бовари хоним»ида шундай бир жумла бор: «*Quand elle eut ainsi un peu battu le briquet sur son coeur sans en faire jaillir une etincelle...*» («Аёл чакмоқтошни уриб, юрагидан олов чиқармоқчи бўлган эди, ундан биронта ҳам учқун чикмади...») Мана шу «чакмоқтошни уриб, юрагини ёндириш»дан ҳар қандай насрий саҳифа ҳам уялиб, хижолат тортган бўларди. (Матнда *battre* – урмоқ, муштламоқ – ҳаракатни кучайтиради: чакмоқтош ва унга урилаётган пўлат кўриниб турибди).

Охирги мисолдан касб сирларини ойдинлаштириш учун нега айнан истиорани танлаганимни тушунса бўлади. Истиорада турли хатарлар пинҳон яширинган бўлиб, улар: ё сийқаликнинг бадбўй хидини

¹ Сейм – баъзи бир мамлакатларда: парламент номи; Польшада: давлат ҳокимиятининг олий органи.

тарқатиши ёки тутуриқсизликка ҳам олиб келиши мумкин; бундай маккор сўз безакларига нисбатан меъёр ва нафосатни сақлай олиш учун маромни билиш, ақл ва дид керак бўлади. Истиораларсиз иш битириш қийин, тўғрироғи, мумкин эмас. Муқоясаларсиз, айниқса, насрда амаллаш мумкин, ҳатто уларни онгли равишда ва муваффақият билан четлаб ўтса ҳам бўлади – агар янглишмасам, Дюамелни бунга ажойиб мисол сифатида келтириш мумкин, – аммо истиорадан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Турган гапки, у инсон ақлининг туғма эҳтиёжига жавоб беради ва ундан савқи табиий тарзда фойдалангандан кўра, яхшиси уни онгли равишда қўлланган маъқул. Кимки савқи табиийлик фикрлар, образларга тўла, ўзининг эса бой тажрибаси бор, дунёни ва одамларни билади, шунинг учун унга сўз устида ишлаб, ўзини уринтиришнинг кераги йўқ, чунки сўз «ганга киради» ва уларнинг сир-синоатлари, ҳаёти, тараққиёти ва тилда бажарадиган хизматлари ҳақида чуқур ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ дейдиган бўлса, буларнинг барчаси ижодкор ёзувчилар учун эмас, балки фақат манфур лингвист учунгина яхши, – кимки шундай ўйлар экан, у ўзини ночор ахволга солиб қўйиши муқаррар ва унинг ёзган китоблари эски латта-путтадан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

Баъзида у ёки бу ёзувчининг фахр билан шундай деганини эшитиб қоламиз: менинг китобларим, бу – адабиёт эмас! Агарда у олим, файласуф ёки сиёсий арбоб бўлса, шу йўл билан гўё ҳақиқатни гапириш ўрнига уйдирма, тўқима гапларни ёзибди, деган таъна-дашномлардан ўзини соқит қилмоқчи бўлади. Лекин агар шунга ўхшаш баёнотларни беллетрист ёки шоир берса, у гўё ўзининг ижодини камситиши мумкин бўлган ниманидир рад қилаётгандай таассурот уйғотади, демак, у ишга, услубга, айниқса, мукаммал-

лик сари интилишга қарши, бу эса мутлақо тушунар- сиз ҳолдир. Гарчи мазкур боб шундай деб аталса-да, «касб» сўзи ҳам қандайдир ёқимсиз туйилади. Албат- та, ҳар қандай санъатнинг асосида касб, ҳунар ётади ва уста, омилкор бўлолмайдиган одамгина буни тан олишни ҳам, касб-ҳунар ўрганишни ҳам хоҳламайди. Поль Валери бутун умр бўйи адабий касб сирларини тадқиқ қилди ва пировардида университетнинг поэтика кафедрасида сўз санъатининг майда-чуйда тафсилотла- рини таҳлил этиш билан шуғулланди. У бутун ҳаёти давомида қилган меҳнатлари туфайли чуқур билим, ақл-заковат ва юксак маданият даражасига эришди. Ёзувчи мактабдан, намуна сифатида олинган санъат асарларидан, музейлардан ва бошқа сўз санъаткорла- ри билан бўлган мулоқотлардан нимаики олган бўлса, булардан ташқари, ўз ижоди учун муҳим бўлган нар- саларни ўз шахсий характери, мижози, жўшқинлиги, иштиёқ, мойиллиги ва истеъдодидан – худди ўсим- ликлар озуқа шарбатини қандай олса, шундай олади: ҳар бир ўсимлик худди ўша тупроқдан ўзига керакли моддаларни олади. Рабиндранат Тагор ўзининг ғоят қизиқарли «Эсдаликлар»ида поэтик ўсимликларнинг илдизлари, поя, шохчалари, барглари ердан, ёруғлик- дан ва хаводан озуқа моддаларини олаётганда қандай ҳаракатланишларини кўрсатиб ўтган.

Ҳар бир ёзувчи қалбида кечинмалар, ҳис-туйғулар, ўй, хаёл ва фикрларнинг чексиз шкаласи пинҳон яширинган бўлади, уларнинг нафис ва нозик теб- ранишларидан пировардида шу нарса юзага келиб, маълум бўладикки, ёзувчи уни ваҳий сифатида, ижо- дий жасоратга даъват сифатида қабул қилади. Ва энди ҳаммаси унинг ўз олдида очилажак йўлни тўла- тўқис, яққол ва равшан кўра оладиган лаҳзага – у бир соат, бир кун ёки бир йилга тенг бўлиши мум- кин, – боғлиқ бўлади.

Хар қандай бошқа санъат турини олиб кўради-ган бўлсак, унда мавзулар чекланган, фақат ёлғиз адабиётгина бу соҳада чек-чегара билмайди. У худди сўз каби олис-олисларни қамраб олади, сўз эса фикр сингари, шу қадар узоқ масофаларга етиб борадики, на замон, на маконда сарҳад билмайди. Юлдуздан тортиб, то атомгача – ҳамма-ҳамма нарса адабиёт учун мавзу бўлиши мумкин. Бутун Коинот адабиёт учун материалнинг битмас-туганмас кони ҳисобланади. Адабиёт ўз материални ходисалар, таассуротлар, фантазиялар, тушунчалар, ҳис-туйғулардан излаб топади, уни фалсафадан, илм-фандан ва ҳатто керак бўлса, ўз-ўзидан ҳам топа олади. Ўз-ўзидан деганимиз қачонки бир ёзувчи бошқа бир ёзувчи томонидан яратилган қаҳрамонни олиб, уни янгича тақдим этган пайтда бўлади. Масалан, Таврот, Ҳомер, грек фожианавислари, Данте, Шекспир персонажлари билан азалдан шундай қилиб келинади. Ҳауптман ўзининг «Ҳамлет Виттенбергда» номли драмасида Шекспир қаҳрамонининг талабалик йилларини тасвирлаган бўлса, Томас Манн ўзининг «Лотта Ваймарда» аса-рида «Вертер»даги қаҳрамон қиз ҳаётини яна давом эттиради. Словацкий ҳам Мальчевскийнинг «Мария» деб номланган поэмасидаги Вацлавни худди шундай тасвирлаган. Шундай қилиб, ниҳоят, ёзувчиларнинг ўзлари ҳам дostonлар, шеърлар, романлар, новел-лалар, драмалар ва биографик романларнинг қаҳра-монларига айланишмоқда.

Бироқ ёзувчи ўзидан бўлак ҳеч ким назар солol-майдиған жойга ҳам кира олади: на табиатшунос ўз

микроскопи билан, на руҳшунос ўзининг тажриба ва таҳлил усуллари билан ва ҳатто шоирга ҳаммадан ҳам кўра якин бўлган метафизик ҳам у ерга кириш ҳуқуқига эга эмас. Чунки уларнинг қайси бири қалбимиз манзараларининг туман янглиғ ўткинчи пардаларини, кайфиятларини тадқиқ эта олади? Олис хотира, эсдаликларнинг нозик гулчанги яширинган хотирамизнинг бурма, қатларини ким титкилаб, ковлаштиради? Ким ширин орзу, хаёлларни тўплаб, сақлайди, уларни шаклан ўзгартиради? Ёзувчини ҳаттоки вақт ҳам чеклашга қодир эмас: у дунё яралишидан олдинги зимистон ичра адашиб тентираши ва келажакни худди бугунги кундай кўриб, тасвирлаб бериши мумкин.

Ёзувчи ёруғ дунёда худди мафтун давра ёки шайдо муҳитда яшагандек яшайди. Уни ҳар дақиқада ҳар томондан турфа таассуротлар қуршаб олади ва уларнинг сеҳрига маҳлиё бўлиш учун бирров назар ташлаш кифоя қилади – ҳайратланиш, завқ олиш, қойил қолиш, даҳшатга тушиш ёки шунчаки хайрихоҳлик уларни ҳеч ким кўрмагандай кўра олиш ҳамда сўз воситасида абадий муҳрлаш имконини беради. Ёзувчи биронтаям таассуротни, унинг эстетик қимматига баҳо бермай туриб, ғойиб бўлишига йўл қўймайди. «Амалиёт пайтида, – деб ёзган эди Тургенев Альфонс Додега, – пўлат тиф теримни кесиб, баданимга ёриб кираётган лаҳзадаги сезги, хис-туйғуни аниқ ифодалай оладиган сўзларни қидира бошладим». Руҳий-маънавий ёки жисмоний азоб-изтироб ёзувчиларни уни таҳлил қилишга ундаган ёки мажбур қилган ҳамда сўз сеҳри ва унга дахлдорлик туфайли ўша изтироб ўзидан сўнг оташин сатрлар ёки саҳифаларнигина қолдириб, тарқаб, унутилиб кетган пайтлар озмунча бўлган дейсизми!

Вақти келса, ёзувчининг тепасида муаллақ сузиб юрган гулчанг булутчаларнинг ҳар бири гул

бериши мумкин. Газета, кўча, пешлавҳа, дала, черков эшиги олдида садақа сўраб турган гадой, китоб муковаси, дори-дармон хиди – кундалик ҳаётнинг энг оддий фурсати ўзи билан олиб келадиган ҳамма нарса, воқеа, ходисалар замирида кутилмаган ижодий рағбатлар яширинган бўлади. Ёзувчи шаҳар бўйлаб бораётиб, худди ҳар бирингизга ўхшаб, автомашинага йўл беради, витрина олдида тўхтайтиди, афиша (эълон) ларни ўқийди, трамвай ёки таксига ўтиради. Унинг нигоҳи юзингизга тушади ва сиз, ўзингиз билмаган холда, унга бахтли лахза ёки бебаҳо ўлжани армуғон этишга қодирсиз. Мода (урф) бўлган шляпача унга истиорани «айтади», кийилавериб тўзиб кетган эски пальтони ўз қиссасининг қаҳрамонига кийгизади, у эса китобхонларнинг кўплаб авлодларини ҳаяжонлантириб, ларзага солади, йўл-йўлакай суҳбат орасидаги чала-ярим, узук-юлуқ гаплар ёзувчининг айна пайтда ёзаётган асаридан ўрин олади. Қулоғи динг, хушёр, сергак, безовта, ҳормас-толмас корсар (*денгиз қароқчиси – тарж.*) ҳеч нимадан шубҳа-ғумон қилмайдиган инсон зотини ўғирлаб, олиб кочади. Гўё аниқ ўзига қарашли ўлжа каби, афт-чехралар, қадди-комат, жуссаларни, имо-ишораларни ўзиники қилиб олади, қалбларга, турар-жойларга хўжайинлик қилади, хаттоки уйларни, бутун бошли кўчалар, шаҳарлар ва мамлакатларни босиб, эгаллаб олади.

Ёзувчи ҳаётида Эдгар По каламига мансуб новелла қаҳрамони – узоқ давом этган касалликдан сўнг ниҳоят, одамлар орасига қайтган бемор бошидан ўтказган кечинмаларга ўхшаш хиссиётлар ҳам бўлиб туради. У қалби қувончга тўлиб, қаҳвахона деразасидан кўчага назар ташлайди. Ҳар бир ўткинчининг чехрасига зорикқан нигоҳ билан боқиб, унинг фикрларини, сирларини билиб олишга ҳаракат қилади, айна чокда атрофдаги минглаб бошқа нарсаларни ҳам – қуёш ну-

рида шафаксимон тусга кирган тарнов четидан тортиб, то ариқ, зовурда оқиб кетаётган пўкак тикинга қадар, – назардан қочирмайди, у бу дунёни сўнги томчисигача ичишни, хаттоки тубидаги кир, лойқа қуйкумигача сипқаришни хоҳлайди. Шунга ўхшаш дамларни ёзувчи асосан, маълум бир асарни тугаллагандан сўнг, хали янгисининг режа, ғояси пайдо бўлмаган, аммо ижодга ташналик қайтадан жонланиб, янги бир мавзунини қидираётган даврда бошдан кечиради.

Баъзида ёзувчи ўзи белгилаган йўлдан қайтиб, тасодифан дуч келган саргузаштга пешвоз чиқади-ган холатлар ҳам бўладими? деган савол туғилади. Бальзак кунларнинг бирида кечаси соат 11 билан 12 ўрталарида театрдан қайтаётган эр-хотинни учратиб қолиб, улар кетидан анчагача эргашиб юради. Аёл боласини етаклаб олган, эр-хотин аввалига хозиргина қўйилган пьеса ҳақида, кейин эса эртага олинадиган пул ва уни нималарга сарфлаш хусусида суҳбатлашиб боришади ва ҳатто бир-бири билан озгина тортишиб ҳам қолишади. Сўнг картошка ва ёқилғининг қимматлашиб кетганидан ҳасратлашган қўйи яна ярашиб олиб, йўлда давом этишади. Бальзак эр-хотин ортидан худди йирткич хайвонни таъқиб қилаётган овчидай, изма-из бораркан, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатар, ҳар бир гап-сўзларини биттаям қолдирмай тингшар, буям етмагандай, худди уларга ўхшаб, фикр юритарди. Пировардида ана шу жуфтлик, ўзлари билмаган холда, Франциянинг энг ажойиб ижодкорлари қаторидан ўрин олади.

Ёзувчида ҳам браконьер (ўғринча овчи), кулфбузар ўғри ёки қароқчига хос нимадир бўлади, у ҳам ўғирлайди, ўғирлаб олиб қочади. Баъзи бир одамлар борки, бундай муқоясаларни жиддий қабул қилади. Адабиёт тарихида ёзувчининг ўзларини ҳурмат қилдиган, кимнингдир ўз уйи, хонадони, оилавий муно-

сабатлари, характер, камчилик, нуқсонларидан асар ёзиш учун хомашё сифатида фойдаланиши ҳақидаги фикр билан чиқиша олмайдиган фуқароларнинг шахсий ҳаётига «бостириб кириши» билан боғлиқ суд жараёнлари, дуэл ва жанжаллар тўғрисида тўқилган латифалар тўлиб ётибди. Шоирлар аёлларнинг гўзаллигини ўз шеърларида мадҳ этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, аёллар ўзларига машҳур шоир томонидан инъом этилган боқийликдан қийналган, ўзларини деярли обрўсизлангандек ҳис қилишган.

Ажабланарли, ғалати ҳолат: кўчада оёғини синдириб олгани боис исми-шарифи тилга олинган газетани фахр билан сақлаб юрадиган хурматли фуқаро агар худди шундай ҳодиса уни новелла қаҳрамонига айлантиргудек бўлса, буни иснод сифатида қабул қилади. Санъат одамларнинг ўзлари ишонишни истаган ҳақиқатни айтмагани учун уларнинг ғашини келтиради, адабий асарда улар ўзларини худди беўхшов, кулгили, масҳараомуз тарзда тасвирлангандай ҳис қилишади. Эҳтиётсизлик билан қўйилган салгина ажин (модель ва унинг оиласи назарида) яхши ишланган портретнинг бутун кадр-кимматини йўққа чиқаради. Бироқ ҳаттоки энг идеал тасвир ҳам оригинал (ажойиб одам)нинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин, чунки кимнингдир ҳаёти ёки шахсиятининг адабиёт орқали намоёиш этилишининг ўзиёқ одамни даҳшатга солади: инкогнито (*номини яшириб юриш – тарж.*) ўзини гўё хавф-хатар остида қолгандек ҳис қилади.

Ёзувчи шу ва шунга ўхшаш ногўғри фикр, хато тушунчалар билан ҳисоблашмайди ва бу лозим ҳам эмас. Ҳаётнинг ўзи яратган оилалар, инсонлар, тафаккур тарзи мавжудки, олижаноблик ёки қандайдир сир сақлаш юзасидангина адабиётда улардан фойдаланишдан воз кечиш худди олимнинг коинот сирларига

сажда қилиб, борлиқнинг ҳали номаълум унсурларини тадқиқ этишдан бош тортиши каби, шундай бир бемаънилик бўлур эди. Афсуски, айрим ёзувчилар баъзи бир мулоҳазаларга кўра, ўз моделларининг хусусиятларини яшириб ёки хаспўшлаб, хатога йўл қўядилар, чунки бу билан фақат уларнинг тутган муҳим ўрни ёки аҳамиятига путур етказадилар, холос.

«Оригинал»ни ранжитиб қўймаслик учун баъзан оддий ва содда усуллардан фойдаланишади, масалан, унинг бўйини, тўлалик, семизлигини, соч тараши, соқол-мўйлови, ёшини ўзгартиришади, бунақанги камуфляж¹ билан гоҳида тасвирланаётган одамни алдаса бўлади, у гримда ҳам ўзини танимай қолади. Шундай бўлса ҳам, ёзувчилар фақат битта моделга камдан-кам амал қилишади. Уларнинг табиийлик ва фақат ҳаётнинг ўзи яратгандек тўйиладиган ўша «ҳаққонийлик» ила хайратга соладиган персонажлари аслида кўпгина шахслардан олинган унсурлардан иборат бўлади. Болаликдаёқ қайд қилинган ва эсда қолган ҳамда аллақачон ўлиб кетган одамларга тегишли бўлган қанчадан-қанча афт бужмайтиришлар, хатти-ҳаракатлар ёки ўзини тутиш, гавда ҳолатлари қаламимизга мансуб персонаж киёфасида кутилмаганда қайта жонланади, аммо қолган бошқа жихатлари ўша одамга мутлақо ўхшамайди!

Адабиёт учун асосий, бош материал, бу – инсоннинг ўзидир. У хаттоки адабиётнинг бошдан-оёқ, бутун моҳиятини ташкил этади. Унинг антропоморфизацияси кўплаб асрлар давомида илк адабий асарлар пайдо бўлгунга қадар амалга ошган – бу ишни магия, мифология ва дин бажарган. Қадим-қадим замонлардан буён юлдузлар ва гуллар, тоғлар ва денгизлар, яшин, чакмоқ ва қорларга инсоний хис-туйғулар, афт-чехра-

¹ Камуфляж – бу ерда: бирон-бир иш ёки хатти-ҳаракатни ниқоблаш.

лар, имо-ишоралар ато қилинган, уларга сир-асрорга чулганган ўз ҳаётлари билан яшаш камдан-кам насиб қилади. Европаликларга хос бўлган барча нарсаларни одамга айлантиришга бўлган ортик ишқибозлик японларнинг гашини келтиради. Уларнинг поэзиясида, агар у ҳалиям Европа таъсирига берилмаган бўлса, одам билан олам ўртасидаги фарқ ҳамон сақланиб келинади: японларда ҳеч ким кийғос гуллаб турган олча дарахтини келинчакка қиёс қилмайди.

Адабиётнинг айрим даврлари одам тасвири билан шу қадар тўлиб-тошганки, гўё ундан бошқа ҳеч нарса мавжуд бўлмагандай туйилади. Ўша пайтларда яратилган адабий образлар замонда ёш ва фаслларсиз, маконда эса дов-дарахтларсиз, булутлар ва ёввойи ҳайвонларсиз ҳаракатланган. Шунга қарамай, ўша даврлар ҳам бесамар кечмаган – ана шундай даврларнинг бирида фаранг классик трагедияси гуллаб-яшнаган. «Осмондан ҳам кўра гўзалроқ манзара мавжуд, бу: инсон қалбининг теранлиги!» – ушбу сўзлар билан романтик Виктор Ҳюго инсон хизматидаги адабиётга ўз хурмат-эҳтиромини бажо келтиргандек туйилади гўё.

Адабиёт инсон қалбини шу қадар юқори қўйгани ҳолда, унинг аъзойи-баданига бир қадар беписандлик билан қарайди. Мана, неча асрдирки, унда инсоннинг homo poeticus – поэтик одам деб аташ мумкин бўлган ўзига хос бир тури яшаб, ривожланиб келади. Унинг ташқи кўриниши, қиёфаси энг майда тафсилотларигача, яъни Петронийга хос бўлган идеал даражадаги мутаносибликда ишлаб чиқилгани ҳолда, Квазимодо каби шакл жиҳатидан бадбашара қилиб ўзгартирилган. Бироқ тананинг барча аъзолари бир хилда, бирдай аҳамиятга эга эмас. Қўл-оёқлар – уларсиз иш битмайди: «хомо поэтикус» юради, югуради, ушлайди, қучади, маҳкам қисади, отга минади,

найза ёки дротик¹ отади, арбалет², мушкет³, милтик, карабиндан отади – унинг қўллари қуролнинг хар канаканги тури билан яхши таниш. Кўпинча қўллар, айникса, аёлларнинг қўллари гўзал шеърларга мавзу бўлади, лирика қўлларни мадх этишда битмас-туганмасдир. Лекин савлатли қуюк саватсоч билан «қалб кўзгуси» бўлмиш юз-чехрани кўтариб турган бош хаммасидан хам кўра мухимрок. Адабиёт тарихидаги баъзи бир боблар «хомо поэтикус»нинг худди ўша тури билан тўлиб-тошганки, у барокко фариштачалари сингари кумушсимон канотчалари билан хавога кўтариладиган нузли бошга эга бўлган, холос.

«Хомо поэтикус» кулади, йнғлайди, лаблари доим харакатда: кичкиради, ох-вох килади ва жуда кўп гапиради, бирор марта хам тутилмай соатлаб гапира олади, жумлаларни беками-кўст тузган ва грамматика қоидаларига мутлақ амал қилган ҳолда назм ва насрда хам сўзлай олади. «Хомо поэтикус»нинг организмида фақат юрак билан жинсий органлар ишлайди, жинсий органлар ўзининг қисқа умри давомида ишқ-муҳаббатдан бошқа ҳеч нима билан шуғулланмайдиган айрим парвона турларига ўхшаб, жуда фаолдир. «Хомо поэтикус»нинг ошқозони хам бор, аммо шубҳасиз, ўз-ўзидан маълумки, у фақат романларда ёки баъзи эпопеяларда еб-ичади, холос, лекин овқат ҳазм қилмайди. «Хомо поэтикус» турига мансуб ёш индивидлар, эр ва хотинлар бир неча соат тинмай, баъзан бутун кун бўйи еб-ичишлари, бир-бирига ҳазил-хузул қилиб, хушманзара жойларга сайрга чиқишлари, ҳатто ҳеч қайси бири табиий эҳтиёжни ҳис этмаган ҳолда бирга ётиб туришлари хам мумкин. Фақат қадимий комедиялар ва фарс (*кичик ҳажвий пьеса – тарж.*)

¹ Дротик – қадимда: ирғитилладиган қалта ўқ.

² Арбалет – қамонга ўхшаш қадимий отиш қуроли.

³ Мушкет – қадимий пилта милтик.

лардагина ошқозон, таъбир жоиз бўлса, овоз хуқуқи-га эга бўлади, аммо трагедияларда «ҳомо поэтикус» ҳатто чучкирмайди, туфламайди ҳам.

Меъёрдаги ичак-човоққа «ҳомо поэтикус» Рей ёки Рабле сингари уятсиз ёзувчилар шарофати билан эга бўлади ва ҳеч қандай ҳайрон қоладиган жойи йўқки, Жойс «ҳомо поэтикус»нинг ана шундай жисмоний номукаммаллигидан ранжиб, ўзининг «Улисс» асарида ичак-човоқларимизнинг қандай ишлашини кўрсатиб беришга қарор қилган, негаки, ўзи эътироф этганидек, адабиёт инсон танасининг ички ҳаракатларини жуда узоқ вақт эздан чиқариб қўйган ва фақатгина осмон жисмларининг ҳаракати билан машғул бўлиб келган. Бунга «ҳомо поэтикус» ўзини оклаган бўлиб, фикрлар ва ҳис-туйғуларга бўлган қизиқишни ичакларнинг ишига қизиқиш билан алмаштириш ярамайди, дея эътироз билдиради.

Европа адабиёти турли экспедициялар ва географик кашфиётлар изидан бориб, ер шарини эгаллаб олди ва қаерга бормасин, ҳамма жойда адабиётларга, ҳинд, хитой, япон каби буюк адабиётларга тўқнаш келди, гоҳо оддий, жўн қўшиқларнинг сўлғин оҳанглари ҳам учратди; аммо унисини ҳам, бунисини ҳам ушбу мамлакатларга бўлган европача нигоҳимиз билан алмаштирдик. Эндиликда ер юзида Европа адабиёти ўз аксини топмаган бирортаям жой қолмади ҳисоб, ёзувчиларимиз географик хариталарни диққат билан ўрганиб чиқиб, ҳали ҳеч ким фойдаланмаган бокира табиат манзараларини қидириб топишга ҳаракат қилмоқдалар. «Муқаддас жойларнинг фаол зиёратчиси», кекса Серстевенс Полинезиянинг ниҳоятда олис ороллари бўйлаб уч йил давом этган саргардонликдан сўнг, яқиндагина саккиз юз саҳифалик жилд билан қайтиб келди. Бу пайтда яна кимдир Амазонка сохилларида яшовчи, ҳаёт тарзи ибтидоий жамоа тузумидан ҳеч қандай фарқ қил-

майдиган одамларни кашф қилди. Учинчи бир киши эса ўз умрининг кўпгина йилларини эскимосларга бағишлаб, у ердан ўз ижоди учун баракали материал топишга муваффақ бўлди.

Шу билан бирга, Европа адабиётининг Жанубий Африка, Австралия ва Янги Зеландиядаги янги очилган худудлари, улар қаторида эса узоқ йиллардан буён мавжуд бўлган Шимолий, Марказий ва Жанубий Америка адабиётлари ҳам Шекспир, Сервантес ва Камоэнс тилларида мазкур мамлакатларнинг бокира табиатига хос бўлган мафтункор гўзалликни куйлаб келмоқдалар.

Дунёнинг адабиёт томонидан эксплуатация қилиниши айниқса, охириги юз йил ичида янада кучайди. Адабиёт қайд этмаган бирор касб-хунар, санъат ва меҳнатнинг ҳеч қандай тури қолмади, ёзувчининг нигоҳи тушмаган ҳаётнинг биронта хилватгоҳи йўқ. Ёзувчи ҳамма нарсани тадқиқ қилади, бошдан кечиради, англаб, тушуниб етади ва ҳар қандай ҳодисанинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини, аҳамиятини ёки ногаҳоний гўзаллигини очиб беради. Сиёсат, армия, ижтимоий маъмурият роман, новелла, сатира саҳифаларидан ўрин олди: пана-пасқам, чанг босган идоралардаги камтар амалдорлар ташқарига олиб чиқилиб, ярим-ёрти «худолар» ва қиролларнинг қачонлардир тақиқланган худуди – трагедияларга олиб кирилди. Бошланғич мактабдан тортиб, то университетгача шеърлар ва хотиралар билан бурканди ҳамда ўзининг эпик ва моралистларига эга бўлди. Бир вақтлар шоирларни ўзига унчалик жалб қилмаган темир йўллар, кўприклар, тўғонлар, фабрикалар, осмонўпар бинолар, штольня (*ерости йўли – тарж.*) лар, витриналар, почта, телеграф симлари лак-лак таъриф-тавсифларга кўмилди, шоирлар ўзларининг бор хис-туйғу ва ҳаяжонларини уларга бағишлади. Бугунги кунда ҳеч ким ўз ҳаётида техникадан воз

кечишни хаёлига ҳам келтирмагани каби, ҳеч ким уни қўйлашдан ҳам чўчимаydi. Устига-устак, ҳар бир янги кашфиёт ёки ихтиро ёзувчи қаламидан кочиb қутулолмайди, қутбга, Ҳимолайга ва уммон қаърига қараб йўл олаётган ҳар бир экспедиция нафақат репортёрлар, балки ёзувчиларнинг ҳам диққат марказида бўлади, улар ҳали ҳеч ким қўриб, эшитиб улгурмаган янги нарсалар ҳақида ёзишни хоҳлашади, айримларининг номларини ҳатто биринчи сайёраларро ракетада парвоз қилишга шай турган шахслар рўйхатида ҳам учратиш мумкин.

Ўтган асрлар поэзияси кундалик ҳаётни менсимай, ўзининг буюк байрамидан соқит қилган бўлса, у одатдаги ва одатдагидан бошқачароқ ёрқинлик ила ундан реванш (қасос) олади. Ҳомер бешиқдан то қабргача бўлган ўз ҳаёт йўлини пиёда босиб ўтадиганларни биринчи бўлиб, шоҳлар колесницасида¹ қувиб, ҳайдаб юборган. Ҳомер қахрамонларининг ажойиб тўдаси ортидан келаётган бошқа бир оломон – кишлоклар, ҳунармандчилик устахоналари ва тутқунлар кулбасидан чиқиб келаётганларни яхшилаб билиб олмоқ учун кўзни қаттароқ очишга тўғри келади. Мана, Грециядаги овлоқ хилватгоҳ – Беотиядан муқаддас ризқ динига мансуб номаълум фидойилар меҳнати ва турмушини мадҳ этаётган Гесиоднинг овози янграмоқда. Қадим замонлардаёқ диққатга сазовор бўлган ҳодиса: мана шу икки шоирнинг ҳар бири бошқа-бошқа синфга суянган, уларнинг бири баайни ўз ўтмишдошининг хатосини тузатиш учун келгандек гўё. Афсоналар, қисса ва хикоялар, латифалар бутун антик давр мобайнида мана шу рақобат ҳақида сўйлаган ва одамларнинг фикрича, Ҳомер ҳар доим ҳам ғолиб бўлавермаган. Гесиод замона зўрларининг урф-одатлари, нотўғри

¹ Колесница – қадимги юнонлар ва римликларнинг икки ғилдиракли пойга ёки жанг араваси.

тушунча ва хато фикрлари ҳамда хурофот, бидъатларига карши ўларок, жонга теккан саройлар ва касрларни тарк этиб, шаҳардаги камбағал-қашшокларнинг уйларига, дехқонларнинг хата (кулба)ларига кириб борган мана шу «бошкача» адабиётнинг энг кадимги ва энг ҳурматли намояндаларидан биридир.

Илм-фан азалдан адабиёт учун материал етказиб беради. Ксенофонт ва Эмпедокл ажойиб гекзаметр¹ воситасида наинки ўз фалсафий концепцияларини, балки табиат устидан кузатувлари ҳамда ҳаёт ходисаларининг сирли жозибаси ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам баён қилишган. Лукреций уларнинг поэтик тажрибаларини «Нарсаларнинг табиати ҳақида» номли китобида, Данте эса – «Жаннат» қўшиқларида такрорлашган. Дехқончилик, ов қилиш, боғдорчилик, денгизда кема юритиш санъати, хатто грамматика ва гастронимия (озик-овқат маҳсулотлари) ҳам поэтик тимсол, тажассумни талаб қилган, бу эса охир-оқибат мазахомуз кулгига сабаб бўлиб, кейинчалик шоирлар бундан воз кечишган. Атом тўзилиши ҳақида дoston ёзилмайди, деб ким ҳам кафил бўла оларди? Мен бунга ҳечам ҳайрон қолмаган бўлардим: замонавий физикада буюк поэзия учун имкониятлар яшириниб ётибди, муаммо фақат шундаки, физикада ҳамма нарса тез эскиради ва нейтрон флогистонга² қофия бўлиб янграй бошлайди. Лекин уларни мадҳ этувчи поэма ажойиб бўлса агар, Птоломей осмони «Илохий комедия»даги терциналарга³ путур етказмагани каби, буям унга зарар қилмайди.

¹ Гекзаметр – олти мисрали шеър, мусаддас.

² Флогистон – бир нарса ёнганда иссиқлик ҳосил қилувчи алоҳида модда ажралиб чиқади, деган асоссиз илмий назария.

³ Терцина – ҳар банди уч мисрадан қилиб ёзилган шеър, бунда биринчи мисра учинчи мисра билан, иккинчи мисра эса кейинги банднинг биринчи мисраси билан қофиядош бўлади.

Агар адабиёт ҳозирги замон кишисининг Коинотга қойил қолиб, унга мафтун бўлишини ифодалай олмаса, бу давримизнинг маънавий бўшлиғидан дарак берган бўлур эди. Замонавий инсон Коинотни тадқиқ этиш, уни ўлчаб, чамалай олишни ўрганди, ўзининг кўриш қобилиятини такомиллаштира бориб, юзлаб миллион ёруғлик йили ажратиб турган туманлик (ғуж бўлиб кўринган олис юлдузлар тўпи) ни кузата олди ва атомдаги чексизлик шуъласини кашф этди. У табиатнинг шундайин кучларини юзага чиқардики, ўтган асрларнинг бутун демонологияси¹ улар билан солиштирилганда, худди қўғирчоқ театрига ўхшаб қолади.

Поэтик тасаввурлар олдида илгари ҳеч қачон бу қадар бепоён кенгликлар очилмаган, уларга ҳатто Метерлинк прозасининг энг яхши саҳифалари ҳам тенг келолмайди.

Замонавийлик адабий хомашё сифатида илгарилари биз яшаётган ҳозирги даврга қараганда камроқ қадрланган. Хомердан бошлаб, шоирларни ўтмиш ҳозирги замонга қараганда ўзига анча кучлироқ жалб қилган, ўтмишдан ўгитлар, панд-насихатлар излашган, баъзан ўтмиш ҳаёлларига чўмиб, бугунги кундан узоқлашиш пайида бўлишган. Эҳтимол, кимдир демак, бунга сабаб, ўша даврларда арзигулик муҳим ҳеч нарса қилинмаган бўлса керак-да, деб ўйлаши мумкин. Ҳечам ундай эмас. Айнҳард ўзининг «Буюк Карл ҳаёти»га ёзган сўзбошисида, асарим етарли даражада хайрихоҳлик билан қарши олинармикин, деган хавотирни билдирган, зеро, «одамлар ҳаддан ташқари янгиликни ҳам ёқтиришмайди». Айнҳард сарой аъёни, Буюк Карлнинг коти-

¹ Демонология – шайтон, дев ва иблислар тўғрисидаги уйдирма тасаввурларнинг умумий номи ва шундай тасаввурларни текшириш; ўрта асрда илоҳиётнинг шундай тасаввурларни ўрганувчи қисми.

би ва дўсти сифатида императорнинг куч-қудратига ва фаолиятига якин масофадан туриб назар ташлай олган ва дунё тарихининг энг ёрқин даврларидан бирини ўз нигоҳи билан қамраб олиш имконига эга бўлган. Орадан юз йил вақт ўтгач, ушбу давр ҳақида қаҳрамонлик эпоси ёзишга киришадилар. Бу орада Айнҳард замондошларининг эътиборини ўз қаҳрамонига қаратишига тўғри келди, унинг биргина камчилиги, бундан минг йил аввал яшаб ўтмагани эди. Тахминан худди шундай фикрга «Варшава салони»да бўлиб ўтган адиблар суҳбатларида келтирилган Адам Мицкевич поемаси «Дзядалар»нинг учинчи қисмида ҳам дуч келамиз. Ўша суҳбатларда ҳам гап асосан, буюк давр ҳақида борарди. Наполеон даврининг шиддатли суронлари эндигина босилган, поэтик сўз эса ҳали у билан шуғулланишга улгурмаган эди. «Пан Тадеуш» Наполеон ўлиmidан сўнг, орадан 13 йил ўтгач, чиқди, Наполеон урушлари ҳақидаги ҳақиқий эпопея – Толстой қаламига мансуб «Уруш ва тинчлик» эса – асрнинг иккинчи ярмидагина чоп этилди.

Адабиёт кўпинча чинакам улур воқеаларга нисбатан гўё уларни сезмагандек, лоқайд муносабатда бўлиб келган. XVIII асрда Францияда техникага қизиқиш, учинчи табақанинг¹ интеллектуал ҳаётда тутган ўрни ва иштирокининг ўсиши тил сарҳадларини кенгайтирибгина қолмай, балки уни янги сўзлар билан бойитиб, жумлалар тузилишига ҳам эркинлик бахш этди, адабиёт эса ўз конун-қоидаларига содиқ қолиб, ҳар хил хурофий бидъатлар остида эзилган кўйи ҳеч қандай ўзгаришсиз қолаверди, бунга фақат романтизм барҳам берди, аммо у ҳам XIX асрдагина вужудга келиб, ўзича қаҳрамонона тузум – капитализм даврига замондош бўлишдан

¹ Учинчи табақа – феодализм давридаги Францияда: ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмаган шахар ва қишлоқ аҳолиси.

бошқа иложи қолмади. Дунёда курашлар, босқинчилик урушлари борар, янги дунёнинг, меҳнат ва капитал дунёсининг мағлубият ва музаффариятлари галма-гал алмашилиб турар, бунга кар ва кўр бўлиб олган романтизм эса, аввалгидек эски ашуласини айтишда давом этарди, чунки бу унга воқеликдан ҳам кўра қимматлироқ эди.

Ҳозир бу ҳолатни тушуниш анча мушқул. Биз шундай бир даврда яшаяпмизки, унда биринчилик замонавийликка берилади, шу жиҳатдан бизнинг давримиз ҳар қандай ўтмишдошларидан кўра устун туради. Замонавий одам адабиётдан ўрин талаб қилиб, ўзи ҳақида баланд овоз билан маълум қилади, алоҳида шахс, оила ва жамият аъзоси, давлат вакили сифатида ўзининг барча ўзига хос хусусиятлари, фазилатлари, ғам-ташвиш ва орзу-умидлари билан имкони борича тезроқ, тинчлик ё уруш, бахт ё бахтсизлик бўлсин, барча синфлар, табақалар, касб-хунарлар, бундан ташқари, ўзгаришлар, ислохотлар бўлсин, ҳали вужудга келаётган ва яна ўзгариши мумкин бўлган вазиятларнинг ҳаракатчан бир шароитида адабиётда ўз аксини топишни хоҳлайди. Мана шундай қайнаб турган, ўзгарувчан магма¹ кўпгина ёзувчилар ва танқидчиларнинг назарида адабиёт учун энг қимматли материал ҳисобланади.

Ҳозирги куннинг энг ўтқинчи, оний, бебақо ва энг қисқа лаҳзасини хўрсиниш ёки ҳайкирик билан бўлсин, акс эттиришга қодир бўлган лирикадан ташқари, қолган барча адабий жанрлар, хусусан, эпопея ва унинг ворис давомчиси бўлган роман тарихий материал устида ишлаб, унга сайқал берадилар. Бу қайтариб бўлмайдиган муқаррарлик бўлиб, унинг кучини қандайдир чеклаш ёки чегаралаш мумкин дир, аммо буткул бартараф қилиб бўлмайди. Фон, воқеалар, шахслар – буларнинг ривожланиш жараёни

¹ Магма – Ер қаъридаги чўғсимон суюқ модда.

ёзувчи китоб устида иш бошламасидан олдин бўлиб ўтади, демак, улар ўтмишга тааллуқлидир.

Бироқ ёзувчилар вақтдаги ушбу оралиқ масофани янаям аниқроқ бошқариб, тартибга соладилар. Чунки ҳар бир ходиса, қарор топган ҳар қандай ўзаро муносабат қачонки узил-кесил етилиб, шаклланиб, бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришлар кейинги, бутунлай янги фаза (давр)га тўғри келган тақдирдагина, адабиёт учун ҳақиқий ва чинакам материалга айланади. Мазкур жараёни олдиндан сезиш – ижодий интуиция (ички сезги) билан боғлиқ бўлиб, тарихчиларнинг тадқиқотларидан ёки сиёсатчиларнинг башоратларидан қолишмаслиги тажрибада кўп марта маълум бўлган. Қайсидир ёзувчи оташин қалб ва жозибали нигоҳ билан фақатгина бўлиб ўтаётган ўзгаришларнинг ферментланишига асосланиб, ҳаққоний ва кучли, ўткир асар яратиши ва худди бўроннинг алғов-далғов тартибсизлигини чакмоқ «ялт» этиб ёритгани каби, ҳозирги замонни тасвирлаб бериши мумкин. Лекин етук ва тўлақонли асар яратиш учун перспектива (узоқдан кўриниш, манзара, истикбол) бўлиши керак. Худди шунинг учун ҳам ёзувчилар бугунги кунни чуқур тадқиқ этиш учун кўпинча ўзларининг муаллиф сифатидаги кузатув «пункт»ларини, таъбир жоиз бўлса, олис ўтмишга кўчирадилар. Натижада ҳозирги замон китобхон кўз ўнгида баайни пилла (тухум)дан янги чиққандек, ёркин намоён бўлади. Масалан, «Форсайтлар ҳақида сага» (Жон Голсуорси), «Тибо оиласи» (Мартен дю Гар), «Яхши ниятли кишилар» (Жюль Ромен), «Паскье оиласи хроникаси» (Дюамель), «Сехрли тоғ» (Томас Манн) ва бошқа кўпгина асарларда 1914 йилдан олдинги манзаралар чуқур тасвир этилган бўлиб, уларда замонамизнинг воқеа, ходисалари, ғоялари ва кишилари ўз бадий ифодасини топган.

Адабиёт ўз йўлидан борар экан, баъзан ушбу давр йўллари билан айро тушса, баъзида улар билан кесишади, гоҳо ёнма-ён боради ва шундай кўчиб-кезиб юришларида «абадий одам» деб аташ мумкин бўлган шахсга дуч келади. Мен бу ўринда давр, муҳит ва ирқ (Ипполит Тэннинг фақат шу уч фетишлари ила кифояланамиз) билан боғлиқ бўлган барча тафовутларга қарамай, шу қадар ўзгармасдан қоладиган зотни назарда тутяпман, бунда инсониятнинг бутун тарихи ва халқларнинг бошқа жойларга кўчиб боришлари гўё маскарад либосида ўтказиладиган балдан ўзга нарса бўлмагандек туйилади. Мазкур шахс адабиётга одамзоднинг ўзгарувчан турларига қараганда бошқача, яъни биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган материал етказиб беради. Зеро, тақдир-қисмат томонидан тайёрлаб қўйилган тасодифий ҳоллар эмас, балки айнан мана шу зот, яъни «абадий одам» замирида инсоннинг энг муҳим сир-синоатлари яширинган.

Ўз-ўзидан маълумки, тасодифий ҳолларга наинки фақатгина сиртки, юзаки майда-чуйдаларга аҳамият берадиган анқовлар, балки мана шу майда-чуйдалар ортида яширинган маъно-мазмунни оча оладиган мутафаккирлар ҳам эътибор берадилар. Булар – табиатшунослар сингари оқил, доно тадқиқотчилардир. Эндиликда уларнинг у қадар қадимий бўлмаса-да, аммо бой анъаналари бор. Бальзак улар учун асосчи ҳамда ҳомий ўрнини боса олади. Тадқиқотчиларнинг яна бошқа бир тури – одамзодни вақтинчалик ниқоб, парда остида тадқиқ этувчилар бўлиб, уларнинг анъаналари Европа адабиёти қанчалик қадимий бўлса, шунчалик азалийдир, улар ўзларини фахр билан «одам» сўзидан олинган ном ила гуманист – инсонпарвар деб аташади.

Адабиётнинг ўзига тегишли бўлган вақти-соати бор, – у одатдаги, кундалик ҳаётни тартибга сола-

диган ва ҳатто тарих соатининг милларини суриб турадиган вақт ҳам эмас. Адабиётда ўтган, ҳозирги ва келаси замонлар бир-бири билан ўзаро шунчаки изчиллик билан белгиланмайди, аслини олганда, уларда умуман чегара деган нарсанинг ўзи йўқ, улар умумий ва ягона, яхлит оқим бўлиб оқаверади. Ушбу фикрни янаям аниқроқ ифодалаш учун тараққиёт тушунчасини келтириб ўтмоқчиман. Агар илм-фан, техника ва ижтимоий ҳаёт тузумидаги тараққиёт ҳақида қонун-қоидалар қилиб гапирадиган бўлсак, адабий тараққиёт нимани ҳам англата оларди?

«Ўзгаллик ҳеч қачон қаримайди» деган ибора шунчаки қуруқ гап эмас. Ҳомер поэмалари билан Мицкевичнинг «Пан Тадеуш»и орасида йигирма олти аср вақт ётибди. Лекин шу қадар кўп ўзгаришларга тўла вақтнинг мазкур улкан бўлаги ушбу поэмаларнинг бадиийлиги ва ҳатто долзарблигини баҳолаш учун қандайдир аҳамиятга эгамикин? Ёки «Илиада» билан «Одиссея» поэмалари ва «Пан Тадеуш» бир-бирлари билан тенгдош, чунки уларнинг яратилишига поэзияга тегишли худди ўша лаҳзанинг ўзгинаси сабаб бўлган, дейилса тўғрироқ бўлмасмикин? Платон эрамаздан аввалги IV асрда ижод қилган, аммо фалсафий диалог санъатида, гарчи унинг издошлари жуда кўп бўлган бўлса ҳам, шу пайтгача у билан ҳеч ким тенглашолмаган. «Илоҳий комедия»даги шеър – терцина – Данте замонидан буён кейинги йигирма авлод шоирлар томонидан шу даражада такомиллаштириб ривожлантирилганки, улуғ флоренцияликнинг шеър ёзиш санъати улардан сўнг, худди Данте даврининг қуроли ҳозирги замонавий қурол-яроғлар билан таққослангани сингари, шунчалик бўш, ночор ва вализ кўринади дейиш мумкинми? Йўқ, ҳечам бундай бўлмаган.

Худди шунга ўхшаб, адабий асар ҳаёти вақт чегаралари билан туташмагани каби, ижодий фантазия

хам ҳозирги ва ўтган замонларга бўлинишни билмайди. Қачонлардир бўлиб ўтган барча воқеа, ходисалар ёзувчи учун бардавом яшашда давом этаверади, бизни ўтган даврларнинг Коинотдаги дайдиб юрган саробларидан ажратиб турган ёруғлик йиллари эса, поэтик таъсирчанлик хронометрида¹ сониялардаи ортиқ қор қилмайди. Ёзувчи учун бугунги кун нафаси уриб турган ишларни муносиб деб, ўтмишга тегишли бўлган меҳнатни эса ўз қимматини йўқотган деб ҳисоблаш тушунарсиздир. Бутун ер юзида одамзод – Ерда яшовчи хилқат – томонидан босиб ўтилган барча замонлар мобайнида бирон-бир инсоний иш йўқки, у шеър банди ёки юксак насрий саҳифаларга сазовор бўлмаган бўлсин.

Тарих ўз жозибасини, тароватини йўқотмайди. Афсуски, бутун ер шарида бўлгани каби, унда ҳам бокира ҳудудлар аллақачонлар тугаб битган: адабиёт ҳамма жойга кириб бориб, ўрнашиб, жойлашиб олди. У баъзи бир шахслар ёки даврларни мумка-так – асалари уясига ўхшатиб, асал ва мум билан чаплаб, суваб ташлаган. Архивдан топилган ҳар бир янги ҳужжатга, қадимшунос белкурагининг ҳар бир зарбасига ёзувчилар қулоқларини динг қилиб туришади: бирор янги мавзу чиқиб қолмадимикин? Бу борадаги шошма-шошарлик эса баъзан бадий хатоларга олиб келади. Бунга мисол қилиб, Мережковскийнинг «Тутанхамон Критда» асарини келтириш мумкин. Моддий маданият ёдгорликларига шу қадар бой бўлган мафтункор Эгей дунёсида маккорона тузоқ яширинган: Эгей қадимий ёзувларини ўқирканмиз – бу нарса исталган дақиқада бўлиши мумкин, – шу пайтгача сукут сақлаб келган ушбу оламнинг овозини эшитишимиз ва ундаги фақатгина

¹ Хронометр – жуда тўғри юрадиган, вақтни аниқ кўрсатадиган соат.

моддий мавзуларга ва пуч хаёлларга асосланган тус ва оҳангни англаб етишимиз билан, у кўз ўнгимизда қулгили бир ҳодисага айланади-қолади.

Тарих адабиётга шахс ва далиллардан ҳам кўра қимматлироқ бўлган нималарнидир, чунончи, мана шу далиллар ва шахслар тўғрисида маълумот берувчи асарларни етказиб беради, бироқ бу асарлар солномачиларнинг куруқ ёзувлари шаклида эмас, балки улуғ мутафаккирлар ва сўз санъаткорларининг талқинига йўғрилган бўлади. Херодот, Фукидид, Цезарь, Саллюстий, Тацит, Коммин, Макиавелли, Длугош – мен хаёлимга келган айрим номларнигина айтиб ўтяпман, – уларнинг барчаси аллақачонлар урфга айланиб, турлича нақлларда яшаб келаётган характерлар, рухий таҳлиллар, ихтилофлар, сахналар, диалоглар ва мотивларнинг улкан хазинасидир, шу билан бирга, баъзи бир аслият матнлари деярли сўзма-сўз такрорланади. Худди шу нарса мемуарлар ва мактубларга ҳам тааллуқлидир. Лекин энг паст савияда ёзилган асарлар ҳам баъзан диккатни ўзига жалб этиб, уларга ишонган содда, кўнгилчан одамларни аҳмоқ қилиб, лақиллатиши мумкин: масалан, Светоний нималарни валдирамаган, Диоген Лаэртий эса қанчадан-қанча ақлга сизмайдиган уйдирмаларни тўқиб ташламаган дейсиз! Аммо Таврот, Хомер, «Махобҳорат» сингари сон-саноксиз авлодларга асос солган китоблар ҳам мавжуд. Юнон мифологияси неча ўнлаб асрлар давомида адабиётда ҳукм сурган, унда шунчаки оддий тонгги шафак эмас, балки фақат Эос ёки Аврора, ҳар бир шеърда эса Ой ухлаётган Эндимион узра эгилган маъюс ва ғамгин Селена киёфасида мадҳ этилган. Антик дунё маъбудларини қувиб юбориш ва черков азиз-авлиёларига жой ҳозирлаш, насроний афсоналар ҳамда агиография (*авлиёлар қиссаси – тарж.*)ни адабиётга олиб кириш

учун кўплаб поэтик салиб юришлари қилишга тўғри келди. Бироқ бугунги кунда адабиётга яна Эдиплар, Электралар, Антигона ва Орфейлар қайтиб келмоқда.

Адабиёт ўз материали ҳисобига мунтазам равишда янгиланиб боради. Азалий мотивлар яна ва яна қайта такрорланмоқда, уларнинг аксарият кўпчилигидан қадим замонлардаёқ фойдаланилган. Жироду ўтмишдошларининг узун қаторини назарда тутиб, «Амфитрион» олдига кинояли лутф билан 38 рақамини кўйган. Лекин олдига уч хонали ёки ундан ҳам кўпроқ сон қўйиш мумкин бўлган мавзулар ҳам мавжуд. Баъзи бир адабий персонажларнинг узок умр кўриши одамни ҳам хайратга солади, ҳам қойил қолдиради: улар тўғрисидаги монографиялар ёрқинликда фантастик романлардан қолишмайди. Мисол учун, Фредро ва Сенкевич қахрамонлари – Папкин ва Заглобанинг ортида – барча даврларнинг либосига бурканган ва барча тилларда гаплашадиган мақтанчоқ рицарь (қуролбардор)ларнинг тумонат тўдасини кўрамиз, фақат эрамиздан аввалги IV асрнинг олис қаеридадир уларнинг прототиби – ҳарбий юришлар фахрийси Улуғ Искандарга кўзимиз тушади.

Лекин ёзувчи ижодкорлигига келадиган бўлсак, биз адабий мавзулар ва мотивларнинг мана, икки минг йилдирки, эпослар, романлар, драмалар бўйлаб кўчиб юрувчи каталогларига эгамиз. Бу худди Хитой мумтоз театрини эслатади, унда ўзининг оғир кўргиликлар занжирини мандариннинг¹ тилла узугига омадли тарзда улаб юборган бечора талаба ҳақидаги томоша кўп асрлардан буён янгидан-янги сахнавий кўринишларда доимо бирдек зўр муваффақият билан намойиш этиб келинади. Гоцци драматурглар томонидан доимий равишда фойдаланиб келинадиган фожаи-

¹ Мандарин – бу ерда: Хитойда эски замонда катта амалдор.

вий вазиятларнинг ўттиз олтитасини санаб чиққан, Жерар де Нерваль ушбу сонни йигирма тўрттагача камайтирган ва уларнинг барчаси етти кечирилмас гуноҳдан келиб чиқишини қайд этган. Ҳар бир драматург Гоцци билан Жерар де Нервалнинг ҳисоб натижаларини бир текшириб кўрса, ёмон бўлмасди.

Америкалик илк шоирларнинг шеърлари булбуллар ва сўфитўрғайларнинг сайрашидан зириллайди, орнитологлар эса, Америкада бунақа қушларнинг йўқлигини тасдиқлашмоқда. Хўш, унда шоирлар уларни қаердан олишган? Албатта, ўзлари тақлид қилган инглиз поэзиясидан олишган, чунки у шеърятнинг булбулларсиз ва сўфитўрғайларсиз иши битмаган, айниқса, Жульетта Ромео билан тортишиб қолган пайтдан бошлаб: «It was the nightingale and not the lark...» – «Сайраётган булбул, сўфитўрғай эмас...» Дадил, жасур новаторлар Америка поэзиясининг кўз ва қулоқларини каттароқ очиб, унинг қизиқишини ўз жонажон қораялоқларига қаратгунларича орадан кўп вақт ўтди. Худди ўшандай жараённи эндиликда Австралия ёки Янги Зеландия каби навқирон мамлакатларнинг шоирлари ижодида кузатиш мумкин.

«Дзядалар»нинг биринчи қисмида, панна (паннинг кизи) ўқиётган сентиментал «Валерия»да Испания элчихонасида Валерия «чойшаб билан рақс» тушадиган машхур сахна бор. Дельфина худди шундай назокат билан полонез¹, Коринна – тарантелла², бошқа қаҳрамон қизлар – кадрийль³ ёки менуэт⁴ рақсини ижро этишади, қаҳрамон йигит эса шу ерда хо-

¹ Полонез – полякча тантанали бал рақси ва шу рақсга ёзилган мусиқа.

² Тарантелла – шўх итальян халқ рақси ва шу рақс мусиқаси

³ Кадрийль – жуфт-жуфт бўлиб ижро этиладиган бал рақси ва унинг мусиқаси.

⁴ Менуэт – французча қадимий рақс ва унинг мусиқаси.

зир-нозир, у гўё яшин ургандек, ишқ домига тушади. Худди ўша мотив қандайдир ўн йиллар давомида ўша даврнинг кўплаб муҳаббат қиссаларида ўз ифодасини топишга муваффақ бўлган.

Кулмаймиз, келажак авлодларимиз китобчалардан ўзлаштириб олган образларимизни топиб олишлари шубҳасиз, чунки уларнинг атрофимизда йўқлигини ўзимиз ҳам сезмай қолганмиз. Адабий мерос сўз устидан, тасаввур устидан, дунёни хис этиш устидан мустабид ҳокимиятга эга ва воқеликни босиб кетишга ҳам кодир, ўрта аср шоирлари билан худди шундай бўлган, улар қадимгилардан саройлар ва ибодатхоналарнинг тасвирларини ўзлаштириб, ўз даврининг қаср ва соборларини эса «кўрмай» қолишган. Адабиёт ҳатто севимли асарлардан олинган биргина сўзнинг туб моҳияти билан ҳам яшаб ўта олади, буни гуманист шоирлар ижодида кузатиш мумкин. Унда Рим шоирларининг шеърлари ва иборалари узлуксиз равишда аралашиб кетган, шу боисдан бўлса керак, тинглаётганимиз тирик юрак овозими ёки давр марҳумларининг акс садосими, буни ҳеч қачон аниқлаб бўлмаган. Башарти шоир янги замон, янги одамлар образини, ўз кечинмаларини акс эттиришга журъат қилган бўлса, бу кўпинча бесабрлик ҳамда метрика¹ ёки синтаксис қоидаларини бузиш оқибатида юз берган.

Бошқаларнинг ижодига ана шунга ўхшаш қарамлик (ва гуманистлар мозаикаси ҳамда Хомерни «ағдариб тикаётган» Вергилий) бизни ҳайрон қолдиради, аммо ўзимизнинг одат, қилиқларимиз умуман эмас, балки даражали бир тарзда ажралиб туради. Адабий материал ҳамиша ва ҳар доим бошланғич нукта сифатида хизмат қилади. Қайси ёзувчининг қизиқиш доирасида муаллифлар ёки китоблар йўқки, улардан ички бир туртки, рағбат, ёрдам ёки йўл-йўриқ изламаган

¹ Метрика – шеър вазни, ўлчови ва унинг назарияси.

бўлсин? Стивенсон «Хазиналар ороли»нинг яратилиши ҳақида ҳикоя қиларкан, ўзининг романига яққол таъсир кўрсатган беш-олтита китобнинг номларини ҳеч иккиланмай айтиб ўтган. Бундай очик гапириш, самимият кам учрайди, одатда бу вазифани муаллиф учун кейинчалик ижодининг тадқиқотчилари бажаради. Мутлақ ижодий ўзига хослик – миф ота-онаси бўлмаган, ердан ўсиб чиққан одамлар ҳақидаги юнон ривоятларини ёдга солади.

Фикрловчи индивид (шахс)лар қанча бўлса, дунё, оламлар ҳам шунчадир. Бу дунёлар ўз хилма-хиллиги билан одамни ҳайратга солади. Баъзи бирлари кичик ва тор бўлса, бошқалари бепоён, чексиздир, сийқа, зерикарли ва бефайз оламлар билан ёнма-ён ёрқин, чиройлилари ҳам бор, уларда қувноқ, жангдор овозлар янграйди, айримларида узлуксиз ёғингарчилик, намгарчилик ҳукм сурса, бошқалари гўзал об-хаводан доимий равишда баҳраманд бўлади. Гипотеза (илмий фараз, тахмин)лардан маълум айрим туманлик (ғуж юлдузлар)ларга ўхшаб, бу дунёлар баъзан бир-биридан шу қадар олисда жойлашган бўладики, ҳеч қандай нур биридан иккинчисига етиб бормади. Улар ёлғизлик аро ўз йўллари бўйлаб ҳаракатланади ва чексизликда ҳалок бўлади. Инсон характерларининг мана шундай хилма-хиллиги борасида ёзувчилар нафақат истиснони ташкил этади, балки ҳатто бир-биридан ҳам бошқа одамларга қараганда кўпроқ фарқ қилади. Уларнинг ҳар бири ўз юлдузлари остида, пешонасига битилган, бошқа ҳеч кимникига ўхшамаган, мислсиз ўз тақдир-қисмати билан яшашга маҳкум. Ёзувчининг миясига ўзидан бошқа ҳеч ким олдиндан сезмаган ўй-хаёллар келиши ҳам тасодиф эмас, мабодо кимнингдир хаёлига шундай фикр келган бўлса ҳам, албатта, ёзувчига намоён бўлган шаклда бўлмаслиги мумкин.

Ҳеч ким бирданига ҳамма нарсани кўра олмайди, ҳар бир киши кўпгина нарсалар ёнидан ўтаётиб, уларни сезмай қолади, чунки унинг диққатини жалб қилмаган бўлади. Кимнидир ақлий ноқисликда ёки сўқирликда, хаёл, тасаввурнинг етишмаслигида, бағритошликда айблаш сабаблари ҳам шундан. Гёте Падуада Палладио китобларини ахтариб юриб, Жотто фреска (*деворларга солинган расм, сурат – тарж.*) ларини пайкамайди, уларни Ассизидида Минерва черков ибодатхонасини кидириб юрган пайтда ҳам, кўрмай қолган эди. Ҳар қандай ёзувчи ҳам дунё бойликлари орасида ана шундай паришонхотирликка тушиб қолиши мумкин. У фақат ўзига керакли бўлган жиндакки-на нарсани танлайди, бунинг устига, уни баъзан яна камайтириб ҳам юборади. Мицкевич ҳеч қутилмаган жойдан Литвани эслатадиган манзараларни кидириб топишга уринади, шу аснода эса бошқа шоирларга илҳом бағишлайдиган қолган барча манзараларни ва диққатга сазовор жойларни сезмай қолади. Даҳолар ҳар нарсага бениҳоя қизиқувчан дилетант (юзаки ишқибоз)ларга қараганда анча талабчан, синчков, нозиктабиат ва инжик, терс, беқарор бўлишади.

Ирсий ёки орттирилган табиий ва рухий ўзига хос хусусиятлар, меҳр-муҳаббат, яқинлик туйғуси ва майл, хавас, қизиқиш, иштиёқ ва ишқибозликлар илдизи гоҳо илк болалик даврларига бориб тақалгани ҳолда турли хил одат, қилиқ, ўрганишлар: идиосинкразиялар¹ ақлимизнинг идрок қилиш механизмини шакллантиради ва диққатимизни нималар ўзига жалб қила олиши уларга боғлиқ бўлади, бу эса тафаккуримизни бойитади. Бу нарса айниқса, ёзувчи қачонки ташқи шарт-шароитлар туфайли «ёпишиб» олган ўзига ёт, бегона мавзу устида ишлашга ўзини мажбур қилган пайтда яққол сезилади: эркин ҳаракатлар қила оли-

¹ Идиосинкразия – организмнинг баъзи бир нарсалар таъсирини кўтара олмаслиги, ёқтирмаслиги.

ши учун ундаги бутун маҳорат ҳам камлик қилади, ўзига номаълум бўлган нарса, воқеа, ходисалар ўрта-сида адашиб, юзалаб сирғаниб юраверади, худди ўша дақиқада ўйлаб турган фикри бу ёқда қолиб, батамом бошқа мавзу ҳақида гапира бошлайди. «Одиссея»нинг XI қўшиғи ёдингиздами? Одиссей ерости дунёсига кираверишда Терезиянинг руҳини кутиб ўтирибди, у эса ҳадемай ҳозир бўлиши, қурбонликка янги сўйилган қўйнинг қонидан тўйиб ичиб, дадил, бақувват бўлиб олиши ва сўзлаш қобилиятига эга бўлиб, келажакни башорат қилиши лозим. Бу пайтда жилла қурса бир лаҳзага бўлса-да, сўзлай олиш қобилиятига эга бўлишни беҳад истаб, қонга ташна марҳумларнинг соялари бир-бирларини туртиб, ҳар томондан уймалашиб келарди. Аммо бир сўзли Одиссей фақат ўзи уни деб узоқдан келган бирдан-бир, ягона руҳни интиқ кутиб, қолган ўликларнинг руҳларини, ҳатто ўз онасининг руҳини ҳам рад этиб қайтаради.

Мана, ҳаётга ташна тимсол, тажассумлар томонидан енгилган ёзувчининг тасвир-баёни, у кўпчилик орасидан фақат ақли ёки қалби буюрган образни афзал кўриб, қолганларга сабот билан қаршилик қилади. Тўғри, агар вақт етса, бошқаларга ҳам навбат келиши мумкин. Лекин вақт қурғур ҳар доим ҳам етмайди. Ёзувчи марҳумлар дунёсини тарк этаркан, ўзи ҳаёт бахш этолмаган ва кейинчалик ўй-хаёлида узоқ вақт намоён бўлиб турган овозлар, шарпалар, қиёфалар ва чехралар ила чуқур қайғу билан видолашади.

Шоирлар кўплаб асрлар мобайнида илмий унвонлардан воз кечишмаган. «Doctus» сўзи Рим шеъриятида фахрий мурожаат ўрнида қўлланилган. Лотин адабиёти дунёга келган даврда юнон адабиёти шеъриятда билимдонликнинг энг юқори чўққисига кўтарилган Искандария даврини бошдан кечирмоқда эди. Наинки йирик поэмаларда, балки хатто энг кичик эпиграммаларда ҳам мифология, тарих ёки адабиётнинг излари мавжуд бўлиб, уларни фақат энг билимдон кишиларгина тушуна олган. Ўз-ўзидан маълумки, ушбу ҳодиса янгилик эмасди, аммо Искандария даври учун ўзига хос характерга эга эди. Пиндар олим ва халқ ривоятларининг ажойиб билимдони сифатида тенги йўқ, мислсиз оҳангларни кашф қилиб, уларга ўзига хос ранг, тус бера олди. Гесиод пухта, синчков илоҳиётшунос эди, у «Теогония»ни тузган, «Меҳнатлар ва кунлар»ни ёзган чоғида эса дала ишларини ҳам зўр диққат билан кузатган. Хомер бронза (биринж) асрига доир маълумотларни жиддий тадқиқотларсиз қўлга кирита олмасди ва яна бошқа жуда кўп нарсаларни, биринчи навбатда ҳарбий санъат, денгизда кемаларнинг юритилиши ва тиббиётга оид қимматли маълумотларни ҳам қунт билан ўрганиб чиққанлиги кундай равшан. Ундан кейин Троя уруши мавзуси устида иш олиб борган шоирлар мифологияга доир минглаб вариантлардан иборат улкан материал тўплашган. Шунга ўхшаш

дастлабки изланишлар фожианавислар, айниқса, Эврипид ижодида ҳам кўп учрайди, у барчага маълум бўлган, кўп ишлатилган ва сийқаси чиққан ривоятнинг ғайриоддий ва ўзига хос шаклини топишга ҳаракат қилган.

Рим шеърятининг отаси Энний ўзининг «Солнома»си учун материал тўплаётиб, китобларга ҳам қарамаганини, Лукреций эса «Нарсалар табиати ҳақида» номли поэмасида материалистик фалсафага гўё умумий шарҳ бериб ўтганини тасаввур қилиш қийин. Вергилий «Энеида» учун ўзининг мифология, тарих, география ва дин бўйича олган бутун билимларини ишга солган – ҳар бир шеърда, ҳар бир таъриф-тавсифда тафсилотларни жиддий ва пухта ўрганиб чиққанлиги яққол сезилиб туради, жаноб Бержере ўзининг «Virgilius nauticus» – «Вергилий – денгиз сайёҳи» асари устида қаттиқ ишлаган пайтида мазкур поэтик комуснинг кичик бир қисмидан фойдаланган. Овидий «Метаморфозалар» устида ишлаётиб, ўзини чинакам мифограф олим сифатида намоён қилган, аммо унинг «Фасталар»и тугалланмай қолган, чунки ваҳшиёна Томаларда сургунда бўлган чоғида илмий асарлари ёнида бўлмаган.

Ўрта аср илм-фани ўз даврида бир қадар тартибсиз ва хаёлий бўлган, аммо шоирлар уни англаб, тушуниб етишни ўз бурчлари деб билишган ва «Илоҳий комедия» шоирнинг ўз замонаси ҳақидаги билимлари билан баб-баравар даражада Данте илҳоми ила йўғрилган эди. Унинг дунё тўғрисидаги билимлари «Базм»да ҳам ўз ифодасини топган, бу асар уни ўша даврнинг энг билимдон кишилари қаторига олиб чиқди. Гуманизм шоирларни ҳаттоки энг шахсий, интим ҳис-туйғуларни ифодалашда ҳам китоблардан олинган материаллардан фойдаланишга ўргатди, ўша даврда ёзилган ҳар бир шеърни ўқиётганда беихтиёр аввал китоб тоқчаси, ана ундан ке-

йингина қоғоз, сиёҳдон ва перо томон чўзилган кўл кўз олдимизга келади. Мильтон лотин грамматикаси дарслигини, мантиқ, Англия тарихини ва илоҳиётшунослик бўйича трактат – «De doctrina christiana»ни нашр эттирди, катта лотинча луғат учун материаллар тўплади. XVII – XVIII асрларда Европада шоирлар томонидан дастлабки тайёргарликни талаб қилган мавзулар ишлаб чиқилди ва ҳатто «бекорчилар мактаби»нинг бирдан-бир, ягона ва эҳтимол, ҳақиқий шогирди бўлган Лафонтен табиатнинг ҳалол, виждонли тадқиқотчиси, деган обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Романтизм ҳеч бўлмаса лирикани мажбурий билимдонликдан озод қилишга эришди, шу туфайли эндиликда эротик ёки «кайфиятга боғлиқ», масалан, ёмғирли кун ҳақида шеър ёзувчилардан ҳеч ким ўтмиш шоирларига хизмат қилган «предмет адабиёти»ни ўрганиб ёки истиоралар ҳамда оҳ-воҳ, зорланишлар рўйхатини тузиб ўтирмайди. Бироқ романтизм ҳам шоирларга билимсиз бўлиш ҳуқуқини бермаган. Мицкевич жойиб маълумот олишга эришган ва бу унга Лозаннада лотин ва «Коллеж де Франс»да славян адабиёти бўйича ҳеч қандай қийналмасдан маърузалар ўқиш имконини берган, унинг Наполеон III га бағишлаб лотин тилида ёзган қасидасини эса бемалол XVI аср гуманист шоирларининг лотинча ёзган шеърий асарлари билан бир қаторга қўйиш мумкин. Красиньский тарих ва фалсафани яхши билган, Словацкий ўз билимларини бошланғич маълумотномалардан олмаган. Барча машҳур шоирлар ақлий маданиятни пухта эгаллашган, буни Польша тарихи ва антик даврни атрофлича ва чуқур ўйлаб кўрган Виспяньский ҳамда университет кафедрасини бошқарган Каспровичда ҳам яққол сезиш мумкин. Фақат ҳеч қандай келажаги йўқ умри қисқа адабий қовоқбошлардагина бемаза асарлар учраб туради.

Стефан Жеромский ўзининг «Снобизм ва тараққиёт» номли асаарида поляк кубистлари, футуристлари ва экспрессионистларининг билимсизлиги ҳақида нафратланиб ёзган, орадан ўн йил ўтгач эса, аллақандай нўноқ шоир ижодкор номини орқаворатдан эшитган шекилли, уни ҳурмат қилгиси келмай, «француз больделерлари»ни ўзича рад этган. «Алкоголь» муаллифи Апполинернинг шеърлардан иборат жилдини очган ҳар қандай кишининг димоғига бирдан эрудиция (ақл-заковат, билимдонлик)нинг ҳиди урилади, бунга албатта, Миллий кутубхонада ўтказган сон-саноксиз соатлари ҳисобига эришган, зеро, ҳозирги мухлислари у бутун умрини майхонада ўтириб ўтказган, деб ўйлашади, аслида эса мутлақо ундай эмас. «Шоир иш устида» – Эмил Верхарннинг Рейссельберг мўйқаламига мансуб портрети шундай деб номланади: шоир қўлёзма узра мук тушган, стол устида – очик китоб, қўйида эса кутубхона тасвири.

Қачонлардир роман ёзиш учун дастлабки тайёргарлик ишларига ҳожат бўлмаган. Гелиодор ўзининг «Эфиопика»сини, Лонг эса мафтункор идиллия¹ «Дафнис ва Хлоя»ни ёзган ўша боқибегам замонларда ва кейинчалик, Магелона ва Мелюзина ҳақида китоблар яратилган ва ниҳоят, Ламанчилик рицарь (қуролбардор)нинг бошини айлантирган ҳайратланарли севги киссалари битилган даврларда роман ўқилган ва эшитилган эртақлар, ҳикоялар ва оқшомги суҳбатлар билан аралшиб, қоришиб кетган бой, тийиксиз фантазия – бир сўз билан айтганда, дунёда инсон оёғи етган жой борки, барчасини айланиб, кезиб чиққан сон-саноксиз мотивлар асосида юзага кела бошлади. Аммо ёлғон ва сафсаталар уясида гоҳо чангалзор ва чалкашликлар оралаб, ҳақиқий гўзаллик сари йўл оча олган чинакам ижодкор ҳам

¹ Идиллия – табиат кучоғидаги тинч ва осойишта ҳаётни тасвирловчи кичик шеърини асар.

пайдо бўлиб қолар, бу албатта, истисно эди, чунки ўша даврда яратилган романларнинг аксарият кўпчилигидан ярмаркаларга хос балаганнинг¹ ҳиди келиб турарди. XVIII асрда Польшада «роман» деб аталган уйдирма ва чўпчаклар кулгили ҳамда шармандали бир нарса эди, холос.

Роман ниҳоят, ушбу жирканч адабий шаклдан ҳазар қилмасдан, уни жиддий бадий иш мавзуига айлантирган ёзувчилар шарофати билан янги ҳаёт оstonасига қадам кўйди. Улар романга руҳият, турмуш тасвирини олиб кирдилар, тарихни чуқур ва тўғри ҳис қилиб, роман услубини ижтимоий ва фалсафий тафаккур билан бойитдилар, унга кайфият ва файз бахш этдилар. Англияда Ричардсон, Филдинг, Голдсмит, Стерн, Вальтер Скотт; Францияда Лесаж, Прево, Бернарден де Сен-Пьер, Шодерло де Лакло, Руссо; Испанияда улуғ Сервантес; Германияда Гёте («Вертер», «Вилҳелм Майстер», «Ҳамроз диллар») ўз асарлари билан роман агар ижодкорнинг айтар сўзи бўлса ва унга астойдил киришиб, меҳнат қилса, унинг санъат асари, тафаккур асари бўла олишини амалда исботладилар.

Адабиёт оламида Бальзак ва Стендаль, Теккерей ва Диккенс пайдо бўлди. XIX асрнинг баҳор сувлари жилдираб оқа бошлади. Флобер, Доде, Золя минглаб майда жилға, ирмоқлар билан Франция ҳаётини бутун дунёга кўрсатдилар; Гоголь, Тургенев, Толстой, Достоевский рус қалбининг қоратупроқ замин аро сирларини тасвирлаб, шимолнй дарёларнинг қудратли оқимини юзага келтирдилар; Висла тўлқинлари ўзи билан Сенкевич, Прус, Жеромскийни олиб келган бўлса, Скандинавия мамлакатлари Ҳамсун, Бьёрнсон, Сельма Лагерлёф прозаси орқали ўзларини танитдилар. Европа адабиётининг ландшафти

¹ Балаган – сайёр халқ артистларининг кўғирчокбозлик, масхарабозлик ва х. к.дан иборат бўлган томошалари.

бирданига ўзгариб кетди. Яқиндагина кад ростлаб турган мағрур қасрлар, фил суягидан ясалган миноралар, шоирлар орзулаган ибодатхоналар жойлашган ерларда янги услубдаги бинолар, барча даврлар ва табақаларга мансуб оддий ва кундалик, сершовкин манзилгоҳлар пайдо бўлди. Кируллар ва рицарлар устахоналар, дўконлар, биржалар, чордоқлар ва окова ариқлардан чиқиб келган оддий одамлар тўдасига қўшилиб, аралашиб кетдилар. Асилзода хонимларни севги-муҳаббат туйғусига бирдай тобе бўлган оддий аёллар орасида ажратиб бўлмасди, бундан зодагон аёлларнинг юраклари эзилар, чунки у аёлларни илгари адабий салонларга қўйишмас эди.

Роман замондош шоирлар томонидан рад этилган жанрлар – эпопея, дидактик поэма, идиллияни «ютиб» юборди, бироқ роман ушбу жанрлардан қўп-қўп композицион усулларни, мотивлар, персонажлар, кайфиятларни «ўрганди» ва тарих, социология, фалсафа ҳамда дунё организмининг барча шира-шарбатлари билан озиклана бошлади. Роман таназзули ҳақида бир қанча вақтдан бери пайдо бўлган гапларга хилоф равишда у ҳамон давримизнинг бош адабий жанри бўлиб келаётир. Ҳатто гўзал Мелюзинанинг зот-зурриёти ҳам батамом қирилиб кетмади ва «Шарқ мамлакатидagi подшонинг олижаноб қизи Банялука»нинг уруф-авлоди янги либос кийиб, «мирза ва оқсочлар» учун мўлжалланган романларнинг саҳифаларида ўз саргузаштларини давом эттириб келмоқда, аммо улар ҳақиқий, чинакам адабиётга мансуб эмас ва ҳеч қандай Мартин Сенник, ҳеч қандай Иероним Морштин уларни адабиёт дарсликлариди жой билан таъминлай олмайдилар.

Роман тикланиши билан ёзувчи иш фаолиятида катта ўзгаришлар бошланди. Энди ёлғиз фантазия билан силлиққина услубнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Танланган мавзу меҳнатни талаб қиларди,

бу ҳақда ҳатто тушунчага ҳам эга эмас эдилар ва эҳтимол, бунга нисбатан эскиликка амал қилувчи бўлмағур уйдирмаларнинг муаллифлари менсимайроқ муносабатда бўлишлари ҳам мумкин эди. Илгарилари тафсилотларга, реалияларга ҳеч қачон бунчалик аҳамият берилмаган, инсон ҳаётининг майда-чуйда (бўлиб туйиладиган) икир-чикирларига ҳам ҳеч қачон бунчалик чуқур кириб борилмаган эди.

Роман муаллифи ўз материалини худди олим сингари йиғиб, тўплайди. Танланган мавзуга қараб, тарихни, қадимшуносликни, тиббиёт ёки қишлоқ хўжалигини ўрганади, ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиб, уларни қайд қилиб қўяди, маълум бир муҳитгагина хос бўлган лаҳжалардаги тафовутлар ва ибораларга қулоқ солади, воқеа ривожланадиган жой, ер билан танишади, айрим эпизод (кўриниш) лар ёки персонажлар учун қўшимча махсус маълумотлар излайди, роман устида ишлаётган пайтда стратег («Уруш ва тинчлик»даги жанг режалари)га, юрист, шахтёр, денгизчига айланиши ҳам мумкин, у барча касб-хунарларни, инсон иш фаолиятининг барча турларини жиддий, пухта билиб олишга ҳаракат қилади ва мабодо буни ўз шахсий тажрибасида қилиб кўришнинг уддасидан чиқолмаса – ўзи тасвирламоқчи бўлган, ҳаётнинг янги ва нотаниш соҳаларига ўзи кириб боролмаса агар, – унда буни сиртдан, ташқаридан, четдан диққат ва тиришқоқлик ила кузатиш билан кифояланади ёки жуда билмайдиган бўлса, бу ҳақда ишончли манбалардан зарур маълумотлар олишга эришади.

Ва шунда денг, ажойиб ишлар содир бўлади. Мактабда ўқиб юрган пайтларида илм деса кўнгли айниб, синфдан-синфга аранг кўчиб юрган, ўқув юртини ҳам чала-чулпа билим билан битириб чиққан худди ўша одамлар қачонлардир ўзлари менсимаган предметларни бирдан ўрганишга шунақанги ғайрат,

иштиёқ билан киришиб кетадиларки, буни кўриб ё эшитиб хайратдан ёқа ушлайсиз, гўёки бу ерда гап уларнинг келажаги, дипломлар ва илмий даражалар ҳақида бораётгандай, ҳеч қандай қийинчиликлардан ҳам кўркмасдан, фақат китоб ёзиш учун ўзларига зарур бўлган билимларни пухта эгаллаб оладилар. Томас Манн ўзининг енгилтаклик ва мулоҳазасизлик билан кечган ўқувчилик йилларини эслайди, бу ёқда эса «Сехрли тоғ»нинг, «Доктор Фаустус» ёки «Лотта Ваймарда» асарининг ҳар бир боби тегишли материалнинг, хоҳ у сил касаллиги сиҳатгоҳининг тиббий сирларига оид бўлсин, хоҳ Нафта билан Сеттенбрини ўртасидаги мафкуравий мавзулардаги баҳс-мунозараларга ё мусиқа ёки Гётенинг ҳаёти ва ижодига доир бўлсин, беками-кўст ўрганиб чиқилганидан далолат бериб турибди. Лекин шундай бўлса ҳам, Томас Манн «Фаустус»ни ёзган йилларини хотирларкан, ўз ижодхонасига бирров назар ташлашимизга ҳам изн беради, у ерда материалларнинг улкан захиралари тўпланганини қайд этиш билан бирга, мусикашунослар билан бўлиб ўтган сон-саноксиз маслаҳатлашувлар ва кенгашларни ҳам эсла-тиб ўтади. Анатолий Франсга хос эрудиция ҳақида гап кетганда, унинг гимназияда ўқиган пайтларида илм-фан билан чиқишолмагани ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди, университетга-ку, етиб боролмаган. Худди шунга ўхшаб, Жеромскийнинг ҳам интеллектуал ва жисмоний очликдан азоб чекканини унинг «Кундаликлар»идан билиб олиш мумкин. Лекин ҳормай-толмай меҳнат қилиб, пировардида наинки поляк ёзувчилари орасида камдан-кам учрайдиган билим даражасига эришди, балки олган билимларини ўзининг бутун ёзувчилик умр йўли мобайнида то сўнгги лаҳзага қадар муттасил кўпайтириб ва такомиллаштириб борди. «Денгиз шамоллари»нинг ҳар бир саҳифаси муаллифнинг улкан эрудиция соҳиби

эканлигидан дарак бериб турибди. Ўзининг романларида шундай бир оддий ва тушунарли бўлган Прус эса, уларнинг саҳифаларида олимлар ва мутафаккирларнинг иш кабинетларига камдан-кам эшик очган, фақат шахсий кайд ва ёзувларидагина амалий теран тафаккур ҳамда илм-фан билан бўлган мутгасил мулоқот сезилиб туради.

Шу зайдда ишлаш зарурати ёзувчи нима учун ўз билим доирасидан ташқарига чиқадиган мавзуларни ёқтирмаслиги ва улардан ўзини олиб қочиши сабабларини ҳам тушунтириб беради. Одатдаги, кўникиб кетилган муҳитни, шинам кабинетни тарк этиб, ақлли ва ёқимли китоблардан қочиб, ёғлаш учун ишлатиладиган мой ҳиди анқиб турган машиналар гуриллаб ишлаётган сершовкин цехга йўл олиш учун ҳам муайян даражада ўзини қурбон қилишга тўғри келади ва у ердаги елиб-югураётган, қаёққадир шошилаётган одамларнинг қаттиқ, дағал овозларига чидаб, винтлар, болтлар ва қўтарма кранларнинг чалкаш-чигалликларига дош бериб, сўнг янаям юқорирокка – мана шу тарақа-туруқ ва гачир-ғучур «дунё»ни ҳаракатга келтирадиган математик формулаларнинг қўрқинчли муҳитига чиқиб бориш керак бўлади. Ва ёзувчи бутун бир китоб ёзиш учун эмас, балки баъзида ундаги биргина эпизод ёки икки-уч жумла, ҳатто бирдан-бир, ягона муқоясани деб, ўзини қурбон қилишнинг мана шундайин акт-ҳаракатларига ҳам тайёр туради. Флобер бошлаб қўйилган «Иродиада»нинг қўлёзмасини бир четга олиб қўяди-да, таниқли шарқшуносга хат ёзиб, ундан Махаэро қалъасидан чўққилари кўриниб турган тоғларнинг номларини айтиб беришини илтимос қилади, қаранг, нари борса икки-уч бўғиндан иборат ном ёки номларни деб ёзувчи, то жавоб келмагунича ишни тўхтатиб қўяди, мақсад шубҳадан холи бўлиш ва йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолардан сақланиш,

холос. «Денгиз шамоллари»нинг биринчи қисмида Сментек виола¹ чалиши лозим бўлган бўлса, Жеромский контрапункт² билан шуғулланди, камонча билан чалинадиган турли хил мусика асбоблари, уларнинг келиб чикиши ва тарихи билан танишиб чикиб, буларнинг барчасини ён дафтарчасига ёзиб қўйди.

Башарти бундай материал келгусида керак бўлмасдан, баён ёки сюжет таркибига киритилмаган тақдирда ҳам, романнавис ўз қахрамонлари учун уй қуришга киришар экан, ундаги деразаларнинг шакли, деворларнинг ранги, ошхонанинг жойлашиши, асардаги қахрамон қиз кириб борадиган эшик туткичининг тузилишигача билиши лозим бўлади. Мабодо у қўйлак бичимини ёки қўйлак қайси газлама, матодан тикилганини билмаса агар, қандай кўнгилсизликлар содир бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг! Бу ўринда гап қадимги романларда учрайдиган узундан-узоқ баён ва баландпарвоз тасвирлар ҳақида эмас, балки инсон билан уйғунлашиб кетган ва унинг характер ҳамда ҳаётгий тамойилларини олдиндан белгилаб берадиган нарсалар ҳақида бораётибди. Ахир, энтомолог Фабр ҳашаротлар яшайдиган ўсимликларга гўзалликни деб таъриф-тавсиф бермаган, шунинг учун ҳам роман муаллифлари табиатшунослардан одам билан олам ўртасидаги алоқа-муносабатларни кидиришни ўрганишган.

Эмлашларни ўзларида синаб кўрадиган бактериологлардан улги олиб, ёзувчилар ҳам баъзан гиёҳванд моддаларни қабул қилишдан кўрқишмайди, бундан мақсад романда шундай ҳолатни тасвирлашдан олдин унинг таъсирини синаб кўриш ёки бўлмасам,

¹ Виола – скрипкасимон мусиқа асбоби.

² Контрапункт – бир вақтнинг ўзида таралаётган бир неча мустақил оҳанг, товушларнинг уйғун бир бутунлик – кўп овозлилиқ ҳосил қилиши; мусиқа назариясининг кўп овозлилиқ принциплари ҳақидаги бўлими.

ўз қахрамонларини бўйинтурукка қўшиш ёки сирт-моққа маҳкум қилишдан олдин ўз ҳаёт тарзини одатдан ташқари, ғайриоддий ва оғир бир вазиятга «ал-маштириб» кўришдир.

Сўзда ифодалаш лозим бўлган ҳақиқийликка зориқиш, воқеа, ҳодисанинг туб моҳиятига кириб боришга бўлган ташналик гоҳида ёзувчи учун даҳшатнинг ўзгинасига айланади, агар унинг ижодий режасида келгусида ўрганиш ёки тасвирланажак воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини янаям чуқурроқ тушуниб етиш воситасидагина тўлдириш ҳамда ойдинлаштириш мумкин бўлган бўш ёки ноаниқ жойлар қоладиган бўлса, ёзувчи бундан ҳеч бир муболағасиз изтироб чекади. Ёзувчи китоб ёзишга киришаётганда, унинг географиясини билишига, ландшафтларининг барча қисмларини жуда яхши тасаввур қилишига ишончи комил эди, буни қарангки, бирданига қуёш қайси томондан чиқарди, балиқчи қушлар эса қўл тарафга йўл тополмай, беҳуда уриняпти-ку, деган саволлар пайдо бўлиб, унинг тинчи йўқолди. Бунақанги ҳолатга тушган ёзувчи ёзув столининг ғаладонини шартта ёпади-да, чамадонга нарсаларини жойлаб, йўлга отланади. Флобер «Саламбо» устида ишлаётган пайтида худди шундай вазиятни бошдан кечирган, у яна бир бор Карфаген харобалари томон жўнайти. Отдан йиқилиб, қаттиқ шикастланган шифокорнинг хотини, қандайдир мадам Поншенинг дафн маросимида ҳам худди шу тарзда етиб борган: ўшанда Флоберга мсье Бовари хотинининг дафн маросимида ўзини қандай тутишини тасвирлаш учун материал керак эди. Камина ҳам «Олимпия диски» устида ишлаётган чоғимда худди шундай ҳолатга тушиб, эрамиздан аввалги V аср бошларидаги Олимпия ҳақида яна бир бор тасаввур ҳосил қилиб олишим учун, ишни вақтинча тўхтатиб туришимга тўғри келган. Баъзан шундай китоблар ҳам учраб туради-

ки, уларни кўриб одам уялиб кетади, негаки уларнинг муаллифлари географияни фақат дарсликлардан ўқиб-ўрганганлиги яққол сезилиб туради ва ўзлари ҳеч қачон бормаган, кўрмаган жойларда чор-ночор «адашиб», лекин уларни ўзларига шунчалик ишонч билан тасвирлайдиларки, бунчалик сохтакорликни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Стивенсон ўзининг «Хазиналар ороли» учун эринмай харита чизиб чиққани ҳақида шундай хикоя қилади: «Эҳтимол, романим учун хаританинг унчалик аҳамияти йўқдир, аммо ўзим учун ҳар доим керак деб ўйлайман. Муаллиф ўзи тасвирлаётган мамлакатни, ундаги мавжуд ёки ўзи тўқиб чиқарган воқеликни билиши, шунчаки эмас, балки беш қўлдай билиши лозим, – масофалар, дунё томонларининг йўналишлари, – ва Ой ҳам беками-кўст тасвирланмоғи керак. Мен ҳеч қачон таквимсиз ёзмайман».

Мавзу ичига чуқур кириб кетиш ёзувчидан муайян куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Мисол учун, Тургенев ўз қаҳрамонларининг таржимаи ҳолларини бутун тафсилотлари билан ишлаб чиқишга одатланган ва бу борада ёлғиз эмас эди – кўпгина ёзувчилар ҳам шундай йўл тутишади. Тургенев эса қандайдир даражада кўпроқ иш қилган: «Оталар ва болалар» романини ёзаётган пайтида Базаровнинг кундалигини юритган. Ҳар бир ўқилган китоб ҳақида, ҳар бир дуч келган одам ҳақида, ижтимоий ҳаётга оид ҳар бир муҳим воқеа ҳақида кундаликка шу йўсинда қайд қилиб борганки, агар кундалик муаллифи Базаров бўлганда, худди шу ёзувларнинг ҳаёлига келган бўлиши керак эди. Натижада хийла каттагина жилд дунёга келади ва роман ёзиб тугаллангач, фойдаланиб бўлинган хомашё сингари, бутунлай нокерак нарсага айланади. Аслида эса кундалик муаллифга ўз қаҳрамонидан кўз узмай, унинг фикрлари, хис-туйғулари ва таассуротларидан мунта-

зам хабардор бўлиб бориши учунгина зарур бўлган эди. Тургенев шу тариқа ўз персонажларининг ҳаддан ташқари ҳаётийлигига эриша олган.

Борди-ю, ёзувчининг ўз таъб-дидига тўғри келмайдиган, балки ғоя, дин ёки халқ олдидаги бурчи такозо этган, ўзи шу пайтга қадар ўйлаб ҳам кўрмаган қандайдир мавзу устида ишлашига тўғри келиб қолса, у ҳолда материал устида олиб бориладиган тайёргарлик ишлари анча кўпаяди. Золя билан ҳам худди шундай ҳолат юз берган. У аллақандай умумий ғояга қизиқиб қолиб, уни гавдалантириб кўрсатмоқ учун тегишли муҳит, ижтимоий гуруҳ ёки табақани танлайди, сўнг ҳужжатлар тўплашга киришади. Фонга оид, кишилар ўртасидаги алоқа-муносабатлар, одамларнинг характерларига тааллуқли ўз кузатувларини ҳар кун иёзиб боради. Ўзининг «Аббат Мур»и ҳақида жиддий ўйлаб кўраркан, қўлтиғига қалин ибодат китобини қисганича кунига черковга қатнар, у ерда меҳробга яқинроқ турволиб, руҳонийнинг хатти-ҳаракатларини ва имо-ишораларини диққат билан кузатарди. «Парижнинг ички қисми» учун эса ҳар кун марказий бозоргача сайр қилиб келар ва йўл-йўлакай магазинларнинг витриналарига қўйилган молларнинг муфассал рўйхатини тузиб қайтарди. У ўз мавзудан ташқарига чиқадиган ҳеч нимани ўқимас, аммо мавзунини кенгайтиришга, чуқурлаштиришга хизмат қиладиган жамики нарса билан танишиб чиқишга ҳаракат қилар эди. Эрталабданок ёзув столига ўтириб, танланган умумий ғоя мазмунини персонажлар ҳамда воқеалар билан қандай қилиб яхшироқ безаш ва бойитиш мумкинлигини обдан пухта ўйлаб, мулоҳаза қилиб оларди. Шунда иштирок этувчи персонажлар аста-секин кўрина бошлар, уларнинг биографиялари, ташқи қиёфалари, мулкый аҳволи ҳам намоён бўлиб, шакллана борар, ундан сўнг, адреслар дафтарида уларга мос келадиган фа-

милияларни кидириб топиш қоларди, холос. Маълумотларнинг улкан захирасига эга бўлиб, мавзуни то майда-чуйда тафсилотларигача ўрганиб бўлгач, фақат шундан кейингина, романнинг муфассал режасини бобма-боб тузиб чиқар эди. Режа тап-тайёр бўлгач, ёзишни бошларди. Тўғри, у ва унинг издошлари ҳам ўта синчков, майдакаш бўлиб, романни ортиқча тафсилотлар, касб-хунарга оид атамалар билан тўлдириб ташлардилар. Ёзувчи умуман битта китобда ўзининг бутун билим захирасини тўкиб солиши шарт эмас.

Ён дафтарчалар, блокнотлар, чала-ярим қоралама варақлар солинган папка (жилд)лар – буларнинг барчаси ҳар бир ёзувчи учун зарурий иш реквизит (таркибий қисм)лари ҳисобланади. Улар ё китобга унинг юзага келиш жараёнида ҳамроҳлик қилади ёки олдиндан тўплаб юрилган таассуротлар, кузатувлар ва қайдларнинг архиви вазифасини ўтайди. Шоирлар уларга қофиялар, шеърнинг бошланишини, истиораларни ёзиб қўядилар. Теннисоннинг Корнуэлл, Уайт ороли ва Ирландия бўйлаб қилган саёҳатлари чоғида олиб юрган ён дафтарчаларини бунга мумтоз мисол қилиб кўрсатиш мумкин – уларда табиат манзараларидан тортиб, то қушларнинг чуруллаб сайрашларига монанд парча шеърлар ҳам учрайди. Юлиан Тувим менга қачонлардир кўрсатган ён дафтарча ҳам кизикарликда улардан қолишмайди. Наридан-бери (шунчаки номига) нашр қилинган Жеромский кундалиги¹ айнан мана шунақанги чўнтаки ён дафтарчалар воситасида юзага келган бўлиб, ёзувчи унга ўз даврида олинган таассуротлар, иқтибослар, қисқача таъриф-тавсиф ва тасвирларни шоша-пиша, қўпроқ

¹ Гап бу ерда Жеромскийнинг ёшликдаги ёзувларидан ташкил топган ва бундан бир неча йил муқаддам каттагина икки жилдда босилиб чиққан «Кундаликлар»и эмас, балки урушдан олдин ушбу ном остида нашр этилган мўъжазгина китобчаси хақида бормоқда (Муаллиф изоҳи).

қалам билан ҳам ёзиб қўяверган. Худди шунга ўхшаш нарса Анатолий Франсининг қоғозлари орасидан топилган ва «Cahiers intimes» номи остида қисман нашр қилинган. Альфонс Доде ўзининг petits cahiers – жажжи дафтарчалари ҳақида шундай дейди: «Бу ерда қайд этилган кузатувлар, фикрлар баъзан бир сатрни ҳам ташкил қилмайди – улар кейинчалик қайси бир асарда фойдаланилган ёки ривожлантирилган имо-ишора, интонация (оҳанг)ни ёдга солиб турса бўлди. Парижда бўлганимда, сафар ва саёхатлар чоғида, қишлоқда бўлган пайтларимда ушбу ён дафтарчалар ўзидан ўзи тулиб қолаверарди, улардан келажакда фойдаланиш фикри хаёлимга ҳам келмаган».

Доде ушбу ён дафтарчаларга ўзининг диққатини жалб қилган исм ва фамилияларни ҳам ёзиб қўяверган, буни айтишни унутган, чоғи. Романа-вис ва драматургга – айниқса, агар улар сермахсул бўлишса – жуда кўп бўғинлар комбинацияси керак бўладики, уларга қараб метрика (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома)лар, ҳужжатлар, пешлавҳалар ва кабристонлардаги ёдгорликларга номлари битилган шахсларни бир-биридан осонгина ажрата олиш имкони туғилади. Ёзувчи уларни ўзи излаб, кидириб топади, бундан ташқари, герб (туғро)лар китобидан, адреслар дафтаридан, газеталардан олади. Оскар Уайльд ўз комедияларида асилзодаларни Англиядаги жойларнинг чиройли жаранглайдиган номлари билан атаган бўлса, поляк ёзувчиси Юзеф Вайсенхоф ўз қахрамонларига Костков, Лигензов, Збарских деган номларни бериш учун алақачонлар ўлиб кетган зодагонларнинг зот-зурриётларига мурожаат қилган. Пруст ўзининг шахсий «Готлар альманахи»ни чалкаш ва чигал шажаралар воситасида тузган.

Одатда одамлар ўз ҳаётида ўзига ўзи исм-фамилия танлаш имконига эга эмас. Камсонли тахаллуслар ёки фамилия ўзгартиришларни ҳисобга олма-

ганда, улар туғилган пайтда ўзларига берилган исм ва фамилияларни итоаткорлик, қатъият ёки фахр билан бир умр кўтариб юришади. Бирок тақдирнинг муайян ижодкорона топқирлиги намоен бўладиган ҳоллар ҳам тез-тез учраб туради. Ўз фамилияларига ҳайратланарли даражада мос келадиган кишиларга деярли ҳар қадамда дуч келамиз, уларни ҳатто бошқа фамилия остида тасаввур қилиш ҳам қийин, фамилия бамисоли физиономия, характер, касб-кор учун рамзий ишора бўлиб хизмат қиладиган иероглифга айланади. Баъзида ҳатто шундай бир таасурот ҳам туғиладики, фамилия одамни бошқариб, гўё унга бахт ё бахтсизлик келтиради, келажакдан дарак беради.

Ёзувчилар ҳам топқирлик ва топафонликда тақдир-қисматдан орқада қолишни хоҳлашмайди, шу боис ўз қаҳрамонларига фамилияларни фавқулодда эҳтиёткорлик билан танлашади. Тўғри, уларга баъзан замона зайли билан бахтли тасодифлар ҳам учраб туради. Тасодифан эшитилган фамилия худди метеор (учар юлдуз) каби «ялт» этиб, ўша пайтгача номсиз юрган қаҳрамон ҳаёти ҳақидаги фикрлар тугунини ёриб ўтади. Худди шу сингари, Дюамельга Сен-Жак кўчасининг шундоққина муюлишидаги пешлавҳада Салавен фамилияси учраб қолади – бу фамилия ҳозиргача ҳам ўша қандолат дўкони пештоқида ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Адиба Мария Домбровская ногоҳ дуч келиб қолган Нехтице аҳоли пунктининг номи билан аталган ҳамиртуруш солинган банка наинки унинг «Тунлар ва кунлар»идаги қаҳрамон қиз фамилиясига асос солади, балки роман устидаги иш жараёнидан буткул ўзига хос тарзда мустаҳкам ўрин олади. Фамилия образ билан шу қадар уйғунлашиб кетадики, уни бошқаси билан алмаштириб бўлмайди, чоғи. «Туйғулар тарбияси»нинг қаҳрамонига Фредерик Моро деб ном берган Флобер, гарчи Руан атрофида

худди шундай фамилияли оила истиқомат қилиши маълум бўлиб, айрим кўнгилсизликларга олиб келган бўлса ҳам, уни ўзгартиришга зинҳор рози бўлмаган. Худди шунга ўхшаш воқеа ўзимнинг бошимдан ҳам ўтган. «Ўт туташган осмон» романидаги Гродзицких деган фамилия баъзи бир англашилмовчиликларга сабаб бўлган, лекин энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмас эди. Фамилия китобдаги персонаж учун худди характер ёки ташқи киёфа кабидир, уни бошқа ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайди.

Кўплаб асрлар мобайнида адабиёт «гапирадиган» фамилиялардан фойдаланиб келган, улар яқин-яқингача ҳам комедияларда учраб тургучи эди, эҳтимол, ҳозир ҳам бадиийлик унча етишмайдиган аллақандай асарларда гоҳо кўриниб қолса ажабмас. Уларни биринчи бўлиб яратган юнон (грекларда, худди биз, поляклардаги каби, исмлар ҳақиқатан ҳам «гапирадиган» бўлган) тилидан бошлаб, барча тилларда персонажнинг ниқоби ва либоси билан тенг қимматли бўлган ғалати лақаблар турли хил вариациялар воситасида такрорланиб келган. Улар муайян хусусиятлар ва ахлокий камчиликларни жонлантиришга таяниб, типлар ва характерларга тўхталиб ўтишни жуда яхши кўрадиган содда адабий психология принципларига жавоб берган. Мазкур ифодали пешлавхалар остида фикр билдирган персонажлар фақат характернинг биргина хусусиятини гавдалантирган, холос ва уларни фақат биргина эҳтирос кемирган, уларнинг инсоний шахсиятидаги қолган бошқа барчаси эса гўё буткул мавжуд бўлмагандек эди. Француз классик драмаси юнон мифларидан Федра билан Андромачани олиб, улардан жонли, оташин, азоб-изтироб чекадиган инсоний хис-туйғулар рамзларини яратган, бироқ улар замон ва муҳитдан ажралиб қолган эди. XVII – XVIII асрларда яратилган пьеса ва романларнинг муаллифлари ўсимликлар ва жониворларга

грекча ёки лотинча номлар бериб, у ёки бу турнинг қандайдир хусусиятларини таъкидлаб ўтган табиатшунослардан ибрат олиб, йўл тутишган. Ўша давр Эраст, Клитандр, Альцей каби ишкий қахрамонларга тўла бўлиб, улар бир-бирларига маъшуқаларини инъом қилгани каби, ўз номларининг бахридан ҳам ўтиб юбораверган. Уларнинг ўрнига Густавлар, Октавлар, Конрадлар хамроҳлигида Юлия, Коринна, Валериялар – ҳаттоки бизларнинг боболаримизга ҳам шу қадар азиз бўлган исмлар кириб келган.

Ҳақиқий, чинакам фамилия китобда маълум бир давр, муҳит, ижтимоий қатламдан чиқиб келган ҳақиқий, чин инсонлар каби ҳозир бўладиган айнан ўша персонажлар учун ўз-ўзидан заруратга айланади. Индивид (шахс)ларни ҳаётда ўзаро фарқлайдиган ўша хусусиятлар мажмуи, уларнинг чалкаш ва чигал зиддиятлар ҳамда кутилмаган воқеа, ходиса ва тасодифларга тўла шахсий тақдир-қисматларини олдиндан белгилаб берувчи хусусиятлар мажмуи, – фақат шугина ҳафсала ва кунт билан тузилган метрика талаб қилади. Пруснинг «Қўғирчоқ» асари қахрамони Вокүльскийни шартли равишда «гапирадиган» фамилия остида тасаввур қилиш мумкинми? Бироқ бу нафақат XIX асрнинг, балки яна реализм даврининг ҳам хизматидир. Тримальхион Петронийнинг «Сатирикон» асари қахрамони Дон-Кихот ва Санчо Панса, Лессинг каламига мансуб Эмилия Галотти ва Минна фон Барнхельм ўз фамилиялари ва туб моҳиятига кўра ўша, бизнинг тасаввуримизга роман фабула (*бадиий асарда тасвирланган воқеалар занжири – тарж.*)сидаги энг ғалати, қув ва мураккаб жараёнларга караганда ҳам кўпроқ нарсани айтиб бера оладиган ифодали ва тўлақонли фигуралардан саналади.

XIX асрда гуллаб-яшнаган, адабиётни гўё демократлаштирган реализм тўқима, уйдирмалар дунёсини ҳалдан ташқари кенгайтириб юборди (фақат

Бальзакнинг биргина «Инсон комедияси»нинг ўзида беш мингта персонаж қатнашади) ва адабиёт бугунги кунга келиб, сон-сановига етиб бўлмайдиган оломон билан шундай тўлиб-тошдики, унда черковсиз рухонийлар, тарихга номаълум кироллар, ҳеч қандай насабномаларда қайд этилмаган князлар авлодлари, бутун дунё биржаларини бошқарадиган ўйлаб чиқарилган молиячилар, қомусларда номлари тилга олинмаган саноатчилар ва ниҳоят, расмий рўйхатдан ўтмаган, аммо тирик одамларга қўшнилар сифатида мавжуд бўлган шаҳар ва қишлоқларда яшовчиларни ҳам учратиш мумкин эди. Мана сизга ўйлаб чиқарилган уйларга жойлашиб олган ҳақиқий хаёлий шарпалар! Парижда ўзининг бир неча миллионлик аҳоли-сидан ташқари, француз адабиётининг фантазияси ва қайсидир даражада бошқа Европа адабиётларининг ҳам фантазияси дунёга келтирган яна деярли шунча шарпа-қўланкалар яшайди. Бунинг замирида ушбу шаҳарга хос бўлган жозиба-тароватлардан яна бири мужассамдир – ҳар бир киши уни худди Реймонтнинг «Хаёлпараст»и каби қабул қилади. Шунингдек, китъамиздаги бошқа пойтахтларни ҳам, гарчи камроқ даражада бўлса-да, адабий персонажлар босиб кетган ва Ғарбий ярим шарда ҳам худди шунга ўхшаш манзара кузатилмоқда.

Ёзувчи ҳеч қандай сабабсиз (бунақаси ҳарқалай кам учрайди) амалда мавжуд бўлган аҳоли пунктларидан воз кечиб, уни ўйлаб топилган ном билан алмаштирса, айниқса, қадимий ва ҳурматга сазовор шаҳарга ўйлаб чиқарилган ҳамда ғайриоддий ном (Жеромскийда Клериков) берса, одамга алам қиларкан. Бальзак ҳеч қачон бунақа «гуноҳ» иш қилмаган, у Францияни барча шаҳар ва қишлоқлари билан бирга тасвирлаган: «Бўйдоқлар хўжалиги»да Иссуден, «Мутлақ нарсани излаб»да – Дуэ, «Қари қиз»да – Алансон, «Евгения Гранде»да – Сомюр,

«Икки шоир»да – Ангулем, «Тур рухонийси»да – Тур, «Қишлоқ рухонийси»да – Лимож, «Провинциал муза»да – Сансер. Ҳаммасини санаб, адоғига етиш кийин. Бальзак тағинам шундай бир замонларда қалам тебратганки, у даврларда ҳозирги пайтда урфдан қолган: «Ушбу воқеа N ёки X шаҳрида юз берди» қабилдаги ибораларни қўллаш ҳали моладан қолмаган эди. Аноним¹, криптоним² ва псевдоним (тахаллус) лар асосан, муаллифларнинг журъатсизлигидан келиб чиққан, улар роман воқеаларини аниқ ва маълум муҳитда акс эттиришдан ёки кимнингдир нафсониятига тегиб кетишдан истиҳола қилибми ё ўз маҳоратига ишонмасликданми, шундай йўл тутишган, чунки ҳақиқатда мавжуд бўлган персонажни аниқ, тўғри ва бадий акс эттиришдан кўра, ўйлаб чиқарилганини тасвирлаш осонроқ кўринган. Баъзан эса ишни оддий қулайлик осонгина ҳал қилган. Франс «Замонавий тарих» асарида типик провинциал шаҳар образини яратди, бунга у ўзи илгари кўрган барча француз провинциал шаҳарларини эсга олиб, хотирлаш орқали муваффақ бўлди, қандайдир Дижон ёки Греноблнинг топографиясини аслидай аниқ акс эттириш учун атайлаб Париждан ташқарига чиққиси келмаган.

Ёзувчидаги темперамент (мижоз, серғайратлик) ва шахсий таъб-дидга кўп нарса боғлиқ. Аммо баъзан ёзувчи ўз таъб-дидига қарши борадиган ҳоллар ҳам учраб туради. Масалан, Мицкевич географик ҳаритада ўзи йўқ шаҳарларни ва тарихда бўлмаган қиролларни ёмон кўришини эътироф этган, ўзи эса «Пан Тадеуш»да Соплицовони ниқоблаб яширишни шунақанги боплаганки, Новогрудок яқинидаги

¹ Аноним – номини яширган муаллиф; муаллифи номаълум асар, хат ва ҳ. к.

² Криптоним – фақат бош ҳарфлар ёки бўғинлардан иборат бўлган ёхуд ҳарфлари сўзлар ёки гаплар орасига яширинган муаллиф номи.

беш-олтита жой кимнинг мулки эканлиги ёлғиз Яратганнинг ўзига маълум. Бир умр конспирация (сир саклаш, махфий тутиш)га таяниб келган Стендалдан ўз қахрамонларига нисбатан лутфан очик-ошкора муносабатда бўлишни талаб қилиш қийин. Ўқувчини шу хилда лақиллатишга мойилликни Вацлав Берентда ҳам кўриш мумкин: «Чиркин мухит»да воқеа қайси шаҳарда бўлаётгани хақида лом-мим демайди, «Жонли тошлар»ни эса шунчалик пардалаганки, ҳар қандай фараз-тахмин, ҳар қандай фаҳм-фаросат унга чикора. Прустда бир қадар бошқача манзарага дуч келамиз. Бу синчков ва пухта тадқиқотчи ўзининг кичик «катта дунё»сини тасвирлашда фантазияга шу қадар берилганки, хақиқий ҳис-туйғу, эхтирос, завқ-шавқ билан уйдирмаларни тўқиб ташлайверган. У Франция табиат манзараларига тўла-тўқис уйғун ва ҳамоҳанг бўлган кўплаб географик пунктларни ўйлаб чиқарган ва биз географик харитадан бундай шаҳарларни тополмай, харитани ушбу «камчилиги» учун айблашга тушамиз. Пруст эса пировардида энг ноёб ғалабани қўлга киритган: Илье деган жой ўз номига Прустнинг «Комбре»сини қўшиб олиб, ҳозирда бу гўша Илье-Комбре деб аталади, бунинг устига, ҳозир иш шу томонга қараб боряптики, мазкур қўшма номнинг биринчи қисми бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин ва шоир фантазиясининг махсули – Комбре келажакда Францияда муқим

Фамилияларни танлашда ёзувчининг ўзига хос индивидуаллиги, услуби ва таъб-диди намоён бўлади. Одатда ёмон муаллифларнинг асарларидаги қахрамонларнинг фамилиялари ҳам қандайдир беўхшов чиқади. Эшитганда тишларинг гичирлаб, гашига тегадиган Ржавич, Жжарский, Жажжинский деган фамилиялар, гарчи ҳаётда учраб турса-да, лекин фақат ноталабчан қалам аҳлинигина жалб қилиши мумкин. Энг бемаъни фаранг романнависларидан бири бўл-

миш Абель Эрман кайсидир романига поляк аёлини олиб чиқиб, унга князь хотин де Коломеа-Пшемисль номини беради. Аммо бундай қўпол хатога йўл қўйган ёлғиз у эмас: ўзи чет эл адабиётида полякча исм ва фамилияларга омад кулиб боқмайди. Сорбонна профессори Шарль Брюно ўз мақолаларидан бирида Кельци французчада Сандомир деб аталади, деб тургандан кейин (ахир, булар иккита бошқа-бошқа шахар-ку!), беллетристлардан нима ҳам кутиш мумкин. Энди биз ҳам ўз навбатида қарздан қутулиш учун, биздан узоқда жойлашган халқларга, фантазиямиз уларнинг ўлкаларига адашиб бориб қолди дегунча, худди ўшандай билимсизлик ва беадаблик билан жавоб қайтарамиз.

Китобга ном танлаш ҳам ўзига хос нозик иш бўлиб, бунда таъб, дид, майл, хавас, мойиллик ва қизиқишлар, баъзан эса мазкур асар хизмат қилиши лозим бўлган ғайриихтиёрий тенденциялар ва ниҳоят, мода ёки давр урф-одатлари ҳам намоён бўлади. Баъзи бир ҳолларда оддий ва камтарона ном афзал қўрилса, бошқа пайтларда – унинг фавқуллоддалиги, ажойиблиги, ғалатилиги, чалкаш-чигаллиги ва жумбоқли бўлишига эътибор қаратилади. Эльжбета Дружбацкая ўз поэмасига қуйидагича сарлавҳа қўйиб, бу борада бир қадар меёрни сақлаган: «Фортеция, худо ёрлақан, беш дарвоза ортига бекинган, яъни беш туйғуга сохиба инсон». Ўша даврда ва ундан илгариги замонларда яшаб ўтган бошқа шоирлар эса ўз асарларига Шекспир драмаларининг илк нашрларидаги каби бир бетлик сарлавҳалар қўйишар, ўша сарлавҳаларда бутун бир пьесанинг салкам қисқача мазмуни ўз ифодасини топган бўларди. Бундан ташқари, ўша даврларда ҳукм сурган кайфият ҳам, – қувноқлик ёки кайғу, юраксизлик ёки жасорат, шодмонлик ёки дилгирлик кайфияти ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилган, сентиментализм ҳукмрон

бўлган замонларда ўта таъсирчан, нозик табиатли, хиссиётга берилувчан китобхонларни канакадир қуруқ ном билан жалб қилиш қийин бўлган.

Рамз ишқибозлари китобларнинг номлари учун кўпинча гуллар, юлдузлар ёки асар маъно-мазмуни ва унинг ғоясини ўзида акс эттирган сўзларни танлайдилар. Ном замирида ҳар қандай сўз туркуми, ҳатто равиш ва ҳаттоки Честертондаги «Generally speaking» – «Умуман айтганда» сингари равишдош ибора ҳам мужассам бўлиши мумкин.

Одатда ўқувчилар китобнинг номи қўлёзманинг илк саҳифасидаёқ бирданига пайдо бўлиб қолади, деб ўйлашади. Гоҳо шундай бўлиши ҳам мумкин, лекин бу камдан-кам учрайди. Ном танлаш муаллифга жуда кўп ташвиш келтиради, уни неча марталаб алмаштиришга, бу ҳақда бошқалар билан маслаҳатлашишга, ноширнинг фикри билан ҳисоблашишга тўғри келади. Флобер романи аввалига «Карфаген» деб аталиши лозим эди, кейинчалик эса «Саламбо» деб ўзгартирилган. Сенкевичнинг «Олов ва қилич»и дастлаб «Бўри уяси» деб номланган, Сенкевич уни кейин дўстларидан бирининг маслаҳатига кўра ўзгартирган. Унинг «Тўфон» трилогияси иккинчи китобининг номи «Варшава кутубхонаси» муҳаррири Генкель ўйлаб топган. Муаллифга фақат учинчи қисмининг номи – «Пан Володиевский» тегишли, холос.

Асарни бош қаҳрамон номи билан аташ одати «Одиссея» каби қадимий, антик трагедия учун эса бузилмас қоида ҳисобланган. Бундай номнинг қанчалик равшан ва ифодалилигига қарамасдан, баъзида у англашилмовчиликларга ҳам сабаб бўлган, мисол учун, «Пан Тадеуш»да худди шу номдаги персонаж бош қаҳрамон ролига мутлақо тўғри келмайди.

Ном, бу – мазкур асарни бошқа барча асарлар орасида ажратиб турадиган рамзий белгидир, агар асарга умрбоқийлик насиб қиладиган бўлса, ушбу

рамз ўзига хос, алоҳида жозоба касб этади. Асар муаллифни буткул «ютиб» юборадиган ҳоллар ҳам учрайди, бунга «Роланд ҳақида қўшиқ», «Нибелунглар», «Минг бир кеча эртаклари»ни мисол қилиб келтириш мумкин, ёки муаллифдан хира, рангпар қўланканинг ўзи қоладики, у ҳолда китобхон уни бир четга улоқтириб, қўлига «Робинзон Крузо» жилдини олади. Қўпгина асрлар давомида биз билан бирга яшаб келатган китоблар катида қанчадан-қанча орзу, хаёллар, фикр-мулоҳазалар, ох-воҳ, зорланишлар ва хотиралар мужассам! Янги китобларнинг муаллифлари баъзан улар билан ўзаро тажриба алмашиб туришади – масалан, Зигмунт Красиньскийнинг «Ноилоҳий комедия»-си, буни баҳс ёки бирлик дейиш мумкин.

Номлар гоҳида бир-бирини такрорлайди. Худди ўша бир хил ном айни чоқда турли мамлакатларда пайдо бўлади, баъзан эса бир мамлакатнинг ўзида икки муаллиф бир-биридан беҳабар бир хил ном остида иккита китоб чиқаради. Бундай китобларнинг пайдо бўлиши худди Довейка билан Домейка сингари ёқимсиз ҳолатдир. Бунга йўл қўймаслик учун ёзувчилар ўзлари ёзмокчи бўлган китобнинг номи ҳақида олдиндан хабар қилиб, баъзан муаллифлик ҳуқуқини ҳам далил қилиб келтирадилар. Аммо кўпинча режалари ўзгариб, ваъда қилинган ном остида китоб ёзишни унутиб ҳам қўйишади.

Эдмон Ростан бир пайтлар ёзилмаган китоблар учун ўз кутубхонасида махсус токча ажратишни ўйлаб қўйган ва унинг фикрича, уларнинг барчаси чиройли муқовали, номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган бўлиши, фақат саҳифалари бўм-бўш қолиши лозим эди – хуллас, буни ният қилинган ва номланган, фақат ҳали дунёга келмаган китобларнинг, ҳали сўзларга кўчиб улгурмаган ўйлар ва орзу-хаёлларнинг хилхонаси деб аташ мумкин эди.

*Ф*утк, бу – белгилар тизимидир. Биз сўзлар орқали бошқаларга онгимизда нималар содир бўлаётгани ҳақида хабар берамиз. Бундай тил билишни бегона станциянинг эшиттиришини қабул қилиш учун зарур бўлган шифрли калитга эга бўлиш билан қиёслаш мумкин. Шифр орқали берилган хабар қандайдир далил ҳақида маъулумот беради, уни қабул қилувчи тафсилотларни ўз тасавури билан тўлдиради, икки суҳбатдош ўртоқлашган энг оддий жумла ҳам тушунтиришни талаб қилувчи ва тушунмасликдан суғурта қилинмаган қисқача сигналдан бошқа нарса эмас.

Кимдир: «Бу – баҳайбат махлук» дейди. Олти бўғиндан иборат қисқа, лўнда ахборот, рамз, пероглиф. Ушбу жумла истиора сифатида унда ифодаланган маънавий-ахлоқий баҳо билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган образларни боғлайди. Айтилган заҳоти у бизда бир талай тасаввур, ассоциация, аффект (кучли ҳаяжон) уйғотади ва уларни муфассал баён қилиш учун бир неча саҳифа керак бўлади. Хатто Пруст ҳам бундай оғир вазифани бажаришдан бош тортган бўлар эди. Хаёт эса буни кўз очиб юмгунча ҳал қилиб кўяди. Икки суҳбатдош бир-бирига минглаб шарада (*топишмоқнинг бир тури – тарж.*)ларни ёғдиради-да, сўнг бир-бирини тушунганига ишонч билан мамнун тарқалишади. Кимки бу ҳақда обдан ўйлаб кўрса ва бунинг устига табиатан пессимист бўлса агар, сўзлардан фойдаланиш ўрнига, файласуф Кратил каби, имо-ишоралар билан кифояланган бўларди. Эҳтимол, Панургнинг очик

мунозара сахнасини ёзган пайтида Рабленинг қувноқ фантазиясида ҳам шунга ўхшаш нимадир намоён бўлган бўлса ажаб эмас.

Сўзнинг белги, рамз эканлиги шоирларни хижолат қилмайди, аксинча, поэзиянинг қоронғи тунни ҳар хил рангли сигналлари билан ёритиб турадиган семафор сингари образи улар учун ўта жозибали туйилади. Фақат бизни ўз орзулар оламига олиб кириш учун саъй-ҳаракатларида шоирларга йўлдош бўладиган сигналларнинг ҳаммага ва энг оддий, жўн мақсадларга хизмат қилиши ёқимсиз, бунинг устига ўта рангсиз, сийқа ҳам. Воқеа, ҳодисаларнинг сирти остига тушишинг билан ё сукут сақлашга ёки энг ёмони, тушуниб бўлмайдиган минғирлашга маҳкум бўласан. Бундан ташқари, воқеа, ҳодисаларнинг ўзи ҳам гапга кирмайдиган, хийла ўжар. Мана, ҳатто Бальзакнинг қалами ҳам қоқингани кўриниб турибди, қани, бир ўқиб кўрайлик-чи: «... хонада тунги ғира-шира, нимқоронғилик ҳукмрон. Уни тасвирлаш учун сўзларни қайси бир луғатдан излаш лозим? Бу ерда рассомнинг мўйқалами зарур. Шамол тебратяган пардаларнинг фантастик тарзда титрашини, осилиб турган сояларнинг даҳшатли ўйинини, тунда ёқиб қўйиладиган хира чироқнинг қизил мато узра сирғалаётган рангсиз нурини, стулдаги осиглиқ қўйлакнинг ташқи кўринишини ифодалаш учун сўзларни қаердан олмоқ керак?..» Ҳақиқатан ҳам, қаердан? Рухий ҳолатимизни ифодалаш ва моддий воқеликни тасвирлашдаги ҳар қандай нафислик, энг оддий нарсалар ҳақида имкони борича аниқ ва тўғри реляция (ёзма маълумот) беришга бўлган ҳар қандай уриниш сўз томонидан муқаррар равишда улкан, баъзан эса мутлақо енгиб бўлмайдиган тўсиқларга дуч келади, кўплаб асрлар муқаддам пайдо бўлган мазкур сўзлар бу қадар юксак мақсадлар учун мўлжалланмаган.

Ана энди ёзувчи олдида дилемма¹ кўндаланг туради: ё ўз фикрини охиригача айтмаслик ёки рамзий сўзлардан фойдаланиб, уни (фикрини) ноаниқ ва тушунарсиз қилиб айтиш.

Баъзи бировлар бунга фавқулодда чора сифатида янги сўзларни ўйлаб топадилар. Адабиёт тарихида гўё мерос қолган табиий сўзлар етишмагандай, бутун бир даврларни неологизм (янги сўз ёки ибора) ларнинг шиддатли васвасаси қамраб олган пайтлар бўлган. Ва ўзини ана шундай номуносиб, меҳнат зое кетадиган беҳуда машғулотга бағишлаган қанчадан-қанча ёзувчилар ҳалокатга учраган! Бронислав Трентовский ўзича ишониб бўлмайдиган сўзларни жорий этган ва мутафаккир сифатидаги ҳалол ишени бекорга сарф қилиб, кулги бўлган. Неологизмлар Красиньский поэзиясининг, айниқса, прозасининг бевакт сўниб, ҳазон бўлишига сабаб бўлди. Норвидга ўз даврининг «сўз сумбати» етарли бўлмади, чунки у буюк поляк шоирларимиз Мицкевич, Словацкий, Красиньский ифодалаган фикрлар бу ёқда қолиб, бутунлай бошқа нарсалар ҳақида гапирди. Агар Норвид ўз замондошлари орасидан сезгир, зийрак ўқувчиларни топиб, улар билан алоқа ўрнатгандами, эҳтимол, одамови ёзувчиларга осонгина «ёпишиб» оладиган тилга оид кўпгина галатиликлардан холи бўлиб, поляк тилининг ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган имкониятларини кашф қилган бўлур эди.

Тил нафақат поэзия, балки кундалик ҳаётда ҳам қўлланиш учун янгидан-янги сўзларга эҳтиёж сезади. Уларни сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, турмушда содир бўлаётган ўзгаришлар талаб қилади, уларни ҳар бир янги кашфиёт, ҳар бир ихтиро юзага келтиради. Касб-кор, майда ҳунармандчилик, турли касб-ҳунарлар ўз луғатларини доимий равишда янгилаб бора-

¹ Дилемма – бир-бирига зид бўлган икки имкониятдан бирини танлашга мажбур бўлиб қолиш.

ди, бу жараён тусмолаки ва муаллифи номаълум бир тарзда руй беради. Унда чет тиллардан олинган ўзлаштира сўз ёки иборалар, тақлид қилиш ва ўхшашликлар кучга кириб, муомалада бўлади. Баъзи бир сўзлар эса, масалан, локомотив, автомобиль, телеграф, радио ва ҳ. к. аллақачон бутун маданий дунё тилларининг маънавий мулкига айланган, ҳозирда уларнинг муаллифларини ҳеч ким эсламайди, улар эса ушбу сўзларни лотин ва юнон тиллари луғатларидан олишган. Фақат халқ тил соҳасида соғлом ижодий инстинктга эга, холос, маълумотли кишилар ҳам кўпинча хатога йўл қўядиган ҳоллар учраб туради.

«Дурустгина янги сўз яратиш учун, – деган эди Ян Снядецкий, – янги фикр яратишга қанча иқтидор зарур бўлса, деярли шунча истеъдод керак». Соғлом тафаккур эмас, балки ғалати жинниликлар яратиш учун яралганлар унинг тоқатини тоқ қилар, шу боис у неологизмларга қарши жон-жаҳди билан курашарди. Ўшанда поляк тили илм-фан, маъмурий аппарат, саноат ҳамда XIX асрнинг барча янги эҳтиёжлари учун минглаб янги сўзлар етказиб бериши лозим бўлган ва ҳар томондан талаблар кучайган бир давр эди. Ян Снядецкийнинг укаси Енджей Снядецкий навқирон поляк кимёсига ўз атамашунослигини тақдим этди. У худди бошқаларга ўхшаб, лотинча ва грекча номларни сўзма-сўз таржима қилиб, «Oxygenium»ни айнан «kwasorod» тарзида берган. Майли, поляк тилидаги ушбу сўз тарихи сўз яратишда ижодкорлик нима эканини англатадиган мисол бўлиб хизмат қилақолсин. Негаки, сал кейинроқ кимё мутахассиси Очаповский оғир, дағал «kwasorod»ни енгил ва чиройли янги сўз – «tlen» билан алмаштиради. Аслида бутунлай янги сўзлар йўқ, барчаси тилда аллақачон мавжуд бўлган туб илдизлардан келиб чиқади ва фақат истисноли ҳоллардагина «ўйлаб топилган» товуш расмий генеалогияга эга сўзлар оиласида фуқаролик ҳуқуқини

олади. Масалан, «газ» сўзи билан худди шундай бўлган, уни физик ван Гельмонт ўйлаб топган. Батамом ўйлаб топилган сўзлар эса хангама, ҳазил чегарасидан ташқарига чикмай, кичикроқ ижтимоий гуруҳ ёки ҳатто биргина оила даврасида қолиб кетган.

Снядецкий «кераксиз», яъни ҳеч қандай янгилик олиб келмайдиган неологизмларга қарши кураш олиб борган. «Одатдагидан бошқача ва янги тўқиб-бичилган барча ушбу сўзлар тафаккуримизни тиниклик, шаффофликдан маҳрум қиладиган ахлатдан бошқа нарса эмас». Лелевель ҳам ғашини келтирарди, унинг кўпсонли неологизмларидан сўзма-сўз «мамлакат сурати», яъни пейзаж, ландшафтни англатадиган факат биргина «krajobraz» омон қолган, Лелевелда ушбу сўз бошқа маънони билдирарди, ундаги «dziejba» (тарих) эса шоир Лесьмян томонидан узоқ унутишдан сўнг топилган эди. Барча пуризм тарафдорлари каби, Снядецкий ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган даражада майдакаш эди, у ўзининг рационализмига қаттиқ ёпишиб олган ва романтизм олиб келган, тил ҳамда услубга жон бахш этган янги ҳаёт нафасини хис қилолмас эди. Лекин умуман олганда файласуфнинг истеъмолдаги кундалик нутқни химоя қилиб чиқиши (яна тагин немис фалсафасининг танҳо ҳукмронлиги даврида!) ҳар ҳолда ёмон эмас эди.

Кундалик нутқ – баённинг аниқ бўлиши талаб қилинадиган прозанинг барча турлари қўлидаги бебаҳо қуролдир. Файласуф учун у гоҳида хақиқий нажот бўлиши ҳам мумкин. Юнон фалсафасидан бошқа барча фалсафаларни илмий атамашунослик жарғони «еб» ташлаган. Юнон файласуфларида сўзлашув тили деярли эшитилиб туради, уларнинг ҳар бир ҳолати барчага тушунарли тилда ўз ифодасини топади. Бунинг боиси, юнон фалсафасининг туғма соф, табиийлигидадир. Унинг энг яқин вориси бўлмиш Рим фалсафаси юнон манбаларининг таъсири

остида кўплаб атамаларни ундан олиб ўзлаштирган. Ушбу далилнинг интеллектуал ҳаётдаги аҳамиятини камдан-кам одам тушунади. Чет сўзни ёки она тилига тўла кўшилиб, аралшиб кетмаган сўзни англаш ушбу сўз орқали ифодаланган маънони қандай тушунишга қарамасдан, қўшимча куч, ғайрат талаб қилади. Улар билан доимий равишда иш кўрадиган мутахассислардан ташқари қолган барча одамлар учун фалсафий атамалар ҳар доим бир қадар қийин туйилади ва ҳар гал уларни ҳамма тушунадиган тилга таржима қилишга тўғри келади. Чет атамалар қанчалик кўп жорий этилса, чалкашликлар хавфи шунчалик кучаяди. Кўпгина муаллифлар ўз фикрларини ифодалаш учун оддий сўзларни қидириб топишга эринади ёки баъзи бирлари эса илм-фан сир-саноатларига оид сўзларни ишлатиб, бу билан ўқувчилар олдида гўёки кўпроқ обрў-эътибор қозонмоқчи бўлишади, деган фикрдан қутулиш қийин.

Мураккаблашган луғатлар воситасида ўз шахсий обрўсини оширишга бўлган уриниш – қовоқбошлар, қалами «тез» ва шунчаки билимсизларнинг эски усулидир. Тақдир ҳам уларга худди ўғай она каби муносабатда бўлади: ажнабий сўзларни ажойиб ва ғаройиб бир тарзда сунистеъмом қилганликлари учун кулги бўлганлари етмагандай, уларга ўзлари тузук-қуруқ тушунмайдиган сўз ва атамалардан иборат доимий тузоқ ҳам қўйилади. Бундай чет сўз ишқибозлари – ўша даврдаги интеллектуал маданият умумий таназзулининг герольд (удайчи)ларидир. Польшада XVII – XVIII асрларда, Саксония сулоласи замонларида худди шундай вазият ҳукм сурган. XVI асрда шунчаки ҳазил тариқасида «макарон ҳақида шеър» ёзган Кохановский орадан юз йил ўтгандан кейин, макаронизмлар¹ урф бўлиб, услубнинг мажбурий безаги-

¹ Макаронизм – нутқда ўринсиз ишлатилган чет сўз ёки ибора.

га айланишига ишонмаган бўларди. Лотин ва поляк тилларида бирдай яхши ёза олган Гурницкий, Ожеховский ва Скарга ўзларининг полякча матнларида лотинча иборалардан воз кечишган (Гурницкий «Сарой амалдори»нинг бир неча саҳифасини ўзини зўр билимдон қилиб кўрсатиш учун тилни чет сўзлар билан «яхшилаш»га ёки безашга бағишлаган). Шундай қилиб, XVII асрда лотин тилини фақат мактаб дастури бўйича билган одамлар ҳар бир жумлада лотинча сўзларни қўллашга ҳаракат қилишган. Уларнинг назарида, айниқса, тантанали вазиятларда бундан бошқача бўлиши мумкин эмасдек тўйилган. Ўша даврдаги барча бемаъниликлар, тутуриксизликларнинг «қонун чиқарувчиси» Бенедикт Хмелевский қатор чоғиштиришлар қилиб, лотинча номларнинг оддий полякча сўзларга қараганда нақадар ифодали ва чиройли эканини исботлашга ҳаракат қилган. «Хобгох» сўзи, дейди у, «дормиторий»дан, «тўплар устидан катта» эса «артиллерия генерали»дан хунукрокдир. Биз «хобгох»ни сақлаб қолиб, «тўплар устидан катта»дан воз кечдик.

Адабий тилдан чет сўзларни батамом чиқариб ташлаш мақсадга номувофиқ ва бунинг иложи ҳам йўқ, улар мамлакат тилига бошқача тус, оҳанг, ўзгача жўшқинлик, ҳис-ҳаяжон бахш этади ёки ҳеч бўлмаганда, товуш сифатини яхшилайти, бу эса бадий наср учун муҳимдир. Ашаддий пуризм тарафдорлари одатда ўртамиёна ёзувчилар бўлиб, улар орасида улф сўз санъаткорлари учрамайди. Тўғри, ҳалол, бироқ зерикарли Каетан Козьян Мицкевичнинг «Крим сонетлари»даги туркча ва татарча сўзлар қандай услубий функцияни бажаришларини тушуниб етмаган.

Францишек Моравский ҳам «Конрад Валленрод»га муқаддима («Литва соҳилларининг ёлғиз қулмоғи...»)даги «хмель»¹ сўзи учун Мицкевичдан ранжиган ва мазкур сўз «икки ҳисса пиво»ни эсла-

¹ Хмель – қулмоқ (ўсимлик тури); мастлик, кайф.

тишини айтиб, унинг устидан кулишга уринган. Аслида у корчмага¹ шама, ишора эди, холос. Корчма билан классиклар романтикларни кўрkitган бўлса, кейинги авлод ёзувчилари башарти улардан кимдир вульгаризмларни² қўллашда меъёрни бузса, у билан бир-бирларига таъна қилишган. Адабиёт ўзини жуда хурмат қилади. Баъзи бир сўзлар кўплаб асрлар давомида унга кириш ҳуқуқига эга бўлмаган. Юнон, лотин ва француз тилларида ҳаттоки хиатус³ – икки унлининг ёнма-ён келиши кулоққа ҳақорат каби эшитилган. Икки юз йил мобайнида биронта ҳам франг шоири, гарчи кундалик нутқда доимо ишлатиб юрган бўлса ҳам, лекин ҳеч қачон *tu as ёки tu es* деб ёзмаган. Бундай қоидалар охир-оқибат жонга теккан шекилли, адабиёт тилига ҳар кунги доимий тил ҳаётбахш сел каби қуйилиб келган. Одатда бундай ҳолларда кимдир маданиятсизлик дея кичкиришга тушади, аммо маданиятсизлик ўз ҳосилини берадиган пайтлар ҳам бўлади.

Адабиёт баъзан буткул, гоҳида эса айрим жанрларда ўзини кундалик нутқдан ҳимоя қилиб туради. Агар комедия билан сатира (ҳажвия) бўлмаганда эди, қадимги кундалик нутқнинг қандай янграганини тинглай олмаган бўлардик. Хораций ўз суҳбатларида кундалик ва ҳатто кўча ибораларидан ҳам фойдаланар, аммо уларни ҳеч қачон ўз қасидаларига киритмаган эди. Ҳеч бўлмаса, *sodes* – «марҳамат» деган хушмуомала сўзни эшитиш одамга қандай ҳузур бағишлайди. Ушбу сўз бизни антик даврни яшириб турган ғира-шира туман орасидан тўғри қадимги Рим

¹ Корчма – қадимда Украина, Белоруссия ва Польшада: майхона; карвонсарой.

² Вульгаризм – адабий тилда учрайдиган беадаб сўз ёки ибора.

³ Хиатус – бир сўзнинг охирида, иккинчи сўзнинг бошида икки унлининг қатор келиши.

кўчасига олиб чикиб, жонли тил садосини тинглаши-
 мизга имкон беради. Вергилийнинг бутун поэтик ме-
 росида биронта ҳам қўпол сўз учрамайди, эхтимол,
 ҳаётда қандай янграган бўлса, худди шундай ёзилган
 биронта жумла ҳам топилмаса керак. «Tityre, tu
 potulae recubans sub tegmine fagi...» – «О Титир,
 қорақайин сояси остида мангу ором олаётган сен...»
 – Вергилийнинг илк эклогасидаги¹ ушбу дастлабки
 сатрларни поэзия тарихига, ҳа, сўз ва жумлалар
 қурилиши одатдаги жонли инсон нутқидан фарқли
 ўлароқ, бутунлай бошқача қонун-қоидаларга бўйсун-
 нувчи поэзия тарихига бемалол эпиграф қилиб олиш
 мумкин эди. Кейингиси реванш олса, одамлар ёмон
 кўриниб қолган сўзлар, иборалар ва сўз тузилишлар-
 нинг эндиликда поэзияга эмин-эркин киритилаёт-
 гани ҳамда луғат ва синтаксисга қараганда ёмон
 хизмат қилмаётганини кўриб туриб, зўр завқ-шавқ
 ҳиссини туядилар. Шу қадар тантанавор ва патетик
 (ҳаяжонли, жўшқин) Клодель ўз қасидаларига шун-
 дай бир образларни киритса ҳам, ҳеч нима йўқот-
 майди, бундан Боссюэ тушқунликка тушиб, қўлла-
 рини букиб синдирган бўларди, ва у бу образларни
 шундай сўзлар билан ифодалайдики, улардан Ронсар
 юз ўгирган бўлар эди.

Адабиётдаги ўзгаришлардан олдин сиёсий ва
 ижтимоий ҳаётда ўзгаришлар бўлиб ўтади – янги
 ижтимоий қатламлар куч ва аҳамият касб этиб, ўз
 тилини жорий қилади (учинчи табақа томонидан зо-
 дагонлар салонининг одат, қилиқлари ахлатхонага
 равона қилинган), – баъзан эса диний ҳаракатлар,
 жумладан, насронийлик анъанавий лотин шеърля-
 ти билан икки юз йил бирга яшаб келгандан сўнг,
 охирида унга ўзининг силлабик (бўгин вазнидаги)
 ва кофияли шеъри билан какшатқич зарба берди.

¹ Эклога – идиллияга ўхшаш шеър; танланган шеърлар
 тўплами.

«Билимсиз» ёш халқлардан чиққан шоирлар бўлса, грамматик нафисликни сақлаб қололмаган ва сўз танлашда ҳам эҳтиёткор бўлишмаган. Мавзу бўйича энг юксак саналган асарларда ҳам қўпол, ғализ ва нотўғри иборалар учрар, улардан хирмон, устахона, кўчалар ва турар жойларнинг ҳиди келиб турар, уларни классик тилдаги каби domus эмас, балки оддий тилдаги сингари casa деб атардилар. Буларнинг барчаси авлодлар кўз ўнгида шундай «номукамал» асарларнинг жозибасини оширади, холос.

Ўзгаришлар нафақат ёлғиз адабиётнинг ўзида, балки одатда бошқа санъат турларида ҳам рўй беради. Масалан, қачонлардир халқ шеъриятига мансуб бўлган ассонансларга¹ мурожаат, топқир ва тадбиркор бўлмаган Рей учун зарурат ва Кохановский учун эса номақбул иш, шубҳасиз, замонавий рассомлик санъати учун шу қадар характерли бўлган примитивизм² урф бўлиши билан боғлиқ эди. Мен бу ерда фақат Польша ҳақида гапиряпман, бироқ ушбу ходиса бутун Европа адабиётига ҳам хос ва эҳтимол, ассонансларга ўрта асрлар Миср, юнон ва негрлар санъати кенг эътироф этилган ўша даврларда худди рождество байрами кунларига қизиққандай, мурожаат қилишган бўлса ҳам ажабмас. Бу йўлдан то византинизм (бунга шама, ишоралар бор)га, янаям тўғрироғи – ҳеч қандай келажаги йўқ ғалатилик, тентакликка ҳам етиб бориш мумкин. Бадиий ижодда, ҳар доимгидек, ҳамма нарса маданиятга, ақл-идрок ва меъёр туйғусига боғлиқ.

Таъб-дид тўғрисида тўхталмабман. Бугунги кунда бу ҳақда гап кетгудай бўлса, эски урфдаги қандайдир кулгили бир нарса ҳақида гапирётгандек бўламиз. Аммо таъб-дид қачонлардир буюк рағбат-

¹ Ассонанс – фақат урғули унлиларнинг қофияланиши; товушлар уйғунлиги.

² Примитивизм – санъатда ибтидоий, қадимий ёки содда, жўн услублардан фойдаланувчи йўналиш.

лантирувчи омил бўлиб, ҳамма нарсани бошқарган: XIX асрнинг бошларидаёқ, трагедияда даструмолча ҳақида эслатиш ман этилган эди. Романтизм кириб келиши билан таъб-дид ўз эркини йўқотди ва айнан ўша даврдан бошлаб, адабий тилда ҳеч қандай чекланмаган эркинликнинг катта тарихий даври бошланди. Ҳеч қандай нотўғри тушунчалар, ҳеч қандай сохта фикрлар, ҳеч қандай хурофот, бидъатлар сўз танлашда ёзувчига ортиқ монелик қилмайди, бугун ҳатто Рабле ҳам бундан хижолат тортмаган бўларди. Бюффоннинг: «Nommez les choses par les termes genereaux» – «Нарсаларни умумий номлар билан атаган» деган, предметни буткул ва тўппа-тўғри аниқлаб берувчи бирдан-бир, ягона ва ҳақиқий сўзни излашдан иборат бўлган бизнинг принципларимизга зид, қарама-қарши ўғити узил-кесил унут бўлган эди. Шева, лаҳжаларни адабий тилга олиб кириш ҳукуқи тўғрисида Дигасинскийнинг Конопницкая билан қачонлардир қилган баҳс-тортишувлари эндиликда тушунарсиз туйилса, Тарновскийнинг Тетмайер каламига мансуб «Серқоя Подгальеда» асари муносабати билан билдирган қаҳр-ғазаби эса мактабда ўқиб юрган пайтларимиздаёқ кулгимизни қистатар эди.

XVIII асрнинг қилични «ҳалокатли пўлат», ғозни эса «Капитолий ҳалоскори» деб аташни буюрган ғалатиликлари мана, неча-неча адабиёт авлодларига қанчадан-қанча қувноқ дақиқаларни баҳш этиб келмаяпти дейсиз. Ўша замонларда итни тўғридан-тўғри ит деб атагани учун Хомернинг айбсизлигини исботлашга тўғри келган экан. Романтизм даврларидаёқ «оловли трубка»дан ўқ узишган, йўлларда эса «яшил либос кийган кентаврлар»¹, яъни драгунлар² от ўйнатиб

¹ Кентавр – юнон афсоналарида: ярми одам, ярми от киёфасидаги махлук.

² Драгун – ҳам отда, ҳам пиёда ҳаракатлана оладиган отлик аскар.

юришган. Делиль ипак куртини «Тисба баргларининг ошиғи» деган сўзлар остига яширган ва унинг «L'homme des champs» – «Қишлоқда яшовчи» поэмаси бошдан-оёқ шунга ўхшаш шарада (*топишмоқнинг бир тури – тарж.*)лардан ташкил топган. Бироқ Мицкевичнинг «Шаҳарда киш» асари айқаш-уйқаш чалқаш ва чигал киноя, қочиримлардан бошқа нарса эмас.

Биз ўзимиз булардан холимиз, демаймиз. Мана, Каспровичнинг шеърлар китобини очиб, уни ўқийман: «Қуёш энг қисқа соя ташлаганда» – бу демак, туш, қиём пайти. Ўқишда давом этаман: «У пўлатни силташ учун ўрнидан турди». Гапнинг маъносини тушуниш учун озгина тўхтаб, ўйлашга тўғри келади, «пўлатни силташ», бу – бор-йўғи ўлим ўроғи демак. Қўлимга замонавий шоир шеърлари босилган қайсидир журнал тушиб қолди, у шундай деб ёзибди: «Мен унинг юмалок меваларини кафтимда чамалардим», унинг фаранг ҳамкасби эса «Un lendemain de chenille en tenue de bal» – «Бал либосидаги капалак куртининг эртанги куни» ҳақида эслатади. Шу қадар жимжимадор ном берилган капалакни Делиль қувонч билан ўзининг поэтик боғларига чорлаган бўларди. Ниҳоят, яқинда шоирнинг эмас, бир носирнинг, бунинг устига тағин келиб-келиб сипо Англияда денг, қуйидаги жумласига дуч келдим: «Раҳм-шафқат сталактити¹ афсус-тавба сталагмити² узра осилиб турибди».

Хоҳ шоир бўлсин, хоҳ носир бўлсин, ҳеч ким метонимиядан³ ҳам, перифразадан⁴ ҳам бош торт-

¹ Сталактит – ёр шипида ҳосил бўлиб, осилиб турадиган сумалаксимон томчи.

² Сталагмит – ёр тагида ҳосил бўлиб, юкорига қараб ўсадиган конуссимон томчи.

³ Метонимия – бир сўз ўрнига унга алоқадор бошқа бир сўзни мажозий қўллаш.

⁴ Перифраза – муайян ибора ёки сўз маъносини тавсифий ифодаловчи ибора.

маган ва бундай адабий приём (усул)лар орасида жуда қадимдан маълумлари то ҳозиргача ҳам учраб туради, улар Август даври (XVII аср охири – XVIII аср ўрталари)даёқ шоирларга оддий ва сийқа туйилган. Улар билан бир қаторда эса яна янгилари ҳам юзага келади ва улар келажакда давримизнинг адабий ғалатиликлари ҳақидаги асарларнинг саҳифаларини безаши шубҳасиз. Лили, Гонгора, Марини ўз арабескалари¹ услубини замонавий адабиётнинг биргина иборасидан билиб ололмаган бўлардилар, бундан йигирма йил муқаддам ўқувчиларни олис ўтмиш муаллифи томонидан топилган адабий усуллар билан қойил қолдирган Лотреамон прозаси ҳақида эса нима ҳам дейиш мумкин!

Метонимия, перифраза, метафора истиора каби, барча асрлар поэзиясига хос, у билан бирга туғилган, эҳтимол, ундан олдин бўлган бўлса ҳам ажабмас. Охириги гипотеза (фараз, тахмин)нинг тасдиғи сифатида эвфемизмларни² кўрсатиш мумкин. Улар ибтидоий халқлар маданиятида етук тамаддунлардагига қараганда ҳам кўпроқ тарқалган эди. Алмаштирадиган сўзлар, истиоралар, киноя, қочиримлар панасида тилга олиш лозим бўлмаган сўзлар яширинган бўлиб, улар ифодалаган тушунчалар эса парда остига олинган ва таниб бўлмас даражада ниқобланган. Одамлар ёввойи ҳайвонларнинг, табиатдаги даҳшатли ходисаларнинг, касалликлар ва ўлимнинг номини тилга олишдан сақланишган. Баъзи бир қабилаларда шунга ўхшаш урф-одатлар то ҳозирга қадар сақланиб қолган, жумладан, қабила бошлиғига тааллуқли бўлган барча нарсаларни очик-ойдин айтиш мумкин эмас ва шама, ишоралардаги топқирлик, ижодқорлик

¹ Арабеска – бу ерда: кичик ҳажмли адабий ёки мусикий асарлар тўплами.

² Эвфемизм – айтиш ноқулай бўлган сўз ўрнида ишлатиладиган пардали сўз ёки ибора.

гохо браунингча чигаллик даражасигача етиб боради, масалан, Полинезия оролларида бирида битилган жумла қуйидагича: «Осмондаги қора булутлар орасида чакмоқ чакнади», маъноси: «Шохнинг истикоматгоҳида машъалалар ёқилди».

Эхтимол, истиораларни нафақат шеърят сарчашмаларидан, балки илм-фан манбаларидан ҳам кидириш лозимдир, чунки у турли хил ходисалар ўртасидаги ўзаро алоқалар, яқинлик, ўхшашлик ва муқоясалардан ташкил топган илмий тадқиқотнинг дастлабки, энг қадимий методининг бир тури ҳисобланади. У муайян бир нарсани аниқлаш асносида бир қарашда унга ўхшаш бўлган бошқасига ҳам назар солиб, шу тариқа билиш жараёнининг тобора чуқурлашиб, кенгайиб боришига имкон берарди. Бирок истиоралар, метонимия ва перифразалар учун энг муҳими ижоднинг айни негизида ётадиган кутилмаган воқеа, ҳодиса, тасодиф ва хайрат лаҳзасидир. Поэтик фигуралар ўзининг мана шу функциясида инсонга кўплаб мингйилликлар мобайнида ҳамроҳлик қилиб келаётган бошқотирмалар, жумбоқлар, пичинг, киноя, қочиримлар ва маталларга ўхшаб кетади.

Одатдаги, кундалик нарсалар янгича ва нотаниш киёфада гавдаланган пайтда инсон ақли зўр лаззат ҳиссини туяди. Воқеликни рўй-рост очиб ташлаб, фош килувчи ва тубдан ўзгартирувчи сўз худди бўш шляпа ичидан каптарни чиқариб олаётган фокусчининг сезилмас ҳаракатлари каби ўзига бутунлай маҳлиё қилиб қўяди. Барча нарсаларни маълум бир маънода идрок этишга одатланган одамлар оддий предмет ўхшашликлар, имкониятлар ва фантазия призмаси аро ўзгача маъно касб этган чокда хайратга тушиб, ўзларини бахтиёр ҳис қиладилар. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ нарсаларга устаси фаранглар эса ўз шон-шухратини ана шу асосда қурадилар – шунда улар кўпроқ фокусчига ўхшаб кетади, – мияларида

ассоциациялар фавқулудда кўпириб ётган сўз, фикр ва образ жонглёрларига, суҳбатлар, импровизациялар, мунозаралар чоғида «ярк» этиб кўзга ташланадиган, ҳикматлару парадоксларни тўкиб ташлайдиган, ёлғиз қолди дегунча эса «ўчиб» қоладиган сахна, театр ва эстрада ходимларига гоҳо тасаннолар айтгинг келади. Айнан ўша ёлғизлик ва сукунат бағрида энг буюк кутилмаган воқеа, ходиса, тасодифларни олиб келадиган, нарсаларнинг туб моҳият-манбаига разм солишга имкон берадиган, бир-биридан жуда узоқ ходисалар ўртасидаги сир-синоатли алоқаларни очиб берадиган, оддийликдан улуғворликни кашф этадиган вахий сўзлар дунёга келади. Ҳеч бир улуғ ёзувчи йўқки, ўз сўзи воситасида нарсалар моҳиятига, ходисаларнинг сир тугилган маъно-мазмунига, поэтик nature genus – нарса, воқеалар табиати сари етиб боришга интилмаган бўлсин. Бири фантазиялар дунёси бўйлаб қилган саёҳатидан рамзлар ва аллегория (киноя, қочирим)лар билан бойиб қайтса, бошқа бирови эса бутун илм-билимларимиз таянган барча расм-русумлар, конвенциялар, битим ва келишувларнинг дабдаласини чиқариб, ушбу харобалар узра ўз фантазиясининг сирли ва мустаҳкам бошкентини барпо қилади.

Роберт Браунинг худди шундай эди. Унинг «Сорделло»си босилиб чиққандан сўнг, Теннисон поэмани ўқиб бўлгач, ниҳоятда таажжубланган, чунки айтишича, унда бор-йўғи икки сатрнигина тушунган, холос, бунинг устига икковиям ёлғондакам, сохта туйилган – биринчиси: «Мен сизларга Сорделло тарихини сўйлаб бераман» ва охиргиси: «Мен сизларга Сорделло тарихини сўйлаб бердим». Тиник-шаффоф ёзилган «Эноха Арден»нинг муаллифи Теннисон учун бунақанги поэзия мутолааси тўғри келмас эди. Аммо ноаниқ ва тушунарсиз нарсаларга кўникиб қолган Карлейль Браунингга хат йўллаб (Карлейль қал-

тис, нозик вазиятларда хотини панасига яширинишни яхши кўрарди), аёли «Сорделло» поэмаси инсон, шаҳар ёки ой ҳақидами, шуни билишни хоҳлаётгани ҳақида ёзади... Шоир ҳаётлигидаёқ Browning Society – ўз ижоди шарҳловчиларининг жамияти тузилган бўлиб, Браунинг тушунтириб беришини сўраб муурожаат қилган кишиларни ўша ерга жўнатар ва ўз ижодининг шарҳловчилари уни ўздан ҳам кўра яхшироқ тушунишларини ярим ҳазил-ярим чин эътироф этарди.

Шоир мухлислари неча ўн йиллар давомида, баъзи бирлари йўл бошловчилар билан, бошқалари худди Уильям Блейкнинг булутли ўлкасига йўл олгани сингари, Браунинг истиқоматгоҳини зиёрат қилиб келишган. Сайёҳ зиёратчилар Малларме хузурига илгаригидан ҳам кўра ҳозир кўпроқ боришади. Ҳар бир адабиётда шу хилдаги шоирларнинг қизғин ихлосмандлари ҳам, ашаддий душманлари ҳам кўп бўлади. Кимки уларни тушунмаса, тўғрироғи, тушуниш учун ўзини уринтиришни истамаса, «тушунарсиз шеърият»ни рад этиб, уни адабий ҳаётда қавсдан ташқарига чиқариб қўяди. Тўғри, бу шоирларда бадиий ва оддий тил ўртасидаги тафовут ўзининг охириги нуқтасига етиб борган бўлади. Ва Браунингга ўхшаган шоир нозик, нафис, гўзал ва фавқулодда нодир сўзлар ўрнига сўзлашув тилидан, газеталардан олинган ва кўча-кўйда қулоққа чалинган энг оддий сўзларни қўлай бошласа ҳам, ҳеч нима ўзгармайди, аммо улардан қандай фойдаланиши ва қай тарзда жойлаштиришининг ўзиёқ уларни кундалик истеъмол доирасидан олиб чиқишга етарли бўлади. Малларме қайсидир сўзга ўзига хос куч-қудрат ва ифодалилик, маънодорлик бахш этиши учунгина жумлалар тузилишини бузиб, авра-астарини ағдариб юборар, шу мақсадда ҳатто салкам бемаъниликкача ҳам бориб етарди. Малларме Верленнинг дафн маросимида қатнашиб, фақат

сўзнинг мазмун-моҳияти ҳақидагина ўйлаб ирод этган нутқининг тарихи ўта ибратлидир. Репортёр маросимдан сўнг унинг олдига келиб, нутқ матнини бериб туришини сўрайди, шоир эса уни қаҳвахонага таклиф қилиб, у ерда матндаги ўта аниқ ва тиник ёзилган жумлалар тузилишини шоша-пиша чалкаштиришга киришади. Ушбу манзарани – гижимланган варақлар узра энгашиб, сўзларнинг енгил оқимиغا ҳумрайиб боқаётган шоирни кўз олдимга келтиришга уринар эканман, – қулоқларимга Квинтилиан иқтибос келтирадиган қадимий Юнон нотифининг овози узоқ-узоқлардан эшитилаётгандек туйилади, – ўз ўқувчиларига мурожаат қиларкан, бу ритор¹ шундай дер экан: «Skotison!» – «Чалкаштир!»

Барча даврлар адабиётида икки хил оқим оқади. Бири равон, текис, бир маромда оқиб, сувлари тубида олтин қум, бетида эса кўм-кўк осмон акси жилва қилса, унисининг қирғоқлари ҳувиллаган, ваҳимали бўлиб, шиддат билан лойқаланиб оққани етмагандай, маккорона гирдоблари ҳам хавф солиб туради. Бироқ шуниси ҳам борки, биринчиси равон, енгил ва мўл-кўл оқиши учун, иккинчиси қояларни ювиб, оқизиб, унга йўл очиб бериши керак. Қалами қийин сўзларни битадиган ёзувчилар адабий тилга янги куч ва жасорат бахш этадилар. Аммо бир савол ҳар доим очиклигича қолади: фақат ҳамкасблар ва зийрак, сезгир шарҳловчилар учунгина қалам тебратиб, қолган бошқа барча ўқувчиларни ҳисобга олмай ёзишда маъни бормикин? Бутун-бутун поэтик мактаблар, янги юзага келган бутун адабиёт даврлари бундай саволга менсимай кўл силтаб, «profanum vulgus», яъни «жирканч авом»дан узоқлашган ва ўз нафис санъати билан халқ ўртасидаги барча кўприкларни бузиб ташлаган. Бундай даврларда шеърхон-

¹ Ритор – қадимги Юнонистон ва Римда: нотик ҳамда нотиклик санъати муаллими.

лик, худди бугунги кундаги олий математика бўйича ёзилган асарларга ўхшаб, фақат тор билимдонлар даврасидагина урф бўлган, холос.

Ёзувчиларнинг умумий истеъмолдаги сўзларни «янгилаб туриш» устида иш олиб боришлари адабий тил учун зарурдир. Кунда кўз-кўзга тушадиган чехралар каби таниш, энг оддий сўзлар ҳам бирданига янги, кутилмаган маъно касб этиб, уларда яширинган ҳаёт шукухи «ярк» этиб кўзни камаштиради. Тилда ҳозирга қадар ўз ифодасини топишга муваффақ бўлмаган тушунчалар чуқур қатламлар қаъридан юзага калкиб чиқиб қолади. Бу қандай амалга ошади, буни яхши шеър таҳлили ёки дурустгина наср мисолида кўриш мумкин. Ёзувчи қалами остида ўша пайтгача бир-бири билан кўришмаган сўзлар «учрашув» белгилайдилар, феъллар ўша вақтгача номаълум бўлган ҳаракатларни бошқариб, отлар эса ўз мулкларини кенгайтирадилар. Бу орада истеъмолдаги кундалик тилга, сифатсиз адабиётга, арзон-гаров публицистикага оид сўзлар худди ўша, доимий тарзда бир хил такрорланадиган бирикмалар ичида «зерикиб» кийналади. Худди ўша-ўша сифатларнинг барчаси одатдаги отлар ортидан соядек эргашади. Тошқотган иборалар, айниган, бузилган истиоралар. Моғор, пўпанак, ботқоклик, қўлмак сув. Қотиб қолган бу дунё, баайни фариштанинг қаноти тегишига маҳтал Силоэ ҳавзаси каби, ҳақиқий, чинакам ёзувчининг лабларидан майин шаббода эсишига мунтазирдир.

Аммо Силоэ узра мўъжиза рўй беришининг зарурий шарти шу эдики, фариштани ҳеч ким кузатмаслиги лозим эди. Шоирнинг аҳволи эса жуда ёмон: кимдир унинг бармоқларига қарагани-қараган. Адам Мицкевич: «О аёл, илоҳий шайтон!» дея ёзган, Ян Чечот эса уни: «О аёл, арзимас нарса!» тарзида ўзгартирган. Эзгу ниятли Ян Чечот билан Адам Мицкевич ўртасида қандай бўлса, илоҳий шайтон билан

арзимас нарса ўртасида ҳам худди шундай тафовут бор. Бодлер қиз болани тасвирлаётиб, «les seins aigus» – «чўққи сийна» иборасини қўллаган, уятчан муҳаррир бўлса уни «les formes de son corps» – «қиз баданининг шакли» сўзлари билан алмаштирган. Поэтик образларнинг расвосини чиқарадиган бунақанги муҳаррирлар дунёда қанча!

Ёзувчи билан сўз ўртасидаги муносабатлар турлича шаклланади: К.Ростворовский таъбири билан айтганда, бири «у билан худди йўлбарс-ла олишгандай курашади», бошқаси эса уни худди Анатолий Франс каби суйиб эркалайди, зеро, унинг севимли шиори «caressez la phrase» – «жумлани эркаланг» бўлган. Эмпедокл жуфтлиги – Муҳаббат билан Нафрат дунёмизни бошқаради. Сўз билан доимий адоватда бўладиган ёзувчилар ва мутафаккирлар ҳам бор: сўз уларни ҳар доим алдайди, ҳамиша беўхшов, ғализ, қўпол, дағал, муваффақиятсиз чиқади, уларнинг талабларига қулоқ солмайди. Улар ўз фикр ва образларига зарур бўлган бирикмага эга бўлиш учун сўзни ўзгартиришга, керак бўлса, расвосини чиқариб, дабдала қилишга ҳам тайёр. Бирларида бу нарсага фикр, тушунчаларнинг сероблиги сабаб бўлса, бошқаларида эса сўз бойлигининг етишмаслиги, ночорлиги туфайлидир. Биринчилар имконсиз, чунки ўз фикрларидаги қутурган, асов бўронни ҳеч қачон енголмайди, иккинчиларни эса фақат сўзлар билан дўстлашишгина қутқариши мумкин, улар сўзлар билан дўстлашишлари лозим, шундагина сўзлар уларга ўз хазинасини очадилар. Кимки шундай қилмас экан, ўз-ўзини адоқсиз ночорликка маҳкум этиб, борган сайин қашшоқ, ғариб тилдан фойдаланишга мажбур бўлади ва сийқаси чиққан ёки қулгили, чалкаш-чигал ибораларга кўникиб қолади.

Ҳорацийнинг фикрини ишонувчанлик билан қабул қилган Буало тантанавор тарзда шундай хитоб қилади:

*... Ният, мақсад миянгизда шай бўлса агар,
Илк чорловла барча зарур сўзлар келади.*

Ҳеч қайси ҳақиқий шоир ёки носир ушбу сатрлар остига имзо чекмаган бўларди. Улуғ шоирлардан бири айтган эдики, «тил ва фикр алдайди», зотан, фикр билан сўз бир-биридан ўзаро жарлик билан ажралган ҳоллар тез-тез учраб туради! Албатта, биз сўзлар билан фикрлаймиз, бироқ улар орқали ифодаланган нарса, бу – фикрнинг сирти ёки унинг умумий сиртки кўриниши, шакли холос. Энг қийини эса биз фикрни бутунлай, бутунлигича, бутун ҳолда ифодалашга уринган лаҳзадан бошланади.

«Фикримизни ифодалаши лозим бўлган барча жоиз иборалардан, – дейди Лабрюйер, – фақат биттаси ҳақиқийдир. Уни нутқ ёки хат ичидан ҳар доим ҳам топиб бўлмайди. Аммо у доим мавжуд ва ундан бошқа қолган барчаси саёз ва сийқа бўлиб, ўзини тушунишларини истаган зўр ақл эгасини қониктирмайди». Худди мана шу «зўр ақл эгаси» замирида яхши ёзувчи мужассам, «ўзини тушунишларини истаган»лиги учун эса шоир файласуф билан, фикр эса образ билан яқдил ва ҳамоҳангдир.

Образ – поэзиянинг энг муҳим, эҳтимол, ҳеч нарса – на вақт, на поэтик мода йўқота олмайдиган бирдан-бир, ягона унсуридир. Оқимлар ва йўналишлар, мавзулар ва сюжетлар, мотив ва кайфиятлар ўзгараверади, сўз танлови ва шеър ёзиш ёки шеър тузилишини аниқлайдиган шарт-шароитлар, расм-русумлар ўзгаради, аммо образ, хоҳ бевосита бўлсин, хоҳ истора, хоҳ муқояса шаклида бўлсин, ҳамиша сақланиб қолажак. Образ – шеърятнинг қони-жонидир.

Фақат мавҳум тушунчалар билангина яшашни истаган поэзияни шунчаки тасаввур қилиб бўлмайди, у образлардан ташқарида мавжуд эмас ва унинг сифатини образлар сифати олдиндан белгилаб беради.

Образ кутилмаган янгилик бўлмоғи лозим, янги сўзлар билан ифодаланган бўлиб, hozirгача хеч кимнинг кўзи илғамаган нарсани кўрсата олиши, камгина сўз билан имкони борича кўпроқ ранглар ва киёфалардан иборат, тўла, мукамал, бой бўлмоғи лозим. Сувга ирғитилган тош кенг айланалар ҳосил қилгани каби, поэтик образ ҳам ассоциацияларнинг каттароқ худудини қамраб олиб, фикрларимиз доирасини янада кенгайтирмоғи лозим. Поэтик образ, ранглар воситасида чизилган ҳақиқий, чинакам тасвир сингари визуал (кўз билан қараб бажариладиган)дир, бироқ поэтик образ учун хизмат қиладиган бирдан-бир, ягона материал, бу – Сўз ва ҳамма нарса унинг куч-қудрати, беҳатолиги, ўткирлиги, ифодалилиги, жонлилиги, маънодорлиги ва гўзаллигига боғлиқ.

Сўзга бўлган муҳаббат – оғир, кийин муҳаббатдир. Кўпинча сўз унга мафтун бўлган ижодкорнинг энг оташин эхтиросига-да, таслим бўлавермайди. Аммо-лекин сабр-тоқат, чидам ҳамиша ундан голиб келади. «Битта жумлага икки ярим кун вақт сарфлабман, унда менга зарур бўлган атиги биттагина сўз бўлиб, уни тополмай роса кийналдим. Ўзимга намоён бўлиб турган образнинг ўқувчига ҳам «кўриниши» учун жумлага керакли шаклни бериш мақсадида уни ҳар макомга солиб кўрдим, бунақа пайтларда *ut posci* (билиб олмоқ учун – тарж.) биргина чизги, ҳатто энг арзимас тўйилган тус, ранг, оханг кифоя қилади...» – деб ёзган эди Виланд Мёрку. Поэзия тарихи илҳом, умидсизликлар, рухий тушкунликларга тўла бир неча йиллар мобайнида муаллифларнинг ўй-хаёлларида пишиб етилган, жуда кўп марталаб қайта ишланган сонетлар ҳақидаги хотираларни ардоқлаб сақлаб келади ва ушбу ўн тўрт сатрли шеърларда сўзга бўлган енгиб бўлмайдиган ва қизгин, эхтиросли муҳаббат тўғрисидаги узундан-узон драматик афсоналар тараннум этилган. Жозе Мария де

Эредиа «Улжалар» деб номланган сонетлар тўплами устида 30 йил меҳнат қилган. Арвер биргина сонет билан машҳур бўлиб кетган ва француз адабиёти тарихига оид биронта китоб йўқки, унинг номи тилга олинмаган бўлса, хаттоки комусий маълумотномаларда ҳам унинг исми-шарифи остида келтирилган мазкур шеърни ҳар бир киши ёддан билади: «Ma vie a son secret, mon ame a son mystere...» – «Ҳаётимнинг бордир ўз сири, сир-саноат бор қалбимда ҳам...»

Ҳорацийнинг гувоҳлик беришича, бутун бир соат давомида бир оёқда туриб, икки юз сатрни айтиб ёздирган беғам Луцилий ёки сермахсул қалам соҳиби (буни асарларидан сезиш мумкин) Ламартин каби оз сонли ижодкорлардан ташқари, деярли барча шоирлар ўз ҳайкалларига мутлако ўхшашмаган ва уларга арфа билан энгашиб турган суфлёр ролидаги қанотли даҳо кифоя қилган. Словацкий мистицизм даврида гўё унга фаришталар айтиб ёздирганини эътироф этган, бироқ «Рух кироли»нинг қўлёзмаси шоирнинг мукамал сўз шаклини топиш учун қанчалик сабот-матонат ва эҳтирос билан излангани, гоҳо қайсар сўз билан қандай кураш олиб боргани ҳақида гувоҳлик беради, сўз эса унга кўп ҳолларда хийла итоаткор бўлган.

Польшада ёзувчилар ўзларининг ва бошқаларнинг услубиёт соҳасидаги изланишлари ва ютуқлари ҳақида гапиришни кўпам хуш кўрмайдилар. Тўғри ва нотўғри гап тузилишлари ҳақида бир-бири билан баҳс юритган (яна тагин шундай даврда!) Расин ва Буалога ўхшаб хат ёзишувлар, Флобер, Доде, Золя, Тургенев, Гонкурлар ўзаро дўстона зиёфатлар чоғида айрим сўз ва ибораларнинг авра-астарини ағдариб, уюштирган баҳс-мунозаралар бизларда (агар бўлганда ҳам, балки устидан қулишармиди) қаёқда дейсиз. Бундай масалаларда сергаклик, хушёрлик хаттоки «сўз олдидаги бутпарастлик»дан нафрат билан юз

Ўгирган Клоделга ўхшаган француз ёзувчиларига ҳам хос, аммо унинг яқинда эълон қилинган хат ёзишмаларида қуйидаги сатрларни ўқишимиз мумкин:

«Сизнинг услубингиз қандай ажойиб! Синтаксисдан фойдаланишингиз эса нақадар ҳайратланарли! Бир жумладаги истак майлида ўтган замон феълинг икки тугалланмаган тури битилган саҳифа ҳамон ёдимда, бу мени қойил қолдирган». Гонкурнинг ўзи ҳам бунга муносабат билдирган, у «Хис-туйғулар тарбияси»нинг икки қалин жилдини ўқиб чикқач, хурсандлигини атиги икки сўз билан ифодалаган: «les cris suaves» – «ширин нолалар». Ана шундай ўзаро назорат ёзувчилардан интизомни талаб қилган ва бусиз француз тили ўзининг ажойиб сифат хусусиятларига эга бўлолмаган бўларди.

Агар антик даврга мурожаат қиладиган бўлсак, унда ҳам худди шундай тил ҳақидаги ғамхўрликка дуч келамиз. Бу борада эса юнонларга тенг келадигани йўқ. Уларда поэтик лабораторияларга ўхшаш нарсалар мавжуд бўлган ва агарда уларнинг адабиёти тўлиқ сақланган ҳолда бизгача етиб келганда эди, улар билан батафсилроқ танишган бўлардик. Шунда биз юзлаб ва минглаб мисоллар ёрдамида қадимги юнон маданиятининг кўплаб авлод вакиллари тил устида тинмай меҳнат қилиб, мавзулар, мотивлар, образлар, истиоралар, ҳатто энг янги иборалар, янги сўз бирикмалари, янгича поэтик жумлалар, янгича оханг, талқинлар топиш йўлида ҳормай-толмай изланишлар олиб борганига гувоҳ бўлар эдик. Улар фрагментларга бамисоли олмос каби сайқал беришган, бунинг учун энг нозик тафовутларни ҳам фарқлаш, зўр диққат билан синчиклаб қараш, кузатиш талаб этиларди. Гоҳи авлодлар олиб борган ана шундай сермашаққат меҳнат самараси ўлароқ шеър яратилган ва қайсидир омилкор уни ўзининг поэтик хазинасига киритиб, унга боқийлик, абадийлик бахш этган.

Бу – эшитиш, тинглаш, фарклаш ва ёдда сақлаш даври эди. Ҳар бир шеър ва насрнинг ҳар бир жумласи энг аввало, нутқ органлари ёрдамида ишлаб чиқилган. Поэзия китоб шклида эмас, балки кўпроқ жонли сўз воситасида дунё бўйлаб айланиб юрган. Севимли шоирлар ижодидан танлаб олинган доимий кутубхона эса ёдда сақланган. Шеърни ифодали ўқиб берувчилар ва актёрларнинг аъло сифатли дикцияси (талаффуз даражаси) шеърини асарнинг ютуқ ва камчиликларини, ундаги оҳангсизликлар, шеър тузилишидаги қусур ва нуқсонларни бир хилда аниқлаб берган ва муваффақиятсиз чиққан иборалар, худди мусикадаги сохта ноталар каби, қулоққа ёқимсиз эшитилган. Лекин шунга қарамай, ўша даврда китоблар ҳам овоз чиқариб ўқилган. Авлиё Августин авлиё Амвросийнинг «саҳифаларга фақат кўз югуртириб, фикрни фақат қалбан қўллаб-қувватлагани, тили эса ҳаракатсиз, овози чиқмагани»га жуда хайрон бўлган. Авлиё Августин ҳам епископнинг бундайин ғалати хатти-ҳаракатларини ўз ошналари билан муҳокама қилиб, китоб билан бу қадар ғайриоддий мулоқотга оид ҳар хил гумон, ҳаёлларини изҳор қилган.

Китоб босиш ихтиро қилиниши билан мазкур давр ҳам ўз ниҳоясига етган. Шеърятни идрок қилишда, унинг яратилишида бўлгани каби, оптик шакл ва графика муҳим аҳамият касб этган. Ўқувчи саҳифалар узра паришон ҳолда кўз югуртираркан, ҳарфий шаклдаги қофиялар ва ассонанс (оҳангдошлик)ларни ажрата олади ва биз буларни идрок этишимиздан олдин, уларнинг товуш ҳамда эшитиш органларимизнинг хайрихоҳлик муносабати орасидаги узоқ йўлни босиб ўтишига тўғри келади.

Китоб босиш санъати бадиий адабиётни унинг қадимий кўлёмалар қатида яшириниб ётган жозибадорликларидан маҳрум этибгина қолмади. Бутунлай бир-бирига ўхшаш ва ўзига хос хусусиятларга эга

бўлмаган минглаб нусхаларда тарқаладиган китобчага ҳам ҳар қандай оммабоп маҳсулотдаги сингари оддийлик, ўртамиёналик хос бўлиши аниқ. Бирок шоирлар ўз асарларининг график шаклда босилишига аллақачонлар бефарқ бўлиб қолишган. Кўплаб муаллифлар ўз ёзганларининг босилиб чиқишига шунақанги муштоқки, улар ўз шеърларининг ҳеч бўлмаса газета саҳифаларида хроника ёки эълонлар ўртасида бўладими, ёмон шрифт билан эртага ахлат ўрага ирғитиладиган арзон-гаров қоғозда бўлсаям, чоп этилишини орзу қиладилар. Қадимий ва гўзал шеър маданиятини кўраман деган одам Хитойга бориши лозим, у ерда наинки сўзлар, балки пухта танланган белгилар ҳам нақшлар билан зийнатланган сифатли қоғозга обдан ўйланган ҳуснихат шаклида тасвир этилган. Европада эса муаллифларнинг ўзлари томонидан уй-рўзғор буюмларига битилган, Маринетти ёки Малларме шеърлари босилган алюминийдан ясалган ажиб, ғалати китобчалар жуда оз сақланиб қолган.

Тиниш белгиларидан воз кечиш фикри Аполлинерга бориб тақалади. Эмишки, унинг нуқта ва вергулларни қўйиш тартиби билан боғлиқ инжиқликларига кўнмаган муҳаррир ва мусаххихларнинг норозиликлари ниҳоят, жонига тегиб, улардан умуман фойдаланмай қўяқолган. Бу эса шеърни идрок қилишни хийла қийинлаштирган, лекин шунга қарамасдан, Аполлинернинг кўплаб издошлари пайдо бўлган ва айримлари ўз шеърларида нуқта ва вергулларнинг йўқлигини уларни псалом¹ каби бир хил овозда ўқиш мумкинлиги билан изоҳлашган, бу эса эҳтимол, дунёвий шеърятнинг ўз диний сарчашмаларига билвосита, яъни ғайририхтиёрий равишда қилинган қайтиши бўлгандир, балки.

¹ Псалом – Инжилнинг тўрт китобидан бири бўлмиш псалтирдаги диний қўшиқлар.

Бирок насрда ҳам тиниш белгилари билан боғлиқ қўплаб муаммолар юзага келган. Пунктуация – тиниш белгиларини қўйиш тартиби ҳақидаги қонун-қоидалар яхши асосланган азалий анъаналарга эга эмас, шунинг учун ҳам уни қўпол равишда бузиш ҳоллари учраб туради. Бу борада тоқати тоқ бўлган Бой-Жиленьскийнинг ёзувчилар учун «вергулга оид муқаддас ҳуқуқ» йўлида жонбозлик кўрсатганини яхши биламиз. Аммо бу ҳуқуқ пунктуациянинг бемаъни қоидалари ҳисобига ҳар қадамда бузилиб туради. Мисол учун, айтайлик, муаллиф воз кечган вергулли нуқта айрим ношуд, нуноқ мусахҳихлар томонидан қўйилиб, китобнинг қиёфасига путур етса, ҳеч бир жумлани қўп нуқта ёки сўрок белгисиз тугатолмайдиган, фикр-хаёли тарқоқ, паришонхотир ёзувчиларга яхши мусахҳихнинг фойдаси тегиши мумкин. Тўғри, ёзувчиларга мавжуд тиниш белгилари ҳар доим ҳам кифоя қилавермайди, чунки ушбу белгилар қўпинча жумла маромини ифодалаб беролмайди. Албатта, бу соҳага қўшимчалар киритиш борасида уринишлар бўлган, аммо уларнинг барчаси жуда тез орада имлога оид ғалатилиқлар сақланаётган қазноқдан жой олди.

Ёзилган сўз ўз табиий муҳитидан «юлиб» олинади, унда овоз, мимика, имо-ишоралар бўлмайди. У ҳар доим катта ё кичик – эллипс ёки гипербола шаклида бўлиб, маънони чеклайди ёки тўплайди ёхуд уни кенгайтиради, умумлаштиради. Босма белгиларнинг бир хиллиги сўз динамикасига ёмон таъсир кўрсатади. Ўзгармас, бир хил шаклда текис қилиб терилган қатор ҳарфлар сўзнинг эгилувчанлигини йўқотиб, уни интонация (нутқ оҳанги), урғу, имо-ишоралар бажарадиган ифодавий имкониятлардан маҳрум этади. Баъзи бировлар кам самара берадиган усуллардан фойдаланиб, ё ҳарфлар орасини очиб таради ёки сўзларни курсив (қия босма ҳарф) билан беради. Бу борада айниқса,

Поль Валери жуда кўплаб суистеъмолликларга йўл қўйган. Саҳифанинг ташқи кўриниши одатдаги бир хилликни йўқотиб, айрим сўз ёки жумлалар алоҳида сатрларга ажралиб турган пайтдан бошлаб, бу нарсаси услуби, мароми ва йўналишига таъсир қилмай қолмайди, ёзувчининг фаоллиги, серғайратлиги эса абзацлар сонига қараб билинади.

Шеърда насрга қараганда кўпроқ овоз чиқариб талаффуз этилишига умид бўлаш мумкин. Драмадан ташқари, наср камдан-кам ҳолларда эшитилади, у соф оптик ҳодисага айланган. Оддий китобхон прозанинг мазмун-моҳиятига лоқайд муносабатда бўлади. Қийин талаффуз қилинадиган ундош товушларнинг тўпланиши натижасида чўзилиб кетадиган чалқаш гаплардаги камчиликлар саҳифалар узра тезгина кўз югуртираётган ўқувчига ҳадеганда сезилавермайди. Ҳали кўплаб адабиётлардаги бадий наср, Круасселик дарвешга ўхшаб, ўз қалами остида туғилаётган ҳар бир жумлани овоз чиқариб такрорлайдиган ўз Флоберларини кутиб ётибди. Флобер ҳар бир жумла тузилишига, унинг жаранги ва маъно-моҳиятига алоҳида эътибор берган. У бу ҳақда шундай деган эди: «Ҳали яна ўн бет ёзишим керак, бу ёқда эса жумлаларим захираси аллақачон тугаб бўлган».

Прозанинг шеърий нутқдан фарқланадиган ўзига хос мароми, сўзларни товуш, маъно ва таъсирчанлигига қараб танлаш, ёйик ва содда гапларнинг ўзаро муносабатлари, уларни алоҳида абзацларга жойлаштириш — буларнинг барчаси наср техникаси сифатида ўқувчига сирлигича қолади ва одатда, у бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайди. Шу аснода шеърлардаги ғайриоддий сўз бирикмалари, ажойиб истиоралар ва ўткир иборалар ҳаминша ўқувчи эътиборини ўзига жалб қилади, лекин ҳаттоки энг мукамал даражада ёзилган насрий асар ҳам унчалик таассурот қолдирмаслиги мумкин. Эндиликда

Юлий Цезарни ҳеч ким буюк услубчи деб ҳисобламайди ва унинг ҳақида антик адабиёт дарсликларида ёзилган гапларга кўпчилик ишончсизлик билан қарайди. Оддийликдаги гўзалликни дарҳол пайқаб олиш қийин, чунки у яшириниб турган бўлади. Уни ҳаммабон, барчага баравар дейишади, аслида эса у жуда оз одамларгагина тушунарлидир. У хира, туссиз кўринса-да, аммо оддий, содда услубга эришиш учун *trompe-l'oeil*, яъни сохта кўриш қобилиятига, чалкаш нақшли барокко усулига қараганда кўпроқ куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади. Хшановский Бретанда бўлган чоғида, у ерда «Салибчилар» асарини ёзаётган Сенкевич билан учрашган. Ёзувчи эрта тонгдан то тушга қадар иш кабинетига қамалиб олган, сўнг ранги оқариб, тер босган ҳолда пляжга чикқан. Уни бунчалик нима қийнаётгани ҳақидаги саволга у: «Содда услуб устидаги иш», – дея жавоб қайтарган экан.

Мағрур ва ҳаммадан ҳам кўра ўзига ишонган XVIII аср яхши наср, бу – яхши одатларнинг худди ўзи, деб ҳисоблаган. Ўша давр учун бу қандайдир даражада табиий ҳол эди, нафис маданиятли, назокатли инсонлар ҳақиқатан ҳам санъаткорона наср сингари қадриятларни яратишга қодир эдилар ва бунинг учун ғоят қулай муҳит ва шароит ҳам мавжуд эди. Бироқ адабиёт ҳаддан ташқари узоқ давом этадиган бир хилликни ёқтирмайди. XVIII аср прозасига хос бўлган аниқлик романтизм бўронларида эриб, ғойиб бўлди. Силлик, хушоҳанг наср товуш уйғунсизлигининг ғичирлашини келтириб чиқаргани каби, шеърнинг сокин йўналиши ҳам пировардида уни лойқалатиб, кўпиртиришларини талаб қилади. Телбаваш истиоралар ва шиддатли жумлалардан сўнг, ниҳоят, хушёр тортиб, вазминликка, сиполикка интилиш сезилади. Оқибатда нафақат истиоралардан, балки эпитет (сифатлаш, васф)лардан ҳам воз кечадиган

ёзувчилар, ргесіеух – «аник, нафис, нозик»лардан кейин Расин, Лабрюйер, Польшада эса XVII аср бароккосидан сўнг, Красицкий ва Трембецкий пайдо бўлди. Бунақа пайтларда ҳар доим янгича услубда ёзиладиган китоблар ўқувчини ёқимли тарзда хайрон қолдиради, уларда одатдаги қизил юзли муаллиф ўрнига оддий инсон киёфаси акс этган бўлади.

Поляк адабиёти ўзининг Декартига эга бўлмаган, бундан айримлар афсусланса, бошқалар – Худога шукур дейди. Чунки Декарт ҳам фойдали, ҳам зарарли ходиса бўлган. Французлар ўзларининг аниқ услуб мактаби билан фахрланишади ва бунда мазкур файласуфнинг ҳам хиссаси бор. Шубҳасиз, французлар ўзларининг ҳамма нарсадан ҳам кўра кўпроқ мантик ҳукмрон бўлган адабий тилидаги ўзига хос фазилат ва афзалликлар учун айнан унинг билими ва таълими олдида қарздордирлар. Француз тили ақл-идрок, заковатнинг ажойиб воситасига айланди, аммо бунинг учун синтаксиснинг қотиб қолиши, гаплар тузилишидаги ригоризм (*ахлоқий қоидаларга қаттиқ ёпишиб олиш – тарж.*) ҳамда тил хусусиятлари таъсирчанлигининг сусайиши эвазига тўлов тўланди. Поляк тилида гапларни унинг таркибига кирадиган ҳар қандай сўздан бошлаш мумкин ва буни бўшлиқ, беқарорлик, ноаниқлик ва хомхаёлликнинг исботи сифатида далил қилиб келтириш ўрнига, яхшиси, биздаги грамматик родларнинг қатъийлиги, турланиш ва тусланишлар тизими билан мактанганимиз маъқулроқ, чунки айнан мана шулар туфайли шама, ишора, пичинг, қочиримлар ва тушунмовчиликлардан холи бўлган тил эркинлигига эга бўлдик. Бунда нафақат шубҳали «таъсирчанлик», бунинг учун бизларни кўпинча уялтиришади, балки стихиялардан холи барча тўғрилиқ ва самимиятлар ҳам ғолиб бўлди.

Мумтоз француз тилида апостол (хаворий) Павел мактубларини таржима қилиб бўлмайди, улар

худди ўзларига мутлако мос келмайдиган либосга кийинтирилгандек таассурот қолдирган бўлар эди. Аммо Декарт ижод қилиб келган тилга ўгирилган «Роланд ҳақида қўшиқ» ҳам ўқувчи кўз ўнгида назардан қолди. Францияда ўрта асрлар ва Уйғониш даври грамматик ҳамда мантикий ригоризмлардан холи бўлиб, қизгин, жўшқин, ҳаяжонли ва жозибадор тил муомаллада бўлган. Кейинчалик адабий меъёрлар томонидан рад этилгач, у одатдаги, кундалик истеъмолдаги нутқ ичра яшай бошлайди, гоҳо китобий тилдан шу қадар узоқлашиб кетадики, француз тилшунослари замонавий адабий тилнинг лотин тили сингари сунъий ва ўлик тилга айланадиган замон келишини олдиндан кўриб, башорат қила бошлайдилар. Албатта, агар ўзгармаса, янгиланмаса, лекин у ўзгарадиганга ўхшамасди. Ҳатто романтизм ҳам синтаксисга ҳамла қилолмади. Виктор Гюго шундай шиор билан чиқди: «Guerre au vocabulaire et paix a la syntaxe» – «Луғатга уруш, синтаксисга тинчлик».

Жеймс Жойс ўзининг «Финнеган маъракаси»ни яратган даврда Гюгонинг мазкур шиорини болаларча журъатсизлик ёки шунчаки қўрқоқлик деб атаган бўларди. Жойснинг ушбу ажойиб асари шуҳрат қозонмади ва унинг ҳеч қачон донғи чиқмайди, дейиш учун барча асослар бор. Агар ундан олдин Жойсни машҳур қилган «Улисс» ва бошқа бир неча китоблар ёзилмаганида, унга содиқ қолишга энг оташин мухлисларининг ҳам жасорати етмай қолармиди, деб ўйлайман. «Финнеган маъракаси»нинг мутолааси, агар шарҳловчининг эхтиросларига берилиб кетмаса, китобхондан фидокорлик, жонбозлик талаб қилади.

Жойс бу асарда ўзининг ўзига хос тилини яратибгина қолмай, нафақат синтаксис, балки флексия¹, фонетика ва сўзнинг анъанавий шакли билан

¹ Флексия – грамматикада: сўзнинг турланиш ёки тусланишида ўзгарадиган тугалланмаси.

тўқнашади. У – менга бу ҳақда ўзи айтганидек – ўз олдига: унгача бўлган инсон нутқида ўз ифодасини топмаган нарсаларни тасвирлаш учун янги тил яратишдек улкан, буюк ва дадил мақсадни вазифа қилиб қўйган. Бунинг учун нафақат инглиз тилининг барча вариантларидан, балки бошқа тиллардан ҳам материаллар олиб, тўплаган. Барча коктейллар сингари, бу ҳам ўз навбатида фавқулодда кучли, ўткир ичимликка айланган: бир неча саҳифани ўқигандан сўнг, ўқувчининг боши айлана бошлайди. Жойс ўзининг эксперименти билан бу борада биринчи ва ягона эмасди, бундай тажрибаларни эса ҳамма ёқда учратиш мумкин эди, Польшада бу нарса билан Виткаций шуғулланган, аммо унинг уринишлари жиддий бўлмаган. Жойс эса бунақа нарсалар билан ҳазиллашишни ўзига раво кўрмас ва ўзининг асарини бизнинг даврда яратилган асарлар ичида энг муҳими деб ҳисоблар эди. У албатта, адашган ва лекин бу хато қўлами жиҳатидан улуғвор эди.

Ўзаро келишиш, муроса қилиш зарурати, буни ўз қонунлари билан тўла қуролланган тил ёзувчидан талаб қилгани каби, биргина Жойснинг ўзини қийнамасди. Бўйинбоғда безовта тўлғаниб, ўзини ҳар томонга ураётган биргина у эмас эди.

«Ўз ҳиссиётларини ифодалаш учун зарур бўлган сўз кетидан қувиш» (Конрад) китоб устида олиб борилаётган бутун ишнинг ярмини, баъзан эса ҳатто каттагина қисмини ҳам «ютиб» юборади. Образлар тўлақонлиги, персонажларнинг ифодалилиги, жонлилиги, фикр ёрқинлиги кўп жиҳатдан изланишлар самарасига боғлиқ, бу эса баъзи бировларга ҳақиқатнинг ўзидан ҳам кўра у ифода этилган шакл ва усул муҳимроқ, деб ҳисоблаш учун баҳона бўла олади. Бундай фикрни мен муболаға деб ҳисобламаган бўлардим, зеро, тил ва услубнинг қашшоқлиги сабабли қанчадан-қанча ажойиб фикрларнинг нобуд

бўлганини эслашнинг ўзи кифоя. Кучсиз, заиф ва ўта бесабр муаллифлар қўлида расвоси чиқиб, дабдала бўлган гоёлар билан бир қаторда, улар ўзларига ҳаёт бахш эта оладиган ўз ишининг усталарини кутиб ётибди.

Замонавий ёзувчиларнинг шуҳратпарастлигидаги айрим ўта нозик нуқталардан бирига мисол: ҳеч ким ҳеч кимдан қарздор бўлиб қолишни хоҳламайди, ҳаттоки биргина сўз учун ҳам. Худо кўрсатмасин – фирт тасодиф туфайлими ёки эътиборсизлик биланми, башарти шунақа бўлиб қоладиган бўлса, – ёзувчининг бир умр обрўсига путур етиши мумкин. Бошқа бировнинг китобидан бирор фикр, жумла ёки биронта шеърий сатрни ўзлаштириб олиш, бу – адибликдан киссавурга айланиш демакдир. Бизнинг ота-боболаримиз бунақанги «нозик» ишларга қўл уришмаган. Мольер ўзини «озуқасини қидириб топадиган асаларича» деб атаган экан. Дарҳақиқат, унинг замонида бундай муқояса урф бўлган. Ёзувчилар ўша даврларда асалари ва чумолиларга бўлинишган – бири гулларга зиён-заҳмат етказмай, ўз озуқасини қидириб топган бўлса, иккинчиси тўла ва бутун донни олиб қочган. Бироқ чумолиларнинг талончилигини ҳам кечиришган.

Олимлар Шекспир томонидан ўз ўтмишдошлари ёки замондошларининг асарларидан ўзлаштириб, ўзиники қилиб олинган узундан-узун рўйхатлардаги минглаб шеърий сатрларни санаб чиқишган: бу жиҳатдан унинг баъзи бир драмалари мозаикага ўхшаб кетади. Шекспир ўз навбатида шоирларнинг улкан бир гуруҳига ўзи яратган нарсалар билан бирга, бошқалардан ўзлаштириб олганларини ҳам ҳаё қилган. Гёте Эккерманга Фауст учун бинойидек мос келадиган қўшиқчани улуг драматургдан ўғирлаб олганини, бундан яхшироғини эса тасаввур ҳам қилолмаслигини айтиб, ўзи иқроп бўлган экан. Ўша

сухбат чоғида у адабий ўғриларни топиб, уларни аниқлаб, исботлашга интилган майдакашлар устидан кулган (бу воқеа «Literaturgeschichten» – «Немис адабиёти тарихи»нинг илк нашри босилиши арафасида бўлиб ўтган). Гёте ҳар бир асарда шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган ҳақиқий мулкимизнинг қанчалик кам эканлигини яхши биларди. Мерос мулкимиз – тил, ўқиган китобларимиз, давр, замонлар томонидан материал етказиб берилади, бизлар эса ундан, оригиналликнинг ўша камгина дозасини қўшган ҳолда, нимадир ижод қиламиз ва бу албатта, орамиздаги энг яхши инсонларга nasib этади. Фақат аҳмоқ одамгина ўзига номаълум бўлган, шак-шубҳасиз, аллақачонлар кўпгина муаллифлар томонидан фойдаланилган нарсаларга менинг мулким деб даъвогарлик қилиши мумкин. Мицкевич айтганидек:

*Қандай ўрганолдинг она тилни сен,
Хусн, куч-қудратин қайлардан олдинг?
Ахир онанг-ку, уни сен гўдакка,
Сут билан бериб, тарбия қилган.*

Лекин мутлақ оригиналлик васвасасига мубтало бўлган шундай шоирлар ҳам борки, сўз бирикмаларини уларгача хали ҳеч ким қўллаб улгурмаганига ишонч ҳосил қилмагунларига қадар, истифода этмайдилар. Ҳаттоки «усуллар» бирор адабий мактабга тегишли бўлса, ундан фойдаланиб бўлмайди, деб ҳисоблашади, мабодо сатрлар устига қайси поэтик қонун-қоидалар асосида яратилгани ёзиб қўйилган бўлса, бундай асарни бутунлай қадрсизланган деб санашган. Яхшиямки, бундай шоирларни билим етишмаслиги қутқариб қолади: шубҳали ва ноижидий ўхшашликлар кетидан қувиб, уларни фош қилишга интилишаркан, шундоқ ёнгиналарида турган адабий ўғриларни сезишмайди, чунки улар аслиятдан беҳа-

бардирлар. Уларнинг бошқаларга қарамлигига келсак, буни шунчаки англаб етмайдилар ёки бўлмасам, онгли равишда яширишга ҳаракат қилишади.

Адабий асар, энг аввало, «ғўзал тил ҳодисаси» бўлмоғи лозим. Китснинг ушбу фикрига қўшилмайдиган ёзувчи бўлмаса керак: «Мен чиройли жумлага ҳамиша маҳбубамга қарагандай қарайман». Кимки агар услуб сифатига етарлича баҳо бермас экан, у адабиётда ҳеч қачон узоқ қолмайди. Фақат яхши услубгина муаллифларга ундан муносиб ўрин эгаллаш имконини беради. Француз ва поляк адабиётларида агар ўзига хос давр яратолмаганида, Боссюёки Скарга прозаси билан бугунги кунда ким ҳам кизиқарди дейсиз? Асарлари йирик кутубхоналарда лутфан ёки шунчаки библиографияни тўлдириш учунгина сакланаётган юзлаб ваъзхонларнинг қисмати уларнинг ҳам бошига тушган бўларди. Агар Тацит Катта Плиний сингари ёзганида, унинг асарлари фақат тарихий манба сифатидагина аҳамиятга эга бўлган ва лекин арвоҳларнинг антик салтанатидаги дафнсиз марҳумларнинг мунгли, ғамгин ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи адабий версия (ривоят)дан фарқ қилмаган бўлар эди. Муаррих сермахсуллиги ёзганларининг бадиийлиги учун тўловдир. Агар Тацит ўз услубининг мукамаллиги ҳақида камроқ қайғуриб, битта жумлага бутун бир драмани жо қилиш устида бош қотирмай, биргина сифат билан инсон қалбининг ич-ичига кириб боришга интилганда эди, у ўзининг бутун умри давомида нафақат «Тарих» асарини тугаллашга, балки янги латин насрининг улуғвор, зўр ғалабаси ва тантанаси учун курашга бағишланган бир қанча асарлар ёзишга эришган ва бу унинг учун ўз асри тарихини яратишдек муҳим аҳамиятга эга бўлган бўларди. Тацит Теодор Моммзендан кам яшамаган ва таъбир жоиз бўлса, меҳнатсеварликда ҳам ундан қолишмаган, аммо Тацит библиографияси

атиги бешта асардан иборат бўлса, олмон тарихчиси минглаб асарлар ёзишга муваффақ бўлган. Зотан, бадий проза ёзиш далиллар ва маълумотлар тўплашдан кўра қийинроқ ва хийла кўпроқ вақт сарфлашни талаб қилади.

Флобер битта роман ёзиш учун ҳар куни бир неча соатлаб ишлаб, бунга беш йилдан то олти йилгача вақт сарфлаган; Ибсенга ҳар бир драма тахминан икки йилга тўғри келган; Бернард де Сен-Пьер «Поль ва Виргиния»нинг биринчи бетини ўн тўрт марта ўзгартиб, қайта ишлаган; Мопассан ўзининг баъзи бир новеллаларини саккиз мартагача кўчириб, қайтадан ишлаган; Бальзакнинг бир новелласида жами йигирма еттита корректура бўлган экан. Энди унинг корректуралари қанақа бўлганини билсангиз эди! Босма матн узра аввало, арк-равоқлар кад ростлай бошлайди, сўнг баайни мушакбозликни эслатувчи юлдузча-ҳаволалар ҳар томонга «ялт-юлт» қилиб сочилиб кетади, турли хил чизиқ ва чизиқчалар эса ҳар тарафдан саҳифанинг кенг хошияларига қараб интилади, у ерда янги саҳналар юзага келади, иштирок этувчи янги персонажлар пайдо бўлади ва биргина сифатнинг ўзидан мутлақо қутилмаган тарзда бирданига ўзгариб кетадиган қаҳрамон характерини белгиловчи янги бир хусусият келиб чиқади. Поляк ёзувчиси учун буларнинг барчаси эришиб бўлмайдиган ва ақл бовар қилмайдиган гўзал ҳодиса ҳисобланади. Ким унга шунча корректура қилсин дебди? Агар уларнинг ҳақини ўз чўнтагидан тўлагандами, китоби чиқмай туриб, аллақачон тиланчилик қилган бўлур эди. Бизда эса бутун иш қўлёзманинг ўзидаёқ тугалланмоғи лозим.

Мана, Жеромскийнинг «Кул» асари қўлёзмаси. Юқорида остига тўлқинсимон чизиқ чизилган сарлавҳа. Кимки ушбу асарни ўқиган бўлса, биринчи гапни яхши эслайди: «Този итлар ўрмонга ёпирил-

ди». Аммо кўлэзмада бошқача эди. Роман шундай бошланарди: «Рафал овчиларнинг қатъий қонун-қоидаларига хилоф равишда ўзига ажратилган жойни тарк этди ва пусиб, тоғ чўққисига етиб борди». Този итлар иккинчи саҳифадаги: «Овчи қулоғини динг қилди» сўзларидан кейингина пайдо бўлади. Кўлэзма саҳифаларини кўздан кечириб, уларни босма матн билан солиштирар эканмиз, мазкур саҳна композицияси босиб ўтган айланма йўлларни, манзаралар, ўрмон, дарахтлар ва одамларнинг овозлари, кечинмалари, буларнинг барчаси узил-кесил, тугал ва албатта, гўзал шаклда «қотиб» қолмагунга қадар, қай тарзда изчиллик билан ўзгариб борганини кўрамиз. Биринчи гап, матндан «чиқиб» олгунича, кўпгина тўсиқларни енгиб ўтиши лозим эди. Бошида: «Овчиларнинг энг асосий қонун-қоидаларига хилоф равишда» деган сўзлар кетган. Жеромский «энг асосий»ни ўчирган – чунки бу газета матнига хос қандайдир қуруқ эшитилган – ва уни «қаттиққўл» сўзи билан алмаштирган, сўнг «қаттиққўл»ни устидан яна ўчириб, унинг ўрнига «даҳшатли» деб ёзган-да, уни ҳам маъқул топмай, юқоридаги устунчага охириги «қатъий» сўзини қайд этган. Ва шу зайлда қалам саҳифама-саҳифа отларни, сифатларни, феълларни бирин-кетин ўзгартириб, тўғрилаб, тузатиб, яхшилаб борган, улар учун мос келадиган жойни, оҳанг, жанр, маром ва мақомни излаб топган. Баъзи бир саҳифалар ўчириб, чизилаверганидан ҳеч бир муболағасиз, қоп-қорайиб, деярли ўқиб бўлмайдиган даражага етган, уларнинг орасида қаламнинг қаҳр билан қилган ҳаракати натижасида юқоридан қуйига қараб бутунлай ўчириб, чизиб ташланган иккита саҳифа эътиборни ўзига жалб қилади. Ушбу икки чизик гўёки саҳифа устига узун қамчи билан урилгандек таассурот қолдиради. Лекин ўчириб, чизиб ташланган мазкур саҳифаларда баҳор фаслининг ажойиб, бетак-

рор тасвири баён этилган бўлиб, Жеромский ушбу гўзал насрий парча ўқувчида яхлит, ёрқин таассурот қолдириши учун ўз меҳнатиин аямаган.

Мана, яна бир парча, у Жан Жак Руссонинг «Икрорнома»сидан олинган:

«Миямда фикрлар гужғон ўйнаб, аранг сифишиб турибди. Улар тинмай айланади, мавж уриб, қайнаб-тошади – ўзим эса буткул асабийлашиб, ёниб кетяпман, юрагим дук-дук уради... Мана, нима учун ёзолмай, қийналаётганим сабаби. Қўлёмаларим – улар ўчириб ташланган, ўкиб бўлмайдиган даражада бўялиб, чалкашиб кетган – тортган азоб-уқубатларимга гувоҳ. Уларни босмахонага топширишдан олдин, хар бирини тўрт ё беш мартадан қайта кўчириб чиқишга мажбур эдим. Ёзув столимда, қўлда қалам билан бир варақ қоғоз узра мук тушиб ўтирган ҳолда, ҳеч қачон, ҳеч нима ёза олмаганман. Фақатгина кенг далалар бўйлаб ёки қоялар ва ўрмонлар орасида сайр қилиб юрган пайтларимда, фақат кечалари ўринда уйқум келмай, бедор ётган чоғларимдагина, хаёлан гўё бир нималарни ёзиб-чизаётгандек бўламан... Аксарият фикр, ғоя, режаларимни қоғозга туширишдан аввал, беш ёки олти тун мобайнида ўйлаб, миямда обдан пишיתיб олар эдим».

Ўчириб-чизилмаган, тузатишларсиз топ-тоза қўлёмаларга дуч келганимизда, беихтиёр ўйланиб қоламиз: чиндан ҳам бу асарнинг биринчи ва охириги вариантимикин? Жуда оз қўлёмаларни истисно қилганда (Вальтер Фонтенелнинг топ-тоза қўлёмаларида атиги ўнтача ўчириб, тузатилган жойни кўргач, хайрон бўлишни ҳам, бўлмасликни ҳам билолмай, ақли шошиб қолган), бунақаси ҳеч қачон бўлмайти, муаллиф жумлани ярим кун ўйлаб юриб, унинг хар хил вариантларини бир неча маротаба такрорлаган ва шундан кейингина қоғозга туширган бўлмаса агар. Қоғозга битилган топ-тоза, пухта ва силлиқ жумлага

караб туриб, унга қанча куч, меҳнат сарф этилганини ҳеч қачон билиб бўлмайди. Худди шунга ўхшаб, шеърӣ сатрларини ойлар давомида «миясида» ўйлаб, пишитиб юрган шоирнинг қўлёмаси ёки машинкада ёзилган матни бизни чалғитиб, хато фикр уйғотиши мумкин. Гоголь шундай ажойиб услубга қандай эришгани, ўзининг тил, сўз бойлигини қаердан олиши ҳақидаги саволга: «Тутундан. Ёзаман ва ёзганларимни ёқаман. Ва яна ёзаман», деб жавоб берган экан.

Санъат энгиб ўтиши керак бўлган материал қаршилигидан туғилади. Биронта ҳам дурдона, шох асар қийинчиликсиз, куч-ғайрат сарфламасдан, бемалол ёзилмаган. Ўз ишининг ҳақиқий, чинакам устаси бўлган ёзувчи ҳеч қачон шошма-шошарлик билан қалам тебратмайди. Башарти қалам ўз-ўзидан ошиқаверса, ўртамиёна муаллифнинг ҳеч қандай ҳаёлига ҳам келмайдиган қўшимча «қийинчиликлар»ни ўйлаб топиб, уни тўхтатади. Бундай қийинчиликларни ўйлаб топиш эса нақадар осон! Бунинг учун аллақачон қоғозга тушиб бўлган биргина сўз устида ўйланиб, ҳаёл суришнинг ўзи кифоя ва ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ, равшан ушбу сўз бирданига туман билан қопланиб, ўзининг асл қиёфасини йўқотади, шубҳа уйғотиб, ташвиш, хавотирга сола бошлайди. Қарабсизки, яна ўчириб, чизишлар авж олади, янги саҳифалар юзага келади, эскилари эса ташлаб юборилади.

Мана шундай меҳнатлар, ҳаракат ва интилишлар эвазига ёзувчи ўзининг сўз бойлигига доир характерли хусусиятлар мажмуи, гапларнинг тузилиши ва уларнинг ўзаро муносабатлари, истиоралар, муқоясаларни қўллаш, нутққа оид ўзига хос хусусиятлар ва ҳ. к.лардан иборат бўлган ўз индивидуал услубини шакллантиришга эришади. Яхши ёзувчини асаридан бир бет ўқигандаёқ, баъзан эса ҳатто биргина жумласиданок, бошқалардан осонгина ажрата олиш мум-

кин. Қадимги муаллифларнинг асарларидан «увок» териб юрадиган филологлар ўзларини шу ишга бағишлаган. Мисол учун, қандайдир танқидий ёки публицистик мақолалардан бирида Жеромскийдан келтирилган кичик бир иқтибос, таъбир жоиз бўлса, дағал холст (*канондан тўқилган мато – тарж.*) га тушган тўқ-қизил ямоқ сингари «ярқ» этиб турибди!

Ёзувчининг индивидуал услуби қай тариқа туғилади ва етилади, бу масала ижод психологияси соҳа-сидаги энг қийин, мураккаб муаммолар сирасига киради. Ёзувчи шубҳасиз, доим муайян мойиллик, интилиш, қизиқишлар билан машғул бўладик, бу келгусида ўз услубини шакллантиришнинг шарти ҳисобланади. Чунки ифода усули, жумлалар тузиш ва уларни жойлаштириш тартиби борасида ҳар бир киши ўзига хос хусусиятларга эга. Романнавислар ва драматурглар бу ҳолатдан унумли фойдаланиб, персонажлар тилини индивидуаллаштиради. Оддий инсоний нутқ орқали одамларнинг мижози, жўшқинлиги, қизиққонлиги, қусур ва фазилатлари, қолаверса, ўзига хос ғалатиликлари ҳам намоён бўлади. Ва буларнинг барчаси ёзувчи бўлишни ният қилган кишида ҳам мужассамдир. Қолган ҳамма одамларга ўхшаб, унга ҳам баъзи бир сўзлар ёкса, бошқаси ёкмайди, грамматик шакллар ва синтаксис қоидаларига нисбатан ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин. Ёзувчи мана шундай қизиқиш, интилишлар билан йўлга отланади. Йўлда у ўз муҳитига хос бўлган тил билан, мактабда ўқиган ёки ўзи мустақил равишда мутолаа қилган муаллифлар билан муомала қилади, у ёки бу чет тили билан яқин алоқада бўлади ва бу ташқи материал ёзувчига ҳар томондан таъсир ўтказди ва у аввалига савқи табиий равишда, сўнг эса онгли тарзда ўзига кераклигини танлаб олади.

Пруст услуби – юксак интеллектуал маданиятли инсоннинг қойил қолган тингловчилар олдида олиб

борган суҳбати ёки, тўғрироғи, ирод этган нутқидир. Адабиёт салонларида ва Риц ресторанидаги зиёфатлар чоғида Пруст шундай тарзда суҳбатлашар, имо-ишора ва маъноли ҳаракатларига қошиқ, санчки, пичок халал бермаслиги учун ўзи ҳеч нарса емасди (бунақа пайтларда бир соат олдин тамадди қилиб оларди). Узундан-узоқ, давомли тарзда сўзлар, ўз нутқини кириш гаплар билан мураккаблаштирар, уни шиддатли бир йўсинда, тез ўзгартирар, чекинишлар қилар, айтилмай чала қолган гапларини табассум ёки имо-ишоралар билан тўлдирар, баъзида эса атайлаб тўғри ва бир хил охангда сўзлай бошлардики, хира, туссиз туйилаётган суҳбат асносида бирданига кутилмаган фикр-мулоҳаза ёки танбех, парадокс ёки афоризм «ялт» этиб, тингловчиларни ўзига жалб этарди. Кимки уни эсласа, гўё овозини эшитгандай, китоб матнида унинг чехрасини кўриб тургандай бўлади. Пруст ўзининг шу қадар ғайриоддий, бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хос охангдор услубига адабиётдаги кучли бир шахс ижоди билан яқиндан танишиш туйғули эришган эди. Рескинни мутолаа ва таржима қиларкан, у кутилмаган янгиликни ҳис этади: наҳотки шундай ёзиш мумкин бўлса, дея маҳлиё бўлиб қолади. Анатолий Франс олдида бош эгиб, ижодига тан берган одам учун бу нажотбахш янгилик бўлди. Рескин унинг йўлидаги тўсиқларни олиб ташлади ва унга ўз йўлини ўзи белгилаш имконини берди. Бинобарин, ҳар бир ёзувчининг ўз Рескини бўлади.

Тадқиқотчилар ёзувчиларнинг шахсий кутубхоналарини титқилаб, уларнинг сеvimли муаллифи кимлар бўлганини аниқлашга, уларнинг «livres de chevet» – «энг зарур, энг керакли китоблари»ни билишга уринишлари бежиз эмас, чунки шу тарика уларнинг шахсий эътирофлари, ёзишмаларидан, атрофдагиларнинг эсдаликлари ёрдамида ана шу «махфий маслаҳатчи»ларни ва ниҳоят, баъзан асарнинг ўзи-

га қараб, у айнан кимнинг таъсири остида дунёга келганини ҳам аниқлаб, билиб олиш мумкин бўлади. Ёзувчи мутолаа учун одатда минглаб турли хил асарлар орасидан айна ўзига қандайдир рухан яқин бўлган муаллифларнинг китобларини танлайди ва ана шу ёзувчилардан маънавий кўмак, рағбат ҳамда ўз кизиқишларини ривожлантириш юзасидан йўл-йўриқ, кўрсатмалар ҳам олади. Аммо ёзувчи аксинча, ўзига рухан қарама-қарши бўлган адиблардан ўрнак олмоғи мақсадга мувофиқроқ бўларди, негаки кўпгина ёзувчилар ўз қолоқлигига ботиб қолмаслик учун худди мана шу қоидага риоя қиладилар. Кўпинча шунақиси ҳам бўлиб туради, яъни эътибор қозонган, кекса ёзувчи ўзига яқин бўлган бир-иккита классикнинг асаридан бошқа деярли ҳеч нарса ўқимайди.

Ўтган асрларнинг адиблари ўзларининг йўл бошловчи ва мураббийлари кимлар бўлгани ҳақида ўртоқлашишни бажонидил ёқтиришган, ҳозир эса бундайин очик-ойдин эътирофларга камдан-кам дуч келасан, киши. Эндиликда бу нарса астойдил сир тутилади, қолаверса, баъзан анкета (сўровнома)лардаги ёлғондакам, сохта жавобларни ўқишга тўғри келади, уларда ёзувчилар кўпинча, ўзлари ҳеч қандай қарздор, бурчли бўлмаган муаллифларнинг номларини тилга олган бўлади. Сомерсет Моэм ўзининг адабий кундалигида ёзувчилик маҳорати сирларини ўқиб-ўрганган барча китобларини кўнгилни эритадиган самимият билан номма-ном санаб ўтади. Фақат ўзига бино қўйган аҳмоқларгина гўё бошқа ёзувчилардан ҳеч қандай қарздор эмасликларини айтишдан уялмай, қўпол хатога йўл қўядилар.

Замонавий адабий ҳаётда ёзувчини тақлидчилик қилишда айблаш – уни ҳақоратлаш билан барабардир. Лекин шундай бўлса ҳам, ёзувчиларнинг ўзлари кимнингдир қиёфасида ўз тақлидчисини кўришни ёқтиришади. Масалан, Байрон ҳам бошқаларни ўзига

тақлид қилишда ўпқалаган, ўзи эса ғоят миннатдор бўлиши лозим бўлган Шатобриан номини бутун умр бўйи ақалли бир марта бўлса-да, эслаб, тилга олишга фурсат топмаган. Уйғониш даври ёзувчилари, гарчи уларда ижод қилиш учун материал тақчиллиги деган гап бўлмаган бўлса-да, бутунлай бошқача йўл тутишган. Антик асар намуналарига тақлид қилиш ўз ахамияти жихатидан оригинал ижоддан қолишмаган. Муаллиф ҳатто лотин ёки юнон тилларидан қилган таржималарини ўз асарлари билан ёнма-ён қўйган, замондошлари ҳам таржимага катта эътибор билан қараган. Бу бежиз эмасди. Зеро, қайси бир асардан нусха кўчираётганда, яъни таржима қилаётганда, унинг «ичига» кириб кетишинг ва уни қандайдир даражада янгитдан ижод қилишинг лозим бўлади. Тақлидчининг намуна, тимсол даражасига кўтарилган, баъзан эса ундан ҳатто ўтиб ҳам кетгани ҳақида қанчадан-қанча мисоллар мавжуд! Мицкевич «Герман ва Доротеа»ни намуна сифатида назарда тутган ва «Пан Тадеуш»ни ёзган. Лабрюйер ўз китобини Теофрастники каби «Характерлар» деб атаган, бу билан тўғридан-тўғри ўз устозига ишора қилган ва, асарининг ҳар бир саҳифаси кузатувлар, фикрлар ва услубнинг оригиналлиги билан ажралиб туришига қарамасдан, камтар шогирд сифатида ўзи панада қолган. Лафонтеннинг «Масаллар» титул варағидаги фамилияси ўқувчида гўё у Эзоп эртақларини фақат шеър қилиб айтиб бергандек таассурот қолдиради.

Антик адабиётнинг нафис, гўзал намуналаридан бири бўлмиш «Юксаклик ҳақида» деб номланган асарда номаълум муаллиф шундай ёзади: «Тасаввур қилайлик: агар ҳозир Ҳомер ёки Демосфен шу ерда бўлиб, мен қўллаган иборани эшитганларида, уни қандай баҳолаган бўлардилар?» Кўпгина ижодкорлар, мукамаллик сари интиларкан, ўтиб кетган устозларнинг пинҳоний нигоҳларини доим ана шун-

дай хис қилиб турадилар. Бу ерда гап уларнинг таъсири ёки тақлидчиликда эмас, балки буни худди синов тошига менгзаш мумкин. Уларга, ўтмишнинг юксак намуналарига қараб, ёзувчи ўзининг насрий ёки шеърий асарларини қайта тафтиш қилиб, уларнинг асл металлдан «эритилиб» қуйилганми-йўқми, юқори сифатлими-йўқми, буни текшириб, синовдан ўтказиб оладилар. Улуғ ўтмишдошлар ўз даврида эришган юксак марраларга етиш, тил устида ишлашни давом эттириб, унинг янгича оҳанг, теран маъно-мазмун касб этишига эришиш, флексия ва синтаксиснинг эскирган балласт (ортиқча нарса, дахмаза) ларидан халос бўлишга интилиш – сўз санъаткорининг ўтмишдошларга нисбатан бугунги кунда ўз олдига қўядиган вазифалари мана шулардан иборат.

Мазкур боб якунида ёзувчилик санъатига ақл бовар қилмайдиган даражада завқ-шавқ билан қараган кишилардан бири, гуманист Пьетро Бембонинг ушбу сўзларини келтириб ўтмоқчиман. У ўз дўсти, машхур, ажойиб инсон Пико делла Мирандолага йўллаган мактубларидан бирида ўз фикр-мулоҳазаларини шундай баён этган: «Бутун борлиқ, мавжудотнинг яратувчиси бўлмиш Тангрида наинки адолат, муътадиллик ва бошқа кўплаб яхши фазилатлар, эзгу ишларнинг илоҳий шакли мавжуд, балки гўзал адабиётнинг илоҳий шакл-шамойили, мукамал шакли ҳам мужассам ва уни тафаккур ила қанчалик кўра олиш бахти – Ксенофонтга, Демосфенга, айниқса Платонга ва энг аввало, Цицеронга насиб этган, деб ўйлайман. Улар ўз фикр ва услубларини мана шу шаклга мувофиқлаштиришга эришганлар. Бизлар ҳам шундай йўл тутмоғимиз, гўзалликнинг ушбу тимсолига имкон қадар яқин боришга ҳаракат қилмоғимиз лозим, деб ҳисоблайман».

ИЛК ҒОЯДАН ТО СЎНГИ ФИКРГА ҚАДАР



нг гўзал поэма, бу – унинг тузилиши ва ўз ижодкори ҳаётидаги барча воқеалар силсиласида ривож топган ижод тарихидир. Ушбу фикрга тан берган Поль Валери гўё буни ўзи англаб етгандай, уни кўп марта такрорлаб юрган ва бундан ташқари, намуна сифатида «Бир поэма кундалигидан парчалар»ни ҳам нашр эттирган. Мазкур нашр, шоирнинг ўзи эътироф этишича, унга ҳаётидаги энг бахтли онларни инъом этган, «Навқирон хаёл» устида олиб борган кўпйиллик меҳнатлари тарихини акс эттирган, бироқ тўла-тўқис, тугал бўлмаган варақлардан иборат бўлган. Атиги кичик бир лавҳа акс этган «Кундалик»дан кўриниб турибдики, ижодий жараённинг мукамал тарихини ҳеч қачон ёритиб ҳам бўлмайди, ёзиб ҳам. Ҳаттоки муаллиф ёзув, қайдларни кунига олиб борган тақдирда ҳам, композиция тафсилотлари, сатрлар ёки жумлалар тузилиши, образлар, иборалар ва айрим сўзларнинг ўз миёсида, хаёлида қачон ва қай тарзда пайдо бўлганини барибир англаёлмас ёки аниқлаб ҳам ололмас эди.

Бундан бир неча йиллар муқаддам Франсис Понжнинг «Қарағайзор ён дафтарчаси» босилиб чиққан эди. Унда қарағайзор ўрмонда шеър ёзиш билан ўтган икки ҳафтанинг батафсил хроникаси баён этилган. Уни ўқир эканмиз, август ойининг очик, хушхаво кунларида дарахтзор оралаб айланиб юрган шоир кўз олдимизда намоён бўлади. Дарахт шохларини икки томонга суриб, ўзига йўл очар-



кан, у сўз, истиоралар билан пўстлоқлар атрофини «тўқиллатиб» уриб, ранг-тус ва оҳангларни кидиради ҳамда кейинроқ луғатларни варақлаб, ўрмонга оид бўлган ҳар бир сўзнинг тўғри-нотўғрилигини текшириб чиқади. Изланишлар ва топилмалар ҳақида ҳаяжон билан ёзилган бу ҳикоя, афсуски, ғамгин хотима билан тугайди, чунки шеър мазкур бобдаги биринчи жумланинг тасдиғи эди, холос. Антоний Слонимскийнинг «Шеърлар қандай пайдо бўлади» деб номланган унча катта бўлмаган эссеси ўқувчида хийла кучли таассурот қолдиради, негаки шеърнинг («Зигмунт колоннаси») ўзиям яхши ёзилган, қолаверса, муаллиф иқрори Варшаванинг ўша фожиали кунларида кўнглимиздан ўтган шахсий кечинмаларимиз билан уйғунлашиб кетади.

Поэма ижод қилишнинг барча касбий сир-асрорларини очиб берувчи ҳаққоний тарихини ёзишга муваффақ бўлган биринчи шоир Эдгар Аллан По эди десак, эҳтимол, муболаға бўлмас. Унинг шу мавзудаги ниҳоятда қизиқарли ёзилган очерки «Қузғун»нинг ёзилиш тарихига бағишланган. Илгариги замонларда муаллифлар ўз ишхоналарига чет кишиларнинг киришини ёктиришмаган. Улар ўзларини худди антик математик Диофант сингари тутишган, у алгебрани яхши билгани ҳолда ўз билимларини бошқалардан сир тутган; энг қийин математик масалаларни ҳам ечиб, барчани лол қолдирган, аммо бунга қандай эришган, буни қаттиқ сир сақлаган. Қадимги ёзувчилар ҳам бу борадаги узук-юлук фикр ва қайдларини мактубларда ёки суҳбатлар асносида шунчаки йўл-йўлакай айтиб ўтишган. Мана шундай камчил, етарлича бўлмаган материаллар асосида энг сўнги тадқиқотчилар баъзан поэманинг ёзилиш тарихини асл ҳолига келтириб, қайта тиклашга муваффақ бўлишган. Бунга мисол қилиб, Станислав Пигонянинг Адам Мицкевич қаламига мансуб «Пан Таде-

уш» поэмаси хакидаги монографиясини айтиб ўтиш мумкин. Бу ишда хат-ёзишмаларидан фойдаланган ҳолда, Флобернинг исталган асари билан ҳам амалга оширса бўлади. Худди шундай йўл билан, гарчи бир ховучгина бўлса-да, аммо-лекин муаллифларнинг муфассал фикрлари, гоҳида эса бир оз бўрттириб юбориладиган шахсий хотира-эсдаликларига қараганда анча аниқроқ, ишончлироқ бўлган далил ва маълумотларга эга бўламиз. Ҳенри Жеймснинг ўз романларига ёзган сўзбошилари ёки Жозеф Конрад ўз асарларининг янги нашрлари муносабати билан битган муқаддималар – булар наинки ижод психологияси бўйича ҳужжатлар, балки ёзувчилик санъати хакидаги теран фикрларга тўла ажойиб, мустақил бадиалар ҳамдир.

Бернард Шоунинг кириш сўзлари кўпинча ўз пьесаларининг ёзилиш тарихини ўз ичига олган бўларди. Бунга мисол қилиб, «Man and Superman» – «Инсон ва кудратли одам», «Қалбаки пул ясовчилар» каби асарларини айтиб ўтиш мумкин. Томас Манн «Доктор Фаустус»да ушбу романни ёзишга сарф бўлган ўз умрининг бир неча йилларини баён этиш билан бирга, иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ воқеаларга ҳам тўхталиб ўтади. Муаллифлар томонидан ўз адабий асарининг юзага келишига ёки тугалланишига бағишланган бир қанча назмий ва насрий саҳифалар мавжуд, улар орасида – «Пан Тадеуш»га ёзилган эпилог ёки «Фауст» асарининг аввалидаги «Бағишлов» ва ҳ. к.ларни учратиш мумкин. Муаллифнинг шахсий эътирофлари баъзан қаҳрамоннинг руҳий ҳолати баёнига яширинган бўладик, бунда қаҳрамон ҳам ижодкор, бироқ ҳар доим ҳам ёзувчи эмас, чунки ёзувчилар ўз ижодий тажриба ва кечинмаларини кўпинча бастакорлар, рассомлар, файласуфлар ва олимларга «инъом» қилиб юборишади. «Жан Кристоф»да мусиқий ижод

соҳасидан адабиётга кўчириш мумкин бўлган жойлар бор. Айнан ана шундай саҳифаларда ижодий кечинмаларга хос лиризм ҳаммадан ҳам кўра ёрқинроқ ифодаланган бўлади.

Бадиий асар ёзишни ният қилишнинг ўзиёқ, бу – қойил қоладиган, мафтункор, зўр кечинмадир. Гиббон Капитолийдани Юпитер (Зевс) ибодатхонаси харобаларидаги роҳиблар ибодати чоғида «Рим империясининг таназзул ва халокати тарихи»ни ёзишга аҳд қилади; қўшиқлар, Пиранези гравюраларида тасвирланган, бегона ўтлар босиб кетган харобазорлар, баҳорги намгарчилик сабабли зах хиди анқиб турган шаҳар ҳақидаги хотиралар кўп йиллар давомида Гиббоннинг ёдида сақланиб қолади. Кўпгина адабий асарлар расм, суратлардан олинган таассуротлар остида дунёга келган: мисга ўйиб ишланган сурат Клайстга «Синган кўза» учун мавзу берган бўлса, Хеббел ўзининг «Юдиф»ини Жулио Романо чизган расмдан «топган», Флобер «Авлиё Антоний васвасиси» учун Брейгель суратидан, Малларме эса «Фавн (юнон мифологиясида: ҳосилдорлик маъбудиди; чорвачилик, дала ва ўрмонлар ҳомийси – тарж.) нинг тушдан сўнгги ҳордиғи»ни ижод қилишда Буше фантазиясидан илҳом олган.

Аммо муаллифнинг ўй-ният, режалари кўпинча хийла камтарона доирада, дейлик, одатдаги, оддий кундалик дақиқалар ичида туғилади ва бу фусункор мўъжизанинг бирдан-бир, ягона унсури унинг ўзи – сеҳргар-ижодкор бўлади. Бундай ҳодиса шунчаки суҳбат пайтида, газета ўқиётганда, дўконга бораётиб ёки бўлмасам, эрталабки ювиниш-тараниш, ясан-тусан чоғида – бир сўз билан айтганда, хаёл, фантазиянинг уйғониши учун деярли ҳеч қандай қулай бўлмаган вазият, шароитлар остида содир бўлади, бу шундайки, ёзувчи ўз сўзини ёки гапини тугатмасдан бирданига жимиб ёки ярим қадам босар-босмас тў-

сатдан тўхтаб қолади, шу сонияда у ажойиб сукунат оғушига чўмиб, ҳаракатсизлик ҳолатига тушади ва ана шундай бир неча лаҳзалар ичида унинг кўз ўнгида, хира, туссиз нур пардаси ортида қандайдир образ, манзаралар, бир қанча сўзлар ёки улар янграйдиган вазн, маром, мақом пайдо бўла бошлайди, – бунда ният, режа туғилишига ҳамроҳ, йўлдош бўлаётган чуқур сукунатни ҳатто унинг юрак уриши ҳам бузишга ботинолмайди. Йейтс полга тушиб кетган перони олмоқчи бўлиб энгашган маҳал миясида «лоп» этиб пайдо бўлган асар режаси ҳақидаги ҳайратланарли воқеани айтиб берган эди. Америкалик ёзувчи Айра Моррис ўзининг «Bombay Meeting» – «Бомбейдаги учрашув» номли қизиқарли ёзилган романида ПЕН клуби конгресси ва қатнашчиларининг характерли қиёфаларини акс эттириш билан бирга, ўзи кўйнак кияётган пайтида ҳаёлида бирдан янги асар ғояси пайдо бўлгани билан боғлиқ воқеани ҳам баён қилган.

Аmmo «илҳом калити», одамлар ўйлаганидек, ҳар доим ҳам тепадан тап-тайёр бўлиб тушавермайди, айникса, бундай ҳоллар камдан-кам учрайди. Ҳеч кимнинг эътиборини ўзига тортмаган қандайдир жумла ёки саҳифанинг қуйи қисмига битилган қўшимча ёзув, вақти келса, қутилмаган янгиликка айланиши мумкин ва айтиш жоизки, ёзувчи ижодини ўрганувчи тадқиқотчилар гоҳо йўл бўйида ётган оддий тошдан чиқадиган учқунни қидириб, катта ва қалин китобларни титкилаган кўйи вақтни беҳуда ўтказадилар.

Кўпгина замонавий ёзувчиларнинг каминага илтифот кўрсатиб, билдирган эътироф-икрорномалари орасида мени ҳайрон қолдиргани – ўй-ният, режанинг юзага келишида режиссёр вазифасини ўтайдиган ажойиб, мўъжизакор гном (митти одам) бўлди. Мана, тасаввур қилинг, кимдир бўм-бўш хонага қираётиб, стол атрофига териб қўйилган стулларга

кўзи тушгач, бирдан миясига ажойиб бир мавзуга оид фикр келади, лекин қизиғи шундаки, ушбу фикр на хона ва на ундаги стуллар билан ҳеч қандай боғлиқ бўлмайди. Яна бошқа биров эса печканинг эшикчасини очиб, унинг кулини сидириб оларкан, кўзига ногоҳ қақағлаб, макиёнини чақираётган катта ўрмон қуши – карқур кўриниб кетади ва шу сониядан эътиборан у ўрмон ҳақидаги романи хавоси билан нафас ола бошлайди. Митти одамча фойдаланадиган рекузит (асбоб-анжом)лар орасида консерва банкаларидан тортиб, то костёл (*поляк католиклари черкови – тарж.*) минорасининг соати, янги дазмолланган ичкийим, чойшаб ва ҳ. к. ҳиди ва ҳатто метрога тушган тасодифий ҳамроҳнинг юзидаги сўгалгача, барчасини учратиш мумкин.

Қиска асарлар – афоризм, максима (ҳикматли сўз)лар, эпиграмма, масал, лирик шеър – одатда (бу қоида ҳам истисносиз эмас) Юпитер бошидаги Минерва янглиғ, етук ҳолда дунёга келади. Сўзларни кунлар, ҳафталар ва ҳатто ойлар давомида силлиқлаб, сайқаллаш мумкин, аммо асосий маъно-мазмун, туб моҳият эса кутилмаганда ёзувчининг хаёлига фикр, ғоя келган ўша қанотли, учар лаҳзадаёқ пайдо бўлган бўлади. Леопарди билан ҳам худди шундай ҳолат рўй берар, мавзу ўз кўлами, барча тафсилотлари билан бирданига пайдо бўларди, бироқ ... «Сўнгра мен уни ривожлантира бошлардим, лекин бу жараён шу қадар секин кечардики, ҳатто кичкинагина шеър ҳам икки ойдан то уч ойгача вақтимни олар эди». Шундай бўлса ҳам, ёзувчини режа, ғоя, фикр бирданига ўзига жалб қила олмайди.

Бизни дастлабки кўз қамашиш ҳолатидан ҳар қандай фикр, ғоянинг «ўғай она»си – ўйлаш, мулоҳаза қилиш олиб чиқиб кетади. Уларнинг янгилиги ва жозибасига берилмай, ёзувчи ҳар томонини ўйлаб, мулоҳаза қила бошлайди ва қай даражада оригинал,

долзарб, жозибадорлигини кайд этар экан, ўз ни-
ят-режасини амалга ошириш йўлида сохта теранли-
кларга дуч келиши, уни катор қийинчиликлар ҳамда
иш ҳажми (кўлами) чўчитиб юбориши ҳам мўмкин.
Ўйлаш, мулоҳаза қилиш бизларга гўё яратилажак
дурдона, шоҳ асарларни ваъда қилгандай тўйилган
ижодий завқ-шавқнинг минглаб лаҳзаларини ўлимга
маҳкум қилган. У қуёшнинг чиқиши ва ботиши,
қорли чўққилар ва яшил водийлар ҳақидаги, фоний
ёшликнинг ва муқаррар ўлимнинг қучоғига, зулфу
гажакларига тутшиб кетган бўсалар ҳақидаги кан-
чадан-қанча шеърларни ҳали туғилмасиданок махв
этишга улгурган!

Мазкур азалий мавзулардан воз кечиш учун
кўпинча қатъият, уларни янгича, ўзига хос сўзлар
билан ифодалашга эса куч-ғайрат ва маблағ етиш-
майди. Кўпчилик ер юзида пайдо бўлган биринчи
одам сингари ўзини қудратли ҳис этиб, ҳали ҳеч ким
тополмаган сўзни топа оламан деган умидда ўз-ўзини
алдаб юради. Муҳаббат ҳар бир авлоддан авлодга
бемаза шоирларни ҳам дунёга келтираверади.

Баъзан шоирларни гўё самодан юборилган бирин-
чи сатрни ёзиб бўлгач, балки бас қилиб қўяқолиш
керакмиди, деган андиша ўйга толдирган. Одатда
қийинчилик билан, қофияга боғлиқ барча инжиқ-
ликлар ва тасодифий ҳоллар эвазига эришилади-
ган иккинчи сатрни қўшишнинг аслида нима ҳожати
бор эди? Қолаверса, мана шу иккинчи сатр гоҳо
биринчи сатрнинг жозибасига путур етказиш мақса-
дида бизга ёвуз ва маккор душман томонидан атай
тикиштирилгандай бўлиб тўйилмайдими? Модомики,
шоирларнинг вафотидан сўнг, уларнинг чоп этилади-
ган дастлабки ёзув ва хомаки қўлёзмаларидаги ана
шундай бир сатрли шеърлар бизларда завқ уйғотар
экан, нега энди ўша бир хил, ўзгармас оҳангли
шеърларнинг мустақил мавжуд бўлиш ҳуқуқи мус-

тахкам белгилаб кўйилмайди? Гап шундаки, уруғ униб чиққандан, гул гунча очгандан сўнг, ўсишдан тўхтаб қолмагани каби, шоирлардан ҳали ҳеч ким юрак ютиб, бунга журъат қилолгани йўқ.

Ёзувчи: унинг ўйлаганлари янги, ўзига хос, муस्ताқил, тўғрими, мақбулми, меҳнат қилишга арзийдими, деган саволларга ўзи ижобий жавоб қилгач, энди кўнглида сўнгги шубҳа, хавотир пайдо бўлади: ўз олдига қўйган вазифа унга оғирлик қилмасмикин?

«Беғалва иш» куйчиси Ҳораций ҳам ўз даврида ёзувчининг қобилияти кўтаролмайдиган «юк»дан ҳушёр бўлиш ҳақида огохлантирган ва ундан кейинги барча ақлли, доно, мулоҳазали адабиёт устоз, мураббийлари ҳам худди шу масалани такрор айтиб ўтишган.

Аммо ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиш худди анқонинг уруғидай камдан-кам учраши бор гап. Улар тугаган жойда тўхташ анча мушкул, айниқса, юқорига қараб олижаноб интилиш бўлса! Бундай вавсасалар кўпинча шухратпарастлик, ҳасад, дарғазаб рақобат, тез ёки дабдабали шон-шухратга эришишга интилиш каби тубан мақсад ва иллатлар оқибатида юзага келади. Шунда мисол учун дейлик, тарихий мавзу бўйича ажойиб асарлар ёзиш учун мўлжалланган қалам ўтмаслашиб, оддий, ўртамиёна ёки шунчаки бемаза романлар ёзаётган пайтда ҳаттоки синиб кетиши ҳам мумкин; қувноқ фантазияларга бой, мафтункор кичик асарлар ёзишга қодир комедиограф эса, бунинг ўрнига кўтаринки, патетик (жўшқин) ва хира, бўғиқ, туман босган трагедиялар сари отланиб, охир-оқибат ҳафсаласи пир бўлиши тайин. Баъзан шунақаси ҳам учраб туради, яъни бинойидек ажойиб романлар ёзиб юрган муаллифлар бирдан ўзларини драматургияга уриб, шухрат қозонгилари кеб қолади, пировардида эса мағлубиятга учрайдилар. Пьесаси шармандали равишда муваффақиятсизликка учраб, ана шундай мағлубият аламини тортган Золя

норозилик билан хуштак чалиб «обрўсизлантирилган драматурглар» учун юпатувчи зиёфат уюштириб, Флобер, Мопассан, Гонкур ва Доде билан бир дастурхон атрофида ўтириб улфатчилик қилган экан.

Баъзида эса бунинг тескараси ҳам бўлади. Масалан, Сент-Бёв шеърятдан воз кечиб, замонавий адабий танқиднинг асосчисига айланган. Альбер Сорель заиф, бўш беллетристика ўрнига аъло сифатли тарихни афзал кўрган. Аммо бу борада рўй берган энг қизик, ажиб воқеани Конан Дойл мисолида кўриш мумкин. Аввалига у ойлик журналлар тахририятларини ва театрлар маъмуриятларини ўзининг драма қўлёзмалари билан кўмиб ташлайди. Бир куни эътиборсизлик қилиб, навбатдаги трагедия саҳифалари орасига ўз хурсандчилиги учун ёзилган детектив ҳикояни ҳам билмай қўшиб юборади. Бемаза трагедия қўлёзмасини қовоқ уйиб варақларкан, муҳаррир бирдан ҳикояга қўзи тушиб, уни ўқиб чиқади ва ўз хайратини яширолмай, зимдан қойил қолади. Сўнг, аввалига чек ёрдамида, кейин эса жиддий далиллар билан муаллифни ишонтиришга киришади, ваҳолонки, барибир Шекспирдан ўтолмайсиз, келинг, ундан кўра, яхшиси қурбингиз етадиган ўз адабий жанрингизда ёзсангиз бўлмайдими, дейди у. Хуллас, Конан Дойл муҳаррирнинг маслаҳатига амал қилиб, машҳур бўлиб кетади. «Naturae non imperatur nisi parendo» – « Унга бўйсунмай туриб, табиатни енгиб бўлмайди», дейилди қадимий хикматда. Бироқ табиат Шерлок Холмс сиймосини топган ижодкор учун яна бир қутилмаган совға тайёрлаб қўйган экан: умрининг охирларида у спиритизм билан қизиқиб қолади ва асл иқтидорини марҳумларнинг руҳини безовта қилиб, улар билан суҳбатлар олиб боришга бағишлайди.

Бошқа биров томонидан ўргатилган йўл-йўриқ ёзувчи ижодига чуқурроқ кириб бориб, унга ўзи ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган мавзунини мажбуран қабул қил-

дириши ҳам мумкин. Кимдир Грилпарцерни Сафо ҳақида, Хеббелни Гигес ҳақида драма ёзишга кўндирган. Ха, бунақа ҳолатлар тез-тез учраб туради. Театр директори, ношир, газета мухаррири замон рухи, мода, томошабин ёки ўқувчилар таъб-диди ҳамда муаллиф имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уни маълум бир мавзунини олишга кўндирадилар. Бундан бир неча йиллар аввал Америкада Таврот мавзусига бағишланган, жуда катта адабда босилиб чиққан романларнинг деярли барчаси бевосита ноширлар томонидан буюртма қилинган, чунки китобхонларнинг талаби катта бўлган. Бунда аввало, фойдани кўзлаб иш тутилгани сир эмас. Бироқ мавзу ҳам кўп ҳолларда диққат-эътиборга сазовор бўлиб, ёзувчи буюртма олади ва унинг бажарилиши ташаббускорларга ҳам, муаллифга ҳам бирдай обрў-эътибор олиб келади. Албатта, бу ҳеч қачон ўз-ўзидан кўр-кўрона, тасодифий ҳолат бўлмайди, балки бегона фикр маълум бир муаллифга хос бўлган тегишли ижодий хусусиятлар ривожини бирмунча тезлаштиради, ҳолос, шунда ташқи рағбат таъсирида яратилган асар ёзувчи кўнглида туғилиб, пишиб етилган ғоя асосида дунёга келган асардан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

Кимки ўз қобилияти, истеъдодининг характери ҳамда сарҳадларини аниқ ажрата олса, норозилик билдириш ўрнига, қалбига қулоқ солиб ишласа, албатта нафақат муваффақиятга, балки бахт-омадга ҳам эришади, бу эса камдан-кам яхши ёзувчиларга насиб этади. Бу йўлни ақл-идрок кўрсатиб беради. Аслида ҳам шундаймикин... Шу ўринда Леопольд Стаффнинг бир маърузасида айтган ушбу сўзлари ёдимга тушади: «Ақл-идрок, бу – қанотсиз ақлдор». Мен бу сўзларни ҳамиша ҳар бир ижодкор ўз-ўзи билан ҳормай-толмай олиб бориши лозим бўлган ботиний кураш учун шиор сифатида эслайман, зотан, унинг олдида дилемма (иккиланиш, тараддуд) кўндаланг

туради: ўз кучини ният-мақсадлар билан ўлчасинми ёки ният-мақсадларини кучларига мослаштирадими, қай бири маъқул. Бинобарин, бизда мардлик, жасурлик, довюраклик, жўшқинликдан нимаики бўлса, ҳаммаси, қоқоқликда хали қотиб қолмаган нимаики бўлса, – буларнинг барчаси югуриш йўлкамиздаги финиш чизиғини борган сайин, тобора узокрокка суриб кўяверади. Аммо мақсадга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Адабиёт тарихида мардонатор мағлубиятга доир мисоллар тўлиб ётибди, лотин шоири эса уларга атаб муносиб эпитафия (қабртош битиги) ёзган: «In magnis et voluisse sat est» – «Улуғлар учун биргина хошишнинг ўзи кифоя».

Бунда митти одамча ўзининг сеҳрли ният-режалар тўрвахалтаси билан буйруқ бермайди, уларни энди ёзувчининг ўзи кидириб топади. Сенкевич ўзининг мактубларидан бирида беллетристик майда-чуйдалардан сўнг, ижоднинг янги даврини бошлашга ваъда бериб, шундай деб ёзади: «Буюк ғоялар кўнғироғини чалиш вақти етди». Бундай дақиқаларда ёзувчи у-бу нарсаларни камдан-кам аниқ кўради, у фақат ўзи учун азиз бўлган ғоя ёки ишга хизмат қилиши учун ақли ёки қалби буюрган нарсанигина ҳис этади, холос. Аммо шу аснода бирдан унинг хаёлини худди афсун билан бошқа тусга кирган ёки кира оладиган Пергюнт одамлари янглиғ, кўнгил қулайликлари ардоқлаб вояга етказган иштиёқ, хавас ва одатлар банд қилиб, иродасини сусайтиради, уни эсанкиратиб, додиратади ва айни чоқда мавзуларни синаб кўришга ҳам ундайдики, бунда илгариги тажриба ва шаклланган маҳоратдан унумли фойдаланиш учун қулай фурсат туғилади. Кураш эса осон кечмайди. Ёзувчи халқ, давр, инсоният ва идеаллар олдидаги бурчи асносида ўз иттифокчисини топади. Ғалабани қўлга киритиш учун оғир меҳнат қилишга, кўп ҳолларда соғлиқдан кечишга, баъзан эса жон фидо қилишга

хам тўғри келади. Лекин бу йўл ёзувчиларни энг буюк тантана сари олиб боради: бир ҳовуч мухлис-лар ўрнига у миллионлаб китобхонларнинг таҳсин ва ташаккурига, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлади.

Узоқ давом этган иккиланишлардан сўнг, ёзувчи ниҳоят, узил-кесил қарор қабул қилиб, ишга киришади ва бу давр бир неча йилларни ўз ичига олади. У энди ўзини шу пайтгача қизиқтирган ва келгусида йўлдан оздириши мумкин бўлган барча нарсалар билан хайр-маъзур қилиши лозим, у юзлаб бошқа мавзулар ичидан айнан шунисини танлаб олганига кўп марта афсусланади – аламли, офир дақиқаларда ҳар қандай бошқа мавзу кўзига яхшироқ ва меҳнатга арзийдиганроқ бўлиб кўринаверади; шунда янги кунлар, янги ишлар ва янгича ғоялар ўз олдига қўядиган талаб ва таклифларнинг барчасини рад этиши ёки уларни навбат кутишга мажбурлаши ёки бўлмасам, шунчаки унутишига тўғри келади. Серғайрат қалам соҳиблари (масалан, Лопе де Вега) бу масалада анча омадлироқ бўлишган, улар битта нарсага узоқ вақт боғланиб қолмаган ва айримлари фақат умр поёнидагина ўз бадиий виждонлари билан орани очиқ қилганлар. Мисол учун, кекса Крашевский Сенкевичнинг «Ўқ ва тиг»ини ўқиётиб, шундай йўл тутган. Бошқаларда эса асосий иш билан бўлиб, четга суриб қўйилган, бироқ «таслим» бўлгиси келмаган ният ва режалар кейинчалик ана шу асосий ишга алоҳида қисмлар, лавҳалар сифатида қўшилиб кетиши, баъзан эса ўзлари билан қандайдир янги мавзулар, янгича оҳанглар олиб келиб, дастлабки режага ўзгартиришлар киритиши ҳам мумкин.

Ҳар қандай, ҳатто бир қарашда бемаъни («футуризм тарафдорлариники каби тутуриқсиз» демокчийдим, ўзимни тийдим, чунки улар аллақачон ўтмишга айланган) туйилган адабий асарнинг ҳам маълум бир мақсадга хизмат қиладиган ва муайян мантиққа бўй-

сунадиган ўз тизими, композицияси бўлади. Юзага келадиган, туғилаётган ҳар бир фикр, ғоя, уй-ният, режа, таъбир жоиз бўлса – сирғалиб, чап бериб, ёйилиб, ҳар томонга тарқалиб, кўздан йўқолиши мумкин бўлган илк нафас, сиртки кўриниш, шакл, шарпа, соя, қўланкалардир. Биринчи мавзуга бирмунча кейинроқ янгилари келиб қўшилади, улар «тебраниб» туради, шу боис дафъатан «ушлаб» олиш қийин, уларни фақат жиддий эътибор, кескин, зўр тасаввур ва ён бермайдиган фикргина гуруҳларга бўлиб, ажратиб, тартибга сола бошлайди. Бу ерда воқеалар худди Анаксагор космогония (*оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги таълимот – тарж.*)сидагидек кечади: *pus* – «ақл» – тарқок, бетартиб унсурларга уйғунлик бахш этади. Ҳақиқий ижодни тафаккур интизомисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсоният тарихининг кўплаб ва албатта, энг яхши асрлари давомида фикрларни мантикий тартибда бирга қўшиб олиб бориш, уларни ўзаро мутаносиблик асосида тасарруф этиш, бир шеърий банддан бошқасига, насрда эса бир қисмдан бошқасига ўтишда уйғунликка, қиёфаларнинг аниқ, ёрқин ва тушунарли бўлишига эришиш маҳорати доимий ўзгармас қоида бўлиб келган. Ҳораций ана шундай ёзган, унинг ҳар бир қасидаси баайни ўзак ва бурчакларга ажраладиган кристалл тузилишига эга бўлган. Барча классиклар шундай ёзишган. Эдгар Аллан По «Қузғун»нинг ёзилиш жараёнини баён этар экан, уни қуйидагича изоҳлайди: «Унинг композициясидаги биронта ҳам унсурни тасодиф ёки муаллифлик илҳоми деб бўлмайди. Поэма ечими аниқлик ва математик масалага хос катъий мантиқ асосида қадам-бақадам ҳал этилган».

Демак, мумтоз адабиёт учун мажбурий деб ҳисобланган нарса ўз мақсадларини яхши тушунган ҳар қандай етук, ҳақиқий ижод мактаби учун ҳам қонун саналади. Бу қонунга «Энеида» гекзаметр (олти мис-

рали шеър, мусаддас)лари ҳам, «Илохий комедия» терцина (*ҳар банди уч мисрадан қилиб ёзилган шеър – тарж.*)лари ҳам, «Роланд хақида кўшиқ» ва Мицкевичнинг «Крим сонетлари» ҳам бирдай бўйсунди.

Данте ўз поэмасини ҳайратланарли даражада изчиллик билан, конун-қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда ёзган. Унда шеър – терцина шаклида ҳам, поэманинг ҳар бири ўттиз уч кўшиқдан иборат уч қисмга бўлинишида ҳам уч турлик принципи ҳукм суради. Муқаддима-шеър билан ҳаммаси бўлиб 100 та. Шеърини сатрлар сони – 14 233 та, учга бўлинган, лекин қолдиқсиз эмас, – битта ортиқча сатр ўзининг зарралар оламида гўё муқаддима-кўшиққа мос тушадигандек. Қисмларнинг баб-бараварлиги, мутаносиблиги ва композициянинг аниқлиги бўйича жаҳон адабиётида унга тенг келадиган бошқа дoston йўқ.

Юксак маҳорат, номига бўлса-да, ҳатто майда-чуйдаларгача эътибор билан пухта сайқал бериш баъзи бир даврларда фавқуллоҳда қадрланган. Бугунги кунда Лео Ларгье «Кузнинг 1059 катрен (тўртлик)и»ни ёзди, ундаги сонлар йиғиндиси – 666 – Апокалипсисдаги йиртқич ҳайвон ва 393 – электрум белгиси, етти сайёрага мос келадиган етти металл синтезига тенг. Вергилий буколика (*чўпонлар ва қишлоқ ҳаёти идеаллаштириб тасвирланган адабий асар тури – тарж.*)ларида эса Пифагор сонлари тизимини пайқаш қийин эмас. Бир давр диний ҳис-туйғу билан йўғрилган бўлса, бошқаси шунчаки эрмакка айланган. Бироқ поэзия галма-гал дам ўзига юзаки қийинчиликлар орттиришни, дам уларни мазах қилиб ёки дарғазаб ҳолда менсимасликни ёқтиришини инкор этиб бўлмайди. Наср ҳам мумтоз шеъринг қонун-қоидаларидан бир нималарни ўзига қабул қилиши мумкин: Жойс «Финнеган маъракаси»да «Илохий комедия»нинг асосини ташкил этган «тўрт хисса ошиқ» – яъни

сўзма-сўз, маънавий-ахлоқий, бир-бирига ўхшаш ва кинояли, мажозий принципни қўллаган.

Ромен Роллан «Жан Кристоф»нинг «Бўлғуси кун» деб номланган сўнгги қисмида ижодкор кўнглидаги асарнинг тувилиш жараёнини тасвирлайди. У бастакор ҳақида сўзласа-да, шубҳасиз, ёзувчини назарда тутди. Аввалига ўй-ният, режа билан «ҳомиладорлик» даврини баён қилади, унда ижодкор «пишган бошқдай у ёқдан-бу ёққа чайқалиб, номаълум қувонч ҳиссини туяди» ва туфилажак янги ҳаёт нафаси сезила бошлайди. «Шунда ирода ҳаракатга келиб, от каби гижинглаб турган орзу устига минади ва уни тиззалари билан қисиб олади. Рух уни ўзига жалб қилаётган, авж олган кучларни жиловлаётган вазн, маром қонунларини тутиб, уларга мақсад сари йўл кўрсатади. Ақл-идрок ва инстинкт (туғма ҳис-туйғу, сезги) симфонияси пайдо бўлади. Зимистон тарқалади. Йўлнинг узун тасмаси чувалиб, унда туфилажак асарда алоҳида сайёралар оламининг ўз қуёш тизими доирасидаги марказлари бўлиши мўлжалланган ёрқин, ловуллаган гулханлар ёкилади. Шу ондан эътиборан, қаҳрамоннинг асосий қиёфаси сезилиб, сўнг янаям аниқроқ кўрина бошлайди ва ғира-шира қоронғилик ичидан чиқиб келиб, ниҳоят, ҳамма нарсалар: гуллар уйғунлиги-ю қиёфалар беками кўстлиги тўла намоён бўлади. Энди фақат барча кучларни сафарбар қилиб, ишни охирига етказиш қолади. Мана, хотиранинг чиройли, нафис қутигаси очилиб, ундан анвои хидлар таралади. Ақл ҳис-туйғуларни озод қилади, уларнинг тугён уришига изн бериб, ўзи жим бўлиб қолади. Бирок шундоқ ёнларида бекиниб олиб, улардан кўз узмай, ўлжасини пойлаб ётади...»

Э воҳ! Ромен Роллан айнан шундай ёзган. Мен бу моҳирона, чигал ёзилган саҳифани келтирсамми-йўқми деб, узоқ иккиландим, лекин гарчи у бизга камгина маълумот берса-да, аммо барибир жуда бўл-

маганда, ижодий жараёнлар ҳақидаги хогира ёзувчи кўнглида қандай акс садо беришининг лирик ҳаяжон намунаси бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Энди баёнимизни яна давом эттирамиз.

Асар тузиш, уни тартиблаш, қисмларини жой-жойига қўйиш иш бошланиши олдидан ёки иш қандай силжиётганига қараб бўлади. Ана шу иккала метод бўйича ёзувчиларни икки тоифага бўлиш мумкин. Ишга киришишдан олдин муфассал режа тузиб оладиган муаллифлар хусусида шунини айтиш керакки, бу усул зинҳор илҳом ёки фантазия йўқлигини билдирмайди ва улар устидан кулиш ҳамда иккинчи тоифа вакиллари тўғрилиқ, софдиллик, самимият ва югурик фикрлар эвазига эришган муваффақиятлари учун зўр бериб мақташнинг ҳам ҳожати йўқ. Ва яна, Шопенхауэр айтганидек, ёзув столига ўтиргандан кейингина, нима ёзиш ҳақида ўйлайдиган ёзувчини ҳам ёмон муаллифлар қаторига қўйиш керак эмас. Бунда фақат характер хусусиятларидан, таъб-дид, тарбия ва одатлардан келиб чиқадиган тафовутлар мавжуд, холос. Тартибга ўрганмаган, асабий, қизиққон ёзувчи ҳеч қачон олдиндан режа тузиб олмайди, чунки у шунчаки саҳифаларни қоралаб ўтиришни хоҳламайди, улар йўқолиб қолиши ҳам мумкин.

Флобер бўлғуси роман режасини тузиш устида бир неча ойлар мобайнида ҳар куни соатлаб ишлар эди. Режани тугатволгач, шундай дерди: «Романим тайёр, фақат уни ёзиш қолди, холос». Ва унинг режаси шунчалик муфассал бўлардики, вафотидан олдин тугаллашга улгурмаган «Бювар ва Пекюше»нинг сўнгги боблари режада худди тугал матндек таассурот қолдиради. Ёшлигида дорихоначи бўлиб ишлаган ва ўз касби туфайли тартиб «атири» билан қаттиқ дўст тутинган Ибсеннинг кўп ғаладонли қутичаси бўлиб, ўша даврда ёзувчи драма устида ишлаётгани боис, унинг ҳар бир ғаладони драма персонажларидан

бири учун мўлжалланган эди. Бутун ойлар давомида у ҳеч нарса ёзмас, фақат ёлғиз ўзи узоқ сайр қилиб юрар ва уйга қаҳрамонлар характериға хос янги хусусиятлар, диалоглардан парчалар ҳамда бутун бир сахна кўринишлари билан қайтар, сўнгра буларнинг барчасини қоғозға тушириб, қутичанинг тегишли бўлмаларига солиб, териб қўяр эди. Таъбир жоиз бўлса, у худди асаларига ўхшаб ишлар, қутичанинг барча ғаладонлари – «мумкатаклар» асал билан тўлар-тўлмас, драматург ёзишға ўтирарди. Асарнинг муфассал режасини наинки ёзув ва қайдларсиз ўз миясида сақлашға, балки ана шу хаёлий режада ҳатто тузатишлар ва қисқартишлар қила оладиган ёзувчилар ҳам борки, бунда улар миясининг бурма-бурма бўлиб турган жойлари бамисоли дафтар саҳифаларига ўхшаб кетади. Руссо шундай ишлар эди. У ёзув столиға ўтирволиб, фикрлайдиганлардан эмасди. Ёлғиз ўзи сайр қилиб юрган пайтларида ўзича тўхтовсиз монологлар айтар, шу тариқа мавзуни ўзлаштириб, уни бир бутун ҳолға келтирар, қайта ишларди. Кўпгина шоирлар ҳам худди шундай ишлайди. Улар ёзув столиға узоқ вақт хаёлан ўйлаб, пишитиб юрган тайёр асарини ёзиш учунгина ўтирадилар. Асар режаси ёки композицияси ўз моҳиятиға кўра – ёзувчининг мавзу, фон, персонажлар, кайфият билан, асарнинг эмоционал уйғунлиги ва ҳ. к. билан бирға яшаши, ҳамнафас бўлиши, дунёға келаётган асарни ўраб, чулғаб олган зим-зиё зимистоннинг аста-секин тарқалишидир. Бошланаётган ҳар бир янги кун ўзи билан бирға нур зарраларини олиб келади.

Асар яратишда ўз олдиға мақсад қўйиш ва шу мақсад сари олиб борадиган йўлни белгилаб олишға табиатан ноқобил бўлган ёзувчилар кўпчиликни ташкил этади. Бу асло ўртамиёналик, укувсизлик ёки қобилиятсизлик дегани эмас, бундайлар ҳатто энг буюк ёзувчилар орасида ҳам учраб туради. Улар ол-

диндан нимаики бўлмасин, пухта ўйлаб, режалаштириб олган бўлишларига қарамасдан, иш соатларида ҳаммаси хазондай шамолга учиб кетади. Чунки улар – тасаввурий инжиқликлар, кутилмаган воқеа, ходиса, тасодифлар қўлидаги ўйинчоқлардир. Иш қайси йўналишда кетиши керак, бунга уларда катъий ишонч йўқ, катта йўлдан боришаётганда бирдан сўқмок чиқиб қолса, унга чалғиб кетиб, кутилмаганда номаълум, гўзал бир водийга кириб қолиб, баттар ҳайрон бўлишади, холбуки, йўлга отланаётиб, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмаган. Сокин суҳбат асносида кулоққа чалинган қандайдир ўзгача, ғайриоддий ёки сергаклантирувчи сўз, ҳозиргина бир четга опқўйилган китобчадан олинган фикр, йўл-йўлакай кўрилган сурат ва ниҳоят, ҳар бир жумла замирида намоён бўладиган ассоциацияларнинг бутун бир дабдабали флораси, – яратилаётган асарнинг ўзгартиришлар ва қайта ишлаш, унинг ривожини ва бутун бойлигини билан боғлиқ бўлган манбалар мана шулардир. Обдан ўйлаб чиқилган ва бинойидек тайёрланган драма бирданига комедияга айланиб кетиб, биринчи пардадаёқ комедия қатнашчилари мудҳиш шарпалар кўланкасида фалокат сари юз тутган воқеалар ҳам бўлган.

Шоирлар ижодида қофия – буюк сеҳргардир. Шоир уйғунлик, ҳамоҳанглик излаб, тил кенгликлари бўйлаб сафар қиларкан, ногоҳ мўлжалдаги йўлдан бурилиб, янгиликлар кашф қилади. Кутилмаган, хаёлга келмаган, ногаҳоний, тасодифий сўз янги фикр, янги образ, янги хусусият, баъзан эса хатто поэманинг янги персонажи, қолаверса, янги қисми учун ҳам тугунча, уруғдон бўла олади. Юлиуш Словацкий қаламига мансуб «Бенёвский» ёки «Арвоҳ-Қирол»даги қанчадан-қанча шеърлар шу тарика вужудга келган. Гоҳо шоирни чалғитган сўзлар кетидан эргашган югурик фикр қолдирган изларни ҳам пайкаш мумкин. Уни йўлнинг ҳар бир бурилиши, му-

юлишида янги истиоралар кутиб ётган бўлади, бошни айлантирадиган даражадаги хиссиётлар, фавкулудда ҳайратомуз фикрлар хаёлини банд қилаверади. Гарчи сабаблар сал бошқачарок бўлган бўлса-да, Мицкевичнинг «Пан Тадеуш»нинг ёзилиш жараёни ҳам шундай кечган. Биз барчамиз билган поэма 1832 йилнинг кузида ёзила бошлаганидан бутунлай фарқ қилади. Биринчи вариантда Граф университетдан қайтади ва унинг *portrait-charge* – романтик йигитчанинг намунали портретига айлангани ҳеч қандай билинмайди; кашш (поляк католикларининг руҳонийси) Робакнинг ҳақиқий характери эғнидаги сутана (*католик руҳонийларининг узун устки кийими – тарж.*)дан аранг сезилиб туради. Билмадим, Наполеон легионлари унинг эпопеясига бостириб киришини ва шу туфайли уни Наполеон ҳақида дoston ёзишга ундаган қандайдир олмон профессорининг башорати амалга ошишини шоирнинг ўзи олдиндан сезганми-йўқми: ахир, Мицкевич «тамом» сўзини ўнинчи кўшиқдан сўнг қўйган-да! Мицкевич қаламига мансуб мазкур дурдона асар – ушбу ёрқин ва патетик (хаяжонли, жўшқин) тарих бизга фақат қисман таниш, холос, яхлит олганда эса – афсус! – уни аслидай тасаввур қилиш ғоят мушкулдир.

Кимки аввал пухта режа тузиб олган бўлса, уни кунма-кун, бобма-боб, кўшиқдан кўшиққа бажариб боради. Ўз ишининг суръат ва маромини билган муаллиф бир ҳафтадан сўнг боғни тасвирлаши лозимлигини, бир ойдан кейин эса севишганларнинг бўса онларини баён қилишига тўғри келишини олдиндан кўра олади. Ишда интизомга риоя қилмайдиганлар эса, масалан, Гонкурга ўхшаб, турлича йўл тутати: илк ижодий шижоатдан руҳланиб, дарҳол асарнинг боши билан охирини ёзиб ташлайди, кейинроқ ўртасидан бошлаб ёки орада нима бўлиши лозим бўлса, ҳаммасини ёхуд Зофья Налковская сингари ҳар хил

қисмларини қоғозга туширади, лекин уларни қаерга жойлаштириш масаласи очиқ қолади, шу боис доимо ноқерак нарсаларнинг кўпайиб кетиш хавфи мавжуд бўлади ёки уларни бутунлай қайтадан ишлашга тўғри келади.

Лекин энг муҳим нарса, бу – биринчи сўзлардир, деган фикрга ҳамма қўшилади. Башарти улар ҳали топилмаган бўлса, унда ишлаш учун ўтириш бефойда: ўчириб, чизишлар, ўқинч, ачиниш, ранж, алам, фижи-ниш, дарғазаб бўлиш билан орадан бирор соат вақт ўтгач, фикрланган бир неча саҳифалар қоғоз ирғитиладиган саватчага равона бўлиши тайин. Илк сўзлар, бу – «сарахбор», яъни қўшиқнинг боши. Улар ишнинг йўналишини белгилабгина қолмай, балки бутун бир бошли асарнинг характери ҳамда услубини ўзида намоён қилади. Шу ўринда ўз шахсий тажрибамдан мисол келтириб ўтмоқчиман. «Олимпия доираси»нинг биринчи таҳририда Аркадиядан бошланадиган Олимпия дарёси – Алфей тасвирининг илк жумласи устида тиришиб ишлаганман. Ушбу фрагмент ўзимга ҳам жуда ёққан ва у кейинчалик алоҳида босилган, бироқ «Олимпия доираси»га тўғри келмагани сабабли, асарга киритилмай, чиқитга чиқди, чунки ундаги характер хусусиятлари бутунлай бошқача, ундан беллетристик асардан кўра кўпроқ эсседа фойдаланиш мумкин эди, бинобарин, китоб шароитига мутлақо ҳамоҳанг эмасди ва бу муҳит ўша илк жумладаёқ ўз ифодасини топган ва китоб то шу бугунги кунга қадар ҳам айнан ўша жумла билан бошланади.

Сеҳрли илк сўзларнинг албатта асар бошида бўлиши шарт эмас, баъзан улар қаердадир ўртада яширинган бўлади, шу боис ҳали бокира саҳифага ташланган биринчи уруф айнан улар эканлигини билиб олиш ҳам мушкул. Эҳтимол, зайтун дарахтининг кесилган новдасига ўрнатилган ўша эр-хотинлар ложаси ҳақидаги шеърни «Одиссея»нинг ниш урган

илк куртаги, деб ҳисоблаган Клодель ҳақдир, – ким ҳам буни тасдиқлай ёки рад қила оларди? Ўзидаги ижодий тафаккурнинг худди ўша хусусиятларини ўз ҳамкасбидан ҳам топа олган шоирнинг ички хис-туйғусига ишонишдан бошқа иложимиз йўқ.

Шелли қаламига мансуб «Атласлик афсунгар» каби камдан-кам асарларни ҳисобга олмаганда, унинг етмиш саккиз октава (*саккиз мисрали шеърӣй шакл – тарж.*)си атиги уч кун¹ ичида ёзиб тугалланган, шиддат билан ёза бошлаган югурик қалам бора-бора секинлаб, охир-оқибат тақа-тақ тўхтаб ҳам қолади. Совуқ ноябрь ойини эслатувчи оғир кезлар бошланади. Ёзувчи хайрон бўлиб, умидсизликка тушади: ҳозиргина кучли ва ёрқин бўлиб кўринган нарса бирданига кучсиз ва хира тортиб, ишни давом эттиришга ҳам арзимайдигандек туйилади. Яна бир оз куймалангач, бор қизиқиши ҳам йўқолиб, уни ё ёзув столининг галадонига солиб қўяди ё бўлмасам, саватчага қараб ирғитади. Ёзувчиларнинг вафотидан кейин қоғозлари орасидан топилган ва тўла асарлар тўпламининг кўпгина жилдларини тўлдирган ана шундай фрагментлар, булар – у ёки бу сабабга кўра муаллиф олдида ўзининг илгариги жозибасини йўқотган ва унинг ҳафсаласини пир қилган адабий ёдгорликлардир.

Ҳатто Гёте ҳам ўзидан кейин кўплаб тугалланмаган фрагмент асарлар қолдирган. Отаси уни болалигидан бошлаб, ишни тугатмасдан ташлаб кетмасликка ўргатганига ва у гапга унамайдиган, бир сўзли майдакаш бўлганига қарамасдан, барибир фойдаси бўлмаган. У ўзи ҳақидаги афсоналарда тасвирланганидек, ўшанчалик руҳий мувозанатга, бир текис, сокин ва осойишта ижодий куч-ғайратга эга бўлмаган. «Фауст»га ўлимидан беш кун олдин сўнгги марта назар ташлаган экан. «Фауст» ҳақидаги ғоя айни

¹ Поляк шоири Кленович ўзининг «Флис» номли поэмасини икки ҳафтада ёзган. – Муаллиф изоҳи.

кучга тўлган ёшлик пайтимда пайдо бўлган, – деб ёзади шоир, – ўшандан буён орадан олтмиш йил ўтибди – барча сахналар кўнглимдагидек аник-тиник, ифодали, муқаррар изчиллик билан кўз олдимдан ўтиб турган. Мазкур давр ичида мени ўзига энг кўп жалб қилган дам бу тафсилотни, дам унисини ишлаб чиққан ҳолда, камина ушбу режамга бутун умр бўйи садоқат билан амал қилиб келдим. Аммо қизиқишим сусайгач, камчилик, нуқсонлар пайдо бўлди, улар айниқса, асарнинг иккинчи қисмида сезилиб туради».

Клоделнинг «L'annonce faite a Marie» – «Марямнинг ҳомиладор бўлгани ҳақидаги ваҳий» асари хусусида ҳам худди шундай дейиш мумкин, у мазкур пьесани эллик олти йил мобайнида ёзган ва шу йиллар давомида унинг тўртта варианты пайдо бўлган.

Ҳар бир йирик адабий асар тарихи умидсизликлар, айрилик, жудоликлар ва қайтаришлар билан боғлиқ. Баъзан муаллиф уни узоқ вақт бир чеккага олиб қўяди ва гўё бутунлай унутиб юборгандек, кўплаб бошқа нарсалар ёзиш билан машғул бўлади. Жозеф Конрад «Нажот»ни бир неча марта четга суриб қўйиб, яна кейин қайта қўлига олган ва уни йигирма йилдан сўнггина тугатишга муваффақ бўлган. Бунга сабаб шуки, ёзувчи кутилмаганда бўшлиққа дуч келиб, уни нима билан тўлдиришни билолмай қолади: ё тажрибаси ёки ушбу предмет ҳақида билими етишмайди. Кўпинча белгиланган тартибни бузиб бўлса-да, ҳамма нарсани оёғини осмондан қилиб, барчасини қайтадан ишлагиси келади, чунки бирданига ҳаммаси сохта, ясама, шартли, хаёлий, бемаъни ва тутуриқсиз туйилиб кетади. Каден-Бандровскийнинг «Қора қанотлар»ни асар устидаги ишнинг қийинчилиги, мураккабликларига мисол бўла олади: «Суратли ҳафтанома»да босилган дастлабки матн кейинчалик амалга оширилган китоб шаклидаги нашридан

анчагина фарқ қилади, бунинг сабаби ўша пайтдаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлса керак, эҳтимол. Сиёсий тартиботлар муаллифларни ўз қахрамонларининг тақдир ва характерларини, китоб тенденцияси ва физиономиясини ўзгартиришга мажбур қилган ҳолатлар билан боғлиқ мисоллар ягона эмас. Бунга кўпинча мутлако оддий ва жад, баҳоналар ҳам сабаб бўлган, мисол учун, ношир соф тижорий фойдани кўзлаб, муаллифдан ҳажман каттароқ китоб ёзиб беришни талаб қилган ва ҳ. к. «Дориан Грей портрети» худди шу тарзда кенгайтирилган, натижада асар композициясига жиддий путур етган.

Қадимгилар адабий асарларда, хоҳ кичик шеър ёки узун дoston бўлсин, хоҳ қисқа лукма ёки катта нутқ бўлсин, бундан қатъи назар, энг аввало, тартиб ва уйғунлик бўлиши ҳақида қайғуришган. Қисмларнинг мутаносиблигига алоҳида эътибор қаратилган, асарнинг бутун вужуди ўзаро уйғунлик, мувофиқликка бўйсундирилган – бусиз бадиий асар бўлиши мумкин эмас эди. «Вергилий «Фауст» ҳақида нима деган бўларди?» – дея ўзига ўзи савол беради Красинский. – У буни расво бир нима деган бўлар эди». Аммо Вергилий Красинскийнинг «Ноилохий комедия»сига ҳам худди шундай баҳо бериб, унинг чексиз чекинишларга тўла «Дон-Жуан»ини эса иккита фикрни мантикий бир бутун қилиб боғлай олмайдиган хиралашган ақл маҳсули, деб атаган бўлармиди, эҳтимол.

Мана, салкам бир ярим асрдирки, бизлар қадимги авлодлардан ўқиб-ўрганишни йиғиштириб қўйганмиз. Нотиқ учун ўз сўзини кириш, асосий ва якуний қисмларга аниқ ва лўнда қилиб бўлиш хамиша фойдали бўлган, агар бу қоидага илгаригидек риоя қилинганда эди, бугунги кундаги тартибсиз, мантиксиз ва ҳеч нима билан тўхтатиб бўлмайдиган тийиксиз маҳмаданагарчилик, сафсатабозликлар барҳам топган

бўларди, аммо ушбу қоида нотикдан фарқли ўларок, ёзувчи учун ҳар доим ҳам фойдали бўлавермайди. Драмаларнинг қадимги намуналар асосида мажбурий экспозиция (муқаддима), конфликт (низо, ихтилоф), перипетия (кутилмаган ҳаётий қийинчилик)лар ҳамда кульминация (энг юқори нуқта)дан ташкил топиши бугунги кунда кўплаб драматургларни қониктирмайди. Хатто Ҳорацийнинг йирик асарларда *in medias res* – «ишнинг моҳияти»га кириб бориш ҳақидаги ўғити ҳам бу масалада ёрдам беролмайди. Ўзининг баъзи бир романларини охиридан ёзишга киришган Конрад бу борада ажойиб натижаларга эришган. Тарихий шахснинг таржимаи ҳолини қаҳрамоннинг ўлимини баён қилишдан бошлаб, таваллуди билан тугаллаш эса ушбу ғояни ўзининг Гогасига тикиштирган Папинининг ғалатилигига қараганда қандайдир катта нарса бўлса ажабмас ва бу тимсол бўлишга ҳам арзиди.

Композициянинг мумтоз назариясига бўлган ишонч сусайган даврдан бошлаб, у ёки бу ёзувчи ўз назариясини яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Болеслав Прус ёшлигидан то умрининг охирига қадар, адабий ижод назариясини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ниятида бўлган ва унинг қоғозлари орасида шу мавзуга оид ўта қизиқарли хомаки режа, лойиҳалар топилган. Позитивизм йўналишининг вакили сифатида у ҳар бир масалага бағишлаб, кенг кўламли ва мураккаб схемалар тузган, бироқ ҳозирча улар етарли даражада тадқиқ қилинмаган, чунки фрагмент шаклида берилган, лекин қисқа очеркдан йирик романгача – барча мавзулар пухта таҳлил этилгани билан аҳамиятлидир. Пухта ўйлаб чиқиб, тузилган мазкур лойиҳалар кўздан кечирилганда, «Кўғирчоқ» муаллифи ўз ижодида ушбу қоидаларга риоя қилмай, ўзи ишлаб чиққан барча йўл-йўриқларни унутиб, яхшиямки, фантазия ва жўшқинликка эрк берганини сезмаслик мумкин эмас.

Модомики, асар композициясига шунча меҳнат, куч-ғайрат сарфланиб, унинг ҳақида ё танбеҳ ёки мактов сўзлар янграган экан, — бунинг сабаби шундаки, композиция ёзувчи томонидан яратилаётган бадиий организмнинг яшовчанлиги ва гўзаллигини олдиндан ҳал қилиб, белгилаб беради, композицияси яхши тузилган асар соғлом қадди-қоматга хос бўлган хислат, фазилатларга эга бўлади. Ҳар қандай майиб-мажруҳлик ва аламли айниш, бузилишлар — оқсоқ, букур, мажмағил асарлар ҳам бўлади-ку — қандайдир ўзига хос, ўзгача, масалан, ногирон одамнинг чиройли кўзлари ёки ўткир ақл-идроқ, заковати каби кўркем фазилатлар туфайлигина яшай олиши мумкин. Бироқ уларнинг ҳам замондошлар, ҳам авлодлар томонидан эътироф этилиши сари олиб борадиган йўли хийла оғирроқ кечади.

Тўғри, келаси авлодларга маълум бир муаллиф асари у қолдирган шаклда эмас, балки бошқачароқ кўринишда етиб боради. Хомердан сўнг, орадан бир неча асрлар ўтгач, «Илиада» ва «Одиссея» йигирма тўртта қўшиққа бўлинган бўлиб, айримлари шу қадар коникарсиз чиққанки, буни Хомернинг ўзи ҳам маъқуллаши амри маҳол эди: «Одиссея»нинг VIII китоби суҳбат ўртасида тугайди, давоми эса IX китобга кўчирилган. Лекин одамлар нималарга қойил қолиб, тақлид қилмайди дейсиз! Бобларни шу йўсинда тугаллаш усули Вергилий, ундан сўнг эса бошқалар томонидан қабул қилинган. «Пан Тадеуш»нинг X китобида «кетишмоқда жанг майдонидан, унда стихиялар олишар тезда...» деган шеърини сатрларни ўқирканман, ушбу узилган шеър Мицкевичга «Энеида»нинг тугалланмаган гекзаметрлари ҳақидаги хотирани эслатган бўлса ажаб эмас, деб ўйлаб қолдим. Ҳеродотнинг узлуксиз ҳикоясини тўққизта китобга бўлиб, ҳар бирига тўққиз муза (илҳом манбаи)дан бирининг номини беришган; Ғете «Ҳерманн ва Доротея»да худди шундай қилган.

Шатобриан ўзининг «Memoires d'outre tombe» – «Нариги дунёдан хатлар»идаги қисм ва бобларни ҳафсала билан жойлаштириб чиққан, – энг сўнги ноширлар эса уларни аямай ўзгартириб, қайта тузиб чиқишган. Муаллифларнинг ўзлари томонидан қисмларга ёки жилдларга бўлинган кўплаб асарлар тақдири шундай кечади, – кейинги нашрларда бу бўлинишлар кўпинча ўзгариб, китоб композицияси бу ёқда қолиб, кўпроқ унинг ҳажмига мослаштирилади. Сенкевич асарлари билан ҳам худди шундай бўлган ва ҳозир ҳам шундай.

Агар янги эмас, – бундай топилмага умид боғлаш кийин – ҳеч бўлмаганда, у қадар сийқаси чиқмаган композицияни қидириб кўрилса, бу худди қаргаларни чийлашга ўхшаб кетади, лекин қаргалар сони чекланган. Шунинг учун бўлса керак, ўтган қандайдир вақт оралиғида олдин учратган композицияларимиз яна қайтиб келади, холбуки улар яқиндагина гўё эскиргандек туйилар эди. Ва ҳар гал мана шу «эскирганлик» ёзувчиларга ҳаяжонли таъсир кўрсатишига амин бўламиз. Катта, улкан васваса, бу – ё мох босган мавзуни тадқиқ қилишга ёки қандайдир унутилган адабий шакл (*мадригал – қисқа ишқий шеър – тарж.*) ҳақидаги фикр таъқиб қиладиган шоирларни биламан)ни қайта тиклашга киришиш ёхуд ҳикояни нозик, гўзал, латиф менуэт (*французча қадимий рақс ва унинг мусиқаси – тарж.*)нинг сушт, имиллаган маромига ҳамоҳанг олиб боришга интилишдир.

Саҳна монологларига берилган қақшатқич зарбани Ибсеннинг хизмати деб кўрсатишади. Ибсендан сўнги ҳеч ким нафақат бу оддий, содда усулни қўллашга журъат қилолмаган, балки унинг устидан ҳатто Ибсеннинг барча ўтмишдошлари ҳам кулган. Расин ва Шекспир трагедияларида роль ўйнаган актёрлар шартномада монологларни тушириб қолдириш ҳақида олдиндан келишиб олишган. Ҳозир эса биз монологларни қаршиликсиз қабул қиламиз, баъзида эса

хатто бош ария операсидаги каби, сабрсизлик билан кутамиз. Замонавий драматурглар ўз қаҳрамонларини бўм-бўш сахнада, софит (*сахнани олддан ва юқоридан ёритувчи чироқ – тарж.*)лар маржони олдида туриб, истиффор келтиргизадилар-у, аммо-лекин ўзларини ҳечам обрўсизлангандек ҳис қилмайдилар. Качонлардир сахнавий диалогдаги индивидуаллашган тилнинг, мактабнинг адабиёт дарсликларида – «хар бир сўз персонаж характерини акс эттиради!» деб мақталган тилнинг дахлсизлиги таъминланади, деб ўйлашган. Буни қарангки, Жироду ўз драматик фантазияларининг барча персонажларига истисносиз худди ўша ўткир ва жозибатор поэтик нутқни жазо бермай бағишлай олар экан.

Реалистик роман муаллифнинг бевосита китобхонга нисбатан ҳар қанақанги мурожаатларини, ҳазил-хузул, персонажлар ортидан маънодор кўз қишиларини супуриб ташлаб, уларни ғалати, кулгили, қизиқ нарсалар сақланадиган ажойибхонага топширворгач, муаллифнинг шахсий фикр, мулоҳазалари ва тушунтиришларига ҳам барҳам берди: борди-ю, эҳтиётсизлик туфайли бирон-бир жумлага муаллиф кўланкаси тушиб қолгудай бўлса, у худди Апулейнинг «Метаморфозалар»идаги эшак соясига ўхшаб қолган бўлар эди. Бу принципга қатъий амал қилган Флобер Хомернинг эришган обрўсини далил сифатида келтирган. Ҳақиқатан ҳам, шоир «Илиада»да фақат икки марта, «Одиссея»да бир марта «ўз номидан», ундаям «мен» шаклида эмас, балки камтарлик қилиб: «менга» ёки «бизга», ўқувчига эмас, балки ўз кўшиғи узра уйғок турган Муза (*юнон мифологиясида: адабиёт, санъат ва илм-фан худоси – тарж.*) га, кўринмас ҳомийга мурожаат қилиб гапиради. Эндиликда камдан-кам одам қулоқ соладиган Хомерни ҳисобга олмаганда, замонавий буюк реалистлар ҳам муаллифга хос камтарлик ва вазминликда ибрат бў-

лишни бас қилиб, ўз нутқларига ўрин бериш ва ўз шахсий хис-туйғуларини ифодалаш учун персонаж ва пейзажларни бетакаллуфлик билан нари суриб, ўзларидан соқит қилмоқдалар. Ваҳоланки, қадимги яхши замонларда ҳам баодоб оилада ёш қиз болага ғамхўрлик қилишгани каби, романни ҳам мураббий-сиз қолдиришмаган.

Бизнинг замонга келиб, қаҳрамонларни бешиқдан то кабргача бир умр ёки хронологик тартибда бутун бир давр мобайнида қамраб оладиган тарихий романлар урчиб, кўпайиб кетди. Қачонлардир йилномаларнинг муаллифлари ёки солномачилар воқеа, ҳодисаларнинг асл моҳиятини англашга интилувчи прагматик тарих йўналишини ана шундай тайёрлаб боришган. Замон ва одамлар ҳаётига нур ёғилган энг муҳим даврларни акс эттирган буюк романлар тантана қилгандан сўнг, уларнинг қайта тикланишини ким ҳам кутибди дейсиз? Ҳораций ўшандаёқ Троя уруши тарихини абу ово, яъни Елена очиб чиққан Леда тухумидан бошлаб ҳикоя қилишдан бошқасига ярамаган ғоятда «пухта» шоирлар устидан кулган эди. Ҳомер композициянинг ҳеч ким тенг келолмайдиган, энг биринчи устаси эди. Кўпйиллик урушлар ва узоқ сафар, саёхатлар билан боғлиқ воқеаларни қандай қилиб икки ҳафталик вақт оралиғига сиғдира олишни кўплаб асрлар давомида ундан ўқиб-ўрганиб келишган. Ҳикоянинг узоқ вақт бекор қилинган, нокерак шакли дея ҳисоблаб келинган муфассал хроникалар қайтадан тикланиб, янгича санъат, тўғриси айтганда, гарчи хира, туссиз бўлса-да, жонланиб, яна ҳаётга қайтди.

Анахронизмлар¹ яна урф бўла бошлади. Яқиндагина Цезарь давридаги минора соатлари ва кўзойнакларни тилга олгани учун Шекспирга ачинишган эди.

¹ Анахронизм – йил ҳисоби ёки тарихий саналарни кўрсатишда йўл қўйилган хатолик; ўз замонасига мос келмайдиган эскича қарашлар, эскича урф-одатлар.

Энди эса унинг ватанпарварларидан бири – Грейвз император Клавдий ҳақидаги романга шунақанги замонавий атамашуносликни қўшибдики, бу билан ўзидаги сунъий антик иллюзиянинг қолган-қутганларини ҳам ҳар қадамда ер билан яксон қилмоқда. Торнтон Уайлдер ўзининг «Март идалари»да¹ икки ўнйиллик воқеаларни бетакаллуфлик билан бир неча ойга «жойлаштирворган» бўлса, Алоизий Фелинли «Барбара»да, Бернард Шоу эса «Цезарь ва Клеопатра»да тарихий шахсларни бемалол масхаралашган. Дельтей Жанна д'Аркка картошка ейишни, дофин (1830 йилдан илгариги Францияда: шахзода – тарж.)га тож кийдириш маросимида эса «Марсельеза»ни чалишни буюришидан улги олган ўнлаб адабий гурман (мазахўр)ларни лаззат қалтироғи тутиб, шу захотиёқ у билан тенглашиш ёки ҳатто ундан ўтиб кетиш ҳаракатига тушиб қолдилар.

Асар композицияси учун вақт кўп нарсани англади, у ҳатто классик трагедияларда бўлгани каби, мажбурий эстетик категорияга айланиши ҳам мумкин. Унда спектаклдаги бир суткалик воқеалар икки соатга сиғдирилиб, бундан ортиқ мантикий номувофиқликларга йўл қўйилмаган. Ўзининг романтик даврида йиллар гирдибодини («Тахт учун кураш», «Пер Гюнт») ўз бошидан кечирган Ибсен кейинчалик пьесалар («Қўғирчоқ уй») ёзган, улардаги воқеалар спектаклнинг ўзи қанча бўлса, роппа-роса шунча давом этган. Вақтга нисбатан зикналик ёзувчиларни ўша даражада исрофгарчиликка йўл қўйишга ҳам олиб келган. «Илохий комедия»даги абадиятга бурканган воқеалар 174 соат, яъни шоир орзу-хаёлларга берилиб кетиб, яшин урмасидан олдин ўрмонда адашиб қолган пайтдан бошлаб қанча кезиб юрган бўлса, шунча давом этади.

«Арвоҳ-Қирол»даги Словацкий каби юзйилликлар бўйлаб ҳовлиқиб, нафас тикилиб, фириллаб учганда,

¹ Ирсият бирлиги – тарж.

вақтдан ва Ернинг атиги бир айланишидан мислсиз лаззат олиш мумкин. Бир марта айланиш вақти ҳақида муносиб эпос яратиш кўплаб шоирларнинг орзуси эди, аммо бунга фақат Жойс ўзининг «Улисс»и билан муваффақ бўлди. Жойсдан анча олдинги роман муаллифлари адабий асар ёзиш учун умрнинг бир парчасинигина олиб, қолган шунча материални эса ташлаб юборишга тўғри келишини айтиб ёзғирардилар. Кекса Антони Троллоп барчанинг номидан шундай деган эди: «Элеонора Хардинг ва Мэри Болд ўртасида нима бўлганини гапириб ўтиришнинг хожати йўқ. Яхшиямки, на тарихчи ва на романнавис ўз қаҳрамонларининг ҳамма гапларини эшитишга мажбур эмас, акс ҳолда наинки уч, балки йигирма жилд ҳам етмас эди». Пруст бўлса, йигирма жилд бўлишидан чўчимас ва нафақат меҳмонхонага йиғилган ўн-ўн беш чоғли персонажларнинг тулиқ суҳбатини қандай бўлса, шундай айтиб беришни ўзига раво кўрди, балки ҳатто ўткинчи вазиятларга, оний лаҳзаларга, имо-ишораларга ҳам бағишлаб, тўла-тўқис, мукамал монографиялар ёзди. Бир қарашда буларнинг барчаси гўё фақат заррабин кундалик муомалага кирган ва секинлашган кинофильм ўқ парвозини бўлиб-бўлиб кўрсатиб, элялик Зеноннинг фикрини моддийлаштирган пайтлардагина мумкин бўлган, деган таассурот туғдиради.

Пруст романи – асар узра вақт уйғок туриб, унинг бутун вужудини ёриб ўтади, – санъат асари ўтган кунларни қайтаришнинг бирдан-бир, ягона воситасидир, деган фикрнинг амалий тадбиғи ҳисобланади. Адабий муҳитда ўсиб улғайган Пруст ҳар гал ёзув столига «бирон нима ёзмоқчийдим» ёки «бирон нима ёзиш керагийди» деган ўй билан ўтирар ва бу ҳолат то «ёзадиган нарса бор» деган ишонч билан бир варақ қоғоз олиб, ниҳоят, жойлашиб ўтириб олмагунига қадар давом этарди. Бу ишонч унга баайни илҳом каби кириб келарди: у ўз ҳаёти томонидан

адабий асар учун тўпланган материал ўзида мужас-сам эканини яхши англади эди. Ҳеч қандай арзигулик воқеалар содир бўлмаган арзон-гаров вақтичовли-қлар, беҳуда ўтган дамлар орасида, майда ҳис-туй-ғулар ва ҳеч бир маънисиз суҳбатлар, ўтиб кетган сон-саноксиз лаҳзалар орасида қатлам-қатлам таассу-ротлар, кузатувлар кейинга сурилар ва улар бирдан унинг онгида қайғу-алам, дард ва ҳасрат тўлкинига айланиб туғён урар, буларнинг барчасини қайтариш, вақтни орқага қайтариш ва уни этагидан бошига қараб оқишга мажбур этишдан иборат азоб берувчи, оғир ташналик бўлиб кўтарилиб келарди.

Замонавий физиклар Аристотель ва Кантга нисба-тан иззат-ҳурматсизлик қилиб, улар томонидан ишлаб чиқилган «вақт учун мустақил ҳолат»ни ўтмиш, ҳо-зирги замон ва келажакнинг азалий изчиллигини асраб қолиш осон бўлмайдиган мужмал ўринга суриб қўйдилар. Олдос Ҳаксли бундан ўзининг «Ғазодаги сўқир» номли романида фойдаланиб, ўз қаҳрамонла-ри ҳаётини худди кубик тахлаётган бола каби тартиб-га солган, аммо улар акс эттириши лозим бўлган опти-к яхлитлик ҳақида ўйламаган. Бироқ бундай усул романтиклар томонидан ҳам қўлланилган: уларнинг қаҳрамони дам улғайиб, умр баҳорига қадам қўйса, дам соч-соқоли оқариб, ўлим тушагида ётади, бир қарасанг, лўппи қирмизи лабларида табассум жилва қилиб, яна ҳаётга қайтади. Бу – сешанбадан кейин чоршанба, нонуштадан сўнг эса чошгоҳ бошланадиган ўзгармас дунё эмас, балки бошқа оламдир. Эҳтимол, келаси юзйилликда вақт тушунчаси физиканинг тўр-тинчи ўлчови сифатида XX асрда шоирлар таъсири остида яратилгани маълум бўлиб қолса ҳам ажабмас.

Ёзувчи бир вақтнинг ўзида иккала вақт ўлчови ичра мавжуд – бирини ўзи яратса, иккинчисига эса, соат милларига кўзи тушиб, тонг ёришган ва қош қорайган пайтларни, йил фасллари алмашинувини

кўриб, бўйсуниб яшайди. Лиризмга бой бўлган қисқа лаҳзаларни ҳисобга олмаганда, ҳаёт ва ижод ҳеч қачон синхрон (баравар мавжуд) бўлмайди. Бунинг эса ўзига хос гўзаллик, жозибалари, ўз афзалликлари ва ноқулайликлари бор. Кескин фарқ туғдирган туйғулар жонажон туманлар ва қишни, пўстинга ўралган одамларни, мўйловини киров босган денгизчиларни – мен бу ерда Гоголь ва Диккенснинг Италияда бўлган пайтларини назарда тутяпман – жанубнинг серқуёш ёғдусида жилва қилиб, ҳаммасидан ҳам кўра яхшироқ тасвирлашга ёрдам беради. Руссо фақатгина қиш фаслидаги шамолларнинг увиллаб эсишлари унга баҳор қўшиқлари бўлиб янграшини таъкидлаган. Ежи Либертнинг «Июль» деб номланган ҳароратли шеърига: 25 январь, 1922 йил санаси қўйилган. Худди унга ўхшаб, Уланд ҳам ўзининг «Lenzlieder» – «Баҳор қўшиқлари»ни қиш фаслида ёзган. Бошқа ёзувчилар эса – булар ҳам худди ўшалар каби, фақат бошқача шарт-шароитлар остида – ёзаётган асарларидаги йил фаслини кўзда тутадилар, баъзида эса ишни тўхтатиб, керакли фурсат келишини кутадилар. Фақат хотираларнинг ўзигина бирданига тасаввур учун озлик қилиб, ёвғон ва кам тўйимли озуқага айланади. Бу қанчалик ҳайрон қоларли бўлмасин, аммо энг хатарли саргузаштлар ва сафар, саёҳатлар тасвирланган асарлар, не тонгки, айнан уйдан эшикка чиқмасдан яшайдиган кишиларнинг қалами остидан чиққан. Бу хилдаги ёзувчилар ўзлари ўйлаб топган йўналишлар бўйича сузиб бораётган кемада туриб, ўз шаҳарча ёки кварталларида истиқомат қиладиган одамлар ҳақида ёзишади.

Ана энди, ёзувчининг шахсий ҳаёти қандай қилиб мутлақ шахсий характерга эга бўлмаган асарга аралшиб қолишига бир мисол. Мишле ўз кундалигига қуйидагиларни ёзиб қўяди: «Хотиним ўлди, юрагим эзилиб, тилка-пора бўлди. Аммо айнан мана шу

рухий тушкунлик менга ғоят катта, деярли иблисона куч бағишлади: ғамгин завқ билан Франциянинг XV асрдаги жон талвасасини, ҳам ўзимга азоб бераётган, ҳам мавзуга оид мудҳиш, даҳшатли воқеаларни ёзишга киришиб кетдим». Тарихчининг шахсий драмаси шу тарзда Карл VI замонасининг ақлсизлик манзаралари билан, ўша даврнинг ўлим рақси ҳамда маънавий инқирози билан уйғунлашиб, чатишиб кетади. Бундан кўриниб турибдики, муаллиф кайфияти айнан мавзу характериға мос келиб қолган, аммо бунинг тескариси бўлган, яъни юморист-ёзувчи энг кувноқ саҳифаларни ўз ҳаётининг ғамгин ёки аламли лаҳзаларида ёзгани ҳақида ҳам қанчадан-қанча мисоллар мавжуд! Кимки агар бунақа нарсалардан йироқ бўлиб, ногоҳ уларға тўкнаш келиб қолгудай бўлса, қутурган тўлқинлар узра ҳар томонға қаттиқ чайқалиб бораётган кемада ногора чалиб ўтирган беғам денгизчига қўзи тушиб, аччиқ устида унинг қўлини орқасига қайириб ташлаган одам ҳолиға тушиши ҳам мумкин.

Ҳатто энг ашаддий таркидунёчи зоҳидлар ҳам ташқи дунёдан бутунлай узилиб кетишға, ҳозирги кундан қандайдир қочиб қутулишға қодир эмас. Энг эҳтиёткор қалам ҳам кечаги ёки бугунги воқеани доимо йўл-йўлакай беихтиёр тилға олиб ўтади ва у матнға муқояса, истиора ёки ундов сўз тарзида «лип» этиб кириб қолади. Классик филология ўтган даврларға оид бунақанги шама, ишора, асар, аломатларни «тутиб» олишға моҳир ва улар шубҳали хронология (воқеалар тарихи) билан йўғрилган асарлардаги саналарни аниқлаб, уни тақдирлайдилар. Биографлар муаллифларнинг давлат тузуми, оилавий келишмовчиликлар, жисмоний дармонсизлик ва ҳ. к.ларға оид сезилар-сезилмас шама, ишораларини қидириб топиб, ўзларининг ўткир ақл-заковатларини минг марталаб намоён қилишган.

Бизга ҳамма нарсалар таъсир кўрсатади, бизни ҳамма нарсалар ўзгартиради. Ҳар бир лахзада мия-мизни кутилмаган, ногаҳоний, тасодифий таассуротлар қуршаб олади, улар ёзувчи яратаётган персонажнинг жумлалар колоритига, фикр оҳангига, характер хусусиятларига, адабий асар сюжетига таъсир қилиб, баъзан арзимас, баъзан кескин даражада ўзгартиради, улар таркибига ҳар доим ҳам мақбул бўлмаган ёт унсурларни олиб киради. Қалам ҳали саҳифага тегмай туриб, хаттоки бир ёки иккита жумла худди кўнгилдагидек ёзилади деб, ким ҳам кафил бўла оларди? Ҳатто керакли, зарур сўзларни топиш йўлидаги изланишларимиз ҳам кўпинча иродамиз измига бўйсунмай, сирғалиб кетиб қолаверади.

«Китобларни исталгандек яратиб бўлмайди, — деб ёзишади ака-ука Гонкурлар ўзларининг «Кундалик» саҳифаларида. — Аввалбошданок, фикр хаёлимизга келар-келмас, биз ана шу ҳолат измида бўламиз ва кейин қандайдир номаълум куч мажбурий равишда мавзу ривожини олдиндан белгилайди ва қаламни юрита бошлайди. Баъзан биз хатто ўз ижодимиз маҳсули бўлган, ўзимиз ёзган китобларни тан олишга ҳам қийналамиз: шунча нарсалар, буларнинг барчаси ўзимизда мавжуд бўлганига хайрон бўлиб, лол қоламиз, биз эса бундан мутлако беҳабар эдик...» Айниқса, ёзувчи фанодан, йўқлик қаъридан чорлаган инсоний қиёфалар хавотирли, ташвишлантирарли даражада мустақилликни қўлга киритади. Персонажлари ўзининг измида эмаслиги, уларнинг сўзлари ва хатти-ҳаракатлари унинг учун кутилмаган ҳодиса эканлигини тан олиб, эътироф этган ёлғиз Теккерей эмас. Гончаровга ҳам ўз қахрамонлари мудом тинчлик бермай, унинг кўз олдида ҳар хил саҳналарда намоён бўлишар, узук-юлуқ гаплари қулоғига чалинар, атрофида буткул мустақил мавжудотлар айланиб юргандай туйилар, ўзи эса бор-йўғи сусткаш томошабинга айла-

нар эди. Шунга ўхшаш галлюцинация (*йўқ нарсаларнинг кўриниши, эшитилиши, сезилиши – тарж.*)лар Ибсен билан ҳам содир бўларди. «Бугун, – деганди у бир кун хотинига, – менинг олдимга Нора келди. Эғнида хаворанг кўйлак бор эди. У хонага кириб келиб, елкамга қўлини қўйди...»

Ижодий тасаввурга эга инсонларнинг ўз персонажлари ҳақида фантазия билан гапиришлари ҳеч қандай ҳайратланарли эмас. Улар поэма, драма ва романларнинг қаҳрамонлари фаолият бошлашлари биланоқ, мантиқий ва изчил ривожланиб борадиган воқеалар доирасига киришлари ҳақидаги оддий ҳақиқатни образли тил билан баён қиладилар, зеро, муаллиф ўз асарига путур етказишни истамас экан, ана шу изчилликни ҳам буза олмайди. Уларнинг характерлари, ижтимоий муҳит, оилавий муносабатлар, феъл-атвор, юриш-туришга сабаб бўладиган барча шарт-шароитларни аниқлаб олгач, муаллиф ўзини гўё ўз қаҳрамонларига мақсад ва воситалар танлашда тўла эркинлик бергандай тутуди. Аслида эса у фақат ўзига ва инсоний ҳақиқатга ишонади, холос.

Мифологиядаги мабудларга ўхшаб, мўъжизалар ва қутилмаган янгиликларни сохтлаштирувчи инжик, бекарор муаллифлар, костёл (*поляк католикларининг черкови – тарж.*) минорасидаги флюгер сингари ўзгарувчан, бебурд, бетайин қаҳрамонларни топувчи ижодкорлар ҳатто энг хайрихоҳ, оққўнгил ўқувчининг ҳам тоқатини тоқ қилиб юбориши мумкин. Агар муаллиф китобнинг ҳар галги қайта нашрида персонажларни қайтадан ишлайверса, уларга ишониш ва қўнгил қўйиш мумкинми? Башарти улар ҳар доим ўзгараверса, унда бутунлай мавжуд бўла олмас ҳам эдилар.

Мабодо асар жуда кенгайиб, йириклашиб кетаверса, бу муаллифнинг ўзини ҳам тонг қолдириши мумкин. Мицкевич эпизодик (асосий бўлмаган) фигура – оддийгина сенбернар ит қандай қилиб ўз эпопеясидаги

бош қаҳрамонга айланиб қолганидан ажабланиб, ўзи-га келолмаган экан. Сенкевич эса, трилогиянинг сўнги қисмини ёзаётиб, Володиевскийни дастлаб комик (кулгили) фигурага айлантириб кўйгани учун ўзини ўзи айблаган. Толстой, Стендаль, Достоевский, Ибсен каби буюк рухшунослар пайдо бўлиши билан, муаллифлар шуни олдиндан яхши билишардики, уларнинг қаҳрамонлари сўнги саҳифага етиб боргунга қадар, илк саҳифалардагидан фарқли ўлароқ, бошқа одамларга айланиб қолишнинг сон-саноксиз имкониятларига эга бўладилар. Ўз қаҳрамонларини ўзгаришлар ва ривожланиш йўлига олиб чиққан улуғ устозлар санъатини шунчалик яхши таҳлил қилиб, таништиришда адабиёт тарихи ва назарияси бўйича тадқиқотларнинг ёрдами катта бўлди. Натижада ягона формулага уюшган адабий сиймоларнинг турлари йўқ бўлиб кетмади. Уларни ҳали ҳам китобларнинг саҳифаларида, саҳналарда учратиш мумкин, эри ва жазманларини алдаш бўйича ажойиб қобилиятга эга бўлган эпчил ва топқир, шўх хотинча эса, Милет қиссалари замонларидан буён ҳам ҳеч қандай ўзгаргани йўқ. Ўз саҳифаларини ана шунақанги «кўғирчоқ»ларга раво кўрадиган муаллифлар – буни пародия тарзида қилмаётган бўлсалар агар, – бемаза ёзувчиларнинг шу қадар паст тоифасига мансубки, улар ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳам фойдаси йўқ.

Адабиёт тўғри маънодаги қаҳрамонлардан бошқасини билмаган даврларда, муаллиф ўзи яратган персонажларнинг самимий ҳурмат-эҳтиромига умид боғлай олмас эди. Агар худолар, улуғ сиймолар, даҳолар, ҳоким, ҳукмдор, хоқон, султонлар, мағрур ва такаббур рицарь (қуролбардор) лар тирилиб келиб, унинг камтарона ижодий лабораториясига юқоридан туриб назар ташлаганларида, шоир уларни яратиб, ўз бурчини адо этган, холос ва унинг тунларини тўлдирган чиройли, ширин тушлар учун ҳамда

улар хакида сўзлаб бермоқ мақсадида ҳормай-толмай қидириб топган гўзал, жарангдор сўзлар учун ҳам улардан минатдор бўлиши лозим, деган қарорга келган бўлар эдилар. Лекин уларнинг ўрнига келган ва улардан қаҳрамонларнинг номларини мерос қилиб олган оддий, содда одамлар ўзлари ва ўз ҳаёти билан ёзувчига қанчалик ташвиш, безовталиклар, хафгарчилик, ранж, алам, озор етказганликларини ҳеч қачон англаб етмаган бўлардилар. Уларнинг оддий уй-жойлари, бир коса ёвфон шўрва билан бир бурда нондан иборат тушлик овқатларини тасвирлаб бериш учун ёзувчининг шунча меҳнат қилганига сираям ишонишмаган бўларди. Ажойиб ва ўткир ақл-заковат соҳиби улар билан кўп кунлар давомида машғул бўлишини, уларнинг тақдири, турмуш тафсилотлари, суҳбатлари уни уйқудан ҳам маҳрум қилаётганини билгач, лол қолган бўлишар эди. Аммо буни балки муболаға ёки шунчаки уйдирма деб ўйлаган ҳам бўлишармиди, эҳтимол. Ва шу ўринда бир эмас, балки бир неча, кўпгина ёзувчилар ҳам улар билан ҳамфикр бўлган бўлишарди. Негаки, сўз санъаткорларининг реалистик роман яратиш йўлида сарфлаётган куч-ғайрат ва меҳнатлари ҳаммага ҳам бирдек манзур эмас. Масалан, Польшада бунинг устидан Лесьмян кулган бўлса, Францияда – Поль Валери. Икковлон сийқаси чиққан маросим, расм-русумлар, удумлар ва кундалик воқеаларни тасвирлашга «провинциал мешчанликнинг қолоқ турмушига атаб услубий ёдгорликлар бино қилган» Флоберга ўхшаб катта маҳорат сарфлаб ўтиришни бемаънилик деб ҳисоблашган. Валери ўз фикрини худди шундай ифода қилган. У қуйидагича жумлани ёзолмаслигини ўзи тан олган: «Қаҳвахонага кирдим ва бир шиша пиво буюрдим». Валерини ҳаётнинг интеллектуал шодлигидан ташқаридаги ҳеч нарса қизиқтирмас эди.

Тўғри, санъат соҳасидаги гипертрофия (ортиқ кучайиш, зўрайиш)дан, бадийликдан гўёки азият чекадиган кўплаб асарлар бор, уларда восита билан мухит ўртасидаги номуносиблик кўзга ташланадики, уни мана шу воситалар шунақанги ёркин тарзда қандай бўлса шундай тасвирлаб беради. Айниқса, содда тилда сўзлашувчи, оддий, кундалик фикрларни ифода қилувчи персонажлар диалогларининг табиат, шаҳар, авеню, улкан, баҳайбат уйлар, ҳашаматли хонадонларнинг дабдабали, тамтароқли тасвири билан навбатма-навбат бўлиниб туриши ўқувчининг гашини келтиради. Бир-бири билан ўзаро суҳбатлашаётган ана шу содда, гул одамлар гўёки ўзларининг оддий, камтарин ҳаётдан ҳам кўра муҳимроқ қандайдир тантана учун тайёрлаб қўйилган ажойиб декорациялар орасида худди адашиб қолгандай таассурот уйғотади. Ким билади, эҳтимол, XIX – XX асрларда яратилган баъзи бир романлар келаси авлодларга бизга сарой шоирларининг буколика (*чўпонлар ва қишлоқ ҳаёти идеаллаштириб тасвирланган адабий асар тури – тарж.*)лари қандай туйилган бўлса, шундай сунъий кўринса ҳам ажабмас. Лекин шундай бўлса ҳам, кўплаб асрлар мобайнида ёзувчилар фақат имтиёзли мавзулар ва қаҳрамонларни танлай олишган, деган фикрдан бизни ҳеч ким қайтаролмайди. Танлов келиб чиқиш, маданият даражаси, бойлик, таълим, ўзига хослик, фавқуллодлик, устунликни белгилаган. Мана энди оддий, одатдаги, кундалик ҳаётнинг мукамал адабий шаклда тасвирланишга муносиб эканлиги адабиёт томонидан эътироф этилган пайдан бошлаб, бу борада янгича юксалиш даврига қадам қўйилди.

Сўз билан алоқага киришар экан, нарсалар ва воқеалар сийқаликдан озод бўлиб, уларни фавқуллодлик шуъласи мунаввар айлайди. Сўз нафақат тушларимиз ва ўй, орзу, ҳаёлларимизни мужассамлантирибгина қолмасдан, балки бизни ўраб турган

кундалик доимийликни ходисалар чигаллигидан халос қилиб, ўзгартириб юборади, ажойиблик ва ғаройиблик бахш этади.

*Ана, тахтачадан юқорига чиқди югуриб,
Ортга ҳам қарамай,
Очиқ деразадан учиб кирди пир этиб,
Янги ой каби, йиғит олдида
Кўринди ялт этиб.
Ва кўйлақчасин олди чангаллаб...*

Шоир қаламига мансуб ушбу арзимас сатрлар абадиятга бурканади, у (қиз) совут кийган Ахилл билан учрашади. Ҳар бир шеър, ҳар бир жумла – лаҳзалар, предметларга, одамларнинг имо-ишоралари, табассумлари, ўй, хаёл, ниятларининг ўткинчи, бебақолигига қўйилган ёдгорликдир. Ёзувчи ушбу ёдгорликларни бир вақтнинг ўзида ҳам воқеликнинг ўзига, ҳам шиддатли оқим олиб кетаётган ўз ҳаётига қўчиради. У ижод қилаётган барча нарсалар қатъий равишда унинг ўзи билан ҳам қандайдир рухий-маънавий алоқага эга. Унинг асарларида ўз тақдир-қисматининг, завқ-шавқ, қувончларининг, афсус, армон ва ғам-андухларининг зарралари, аломатлари баайни қон таначалари янглиғ айланади...

*Оқ кўйлақни ким миҳчадан олиб,
Юмшоқ оромкурси суюнчигига
Ташлаб қўйди эътиборсиз, хор қилиб?*

«Пан Тадеуш»нинг ўқувчилари учун бу Зося хонаси тасвирига оид кўплаб тафсилотлардан бири, холос ва оқ кўйлақча тасвири саҳифалар узра сирғалаётган нигоҳни ўзида аранг тутиб қолади. Шоир учун бу ҳаётий лаҳза, у худди юракка яқин тақиб юриладиган медальон каби ардоқлидир. Айнан шундай кўйлақни

Мицкевич Тухановичига илк бор келган пайтда Мариланинг хонасида кўрган ва филомат (илмга чанқоқ) дўстларининг ҳазиллашиб айтишларича, у аввал кўйлакни, сўнг эса қизни севиб қолган.

Адабий асар яратиш жараёнининг шаклланишига оид сон-саноксиз жиҳатлар ичида иккита энг муҳими – ибтидо ва интиходир. Биринчисида кўклам шамолнинг эсишини эслатувчи нимадир бор, у – қанотларнинг париллашида ва тонгги шафақнинг энгил, мафтункор, ҳаётбахш безакларида мужассам – бамисоли қайиқ, елкани эса умид. Иккинчиси, гарчи уни олдиндан кўриб, пайқашган ва шу пайтгача кутишган бўлса ҳам, ҳар доим тўсатдан кириб келиб, ҳайрон қолдиради, безовта қилади, озор беради. Аслида ҳам бу интихо – охиримикин, деган фикрни ўзлаштириш қийин, бунга ишонгинг келмайди. Эртасига ёки кейинги кунлар ичида шубҳа-гумон тобора ортиб боради, ёзувчи яна тагин сўнгги саҳифага қайтади, ўзгартишлар, янги қўшимчалар қилади, йўл қўйган хатосига амин бўлмагунча ва дастлабки хотимани тугатмагунча, бетўхтов узилиб қолган мавзунини янада ривожлантириб, мукаммалаштираверади. Қўл-лўзмада кўпинча муаллиф сўнгги нуқтани қўйгандан кейин ҳам, унинг иккиланишлари ва безовталикларидан далолат берувчи изларни учратиш мумкин. Бу айниқса, кенг кўламли, йирик асарлар – драмалар, поэмалар, романлар учун характерлидир. Асар ниҳоясини муаллиф иш бажарилди, деган рухий энгиллик туйғусини ҳис этган ҳолда, лекин бир оз ғамгин кайфият билан қарши олиши мумкин.

Бу ҳақда икки ёзувчи қуйидагича фикр юритади. Диккенс: «Икки йил давом этган ижодий меҳнатдан сўнг, қаламни қанчалик ғам-ғусса билан четга олиб қўясан! Муаллиф гўё вужудининг бир қисми у дунёга ўтиб кетаётгандек ҳис қилади ўзини». Конрад: «Тамом» сўзини ёзаётган перо гичирлайди ва мени

тан олиб, эътироф этган, олдимда имо-ишоралар қилиб турган, мен билан шунча йил бирга яшаган одамларнинг бутун бир жамоаси ғуж-ғуж шарпаларга айланади – улар ортга чекинади, шакл-шамойиллари хиралашиб, ғира-шира туман билан қопланади... Бугун эргалаб шундай хиссиёт билан уйғондим, гўё танамнинг бир парчасини стол устидаги саҳифалар орасига кўмгандек эдим». Икки овоз ва улар бир-бирига қанчалик ўхшаш, бу каби овозларни эса юзлаб эшитиш мумкин. Ёзувчи ўзи тўқиб чиқарган олам билан хотиржам хайрлаша олиш учун унда жуда узоқ вақт яшайди. Баъзан ижодкор ўз қахрамонлари ёки даврдан буткул узилиб кетолмайди, бундай ҳолларда Сенкевичнинг «Трилогия»си ёки Голсуорсининг «Форсайтлар ҳақида сага»сига ўхшаш туркум асарлар, гоҳида эса Сенкевичнинг қоғозлари орасидан топилган, «Камо грядеши»нинг давоми сифатида ўйлаб қўйилган романнинг биринчи боби сингари қисқа фрагментлар юзага келади.

Аммо тугалланган асар ўз ижодкоридан кўпинча бир умрга ажралиб, узоқлашиб кетади ва вақт ўтган сайин унга тобора бегоналашиб бораверади. У янги асарлар ёзади ва улар эскиларини дилдан ва хотирадан (янги нарса яқинроқ бўлади-да) суриб чиқариб, уларнинг ўрнини эгаллайди, орадан бир неча йиллар ўтиб эса, ёзувчи ўзининг эски китобларидан уни си ёки бунисига ногоҳ кўзи тушиб қолгудай бўлса, унга ўз ҳаётининг шундай қимматли бир бўлагини бағишлагани, китобнинг режасини шунча узоқ вақт ўйлаб юргани, у бир пайтлар ўзига шу қадар азиз ва яқин бўлганини эслаб, хайрон бўлиб, изтироб чекади. Муаллифлар ўзларининг ҳамма асарларини ҳам бирдай яхши кўравермайди. Мицкевич энг охириги йилларда «Конрад Валленрод»ни ёқтирмай қолган ва энг ёмони, «Пан Тадеуш»дан ҳам шу қадар кўнгли совиганки, натижада уни йўқ қилиб юбормоқчи бўл-

ган, яхшиямки, иш шунгача бориб етмаган. Вергилий ўз васиятномасида агар хаётлигида «Энеида»ни тугаллай олмаса, уни йўқ қилишларини тайинлаган. У тўсатдан вафот этгач, император Август шоирнинг сўнгги истагини бажо қилиш ўрнига, ёзиб тугалланмаган, икки минг йил шон-шуҳратга бурканган бир неча гекзаметрларни беради. Киплинг ўзининг «Recessional» номли машҳур шеърини чиқинди саватчасига ташлаб юборади, сўнгра уни Сара Нортон исмли бир аёл олиб, шоирга шундай қаттиқ ёпишиб оладик, охир-оқибат шеърни чоп эттиришга розилик беришга мажбур бўлади. Эндиликда ўз муаллифлари хуш кўрмаслиги сабабли йўқ бўлиб кетган қанчадан-қанча ажойиб асарларни санаб, саноғига етиб бўлмайди. Бундай ёқтирмасликнинг келиб чиқишига одатда – биз кутган, орзулаган китоб билан номукамал чиққан асар ўртасидаги узилиш, номувофиқлик сабаб бўлади. Чунки ўзи хаёлан ўйлаб юрган, орзуманда бўлган, ҳис қилган тўла-тўқис, мукамал асар яратишнинг уддасидан чиқа оладиган даҳо ҳали тугилмаган. Йиллар ўтиши билан ёзувчи ўзининг у ёки бу асарига, хаттоки бутун ижодига қўнгли тўлмай, нафрат билан қараши ҳам мумкин. Ўйлайманки, Франц Кафка ҳам кўп йиллар мобайнида ёзув столида йиғилиб қолган қоғозлар уюмига худди шундай назар билан қараган. Уларни йўқ қилиб ташлаш ҳақидаги васиятига дўсти Макс Брод қарши туриб, Кафкани ҳалокат ва унут бўлишдан саклаб қолган.

Шундай ёзувчилар ҳам борки, китоби нашрдан чиқиши билан уни батамом унутди – лоқайд ва паришон бир алпозда қўлига олади-да, сўнг токчага ташлаб қўяди, вассалом. Ҳолбуки, бундан атиги икки ҳафта олдин сўнгги корректуралар устида безовталаниб, хатоларни тўғрилаш ва тузатишлар киритиш ҳақида босмахонага қўнғироқ қилган, китобнинг охирги жумласидаги сифатни ўйлаб, кечалари

ухламай чикқан, мундарижа, қоғоз сифати, муқовани деб ношир билан аразлашиб қолган эди – мана энди эса ўша хавотир, ташвишлари ва югур-югурлари объекти бўлмиш китоб хали босмахона бўёғининг ҳиди кетмай, қўлига келиб тушиши билан унга бўлган қизиқиши бирдан сўнади-колади. Буни адабиёт тарихидаги ғалати, қизик, кулгили воқеа, ҳодисалар орасидаги энг ҳайратланарлиларидан бири деса бўлади. Уни айрим драматургларнинг шундай бир одати билан қиёслаш мумкин, улар ўз пьесаларининг ҳар бир репетициясида ҳаяжон, ташвиш, хавотир, ҳатто зарда, жаҳл ва жон-жаҳди билан ҳозир бўладилар-да, сўнг премьераси куниси эса қаёққадир ғойиб бўлиб, пьеса ҳақидаги мақола чикқан газета ҳам етиб бормайдиган қандайдир гадейтопмас, овлоқ жойларга яшириниб олишади.

Албатта, бу ўз асарига баҳо бериши лозим бўлган бегона, ёт фикрлар олдида пайдо бўладиган ногаҳоний кўрқув ифодасидир. Нимаям дердик, ёзувчи халқининг шунақа асабий ва инжиқ бўлиши маълум. Уларнинг баъзилари ўз китобларига нисбатан нафратланиш ёки жирканиш даражасига етиб бормасалар ҳам, лекин барибир унча яхши муносабатда бўлишмайди. Китобни камдан-кам ҳолларда қўлларига олиб, шундаям деярли ҳеч қачон беғараз, холисона қайта ўқиб чикмайдилар. Бироқ асарнинг қайта нашр қилиниши кутилаётган ва унга қандайдир ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган пайтлардагина шундай қилишга мажбур бўладилар. Ўта сермахсул ёзувчиларда эса ҳатто иш шунгача ҳам бориб етмайди – улар ўзларининг эски китоблари билан фақат ноширлар ила тузиладиган шартномалар орқали алоқада бўлишади ва гўё ўзлари ҳеч қачон ёзмагандек, уларни унутиб ҳам юборади. Гёте бир куниси бир неча тарқоқ, бут бўлмаган саҳифаларга дуч келиб, катта қизиқиш билан ўқиб чиқади,

кейин маълум бўлишича, уларни бир вақтлар ўзи ёзган экан. Ҳатто ўз китобларига нисбатан жирканиш ёки нафрат билан муносабатда бўлиб, уларни ўзида сақламаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Фақат кам ёзадиган ва ҳар бир шеърини хаёлида узоқ вақт ўйлаб, пишитиб юрадиган шоирларгина ўз асарларини яхши биладилар ва деярли барча шеърларини ёдда сақлайдилар. Феликс Пшисецкий ўзининг «Зимистон қўшиғи»ни тўлиқ ёдда сақлаган ва дўстлари илтимос қилиб қистайвергач, шундан кейингина шу бир ховуч шеърларни аввал дўкондан сотиб олинган дафтарчага кўчириб ёзган-да, сўнгра мўъжазгина китобча ҳолида нашр эттирган ва ундаги барча шеърларни ёддан билган.

Ёзувчиларнинг ўз китобларига нисбатан турлича муносабатда бўлишларини кузатишимга тўғри келган. Баъзи бирларида ҳар бир нашр чиройли муқовалари билан хронологик тартибда териб қўйилган бўлади, гоҳида улар шахсий кутубхонанинг энг катта бўлимини ташкил этади, бошқалари эса китобларни худди нокерак лаш-луш, эски-туски нарсалар сингари у ер-бу ерга тикиб ташлайверади, уларни ҳеч қачон тополмайди ҳам, бу китоблар қўпинча тўзиган, кир-чир бўлади, зарур бўлган пайтда бундай муаллифлар ўз китобларини кутубхонадан олишларига тўғри келади. Мазкур ёзувчиларни ўз асарлари барчага тарқаб кетганининг ўзиёқ тўла қониқтиради ва ушбу китоблар уларни ортиқ қизиқтирмайди. Тугалланган нарсаларнинг бизлар учун шунчалик кам аҳамиятга эга бўлишининг боиси, ёзишни орзу қилаётган асарларимиз фикр-хаёлимизни буткул банд қилиб қўйганида бўлса керак, эҳтимол ва бу китоблар дунёга келиши мумкин ёки ёзилмай қолиб кетиши ҳам мумкин.

Адабий асар жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Албатта, унинг нутқ қобилиятига эга фикрловчи одамлар муҳитидан чиқарилган ёлғиз шахс томонидан яратилишини тасаввур қилиш мумкин, бироқ бу шу қадар фавкулудда ҳолат бўлардики, у билан ё фантастлар ёки патологик ғалатиликларни тадқиқ этувчи кишилар шуғулланади. Башарти ўз кечинмалари ва мулоҳазаларини ёзма шаклда абадийлаштирар экан, на маҳбус, на таркидунёчи зоҳид жамиятдан ташқарида бўлмайди: биринчиси унга қайтишга умид қилса, иккинчиси – ҳатто ундан умрбод юз ўгирганда ҳам – ёзганларининг ахир бир кун топилиб, ўқиб чиқилиши учун бўладиган имкониятлар билан ҳисоблашади. Иов жар тубидан туриб, одамларни ёрдамга чақирган экан: «Ким менинг сўзларимни ёзиб олишнинг уддасидан чиқади! Ким уларнинг китоб саҳифаларига кескич қалам билан ўйиб ёзилишини таъминлай олади...» Робинзон кимсасиз оролда кундалик юритган пайтда дунёдан узилмаган, чунки у ўзини кишилик жамиятига қайтарадиган келажак билан бирга яшаган, лекин шундай бўлса ҳам, Робинзон ҳам ўзининг ушбу умидида, ҳам ўз ёлғизлигини тасарруф этиш усулида – фирт уйдирмадан бошқа нарса эмас. Чунки ҳақиқий Робинзон, яъни унинг прототипи Селькирк ёлғизликдан шунақанги азоб чекканки, наинки ёзиш ҳақида ўйлаб юрган, балки гапиришни ҳам унутиб юборган. Кучли графомания (*ёзишга ўта ишқибозлик, ёзувчиликка*

беҳуда уриниш – тарж.) ҳолати фақат рухий касалликлар шифокорларигагина маълум, унда қандай ўқувчи ҳақида гап бўлмасин, фикрдан тўла узилган холдаги ёзиш жараёнининг ўзи муҳим ҳисобланади.

Эълон қилиш учун мўлжалланмаган деб номландиган нарсалар ҳам бор, булар: шахсий, интим эътирофлар, қайд, ёзув, ёзма хотиралар, хатлар ва х. к. Аммо сир-синаотлар фош бўлиш учунгина мавжуддир. Ёзувчиларнинг вафотидан сўнг, уларнинг қоғозларини нашр этиш таловчиларга хос китоб босиш пайдо бўлиши билан бошланган, деб ўйлаш нотўғридир; эр. ав. I асрдаёқ, Цицероннинг хат-хабар ва ёзишмалари ҳаммага ошкор қилинган. Хат – хоин: кимки унга ўзининг ўй, фикрларини ишонар экан, уларнинг сир сақланишига умид боғламаслиги лозим. Ҳатто дастлабки хомаки лойиҳаларнинг ҳам хавфсизлиги таъминланмаган, улар тадқиқотчининг эътиборини жалб қилиши ва у ёзувчининг обрўсини тўқадиган сирларини, масалан дейлик, бошқа бировларнинг фикрларини ўзлаштириб олганини билиб олиши баробарида кутилмаганда бунинг тескараси – хаёлий, фаразий айб, гуноҳлари оқланиши ҳам мумкин. Бунга бир мисол. Юзеф Биркенмайер Сенкевичнинг ёзувларини бир сидра кўздан кечириб, шу нарсани исботладики, «Ўқ ва тиф» муаллифи аввал асарларни ўқиб чиқиб, сўнгра фикр-мулоҳаза юритган, холбуки, уни бу асарлардан беҳабарликда ноҳақ айблашган.

Бас, шундай экан, эътирофлар, юракдаги, кўнгилдаги гапларни очик-ойдин айтиш, дилдан дардлашишлар, эзгу ишлар ва иллатлар, ўз виждони билан ҳисоблашиш, мукамаллик сари олиб борадиган йўлдаги изланишлар ёки дўстлар ва таниш-билишлар тўғрисидаги аччиқ, зардали танбех, фикр ва мулоҳазалар ҳақида нимаям дейиш мумкин – жамиятдаги бекамни кўст жонқуярлик ва хайрихоҳликлар учун яширини, махфий реванш! Мазкур ёзувларнинг сирин

ва дахлсизлиги ёзувчининг қай даражада маълум ёки машхурлигига боғлиқ: агар у ўртача даражадан юқори бўлса, бу қоғозларга албатга қандайдир қизиқувчан ёки очкўз одамнинг қўл чўзиши турган гап. Тўғри, Польшада бундай хужжатларнинг хавфсиз бўлишига умид боғлаш мумкин, чунки уларга кимнингдир назари тушгунча орадан юз йил ўтади, улар кўпинча ахлатхонада йўқ бўлиб кетади ёки ўзларининг «етимлик» қисматига чек қўядиган ҳарбий ёнғинларни кутиб ётади. Фақат кейинги вақтда Польша қўлёзмалар фондида уруш йилларидаги даҳшатли вайронагарчиликлардан мўъжиза туфайлигина омон қолган мемуарларни кенг миқёсда эълон қилиш бошланди ва бу хайрли ишлар ҳартарафлама маъқулланишга лойиқдир.

Мутлак самимият деган гап бўлмайди. Қалам саҳифа ўртасида бир эмас, бир неча бор тўхтаб қолади, ёлгон доғ туширмаган сўзларга қараётган кўзлар келгусида қачонлардир ушбу саҳифалар узра энгашадиган ёт, бегона, номаълум шахс шарпасидан бир марта эмас, бир неча марта чўчиб, ваҳимага тушади, – ички овозга ғулу солиш учун бундай рефлексия (хаёл суриш)нинг бир лаҳзаси кифоя қилади. Биз одамлар билан шунчалик яқин алоқада бўламизки, улар бизни шу қадар пухталиқ билан кузатадилар, бизга тингшаб қулоқ соладилар, ҳаттоки бутунлай ёлғиз қолиб, қўлга қалам олганимиз захоти, буларнинг барчаси уларга бирпасда маълум бўлади-қолади. Бир вақтлар семинария ўқувчиси бўлган Ренанга, ҳали адабиёт билан машғул бўлмаган, Сен-Сюльписдаги ўз хужрасида ташқи дунёдан холи, интим кундалиги саҳифалари узра мук тушиб ўтирган пайтлари гўё елкаси оша авлод-аждодлар ушбу саҳифаларга қараб тургандек туйилган экан.

Кундалик юритган ёзувчилар ўзларининг барча сирлари ошкор бўлишини олдиндан билиб, тақдир-

га тан беришган. Гуё ўзлари ўз кўнгиллари билан яккама-якка суҳбатлашаётгандай туйилиб, бундай иллюзия (алданиш, хомхаёл)дан воз кечишган ва оммавий иқрор йўлига ўтишган. Адабий истиффор ўзининг мустаҳкам анъаналарига эга – улар Марк Аврелийнинг «Мулоҳазалар»и ва авлиё Августиннинг «Иқрорнома»си билан бошланади. Жан Жак Руссонинг «Иқрорнома»си эса Августин «Иқрорнома»сидаги тўла итоаткорлик ва тавба, пушаймонларни калака қилиш асносида сохта эксгибиционизм намунасига айланган. Руссо ҳаётлигида ўз «Иқрорнома»сини нашр эттирмаган, унинг ушбу жанрдаги давомчилари эса вафотларидан кейин бўладиган публикацияларни кутиб ўтирмай, масалан, Гонкур укаси билан олиб борган кундаликнинг бир неча жилдини ҳаётлигидаёқ эълон қилган. Бизнинг давримизга келиб, Ян Лехонь, Жюльен Грин, Франсуа Мориак, Поль Клодель, Шарль Дюбо ҳам худди шундай қилишди. Натижада интим кундалик айниқса, Францияда тенгхуқуқли адабий жанрга айлангач, у ерда ҳатто бу борадаги энг яхши асарлар учун мўлжалланган мукофот ҳам таъсис этилди. Мактубда ўз аксини топган барча нарсалар муаллифдан қатъий ажралишга ва санъат асари сифатида мақтов ва танбеҳлар, дабдаба ва унутилиш оламига дахлдор бўлишга интилади.

Жюльен Грин томонидан жилдма-жилд эълон қилинган кундалик ёзувчининг деярли ҳар кунги ёзувларидан ташкил топган. Муаллиф уларни танлаётиб, муҳим нарсаларни аҳамиятсизларидан устун қўймаган: унинг учун энг асосийси – «соф ҳақиқат» бўлиб, бу ҳақдаги охириги сўзни вафотидан кейинги нашр учун қолдиради. Гарчи у ҳақиқат учун эҳтиросга берилган бўлса-да, бу унга ўз устидан назоратни йўқотишга ва бошқаларни танқидий баҳолашга ҳалал бермайди. «Мен, – дейди у, – ҳеч бир ёзувчи-

нинг кундалигини билмайманки, токи унда ҳақиқат охиригача айтилган бўлсин. Энг самимий, софдил кишилар ҳам фақат ярим ҳақиқатнигина айтишга журъат қиладилар, холос». Ҳақиқатан ҳам, ҳеч ким бундан ортиғига қодир эмас: инсон ҳеч қачон ҳам дилидагини, ҳам тилидагини айтишга ботина олмайди. Кимга бўлса ҳам. Бу ҳаттоки, одамнинг гашига тегадиган даражада нокамтар Поль Леотанга ҳам насиб этмаган.

Яқин кишилар ҳақидаги фикр нафақат интим ёзувларда қаламни самимият уяладиган сўзлардан чалғитади, балки яқин кишининг кўланкаси ёзувчининг эълон қилиш учун мўлжалланган асарларини янаям кўпроқ даражада бошқариб, ўз қўлида тутлади. Меҳр-муҳаббат шеърятга илҳом бағишлар экан, у ҳамиша севимли кишини назарда тутлади, хис-туйғулар, вазият, ҳолатлар, образлар, иборалар, гап тузилишини айтиб туради ва шу йўл билан бирдан-бир, ягона ўқувчига мўлжалланган асарлар юзага келганки, гўё ҳар бир сўз фақат унинг учун айтилгандай туйилади, унинг табассумини, кўз ёшларини, қучоғини кутади, ҳатто фақат иккаласи учунгина тушунарли бўлган алоҳида интим иборалар билдирмай кириб келади, улар бир-бирига истак, интилиш, муҳаббат билан йўғрилган сўзлар камалаги оша қараб завқланадилар. Ҳар қандай инсоний яқинлик, садоқат, меҳрибонлик туйғуси (баъзан оналар ўз ўғилларининг ижодига уйғоқ, бедор назар ташларкан, бевоҳида аралашмасалар ҳам, аммо биргина сукутлари билан номатлуб, номақбул, ёқимсиз фикр-хаёллардан форигъ этадилар) асарга таъсир кўрсата олади, шунингдек, бошқа туйғулар – раҳм-шафқат, ачиниш, кўнгилчанлик, ҳатто кўрқув ҳам шундай кучга эга. Пшибишевский иккинчи хотинидан (унга бир марта кўзи тушган одам Пшибишевскийни тушунган ва уни деярли оқлаган бўларди) кўрққан ва «Замондошла-

рим» деб номланган китобида Дагне шахсияти ва хотирасини қоралаб ёзган. Император, қирол, князь қачонлардир шундай ҳоқими мутлақ ва тўғри маънодаги мустабид, айниқса, агар у маълумотли бўлса, зулми оғир бўлган; меценат (ҳомий) ҳам золим, зулмкор бўлиши мумкин эди, чунки унга на дадил танбех, на қўпол муомала қилиб бўлмасди.

Ёзувчининг очиқ-ошкоралигини унга шунчаки таниш бўлган одамлар ҳам босиб туради, булар – у бориб турадиган дўстлари, танишлари, бир-бирини озми-кўпми биладиган, муқаррар кўришиб турадиган муайян шахслар даврасига мансуб кишилардир. Сент-Бёвнинг Шатобриан ҳақидаги илк мақолалари ўта ошириб юборилган мақтовлардан иборат бўлган, мадам Рекамьенинг чиройли кўзларига маҳлиё бўлганиданми, мунаққид узил-кесил фикрий ҳукмни кейинга қолдиради: кучли, қудратли хонимни хафа қилиб бўладими, ахир ўзи унга қарам бўлса. Аммо кейинчалик ушбу тор тушунча ва туйғулар олами аста-секин емирилиб, барҳам топгач, Сент-Бёв юзингда кўзинг борми демай, Шатобриандан барча безак, зийнатларни «сидириб» олиб ташлайди ва собиқ энг яхши кўрган кимсасининг ачинарли, аянчли қуп-қуруқ скелетини шафқатсизлик билан ўз ўқувчиларининг янги авлодига кўз-кўз қилиб, ҳавола этади.

Қариндош-уруғлар, туғишган, яқин кишилар ва таниш-билишларнинг сирдош давраси наинки босиб, тийиб, тўсқинлик қилиб туради, балки ёзувчига босим ўтказиб, унга мавзуларни ҳам айтиб туради, унинг ижодий жараёнига ўзи ўйлаганидан ҳам кўра кучлироқ таъсир ўтказиши мумкин. Агар бошқача бўлганда эди, ҳар хил «муза» ва «эгерия»лар тўғрисида бунчалик кўп гапирилмаган бўларди, бироқ бунинг тескариси ҳам содир бўлиб туради: ҳеч нарсага қарамай, аксига олиб, ўчакишиб ёзиш ҳам мумкин. Атрофдаги яқин кишиларнинг муайян муҳитидан зардаси

қайнаб, жахл отига минган ёзувчилар қанча! Улар – чидаб бўлмайдиган, манфур, жирканч, лаънатилар – муаллифга бутун дунё ўқувчиларини алмашган, сўз беайб ёзувчилар қалбини газаб-ла алангалатиб, улардан ўзи учун қасос олган. Архилох қайнатаси билан жанжаллашиб қолиб, заҳарханда шеърятнинг ўзига хос жанрини яратган экан. Шунчаки атрофдагилардан кўра, ёзувчи ўз дўстлари, ҳамкасблари, рақиблари билан янаям яқинроқ алоқада бўлади – ва бундай «уруғ-аймоқ» кўпинча хоҳ адабий салон, қаҳвахона ёки муайян адабий гуруҳ бўлсин, ёзувчига нисбатан ўз зулмини ўтказиш пайида бўлади, бундан эса фақат ё қочиб ёки алоқани батамом узиш орқалигина қутулиш мумкин.

Ҳозиргача биз қанақадир кичик оилавий гуруҳ, давра ҳақида сўз юритдигу, лекин асосий фигура – ҳақиқий китобхонни анча узоқ куттириб қўйдик, бинобарин, у киноявий таъриф-тавсифларга мухтож эмас ва адабий асарлар билан мулоқот қилган пайтларида муаллиф учун кўринмас, узоқ ва номаълумлигича қолган бўлишига қарамай, ўзининг ўқувчи деган номига бутунлай ҳақли равишда сазовор бўлган. У сирлилиги билан хавотир уйғотувчи номаълум кўчада, кичик шаҳарларда, овул, кишлоқларда яшовчи адресат, китоб витриналари олдида бир зум тўхтаб ўтадиган йўловчи, бўш вақтларини хиёбондаги ўриндикда, вагонда, каравотда ўтириб, китоб мутолаасига бағишлайдиган кимса. Хўш, ким у, яширин иттифокчими ёки душман?

Китобхон, ўзи билмаган ҳолда, китоб унга етиб бормасидан анча олдинроқ, унинг ҳаммуаллифи ҳисобланади. У иккиланишлар, курашлар ва ижодий фикр, ғоялар ечими ҳал бўлаётган дамларда муаллиф билан бирга яшайди. Муаллиф унинг ўзига қараб турган нигоҳини сезади, кулги ёки кўз ёшларини кутади, агар унинг чехрасида сабрсизлик, норозилик

ёки газаб аломатларини пайқагудай бўлса, чекинишга ҳам тайёр туради, баъзан эса бундай ташқи белгилар муаллифни рухлантириб юборади ва у ўқувчининг жигига тегиб, жаҳлини чиқара бошлайди. Кўзга кўринмас китобхон, гарчи у ўзига хос хусусиятларга эга бўлмаса-да, бироқ унинг дин, эътиқод, мазхаби, фуқаролиги, миллати, келиб чиқиш ва насл-насаби, ёши, фуқаролик ҳолати, мулкдорлик цензи, жинси кўрсатилган шахсий гувоҳномаси бор. Баъзи бир ёзувчилар фақатгина аёллар, хотин-қизларни мўлжаллаб ёзсалар, бошқалари – ёшлар, зиёлилар, дехқонларни кўзлаб ижод қиладилар. Уларнинг ҳис-туйғуларини, тушунчаларини англашга ҳаракат қиладилар, борди-ю монелик қилмоқчи бўлишса, буни улар билан ҳисоблашиб, ўй, фикрларидан узоқлашмаган ва ўз ният-мақсадларини бузиб кўрсатмаган ва ўз ўқувчиларининг идрок қилиш хусусиятларидан четга чиқмаган ҳолда амалга оширадилар.

Бундай махфий битим адабиётда маълум бир йўналиш, интилиш ёки муайян бир синф вакилларининг асрлар оша устунлиги ёки ҳукмронлигини таъминлай олади. Поляк адабиётида дворянлар табақаси узоқ вақт ана шундай имтиёзга эга бўлиб келди. Унинг ҳаётий идеалларини, симпатия (ёқтириш) ва антипатия (ёқтирмаслик) туйғуларини, Польша ва унинг тарихи ҳақидаги тасаввурларини ушбу табақага мансуб бўлмаган, аксинча, унга душманлик руҳидаги ёзувчилар яратган. Бошқа даврларда ёки бошқача жамиятларда ана шундай ҳақ-ҳуқуқлар шаҳарлик мешчанларга, ҳарбийлар, дехқонлар, руҳонийлар, амалдорлар тоифасига берилган. XIX асрда китоб босиш маданияти юксалиши билан китобхонлар оммаси фавқулудда кўпайиб, турли соҳаларга бўлинишлар рўй берди ва шундан буён ёзувчи олдида танловнинг катта имкониятлари пайдо бўлди – у ўз китобини кимга хоҳласа: хоҳ жамиятда ўз мавқеига эга

кишиларга ёки омадсизларга бўлсин, хоҳ билимли ёки оми одамларга бўлсин, йўллай олади, хоҳлаган ижтимоий синфларга ёки сиёсий эҳтиросларга хизмат қила олади. Мана шундай хилма-хил манзаралар замирида бир қарашда торгина кўринган, аслида эса хийла кенг, каттагина, масалан, «тутуриқсиз, саёз, бемаза адабиёт ўқувчилари» деб аталмиш гуруҳни ҳам учратиш мумкин.

Китобхонларнинг танлаб олинган маълум бир тоифасига дарҳол беҳато йўл топа оладиган, ўта эҳтиёткор, зийрак ва сезгир дебютант (бошловчи адиб) лардан ташқари қолган барча ёш, фикр-хаёли бир ерда бўлмаган, аммо ўзига ортиқ даражада ишонганлари адабиётга тусмоллаб, таваккалига интиладилар. Уларнинг биринчи китоби – тундаги қичқирик, уни ким эшитади ёки ким жавоб беради, буни ҳатто бошловчи ёзувчининг ўзи ҳам билмайди. У сукутдан бошқа ҳамма нарсани ҳисобга олиб қўяди. Наҳотки, бамисоли чумоли уясидек виж-виж одамлар орасида уни тинглайдиган, тушунадиган, ёктирадиган бирор кимса ёки бир ҳовуч хайрихоҳ топилмаса, бу унинг ўзига ақлга тўғри келмайдиган, фавқулудда ҳодиса бўлиб кўринади. Ва айнан мана шу иложсиз нарса ечими бирданига ҳал бўлади. Сэвиж Лэндер ўзининг илк китобчасидан атиги икки нусха сотишга муваффақ бўлган – бирини Кольриж, бошқасини – Квинси сотиб олади. Сэвиж Лэндер ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги учун шунинг ўзи кифоя эди. Қўшимча қилиб айтиш лозимки, бу аристократнинг етарли маблағи бўлиб, у одамларнинг лоқайдлигига шундай лоқайдлик билан жавоб қайтариб, такаббуруна сиполик йўлига ўтволади.

Инсонни ўзининг бутун ҳаёти мобайнида баҳога, баҳоланишга бўлган зориқиш қийнаб келади. Унинг ҳар қандай, ҳаттоки энг арзимас хатти-ҳаракати ҳам, фикр билан боғлиқ зигирча сўз ҳам ўз баҳосини

олишга интилади. Ўзини ўзи эътироф этиши уни ҳеч қачон қониктирмайди, унга бошқа одамлар томонидан бериладиган баҳо керак. Бундай хоҳиш эса ўйин-чоклар билан овунадиган болага хос. Аммо ўз ижоди-га берилган баҳога нисбатан лоқайд ёзувчини тасаввур қилиш даҳшатнинг ўзгинаси, бундай одам ўзининг чорасиз ёлғизлигини қай гўрга, қайси одамсиз биёбонга кўмган бўлиши мумкин! Ёзувчи – кенг микёсда танилган инсон, бу туйғуни у анча юқори даражада ҳис этади. Бир неча маъқулловчи овозлар бу зориқишни қондиrolмайди ва у ҳам худди Гётега ўхшаб, агар миллионлаб ўқувчиларга умид боғлай олмас экан, унда ёзишдан маъни йўқ, деб ҳисоблайди. (Эндиликда биз яхши биламизки, Гёте ўз даврида бунга бемалол умид қила олган. Лекин шу билан бирга баъзи бир далиллар ҳам мавжуд: биринчи жаҳон уруши арафасида китоб дўконларидан «Ғарбу Шарқ девони»нинг илк нашрига оид нусхаларини топиш мумкин бўлган, иккинчи нашри эса орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгач, чиққан. «Ҳерманн ва Доротея» ҳам яхши сотилавермагач, ношир Фивег харидорларни совғалар билан кизиқтиришга ҳаракат қилган.)

Уларнинг сони эса мингтага ҳам бормайди. Жимлик, жавобсизлик иродаси сусларни синдиради, қатъиятли тиришқоқлар эса таслим бўлмай, Стендаль каби ўз йўлидан сабот билан олға бораверадилар: унинг «Мухаббат ҳақида»си атиги бир неча нусха сотилган эди, холос. Энди эса ўша нашр харидорларининг деярли ҳар бири махсус монографияга сазовор бўлиб турибди. Кўпчилик ёзувчилар ваҳимали сукунатни тушунишга ва ундан ўзлари учун сабоқ олишга ҳаракат қиладилар. Бальзак уни оммавий жимжитлик хатолиқдан олиб чиқмагунга қадар, Вальтер Скотт каби «олтин кони» (осон даромад манбаи)га ўзини уриб, ўз ўқувчиларини дастлаб трагедия ва тарихий романлар билан забт этган эди.

Драматург ўз томошабинлари билан юзакироқ бўлса-да – юзлари, имо-ишоралари, ташки қиёфаларига қараб – танишиши ва агар ўзи истаса, спектакль кунлари уларнинг бевосита таассуротлари ва хатто антрактлар чоғида ўз пьесаси ҳақидаги суҳбатларни ҳам эшитиши мумкин. Ёзувчи эса ўз ўқувчиларини ҳеч қачон кўрмайди ёки уларга камдан-кам ҳолларда рўпара келади. Улар хат ёзиб муносабат билдиради, лекин хатларни ҳам энг журъатлилари ёзади. Китобхонларга ғалати тортинчоқлик хос ва улар муаллифга мактуб ёзгунга қадар, орадан йиллар ўтиб кетади. Муаллиф ноҳақ, адолатсиз ва ҳақоратли хатлардан ташқари қолган барча мактубларни миннатдорлик билан қабул қилади. Ахир бу ёзувчи учун ўзига хос воқеа, чунки номсиз китобхонлар оммасини ўраб олган туман ичидан бирдан кимнингдир исми, хонаси ёки уйи пайдо бўлади. У ерга унинг сўзи етиб борган, уни севишади ва қадрлашади, ёзувчига хатто бегоналар ҳаётига разм солиши учун имкониёт ҳам беришади, бу нарса баъзан бетакаллуф ва кескин тарзда содир бўлиши ҳам мумкин. Ёзувчини ўзи ҳеч қачон кутмаган овозлар ҳайрон қолдиради, унинг олдида гуё узоқ-узоқлардан келган одамлар пайдо бўлади ва унга янги фикр, ғояларни айтиб, унинг қаламига мансуб китобнинг муҳимлигини, ҳар бир сўз учун масъулиятини таъкидлайдилар. Баъзан хат ёзишишлар бошланиб кетади, сўнгра бир-бирлари билан танишишиб, дўстлик ришталари боғланади ва бу алоқалар хатто эхтиросли муҳаббатга ҳам айланиши мумкин. Ганская хоним айнан шу йўл билан Балзак ҳаётига кириб келган.

Ёзувчиларни, айниқса, улар орасидаги баланд-парвоз муваффақиятга интиладиганларни кўпинча китобхонга хушомад қилишда айблашади. Ёзувчи шухрат қозониб, машҳур бўлдими, тамом, у ўзининг қаламкаш ҳамкасблари ва танқидчиларнинг ҳурмати-

дан маҳрум бўлади. Адабий давраларда катта адад (тираж)ларни одатда муаллиф асарининг тўлиқ сифатсизлигига ишонарли далил сифатида қабул қилинади. Бундай мулоҳазани, ўт-олов ёшлардан ёки иши юришмаган омадсизларданми, кимдан чиққанлигидан қатъи назар, рад этишдан маъни йўқ. Лекин нима бўлгандаям, ўқувчилар доирасининг янада кенгайиши ёзувчининг ўз-ўзига нисбатан талабчанликни ошириш ўрнига, аксинча, камайтиришига туртки бўлиши аниқ.

Кўриниб турибдики, бу ерда масала ўйлаганимиздан кўра хийла мураккаброқ. Адабий асар яратаётганда дунёни ўзига хос ҳис этиш туйғусини бошқа одамларга ҳам етказиш ният-мақсади ёзувчини сўзнинг коммуникатив имкониятлари чекланганлиги билан ҳисоблашишга, ифода усулига нимаики ён бермаётган бўлса, барчасидан воз кечишга ва бу ишни яхшиси, рамзларга ишониб топшириш ёки шама, ишоралар шаклида амалга оширишга мажбур қилади. Агар Браунингга ўхшаган «огир шоир» ўзининг рухий ҳолати ҳақида бир гуруҳ ёшларга хабар берадиган шифрдан фойдалана олса ва бунинг «калити» ёшларга ҳам маълум бўлса, машҳур ёзувчи бу ҳақда ҳатто орзу ҳам қилолмайди. У ҳамма нарсада оддий китобхонга аниқ ва тушунарли бўлишга интилади. Нодир, камёб, фавкулодда сўзлардан фойдаланишни, хаддан ташқари жимжимадор, тамтароқли муқоясалар қўллашни ўзига раво кўрмайди, ўзгача, ғайриоддий, айниқса, теран ва мураккаб интеллектга, ўта огир ва нозик рухий ҳолатга эга ва мураккаб эмоционал ҳиссиётларга қодир бўлган ҳамда ҳаётда фавкулодда вазиятларга тушиб қоладиган қаҳрамонлардан ўзини олиб қочади. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи сийқаликнинг бутун юкини ўзига олишга мажбур ва баъзан уни чиндан ҳам қаҳрамонона кўтариб юради.

Охирги жумла ёзувчининг вафотидан кейин топиладиган қоғозлар етказадиган таъсирли, кўнгилни эритадиган, қутилмаган воқеаларни ёдга солади; тугалланмай ташлаб қўйилган эсселардан, йўл-йўлакай айтилган фикр, мулоҳазалардан, қисқача қайд, хотиралардан унчалик талабчан бўлмаган ўқувчи ва томошабинлар учун мўлжаллаб ёзилган оммабоп романлар ва театрбоп пьесалар муаллифининг қутилмаган парвозларини ва у ердаги ёлғизликдан ўз мухлислари томон тушиб келганини билиб оламиз. Ва бундаин қурбонлар олтин (бойлик) меҳроби учунгина келтирилган экан-да, деб ўйлаш хато бўлур эди, чунки уларни кўпинча бенуксон олижаноб ниёт-мақсадлар: маърифатпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари тақозо этган бўлади. Элитар (энг сара) ва одамларга аралашмайдиган, дамдуз адабиёт ўчоқлари мақтанадиган сийқаликка мурасасизлик аслида санъат софлиги тўғрисида оқилона ғамхўрлик қилиш ўрнига кўпроқ беҳуда, бўлмағур, маъносиз гаплардан иборат ва айни чоқда мазкур эстет (*эстетизм тарафдори* – тарж.)ларнинг бағритошлигидан ҳам дарак беради. Сийқаликнинг муайян бир улуши наинки муқаррар, балки хатто кенг оммага қаратилган ҳар қандай асар учун ҳам зарурдир. Эпопеяни Рембо ёки Маллармега хос бадиий усуллар билан ёзиш мумкин эмас. Данте ўзининг бутун поэтик интизоми ва принципаллигига қарамасдан, жаннатнинг шаффоф қасрини одатдаги, кундалик дунёвий нафас билан янгилаб, жонлантирмоқ учун оддий терциналарга мурожаат қилади.

Аммо бу ҳақда, афсуски, камдан-кам эслашади – камтарлик қилиб, ўта моддий, амалий руҳда ёзадиган муаллифлар ҳам бор. Адабиёт оламида ниҳоятда камёб бўлган бу яхши фазилат ўз намояндаларига эга ва улар орасида гоҳ-гоҳ Болеслав Прус каби жозибадор нимб (ёғдусимон айлана – муқаддаслик

рамзи)дан мунаввар бўлганлар ҳам учраб туради. Ўзининг кўпгина ўқувчиларидан кўра донороқ, ақллироқ ва билимдонроқ бўлган Прус ҳеч қачон улардан ажралиб турмас ва уларга тенгга тенг каби, хайрихоҳлик ва ҳурмат билан муомала қилар эди. У ўзининг ҳатто энг ювош, итоаткор қаҳрамонларига нисбатан ҳам худди шундай муносабатда бўларди. Баъзан ўз имкониятингдан пастроқ ёзишингга ҳам тўғри келаркан.

Машҳур ёзувчиларни кони ақл, доно деб ўйлаб, уларга ортиқча баҳо бериш ярамайди, кўпинча уларнинг айтиб бўлганларидан ташқари ортиқ сўзлайдиган гаплари ҳам қолмайди. Китобхонлар фикрига кўра, Сенкевич бундан бир неча йиллар муқаддам Польшада бир жилд кичик асарлар тўплами нашр қилингандан сўнг, жуда кўп нарса йўқотган. Тўпладан ёзувчининг оммавий чиқишлар чоғида сўзлаган нутқ матнлари, интервьюлардаги саволларга қайтарган жавоблари ва кичик мақолалари ўрин олган бўлиб, уларда қаҳрамонлари – Кмициц ва Володиевскийлар тилидан эмас, балки ўз номидан гапирган. Шу аснода унинг янги, теран ўз сўзини айтишга ноқобиллиги тўла сезилиб қолган. Унинг асарларидан танлаб олинган «олтинга тенг фикрлар» – йиртма тақвимда акс этган ҳикматлардир. Реймонт бунақанги нарсаларни топиб гапиролмасди.

Флобернинг ўз асарларидан ташқарида қанчалик гўл, содда бўлганини билсангиз эди! Пруст унинг муқоясаларини кўздан кечираркан, улардан биронтаси ҳам ўз романидаги персонажларнинг ақлий даражасидан ўтолмаслигига амин бўлган. Агар биз Флобернинг хат-хабар, ёзишмаларига эга бўлмаганимизда, бу ҳали унчалик ишонарли далил бўла олмас эди. Адабиётдаги энг нафис мактублар турига мансуб бўлган, сўз учун унутилмас кураш ва санъатга бўлган эҳтиросли муҳаббат акс этган мазкур хатлар

айни чоқда мукаммал жумлалар уйғунлигига тааллуқли бўлмаган барча нарсаларга хос фикрларнинг кашшоклиги, ўй, мулоҳаза ва қарашларнинг соддалиги билан кишини ҳайрон қолдиради.

Ўта сезгир, зийрак ёзувчилар (буни таъна оҳангида айтмаяпман, чунки нафақат китобхон, балки кўпроқ даражада – ўз санъатларини оммалаштиришга бўлган интилиш ҳам уларни зийрак, сезгир бўлишга мажбур қилади) ҳам борки, улар жанрлар, мавзулар ва услубни хилма-хил қилишга тиришадилар. Флобер ўз табиатининг иккиёкламалигидан фойдаланиб, тизимли равишда «ҳосил алмашиши»га эриша оларди: дам реализмга шўнғиб кетса, дам фантастика билан яшар эди. Ташаббускор мадам де Кайаве Франсни «Қизил нилуфар»ни ёзишга ундаб, сўзида қаттиқ туриб олган, хонимнинг фикрича, дўстининг адабий фондида «дунёвий роман» ҳам бўлиши лозим, акс ҳолда у ҳақда «эрудицияни эрмак қилишдан бошқа ҳеч вақо қўлидан келмайди» деб ўйлашлари мумкин экан. Конрад ўз ижодининг энг сўнгги даврида денгиз тематикасини қўйиб, ўзининг илк романларидан анча узоқлашиб кетган ва ўз ижодий ва тасаввур кучини тўла ишга солган ҳолда бошқа мавзуларга қўл урган. Тематика ва жанрлар хилма-хиллигини суиистеъмол қилиб, дам романдан драмага, дам эсседан лирикага сакраб, кўчиб юриладиган бўлса, йўлдан бутунлай адашиб, ушбу жанрларнинг ҳар бирида ҳам муваффақиятсизликка учраш мумкин.

Ҳаёти бошдан-оёқ бир текис ва силлиқ кечган, бир хил маслак, эътиқод ва идеалларга мувофиқ равишда ўтган ёзувчи камдан-кам топилади. Аксарият адиблар турли хил ўзгаришларга дучор бўлади. Масалан, тинчлик, хотиржамлик, ҳаловат, қувноқлик, шахвоний ҳис бирданига йўқолиб, одам офир ўй, ҳаёлларга, ғам-ғуссага, дилгирликка берилади, ҳаёт лаззатларидан воз кечиб, ҳаётида қийин дамлар

бошланади. Бундай ҳолатга тушган ёзувчи ўзи шу пайтга қадар ҳузур бағишлаб келган ўқувчиларига ортиқ умид боғлай олмайди, уларнинг жуда озчилиги унинг ижодидаги ўзгаришларни тўғри қабул қилиб, аввалгидек содиқ қолади, аммо шунинг баробарида у бошқа мухлисларнинг эътиборини қозонади. Шунингдек, рухий ҳолатида ва турмуш тарзида ҳам жуда чуқур ўзгаришлар содир бўлади: ёзувчи бошқа динни, ўзгача ижтимоий мафқурани қабул қилиши, илгарилари ўзини узоқроқ олиб юрган сиёсий ҳаётда иштирок эта бошлайди. Ўзгариш узоқ давом этган жараённинг охири даври бўлиши, шу билан бирга – ўз-ўзидан ёки бошқа одамлар, маълум бир воқеаларнинг таъсири остида бирданига рўй бериши ҳам мумкин, улар ёзувчини танлов қабул қилиб, мустақил қарор чиқаришга мажбур қиладики, агар вазият босими демаса, улардан жон-жон деб бўйин товлаган бўлар эди. Бўлиб ўтган ўзгаришлардан сўнг, ёзувчи энди аввалги ўқувчилари ҳақида ортиқ ўйламайди, балки янгиларини кидира бошлайди. Бордию у машҳур бўлса, эскиларини ҳам йўқотмайди, аммо улар энди уни рағбатлантирмайди ёки тийиб ҳам туришмайди. Честертон католиклик мазҳабига ўтгандан сўнг, унинг аҳволи худди шундай кечган.

Франция адабий ҳаётида Дрейфус иши тарихи жуда қизиқ ва унга ҳали-ҳануз катта эътибор қаратиб келинмоқда, чунки уни деб, атоқли ёзувчиларнинг бутун бир гуруҳи дафъатан бир-бирига душман бўлган икки лагерга ажралиб қолади. У ерда иккиланишлар, хавотир ва дадил, қатъий қарорлар, жасорат билан бир қаторда эҳтиёткорлик, эски муҳит билан алоқани узиш ва янгисига ўтиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар кафтдагидек кўриниб туради. Кўпсонли мемуарлар туфайли биз худди самимий нутқни тинглагандай, эртага ўз нашрларини, ҳамкорлик қилиб турган журналларини, азиз меҳмонлари

бўлган уйларни ва ниҳоят, – илгариги ўқувчиларини йўқотишлари кутилган кишиларнинг фикр, хаёлларини деярли топгандай бўламиз. Биз икки палласида маълум ўтмиш билан номаълум келажак тебраниб турган тарозини кўрамиз. Гоҳо ижод характерини батамом ўзгартириб юборадиган танлов натижалари ҳам кўриниб турадики, бунга Жюль Леметрни мисол қилиб келтириш мумкин.

Анатоль Франсининг Клод Авелин томонидан ишлов берилган «Vers les temps meilleurs» – «Яхши замонлар сари» номли тўпламининг биринчи жилди муаллифнинг давр мухити ақс этган қатор мақолалари ва нутқларидан иборат бўлиб, «адабий стратегия» деб аташ мумкин бўлган тушунчанинг ёрқин намунаси сифатида хизмат қилади. Хурфикр ва тараққиёт тарафдори бўлган Франс узок йиллар давомида ўзининг хақиқий фикр ва қарашларини улардаги радикализм ва кескинликни юмшатиб турувчи турли хил ниқоб ва либослар остида яшириб келишга мажбур бўлди. Кибрли киноя, кесатиклар ва (фақат зохиран) кўнгилчан скепсис (ҳар нарсага шубҳа билан қараш – тарж.) ҳатто Франс ҳар ҳафта ўз фельетонлари билан қатнашиб турган консерватив руҳдаги «Temps» – «Вақт»ни ҳам заррача хижолат қилмайди. Унинг очик, самимий ёзилган «Шаҳар қайрағочлари остида» номли илк китоби босилиб чиққач, Ғае: «Enfin!» дея бежиз хитоб қилмаган. Эҳтиёткор скептик (*ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи – тарж.*) ниҳоят, замонавий ҳаётнинг кескин мухитига шиддат билан отилиб, унга ҳамла қилганди.

Романнинг айрим боблари икки йил мобайнида «Echo de Paris» – «Париж ақс садоси» саҳифаларида босилди, бироқ улар бутун роман ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини беролмади, асар ниҳоясини эса анча узок кутишга тўғри келди. 1896 йилнинг 24 декабрида Франс Академияга сай-

ланади. Орадан йигирма кун ўтгач, аллақачон тайёр бўлган, лекин шу пайтгача муаллиф томонидан ушлаб турилган «Шаҳар қайрағочлари остида» романи алоҳида китоб шаклида дўконларда пайдо бўлди. Хали ҳайрат хитоблари тўхтаб улгурмай, Академиянинг юсак минбаридан туриб, Франсинг илк овози жаранглади: у Арманистонни ҳимоя қилиб чиқди. Олти ёшлигида туғилган орзуси – Академия билан боғлиқ ижтимоий фаолиятининг ўттиз йиллик даври ана шундай бошланди. Унга сайланган лахзадан бошлаб, ўз фикр, мулоҳазаларини очик-ойдин айтишга журъат этди. «Ўзинг фойдали ва адолатли деб ҳисоблаган нарсанг ҳақида очик-ойдин гапира олиш имконияти – бу жуда катта қониқиш!» – дея енгил тин олган эди у «Жанна д’Арк ҳаёти»га ёзган сўзбошисида. Ногаҳоний ўзгариш минглаб одамларни ҳайратга солди, қаҳр-ғазаб, нафратга тўла хитоблар янгради, аммо Париждан ташқарида уларни деярли ҳеч ким эшитмади. Ўзига янги тарафдорлар орттираркан, Франс олдингилариниям йўқотмади, чет эл эса унга ҳатто вафотидан кейин ҳам содиқ қолди.

Ҳамонки, «чет эл» сўзини тилга олдимми, энди унга бир оз тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Ушбу сўз ҳар доим ҳам бир хил маънони аниқлатмаган. Юнон-рим дунёсида, Рим империяси даврида, очиғи, ҳеч қандай чет эл мавжуд бўлмаган: ҳеч ким ўз асарини алоҳида гуруҳлар ёки қандайдир хитойликлар учун мўлжаллаб ёзмаган. Икки тил – юнон ва латин тиллари – фақат юнон тили кўпроқ, ўша даврнинг бутун китобхонлар оммасига хизмат кўрсатган. Мазкур ўқувчилар учун ажнабийлар, масалан, ўша замонлардаёқ ўз адабиётига эга бўлган бирдан-бир, ягона халқ – яҳудийлар ҳам асарлар ёзишган. Искандариялик Филон, Иосиф Флавий барчага ўз мамлакатлари ҳақида, унинг тарихи, анъаналари ва адабиёти тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қи-

лишган. Икки аср олдин ўз мамлакати учун худди шундай ишни бобиллик Берос ҳам қилган эди.

Ўрта асрларда латин тили сарҳад билмаган, миллий эмас, балки умумевропа миқёсида фикр юритган гуманистлар даврида ҳам худди шундай бўлган. Петраркага бир куннинг ўзида ҳам Париж, ҳам Рим шеърий чамбар тақиб, эхтиром кўрсатган. Клеменс Яницкийга Болоньяда гулчамбар тақишган. Гуманистларнинг асарлари қайси миллатга мансублигидан, муаллифнинг қаерда яшашидан қатъи назар, ҳамма ёқда бирдай босилган. Инсонпарвар ёзувчи ватандош ўқувчи учун эмас, балки ўзига интеллектуал яқин бўлган китобхон учун ёзган, унинг кимлиги ва қаерданлиги муҳим бўлмаган.

Миллий адабиётлар юксалиб, римликлар юнонларнинг қизиқиши ва мақтовига сазовор бўлиш учун юнон тилида, юнонлар эса, Полибий каби, римликларни «мўлжалга олиб» асарлар ёзган ўша ўтган замонларни жонлантириб, ҳаётга қайтарган. Ажнабий китобхоннинг таъб-дидини, унинг типаж (*бирор образ яратиш учун намуна бўлиб хизмат қиладиган шахс – тарж.*)ни аниқлаш кийин эмас эди. Янги замоннинг баъзи бир адабиётлари ушбу китобхонни ўз она тилларининг кенг тарқалганлиги туфайли ҳеч қандай кийинчиликсиз, осонгина забт этишган. Бунга ҳаммадан ҳам аввал француз тили муваффақ бўлган. Француз тилида XIII ва XIV асрларда ҳатто чет элликлар (Марко Поло, Брунетто Латини) ҳам ёза бошлаган, келгусида унинг қаторига италян ва испан, кейинчалик эса – инглиз (XVIII ва XIX асрлар оралиғида) ва ўтган юзйилликда дунё сахнасида чиққан олмон тиллари келиб қўшилган. Қолган бошқа барча адабиётлар эса, хорижлик китобхонни фақат таржималар воситасида забт этишларига тўғри келган.

Инглиз ва француз ёзувчилари чет эллик ўқувчига шунчалик кам эътибор қаратадики, уни деб ўз

асарларида бирон нимани ўзгартириш ҳақида ўйламайдилар ҳам. Баъзида алоҳида ҳисоб-китоб тақозоси, масалан, кенг китобхонлар бозорини қўлга киритиш билан боғлиқ бўлган истисноли ҳоллар ҳам учраб туради, бунга бир неча ўн йиллар олдинги Германияни мисол қилиб келтириш мумкин ва балки яқин келажакда ўзининг оҳанжамадор бестселлерлари билан Америка ҳам унинг ёнидан жой олса ажабмас. Бунда албатта, Нобель мукофоти ҳам рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бошқа мамлакатларнинг ёзувчилари, чет эллик китобхонларга йўл очилди дегунча, уларнинг таъб-диди, урф-одатлари билан жиддий ҳисоблашишга киришадилар. Ёзувчи муайян, масалан, тор миллатчилик руҳидаги, ўз мамлакатининг тарихи ва урф-одатлари билан боғлиқ мавзулардан, композиция ва услубнинг, ҳодисалар ҳамда одамларни руҳий-ахлоқий жиҳатдан баҳолашнинг маълум бир усулларидан онгли равишда ўзини олиб қочади. Мен бир поляк ёзувчисини танирдим, у ўз асарларининг таржима қилинишини олдиндан билгач, қийин талаффуз қилинадиган фамилиялардан, мураккаблаштирилган имлодан қоча бошлади, фабула (*бадиий асарда тасвирланган воқеалар занжири – тарж.*) ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади, у маҳаллий колоритдан шу қадар маҳрум қилинган эдики, муаллиф ҳатто поляк табиат манзараси ҳам халал бермасмикин, дея иккиланишгача бориб етганди. Бунақанги мослашувчилик, замонасозлик оқибатида ҳолландиялик таниқли бир адиба билан рўй берган шармандали ҳолатларга тушиб қолиш ҳам ҳеч гапмас, у чорак аср мобайнида хотин-қизлар озодлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиб, олмон китоб бозорини забт этгач, уни Гитлер ҳукмронлиги даврида бой бериб қўйишдан қўрқди шекилли, аёл тимсоли – ибратли она, ҳафсала

билан, тиришиб пайпоқ ямаётган уй бекасани зўр бериб мақтай бошлаган.

Юқорида қўлланилган «адабий стратегия» ибораси, бу – мажоз, истиорадир. Ягона муаллифларни ташаббускор дея атаб, адабий гуруҳларни отрядларга, уларнинг фаолиятини эса – ҳарбий экспедициялар ёки кампанияларга ўхшатган ҳолда уни ривожлантириш мумкин. Бунда ҳеч қандай янгилик йўқ, чунки адабиётга оид бундай ҳарбий атамашунослик илгарилари ҳам, гуманистлар ва айниқса – Наполеон бургутлари қанотларининг шувиллаган овозларига йўғрилган романтиклар томонидан ҳам бажонидил қўлланиб келинган. Ўшанда душман қалъалари қамал қилиниб, шиддатли ҳужумлар натижасида жанглар («Эрнани» учун бўлган машҳур муҳораба ҳам) ғалаба билан тугаган, курашчан, жанговар романтикларнинг луғати эса, милтиқдори (порох) билан тўлдирилган эди. Уларнинг Мицкевич, Гюго сингари ўз саркардалари бор эди, – кучлироқлари бор кучи сон ва сершовқинликдан иборат бўлган кучсизларини қўллаб-қувватлаган. Романтиклар дадил ва жасур эдилар, улар шавқ-завқ, ғайрат ва иштиёқ уйғотар, бу эса уларнинг ўзига руҳ бағишлар эди. Ушбу воқеа адабий жанглар майдонидаги охириги йирик кампания эди, барча кейинчилари (улар кўп бўлган) эса, бу қадар на қанот қоққан, на қулоч ёза олган.

Кўринмас иттифоқчи – китобхон – ўзи англамаган ҳолда адабий асар устидан ҳукм юргизади. Адабий жанрлар тақдирини, бирини маъқулласа, бошқасини тан олмай, ҳал этади, мавзуларни мажбуран қабул қилдиради ёки рад этади, композиция (бадий асарнинг тузилиши)га аралашади, персонажларга таъриф бериб, уларнинг диалогларини, сўзларини айтиб туради. Монархия давридаги француз адабий салонларининг нақадар зулмкор, насрдаги беўхшов иборалар,

ғализ, палапартиш гап тузилишларига қанчалик бе-шафқат бўлганини шеърлардаги биронта ҳам сифатнинг отдан ажралиб, кейинги шеърый сатрга «сақраб» ўтишга журъат қилолмаганидан ҳам билса бўлади:

*Наҳотки у келган бўлса?
Яширин зина бўйлаб...*

Виктор Гюгонинг исёнкор ва дадил «Эрнани»си ана шундай бошланади.

Романтизм мазкур «тойиб кетган» шеър билан «яхши муомала»нинг қонун-қоидаларига қарши чиққан. Лекин буни томошабинлар залининг ярми олқишлар билан кутиб олган – янги иттифоқчилар ўзлари ҳақида шундай маълум қилганлар ва шу дақиқадан бошлаб, уларни лирик асарлар муаллифлари, драматурглар ва романнавислар эътиборга олиб қўйишган. Польшада бу воқеа ўн йил олдинроқ содир бўлган. Янги иттифоқчиларнинг катта куч эканлиги маълум бўлди. Романтик ёзувчилар ўз шон-шухратларининг ярмиси учун завқ-шавққа тўла ўқувчилардан қарздор эдилар, бу иштиёқ ижодкорларга жасорат, ижодий куч-ғайрат, бекиёс сермахсуллик бахш этар ва улар қалблари қувончга тўлиб, янги ғоялар, янги шакллар сари ошиқардилар.

Адабий асар тингловчилар ва китобхонлар учун мўлжаллаб ёзилади. «Ўзим ва Музалар учун куйлайман» – ушбу формула ҳар доим «чунки» деб бошланадиган қўшимчага эга бўлади. Ёзувчи ўзи ва музалар учун ижод қилишига иқрор бўлса, унга ҳар гал мана шу «чунки» – таъна, гина-кудурат, айблов ва қаҳр-ғазаб, нафратнинг бошланиши ҳамроҳлик қилади. Ҳар бир киши одамларнинг кулоқ солиб, уни тинглашларини истайди, кимки буни тан олгиси келмаса, у ё ўзини ўзи алдайди ёки ўзини яхши билмайди. «Ўзи учун ёзиб-чизиш», бу – ҳафсаласи пир

бўлган, ихлоси кайтган қари қизларнинг имтиёзидир, лекин ўзларига қолса, кимнинг олдида бўлмасин, атирсовун ва ландиш хиди анқиб турган, даста-даста кўлёмалар солинган қутини жон-жон деб очишдан ҳам қайтишмайди.

Аччиқ алам ёки кўнгил қолиши ҳатто буюк ёзувчини ҳам «ўзи учун ижод қилиш»га ўтишга мажбур қила олади. Фредро билан ҳам шундай бўлган, у ўзининг янги комедияларини эълон қилишни ва сахнада қўйишни тўхтатиб қўйган; «...чунки ҳозир мен фақат ўзим учун ёзяман», – деб таъкидлайди у ўзининг «Учга уч» деб номланган хотиралари якунида.

Флобер ўзининг илк китобчаси – «Бовари хоним» чиқар-чиқмас, ҳаётига беҳосдан кириб келган ўзгаришдан хайрону лол бўлиб қолган. Уни ёзаётган пайтидаги бир-бири билан дам-бадам алмашилиб турган омад ва мағлубиятлар, кўтаринкилик ва тушқунлик асносида насрий маҳоратини ошириб бораркан, у ўзини озод, эркин ва мағрур ҳис қилар, ундан ажралгач, яширинган пана жойидан чиқиб, ўқувчилар кўз олдида ҳозир бўлгандан сўнг, ўзини гўё сотилган қулдек ҳис эта бошлайди. Ёзувчиларни азал-азалдан қийнаб келаётган барча даҳшатлар унга шиддат билан ёғилади: хайрихоҳ маслахатгўйлар, цензура ва суд, танқидчилар ва китобхонлар, қаноат ҳосил қилмаганлар, афтини бужмайтириб, қийшанглаганлар ва ҳар хил мазах қилувчилар ҳамда ҳазилкаш ва масхарабозлар. Флобер табиатан ва турмуш тарзига кўра одамови эмасми, ўз атрофида тўсатдан пайдо бўлган ур-йиқит, тўполонга сира чидай олмайди. Агар янаям кўнгли нозикроқ ва асабийроқ бўлгандами, қолган асарларини эълон қилишдан ўзини тийган бўлар эди, бинобарин, ранжиган, хафа бўлган, ўта таъсирчан дилетант (юзак ишкибоз)лар кўпинча шундай қилишар, ёзган нарсаларини вафотидан сўнг

нашр этиш учун қолдиришар, бироқ уларни одатда ўшанда ҳам умидсизлик кутар эди.

Бундан йигирма аср муқаддам шундай дейилган: «*odi profanum vulgus*» ва ўшандан буён ўтган кўплаб юзйилликлар мобайнида ёзувчилар «қора халқ»ни менсимай келишган. Бироқ ҳали ҳеч ким гўё фақат ахмоқлардангина иборат бўлган оломонни назар-писанд қилмасликда мақтов йўли билан иш кўрмаган. Бу – ёзувчи руҳий ҳолатининг энг ёқимсиз, ярамас хусусиятларидан биридир. Кимки агар ўз ўқувчиларини иззат-ҳурмат қилмас экан, у ўзини ҳам, ўз асарларини ҳам ҳурмат қилмайди. Ва бундан ташқари, ўз асарининг айнан унинг сўзини макон ва замонлар оша олиб ўтадиган номсиз эстафета туфайли қандай кўпайиб, бойиб боришини, қай тариқа янгича маъно ва моҳият, куч-қудрат касб этишини ҳам англай олмай, фикр ва тасаввур қашшоқлигига дуч келади. Аммо «қора халқ»қа бўлган бундай нафратнинг кўпинча сохта киёфа, снобизм (қурук олифтагарчилик) ва бошдан-оёқ ёлғондан бошқа нарса эмаслиги тез аён бўлади; айниқса, ўз нафратини ўқувчини макташ орқали намоёиш қиладиган ёзувчилар аслида бундай мақтовга бошқалардан кўра, ўзлари кўпроқ ташна бўлишади.

Санъат асари – ишонч, эътиқод ва жасорат ҳужжатидир. Уни жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилаётганда, қўйилган ушбу қадамнинг барча оқибатларини қабул қилишга тайёр турмоқ лозим бўлади, улар баъзан фақат янги, тажрибасиз ёшларнигина додиратиб қўймайди. Муаллиф ҳар бир янги китоби чиққан пайтда ўша илк нашр чоғида хис қилган ваҳима, хавотирларни яна қайта бошдан кечиради. Ҳатто адабиётдаги мустаҳкам, барқарор мавқе ҳам, қозонилган таниқли ном ҳам бу хавотирларни заррача юмшатомайди. «Эҳ, азизим, – деб ёзган эди 1908 йилда Конрад дўсти Голсуорсига йўллаган мак-

тубида, – ўзимга ўзим: буёғи қалай бўларкин, деган саволни берган чоғимда, мени қанчалик қўрқув бо-
сишини сен тасаввур ҳам қилолмайсан. Умид, ишонч
билан шубҳа-гумон ўртасида тўлғаниш азобидан кўра
кийинроқ нарса бўлмаса керак ва бу масала, яшир-
майман, ҳаёт-мамот масаласига тенгдир. Ҳатто шун-
дай дамлар бўладики, қўрқув миямдан барча фикр-
ларни суғуриб чиқариб ташлайди». Ёзувчи ўзининг
янги чиққан китоби ўқувчи томонидан худди ав-
валгилари каби, ўшандай хайрихоҳлик билан кутиб
олиниб, эътиборсиз қолдирилмаслигига ҳеч қачон
ишончи комил бўлолмайди, кексайганда эса, ҳатто
энг йирик ёзувчиларнинг ҳам улардан юз ўгирадиган
янги авлодга хос ётсираш аламини тортмасликларига
ҳеч ким кафил бўла олмайди. Адабий ҳаёт, бу –
бамисоли жанг, мусобақа, беллашувлар ва хавф-ха-
тарга тўла майдон. Шунга қарамасдан, башарти бу
майдонга юраксиз ва қўрқоқлар ҳам тушгудай бўлса,
бунинг боиси шуки, ғалабага бўлган зўр иштиёқ
улардаги қўрқув хиссидан устун келган. Бу ҳолда
эришилган ғалаба албатта шон-шуҳрат, пул, имтиёз-
ни англамайди, балки кураш инсон қалбларини забт
этиш учун, кенг халқ оммаси орасидан ўша – ўз
фикр ва орзу-умидларингни ишониниш мумкин бўлган
бир неча ўқувчилар орттириш учун олиб борилади.

Юқорида баён этилган мулоҳазаларимизда биз
ёзувчиларни сиёсий арбоблар билан тенглаштиришга
анча яқин бордик ва энди бундай муқоясадан бўйин
товлаб бўлмайди. Албатта, бу ўхшашлик унча тўлиқ
эмас, лекин уни тан олмасликни адабиёт таракқиёти-
ни билмаслик ва унинг минг йиллик тарихи билан
ўта юзаки ва содда танишиш деб аташ мумкин бўлур
эди. Сиёсатчилар каби, кўпчилик ёзувчилар ҳам гу-
руҳларга, ҳозирги пайтда айниқса, уларнинг энг куч-
лисига умид боғлашади, бу эса муваффақиятга эри-
шишда кўмак беради. Бу одатда биргина совуққон

хисоб-китобнинг ўзидан келиб чиқмаган: бунда ҳамма нарсани ёзувчининг келиб чиқиши, насл-насаби, тарбияси, хис-туйғулари ва ўзи улғайган муҳитда шаклланган маслак, эътиқоди ҳал қилади. Сиёсатдан фаркли ўлароқ, адабиётда кўпроқ гуруҳлар билан бирдам ва ҳамфикр бўлган, ҳокимиятга эга бўлмагани холда бироқ яширин кучга эга ва ўз олдида адолатли мақсадлар қўйган инқилобчи ёзувчилар майдонга чиқади. Адабиётда авантюрист (таваккалчи)лар ҳам учрайди, улар дастлаб ёлғиз ҳаракат қиладилар, лекин аста-секин уларга яқин бўлган безовта, беором қалб соҳиблари келиб қўшилади ва ўз йўлбошчилари атрофига кучли дружина бўлиб жипслашадилар.

Ўз олдларига ўқувчилар оммасининг кўнглини топиш ва уларга ёқишни мақсад қилиб қўйган ёзувчилар учун тўла конформизм (мослашувчанлик) ва замонасозлик коида хисобланса, чинакам буюк адиллар учун бу – истисно саналади. Жонли тасаввур ва безовта тафаккур гоҳида ўз даври ва муҳити билан ихтилофга киришади. Уларни ижтимоий тузум ёки урф-одатлар, дин, яшаш усули қониқтирмай қолади, улар қоқоқликка кўникмайди ва қотиб қолган доктрина (назария, таълимот)ларга қарши исён кўтарадилар. Ғалаба ёки мағлубият эса, ёзувчи қарши курашаётган ҳодиса кўпчиликнинг самимий садоқатига сазоворми-йўқми ёки фақат фаолиятсизликка ёпишиб олишганми, ана шунга боғлиқ. Масалан, Польшада агар кимдир халқнинг олий мақсадларига қарши чиқадиган бўлса, унинг хоин деган номни олиб, оммавий нафратга дучор бўлиши аниқ. Замондошларнинг ҳукмрон гуруҳи идеалларини жорий этадиган ёзувчининг ажойиб намунаси сифатида Миколай Рейни мисол қилиб келтириш мумкин. Дворянлар табақасига чинакам содиқлиги учун унинг кальвинизм (*насроний дини мазҳабларидан бири – тарж.*)га мансублигини ҳам кечиришган.

Муаллиф билан асарга хос ўқувчилар таркиби ҳар хил бўлади: у бир ҳовучгина элита ёки муайян ижтимоий гуруҳ билан чекланиши ёки ҳатто бутун халқ (бу жуда кам учрайди)дан иборат бўлиши ҳам мумкин. Китобхонлар оммаси айрим, алоҳида шахслардан ташкил топади ва уларнинг ҳар бири турлича ҳис-туйғу ва тафаккурга эга бўлади, аммо ҳаммаси жамоа психологияси қонунларига бўйсунди. Денгиз каби сермавж, беқарор ва ўзгарувчан бу омма бўрон ва довулларга дучор бўлади, унда тезоқар, шиддатли оқимлар билан бирга жимжитлик, сукунат паллалари ҳам борки, ҳатто ўшанда ҳам тўлқинлар ҳаракатдан тўхтамайди. Ва ҳар бир адабий ҳодиса мана шу тўлқинлар измида ўйинчоққа айланади. Бироқ ўқувчилар оммасининг муҳокама, мулоҳазалари ва эмоционал таъсирланишини тасарруф этувчи кучлар автоном эмас: улар жамият нимаики билан яшаётган бўлса, барчасига боғлиқ, қарам, тобедир. Дин, сиёсат, ижтимоий тузум, иктисодиёт, урф-одатлар ва айни чоқда иқлим, ер, тупроқ, ирқ ва ҳатто озиқ-овқат – буларнинг барчаси ўқувчининг таъб-диди ва хайрихоҳлиги, мойиллигига таъсир қилади.

Бир қадар мистицизм улушига эга бўлган, «замон руҳи» деб аталадиган нарса шу тариқа юзага келади. Эндиликда «замон руҳи» тушунчаси унчалик долзарб эмас, лекин тилга олинмаётган бўлса, бу унинг мавжуд эмаслигини ёки ўз аҳамиятини йўқотган деган маънони билдирмайди. У тиришқоқ амалдор томонидан тузилган, ўзи қабул қилиши лозим бўлган кишилар рўйхатини ҳар кун эрталаб телба золим каби чиқинди саватчасига улоқтиради, бунинг ўрнига ҳушига келган одамни қабул қилади; ахмоқ билан икки соат беҳуда валақлашиб, вақтини чоғ ўткази, доно эса кечгача кутишга мажбур бўлади, шундаям уни паришонхотирлик ва очиқ-ошкора зерикиш билан атиги бир дақиқа тинглайди, холос. Бундай зул-

мкор замон рухи – ҳозирги кунда бутун жамиятни, хоҳ биргина мамлакат доирасида бўлсин, хоҳ битта қитъа ёки маданиятга эришган бутун дунёда бўлсин, чулғаб олаётган масала ва муаммолар мажмуидан бошқа нарса эмас. Бундан ташқари, замон рухи мана шу жамиятнинг дилидаги барча орзу-умидларини ва интилишларини ҳам ўз ичига олади, бу шундай бир пинҳоний портловчи моддаки, адабий асар учқун бўлиб, инсон қалбларини алангалатиб юбориши мумкин.

Бу – одамлар ўйлаганидан ҳам кўра тез-тез содир бўлиб туради, аммо адабиёт тарихи уларнинг фақат баъзи бирлари билангина шуғулланиб, ёзиб боради, холос, каттагина қисмини эса уятчанлик билан сукут сақлаш ила ўтказиб юборади. Руссо ёки Вальтер Скоттнинг қувончли қабуллари ҳақида, Ренаннинг «Иисус ҳаёти» ёки «Quo vadis» ҳақида мамнуният билан монографиялар ёзилади, лекин айтайлик, Жорж Онэ ёки Гелена Мнишекка бағишланган худди шунга ўхшаш монография унинг муаллифини фақат кулги бўлишга олиб келган бўлар эди. Ахир, у ёки бу муаллиф томонидан эришилган ютуқларнинг хали ҳал этилмаган жумбоқларини аниқлаш учун адабиёт ертўлаларига тушиб, қоғоз титишнинг нима кераги бор. Хомернинг боқийлиги олдида бош эгамиз ва бундан таажжубга тушмаймиз, аммо Софокл хусусида «ўйлаб, ўйимизнинг охирига етолмаймизки», номаълум трагик (фожианавис)лар афиналик томошабинларни қандай қилиб забт этишгану, «Антигона»нинг гениал ижодкори кўпинча уларга биринчилик ва мукофотларда ён беришга мажбур бўлган. Ва баъзи бир воқеаларни, масалан, қандайдир диакон (*православ церковида: руҳонийларнинг қуйи унвони – тарж.*) Араторнинг «Апостол (хаворий)ларнинг қилган ишлари»ни шеърга айлантириб, «Сан Пьетро ин Винколи» соборини бир ҳафта мобайнида тўлдириб ўтирган жуда кўпсонли тингловчилар ҳузурида

Ўқиб бергани ҳақидаги далилнинг нима учун солнома саҳифаларига киритилганини умуман тушунтириб беролмаймиз. Ўша замонларнинг ақлий йўналишлари, таъб-дид, қизиқиш, иштиёқ ва йўсин, услубларини ҳеч ким аслига келтириб, тиклай олмагани каби, буни энди бизга ҳеч ким изоҳлаб бера олмайди.

Маълум бир даврдаги адабий ҳаёт ўзининг шиддатли ва бекарор, ўзгарувчан оқимида тарих ҳаддан ташқари аниқлик ва пишиқ-пухта муфассаллик билан тасаввур этиб, тиклайдиган нарсалардан бутунлай фарқ қилади. Тарихчи чизган сурат доимо соддалаштириш, уйдирма ва ясама вазиятдан иборат бўлади. У баъзи бир тафсилотларнигина тасвирлаб, қолган бошқа кўпини эътиборсиз қолдираркан, худди портретдаги юз ифодаси, агар ундан ўткинчи, бироқ жўшқин, кучли эҳтирослар, ташвиш ва хавотирлар туфайли тушган ажинлар тўри ўчириб ташланса, бузилгани каби, давр қиёфасини бузиб кўрсатиб, нотўғри талқин қилади. Адабий асарларнинг тақдирини кўзлаб олиб борилган жанглардан иборат «ўша кундаги энг муҳим воқеалар»га замондошлар баҳосини олдиндан белгилаб берган минглаб майда-чуйда далиллар беихтиёр назаримиздан четда қолади.

Китоб қандайдир узоқ келажакда эмас, балки босилиб чиққан куннинг эртасигаёқ, ўз муаллифига итоат қилмай кўяди. У бошқа оқил, доно, олим одамларнинг мулкига айланади ва улар туфайли муаллифни ё кўкка кўтаради, ё ерга уради. Худди ўша асарнинг ўзи гоҳо бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган гўёки минглаб асарларга эврилади. Ўқувчи зехни ўткирлиги, ўқимишлилиги, ақл-заковатига қараб, китобдан ўзини мафтун қилган нарсани олади, бу эҳтимол, жуда кам – ҳаммаси бўлиб, биргина тушунарли ва эсда қолган жумла ёки аксинча, мутлақо қилинган асарнинг ҳажмидан ортиқ даражада кўп бўлиши ҳам мумкин. Кант Жан Жак Руссонинг

«Эмиль»ини ўқишга шу қадар берилиб кетганидан, ўзининг ҳар кунги бир хил вақтдаги сайрига чиқишни унутиб қўйган экан. Ҳатто шаҳар ратушасининг соатларидан ҳам кўра аниқроқ иш юритишга одатланган бу гениал файласуф шубҳасиз, Руссо қаламига мансуб «Эмиль»га қараганда анча кенгроқ ва теранроқ тафаккурга эга бўлган ва мазкур китобнинг бутун хошияларини ўз фикр, мулоҳазалари билан тўлдириб ташлаган. Улуғ мутафаккирлар ва ёзувчиларнинг ўқилган китоб ҳақидаги қайдлари, фикр, мулоҳазалари ва суҳбатларидан уларнинг биргина таҳлили ушбу китобларга гўё бургут канотларини бахш этгандек бўлиб кўринади.

Муаллиф ўз китобидан ўқувчининг нималарни ўқиб билиб олишини олдиндан сезмайди, ҳар бир ёзувчи китобхонлардан қўплаб хатлар олади ва улар ўзларининг кутилмаган даъво, талаб, шикоят ва таъна, гиналари билан уни доводиратиб қўядилар. Энг камтар ўқувчи бегона матн орасига ўз дилидагини ёзиб қўшиб қўйишдан ўзини тийиб туролмайди. Гарчи ўзлари буни эътироф этишни ёқтирмасалар-да, мунаққидларнинг аҳволи ҳам шу. Танкидчи-импрессионистлар қолганларга қараганда самимийроқ бўлишган, уларнинг қироли Анатолий Франс ўзининг танқидий мақолаларини «қалбимнинг китоб дунёси бўйлаб саргузаштлари» деб атаган! Адабиёт тадқиқотчилари адабий асарни гўёки бекамикўст, холисона таҳлил қилишга қодир эканликлари ва унга ўзларидан шахсий ҳеч нима қўшмасликлари ҳақидаги хато фикрдан воз кечсалар яхши бўларди. Агар китобга ўз замонасидан ташқарига чиқиш насиб этгудай бўлса, у ҳар бир кейинги даврда бошқача, гоҳо буткул фантастик ҳаёт кечирган ва биринчи ўқувчилардан ҳеч ким уни таниёлмай қолган бўлар эди. Мазкур китоб нафақат олис, балки бизга яқинроқ бўлган асрлардаги ўз замондошларида қандай таассурот

қолдиришини энг ҳалол, виждонли тадқиқотчи ҳам тасаввур қилолмайди.

Ўзининг келгусидаги тақдир-қисматидан қатъи назар, китоб энг аввало, ўз даврининг маҳсули ҳисобланади: у шу давр учун ёзилган, унга минглаб ришталар билан боғланган ва мана шу давр кўпинча унинг келгуси тақдирини олдиндан ҳал қилиб қўяди. «Menin aeide, thea...» – «Ғазабни, о маъбуда, тарааннум этгил...», ушбу унутилмас сўзларни биринчи бўлиб эшитган номаълум тингловчилар ўз завқ-шавқ, хурсандликлари билан Ҳомерга боқийлик ато этишган, орадан бир ярим аср вақт ўтгач эса, уларнинг авлодларидан чиққан ҳукмдор Афина тирани Писистрат «Илиада»нинг асл матнини сақлаб қолиш учун зарурий чора-тадбирлар кўрган.

Асарнинг асосий оҳанги билан бир қаторда унинг ўша қўшимча, иккинчи даражали оҳангларини ҳам ҳис қилишга фақат бугунги кун қодир ва уларни аниқлаш келажак шарҳловчиларини мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бироқ сўнган акс садога қулоқ солиш бефойда. Келажак авлодлар учун рангсиз, туссиз туйилган сўзлар ўз даврий муҳити ичра учар юлдузлар каби ёлқинланиб ёнган. Бу айниқса, ўз даврининг долзарб муаммоларига бой асарлар, жумладан, Аристофан комедияларида яққол кўзга ташланади. Бугунги кунда биз унинг комедиялар оламига кечиккан меҳмонлар каби қандам қўярканмиз, унинг ажойиб, сеҳрли томошаларидан атиги икки-уч сахна кўринишларигагина дуч келамиз ва уларнинг жозибадорлигидан бирбутун ҳолда қанчалик ранг-баранг, шуқуҳли ва дабдабали бўлганини ҳис қиламиз, ваҳоланки, мушакбозликдан йиғиштирилмаган декорациялару, бир ҳовуч ракеталар қолган, холос. Аристофан нафақат драматург, балки самимий лирик асарлар муаллифи ҳам бўлган, зеро, у бугун бизларни ўз ватандошлари-

ни кулдиргани каби кулдиrolмаса ҳам, ҳар ҳолда чуқур ҳаяжонга солиши мумкин.

Қайси китобнинг ёнидан замондошлар лоқайд ўтиб кетадиган бўлса, келажак авлодларнинг хатто энг қизгин эътирофи ҳам бундай китоблар баҳорининг бой берилган лаҳзаларини қайтаролмайди. Адабий солномаларда Словацкий ва Норвид сингари ўз даврида тан олинмаган ва унутилган муаллифларнинг узун рўйхати сақланиб келади. Уларнинг давр ёлқинидан аланга олган ижоди соф, қизгин ва жўшқин бўлган пайтда етказилган зарар ўрнини энг сўнги тантаналар ҳам тўлдиролмади. Ўз вақтида аниқланмаган ва рад этилган гўзаллик – бамисоли завол топган чашма. Эски бут, санамлар узра тирилган Лазарь каби, ярим асрдан сўнг қабрдан бош кўтарган Норвидни шарҳ, изоҳларга кўмиб ташлашди, у энди поляк шеърияти ва тафаккури учун ҳеч нима қила олмасди, агар Мицкевичнинг бронза шеъри билан Залескийнинг қувнок, жарангдор поэзияси даври бўлганда, бошқа гап эди.

Словацкийнинг ўз замондошлари томонидан тан олинмаганига янаям кўпроқ афсусланасан, киши. Польшанинг биринчи ҳақиқий драматурги сахна учун ишлай олмади, пьесаларининг театрда қўйилганини на ўзи, на замондошлари кўрди ва уларни ҳеч ким ўқимади ҳам, охир-оқибат бу ёлғиз ижодкорнинг ғайрати, ҳафсаласи совиди, сўнаётган ёлқин охирги марта «ялт» этиб кўринди – Микеланжелонинг «Қуллар» номли поэтик версиясида, гарчи охирига етказилмаган бўлса-да, ажойиб, самимий, жозибали фрагментлар шаклида намоён бўлди. Словацкийнинг эътироф этилмагани поляк драмаси ривожининг манзарасини бузади, агар у Словацкий театри белгиси остида ва унинг фаол иштирокида кечганда, қандай қиёфа касб этган бўлишини тасаввур қилиш кийин эмас.

Стендалнинг ҳали туғилмаган ўқувчиларга йўллаган дохиёна мурожаатлари кўнгилга чуқур таъсир қилиб, меҳримизни кўзғатади, аммо ушбу қалб нидосининг бутун фожиавийлигини камгина одам англайди. Унда ўз даври томонидан рад этилган асарларнинг умидсиз фарёди, чорасиз нолалари акс этган. Адабий асар ўз даври, замонаси олдида улкан мажбуриятларга эга ва бунга халал берадиган барча нарсалар ўта зарарли ва айбланишга лойиқдир. Бирок ёзувчи билан давр ўртасидаги низо, ихтилофнинг келиб чиқишига ёзувчининг ўзи ҳам айбдор бўлиши мумкин – буни ўзларига эътиборсизлик ва қадрига етмасликни далил қилиб келтириш билан оқламоқчи бўлишади. Шу ўринда беихтиёр яна Словацкийни эсга оламиз. У ўз ёшлиги ҳақидаги ажойиб, жозибадор шеърларни, улар ҳақиқатан ҳам гўзал шеърлар эди, ўзи билан чет элга олиб кетади ва уларни деб, у ерда поляк муҳожирлари билан аразлашиб қолади, улар 1830 йилги кўзғолонда курашган ва мағлубият алами боис, ўзларининг бебахт, омадсиз қисматларини, рўёбга чиқмаган орзу-умидларидан бошқа ҳеч нима ҳақида ўйлашни ҳам, гапиришни ҳам истамаган одамлар эди. Улар шоирнинг «Роҳиб»ини, «Гуго», «Илон»ини ҳам, бемаврид байронизмини, шунингдек, ўзининг кузатувчан ва хаёлчан болалиги ҳақида ҳикоя қилувчи «Тафаккур соати»ни ҳам қабул қилишмади. Шу тариқа унинг ризқ-рўз каби ҳаётий зарур бўлган сўзларини эшитмасликка кўникишди, натижада ижоди айни тўлиб-тошган ўша пайтда уни ҳеч ким сезмади, пайқамади, қадрламади ҳам.

Бунақанги ҳолларда айниқса, танқидчиликнинг сўқирлиги одамга ёмон таъсир қилади. Поляк танқидчилиги учун Словацкий билан Норвидни ўз вақтида пайқамай, ўз устидан ўзи чиқарган ҳукмдан оғирроқ жазо йўқ. Босилиб чиқан китобларга танқидчиларимиз томонидан ўз вақтида етарлича баҳо берилмага-

ни билан боғлиқ бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бунинг сабаблари эса турлича: нотўғри тушунчалар, сохта, салбий фикрлар ва ёмон ният, асарни санъат маҳсули сифатида баҳолай олмаслик, ўша даврдаги ҳукмрон трафарет (андаза, шаблон) ларга берилганлик ва х.к. Гошиньскийнинг ўйла-масдан, енгилтаклик билан ёзган биргина мақоласи буюк поляк комедиографи Александр Фредро қала-мини ишдан чиқарди.

Танқид, танқидчилик ўз намояндалари тўфайли адабиётнинг бир қисми ҳисобланади; улар томонидан бағишлаб ёзилган, китоблардан ортиқроқ бўлган асарларни мисол қилиб келтириш мумкин. Танқид адабиётга боғлиқ, чунки адабиёт унинг учун материал манбаи саналади. Танқид адабиётни тадқиқ этади, изоҳлайди ва унга баҳо беради. Баъзида у ёзувчи билан китобхон ўртасида воситачи сифатида камтарона роль билан кифояланса, баъзан судья, ҳакам сифатида ҳукм чиқаради. Кейинги ҳолат унинг ўз этимологияси билан боғлиқ: унинг номини белгиланган феъл – *krinein* «айбламоқ, суд қилмоқ, ҳукм чиқармоқ» деган маъноларни англатади. «Критика» (танқид) сўзи ўз моҳиятига кўра юнонларга бориб тақалади. Узок ўтган замонларда, эр. ав. VI асрдаёқ, ақидапараст, доим тирноқ остидан кир излайдиган танқидчиларнинг патрони (хомийси) колофонлик файласуф Ксенофан Ҳомерни «диний тушунчалар софлиги» йўлида айблаб, қоралаб келган. Бугунги кунда барча замонлар ва халқларга мансуб зоил (танқидбоз)ларнинг эпоними¹ бўлган Зоил ҳам Ҳомерга қарши тиш қайраб юрган. Бу *homeromastiks*, яъни «Ҳомернинг офати» ўшандан буён ўзининг «севимли усули»ни ишга солиб, поэма қаҳрамонлари

¹ Эпоним – қадимги Грецияда тўққиз архонт (олий мансабдор шахс)нинг биринчиси, йил унинг номи билан ифодаланган, бу ерда: ўз номини бирор кимга берувчи маъносига.

ва воқеаларини мазах қилиб, улар устидан кулиб келган. Зоилдан ушбу «усул»ни ўзлаштириб олган юзлаб фельетончилар ўзларининг асосчиларига хатто миннатдорчилик ҳам билдиролмайдди, чунки унинг ҳақида ҳеч нарса билмайдилар.

Дунёда ҳар бир нарсадан, хаттоки Овидийнинг «Севги санъати»дан ҳам одоб-ахлоқ кидирган ўрта аср танқидчиларининг уруғ-авлодлари ҳалиям йўқ бўлиб кетмаган. Одамлар эзгу ишга қараганда гўзалликка камроқ мойилдирлар ва бу эзгулик фақат фойдани кўзламаса агар, унда ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Кўп даврларда адабиёт ўзининг фойдали эканини дастак қилиб, китобхонни, жамоатчилик фикрини ўзига жалб этишга ҳаракат қилган. «Фойдали», «керакли», «мақсадга мувофиқ» сингари сифатлар китоб номларида кўриниб турган ва ҳозирги пайтда кинотеатрларнинг афишаларида учрайдиган «сенсацияли» (шов-шув бўладиган) сифати томошабинларга қандай таъсир қилса, китобхонларга ҳам шундай ҳаяжонлантирадиган даражада таъсир қилган. Моралист (насихатгўй) «фойдали» сифатидан таъсирланадиган киши «сенсацияли» сўзига учадиган одамдан ахлоқий жихатдан юқори туради деб ҳисоблайди ва у ҳақ бўлса ажабмас.

Танқид ривожланган, юксалган кўпгина адабий жанрларга қараганда ёшроқ, танқид улар ҳақида ёзмасдан анча олдин бу жанрларда дурдона асарлар яратилган. Аммо кейинчалик ҳам танқид – ҳар ҳолда бизнинг нуктаи назаримизда, – вақти-вақти билан «ўчиб», жимиб кетган ва бутун бир адабий даврлар уни деярли билмаган пайтлар ҳам бўлган. Ахир, XIX асрга қадар Польшадаги адабий танқид ҳақида нимаям дейиш мумкин? Танқидчилик анъаналари ва танқидчининг бой тажрибасини биз Францияда кўришимиз мумкин, лекин у ерда танқидий фикр, мулоҳазаларнинг баъзи бир турла-

ри, шакллари учун имкон бўлмаган, чунки китоб муаллифига нисбатан доимий равишда одоб сақлаш мажбурий бўлиб, адабиёт чегарасидан ташқаридаги шама, ишора, луқмалар фақат норозиликка ёки кулгига сабаб бўлган, холос.

Ёзувчиларни танқид камдан-кам ҳолларда қониқтиradi ва танқид буни уларнинг ўзларини ҳаммадан ақлли, билимдон фахмлашлари билан изоҳлайди. Албатта, ижод ўша пайтга қадар номаълум бўлган жон, рух, ҳис-туйғуларни, гўзалликни ҳаётга чорлаш қобилияти эканини инкор қилиб бўлмайди, қолаверса, сўз устидан ҳукмронлик ва сўз воситасида эришилажак галаба – буларнинг барчаси афзаллик, устунлик, фавқулоддалик, қадр-қиммат, обрў-эътибор, яхши хислат ва фазилатлар туйғусидир, дейишга асос бор. Адабий дурдоналар антологиясини тузиш мумкин ва унинг муҳташам саҳифаларидан Ҳорацийнинг «Eхegi monumentum» – «Мен ҳайкал барпо қилдим...» деган сўзлари ва Мицкевичнинг «Импровизациялар» деб номланган шеърлари ўрин олишга ҳақлидир, бироқ баъзи бир «тан олинмаган даҳолар»нинг қичқириқларига, ўзига бино қўйган истеъдодсизларнинг, серишва укувсиз, нўноқларнинг ҳар доим ҳам кулгили бўлмаган, балки гоҳида ачинарли овозларига нисбатан жиддий муносабатда бўлмоқ мушкул.

Ёзувчини айниқса, унинг асари билан ўқувчи-танқидчининг зўр бериши, тиришиши ўртасидаги номутаносиблик ранжитади. «Уни бир ўтиришда, бир неча соат ичида ўқиб чиқдим!» Ўз китоби ҳақида шундай сўзларни эшитгач, қайси ёзувчи азобдан титраб, сапчиб тушмайди дейсиз. Мақтов тарзида яхши ният билан айтилган ушбу сўзларда, не тонгки, шафқатсиз киноя, пичинг мужассам. Бир неча соат ичида! Бунда юзлаб, минглаб ижодий соатларнинг кулини кўкка совурган шиддатли алангани кўрасан.

Ҳатто танқидчининг ошириб юборилган мактовида ҳам, ёзувчи унинг китоб саҳифаларидан сакраб чопиб ўтиб кетганини кўриб, билиб, ўз аламини яшира олмайди. «Фақат биргина илтимосим бор, – деб ёзган эди Монтескье «Қонунлар моҳияти»нинг муқаддимасида, – аммо у рад этилмасмикин деб кўрқаман: токи ҳеч ким китобни тез ўқиб чиқиб, йигирма йиллик меҳнат устидан шоша-пиша ҳукм чиқармасин». Унинг илтимоси бизнинг замонамиздагина бажарилди. Фақат классиклар ёки уларга тенглаша олган йирик сўз усталаригина фавқулодда диққат-эътиборга умид боғлашлари мумкин, мунаққидлар улардаги ҳар бир сўзнинг туб моҳиятига чуқур кириб борадилар. Аммо бу ерда танқидчи адабиётшуносга жой беради. Ҳозирги замон ҳатто ўзининг букюкларини ҳам паришонхотирлик, эътиборсизлик билан тинглайди.

Конрадда шундай бир ибора бор: «Ўз кўнглининг танқид олами бўйлаб саргузаштларига жудаям хурсанд ва жудаям хафа бўлиб қарамайдиган ёзувчи – яхши ёзувчидир». Демак, бу ҳолда «яхши ёзувчи» – нафақат маҳоратга эга, балки тўғри, ҳалол, ўз қадр-қийматини биладиган, уни сохта камтарлик билан камайтирмайдиган ва манманлик ила ошириб ҳам юбормайдиган одам. Унинг ёзувчилик виждони ҳамиша хотиржам, кимнингдир масъулиятсизлик билан айтган фикри ёки ҳукмига ўйланиб, бошини оғритмайди. Муаллиф ўз асарида ўзини хўжайиндек ҳис қилади, аммо ўз мулкининг чегараларини бетакаллуфлик билан бузишларини ёқтирмайди ва аллакимларнинг панд-насихатларига ҳам тоби-тоқати йўқ. Ёзувчини ҳеч нарса танқидчиларнинг айниқса, на билим, на маданият ва на истеъдод билан мустаҳкамланмаган «устозларча» насихатгўйлигичалик ғазаблантирмайди.

Готье «Мадемуазель Мопэн»га ёзган сўзбошисида танқидчиларнинг ёзувчилар назарида кечирилмас бў-

либ кўринган деярли барча гуноҳларини бирма-бир санаб ўтган. Орадан юз йил ўтгач, башарти бугунги кунда ана шу сўзбоши корректураси мабодо кўлида бўлганда, унинг мазкур филиппика (фoш қилувчи нутк)га ҳеч қандай ўзгартишлар қилишига тўғри келмаган бўлар эди. Ва биронта ҳам ёзувчи уни бунга даъват қилмаган, аксинча, баъзи бирлари ҳатто яна бир нималарни қўшимча қилишни таклиф этган ҳам бўларди. Ўтмишда ёзувчилар ўз танқидчилари билан дуэлда олишган, махфий суратда ёлланма қотилларни юбориб, уларни ўлдирмаса ҳам, лекин яхшилаб дўппослашларини тайинлашган, аччиқ сўзлар билан лаънатлаб, ғамгин, қайғули боқийликка дучор бўл деб қарғашган: ундайларнинг исмлари Вальтернинг китобларида кўп учрайди. Афсус, янги Кастильоне пайдо бўлиб, ҳурматли ва бенуксон танқидчининг нафис таърифини қилиб берганда, яхши бўлар эди.

Оскар Уайльднинг «Танқидчи санъаткор сифатида» деб номланган диалоги мана шунга ишора эди, унда «кийин масала», яъни танқидда санъат асаридан бошқа ҳамма нарсани топиш мумкинлигига шама қилинади. Уайльд ўзига замондош бўлган, айниқса, унга ҳеч қачон рўйхушлик бермаган газета танқидига менсимай қараган, у ўқувчилар билан иттифоқ тузган ва улар унга шу қадар катта шон-шухрат келтирганки, охир-оқибат танидчиларнинг таслим бўлишларига тўғри келган ёки ҳеч бўлмаганда, овозлари ўчган. Бундан фойдаланиб, энди Уайльд қиёфасида буюк ёзувчини кўрган одамлар гапира бошлашган ва бу узоқ давом этмаган. Шахсий фожиага учрагандан сўнг, Уайльд номи Англиянинг адабий муҳитидан ғойиб бўлди ва лаънатланди. Эндиликда унинг номи яна қайтадан жарангламоқда ва танқидчилар асарларининг янги нашрлари ёки пьесаларининг қайта тикланиши муносабати билан у ҳақда ёзганда, унга

хушёрлик ва одоб билан баҳо бериб, ўзларининг йўл қўйган эски хатоларини оқламоқдалар.

Китобхон ёзувчи қаламини йўналтирар экан, худди театрдаги томошабинга ўхшаб, ўзини билдирмайди, – биринчиси ўз мавжудлигини китобнинг сотилган нусхалар сони билан ёки қўл тегизилмаган адад (тираж) орқали маълум қилса, иккинчиси – тўлиқ ҳолда келиш, олқишлар ёки ҳуштак чалиб, пьесага норозилик билдириш билан ифодалайди. Танқидчи эса ёзувчига бевосита ва тўғридан-тўғри мурожаат қилади. Ёзувчи ўз танқидчиларини ҳар доим ҳам шахсан бўлмаса-да, лекин ҳеч бўлмаганда ташқи кўринишига қараб билади, ҳар ҳолда уларнинг фикр, қарашлари, олдиндан пайдо бўладиган тушунчалари унга яхши маълум. Танқидчилардан кимлар унга қарши, ким ёнини олади, буни у олдиндан сезади. Ким билан кўпроқ ҳисоблашиши ёзувчининг характер кучига боғлиқ, чунки унга шараф келтирадиган душманлар билан бир қаторда захрини сочадиган мухлислар ҳам учраб туради.

Башарти адабиётнинг маълум бир даврида буюк танқидчи, яъни юксак маданиятли, қайноқ қалб, қизгин ва жўшқин тасаввур, ёқимли завқ-шавқ, ғайрат, иштиёқ, жозибали ақл соҳиби бўлган самимий инсон ҳозир бўлса, у шубҳасиз, ўзига замондош ёзувчиларнинг китоблари ҳақида ўз фикрини билдиради ва у албатта, номаълум китобхонлар оммаси фикридан ажралиб туради. Ёзувчи билан танқидчи ўртасида қалин, яқин дўстлик юзага келиши ва танқидчи ёзувчининг «мудроқ» имкониятларини уйғотиши ҳам мумкин – Конрадга Ричард Кёрл худди шундай фойдали таъсир кўрсатган. «Варшава кутубхонаси» журналининг муҳаррири Хенкелнинг бу борада қанчалик муҳим роль ўйнаганини билсангиз эди! Ўзининг оддийгина ишхонасидан туриб, у кўплаб китобларнинг тақдирига бош-қош бўлган ва

уларнинг орасида бир қанча дурдона асарларни учратиш мумкин.

Бироқ ҳеч кимнинг маслаҳатини қабул қилмайдиган, ўзига ишонган, бегона, ёт фикрлар таъсирига берилмайдиган ёзувчилар ҳам бўлади – улар бу гапларни номуносиб инсинуация (*туҳмат, бўҳтон, изво, қитмирлик – тарж.*) деб ҳисоблаб, қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирган бўлардилар. Ва бу жуда аҳмоқона иш бўлур эди. Қандай қилиб ҳеч ким ўз овозини билмаслиги мумкин (уни магнитофон тасмасидан эшитганинда, қанчалик ҳайратга тушасан!), чунки овоз ташки акустикадан бутунлай фарқ қиладиган ички акустикага бўйсунди, шунга ўхшаб ёзувчи ҳам ўз асарини яратаётганда ҳамма нарсани ҳис қилиб, фикрлаб, нималар киритилмай қолди, ҳаммасини кўриб туради. Ҳар бир жумланинг узун ва ўзига яраша бой тарихи бор ва уни таҳлил қилиб, тушунтириб бериш мумкин, лекин қоғозда тугал ва ўта қисқа, ихчам шакл касб этгач, жумла ёт, бегона онгда ўзининг бутун дастлабки ва гоҳо ўта ёрқин ҳаётини аслидай тикланишини таъминлай оладиган ҳар қандай имкониятлардан маҳрум бўлади. У муаллиф тинглаётган симфония ўрнига барча қолганлар учун ёлғиз аккорд (*бир неча товушнинг ҳамоҳанг бирлиги – тарж.*) бўлиб янграй бошлайди. Бизнинг яратган нарсаларимизни бошқа одамлар бизларга қараганда ўзгача тинглайдилар ва тушунадилар ва шу боис мазкур икки хил англаш ўртасидаги тафовутни зинҳор ўқувчи (тингловчи)нинг бефаҳмлигига йўймаслик керак.

Адабий архивларда китобхонларнинг фикр ва мулоҳазаларидаги тушуниш ва самимиятни сезган ва уларнинг таъсири остида ўз асарларини тўла итоаткорлик билан қайта ишлаган буюк ёзувчиларнинг ҳайратланарли даражадаги камтарликлари ҳақида гувоҳлик берувчи кўплаб ҳужжатлар сақланади. Бир-

гина сўздан – унинг номаълум ўқувчига ёки таниқли танқидчигами – айнан кимга тегишли эканини ва нималар таклиф қилинаётганини: асарга муаллифнинг ўйлаб қўйган ният, режаларига зид бўлган унсурларни қўшиш ёки мазкур ният, режаларни янаям яхшироқ ва мукамалроқ тарзда ифодалаш ҳақидами, буларнинг барчасини дарҳол билиб олиш мумкин. Ёзувчи учун ўқувчининг китобга нисбатан тўғри, ҳалол ва дўстона ёндашувигина қимматли ва қадрлидир. Бироқ шундай бўлишига қарамасдан, баъзан ҳатто бирт душман одамлардан ҳам бир нималарни ўрганиб олиш мумкин.

Китобхон муаллифни унинг ўз қаҳрамонларига ўхшатишга мойил бўлади ва уни уларнинг орасидан қидиради, гоҳида адашади, баъзан эса ҳатто топишга ҳам эришади. Буни ўз китобини кўплаб ижобий ҳам салбий персонажлар билан тўлдириб ташлайдиган ёзувчиларга нисбатан амалга ошириш жуда қийин кечади. Бальзакни ўз қаҳрамонларининг тумонат оломони орасидан ёки Шекспирни ўзи яратган қироллар, севишганлар, қизиқчи, масхарабозлар, бекорчилар ва қароқчилар ичидан ким ҳам қидириб топа оларди? Бунинг учун бир тўда сарой амалдорлари орасидан дофин (шаҳзода)ни таниб, ажрата олган Жанна д'Аркнинг ўткир кўзлари керак бўлади. Кўпчилик Хамлет, бу – Шекспирнинг ўзи деган фикрдан сира қутулолмайди. Айрим ҳолларда муаллифни осонгина таниб олиш мумкин, масалан: жаноб Бержере образида ҳамма Анатолий Франснинг дарров таниган, ҳатто Бержере исми, Рене – Шатобрианнинг синоними бўлгани каби, муаллиф билан маънодош сўзга айланган.

Агар муаллифни персонаж қиёфасига қараб топиш қийин бўлса, буни ижодида устунлик қилаётган тон (одоб, оҳанг, муомала) ёзувчи характерининг ифодаси деб ҳисоблашади: Рабленинг мечкай, ички-

ликбоз ва ахлоқсиз одам бўлганига ҳеч ким шубҳа қилмаган. Ўшанда Рабле – XVI асрнинг энг ақлли ва ўқимишли кишиларидан бири сифатида – ўзининг кўпол ва дағал ўй, фикрларини «уятсиз, беадаб ва семиз» Маршо ҳукмронлик қилган бадий жихатдан бўш асарлардан олинган чиройли либослар билан бекитиб, хаспўшлаган. Худди ўша даврда Монтень ўзининг дабдабали портрети устида ишлаган ва деярли ҳеч нарсани яширмаган, ўз иллатларининг – беозор камчиликлар эканини, камчиликлари эса ўзига шу қадар азиз, қадрли ва ёқимли бўлганидан уларни фазилатлар қаторида қабул қилиш мумкинлигини билдиришга, тушунтиришга ҳаракат қилган. Руссо эса бу борада катта-катта қадамлар ташлаб, анча илгарилаб кетган, у дастлаб «Янги Элоиза» ва «Эмиль» туфайли одамларга, дунёга нафосат ва эзгулик тимсоли бўлиб кўринди, сўнг эса уни, атиги шама, ишорани ўзи ва ўз ҳаёти ҳақидаги самимий ҳикояга айлантиришга аҳд қилди; «Иқрорнома»да у ўзини келажак авлодлар олдида қандай намоён бўлишни истаган бўлса, шундай тасвирлаган. Аммо у барча қутича, ғаладонларни, жавонлар, архивлар ва фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш китобларини титкилаб, қовлаштирувчи тарихчиларни ҳисобга олмаган, ўй-хаёл, тасаввуридаги душманларнинг тухмат ва маломатларига васваса жазавасида қарши кураш олиб бораркан, юз, икки юз йилдан сўнг, унга номаълум, нотаниш одамлар томонидан ўз портретига шу қадар жиддий путур етказилиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Шатобриан бўлса, бир умр гўё йирик шахс сифатида таассурот уйғотишга ҳаракат қилган, аслида эса – бу бўйи пастрок одамларнинг камчилиги бўлган – китобхонлар унинг қахрамонлари ва дабдабали биографик латифалари таъсирида завқланиб, уни шундай тасаввур қилишган, элчи бўлган вақтида у гастрономияга ҳам «ша-

тобриан» деб ном берган, ҳатто умрининг охиригача au coup de vent усулида соч тараб, тараниб юрган, орадан ярим аср ўтиб, буни қарангки, ушбу при-чёска энди умрида Шатобриан номини эшитмаган хонимларнинг бежирим бошларини безаб турибди. Унинг сўнгги асари – «Нариги дунёдан хатлар» ҳам яна ҳаётга қайтмоқда, фиръавннинг дахма-мақбара-си – эҳром сингари йиллар давомида яратилган бу буюк асар ўз муаллифига боқийлик ато этди.

Романтизм айниқса, ўқувчиларнинг ўз сеvimли муаллифларини уларнинг услубларига кўра та-саввур қилишдан иборат кўнгил эҳтиёжларини қон-диришга ҳаракат қилган. Байрон барчани киноя, пичинг, дилгирлик, завқ, эҳтирос билан ниқобла-нишга, иблис тожидаги нурлардан бир чимдим юлиб олишга, корсар (денгиз қароқчиси), рицарь (қуролбардор), сирли шахзодага, Каин ва Дон Жу-анга айланиб, ўзи ҳақида ўзи гапиришга ўргатди, бу ҳақиқатан ҳам нафақат бўйи етган сентиментал қизлар, балки кексаяётган Гёте учун ҳам сеҳрли, фусункор поэтик ходиса эди. XIX асрнинг охир-ларида ўзини ҳурмат қиладиган шоир, табиат унга мустаҳкам соғлиқ ато этган бўлишига қарамасдан, сил касаллигига чалинишга ёки ҳеч бўлмаганда, сил касаллиги билан оғриган беморга, сунъий воситалар ёрдамида бўлсаям, худди гўрдан чиққан мурдага ўхшаб, рангпар бўлиб юришга мажбур эди: бунинг учун лимонни ўн-ўн бешталаб ютар, сирка ичар, уйқудан воз кечар, овқатга эса кўзлари билан еб қўйгудай бўлиб, суқланиб қараш билангина кифоя-ланарди. Вазни юз килограмм тош босадиган лирик шоирни фақат юморист тушидагина кўриши мумкин эди. Эндиликда шоир учун бўрон, довуллар, қай-ғули, ғамгин ёлғизлик, қаттиқ жазавога ва касал-хонага тушиш шарт эмас. Ҳозирги вақтда жиддий-лик, вазминлик, осойишталик, мустаҳкам ва соғлом

акл-идрок ёқади ва ижобий таъсир қилади, ёзувчи китоблар билан, кексайган пайтда эса — кўпсонли оила аъзолари билан овуниши мумкин. Клоделнинг то учинчи авлодига қадар бир неча ўнлаб қариндош-уруғлари қуршовида тушган фотосурати мухлислари учун кутилмаган совға бўлиб, уларнинг меҳрини товлантириб юборган.

Баъзан қувноқ ва бир қадар енгилтак, бемулоҳаза никоб ортида муҳим ва диққат-эътиборга лойиқ нарсалар яширинган бўлади. Китобхон ёзувчидан руҳ улуғворлигини, олижаноблик, журъат, жасорат, мардлик, адолат, ғайрат-шижоат, яхшилик, самимийликни, яъни инсониятнинг олий мақсад, юксак орзуларини ифодаловчи эзгу амалларни кутади ва ижодий сўз мана, неча минглаб йиллардан буён ана шу мақсадларга хизмат қилиб келмоқда. Нафақат буюк дурдоналар, балки камтарона аҳамиятга эга бўлган асарларнинг кўпчилиги ҳам барча даврларда ва барча ирқлар учун мана шундай талабларга жавоб беради. Халқ таъзим қилиб, тан берган ва фахрланадиган адабий асарлар орасида обрў-эътиборга эга бўлмаган, маслаксиз, эътиқодсиз «асар»ларни учратиш амри маҳол, — Аретино ҳамиша ёки тўғрироғи, қаламидан қироллар қалтираган пайтларда муттаҳам бўлган.

Ёзувчини ҳаётда шахсан кузатиш имконига эга бўлмаган ўқувчи уни китобларига разм солиб қидиради, оммавий чиқишлар қилган пайтларида сарасоф солиб, кузатади. Баъзи бир истисноларни ҳисобга олмаганда, ёзувчи ўз ижодида ҳаётдагидан кўра яхшироқ бўлади, — нима учун баъзи бир истиснолардан ташқари деяпман, чунки Стендалга ўхшаган ўжар ва қайсар, ғалати, қизик табиатли кишилар ҳам учраб туради. У ўзини ҳаммага беадаб ва ахлоқсиз одам қилиб кўрсатган, аслида эса одобли ва олижаноб инсон бўлган. Мицкевич ўзининг бир шеърида барчага баравар тааллуқли ҳақиқатни шундай ифодалайди:

«Кун бўйи яхши яшаш китоб ёзишдан ҳам кўра кийинроқдир».

Адабиёт хамиша инсонга ўзининг камчилик ва нуқсонларини енгиб ўтишда ёрдам беришдан иборат ўз юксак миссиясини адо этиб келган. Бу – у ёки бу даврда қабул қилинган урф-одатлар билан ҳам, одоб-ахлоқ принциплари билан ҳам боғлиқ эмас, чунки ёзувчилар кўпинча ҳатто ўз даврининг урф-одатлари ва айниқса, олий одоб-ахлоқ қонунига зид бўлган принциплар билан курашиб келишган ва бунинг учун улар таъқиб қилинган: ўзларини суд қилиб, китобларини гулханларда ёқишган, фақат кейинчалик авлодлар бу қурбонларнинг ёвузлик эмас, балки эзгуликка хизмат қилганига ишонч ҳосил қилишган. Ёзувчилар хамиша инсоний виждоннинг муносиб ифодаловчилари бўлган. Озодлик ва адолат каби муайян идеаллар теғрасида адабий асарларнинг ажойиб ансамбли – кўшгина асрлар бош эгиб, тан берган предмети ва фахр-ифтихори жам бўлган. Аянчли инсон тақдирига бағишлаб, қанчадан-қанча ҳамдардлик, раҳм-шафқат гексаметрлари битилган, Ахилл билан Приам ўртасидаги тунги суҳбатнинг абадий шукуҳи акс этган «Илиада»дан тортиб, Европа адабиётининг энг юксак саҳифалари ҳамда Шарқнинг барча адабиётлари ана шундай ҳаётбахш туйғу билан йўғрилган.

Ёзувчига унинг ижод дамларида эшитилиб турадиган қандайдир ички бир овоз бор, бу – огоҳ ва талаб қилувчи овоздир. Ёзувчи, таъбир жоиз бўлса, номаълум эртанги кун томон оқиб бораётган инсоний дарёга сўз тўрларини ташлайди, бу тўрға илинганлар ўз тақдирлари ҳақида сўзлаб беради ва ушбу ҳикоя бир дақиқа овунтириши ва ўша заҳоти унутилиши, эҳтимол, кўп йилларга ё ҳатто бир умрга эсда қолиши ҳам мумкин. У қарашларни ўзгартириб, ишонч уйғотади ёки уни йўқотади, огоҳлантиради, сергаклантиради, безовта қилади, умид бахш этади

ёхуд умидсизликка солади. Ёзувчи яратган образлар оламга, ҳақиқий мавжуд бўлган одамлар орасига кириб бориб, оломон билан араллашиб кетади ва ибрат, намуна, ўғит, панд-насихат ва ҳаётнома бўлиб хизмат қилади. Улуғ ёзувчиларнинг ўзлари яратадиган жон, руҳлар учун уларни идрок этиб, қабул қиладиган инсонлар олдидаги масъулият ҳисси шу қадар улканки, у ижодкорларни табарруклик шуъласи ила мунаввар айлайди.

Ёзувчи ҳақида унинг асарлари таъсири остида шаклланадиган фикр ҳаттоки ижодкор характери ни ўзгартириб юбориши ҳам мумкин: у ҳолда қўрқок фуқаролик жасоратини намоён қилса, кучсиз одам сабот-матонат кўрсатиб, «ватан» деган сўзнинг бутун салмоғини, аҳамиятини дилдан ҳис этади, ҳолбуки бу унинг учун шу пайтгача услубий безакдан бошқа нарса эмас эди. Ёзувчининг ўз обрў-эътиборини, қадр-қиммати ва фазилатларини сақлаб қолиши учун кучи етмай қолганда, унга ўз номи билан боғлиқ жамият туйғуси ёрдамга келади. Ва у ўзининг яширин иттифоқчисидан кута оладиган олий кўмак ҳам шунда мужассамдир.



Шон-шуҳрат ҳақида орзу қилмаган ёзувчи бўлмаса керак. Фақат ўрта асрларда номсиз, номаълум китоблар учраб турар, уларнинг муаллифлари ўзларининг кимлигини билдирмасдан, китоб сўнггида Худога тавалло қилар ёки китобхонларга тоат-ибодатлари чоғида дуо қилиб қўйишларини сўраб, мурожаат этишарди. Гуманистлар шон-шуҳратга ўчликда ҳатто антик давр ёзувчиларидан ҳам ўтиб кетишди, уларнинг ажойиб плеядаси (атоқли арбоблар гуруҳи) дан биринчи бўлиб, инсонпарварлик ғояларининг патрони (ҳомийси, химоячиси) Петрарка ҳали ҳаётлигидаёқ катта шон-шуҳратга эришган эди.

Петраркага Римда бўлиб ўтган гулчамбарлар тақиш, иззат-икром, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш маросими мисли кўрилмаган тантанага айланиб кетган. Бу – мангу шаҳарнинг таназзулга юз тутган даврига, Рим папаси Авиньонда турган пайтга тўғри келган. Кўчалар қаровсизликдан хароб аҳволда, вайронага айланган черковларни ўт босиб ётар эди. Шунда бирдан зимистон ёришиб, чор-атроф ёрқин нурларга тўлади, Капитолийда йиғилганлар улуг шоирни қутлаб, муборакбод этишади, бу билан варварлар дунёсига ижодий меҳнатнинг – буюк тантана эканлиги эслатиб қўйилади. Петрарка туғилган юрт – Ареццода шаҳар маъмурлари унга шаҳарликлар томонидан асраб-авайлаб сақланаётган ўз уйини кўрсатишади. Петрарка тўхтаб ўтган Бергамода қандайдир нотаниш

заргар шоир тунайдиган хонани олтин суви юргизиб, зарҳаллаб чиқишни буюради. Папа, императорлар, киро́ллар, унво́нли асилзодалар уни ўз саройларига чорлашар, у билан хатлар ёзишиб, суҳбатини олишга мунтазир эдилар. У Венецияда до́жнинг¹ ўнг томонидан жой олиб, керилганича савлат тўкиб ўтиради. Уни бир мартагина кўриш учун узок-узоклардан кўплаб зиёратчилар келишарди.

Бундай катта шон-шуҳрат фақат ёлғиз хизматлару даҳоликдан дарак бермасди, балки бу воқеа – доимий назорат талаб қиладиган кенг кўламли тадбирларнинг натижаси ҳам эди. Петрарканинг мактубларида буни тасдиқловчи далиллар бор ва у ўз обрў-эътиборига путур еткизмаган ҳолда ўзини оммалаштиришни, одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмай, ўз дўстларидан фойдаланишни ҳам ўрнига қўярди. Аммо баъзан ўзи учун хийла номақбул бўлган келишув, муросаларга ҳам кўниб кетаверарди, масалан, бераҳм ва маккор Висконтилар саройида яшаб, ўзига содиқ Боккаччонинг ҳафсаласини пир қилган эди. Энг охирги асрларда кўплаб гуманистлар Петрарка шон-шуҳрати билан тенглашишга муваффақ бўлган бўлишса, Эразм Роттердамли ундан ҳатто ўзиб кетди, чоғи. У ўз даврида муҳим аҳамиятга эга шахс бўлиб, папа, киро́ллар ва кардиналларга мактублар ёзар ва шу тариқа уларнинг ҳурматини бажо келтирар эди. Гуманистлар эришилган шон-шуҳратдан моҳирона фойдаланиб, қадимгиларнинг ўғит, васиятларига амал қилишарди – Цицерон кўпчиликка бир нималарни ўргата олган эди.

Қадимги Римда адабий асар учун кенг, равон йўл очилмаган эди. Унинг қўлёзма нусхада тарқалиши муаллифдан анчагина моддий харажатлар талаб қилар ёки фойда кетидан қувган кўчириб берувчи котиблар-

¹ Дож – ўрта асрда Венеция ва Генуяда республика бошлигининг унвони.

нинг қурбонига айланарди. Муаллиф учун югур-югур, ташвишлар кўп бўларди: у аввало, ижарага хона топиши, қўлёзма ўқишни тинглашга рози бўлган одамларни тўплаши, сўнг тингловчилар унинг асарини оммавий йиғин, анжуманларда мақташлари учун зиёфат ташкил қилиб, уларни мазали таомлар билан сийлаб, кўнглини олиши зарур эди. Август замонида адабий зиёфатлар кенг тарқалган ходиса эди. Хўжайиннинг – зиёфат берувчининг шеърий асарлари сингари, кўпинча овқатларнинг сифати ҳам паст бўлар, натижада бу нарса ҳажвчиларнинг назаридан четда қолмас эди. Худди шу даврда илк адабий салонлар пайдо бўлиб, гуллаб-яшнайти, келгусида турли шакл-шамойилларга эврилиб, саройларда поэтик турнирлар ташкил этиш билан ўрта асрдан ўтиб олгач, сўнг гуманистларнинг йиғинларига ва ниҳоят, француз адабиётининг ҳар бир даври эга бўлган адабий салонларнинг юлдузларига – энг истеъдодли кишиларнинг ажойиб гуруҳларига айланади ва бу юлдузлар ҳалиям сўнмай, бугунги кунда ҳам порлаб турибди. Яъни, улар шон-шухат қозониш бўйича кампанияларнинг бош штаблари бўлиб, мукофотлар ва орденлар, илгариги бенефиций (мурувват, хайр-саховат) ва пребенда (даромад ва мол-мулк)лар билан алмашинган сердаромад енгил ишлар, ноширлар ва театр директорлари билан фойдали шартномалар ҳамда нуфузли журналларнинг таҳририятлари ва ниҳоят, Академия томон йўл ана шу салонлар орқали ўтарди. У ерда аёллар хўжайин бўлган ва бугунгача ҳам ўз тароватини йўқотмаган кўплаб гулчамбарлар уларнинг чиройли ва чакқон қўллари билан тайёрланган.

Шон-шухратга эга бўлиш йўлида зўр бериб тиришишда Европа адабиётида Вальтернинг олдига тушадигани бўлмаса керак. Тўғри, унга бунинг учун икки вазият қулай имконият туғдирган: француз тилининг куч-қудратли жозибаси ва ўша даврда ёзувчи ўз овози туфайли эришадиган обрў-эътибор. Ўшанда эн-

ди-энди «тишлари» чиқа бошлаган матбуот репортёр (мухбир)лари ўрнига, Вальтер ёзувчилар, элчилар, барча мамлакатларнинг асилзодалари ва монархлари хизматидан фойдаланган. У сиёсий кароқчиларни ҳам ҳеч иккиланмай, мақтовларга кўмиб ташлар ва бунинг эвазига уларнинг ҳомийлигини қўлга киритарди. Ўз халқи ва ўз даврининг буюк намояндаси, у камдан-кам одамга насиб этадиган ана шундай улуғ бахтга сазовор бўлди. Ундан кейин бундай қудратли қалам соҳиби бўлиш ҳеч кимга, ҳатто Гёте ва Байронга ҳам насиб қилмаган.

Адабиёт юлдузи ҳозирда анча хира тортиб қолди. Ёзувчилар қачонлардир ўз истеъдодлари туфайли барча табақалар ва ҳамма унвонлардан юкори турган бирдан-бир, ягона инсонлар бўлишган. Одамлар уларнинг ҳурматини жойига қўяркан, келиб чиқиши, насл-насабидан қатъи назар, аввало, инсон қадр-қимматига ҳурмат бажо келтирардилар. Ҳамма нарса (ҳатто капитанлик унвони (мансаби) ҳам) келиб чиқиш, насл-насабга боғлиқ бўлган даврларда, кимнинг даҳолиги замона зўрига тенг бўлса, ўша улкан ижтимоий нуфузга эга бўла оларди. Наполеонни нафақат қозонган ғалабалари учун, балки дунёдаги азалий тартиб-қоидаларни яксон қилгани учун ҳам улуғлашган, у эски, чириган сулолаларни афдариб ташлаб, уларнинг харобалари ўрнида ўзининг империясини барпо қилди ва эзилган, тинка-мадори қурган халқларга ичиқоралик ила йўғрилган қониқиш онларини ҳадея этди: агар таъбир жоиз бўлса, қуйи табақадан, оддий халқдан чиққан одам шажара (силсила)ларнинг йўсин билан қопланган, мох босган пергаментларини топтаб, поймол қилди.

Наполеонга қойил қолган ва айни чоқда уни ўз рақиби ва шон-шухратига соя солган киши сифатида кўролмаган Шатобриан қуйидагича ўй, мулоҳазалар билан ўзини овуларди: «Адабий шон-шухрат,

бу – ҳеч ким билан баҳам кўриш мумкин бўлмаган бирдан-бир, ягона шон-шухратдир. Жангчиларнинг қаҳрамонликлари ва муваффақиятларига ҳамиша хурмат бажо келтириш мумкин, Ахилл ёлғиз ўзи эмас, балки ахеяликларнинг ёрдами билан трояликлар устидан ғалаба қозонган, лекин Ҳомер бирон-бир кишининг кўмагисиз «Илиада»ни яратди ва биз Ҳомерсиз Ахилл ҳақида ҳеч нарса билолмаган бўлар эдик».

Шатобриан томонидан айтилган фикр адабиёт дунёси каби кўҳна: ушбу дунёда ҳамиша тарихни «ясаш» ҳар қандай аҳмоқнинг қўлидан келади, аммо унинг ишлари, хатти-ҳаракатлари, фаолиятини тасвирлаш учун эса буюк инсон бўлиш керак, деб ҳисоблаб келинган. Сўз боқийлиги фаолият боқийлигидан кўра шак-шубҳасиз, аниқроқ экани хусусида ишонч билдирган барча даврларнинг овозлари антологиясини тузиш қийин эмас. Бунга мисол сифатида биргина Бэкон овозини келтириш кифоя:

«Шундай қилиб, биз ақл ва билим обидаларининг куч ва қўллар яратган ёдгорликларга қараганда қанчалик мустаҳкамроқ эканини кўриб турибмиз. Ахир, Ҳомер шеърлари йигирма беш асрдан кўпроқ вақт ўтяптики, ҳали биронта ҳам бўғин, биронта ҳам ҳарф йўқотмай, яшаб келмаяптими, бу орада эса сон-саноксиз саройлар, ибодатхоналар, қасрлар, шаҳарлар таназзулга юз тутиб, ер юзидан йўқ бўлиб кетмадими? Энг сўнгги асрлардаги қироллар ва бошқа буюк шахслар каби, Цезарь, Искандар, Кир ҳайкаллари ва суратларини аслидай тасвирлашнинг имкони йўқ, инсоний фикрлар ва инсоний билимларга хос образлар эса китобларга ўзгармас тарзда, абадий акс эттирилган, вақт уларга зиён етказолмайди, улар ҳамиша барҳаёт...»

Бугунги кунда дилгир Рене ҳам, Веруламлик донишманд ҳам бошни айлантирадиган, фавқулодда сиёсий мавқе, мартаба, мансабларни, бундан ҳам кўра,

кутилмаган рақобатчилар – киноюлдузлар, боксёрлар, атлетларни кўрганда, аччиқ аламли дақиқаларни ҳис қилган бўлишарди. Уларнинг автограф (дастхат)лари катта бувилари шоир имзосини орзу қилган бўйи етган қизларнинг альбомларини тўлдириб турибди.

Ҳатто яшин тезлигидаги муваффақият мукад-даслаштирилган принцип ҳисобланадиган Америкада – ва айниқса, дунёнинг қолган қитъаларида шон-шуҳратни сабр билан кутадиган, унинг келишини ўзлари тезлаштирмайдиган ёзувчилар бор. Улар ўз олдиларига қўйган мақсадлари улуғликка, буюкликка олиб боришини ўзлари билмайдиган оғир, босиқ, вазмин, камтар, камсуқум, таъсирчан, нозик, сезгир, ювош, ройиш, меҳнаткаш, заҳматкаш, фидойи, шон-шуҳрат, иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром учун югур-югур қилиб, ўзини хўрламайдиган мағрур инсонлардир, холос. Тақдир уларнинг орасидан баъзи бирларини танлаб олиб, кечиккан, аммо улуғвор шон-шуҳрат ато этади, у ўзининг аччиқ қисматида худкушлик билан қутулмоқчи бўлган омадсизларга ҳам меҳрибон ва илтифотлидир. Марсель Швоб ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади, уни қутқариб қолишгач, шундай дейди: «Мени ҳаммадан ҳам кўра қийнаётган нарса – ўзимнинг омадсизлигим эмас, балки мендан баттарроқларнинг муваффақиятидир».

Бурденинг «Vient de paraître» – «Босмадан чиқяпти» номли комедияси ва Беннеттнинг «Буюк одам» романи нашриётнинг фитна, найранг, макр-хийлага тўла пинҳоний ҳаётини оммабоп шаклда тасвирлаб, у ерда энг муҳими – реклама (тижорат) эканини очиб ташлайди. Бунда ёзувчи ҳар доим ҳам сусткашлик қилиб, қурбонга айланиб қолавермайди – у баъзан эпчил, уддабурон ноширни ҳам ярим йўлда қолдириб кетади. Ҳозиргина босилиб чиққан китобча нусхаларини (китоб дўконида тасодифан учраган) харидорларга бағишлов ёзиб, дастхат қўйиб беришдек

анча кенг тарқалган одатни айрим ёзувчилар ғоят фантастик ҳашамлар билан янаям «ранг-баранг» қилиб юборишган: мисол учун, шу пайтгача Эйфель минорасининг тепа майдончасида ёки фил устида ўтириб, шербаччалар сақланаётган қафас ичида ёки гул маржонлари билан безатилган майсазорда ёхуд киноюлдуз даврасида китоб ёзиб бериш ҳоллари кузатилган. Охириги ўнйилликлар ичида баландпарвоз, дабдабали шон-шуҳратга ташна айрим ёзувчиларнинг ўз китоблари рекламасини кўзлаб уюштирган бир қанча саҳналаштирилган жанжаллар, ёлғондакам ўғирлаб кетишлар, ясама олиб қочишларнинг гувоҳи бўлишимизга тўғри келди. Уларнинг баъзи бирлари ўқувчи эътиборини тортиш учун – дуэллар, қўйди-чикди, ажралишлар каби азалдан маълум бўлган усуллардан фойдаланишар ва буларнинг барчасига мақолалар, интервьюлар ва фотосуратлардан иборат «қуюқ қайла» ҳам илова қилинарди. Франциядаги адабий ҳаётни «авра-астаригача» яхши билган Бенжамен Кремье бир куни менга қандайдир «модний» ёзувчини кўрсатиб, шундай деса бўладими: «Манави, агар шу билан китобини тиражи юз минг нусхага кўпаядиган бўлса, ҳатто туккан онасини сотворишдан ҳам қайтмайдиган одам». Э худо, икки йил аввал мен бу муаллифнинг китобларини Сена (дарёси) бўйида, букинистлар қўлида кўрган эдим – эскириб, чанг босиб ётган бу китобларга биров қайрилиб ҳам қарамасди.

Ёзувчи тирик экан, у ҳаракат қилаверади: ўз танқидчилари билан ғижиллашади, уришади, талашиб-тортишади ёки уларни назар-писанд қилмайди, у тирик экан, охириги сўзни айтмаганига ҳали ҳам умид қилиши, исталган дақиқада аввалги энг яхши китобларига тенглаша оладиган ёки улардан ҳам мукамалроқ бўлган бир нима яратиши мумкин, унинг тириклар оламида ҳозирлиги ҳурматга лойиқ, уни ҳеч ким «йиқитишга» ошиқмайди, ёши ўтиб борган

сайин ўзининг адабиётда тутган ўрнидан кўнгли хотиржам бўлиб бораверади, чунки ҳар бир авлод ҳурмат-эҳтиромларга кўмилиб юрадиган ана шунақанги «несторлар»га – басавлат, фариштали, истараси иссиқ қарияларга эҳтиёж сезади, зеро, ёшлар бундай ҳурмат-эҳтиромларга ҳасад қилишмайди, чунки бу каби қутловларни ўзларининг мақтовга лойиқ, ҳурматга сазовор кексаликларининг тимсоли сифатида қабул қиладилар. Бироқ тириклигида гулчамбарлар тақиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган ёзувчи вафот этган заҳоти ўзига хос маҳшаргоҳга тушади ва унутилишга маҳкум этилмаса агар, маълум бир вақтдан сўнг у ердан бир амаллаб чиқиб олади. Адабий уфқнинг баъзи бир машҳур юлдузлари ҳали сўниб улгурмай, жазога тортилдилар: Анатолий Франс дафн қилинаётган куниёқ «Cadavre» – «Мурда» номли рисолада беобрў қилинди.

Аммо шунда вафот этган ёзувчининг содиқ мухлислари ёрдамга шошиладилар. Унинг ижодини ўрганиш бўйича жамиятлар тузилади, кўргазмалар ташкил қилинади, тантанали сессиялар ўтказилади, кўчани марҳумнинг номи билан атайдилар, у яшаган уйда хотира (ёдгорлик) лавҳаси ўрнатилади, унинг номидаги стипендиялар таъсис этилади, исми эса адабий муассасалар ва мактабларнинг фасади (олд томони)да кўзга ташланиб туради, хат, ёзишмалари, кундаликлари, вафотидан кейинги турли хил ҳужжатлари нашр қилинади, хуллас, ёзувчига нисбатан диққат-эътибор сусайгудай бўлса, унга ҳартарафлама кизикиш уйғотиш чора-тадбирлари кўрилади, ҳатто ижодини тадқиқ қилиш учун журналлар пайдо бўлади. Францияда бунақанги оилавий ҳурмат-эҳтиромнинг шакл ва усуллари тўлиб ётибди, назаримда, уларнинг жуда жозибали бир нимаси бор шекилли: баъзи бир ёзувчилар, тириклигида ўзининг дафн маросимини ўтказган Карл V га ўхшаб, олдиндан,

хали ҳаётлигидаёқ бу ҳақда ғамхўрлик қилиб, тарадуд кўриб кўядилар. Саксон ёшли бир қариянинг ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида жаноб Амруш олдида истиғфор келтирганини радиодан эшитиб, хайрон қолдик, бу бизга Гёте ҳаётидан олинган машхур талабалар латифасини эслатди. Худди ўша муаллифнинг эълон қилинган Поль Клодель билан ёзишмаларини ўқиб, очиги, янаям хайрон бўлдик, уларнинг ҳаётлигида бўлиб ўтган интим воқеалар шу қадар очик баён қилингандики, бу нарса ҳатто вафотидан кейинги нашр учун ҳам фойдадан холи бўлмас эди. Жюль Ромен эса ўз-ўзини олдиндан абадийлаштириш мақсадида «Cahiers des hommes de bonne volonte» – «Яхши ниятли кишилар дафтари»ни ташкил қилган, бу Бальзак ва Пруст вафотидан сўнг, уларнинг ижодини ўрганиш учун чоп этила бошлаган мажмуалар хилидаги даврий нашр эди.

Адабий ҳаёт замонавий дунёда ҳаддан ташқари сершовкин бўлиб қолди, бошқача қилиб айтганда, «ўта тўйиниб» кетди. Босмаҳоналар томонидан кунига жуда катта миқдорда китоблар бозорга чиқарилади, реклама ушбу китобларни шундай мақтайдикки, бу борада тўғри, холисона фикрга умид қилиш қийин. Мазкур мавзу бўйича аниқ ва асосли шарҳ тайёрлай оладиган мутахассислардан ташқари, ҳеч ким шахсий мутолаа учун китоб танлаш юзасидан ҳукмфармолик қила олмайди. Китоблар орасида ярим аср яшаб, уларга қизиқиш, севиш, завқланиш мумкин, аммо шунга қарамасдан, минглаб турли хил сабабларга кўра, бизнинг қизиқиш ва билимлар доирамизга кирмай қолган дурдона асарларгача етиб бориш мушкул. Ҳар бир адабиётнинг аслиятини кўзатиб бориш имкониятига эга бўлиш учун ҳеч ким шунчалик кўп тил билмайди. Пайдо бўлаётган таржималарда эса фавқулодда англашилмовчиликлар, ҳеч қандай изоҳлаб бўлмайдиган ўзига хос терслик-

ларнинг мавжуд бўлиши табиий, шу боис энг яхши ва энг муносиб асар нашрига умид боғлаб бўлмайди. Масалани китоб ноширининг фойда, текин даромадга ўчилиги, муаллифнинг эпчиллиги, удабурунлиги ва умумий конъюнктура (мавжуд аҳвол, вазият, шароит) ҳал қилади. Аксель Мунте ёки Оссендовский сингари муаллифларнинг халқаро китоб бозорида эришаётган ютуқларига ҳеч қандай оқилона изох топиб бўлмайди. Характер жиҳатидан уларга яқин, услуб ва мазмуни бўйича анча яхшироқ бўлган минглаб китоблар сояда қолиб, номлари тилга олинган муаллифларнинг асарлари эса иккала ярим шар мамлакатларида яшовчи китобхонлар эътиборини, уларнинг ўз адабиётларига зарар етказиб бўлса-да, жалб қилишга эришди. Ўтаётган ҳар бир ҳафта ана шундай кутилмаган янгиликларни олиб келади. «Ҳафта» деганимнинг боиси, француз даврий матбуот нашрларидан биридаги кўнгилсиз рух эсимга тушиб қолди: «Le livre de la semaine» – «Ҳафта китоби». Ҳафта – мана сизга замонавий адабиёт боқийлигининг мезони! Эҳтимол, ҳали бу вақт бўлаги ҳам кўплик қилиб, тез орада: «Le livre du jour» – «Кун китоби» ва ниҳоят, «Le livre de la derniere heure» – «Сўнги соат китоби» деб ўқиб қолсак ҳам ажабмас.

Ўзимга келсак, иш, ташвиш бошдан ошиб ётибди. Ҳар куни почта менга буюк адабиётлар мамлакатларида чиқадиган ҳафтанома ва ойномалардан ташқари, Австралия, Янги Зеландия, Ямайка, Жанубий Африка сингари мамлакатларнинг кўплаб даврий нашрларини ҳам келтириб беради ва мен уларни мажбурият юзасидан ўқиб чиқаман, шунда шунақанги кўп фамилиялар учрайдики, уларнинг ҳар бири ўз асарларини, ўз хизматларини далил қилиб келтиришга ҳақлидир. Ҳиндистон каби улкан, аҳолиси кўп, минг йиллик анъаналар ва номлари ажойиб бир неча ўнлаб тиллардаги адабиётларга эга мам-

лакатлардан келадиган журналларнинг таассуротлар юкини эса асти қўйинг. Ғоят жиддий эътибор ва энг зўр хотира ҳам буларни қамраб ололмайди, модомики, бу чакалакзор, чангалзорларда исм ва номлардан нари ўтиб бўлмас экан, унда хотираю эътибордан нима фойда? Ҳар йили ёзув столимга жуда катта, улкан жилд «Index Translationum» – барча ирк, халқлар ва тилларга мансуб китобхонлар оммасини забт этаётган минглаб муаллифлар яшаб, ижод қилаётган дунёнинг ҳамма мамлакатларида ўтган йил давомида эълон қилинган таржималар библиографияси келиб тушади.

Халқаро адабий конгрессларда ҳам хаёлга нохуш ўйлар келади. У ерда биз атоқли, ҳатто машҳур ёзувчилар билан учрашамиз, баъзи бирлари билан шахсан танишиб, суҳбатлар курамиз, кейинчалик хатлар ёзишамиз, агар бизга тушунарли тилда ёзилган бўлса, бир-биримизга муаллиф нусхалари – китоблар тортиқ қиламиз, аммо буларнинг барчаси бахтли тасодиф бўлиб қолади, – бирдан қандайдир фикр, мулоҳаза кизиқтириб қолгудай бўлса, дафъатан ўзаро хайрихоҳлик пайдо бўлади ва бу бизнинг кизиқишимиз ва ҳурматимизга сазовор бўлган кўпсонли кичик доиралардан бирига чуқурроқ кириб боришимиз учун имконият яратади, бироқ – афсус! – унча арзирли бўлмаган минглаб бошқалари эса, шундоқ ёнгинамиздан ўтади-ю, ғира-ширада кўздан ғойиб бўлади-қўяди.

Бу орада эса ўзларини тинглаб, эътироф этишлари учун курашаётган сон-саноксиз ёзувчилар ичида ҳар бир даврнинг унутилмай қолиш бахтига муяссар бўлган ўз мумтоз кишилари бўладими, улар абадий оқиб бораётган оқимга юқоридан қараб турадилар. Тантанали йиғилишлар ва кенгашлар билан бир қаторда адибларнинг таваллуд айёмлари ва вафоти муносабати билан ташкил қилинадиган юбилей ва

маросимларда ана шу ёдгорликлар ёзувчиларга хур-
мат-эҳтиром кўрсатишга бўлган ишончни мустаҳкам-
лаб, кўлаб-қувватлаш билан бирга, кўплаб хато ва
адашишларга ҳам сабаб бўладилар. Бронза ёки мар-
мар хайкалларга қараб туриб, мангу абадийлашти-
рилган бу инсонларни тириклигида рўшнолик кўр-
май, таъкиб, қувғинлар остига олинган, тошбўрон
килинган деб, деярли ҳеч ким ўйламайди, нафрат
туфайли содир бўлган бундай ёвузликлардан улар
фақат ўлиб қутулган. Халқ улуғлаб кўкка кўтарган
бу боқий инсонларнинг қачонлардир оломон ораси-
да туртиниб-суртиниб, навбат кутиб турганларини,
трамвайлар, омнибус (кўп ўринли киракаш извош –
тарж.)ларда, учинчи класс поездларда юрганларини,
ундан илгарироқ замонларда эса қирчанғи от кўшил-
ган очик енгил араваларда аянчли тарзда тебраниб,
силкиниб ёки виқор билан пиёда йўл босганлари-
ни, бир кунлик куч-қудрат ёки шу қадар ўткинчи
салобатдан кибр-хаволанган манман, такаббур, но-
тавон, ялтир-юлтир кимсаларнинг ҳатто номларини
ҳам билмай, уларга қареталарда лой сачратиб ўтиб
кетганларини эсласанг, бу аллақандай ғалати, ғай-
ритабий, хунук кўринади. Адабиёт осмонининг ўз
Лазарлари бўлади ва улар бой-бадавлат одамларга
бармоқ учида томчи сув бериб, уларни ҳам боқий-
ликка эргаштирадилар.

Қабр одамни улуғлайди, қабрга қирган ва жа-
мият кўз ўнгида янада улғайган ёзувчиларни са-
наб, саноғига етиш қийин. Жеромскийнинг қабрини
«Polonia Restituta» – «Тикланган Польша» ордени
лентаси безаб турибди, аммо бу лента ўз халқининг
бутун аламларини ва барча орзу-умидларини ўзига
сиғдирилган юраги уриб турган кўксини тириклигида
ардоқлай олмади.

Вафот этиб кетган ёзувчиларга хурмат-эҳтиром
кўрсатиш азалий анъаналар ила муқаддаслаштирил-

ган турли хил шакллар билан ифодаланади. Ёдгорликлар уларнинг энг қадимийларидан хисобланади ва ҳозирги вақтда биронта мамлакат йўқки, шиддат билан илгарилаётган замонавий ҳаёт оқимиға шохсупадан қараб турган ўзининг буюк ёзувчиларини ёдга олмаган бўлсин. Бироқ қилич ёки скипетр (салтанат хассаси) шарафига ўрнатилган ҳайкаллар билан солиштирганда, ёзувчиларға қўйилган ёдгорликларнинг озчиликни ташкил этишини сезиш қийин эмас. Ёзувчилар хотирасини абадийлаштиришнинг энг яхши усули, бу – улар туғилиб ўсган, яшаб ижод қилган уйларида хотира (ёдгорлик) лавҳаси ўрнатишдир. Кўпинча улар қайсидир шаҳарда ҳатто қисқа муддат бўлган бўлса ҳам, бу ҳақда мухтасар маълумот берувчи табличка (лавҳача)лар ўрнатилган бўлади, масалан – Мицкевич Римда, Гёте – Краковда ва х.к. Флоренцияда мрамрдан ясалган ёдгорлик лавҳалари билан безанган ва кўча муюлишларидан «Илохий комедия» терциналарининг акс садоси эшитилиб туради.

Аммо ёзувчи хотирасининг энг муқаддас жойлари – уларнинг уйлари ва мазорларидир. Мабодо ҳақиқийлари сақланиб қолмаган бўлса, уларни рамзий ёки афсонавийлари билан алмаштиришади ва одамлар буни худди аслидай қабул қилаверади, Вергилийнинг Неаполдаги мазори ҳам шундай. Ўтган қадим замонлардан фиръавнларнинг эҳромлари, цезар (*қадимги Римда: императорлар унвони – тарж.*)ларнинг, турли шоҳлар, подшоларнинг мақбаралари сақланиб қолган, галикарнаслик Мавзолнинг¹ исми шу хилдаги қабр ёдгорликлари учун умумий ном бўлиб хизмат қилган. Бироқ Греция ва Римға боқий шон-шуҳрат келтирган кишиларнинг қабрларини излаш беҳуда иш бўлур эди. Улар яшаган

¹ Мавзол II (эр.ав. IV аср) – Кичик Осиёдаги Кария давлатининг подшоси.

уйларнинг қаердалиги фақатгина мункиллаган йўл бошловчи қарияларнинг тасаввурида сақланиб қолган бўлса ҳам ажаб эмас, уларга Демосфенни Афинанинг исталган овлоқ кулбаларидан бирига кўчириб оёриб, «жойлаштириб» қўйиш ҳеч гапмас. Аммо ўрта асрлардан бошлаб, Данте, Петрарканинг қабрларига гулчамбарлар қўйиш имкониятига эга бўла бошладик ва ундан кейин қаторасига барча мамлакатлардаги шоир ва файласуфларнинг абадий оромгоҳлари ҳам назарда тутиладиган бўлди. Дастлабки оддий қабрлар дабдабали тоштубутларга кўчирилди, Мицкевич ва Словацкий қабрлари Вавелга келтирилиб, уларга Париждаги Пантеон ёки Лондондаги Вестминстер каби махсус қабристонлар ажратилди.

Лекин шунга қарамасдан, вафот этиб кетган ёзувчиларнинг қабрларидан кўра уйлари хийла кучли таассурот қолдиради. Улар гоҳо шу қадар асраб-авайлаб сақланадики, гўё уй соҳиби ҳозиргина ташқарига чиқиб кетгандай туйилади. Франснинг Бешеллеридаги хонаси шундай кўринишга эга, ундаги ёзув столи устида сўлғин Лярусс (портрети) ва пресс-папье (қоғоз бостиргич)га кўзингиз тушади, унда Франс томонидан истиконда турадиган роз патлари билан ёзилган сўнгги ҳарфларнинг излари қолган. Салгина суриб қўйилган оромқурси ҳам шу ерда, гўё ёзувчи атиги бир дақиқа аввал ўрнидан тургану, чиқиб кетгандай таассурот уйғотади. Баъзи бир уйлар, масалан, Мицкевичнинг Парижда, Гётенинг Ваймарда, Толстойнинг Ясная полянада яшаган уйлари музейларга айлантилган. Ўз табиий муҳитидан бошқа жойга кўчирилиб, қайта тикланганлари эса ноҳуш манзара касб этади, бунга мисол қилиб, Стриндбергнинг Стокгольмдаги музейга бутунлигича кўчирилган иш кабинетини келтириш мумкин. Польшага келадиган бўлсак, бу борада афсуски, етарлича ғамхўрлик қилолганимизча йўқ. Тўғри, Каспрович яшаган Ха-

ренда ва Жеромскийнинг Наленчеводаги «ёғоч уйи» авайлаб сақланмоқда, бироқ миш-мишларга кўра, Вола Окшейскаядаги Сенкевич туғилган уй деярли вайронага айланган, Крашевскийнинг Варшавада, Мокотовскаядаги уйи эса давлат томонидан муҳофаза қилинадиган бинолар рўйхатига киритилишини кутиб ётганмиш. Поляк адабиётининг асосчилари бўлган ёзувчиларимизнинг уйлари сақланиб қолмаган: улар ёнғинлар, урушларнинг қурбонига айланган, бутунлай унутилиб кетганлари ҳам бор.

Муаллифлар билан бир қаторда уларнинг асарларидаги қаҳрамонлар хотираси ҳам сақланиб келинади, баъзан улар яшаган уй-жойлар шартли равишда қайта тикланади: масалан, Тобосодаги Дульцинея уйи, Шерлок Холмснинг Лондонда – Бейкер-стритдаги хонаси ёки улар яшаган деб тасаввур қилинган уйларда хотира лавҳалари ўрнатилади – Варшавада Вокульский ва Жецкийнинг шундай лавҳалари бўлган. Адабий асарларнинг муаллифлари билан ёнма-ён персонажларига ҳам ёдгорликлар ўрнатилади – Испанияда Дон Кихот, Краковда Гражине, Гайд-паркда Питер Пэн, Сент-Мари де ла Марда Мирейя Мистраль ва тосканиялик Пиноккио (унинг муаллифи Карло Коллоди ҳам ўша ерлик) ва ҳатто Вуврда маҳаллий майфурушларга ёқиб қолган Бальзакнинг Годиссарига атаб қўйилган ҳайкаллар бор. Улуғ ижодкорлар хотирасини абадийлаштиришнинг таъсирчан мисоллари ҳам учраб туради, Булон ўрмонида Шекспир боғи бор, у ерда Шекспир пьесаларида тилга олиннадиган дарахтлар ва гуллар ўсади. Вафот этиб кетган буюк ёзувчиларни чуқур ҳурмат-эҳтиром билан ёд этиш борасида олижаноб инсонлар хотираси қилаётган барча ишларни санаб тугатиш қийин, баъзан бу билан авлодлар ота-боболар олдидаги ўз бурчларини адо этаётгандек кўринади.

Ёзувчи ҳаёт экан, уни шошилиш ишлар ва

ташвишлар кўмиб ташлайди, ҳозирги замон уни энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган юмушлар билан шуғулланишга мажбур қилади. Ёзувчи ҳаётлигида — инсон, яъни ўғил, эр, ота, ижара ўтирувчи, солиқ тўловчи, фуқародир. Жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, дин, эътиқод, мазҳаб — замонавий ҳаётнинг барча сон-саноксиз пайпаслагичлари уни ўраб-чирмаб олиб, мустақиллигининг ҳар қандай кўринишига қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилади. У албатта ҳар доим кимнингдир гаҳини келтиради, ранжитади, хафа қилади, ғазаблантиради, доимо кимгадир ҳалакит беради, сояси билан қуёшни тўсиб, кимнидир ўсгани қўймайди ва ҳамиша унинг олдида кечиктириб бўлмайдиган вазифалар пайдо бўлади, эртага уларни ҳеч ким эсга олмайди, аммо бугун улар ошиғич қарорлар талаб қилади, башарти унинг томонидан эътиборсизлик ёки менсимаслик аломатлари сезилса, ўйламай ножўя сўз айтурса ёки эҳтиётсиз кадам ташласа тамом, у атрофдагиларнинг ғазабига дучор бўлади. Баҳс-тортишувларда кимнингдир ёнини оларкан, у бошқача маслак, эътиқоддаги кишилар билан аразлашиб қолади: чунки ҳатто энг адолатли фикр бўлган тақдирда ҳам, бировларга чидаб туришлик камдан-кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланади. Буларнинг барчаси суронли, қизғин, жўшқин даврларда, ўзгаришлар ва кескин бурилишлар замонида энг охириги шаклда ўз ифодасини топади, ижтимоий ҳаёт тинч, сокин, уйғун ва ҳамоҳанг кечаётган, эҳтирослар қайнаб-тошмаган бошқа даврларда эса ёзувчи, гарчи унга менсимамай муносабатда бўлишса ҳам, атрофдагиларнинг фикрига нисбатан ҳеч нима йўқотмайди. Аксинча, бу унинг обрўсини ошириши мумкин. Аммо энг тинч, осойишта пайтларда ҳам ёзувчи агар шухратпараст, иззатталаб, ичиқора, бахил, ҳасадгўй ва фитна, найранглар билан машғул бўлса, албатта замондошларнинг кескин норозилиги-

га учрайди. Агар у ўзининг олижаноб тафаккур ва сўз олаmidан Мосуво бўлиб, бузук ишкибозликлар дунёсига шўнғиб кетгудай бўлса, бундай ёмон одатлар ижодкорни ўз домига тортиб кетади.

Ёзувчи вафотидан сўнг, агар у чиндан ҳам авлодлар хотирасида яшашга муносиб бўлса, унинг номи мана шу паразит флорадан жуда тез фориғ бўлади. Қиёфасининг ташқи кўриниши аста-секин соддалашиб, туб мохияти бир неча жумла, баъзида икки сўз, хатто биргина сифат билан ҳам ифодаланиши мумкин. Ва ёзувчи улуғ ҳамда мураккаб шахс сифатида энди қандайдир жарангдор афоризм шаклида боқийлик, абадийлик сари йўл олади ва уни авлодлар ҳаяжон билан, иззат-икром, ҳурмат-эҳтиром билан ва эҳтимол, лоқайд такрорлаб юришади. Адабиётнинг бутун пантеони (дахмаси)ни устига қадимий портретлардаги сўзлар ёзилган лента каби, енгил-елпи ва шошилинч чизиқлар тортилган, ёзувчининг туб мохиятини белгилайдиган эпитет (васф)дан иборат кўланка, шарпалар эгаллаган.

Кўчаларнинг муюлишларидаги лавҳачалардан бизларга боқиб турган, маъносини қомусий луғат ёрдасиз англаб бўлмайдиган куп-қуруқ номлардан маъюслик нафаси уфуриб туради. Афинада фақат антик дунё ишкибозларигагина маълум бўлган сон-саноксиз номлар билан тўлиб кетган бутун бошли кварталлар бор. Парижда жойлашган хонадонлардаги унутиб юборилган исmlарни абадийлаштирувчи лавҳалар олдида одам саросимага тушиб қолмаслиги учун жиддий, пухта эрудиция зарур бўлади. Франция Академиясидаги қачонлардир «умрбоқийлар» савлат тўкиб, тантанавор ўтирган, улар хотирасига атаб литания (католиклар ибодати)лар ўқиладиган ҳар бир кресло олдида чуқур ғамга ботмай иложингиз йўқ.

Зотан, Европа маданияти хотираси ҳаддан ташқари тўйиниб кетган. XIX аср унинг зиммасига барча

даврлар ва халқларнинг номларидан иборат улкан юкни ортиб қўйган. XIX асрда коммуникация воситаларининг яхшиланиши, маданиятли инсонлар ўрнашиб жойлашган, бошқа маданиятлар билан алоқага киришган китъалар ўртасидаги ўзаро фикрий алмашувлар уфқларнинг янада кенгайишига олиб келди. Шу пайтгача мисли кўрилмаган қизиқувчанлик маданиятли инсон ақл-тафаккурини бир-бирига зид бўлган турли хил қарашлар, санъат шакллари, ифода усуллари ва гўзалликни идрок қила оладиган ва тушунадиган қилиб қўйди. Илгариги даврларда барча нарсалар биргина, масалан, дейлик, миллий ёки диний нуқтаи назарга бориб тақалган. Ўрта асрларда диний ақидалар билан боғлиқ бўлмаган адабиётга деярли ҳеч қандай эътибор қаратилмаган. Гуманизм учун антик дунё ва унга тақлид этишнинг ўзи кифоя қилган. Француз классицизми эса айрим эстетик идеаллар билан қаноатланар эди. Фақат XVIII аср охирларига келиб, Шекспир томонидан «ўлганларни тирилтириш» ғояси каби ходисаларнинг юзага келиши ёки антик дунёнинг янгиланган концепцияси санъатни тушуниш соҳасида янги давр бошланишидан дарак берди. Бутун XIX аср нафақат замонавий адабиёт, балки ўтмиш адабиётини ҳам ҳормай-толмай ўрганиш шиори остида ўтди ва ҳар қандай географик кенгликлар миқёсида нимаики яратилган бўлса, барчаси ўрганиб чиқилди. Умумбашарий маданият пантеонида бир қатор кўчиб юришлар ва жой ўзгартиришлар рўй берди. Кўплаб илгариги улуғ шахсларнинг аҳамияти камайиб, унутилиб кетган ва ҳатто шу пайтгача номаълум бўлган кишилар эса танилиб, машҳур бўлиб кетди. Гўзал, оригинал, санъаткорона барча нарсаларга бўлган ғоят завқли муносабат ҳам «Нибелунглар», ҳам «Шоҳнома», ҳам «Маҳобҳората» ва «Илоҳий комедия»ни ўзига олиб, бир бутун бўлиб бирлашди. Хитой, япон, хинд дра-

малари Европа сахналарида қўйилди, ўша пайтгача ўз чегаралари билан чекланиб қолган ёки узоқлигидан ҳеч ким етиб боролмаган майда миллатларнинг лирика ва прозалари учун кенг йўл очилди. «Прерафаэлитлар¹ иттифоқи» улуғ ёзувчилар ва рассомларнинг юбилейларини нишонлаш учун тақвимлар тузди, бу одат кўпгина давлатларга ёйилиб, урф бўлди ва эндиликда иккала ярим шар мамлакатларида ҳам Аристофан, Цицерон ёки Вергилийнинг икки минг йиллик юбилейларини тантанали нишонлаш мумкин ва ҳатто дунёга унчалик танилмаган ижодкорлар ҳам шундай шон-шарафга ҳақлидирлар.

Саналар, номлар, асарларнинг юки ана шу тарзда кўпайиб боради ва уни ҳаракатга келтириш тобора қийинлашаверади. Ўнлаб мутахассислар доимий тарзда кўпайиб бораётган монументал жилдларда «дунё адабиёти» манзарасини акс эттириш йўлида куч-ғайратларини бирлаштирмоқдалар. Иттифоқо, қўлимга бир китобча тушиб қолди, 1900 йилда чиққан мазкур нафис, бежирим жилд (суратлари билан) 200 саҳифадан ошмайди, унда муаллиф адабиётнинг эллик асрлик тарихи ҳақида қисқача маълумот бериб, Миср, Бобил ва Хитой давлатларидан тортиб, то Тинч океан ва Атлантика океанига қадар, бутун ер юзини қамраб олган эди. Эслашимча, поляк адабиётига ҳаммаси бўлиб атиги ўн сатр ажратилган эди, холос. Умуман олганда, ушбу китобча худди улкан мерос ҳақидаги тилхатга ўхшарди ва назаримда гўё бахтиёр меросхўр имзо чеккач, бемалол тонгги газетани ўқишга тушиши мумкиндек туйилди.

Шунингдек, рўзномада ҳам шунга ўхшаш маълумотни, аниқроғи, адабиётнинг йигирма асрлик сарҳи-

¹ Прерафаэлитлар – XIX аср ўрталарида вужудга келган инглиз рассомлик санъати мактаби вакиллари, улар XIV ва XV асрлардаги (Рафаэлга қадар) илк Уйғониш (Ренессанс) даврига оид итальян санъатига тақлид қилишга интилишган.

собини учратиш мумкин. «Britain Today» – «Буюк Британия бугунги кунда» журнали қачонлардир ўз ўқувчиларига эрамининг биринчи асридан бошлаб ўтган даврдаги энг яхши қирқта китобни номма-ном айтишларини сўраб, мурожаат қилган. Сўровномага бутун дунёдан жавоблар келган ва мана натижаси: биринчи ўринда «Дон Кихот», иккинчи ўринда – «Уруш ва тинчлик», «Гулливер саёхатлари» ва «Хўрланганлар» – еттинчи, «Бовари хоним» – ўн биринчи, «Кандид» эса ўн еттинчи ўринни олган. Тўртинчи ўнликнинг энг охирига «Уч мушкетёрлар» аранг сиғиб қолган, аммо на Бальзакка, на Стендалга ҳеч қандай ўрин берилмаган. Поляк ёзувчилари-ку, ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаган. Мазкур жавоблардаги баҳолашнинг қутилмаган ва тушунарсиз шкаласи одамни хайрон қолдиради, у танқидчилар ва адабиёт тарихчилари томонидан белгиланган «расмий» йўл-йўриқларга мутлақо тўғри келмайди. Паскаль бир қадар енгилтаклик билан даъво қилган бу хилдаги «китобхон фикри» бир қарашда гўё оқилона ва адолатлидек кўринса-да, аммо барибир одамни ўйга толдиради. Мисол учун, газета орқали қуйидаги мавзуда плебисцит (референдум) ўтказиш кифоя: Нобель мукофотига ким муносиб, адабиётга чинакам дахлдор кишиларнинг хаёлига ҳам келмайдиган номзодлар қандай аниқланади ва х.к. Бир вақтлар «Au plus grand poete de France» – «Франциянинг энг буюк шоирига» йўлланган мактуб қанчалар қулгига сабаб бўлган. Мактуб почта орқали дастлаб Виктор Гюгога етказилган, у эса уни очмай, ўзига хос бўлмаган камтарлик билан Мюссегга жўнатади, Мюссе Ламартига ва шу тариқа мактуб яна Гюгонинг ўзига қайтиб келгач, ниҳоят, унинг машҳур бир газета учун ҳар якшанба қофияли фельетонлар ёзиб турадиган истеъдодсиз, нўноқ шоирга атаб жўнатилгани маълум бўлади. Гап эски ёзувчилар ҳақида бора-

диган бўлса, ўқувчилар оммасининг инжиқликлари мактаб, дарсликлар ва қомусий асарлар томонидан босиб қўйилади.

Бизнинг авлод ишончни окламоқда, олдингилардан ҳеч қайси бири китобнинг узоқ умр кўришини таъминлаш тўғрисида бунчалик ғамхўрлик қилмаган. Биз китобларни сақлаш учун тўхтамасдан, бузилмасдан ишлайдиган воситаларни яратдик. Йирик кутубхоналар ерости галереяларидаги темир ва бетондан ясалган сейфларда сақланмоқда, улар оддий қоғоз варақларини азалий душманлари – ўт ва сувдан эҳтиёт қилади, китобларни замонавий урушларнинг вайрон қилувчи хатти-ҳаракатларидан химоялаш чора-тадбирларини кўради. Бунда микрофильмнинг ёрдами катта, у кичкинагина чамадонга улкан кутубхоналарнинг бутун бойлигини сиғдириш имконини беради ва башарти хавф-хатар туғилгудай бўлса, чамадончани ишончли жойга яшириб қўйиш мумкин бўлади. Шундай қилиб, ана шунақанги микроскопик шакл туфайли нафақат китоблар, балки журналлар ва ҳатто оморларда жой етишмаслигидан йўқотиб юборишга тўғри келадиган, чунки қоғоз сифатининг пастлиги боис, эртами-кечми, барибир ўз-ўзидан чириб, кукунга айланиб кетадиган газеталарни ҳам кўпгина асрлар давомида сақлаш имконияти туғилади. Бунинг устига, яна бир янгилик – баъзи бир асарларни босма матн, қўлёзма фотонусхаси, муаллиф ва асар иконографияси¹ ҳамда муаллиф овози ёзилган пластинкани ўз ичига олган қутича шаклида нашр этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Библиофил (китобсевар)лар орқасидан қувиб, излаб юрадиган баъзи бир замонавий китобларнинг илк нашрларини тўла, бут холда сақлаш чора-тадбирлари

¹ Иконография – бирор шахс ёки сюжетга доир тасвирларни ўрганиш, тавсифлаш ва шундай тасвирлар мажмуи.

кўрилди: Париждаги Миллий кутубхонада бундай нусхалар яшил рангдаги учбурчакли мухр билан белгиланиб, улар китобхонларга ё умуман берилмайди ёки жуда камдан-кам ҳолларда вақтинча берилади. Албатта, бундайин шон-шарафга дуч келган муаллиф муяссар бўлавермайди: фақат бокийликка дахлдорларгина танлаб олинади. Кутубхона маъмурияти буни қаттиқ сир сақлайди, адиблар эса бу сирнинг тагига етмоқчи бўлиб, жанжал қиладилар. Овозаларга қараганда, Фахрий легионнинг розеткаси (*орден ўрнида тақиб юриладиган лента, бант – тарж.*) дан қолишмайдиган «яшил учбурчак»ка эга бўлиш учун ҳомийларни ишга соладиганлар ҳам бор экан. Келажак эса, албатта қандайдир фокус кўрсатади ва XXV аср библиофиллари муаллифлари ўз вақтида «яшил учбурчак»ка лойиқ топилмаган китобларнинг биринчи нашрларини тополмай, умидсизликка тушиб, қўлларини синдиришгача борадилар.

Бизнинг эҳтиёткор, тадбирли давримиз билан солиштирганда, илгаригилар – айниқса, антик давр охиридан то гуманизмга қадар – ўта палапартиш ва исрофгар бўлган. Антик адабиётдан нималар қолди ўзи? Мақбара, қабрлар, сағаналардан топилган ва бизларга фиръавн ёки императорнинг тож кийиш маросимига оид либослари сифатида томоша қилиш таклиф этилган ва кейин музейларга қўйилган башанг либосларнинг парчаларию лахтакларидан бошқа ҳеч нарса. Софокл юзга яқин драма ёзган, Эсхил ундан сал камроқ, бироқ бизгача ҳар биридан фақат еттитадан асар етиб келган, холос. Эврипид ўз меросининг учдан икки қисмидан кўпроғини йўқотган, Аристофандан эса атиги ундан бири қолган. Алкей, Сафо, Тиртей, Архилох бизга бут бўлмаган ва калта-култа фрагментлар қолдирган. Кўпчиликдан номдан бошқа ҳеч нима қолмаган. Онда-сонда Мисрдаги қандайдир ахлат ўрадан папирус топилади ва у бизни қадимги

адабиётнинг ўша пайтгача номаълум бўлган асари сифатида хайратга солади; яқинда Менандр қаламига мансуб илк комедиялардан бирининг тўлиқ матни топилган. Лекин файласуфларнинг – улар орасида эса гениал, зўр истеъдодлилари кўп бўлган – юзлаб асарларидан фақат Диоген Лаэртий томонидан келтирилган иқтибосларгина сақланиб қолган, холос, у шу қадар «ақлсиз» бўлган эканки, Моммзен уни «олтин жунли кўй» деб атаган. Қадимги юнон адабиёти-ни бизлар минглаб номлар билан шитирлаб турган маҳобатли ўрмон янглиғ тасаввур қиламиз, бугун эса у дарахтлари кесиб олинган ҳудудда қаққайиб турган бир неча яккам-дуккам дов-дарахтлари, у ер-бу ерда сақланиб қолган камгина тўнка, кундалардан иборат бўлиб кўринади, илгариги ўрмоннинг қалин дарахтзорларидан, уларни асрлар шип-шийдам кундаков қилгани боис, ном-нишон қолмаган.

Тақдир-қисмат лотин адабиётини ҳам унча сийламаган. Унинг асосчиларига мансуб асарлар сақланмаган, фақат Плавт ва Теренций туфайли Рим комедияси бизгача етиб келган. Тўғри, Рим республикасининг инкирозидан тортиб, то Рим империяси даврига қадар, бизгача кўплаб муаллифларнинг асарлари етиб келган, лекин афсуски, даҳолар тиришқок истеъдодсизлар билан ёнма-ён тикилишиб турибди: Цезарь Непот билан, Саллюстий Плиний Катта ва Ҳораций Фронтин – сувўтказгич (водопровод)лар ҳақидаги трактатлар муаллифи, Тацит – ўртаси ейилган «Солнома» билан, Тит Ливий асари эса тўрт бўлиб пачоқланган ҳолда бизгача етиб келган).

Бунинг учун антик даврни айблаш керак эмас, чунки у кутубхоначилик соҳасидан оз-моз хабардор бўлган. Искандариядаги китоб омборида Юнонистон томонидан адабиёт, фалсафа ва илм-фан соҳасида нимаики яратилган бўлса, деярли барчаси сақланган. Кичикроқ кутубхоналар ҳамма жойда: Грециянинг

ўзида, Осиё ва Африкада ҳам бўлган. Император бошчилигидаги Рим юнон ва лотин тилларидаги китобларнинг бир қанча йирик тўпламларига эга бўлган, лекин босқинлар, ёнғинлар, қирғинларга қаршилик кўрсата олиш учун булар камлик қилар эди.

Ўрта асрларгача нималар омон қолган, буни ҳеч қачон билолмаймиз, чунки тақдир-қисмат китоб учун олдиндан янги офатларни тайёрлаб қўйган эди. Ўрта асрларда қадимги замоннинг барча китобларига ҳам бирдек диққат-эътибор билан муносабатда бўлинмаган. Баъзи бир китоблар доимий равишда ўқилиб, доимий равишда қайтадан (тўғрисиини айтганда, ҳар гал ёмонрок) кўчириб чиқилаверган, минглаб бошқалари эса, каламушлардан ташқари ҳеч қимми қизиқтирмаган. Қадимги пергаментлардан янги ёзувлар учун материал сифатида фойдаланишни ўрганиб олишгандан сўнг, палимпсестлар¹ – бой берилган қадимий тафаккурнинг ғамгин сағаналари пайдо бўлган. Фақат энди ҳарфлар ҳаддан ташқари мураккаб манипуляция (қўл ишидаги қийин ва нозик ҳаракатлар – тарж.)лар ёрдамидагина ўрта асрнинг ранги ўчиб кетган сиёҳлари остидан билинар-билинемас ўргимчак инига ўхшаб кўринади.

Аммо шунча офат, мусибатлардан сўнг омон қолган антик муаллифларнинг шу кичик гуруҳи ҳам ўрта аср охирларига келиб, ҳалокат ёқасида эди – гуманистлар маҳкумларнинг ҳеч бўлмаса, бир қисмини қутқариб қолиш учун сўнгги дақиқада пайдо бўлдилар. Боккаччо Монте Кассинони бориб кўргангани шундай тасвирлайди: «Ажойиб таърифини эшитганим кутубхонани кўриб, танишиб чиқиш мақсадида роҳиблардан бирига юмшоқ муомала билан мурожаат

¹ Палимпсест – янгитдан қиртишланган (китоб) – ювиб тозаланган ёки кириб ташланган матн устига битилган пергаментли қўлёзма. Палимпсестлар китоб босиш ихтиро қилингунга қадар кенг тарқалган.

килиб, у ерга бошлаб боришини сўрадим. Шунда у зинани кўрсатиб, кескин жавоб қилди: «Ана очик турибди, ўзинг борақол!» Хурсанд бўлган Боккаччо зинадан юқорига чопиб чиқади ва қарасаки, китобий хазиналар сақланаётган жойда на эшик бор, на қулф; ичкари киргач, ланг очилиб ётган деразалардан эсган шамол «экиб» ташлаган ўтлар ҳаммаёкни босиб кетганини, китобларни эса қалин чанг қоплаб ётганини кўради. Бундай ачинарли манзарадан ранжиган Боккаччо энди китобларни жилдма-жилд кўздан кечира бошлайди – бу ерда антик ва чет эллик муаллифларнинг кўплаб турли-туман асарлари жам эди. Бироқ баъзи бир китоб саҳифаларининг чорак қисми йиртиб олинган ёки хошиялари қирқилган, айримларининг эса бутунлай дабдаласи чиқиб кетган эди. Номуносиб кимсалар қўлига тушган, улуг инсонлар қаламига мансуб бу асарларнинг аянчли қисматидан дили сиёх бўлган Боккаччо йиғлаб юборади ва пастга тушиб, бошқа бир роҳибдан шу қадар қимматбаҳо китобларнинг бунчалик хунук, ачинарли ҳолга тушиб қолганининг сабабини сўрайди. Бунга жавобан, роҳиб оғалар озгина пул ишлаб олиш илинжида пергаментни йиртиб олиб, ёзилган жойларини ўчиришларини, сўнг болалар учун мўъжазгина псалтирлар тайёрлашларини, кесиб олинган хошиялардан эса аёллар буюртмасига мувофиқ мактублар ёзиш учун фойдаланишларини айтиб беради.

Петрарка, Боккаччо, Колуччо Салутати, Пожо Браччолини ва бошқа гуманистлар узоқ, олис монастырларни зиёрат қилиб, черков архивларини, чордоқ ва қазноқларни ковлаштириб, текшириб чиқадилар, бутун Европа бўйлаб сафар қилиб, бу ишга элчилар ва элчихона ходимларини жалб қиладилар ва моғор, пўпанак босган жилдлардан ўз қўллари билан нусхалар олиб ёки бу ишни кўчириб ёзувчи котибларга топшириб, китобларни ҳалокатдан сақлаб қоладилар.

Улар туфайли биз Цицерон, Тацит, Катуллга эга бўлдик, агар Колуччо Салутати ўз вақтида нусха кўчирмаганида, Катулл ҳам ҳалок бўларди, негаки флоренциялик гуманист нусха олган Верона кўлёмасининг тез орада йўқолгани маълум бўлади. Қолган ҳаммаларининг тақдир-қисмати ҳам худди шундай аянчли кечиши мумкин эди, – гоҳо бунинг учун атиги бир кун кифоя қиларди. Петрарка Цицероннинг «De gloria» – «Шон-шуҳрат ҳақида» номли асарини ўзи олдиндан кўчириб олмасдан кимгадир бериб юборади ва ушбу асар унга бошқа қайтиб келмай, бутунлай йўқ бўлиб кетади. Китоб босиш ихтиро қилиниши билан қадимги замон ёзувчиларининг асарларини чоп этишга киришилди, бу билан гўё улар қабрлардан чиқариб олингандай бўлиб, шон-шуҳратнинг янги даврига қадам кўйдилар, бу эса баъзилари учун илгариги барча зафар, тантаналардан ҳам кўра ёркинроқ, шукуҳлироқ бўлган эди.

Китоб босишни ихтиро қилган Йоханн Гутенберг адабий асарларга ҳатто энг вайрон қилувчи тарихий офатлар ва катаклизм (*табиатда ва ижтимоий ҳаётда рўй берадиган кескин, хатарли, ҳалокатли ўзгаришлар – тарж.*)ларга қаршилик кўрсатиш имконини берди. Тўғри, XV ва XVI асрларда тиражлар ҳали унчалик катта эмас эди, шунинг учун у ёки бу инкунабула (*ҳарф териш йўли билан чиқарилган дастлабки китоб – тарж.*)лар тезда энг ноёб, нодир нарсага айланарди, лекин келгусида босиладиган нусхалар сони шу қадар кўпайиб, уларни сақлаш усуллари эса шунчалик такомиллашиб ва кенгайиб кетдики, эндиликда ҳар бир китоб учун абадийлик сари барча шарт-шароитлар муҳайё. Ҳамонки адабий асарнинг биргина ягона нусхаси мавжуд экан, унинг йўқ бўлиб кетиши ҳақида гап бўлиши мумкинмас. Мутлақо тасодифан топилган Бакхилид ва Геронднинг шеърлари битилган папируслар бутунлай

унутиб юборилган бу икки қадимги замон шоирини ҳаётга қайтарди. Худди шунга ўхшаш воқеалар ёки китобхоннинг ногаҳоний қизиқиши унутилган ёки эътиборсиз қолдирилган у ёки бу муаллиф номи ва шуҳратининг қайта тикланишига сабаб бўлиши мумкин. Бугунги кунда ҳар қандай китоб, ҳаттоки оддий телефон абонентлари рўйхатномаси ҳам антик давр ва ўрта аср ёзувчилари олдида устунликка эга: у ўзига вақт ажратиб, уни бир неча ойлар давомида кўчириб чиқадиган меҳрибон қалб саховатига мухтож эмас.

Кимни ўқишни хоҳламасалар, уни кўчириб ёзмайдилар ҳам – худди шу сабабли бутун бошли адабий даврлар ва кўпгина жанрлар йўқ бўлиб кетган. Бизнинг Польшада бутун XVII аср завола топган; мевали ва баракали, янги шаклларга бой, тўлақонли ва сермазмун бу ҳақиқий «ўтоқ қилинмаган боғ» аввалига қитмир ва маккор цензура, кейин эса жамиятнинг лоқайдлиги сабабли тириклайин кўмилган эди. Пасекнинг «Хотиралар»и ва Потоцкийнинг «Хотиндаги уруш»и XIX асрдагина нашр этилиб, эски поляк тилини мактабда ўрганиш ва ҳаваскорларга ҳузур бағишлаш йўлида адабий ёдгорликларга айланган. Унутулиб кетгани боис улар поляк хикоячилик прозаси ва поляк эпик шеърлятини шакллантириш имкониятларидан мосуво бўлиб, бир қанча авлодлар уларни ўқиш имкониятидан маҳрум эдилар. Шунингдек, Збигнев Морштин поэзияси ҳам поляк ҳарбий лирикаси ривожига табиий таркибий қисм бўлиб қўшилолмади. Ва бундан ташқари, қўлёзма ҳолида қолиб кетган яна юзлаб асарлар бамисоли капалаклари қачон учиб чиқиши номаълум бўлган пиллаларни эслатади.

Адабий боқийлик суст ёки амалий, таъсирчан бўлиши мумкин. Биринчи шакл, бу – фақат мавжуд бўлиш, холос. Омборнинг инвентарлар рўйхатида фалон-фалон

рақам билан белгиланган қўлёзма ёки кутубхона тоқчаларидан, каталоглар ва библиографик нашрлардан муайян ўрин олган босиб бўлинган нусхаларнинг маълум бир сони – буларга агар вақти-вақти билан чангини артиб, тоқчадан-тоқчага олиб қўйилишини ёки титул варағидаги метрик маълумотлар текшириб турилишини ҳисобга олмаганда, асрлар давомида ҳам қўл тегизилмаслиги мумкин. Уларни кимлардир очиб, ўқигунга қадар, орадан қўп авлодлар ўтади ва ... иш ҳавола, изоҳлар ёзиб қўйиш ёки қисқача иктибос келтириш билан чекланади. Ва шунинг ўзи ҳам қўпгина китоблар учун муайян ютуқ ҳисобланади.

Бироқ инсон қалби ижод қилган ҳар бир асари яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган кучга эга. У мавжуд экан, уни фаол ҳаётга чорлайдиган, инсонлар ақл-идрокига таъсир кўрсатишга изн берадиган, синчковлик, кизиқиш, қувонч ва завқ-шавқ уйғотувчи шарт-шароитлар доим юзага келиши мумкин. Қўпинча замондошлар, баъзан муаллифнинг ўзи ҳам нуқсонли ва муваффақиятсиз чиққан деб ёқтирмаган асар башарти чиқинди саватчасидан ёки печкадан «кутулиб» қололган бўлса, энг сўнгги асрларга келиб, шон-шуҳратга сазовор бўлиши, билимдон ва омилкорлар уни ўтган даврнинг жонли овози сифатида қувонч билан қарши олишлари ва у ўз даври адабиётининг улкан парвозларига мансуб деб топилиши, ҳеч бўлмаганда, ўша давр ҳақида гувоҳлик берувчи қимматли ҳужжат сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ҳужжатнинг роли – жиддий склерозга учраган китобларнинг сўнгги умидидир. Нафақат қандайдир адабий хислатлардан маҳрум бўлган, балки ўз дунёсидан ажраб, фазодан ерга тушган жисмлар – метеоритлар сингари шуҳрати сўнган дурдона асарлар ҳам шу қадар оддий, ўртамиёна даражага тушиб қолади. Адабий асар чинакамига ҳаёт кечирishi учун уни яратган халқ ёки ҳеч бўлмаганда, шу халқнинг ма-

даний анъаналари барҳаёт бўлмоғи лозим. Қадимги Бобил эпоси «Гильгамеш» номукамал таржималарнинг ғира-шира тумани орқали ўқиб келинади, кўпчиликда у нафақат узок ўтган давр овози сифатида кизиқиш уйғотади, балки тўлқинлантириб, хаяжонга солади, ғоят даражада завқлантиради, аммо аслини олганда, ассирологларнинг¹ кичик бир гуруҳи учун илмий тадқиқот мавзуи бўлиб қолади, холос. Бу – қадимги Миср поэзияси дурдоналарига ҳам тааллуқлидир, улар қандайдир ибора, жумбокли, сирли истиора ёки тоналлик (оҳангдошлик)ка мафтун бўлган замонавий шоир қалами остида олис ифода тарзида онда-сонда пайдо бўлиб қолади, бироқ улар ҳеч қачон ҳозирги замон кишисига хос маънавий қадриятларнинг ҳаётбахш даврасига кира олмайди, чунки энди на бобилликлар, на қадимги мисрликлар ва на ана шу адабий ёдгорликлар замирида ўз миллий даҳоларининг асарларини кўриб, билиб, қадрлай оладиган халқ онг, шуури мавжуд эмас, улар қачонлардир яшаган ерларда умр кечираётган халқлар эса, уларнинг анъаналарини ўрганиб олмаган ва умуман, бу анъаналарни ҳеч ким ҳеч қаерда давом эттирмаган. Агар Византия юнон анъаналарини сақлаб қолмаганида, роман халқлари латин тилини қабул қилиб, ўзлаштирмаганларида, антик адабиёт ҳам худди шундай аҳволга тушган бўлар эди.

Адабий асар янги, келаси авлодлар дилида янги-ланиш ва ўзгаришларга қодир қобилиятини йўқотмас экан, у ҳақиқий боқийликка даҳлдор бўлиб қолаверади. Китоблар асрлар давомида турли хил ва фавқулодда, хайратланарли тақдир-қисматларни бошидан кечирган. Мабодо бирорта адабий асар «Илиада», «Энеида», «Илоҳий комедия» каби шунчалик

¹ Ассиролог – қадимги Месопотамиядаги Ассирия халқларининг тарихи, адабиёти, тили ва ёзувларини ўрганувчи фан – ассирология мутахассиси.

узоқ умр кўрган бўлса, демак, у тобора янгича мазмун касб эта бориб, бир неча бор ўзгаришларга юз тутган. Хомернинг замондошлари қайси ёки қандай «Илиада»ни билишган, ким топади? Худди ўша овозлар, худди ўша сўзлар ва шеърлар, антик давр руҳи маъбудлар, қадимий урф-одатларнинг излари, эскича дунёқарашларнинг кўланкалари билан ҳамон бирга яшаб келаркан, ҳар бир юзйилликда ўзгача, лекин албатта олдингиларига нимаси биландир ўхшаш бўлган тасаввурлар уйғотган. Хомер ўрта асрлардан бошлаб, дам узоқлашиб, дам яқинлашган, гоҳ юксалиб, гоҳ пасайган – у бутун XIX аср мобайнида филологлар учун вивисекция (*тирик организмни илмий мақсадларда ёриб текшириш – тарж.*) мавзуи сифатида хизмат қилган бўлса, бизнинг давримизга келиб, яна ҳаётга қайтди. Уни оқин, бахшиларга ўхшаб, халқона либос кийиб юрган дейишади, шу билан бирга, худди сарой шоири каби, кўшк ва қасрларга ҳам бемалол қадам ранжида қилиб юрган.

Компаратив ўзининг «Вергилий ўрта асрларда» номли фантастик романга ўхшаш асариди Рим шоирининг ўрта асрдаги диний эътиқодлар, хурофот, бидъат, ирим-сиримлар ва сохта тасаввурлар аро олам кезишлари, жаҳонгашталиги, сафар-саёҳатлари ҳақида ҳикоя қилади. Тўртинчи эклога (шеърини диалог) муаллифи Нажоткорнинг даракчиси эканлиги маълум бўлади ва унинг ҳақида шундай қуйлашган:

*Бизга сен, хушхабарлар жарчиси Марон,
Исо Масих келишидан берурсан дарак.*

Вергилий сеҳргар, афсунгар, жодугар, кўнгил сирларини очувчи донишманд бўлган, инсоният айрим кашфиёт ва ихтироларни унинг номи билан боғлаб, ҳозирга қадар беҳуда зориқиб кутади. Данте унинг киёфасида жаҳаннам ва маҳшаргоҳ бўйлаб йўл бош-

ловчини кўради. Афсоналардан фориф бўлган шоир Уйғониш даврида оддий ва ҳалол шон-шухратга эришиб, барчани ўз соясида қолдиради. У романтизмнинг гуркираган пайтида антик давр классиклари билан ёнма-ён дафн этилган, узок вақт Ҳомернинг мулозимларига қуролбардорлик қилиб, мухтожликда кун кечирган.

Овидийни кўпчилик поляк деб тасаввур қилган. Икки дона шеърида сармат тилини ўрганганини тилга олиши биланоқ, содда, гўл аждодларимиз унга поляк фуқаролигини берворишган. Беўхшов тарзда сохталаштирилган археологик ҳужжатларга кўра, у гўё Польшада дафн этилганмиш ва бу хато фикр хийла узок вақт ҳукм суриб, ҳатто Вишневский ва Белевский сингари жиддий олимлар ҳам ундан воз кечишни исташмаган.

Адабий асарларга ҳар хил ранг, оҳанг, тусдаги завқ-шавқ ва лоқайдлик, муҳаббат ва нафрат туйғулари бутун умр бўйи ҳамроҳлик қилади. Диний тасаввурлар, сиёсий тузум, ижтимоий доктрина (таълимот, назария)лар, мода ва урф-одатларнинг ҳар қандай ўзгаришлари дарҳол асар шаклига таъсир қилгандай бўлади ва унга янгича мазмунни мажбуран қабул қилдиради. «Ҳамлет» матнига нималарни ёзиб-чизиб, қўшиб, киритишмаган дейсиз! Ахир, унинг муаллифи, асрлар оша ўтаётиб, ҳатто ўз номини ҳам йўқотиб қўймадими? Қачонлардир янги Компаретти пайдо бўлиб, Шекспирнинг жўшқинликда Овидийникидан қолишмайдиган метаморфозаларини тўплайди-да, таърифлаб, баён қилиб беради. Агар хотирам панд бермаса, Маколей Макиавеллининг вафотидан кейинги тақдири ҳақида очерк ёзган, маълум бўлишича, инглиз тилидаги иблис, шайтон номларидан бири унинг исмидан келиб чиққан экан.

Адабий асар тақдири кутилмаган воқеа, ҳодиса, тасодифларга тўла. Ҳар бир асарнинг ўз ўқувчиси

бўлиб, у асрлар давомида муттасил ўзгариб боради. Асарнинг жамиятдаги барча табақалар, хатто замондошлар томонидан бирдай эътироф этилиши ва тан олиниши камдан-кам учрайди. Бу – Вальтер Скотт ва Сенкевич асарларига насиб қилган, биринчисини Гёте ва дағал, қўпол шотланд фермерлари баравар севиб мутолаа қилишган бўлса, иккинчисининг «Трилогия»-сини ўқиётиб, нафақат граф Тарновский, балки унинг ер-мулкларидagi дехқонлар ҳам кўз ёши тўкишган экан. Одатда асар дастлаб бир ижтимоий гуруҳнинг мулкига айланади, сўнг эса уни бошқалар ҳам берилиб ўқий бошлайди – «Робинзон Крузо»ни аввалига ақлли, бамаъни, мулоҳазали мешчанлар ўқишган, кейин у болаларни ҳам ўзига жалб этиб, кизиқтириб қўйган. Косово даласи ҳақидаги ёки «Калевала» сингари халқ қўшиқлари аслида дехқон кулбаларида туғиладди, сўнгра тез орада унутилгач, олимлар томон кўчиб боради. Ўрта аср рицарлар эпоси сарой амалдорлари ва маълумотли, жанговар рицарлар учун мўлжаллаб ёзилган, бугунги кунда эса унга фақат олимлар билан ёзувчилар кизиқади, холос. Агар умумтаълим мактаби бўлмаганда, барча классикларнинг бошига ҳам худди шу кун тушган бўлар эди.

Мумтоз адиблар ҳар бир адабиётда бор ва ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир ёзувчи қачонлардир уларнинг қаторига қўшилишига умид қиладди. Бирок классиклар ҳам ҳар хил бўлади. Ҳақиқий даҳолар билан ёнма-ён сийқаси чиққан гапларни такрорловчи, ҳаммани ўзига қаратишни яхши кўрадиган сўзамол маҳмадоналарни ҳам, силлик ва бежамадор қилиб ёзадиганларни ҳам, шаклбозликка берилган сноб (қуруқ олифта)ларни ҳам, жазавага тушадиган қийшанғи, қилиқдор, таманноларни ҳам учратиш мумкин. Эсимда, адабий ассамблеяларнинг бирида Каден-Бандровский Маринеттини «футуризм классиги» деб атаганида, унинг ёлғондакам жаҳли чиққанди,

холос. Келажакда бунинг ҳақиқатга айланиши учун кўп нарса керак эмас. Ёзувчилар китобхонларнинг уларга ўрганиши, қайта текшириб бўлмайдиган фикр, мулоҳазалар билан қўллаб-қувватладиган обрў-этиборлари ва кўпинча – мактаб туфайли классикка айланадилар. Ливий Андроник ўз «Одиссея»си билан Рим мактабида бир неча юз йиллар ўзини тутиб тура олди, унинг сатура шеъри¹ акс садосини эса навқирон Хорацийнинг ижодидаёқ эшитиш мумкин бўлган. Польшада нашриётлар мутлақо кутилмаган ёзувчиларга сахийлик билан классик деган номни инъом қилиб юборавради, бу билан гўё улар ҳар бир ўлган ёзувчи шундай номга сазовор деб ўйлашармикин, деган таассурот туғилади ва бу нарса газета таъзияномасидаги «янги ўлганларнинг» китобий версиясига ўхшай бошлайди. Ҳар қандай мамлакатда мактаб кўплаб ёзувчиларнинг боқийлигини ёки жуда узок яшашини таъминлайди, қадимгиларни эса, айниқса, лотин адибларини илоҳга айлантириб ҳам юборган. Илк ёшликнинг қуёшли ёғдусидан мунаввар мактабдаги ўқувчилик йиллари кейинчалик хотираларга кўчиб, бизларни қачонлардир адабиёт билан ошно қилган китобчаларга нисбатан ғоят нафис, нозик хис-туйғу уйғотади, – бу китобчаларда, таъбир жоиз бўлса, умр баҳорининг гулчанглари қолади ва кимдир агар ушбу маънавий қадриятларнинг меросий иерархиясини менсимамай бузадиган бўлса, биз буни муқаддас нарсаларни таҳқирлаш деб биламиз.

Аммо ўзимизни ўзимиз алдамайлик: ушбу яхши кўрган нарсамиз кўпинча ёдгорликларда ёки кўчаларнинг номларида кўзга ташланиб турадиган муаллифларнинг исм-шарифлари билан чекланиб, ёдимизда асарларининг номларидан бошқа ҳеч вақо қолмайди. Энг қадрланадиган китоблар, одатда, энг

¹ Сатура шеър – қадимги Римдаги театрга хос жанр: у диалоглар, пантомима, мусика ва рақслардан иборат бўлган.

кўп ўқиладиганлар сирасига крмайди. Лессингнинг машхур эпиграммаси бор:

*Клопштокни иззат-ҳурмат қиласиз.
Лек борми бирор марта уни ўқиган?
Қадрламанг бизларни юксак, яхшиси,
Ўқиб туринг, онда-сонда бўлса ҳам.*

Ҳа, албатта яхши тилак. Адабиёт клопштокларга, эъозланишга муносиб эсдалик, ёдгорликларга, табаррук сиймоларга тўла, уларни ёд этиб, ҳурмат-эҳтиром ила ардоқлаш авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади, бу ҳақдаги докторлик диссертациялари, мактаб дарсликларидан олинган парчалар ва қўшимча батафсил биографик маълумотлар билан тўлдирилиб, қўллаб-қувватлаб борилади. Бу боқийлик дорихона ҳапдорилари ва препаратларининг дозаларида ҳам мужассам, уни ёзиб бериш – умумий таълимни қўллаб-қувватлаш демакдир. Баайни тошкотган бундай шаклдаги шон-шуҳрат қачонлардир жуда кўпсонли, сон-саноксиз, жонли, оташин ёзувчилар учун тақдир-қисматга айланган. Бугунги кунда эса улар адабиёт ландшафтида худди сўниб қолган вулқонлар каби туришибди.

Ўтган асрларнинг баъзи бир ёзувчилари келажак авлодлар олдидаги ўз шон-шуҳратларига қанчалик ҳайрон бўлиб қараган бўлишарди, буни гоҳида ўзимча тасаввур қилгим келади. Мадам де Севиньи энг аввало «Расин модаси худди қахваники каби ўтиб кетади» деб айтган аҳмоқона даъвосига ишонч ҳосил қилган, сўнг эҳтимол, ўзининг интим мактублари шунчалик машхур бўлиб кетганини билгач, ниҳоят, француз прозасининг классиклари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаганидан қониқиш ҳосил қилган бўлармиди. Ян Хризостом Пасек ўз кундаликлари авлодлар эҳтиромида эканлигидан янаям кўпроқ хайрон бўлган, унинг инглиз ҳамкасби Сэмюэл Пипс эса ўзининг шифрланган ёзувлари узра

қад кўтарган нашр ва шархлардан иборат бўлган бутун бошли кутубхонани ҳозирги замоннинг энг катта галатиликларидан бири деб ҳисоблаган бўларди балки. Петрарка ва Боккаччо ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарфлаб, кечаю кундуз меҳнат қилиб яратган лотин тилидаги асарларининг хазон бўлиб, завол топганига, вафотларидан кейинги шон-шуҳратлари эса бириники сонетлар, бошқасиники – назарга илинмайдиган «бузилган, дағал ва қўпол» тилда ёзилган новеллалар туфайли эканига маъюслик билан амин бўлган бўлардилар. Аммо Вальтер ўзининг улкан меросидан келажак авлодлар бир неча юққагина жилдларни танлаб олишганини билгач, ўзининг зийраклиги ва олдиндан кўра билиш қобилиятидан мағрурланган бўларди, чунки у доим «боқийликка унча катта бўлмаган багаж билан борилади» деб юргучи эди.

Охирги гап – жуда тўғри. Ҳар бир авлод ўзига яқин бўлган замондошларининг китобларига эга бўлган ҳолда, аждодларнинг буюк ҳурматини камроқ харажатлар билан англаб, тушуниб етишга ҳаракат қилади ва шунинг учун ҳам қадимги замон ёзувчиларининг кўпжилдли опус (*бадийий ёки илмий асар – тарж.*) лари ўрнига деярли ирим қилиб, кичикроқ асарларини танлаб олади. Вальтер Скоттнинг тўла асарлар тўпламига кўмилиб, мутолаасига берилишга бугунги кунда ким ҳам журъат қила оларди? Ҳозирги замон романларининг йирик туркумларига ҳам, эҳтимол, роман жанрининг ўзига ям худди шундай хавф-хатар таҳдид қилиб тургандир. Мана, юз йилдирки, роман бадийий адабиётда бошқа жанрлар зиёнига бўлса-да, ҳамон ҳукмронлик қилиб келмоқда, лекин унинг қачонлардир назардан қолишини тасаввур қилиш жуда осон. Буюк романнависларнинг шон-шуҳрати бора-бора сўнади ва одамлар бир вақтлар Бальзак музейи ташкил этилиб, Пруст асарлари учун изоҳли луғатлар нашр қилинганидан ҳайратга тушадилар.

Хораций ўз фикрига кўра, эҳтимол, дунё тургунча турадиган Рим ҳали мавжуд экан, ўзининг шон-шухратга эришишини олдиндан айтиб, башорат қилган. Ундан кейин ҳам шунга ўхшаш гаплар тез-тез такрорланиб турган, аммо вақт ўтиши билан минг йиллик тажриба адабиётни камтарликка ўргатди чоғи, жуда узок келажакка назар ташлашга ҳеч кимнинг юраги бетламай қолди.

Бироқ кимдир агар Ибсеннинг олдида адабий шон-шухратнинг ўткинчи эканлиги ҳақида гапиргудай бўлса, ёмон аччиғи келар, — унга ўн минг йил ҳам камлик қиларди. Гонкур эса ундан ҳам ошиб тушди. У гўё ер шарининг қачонлардир совиб, муз билан қопланиши ва унинг қор босган китобчалари ўлик коинот бўйлаб мудом айланиб юриши ҳақида Фламарион айтган гапларга ишонишни мутлақо истамасди. Қалб боқийлигига ишонмаса-да, лекин адабий боқийликдан воз кечишни хоҳламас эди. Шу аснода қанақадир тўрт минг йил ҳақида эмас — бу Хомер учун яхши — ва Ибсенни бир оз тинчлантирувчи икки юз аср ҳақида ҳам орзу қилмасди, — ахир, шу қадар арзимас баҳо учун ҳаёт шодликларилан воз кечиш тўғримикин? Бунинг ўрнига ичиш, севиш ва тинмай ишлаб, ўз ҳаётингни захарлагандан кўра, таралабедод қилиб юрган маъқул эмасми.

Гонкур бу ерда охириги сўзни айтмаган. Охириги сўз ундан бир қадар олдин, яъни Гонкурдан бир неча асрлар аввал — XV асрда итальян гуманистлари томонидан айтиб бўлинган эди. Улар хотинларини ўтмишидан рашк қилувчи эрлар каби азоб-уқубат чекишга қодир эдилар. «Инсон, — деган эди улардан бири, — тоабад ҳамманинг овзида қолишга ҳаракат қилади. У ўтмишда ҳам, барча мамлакатларда ҳам ва ҳатто ёввойи, йиртқич ҳайвонлар орасида ҳам машҳур бўла олмасликдан қийналади...» Бу кулгили эмас, балки

инсон табиатига ғоят хос бўлган тушунча: одам абадий бир нима ижод илаётганига ўзи ишқимонли лозим.

Ҳиндистон Британия империясига қўшиб олинган лаззатли кунларда Карлейль ўз ватандошларига шундай савол билан мурожаат қилган: «Инглизлар, сиз қайси биридан воз кечган бўлардингиз: Ҳиндистонданми ёки Шекспирдан? Нимани афзал қўрган бўлардингиз: Ҳиндистонсиз қолишни ёки Шекспирсиз? Биламан, давлат арбоблари ўз тилида жавоб беради, бизнинг жавобимиз эса бундай: бизлар Шекспирсиз қололмаймиз. Ҳали шундай кун келадики, Ҳиндистон бизга қарашли бўлмай қолади, аммо Шекспир ҳар доим яшайди, у абадий қолади». Энди Англиянинг ҳинд мустамлақаси йўқ. Демак, Карлейль овози «давлат арбоблари» эриша олмайдиган юксак ақл-идрок овози эди. Шекспир салтанати нафақат яшашда давом этмоқда, балки ўз сарҳадларини ҳам тобора кенгайтириб бормоқда. У энг дағал, энг дадил империалист орзу ҳам қилолмайдиган мамлакатларни қамраб олди.

Шекспирга ўхшаш дохий, йўлбошчилар, қироллар, истилочи, жаҳонгирлар тарихда кўп бўлган. Ҳомер барча мустақил ва бир-бирига душман бўлган майда юнон давлатларининг фуқаролари устидан ягона ҳукмдор, бутун Элладанинг қироли эди, ундан бошқа ҳеч ким ўз ватанини бирлаштиришга муваффақ бўлолмаган. Данте ўз ижоди ва тили билан Италияни сиёсий қайта бирлашишидан олти юз йил олдин қайтадан бирлаштира олди. Буюк поляк романтиклари Мицкевич, Словацкий ва Красинский томонидан ўша даврда географик харитада мавжуд бўлмаган Польша яратилган эди. Ёзувчининг сўзлари сулолалар ва қабилаларни ўзаро бир-бири билан боғлаган, адолат учун курашган, кишанларни парчалаб, халқларни озодликка чиқарган. Байрон грекларга илҳом бахш этган. Эскирган мактаб тизимларини ислоҳ қилиш, фабрика ишчилари ва ти-

кувчи аёлларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, кулликни бекор қилиш Диккенс, Элизабет Браунинг ва Гарриет Бичер-Стоунинг доимий иши бўлган. Руссо француз инқилобини тайёрлаган. Рус халқи ўзининг улуғ ёзувчилари кўмагида озодлик сари дадил борган. «Махобҳората»даги каби, Савитра ёки Нал ва Дамаянти ҳақидаги хикояларда ҳам фалсафа ва этика хинд қалбига чуқур сингиб кетган. Конфуций ақл-заковати ўз ифодасини топган, юксак махорат билан айтилган ҳикматлар асосида 2500 йил давомида хитой халқининг урф-одатлари, ахлоқ, одоб ва ҳаётий донишмандлиги шаклланиб, вужудга келган.

Сўз – куч-қудрат манбаи. Ёзув орқали абадийлаштирилар экан, у кишиларнинг тафаккури ва орзу-умидлари узра куч-қудратга эга бўлади ва бу сўз санъати куч-қудрат чегараларини ўлчаб ҳам, тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Сўз макон ва замон устидан ҳукмронлик қилади. Аммо тафаккур ҳарфлар «тўри»да бўлган пайтдагина яшайди ва амал қилади. Барча қолганлари эса шамолга соврилиб кетади. Инсоннинг тафаккурий тараққиёти, ақл-идрок, заковати эришган ютуқлар оппоқ қоғоз бағридаги ана шу нимжонгина ҳарфлардан туғилган. Маданият қон томирларида сиёҳ томчилари гупириб туради. Бу ҳақда ўйламаган ёзувчи ёмон, ўз асари ҳаётининг бардавомлигини ўткинчи лаҳзалар билан ўлчайдиган ёзувчи ҳам ёмон, агар лаҳза унга юз йил – бир асрга тенг мажбуриятлар ва худди ўшанчалик маъсулият юклашини ўйламаса, буям ёмон. Кимки ўз асари устида уни «aere perennius» – «бронзадан абадийроқ» кўриб, ишламас экан, кимки ёзаётган асарига арзимас нарсадай қараб, ўз ишончини поймол қиларкан, ундай одам қўлига қалам олмаслиги лозим, чунки у – ёмон, зарарли нарсаларнинг уруғини сепувчи, тарқатувчидир.

МУНДАРИЖА

Озод Шарафиддинов таржимаси

Муқаддима	3
Иқтидор	11
Турмуш	50

Мирзаали Акбаров таржимаси

Ишхона	108
Илҳом	143
Иш.....	153
Суз	189
Касб сирлари.....	218
Адабиёт материали	242
Адабий лабораториялар	268
Услубиёт	292
Илк ғоядан то сўнги фикрга қадар.....	335
Яширин иттифоқчи	379
Шон-шухрат ва боқийлик.....	425

Адабий-бадiiй нашр

ЯН ПАРАНДОВСКИЙ

СЎЗ КИМЁСИ

Роман-эссе

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадiiй муҳаррир
Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 23.02.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 14.5 Шартли босма табағи 24.36

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 22.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

Сўзнинг инсон ҳаёти ва ижодиётидаги ўрни, яъни сўзнинг асл рутбаси – мақоми борасидаги фалсафий мушоҳадалар доимо инсониятни ҳайратлантириб келган. Сўз Аллоҳ иродаси билан азалдан қиймат ва мартаба бобида энг юксак аршдан, яъни Аллоҳнинг «Лавҳи маҳфуз»идан жой олган. Зеро, илм сўздан келиб чиққан, йўқ бўлмайдиган, безавол, доимий, абадийдир: «Ўз кўзинг билан боқ ўзингга, сўзга ўралгин. Дунё одамлардан эмас холи. Икки оламнинг асоси Сўздир, чунки Сўз Ҳақдан мужда бўлиб келди. Ахир, арши аълода битилган «Лавҳи маҳфуз» ҳам Сўздир. Ҳамма нарса Сўздан ижод этилган ва Сўзга қайтади».

Фаридуддин Аттор



www.book.uz

ISBN 978-9943-20-642-7



9 789943 206427